

**ШАВКАТ  
ИШАНКУЛОВИЧ ХАЙТОВ**

**Ўзбекистон  
фалсафа тарихи**

**«NOSHIR»  
Тошкент - 2011**

УДК: 1(575.1)(09)

ББК 87.3(5Ў)

X-18

Хантов, Шавкат Ишанкулович.

Ўзбекистон фалсафа тарихи / Ш.И. Хантов. – Т.:  
«Noshir», 2011. 560 бет.

Масъул муҳаррир:

академик С. Шермухамедов

Тақризчилар:

ф.ф.д. проф. Р. Носиров

ф.ф.д. В. Алимасов

Китоб Ўзбекистон фалсафа тарихи генезисига асос бўлган табиий-географик, тарихий шарт-шароитлар, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни, роли, аҳамияти, ўзига хослиги, бошқа халқлар фалсафасининг шаклланишига ижобий, бунёдкорлик таъсири, Фергантроп - илк қадимги одам, унинг тарқалиш ҳудуди, Ўзбекистоннинг илк инсоният цивилизациясига дахлдорлиги ва юқоридагилар асосида Ўзбекистон тарихи 1 500 000 йилдан ортиқлиги муаллиф томонидан илмий истеъмолга киритилган фалсафанинг кўрсатиш методи нуқтан назаридан тадқиқ қилинган дастлабки илмий фаолият натижасидир.

Китобда Ўзбекистон фалсафа тарихи илк маротаба тадқиқот объекти сифатида олинган бўлиб, «Ўзбекистон фалсафаси», «Ўзбекистон фалсафа тарихи» иборалари, «Фергантроп», «Тошкенттроп», «спойкандийлар», «термизийлар», «самарқандийлар», «хиваийлар», «марвонийлар», «навоийлар», «китабийлар», «зомирийлар», «форобийлар», «авижонийлар», «воькандийлар», «паршахийлар», «карманийлар», «касабийлар», «шихонийлар», «нақшбандийлар», «навоийлар», «косонийлар», «дабусийлар», «мотуридийлар», «кошонийлар», «чурийлар», «ховосийлар» фалсафа мактаблари ҳамда «Зардушт халқаро фалсафа академияси», «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муъййра ал-Бухорий халқаро фалсафа академияси», «Сомонийлар халқаро фалсафа академияси», «Рухайдан Даврон Термизий аёллар фалсафа академияси», «Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун Хоразм халқаро фалсафа академияси», «Мирзо Улуғбек халқаро фалсафа академияси» каби атама ва иборалар илк бора илмий истеъмолга киритилди, янги манба, материаллар ва миллий гоё тамойиллари талаби асосида қисқача изоҳланди.

Мазкур тадқиқотда жаҳон ва мамлакатимиз фалсафаси аналогли бўлмаган объект сифатида илк бора тадқиқ қилинаётганлиги ҳамда ҳозирги даврда тўпланган материаллар ниҳоятда кўпчилиги учун Ўзбекистон фалсафа тарихи мажмуаси таркибига қимлар киришига (уларнинг фалсафий қарашларининг таҳлилини беришга минглаб китоблар қамлик қилди) устуворлик берилган.

Китоб илмларварлар, файласуфлар ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номлидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти Илмий кенгашининг 2011 йил 28 январдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишига тавсия этилган.*

Муросанинг  
макон ва замондаги  
логикаси

*Йўқни бор қилиш  
чорасизлиги кўндаланг  
турганда, борни йўқ қилишга  
мутлоқо изн берилмагани  
маъқул*

*Биз ким,  
Мулки Турон Амири  
Туркистонмиз,  
Биз ким, мевлавларнинг  
энг қадими ва энг улуғи  
Туркнинг бош бўгинимиз*

*Амир Темур*



*Тонг Шарқдан отади, Қуёш Шарқдан чиқади, маданият ва цивилизация ҳам, жумладан, Шарқдан, Ўзбекистондан таралган...*

**Федерико Майор – ЮНЕСКО Бош директори**

*Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишида Шарқ маънавияти кўтаришган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг «чуғур-чуғури» даражасидадир.*

**Ольденбург - XX аср бошларида яшаб, ижод қилган рус шарқшунос файласуфи**

*Амир Темурнинг бешигини тебратган заминда, X-XI асрлардаёқ фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, география, назм ва тарихнавислик борасида жаҳоншумул асарлар яратилган. Бу беқиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа Уйғониши даврига туртки берди ва Европа илм-фани камол топишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.*

**Хилда Хукхем - машҳур инглиз олимаси**

*Европаликлар мусулмон маданиятидан, ...айниқса, фалсафа ва тиббиёт соҳасида, ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ. Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижобий таъсири ва қўламини пасайтириши, ҳатто тамоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тан олишига мажбур қилади. Буни яшириши ёки тан олмаслик сохта гурудан бошқа ҳеч нарса эмас.*

**М.Уотт – ирландиялик исломшунос олим**

*...ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Бунинг исботи – биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жаҳон, бутун башарият тан олган улуг олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улуг соҳибқирон ва саркардалар. Бунинг замини – кўнни кўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг ҳам адабини берган, бугун ҳам ҳушёр ва сезгир бўлиб, тинч ҳаёт кечираётган бунёдкор халқимиздир.*

*Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан гофил этишига уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишидан, ҳуррият учун курашишидан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.*

*Халқимизнинг маънавий пойдевори – бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Ганнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим одалар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!*

*Биз боиқаларни камситиши ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар таъкил этилиб, магрибу машириққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча гурурлансак арзийди.*

*Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўнгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавий нуқтаи назардан қараганда улкан гурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонилизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгалмиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган.*

*...маданиятимиз, тарихимиз - бизнинг энг катта, кўз қорачигидек асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, шқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар одални, жамиятнинг маънан ёшартириб турадиган бебаҳо неъматлардир. Ана шу неъматдан ҳар бир кишини баҳраманд этиши биз қураётган жамиятнинг асосий мақсадидир.*

*Биз нега тарихий қадриятларимизга, буюк бобокалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришига, танитишига ҳаракат қилдик? Мақсад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана иау табарруқ зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган савол ўтсин. Улар шу қадар буюқ мерос қолдирибди, менадан нима қолади, деган тўйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин.*

*...давлатчилик тарихимиз туб бурилиши палласига кирган бир пайтда ўзлигининг замон ва макондаги ўрнини аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми? Ўйини, юртимизда фаол меҳнат қилаётган муҳтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргаликда, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми?*

*Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапирётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишимаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.*

*...биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожини замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишига мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиши чораларини кўришимиз лозим.*

*Эски замоннинг бизга қолдирган асорати нимадап иборат, деб сўраиса, мен, боқимандалик дер эдим. Боқимандалик, айтайлик фақат моддий масалалардагина эмас, умуман, гоёлар бўйича ҳам бор, яъни кимдир келиб бизни бошқаради, ақл ўргатади, йўл кўрсатади, бизнинг юмушларимизни бажариб беради, бизни йўналтириб, етаклаб юради ва биз ҳаётни шу тариқа қураимиз, деган гаплар эски замонда қолган.*

*Ўзимизда ҳам бутун дунёга тиббий йўлланма берган Ибн Синодек алламаларимиздан қанчадан-қанча бой маънавий мерос қолган. Лекин қани улар? Бугунги ўқувчи улардан хабардорми? Биз шу масалада керакли одамларнинг бошини қовуштириб, уларнинг меҳнатини юзага чиқарсак бўлмайdimи?*

*...бизда бир эмас, иккита файласуфлар жамияти, махсус Фалсафа ва ҳуқуқ институти, олий ўқув юртларидаги фалсафа кафедраларида ишлаётган юзлаб фан номзодлари ва докторлари, профессорлар бор-ку!*

*Мустамлакачилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккирларни саводсиз, жоҳил, илму маърифат дуимани деб таҳқир этишига уриндилар.*

*Афсуски, кўҳна Шарқда доврўқ таратган бу улўғ ишбиларнинг шарафли ҳаёти, ибратли таълимоти ҳақида тўла маълумот берадиган эътиборга молик бирон китоб ўзимизда ҳали яратилганича йўқ, уларнинг қилматли асарлари ҳам нашир этилмаган. Ваҳоланки, халқимизда шундай китобларга катта эҳтиёж бор. Бу зотлар қандай улўғ мутафаккир бўлганини, қандай эзгу ишлар қилганини халқимиз, айниқса, ёшларимиз атрофлича билишлари лозим. Шу соҳа мутахассисларини сафарбар этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ана шу ноёб илмий меросимизни чуқур ўрганиши, нашир этиб, халққа етказишини жадаллаштириши зарур.*

*...давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириши... фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириши, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа*

*Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар – ўз йўлига. Уларни ҳал этиши мумкин. Халқнинг таълимотини ҳам амаллаб туриши мум-*

кин. Алмо, маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!

*Албатта, фалсафа заман ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага таишлайлик, муҳокама қилайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин.*

*Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқарашини, гоёси, маслак-муддаоларини билиш учун фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроолантириш – давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва гоёси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман.*

*Дарҳақиқат, фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунамайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор.*

*...қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.*

*Ўзбекистон – муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиши – бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳалмалмизни қувонтиради.*

**\*\*\***

*Тарихий ишон-шухратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тугган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишига эътибор бераётганимиз ҳам – бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.*

*... четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболагасиз айтиши мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда бари-бир, бир қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб бергилар.*

*Собиқ марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар маҳаллий аҳолисини “совет халқи”га, яғни халққа айлантириши билан боғлиқ сиёсатидаги ўзбек халқи ниманинг ҳисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди? Бу ҳақда олимлар ўйлаб кўрганлилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни кўндаланг қўйганлилар? Афсуски, йўқ.*

**Ислом Каримов**

---

## Сўз боши

*Биз Шарқ фарзанди эканлигимиздан, ўзимизнинг урф-одатларимиздан фахрланамиз. Миллий қадриятларимизни асраш ва ҳеч қачон унутмаслик ҳақида ота-боболаримиздан тарбия олганмиз. Энди эса буни болаларимизга ҳам ўргатаймиз.*

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида фан вакиллари, хусусан, ижтимоий-гуманитар фан олимлари аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган самарали ҳиссаларини жаҳон ҳамжамиятига, жамият аъзоларига, айниқса ёшларга кенг тарғиб-ташвиқ қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. «Ўзбекистон фалсафа тарихи» китоби худди шу кўрсатманинг фалсафа фани доирасидаги масалаларига бағишланган.

Азиз ўқувчиларга тақдим қилинаётган китобнинг ўз тарихи бор. Ундаги айрим илмий-назарий хулосаларнинг дастлабки қисқа асослари Шавкат Ишанкулович Хаитовнинг 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ноширлик бўлимида чоп этилган «Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш» деб номланган китобида баён қилинган. Кези келганда, китобнинг «Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш», деб номланишига изоҳ бериш ўринлидир. Чунки мазкур ибора илк марта илмий истеъмолга киритилган. Бунда айрим ўзбекистонлик олимларимиз «муроса» атамаси олдин ҳам ўзбек тилининг илмий истеъмолида мавжуд бўлган, деб эътироз билдиришлари табиий. Яъни, биз илмий истеъмол деганда иборанинг кенг маънода, халқаро илмий истеъмоли тарзида қўлланилганлигини («муроса» атамаси мураккаб, кенгқамровли, нафақат мамлакатимиз илм аҳли, балки жаҳон фан фалсафасида умуман назарий, илмий, амалий ўрганилмаганлиги, уни хорижий тилларда муқобили бўлмаганлиги бонс, аслиятда, таржимасиз қўллаш зарурли-

ги ғояси илгари сурилган ҳамда амалиётга киритилган<sup>1</sup>) тушунамиз. Бу биринчидан.

**Иккинчидан**, ушбу китобда «Ўзбекистон фалсафа тарихи» ибораси нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон фалсафа тарихи илмий истеъмолига ҳам илк бора киритилган, ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилинган.

**Учинчидан**, жаҳон фалсафасида буюкликка даъвогарлик қиладиганлар (айниқса Ғарб фалсафаси вакиллари) олдига масаланинг жиддийлигини эътироф қилган ҳолда цивилизация бешикларидан бири Ўзбекистон эканлигини кескин қўймасдан, шарқона мураса принципи ва тамойиллари доирасида асослаш, тушунтириш, кўрсатиш мақсадида китоб «Мураса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш», деб номланган эди.

**Тўртинчидан**, *барча халқ, миллат, давлат, жамият ва шахснинг ўз фалсафаси мавжуд, деган ғоя илгари сурилган*. Мазкур ғоянинг устуворлиги доирасида илмий тадқиқ қилинган (чунки ҳозирга қадар Ғарбнинг ташаббуси билан жаҳон, жумладан мамлакатимиздаги фалсафага онд монография, рисола, дарелик, ўқув қўлланма, мақолаларда фақат Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнон давлатлари, немис, инглиз, француз, рус ва инглизларнинг фалсафасини ўрганиш устуворлик қилиб келган) ҳамда Ўзбекистон фалсафаси тарихи мисолида ҳар томонлама асосланган. Бир сўз билан айтганда, «Мураса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш» тадқиқотида объект Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири эканлиги (бу мақсадга фаннинг ҳозирги ривожланиш динамикасидаги ҳар томонлама исботланган фактлар негизида тўла эришилган), унинг предмети миллий ғоя тамойиллари талаби доирасида Ғарбнинг барча соҳаларда, жумладан, фан, хусусан, фалсафа йўналишидаги биринчилиги ғояси ва хатти-ҳаракати асоссизлиги, юртимиз илк бора фалсафа фани асослари илмий жиҳатдан шакланган ҳудуддан бири ҳамда у антик грек фалсафасининг қарор топишида манба (Авесто) эканлигини тадқиқ этиш бўлган ва бунга тўла эришилган.

---

<sup>1</sup> *Ҳаитов Ш.И.* Мураса и введение в историю философии Узбекистана. – Уфа: «БГПУ», 2010. – 320 с.



Бешинцидан, «Араблар юнон фалсафасини махсус ўрганганлар (Хорун ар-Рашид давридаги «Таржимонлар мактаби»). Улар жаҳон фалсафасини юнон фалсафасидан олдинги ривожни тўғрисида маълумотга эга бўлмаганлар. Шу боис Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндий (800 – 879) фалсафани ўрганиш тўғрисида шундай деган: «Фалсафани ўрганиш, уни ўзлаштириш ва асослаш ниятидаги киши юнон Аристотел (Арасту)нинг фалсафий китобларисиз бунга эриша олмайди»<sup>2</sup>. Муаллиф бу йўналишда қуйидаги долзарб фикрларни илгари суриб ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларини, хусусан, файласуфларни сергакликка, огоҳликка, ҳушёрликка чақиради: араблар юнон фалсафасининг шаклланишига Авестонинг таъсирини билган, лекин улар Зардушт динига қарши бўлганлиги, уни ўзлари босиб олган Турон заминдан эканлиги боис ҳамда қадимдан мазкур ҳудуднинг бой маданияти, илм-фани арабларникидан юқори бўлганлигини тан олмаганлиги нуқтаи назардан ҳам араб файласуфи Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндий ўз ватандошлари истакларини инобатга олиб шундай фикрга келган. Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг юқоридаги фикрлари Фарб учун ҳам ўзларининг «биринчилигини исботлашда» қўл келган. Шу сабабли ҳам Фарб илм аҳли Араб фалсафаси, Эрон-араб перипатетизми, Араб-испан фалсафаси, Эрон-араб фалсафаси, Испан-араб фалсафаси, Араб Ренессанси, Шарқ Ренессанси, Мусулмон Ренессанси, Араб фалсафаси, Араб перипатетизми, Лотин авероизми, Шарқ араб аристотелизми каби атамаларни ўйлаб топган ҳамда «асослаган». ХХI асрнинг 10 йиллигигача бу атамалар «мутлақ» ҳисобланган. Бу атамаларнинг «мутлақ»лиги шу даражада мустаҳкам бўлганки, улар, ҳатто, мустақилликка эришилгач ҳам Ўзбекистон фалсафа тарихида ўзининг «муносиб ўрнини эгаллаган».

Қўлингиздаги «Ўзбекистон фалсафа тарихи» китобида изчиллик сақланиб қолгани ҳолда янги материаллар билан бойитилган. Масалан, «Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш» китобида мамлакатимиз ва хориж олимларининг эксперт хулосалари негизда чиқарилган «Фергантроп» (Фарғона одами) тўғрисидаги илмий натижалари доирасида илк одамнинг тарқалишининг «Мустақиллик

---

<sup>2</sup> IX–XVI асрлар Яқин ва Узоқ Шарқ мутафаккирларининг сайланган асарлари. – М.: 1952. – 31-бет.

схемаси» янги далиллар асосида қўшимча ва ўзгаришлар билан берилган, илмий истеъмолга «Нурийлар» (Нур Ота), «Карманийлар» (Кармана), «Гурганжийлар» ва бошқа кўплаб нисбалар олган олим-уламолар тўғрисида маълумотлар киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон фалсафа тарихи доирасида Турон замин, Турон мафкураси, жаҳондаги илк халқаро фалсафа академиялари ва халқаро фалсафа мактаблари, Алп Эр Тўнга (Афросиёб) фалсафаси, Зардушт фалсафаси, Анахарсис фалсафаси, Спитамен фалсафаси, малика Тўмарис фалсафаси, Широқ фалсафаси, малика Қабаж хотун фалсафаси сингари йўналишлар ҳам илк мартаба ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Муҳими, муаллиф қадим замондаёқ мамлакатни моҳирлик билан бошқарган Шарқ аёллари фалсафаси тадқиқини бошлаб берганки, бу нафақат Ўзбекистон фалсафа тарихида, балки жаҳон фалсафасида ҳам янги йўналишдир. Чунки жаҳон фалсафасида, айниқса қадимги фалсафада мамлакатни бошқарган аёлларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари умуман ўрганилган.

Муаллиф ушбу китоб бўйича мутлақликка даъвогарлик қилмайди, мамлакатимиз ва хориж олимларининг аждодларимиз илмий салоҳияти ва фалсафасига берган баҳоларини илмий жиҳатдан кўра олган ва уни изчиллик билан тадқиқ қила олган. Масалан, академик И.Мўминовнинг ўрта асрлар энциклопедист олими Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-гуманитар, хусусан, иқтисод фанидаги кашфиётини, яъни яқка идеология асосчиларининг «хукмрон» ғоялари мавжуд бўлган бир шаронда айтган хулосалари таҳлилини ўқувчига яна бир бор ўзи истеъмолга киритган фалсафанинг кўрсатиш методи орқали берган: *«Абу Райҳон Берунийнинг алмаишув ўлчови эквиваленти тўғрисидаги айтганлари жуда қизиқарлидир. Мана эҳтиёжларнинг ошиши ва уларнинг турли вақтда юзага чиқиши, шунингдек, вақт нуқтаи назаридан биров бошқа биров кўлидаги нарсага муҳтож бўлмаслиги, у — буларнинг ҳаммаси ҳар бири айрим ҳолда қўлланиладиган (турли хил) эквивалентлар ўрнига нарх-наво учун умумий бир ўлчов қидириб топилгани тақозо қилади. Шу мақсадда одамлар кўриниши ва эилоси билан киши нигоҳини ҳайратга соладиган, кам топилиб, узоқ сақлана-*

диган нарсани танлайдилар. Ундан кейин Беруний олтин ва кумушнинг айирбошлаш ва савдо-сотиқдаги аҳамиятини, сўнгра айрим кишиларнинг олтин-кумуш йиғини касалига тобора кўпроқ чалина бошлаганликларини ва оқибатда бу касаллик ёвузлик манбаига айланганлигини баён қилади. Бизнинг назаримизда, Беруний томонидан айтилган юқоридаги фикрларнинг энг қимматлиси зўрлик ва ёллаш билан амалга ошириладиган мажбурий меҳнатнинг номаъқул ҳамда беқарорлиги хусусидаги фикридир. XI асрнинг 30-йилларида феодал тузум шароитида изҳор қилинган бу фикр ҳали ҳозиргача ҳам бениҳоя тўғри ва одилонадир». Академик И. Мўминов Абу Райҳон Берунийнинг иқтисодга онд фикрларини холисона баҳолаганлигига алоҳида эътибор берган академик И.Искандаров шундай муҳим, илмий хулосани илгари сурган: «Берунийнинг «Минералогия» номли қомусий асарига иқтисодий-ижтимоий муносабатларга, маъданларнинг алмашиш қонуниятларига алоҳида эътибор қаратганини кўра билиш, энг аввало, Иброҳим Мўминов қаламига мансубдир. Берунийнинг таъкидлашича, айни бир пайтда маҳсулотлар айримларининг шу ерда етишмовчилиги ва бошқа жойда ортиқчалиги – уларни алмаштириш заруриятини туғдиради ва бу жараён сарф қилинган меҳнат миқдори асосида амалга оширилиши таъкидланган. Бундай кашфиёт инглиз иқтисодчи олими Адам Смит ва бошқалар томонидан Берунийдан кейин эътироф этилди?! Домлампиз бундай салоҳиятга баҳо бериб, ҳозирги сиёсий иқтисодчилар таассуб қилса арзийдиган хулосалар деб таъкидлайди ва иқтисодчи олимларга бу меросни чуқур ўрганишни тавсия этади»<sup>3</sup>.

Шунингдек, китобда ҳозирга қадар фанда ҳукмронлик қилиб келаётган «юксак салоҳият, илм-фан, тараққиёт фақат шаҳарда, шаҳар маданиятида, шаҳар аҳлида мавжуд» бўлган, деган ақида цивилизация бешиги ҳисобланган Ўзбекистонда ўзига хос, ўзгача эканлиги ғояси илгари сурилиб, қадимдан интеллектуал мулк бунёдкорлари, ижодкорлари ва соҳиблари Ватанимизнинг қадимий шаҳарларидагина (Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Фарғона, Тошкент ва бошқа шаҳарлар) эмас, балки қишлоқларида ҳам бисёр бўлган-

<sup>3</sup> «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 2010 йил, 3-4 сонлар, 26-бет.

лиги ғояси илгари сурилиб, ҳар томонлама тарихий далиллар асосида исботланган.

Умуман олганда, мазкур тадқиқот объекти қайд қилиниб, Ўзбекистон фалсафа тарихи (генезиси, моҳияти) предмети эса жаҳон фалсафа фанининг пайдо бўлишида, шаклланишида аждодларимизнинг (биринчи файласуф Анахарсис – Ўзбекистон, мамлакатни бошқарган Шарқ аёллари ижтимоий-фалсафий қарашлари, жаҳондаги илк халқаро фалсафа академияси – Зардушт академияси) муносиб ўрнини, мамлакатимиз ҳудудидаги қадимги фалсафа мактабларининг фан фалсафасига қўшган салмоқли ҳиссаларини, юртимиздаги дастлабки фалсафий ёзма манбаининг (Авесто) яратилиши муҳим, зарурий омил бўлганлигини кўрсатиш орқали мамлакатимиз фалсафа фанининг инсоният цивилизациясидаги ўрни, роли ва аҳамиятини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилган. Демак, ушбу китоб Ўзбекистон фалсафа тарихи тўғрисидаги тизимлаштирилган дастлабки фундаментал тадқиқот ҳисобланади.

Муаллифга истагимиз истиқболда мазкур тадқиқотни янада кенгайтириб ва мукаммаллаштириб, ўқувчи-талабалар, домлаларга тақдим этса мақсадга мувофиқ бўлув эди. Зеро, академик Ислоҳ Каримов ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари олдига қўйган қуйидаги вазифалар мазкур тадқиқотга ҳам бевосита тааллуқлидир: «Бой тарихимиз, маданий меросимиз юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим. Бу иш фақат шонли саналар муносабати билан эмас, яъни мавсумий бўлиб қолмай, ҳар доим диққат марказимизда туриши лозим. Илгари бизга бу борадаги ишлар юзасидан кўрсатма бериларди. Шунинг билан ҳам таълимимиз керакки, энди у марказ йўқ. Шундай экан, ҳар ким ўз жойида юқоридан кўрсатма кутиб турмасдан, зиммасига юклатилган вазифани бажариши керак»<sup>4</sup>.

Бизнинг назаримизда, муаллиф мазкур тадқиқотда Ўзбекистон тарихи – Фергантроп пайдо бўлган давр, яъни бир ярим миллион йил олдин пайдо бўлган, деган концептуал ғояни илгари сурган, асослаган, шунингдек, Ўзбекистон фалсафаси тарихи жа-

---

<sup>4</sup> Каримов И. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 147-бет.

ҳон фалсафаси шаклланишида асосий ва зарурий бўғин эканлигини ҳар томонлама исботлай олган ҳамда илмий изланишларида ўз мақсадига эришган. Мазкур китоб жамият аъзоларида, жумладан, баркамол авлодда мустақил, эркин фикрни, ўзлигини англаш, миллий ғурурнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этади ҳамда Ўзбекистоннинг инсоният цивилизацияси бешиги эканлиги тўғрисидаги ғоянинг амалиётга айланишида асосланган маълумотларни бериши баробарида жаҳон ҳамжамиятида, айниқса, Ғарб ва Шарқ халқларининг келажаги буюк мамлакатимиз тўғрисидаги догматик қараш ва саёз тасаввурларини тубдан, яъни ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қиладиган фундаментал тадқиқот бўлганини эътироф этамиз.

*Р. Раҳмонов,  
фалсафа фанлари доктори, профессор*

*К. Норматов,  
тарих фанлари доктори, профессор*

---

---

## Муаммонинг қўйилиши (Кириш ўрнида)

*Мен одамларни илм-фаннинг асл мақсадини ёдда сақлашга чақираман. Токи улар илм-фан билан ўз мансаблари, илмий баҳслари, ўзгаларни менсимаслик, шон-шухрат, шахсий манфаатлар ёки бошқа тубан мақсадлар учун эмас, балки бу билимлардан ҳаётда фойда ва манфаат олишлари учун шуғулланишлар.*

Фрэнсис Бэкон  
(Лорд Веруланский –1561–1626) инглиз файласуфи

Китобнинг «сигнал варианты» кўриб чиқилгандан сўнг 2011 йил 30 июнь куни эрталаб соат 9.55 да ишхонамга муҳаррир телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин: «Бугунги «Аргументы и факты»ни ўқидингизми?» – деб савол берди. Ўқимаганлигимни айтдим. «Ўқинг! Руслар «Анахарсис<sup>1</sup>»ни ўзлариники қилибди-ку! ...». Дарҳақиқат, «Аргументы и факты»нинг 2011 йил июнь 26 (1599) сонидagi «Где русская правда? Художник Илья Глазунов – о фальшивой истории и истинных героях» (3-саҳифа) мақоласини ўқиб чиққачгина тажрибали, қийин вазиятларда масъулиятни тўла ўз зиммасига олишдан чўчимайдиган, илм-парвар, миллатпарвар, элим деб, юртим деб яшаётган келажаги буюк мамлакат оддий фуқаросининг жиғибийронлигини англадим. Чунки мақоланининг «Рим завоевал наш предок» қисмида куйидаги сўзлар ёзилган ҳамда унда 2010 йилда Россияда чоп этилган «Муроса и введение в историю философии Узбекистан» номли монографиямдаги «Философия начиналась с Анахарсиса из Узбекистана» параграфига тамоман зид ғоялар илгари сурилган эди!?: «Позволю себе опровергнуть и ещё одну «истину»: славяне появились не в VI в., как утверждали многие советские историки, а столетиями раньше. Хотелось бы напомнить, что одним из семи мудрецов античной древности считался наш предок

---

<sup>1</sup> Изох.: бу ҳақда батафеил маълумот китобнинг тўртинчи боби иккинчи параграфига берилган.

VI в. до нашей эры скиф Анахарсис. И неслучайно его образ был запечатлён в Благовещенском соборе в Кремле». Бу бир томондан мустақилликнинг илк йилларидан тарихий хотирани тиклаш бўйича миллий ғоя тамойиллари талаби даражасида бошланган мамлакатимиздаги энг устувор стратегик вазиладан Ғарб XXI асрнинг ўнинчи йилларидан бошлаб намуна олаётганлигини, **иккинчи томондан** айна шу намуна олиш жараёнида ҳам Ўзбекистон фалсафа тарихини «билмасдан» ўз фойдаларига сохталаштириш анъанасидан воз кечмаганлигини кўрсатади.

*Инсоният цивилизацияси динамикасида шундай воқеа ва ҳодисалар борки, улар айрим олган халқ ва давлатгагина тегишлидир. Мазкур воқеа ва ҳодисалардан бири инсоният цивилизацияси бешигига дахлдорлик масаласидир. Бу рўйхатда Ўзбекистон биринчилар қаторида турибди. Чунки илк одам – Фергантроп – Фаргона одами манзили Ўзбекистонда. Унинг ёши 1 500 000 йилдан ошган. Демак, Ўзбекистон 1 500 000 йиллик тарихга эга. Ўзбекистон давлатчилиқ тарихи 3000 йилдан ортиқроқ даврни ташиқил этади. Бундай буюк воқеа ва ҳодисалар мустақиллик шарофати билангина эсаҳон ҳамжамиятига тортиқ қилинди. Шунинг учун ҳам «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан аломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»<sup>2</sup>.*

Тарих фалсафасида XX асрнинг 90-йиллари ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб туради. Бу, **бир томондан**, кўпгина мазлум халқларнинг асрлар давомидаги озодлик учун кураш ғояси амалиётга айланганлиги, **иккинчи томондан**, мустамлакачилик сиёсатининг ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро майдондан «қувилиши», **учинчидан**, истиқлолга эришган халқларнинг тарихий хотирани тиклаш борасидаги фаоллиги кескин ошганлиги билан изоҳланади. Айна шу жиҳатлар, истиқлолга эришган бошқа мазлум халқлар сингари, ўзбек халқига ҳам тегишлидир.

<sup>2</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. – Т.: «Шарқ», 1998. – 3-4 бетлар.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ инсоният цивилизациясининг шаклланишида асосий бўлин бўлган ўзбек халқи тарихий хотирасини тиклашга, аждодларимиз маънавий меросига, уни эъзозлашга ҳар томонлама эътибор қаратилди. Юртимиздан етишиб чиққан олимлар, давлат арбоблари, дин уламолари ва маданият вакилларининг юбилейлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО муассасаси ва ҳукумат қарорлари асосида республика ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Жумладан, 1993 йилда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллиги, 1993 йилда Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий Қасрининг 675 йиллиги, 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, 1995 йилда Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги, 1998 йилда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, 1998 йилда Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғонийнинг 1200 йиллиги, 1999 йил Султон Жалолиддин бин Султон Муҳаммад Хоразминоқ Манғубердиннинг 800 йиллиги, 2000 йилда Камолиддин Беҳзоднинг 545 йиллиги, 2000 йилда Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозаҳ ал-Бухорий ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги, 2000 йилда Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийнинг 1130 йиллиги, 2003 йилда Абдулхолиқ ибн Абдулжамил ал-Мутлатий ал-Ғиждувоний ал-Бухорийнинг 900 йиллиги, 2003 йилда Абу Райҳон Берунийнинг 1030 йиллиги нишонланди.

Шунингдек, қадимги одам (Фергантроп) пайдо бўлган жойлардан бири тўғрисида, мазкур ҳудуд халқлари қадимдан ўтроқ бўлиб яшаганлиги ҳақида, яъни фан, маданият равиқ топганлиги, халқаро экспертларнинг 20 га яқин қадимги шаҳарлар мавжудлигига оид илмий хулосалари дунё ҳамжамияти билан юбилейлари кенг нишонланди. 2007 йил августда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, 2006 йил 27 октябрда Никшапа-Нахшаб-Насаф-Қаршининг 2700 йиллиги, 2002 йил 1 ноябрда Гава-Наутака-Кеш-Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги, 1997 йил 19 октябрда Шарқ илм маркази – Шарқ фалсафасини жамлаган Куёш шаҳри-Қуббату-л-ислом-Бухоро-и-шариф – Бухоронинг 2500 йиллиги, 1997 йил 20 октябрда Хиванинг 2500 йил-



лиги, 2002 йил 2 апрелда Тармида-Тарамастҳа-Мадинат ур-рижол – Мардлар шаҳри – Тирмиз – Термизнинг 2500 йиллиги, 2007 октябрда Мағинон-Маскат-Марғижон-Марғилоннинг 2200 йиллиги, 2007 йил 2 ноябрда Муроса шаҳри – Ислом маданиятининг пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллиги юбилейлари жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ўтказилди.

Глобаллашув шароитида аждодлар бунёд этган интеллектуал бойликлар тўғрисида жамият аъзолари, айниқса келажак авлод бохабар бўлиши учун уларнинг маънавий меросини ўқиш ва ўрганишга, тушуниш ва тушунтиришга, ўзлигини англашга жиддий эҳтиёж пайдо бўлди. Ва айти шу эҳтиёжни мукамал билиш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга моддий, маънавий, сиёсий, идеологик, ҳуқуқий асос бунёд этилди. Шу сабабли ҳам бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик юбилейи тантанасида жамиятимиз аъзоларига, жумладан, илм-фан аҳлига аждодларнинг бунёдкорлиги ва ижодкорлиги билан яратилган моддий ва маънавий меросни ҳар томонлама асраш, ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ҳамда баркамол авлодга англаштиш мақсадида шундай мурожаат қилган эди: *«Қадрли ватандошлар! Биз қадимий тарих, бой илмий-маданий мероснинг, улуг алломаларнинг ворислари бўлганимиздан доимо фахрланиб яшаймиз. Шу билан бирга бирга, бундай ворисийлик туйғуси ҳар биримизнинг зимманимизга ана шу аждодларга муносиб бўлишидек улкан масъулият юклашини ҳам чуқур англаймиз.*

*Ҳеч шубҳасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон ва тараққиётнинг янги ва юксак чўққиларини эгаллашга интиламиз, ўзимизнинг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканимизни амалда намоён этишимиз, барчамиз, аввало, навқирон авлодимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт.*

*Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен республикамиз олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларида Хоразм Маъмур академиясининг инсоният тарихида чуқур из қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш бўйича факультатив дарс ва семинарлар киритишини ва бунинг учун Фаилар академиямиз томонидан керакли дастур тайёрлашни тақлиф этмоқчиман».* Мазкур даъват ва кўрсат-

ма Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар комплекс институт ва муассасаларининг истиқболдаги стратегиясини белгилаб берди дейишга тўла асос бўлади. Чунки Фанлар академияси институт ва муассасаларининг асосий мақсад ва вазифалари келажакта буюк мамлакатимиз фан ва техникасининг замон талаблари даражасида юксалишига салмоқли ҳисса қўшиш, аждодлар бунёд этган моддий ва маънавий меросни ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш негизда уларнинг жаҳон цивилизациясидаги муносиб ҳиссаларини халқаро ҳамжамият ва жамият аъзоларига кўрсатиш, кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, баркамол авлодни аждодларига муносиб руҳда тарбиялаш, фан ва таълим интеграциясида асосий бўғин бўлиш баробарида таълим жараёнидаги барча дарслик ва дастурларнинг халқаро андозаларга мос ҳолда тайёрланишини мувофиқлаштиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси, унинг ижтимоий-гуманитар комплекс, хусусан, И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтини илмий жамоаси салмоқли илмий тадқиқотлар натижаларини таъриф этишиди<sup>3</sup>.

Лекин қилинган ишлар юқоридаги кўрсатма ва мурожаат талабларининг тўла ижроси таъминланганлигини билдирмайди. Чунки «ўзбек олимларининг куч-қайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, теурийлар даври, XIX аср иккинчи – XX аср тарихи янгидан кашф этилди. Шунинг эса тутиш муҳимки, ўтмишимизни «оқлаш» вазифалари умуман олганда ба-жариб бўлинди, ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир»<sup>4</sup>. Демак, эндиликда ижтимоий-гуманитар, хусусан, фалсафа фани вакилларининг олдида турган асосий вазифа «тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир». Бизнинг назаримизда, «тарихий таҳлилни» аждодларимиз бунёд

---

<sup>3</sup> Фалсафа асослари., Жаҳон фалсафаси., Фалсафа изоҳли луғати., Фарб фалсафаси., Шарқ фалсафаси., Фалсафа асослари(альбом-схема)., Фалсафа энциклопедик луғати., Мустақиллик изоҳли луғати., Ҳуқуқ фалсафаси., Қадриятлар фалсафаси., Мурося ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш., Шаҳс мурося фалсафаси., Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари ва бошқалар.

<sup>4</sup> Қаримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсяғасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: «Ўзбекистон».1998. – 128-бет.

этган, улар яшаган давр тарихини фалсафий тадқиқ қилиш маъносида тушунилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, академик И.Каримов айтганидек, *«тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор»*.

Масаланинг жиддийлиги шундаки, Фарб, яъни юзга яқин давлатлар ўзларининг яхлит фалсафа тарихини бир нечта китоб ҳолида халқаро ҳамжамиятга тақдим этишда илгарилаб кетди. Шарқ, яъни Хитой, Ҳиндистон, Миср ўзининг фалсафа тарихини кўрсата олган бўлса-да, бу ҳали яхлит китоблар ҳолида жаҳон халқлари олдида ниҳоятда камлигини билдиради. Бу жиҳатдан жаҳон цивилизацияси бешикларидан ҳисобланган Ўзбекистоннинг фалсафа тарихи ҳали ҳам ўз тадқиқини кутмоқда?! Шунинг учун ҳам ушбу китобда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш нуқтан назаридан илмий натижаларга эришишга ҳаракат қилинди:

а) СССР тарқалгандан сўнг унинг ҳудудидаги Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари, хусусан, Россия Федерацияси фалсафа, жумладан, фалсафа тарихи йўналишида салмоқли китобларни нашр этди<sup>5</sup>. Лекин мазкур китоблар, дарсликлар, тўпламлар ва ўқув қўлланмаларда эски анъана, яъни Фарбнинг устунлиги ғояси янада мустаҳкамланди. Афсуски, бу масалада Шарқ, хусусан, жаҳон фани ва фалсафаси шаклланишида асосий бўғин бўлган мамлакатимиз файласуфлари ўз сўзларини айтишга шошилмаяптилар?!

б) 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Республика мустақиллигини эълон қилганида Олий Кенгаш депутатлари мазкур буюк ижтимоий-тарихий ҳодисани тезда

---

<sup>5</sup> История философии: Запад-Россия-Восток. Т.1., М.:1994; История философии: Запад-Россия-Восток. Т.2., М.:1999; Западная философия от истоков до наших дней. Т.1, СПб., 1994; Западная философия от истоков до наших дней. Т.1, СПб., 1994; Западная философия от истоков до наших дней. Т.2, СПб.: 1995; Западная философия от истоков до наших дней. Т.3, СПб.: 1996; Западная философия от истоков до наших дней. Т.4, СПб., 1997; В.В. Итын. История философии. СПб.: 2003; Г.В.Гриненко. История философии. М.: 2004; Краткая история философии. М.: 1997; История философии.М.: 1997; История русской философии. М.: 2001; История современной зарубежной философии. Компаративистский подход. Т.1.2. СПб., 1998; Современная западная философия. М.: 2001; П.В.Алексеев. Философы России XIX–XX столетий (биографии, идеи, труды). 4-е изд. М.: 2002.

англаб етолмаган эди. Бизнингча, худди шундай ҳолат 1998 йилда мамлакат Президентининг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида илк маротаба: «бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар» нисбасини олган олим-уламолар ниҳоятда кўплиги ҳамда уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган салмоқли ҳиссаси тўғрисидаги илгари сурилган ғояни (яъни улар ниҳоятда кўплигини) рус тилига таржима қилган масъуллар ҳам тўла англаб етишмаган ва уларни бирликдаги (яъни, ягона ҳисоблаб) таржимасини бериб қўяқолганлар. Мазкур ғоя ўзбек тилида қуйидагича берилган: «Тўққизинчи – ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улўғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йингирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак»<sup>6</sup>. Мазкур жумлалар рус тилига қуйидагича таржима қилинган: «Так же, как в IX-XV веках просвещенный мир ценил и уважал таких ученых и мыслителей, как Аль-Бухари, Аль-Фарғони, Аль-Хорезми, Аль-Беруни, Ибн Сино, Улўғбек, (таъкид – Ш.Х.) нам необходимо добиться, чтобы в XXI веке мир вновь испытывал столь же высокое уважение к нашему народу, нации»<sup>7</sup>. Юқорида келтирилган жумланинг давомида аждодларимиз асос солган ва дунёга машҳур бўлган илмий мактабларни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ғоя («Ўша даврда улўғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим»<sup>8</sup>) қуйидагича таржима қилинган: «Подобно тому, как это делали и прославились на весь мир наши достойные предки, мы должны уделять больше внимания развитию новых современных школ, укреплению в сознании наших детей понимания значимости этой задачи»<sup>9</sup>.

---

<sup>6</sup> *Каримов И.* Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 99-бет.

<sup>7</sup> *Каримов И.* Идеология – это объединяющий флаг нации, общества, государства // Свое будущее мы строим своими руками. Т.7., Т.: «Ўзбекистан». 1999. – С.97.

<sup>8</sup> *Каримова И.* Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7., –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 99-бет

<sup>9</sup> *Каримов И.* Идеология – это объединяющий флаг нации, общества, государства // Свое будущее мы строим своими руками. Т.7., Т.: «Ўзбекистан». 1999. – С.97.

Бу русча таржималар, **биринчидан**, XX асрнинг охирги йилларида ҳам нафақат жаҳон ҳамжамияти, ҳатто, мамлакатимизда ҳам ажодларимиз тўғрисидаги билимлар ниҳоятда саёзлигини кўрсатган бўлса, **иккинчидан**, қадимдан ажодларимиз илмий мактабларга асос солганлиги ва улар шакллантирган мактабларни қайта ташкил этиш ғояси илгари сурилмоқда. Аммо мантиқсиз таржима боис фақат ўзбек тилини биладиганлар бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар борлигини, рус тилида сўзлашувчи халқлар эса ажодларимиз тўғрисида мавжуд бўлган **тор доирадаги маълумотлар билан чекланиб қолишга** олиб келган?! Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг **иккинчи томони** расмий манбаларда «бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар» тўғрисида 1998 йилдаёқ алоҳида таъкидланган бўлса-да, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида ҳам «IX асрнинг охирларида самонийларнинг мустақил давлати ташкил топган бўлса, XIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб Хоразмшоҳлар давлати мўғулларнинг аёвсиз ҳужумига учради... Хоразмий, Фарғоний, ... Бухорий, ... Марғиновичий кабилар шу даврда яшаб, ижод этган мутафаккирлардир<sup>10</sup>», деган маълумотлар ўқувчига тақдим қилинган. Аслида «Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Марғиновичий» мавҳум тушунчалар, улар «хоразмийлар, фарғонийлар, бухорийлар, марғиновичийлар» дейилса тўғри бўлиб, давр талабига жавоб беради. Мустақиллик шарофати ҳамда Ўзбекистон Республикаси: Президентини саъй-ҳаракати билан, бизнингча «Хоразмий, Бухорий, Фарғоний, Марғиновичий, Термизий, Насафий, Самарқандий, Косоний, Шоший, Ғиждувоний, Пойкандий, Зоминий, Жиззахий, Иштихоний, Андижоний, Дабусий, Кошоний, Нурий каби бирлик атамалар ўз ўрнини хоразмийлар, бухорийлар, фарғонийлар, марғиновичийлар, термизийлар, насафийлар, самарқандийлар, косонийлар, шошийлар, ғиждувонийлар, пойкандийлар, зоминийлар, жиззахийлар, иштихонийлар, андижонийлар, дабусийлар, кошонийлар, нурийларга бўшатганлигини англашимиз зарур. Юқоридаги сингари «информация танқислиги» ни бартараф этиш мақсадида ҳам Ўзбекистон фалсафа тарихи ҳар томонлама тадқиққа муҳтождир.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. – Т. 2007. – 33-бет.

в) Истиклол йилларида тарихий хотирани тиклашда моддий ва маънавий жиҳатдан улкан ишлар қилинди. Жумладан, Алишер Навоий асарлари, Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си ва бошқа аждодларимиз асарлари тўлиқ ҳолда қайта нашр қилинди. Лекин булар кимлар учун, яъни тор доирадаги мутахассисларгами ёки жамият аъзолари, айниқса, мамлакат келажаги бўлган ёш авлодгами? Агар улар тор доирадаги мутахассисларга бўлса, нега минглаб нусхада чоп этилган? Агар жамият аъзолари, айниқса, ёш авлод учун бўлса, нега эски ўзбек тилидаги манба арабчадан тўғридан-тўғри кириллга ўгирилиб қўяқолинган? Чунки ҳозирги макон ва замондаги жамиятимиз аъзолари эски ўзбек тилини яхши билишмайди. Ҳатто, тор доирадаги мутахассислар ҳам тарихий хотирани тиклаш мақсадида нашр қилинган китобларидан кўнгиллари тўлмаётган бир пайтда жамият аъзоларининг улардан умуман фойдаланмаётгани (маълумот пушчаки берилган, у тезкор, тушунарли ва содда илмий тилда берилмаган) яхши ниятнинг мукаммал такомилга етмаслигига олиб келган?! Филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа: «...араб имлосидаги мумтоз матнлар шу қадар мураккабки, улар билан ўн йиллаб муттасил шуғулланган, минг бетлаб ҳозирги ёзувга ўгириш (транслитерация) иши билан шуғулланган мутахассисгина касбий лаёқат, малака ҳамда ваколат ҳосил қилиши керак. Бу соҳада баъзан юксак билим, ақл, илмий назария ҳам иш бермаслиги, чигал муаммони ҳал этишда тажрибали матншуноснинг биргина назари (яъни кўз ташлаши, яъни **фалсафанинг кўрсатиш методи – Ш.Х.**), савқитабинийси (интуицияси) асқотиши мумкин. Савқитабиний Оллоҳ томонидан ато этилган истеъдод, бироқ у кўп йиллик амалий меҳнат билан янада такомиллашган бўлади. Минг-минг саҳифалаб қўлёзма ўқиган матншуноса **нодир кўз хотираси** (таъкид бизники – **Ш.Х.**) бўлиши талаб қилинади». Илмда: «Интуиция – бекор, қўлёзмага қараш керак», – дея беписанд гапиришлар ҳам бўлган. Аслида, матннинг пирига айланган матншунос қўлёзмани кўрмасдан ҳам сўзни аслидагидек ислоҳ этиш салоҳиятига эга бўлади. Зеро, унинг **кўз хотирасида** сўзларнинг турли, фарқли шакл ва моҳиятлари муҳрланиб қолган. У матнни ҳозирги ёзувда **кўриб турган**, аслиятдаги шакли

кўз ўнгида яққол гавдаланади. Ёш тадқиқотчилар нашр ишларини лоақал ана шундай устозлар билан биргаликда амалга оширишлар лозим...»<sup>11</sup>. Шу ўринда филология фанлари номзоди Рашид Зоҳидовнинг қуйидаги сўзлари юқоридаги фикрларни тўлдиради: «Матн табиатидан узоқлашиш билан боғлиқ бундай хатоларни оммавий нашрларнинг аксариятида учратиш мумкин. Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»<sup>12</sup> асаридида шундай рубоий бор:

Иймони анингки қуфриға сотир эрур,  
Чин нуқта демакка ул киши қодир эрур.  
Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,  
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.

Рубоийнинг тўртинчи мисрасидаги «отидин» сўзи «онтидин» бўлиши керак эди. Шунда маъно ҳадисга мувофиқ бўларди. Аслида бунга асос рубоийнинг сарлавҳа қисмида берилган арабий ҳикматда акс этган. Оддий эътиборсизлик ёки жумлани нотўғри ўқиш оқибатида ҳикмат маъноси бузилган»<sup>13</sup>. Гарчи бу изоҳлар араб тилида ёзилган манбаларга тегишли бўлса-да, бизнинг назаримизда улар эски ўзбек тили ёзувидаги манбаларга ҳам бирдек тегишлидир. Юқорида билдирилганлар тарихий хотирани тиклаш мақсадида қилинаётган барча илмий фаолият бевосита жамият аъзоларига тушунарли, оммавий тарзда, истиқболни кўзлаб амалга оширилиши зарурлигини тақозо қилмоқда.

г) Тадқиқотда Фергантроп ва Ферганоид ғоялари асосидаги илмий изланишларга устуворлик берилди ҳамда уларнинг макон ва замондаги ўрнига яна аниқлик<sup>14</sup> киритилди. Бу билан Ўзбекистон халқлари тарихи бир 1 500 000 йил олдин пайдо бўлган, деб эътироф этилган концептуал ғоя илгари сурилди.

д) Илмий изланишда фалсафанинг умумийлик, хусусийлик, яқкалик категориялари диалектикаси моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда

---

<sup>11</sup> Матншунослик давр талаблари даражасидами? Давра суҳбати. O'zbekiston adabiyoti va san'ati. 2010 йил 2 июль.

<sup>12</sup> Алишер Навоий. 20 жилдлик, 15-том. –Т.: «Фан», 1999. – 136-бет.

<sup>13</sup> O'zbekiston adabiyoti va san'ati. 2010 йил 2 июль.

<sup>14</sup> «Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш» номли китобимизда мазкур масалада «Мустақиллик схемаси»га киритилган ўзгариш назарда тутилмоқда.

умумбашарий ва миллийлик муносабатларида умуминсонийликка устуворлик бериш асосида хулоса чиқаришга ҳаракат қилинди. Чунки «Инсоният тарихи – бу қандайдир жонсиз жараён эмас. У жудаям конкрет ҳолда ўз тутимига эга бўлган алоҳида халқлар фаолиятининг бирлашуви билан шаклланади. Лекин шу билан бир вақтда кўпинча тарихий жараёнларнинг мазмуни битта халқнинг тарихига тааллуқли бўлиб кўринса-да, у том маънода фақат умумбашарий тарих туфайлигина очилади»<sup>15</sup>.

е) Шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон фалсафа тарихи Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ўрта Осиё, Ўзбекистон атамалари доирасида, улар «яшаган» даврдаги макон ва замон таъсир қилган жараёнлар нисбати нуқтан назаридан кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. «Тақдир ва тарих тақозоси билан шундай вазият вужудга келган эдики, кенг жаҳон жамоатчилиги неча ўн йиллар давомида қадимий диёримизни ўрганиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган эди. Бизнинг тарихимиз «СССР» деган битта тушунча билан камситиб қўйилган эди. Аммо тарихий адолат қайта тикланган вақт етиб келди.

Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида неча минг йиллар давомида «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» номлари билан машҳур бўлган қудратли давлатлар, юксак маданият равнақ топиб келган эди.

Айни бизнинг диёримиз асрлар давомида Шарқ билан Ғарб, Жануб билан Шимол ўртасида алоқа боғловчи кўприк бўлиб келди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан халқаро муносабатларнинг жўшқин қон томири: иқтисодий алоқалар, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракат қилиб турган Буюк ипак йўли ўтган эди.

Суғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитларнинг қадимий салтанатлари жаҳонга доҳиёна мутафаккирларни, олимлар ва шоирларни етказиб берган еримизнинг олтин бешигидир.

Бизнинг аجدодларимиз – ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоийнинг буюк маънавий мероси билан фахрланишга ҳақлимиз. Ана шу улуғ зотлар сафида Амир Темурнинг номи ало-

---

<sup>15</sup> Коппад. Н. О смысле истории: Запад и Восток. – М.: 1972. – С.454.



ҳида ўрин тутади. XV асрдаёқ у озод қилган заминда «Европа халоскори» деган рамзий ёзув билан ёдгорлик ўрнатилган эди. Эндликда айна шу зот Европа истилосининг олдини олганлигини ҳеч ким рад эта олмайди»<sup>16</sup>.

ё) Бунда асосан милоддан олдинги X асрдан то милодий VI асргача Турон, Туркистон замини тарзида кенг доирада, милодий VI асрдан сўнг эса тор доирада, яъни Мавроуннаҳр – Ўзбекистон ҳудуди чегарасида тадқиқотларга кенг ўрин берилган. Чунки ҳар бир халқ, миллат ўзининг фалсафа тарихини тадқиқ қилганда, энг аввало, улар мансуб бўлган замин, ҳудуд, давлат тўғрисидаги тарихий хотирани тиклаш ва уни фалсафанинг кўрсатиш методи орқали тадқиқот олиб боришга устуворлик берсагина унинг объективлиги таъминланган ҳамда қўйилган мақсадга эришилган бўлади. Масаланинг жиддийлиги ҳамда ўқувчига муаммонинг қўйилишини янада тўла англаши нуқтан назаридан ҳозирги замон илмий тадқиқот натижалари асосида «Турон», «Туркистон» атамалари мазмун-моҳияти ҳамда таъсир доирасига (ҳудудини) бўлган муносабат ва уларнинг қисқача илмий талқинини беришга ҳаракат қилинди.

ж) Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай ғояни илгари суради: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди...Кейин: Қутайба ибн Муслим ал-Воҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар»<sup>17</sup>. Худди шу ғояни Ўзбекистон фалсафа тарихининг қадимий даврига ҳам татбиқ этиб, илмий хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир. Қутайба ибн Муслим ал-Воҳилий «методи» қадимдан Алек-

---

<sup>16</sup> Каримов.И. АҚШда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносининг очилиши ва элчихона номидан ўтказилган қабул маросимида сўзланган нутқ//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 19–20-бетлар.

<sup>17</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. – Т.: «Фан», 72-бет.

сандр Македонский, Эрон шоҳи Кир босқинчиликларида қўлланилган. Кейинчалик мўғуллар, руслар ҳам бу «анъанани» давом эттирганлар. Булар инсоният цивилизацияси бешикларидан ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида юқоридаги сингари «кашфиётлар» оқибатида маълум бир даврларда фан, маданиятнинг оқсоқланишига ўз таъсирини кўрсатган. Шу сабабдан ҳам тадқиқотда мазкур жараёни ҳисобга олган ҳолда хулоса чиқаришга устуворлик бериш мақсад қилинган.

з) Глобаллашув шароитида фалсафа фани структурасининг турли макон ва замонда, шарт-шароитда ҳамда муҳитдаги талқинига баҳо бериш алоҳида долзарблик касб этади. Китобда жаҳон фалсафасидаги «араб фалсафаси» атамаси *таркибига* муносабат билдирилди. Чунки Ғарбнинг араб фалсафаси таркибига Ўзбекистон фалсафаси ҳамда ўлкамиз ҳудудидан етишиб чиққан олим-уламоларни киритиш ғоясининг асоратлари, ҳатто, XXI асрнинг бошларида нашр қилинган фалсафа фанига онд китобларда ҳам сақланиб қолганлиги афсусланарлидир. Чунки: «VIII-XIII асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ араб-мусулмон (таъкид бизники – *Ш.Х.*) фалсафаси ўз тараққиётининг гуллаб-яшнаган даврини бошидан кечирди. ...тасаввуфнинг орифлик таълимоти тарафдорлари – «соф араб-мусулмон» фалсафаси – машшунийунлар (Жиндий, Форобий, Яхъё ибн Ади, Ибн Сино, Умар Хайём, Насриддин Тусний, Ибн Бажжа, Ибн Туфайл, Ибн Рушд) ... VIII-IX асрларда араб-мусулмон (таъкид бизники – *Ш.Х.*) фалсафаси – халифалар, султонлар, амирлар саройидаги бевосита баҳс-мунозаралар, ҳинд ва юнон фалсафасини таржималар қилиш ва уларга шарҳлар ёзиш жараёнида ривожланган ...»<sup>18</sup>. Шунингдек, мазкур китобда «араб-мусулмон илм-фани», «араб-мусулмон табиатшунослиги», «араб-мусулмон маданияти», «араб-мусулмон олим» каби кўплаб «аралашма атамалар»ни учратиш мумкинки, уларнинг ичига «яширин» тарзда «ўзбек фалсафаси», «Ўзбекистон фалсафа тарихи», «ўзбек маданияти», «ўзбек олими» каби иборалар ҳам асосиз равишда (яъни Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар) киритилган. Бундай ҳолатлар, бир томондан, ўтиш даври фалсафа тарихида ниҳоятда мураккаб

<sup>18</sup> Фалсафа. Т.: «Университет», 1998. 35-36-бетлар

кечганлигини, **иккинчидан**, ижтимоий-гуманитар фанлар мутахас-  
сисларининг илмий тадқиқотларида боқимандалик асорати ҳамда,  
**учинчидан**, гарчи мустақилликка эришган бўлсак-да «Ўзбек фалса-  
фаси», «Ўзбекистон фалсафа тарихи» ибораларини ишлатишдан  
ҳадиксираётганлигимизни ҳамон тан олгимиз келмайди!? Шунинг  
учун ҳам ХХІ асрнинг 10 йили ичида ҳам жаҳон фалсафасида, хусу-  
сан, мамлакатимизда араб фалсафасига мусулмон халқлар ва мил-  
латлар фалсафаси сингдирилган анъана «мутлақ»лик касб этмоқда.

и) Мамлакатимизда фалсафа йўналишидаги тадқиқотларда ўзга-  
лар кўзи билан қарашни қўллаб-қувватлаш ҳамда уни ўқувчи руҳи-  
ятига астойдил сингдириш анъанаси ҳозирда ҳам сақланиб қолган-  
лиги ачинарлидир: «Шу ўринда яна бир, ҳозиргача етарли эътибор  
қилинмай келинаётган масалага ойдинлик киритишни мақсадга му-  
вофиқ деб ўйлаймиз. Бу – Қадимги Юнон тафаккури билан Ўрта  
асрлар мусулмон Шарқи фалсафасининг, хусусан, ахлоқшуносли-  
гининг боғлиқлиги масаласи. Нима учун бизнинг аллома аждодла-  
римиз Қадимги Шарқ, жумладан, Ҳинди-Хитой минтақаси мутафак-  
кирлари изидан эмас (*чунки Ҳинди-Хитой минтақаси мутафаккир-  
ларининг фалсафий қарашлари шаклланишига аждодларимиз таъ-  
сири катта бўлган – Ш.Х.*), оврўпалик юнонлар изидан бордилар?  
Суқрот ва Афлотунни ўргандилар, кўкларга кўтардилар, Арастуни  
эса энг улкан устоз – Биринчи муаллим деб атадилар?

Гап шундаки, мусулмончиликнинг асоси тавҳидда – яккахудо-  
ликда. Оллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас.  
Қадимги Юнон мутафаккирлари айнан шу тавҳид йўлини фалса-  
фий асослаб бердилар (*муаллиф бу ерда яккахудолик гоёси Авесто-  
да илк бор илгари сурилганлигини «эсдан чиқарган» ҳамда Ўзбекист-  
тон фалсафаси араб истилосидан сўнггина шаклланганлигини «тан»  
олмоқда – Ш.Х.*). Биринчи бўлиб бу масалани улар орасида Суқрот  
(*аслида Зардушт – Ш.Х.*) ўртага ташлади. У ўлимга маҳкум этилган-  
нида, унга юнонлар худоларини ҳурмат қилмаганлиги, ёшларни  
бошқа йўлга (аслида тавҳид йўлига) буриб юбораётгани айб қилиб  
қўйилади. Суқрот ўлими олдидаги сўнгги гапи ҳам шуни тасдиқлаб  
туради, цикута ичгач: «Мен Унинг (уларнинг эмас! – *А.Ш.*) ёнига  
кетяпман!» – дейди у. Шунингдек, Афлотуннинг ғоялар, оламий руҳ,

эманация ҳақидаги фикрлари ҳам тўғридан-тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин Суқрот ва Афлотун тавҳидни фалсафий-назарий нуқтаи назардан исботлашни ўз олдига вазифа қилиб қўймадилар, бунга уринмадилар. Бу ишни Арасту уддалади. У ўзининг машҳур «Метафизика» асарида Худонинг яккалигини (*муаллиф бу ерда яна яккахудолик гоёси Авестода илк бор илгари сурилганлигини, Аристотель Авестони ўқиганлиги ҳамда унинг таъсирида шундай фикрга келганлигини «эсдан чиқарган» – III.X.*), жисм-сиз, ҳеч нарса томонидан ҳаракатга келмайдиган, аксинча, биринчи ҳаракатга келтирувчи куч эканини назарий исботлаб берди. Уни «Олий шакл» (форма) деб атади. Арасту талқинида Худо олам ва барча оламий жараёнларнинг мақсади ҳисобланади, у, юқорида келтирганимиздек, Олий тафаккур, тафаккур ҳақидаги Тафаккурдир.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг Қадимги Юнон тафаккурига, хусусан, ахлоқшунослигига улкан эътиборининг, тақлиднинг (*бу билан Фарбнинг биринчилиги тўғрисидаги анъанавий гоё қўллаб-қувватланади. Шарқ, эсулмдан, мусулмон Шарқи, хусусан, мамлакатимиз ҳудудидан чиққан буюк мутафаккирларнинг бирортаси Қадимги Юнон тафаккурига тақлид қилмаган, аксинча, Қадимги Юнон тафаккури, айни пайтда юнон фалсафаси шаклланишида муҳим роль ўйнаган – III.X*) асл сабаби ана шунда»<sup>19</sup>.

к) Хорижда, хусусан, Фарб мамлакатларида нашр қилинган фалсафа тарихига онд дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги услуб «эскичасига» бир маромда, ўзгаришсиз сақланмоқда?! Б.Н.Бессонов ўзининг «Фалсафа тарихи» (История философии) дарслигидаги биринчи бобни «Антик фалсафа» (Античная философия), иккинчи бобни «Қадимги шарқ фалсафаси», деб номлайди. Ачинарлиси, иккинчи боб фақат 5 саҳифани ташкил қилади, бор-йўғи Хитой ва Япония фалсафасига бағишланган умумий изоҳдан иборат<sup>20</sup>.

В.А.Светлов «Фалсафа тарихи» (История философия) ўқув қўлланмасининг биринчи бобини «Шарқ фалсафаси» (Восточная философия), деб номлаб, 8 саҳифасини Ҳиндистон ва Хитойнинг қадимги фалсафасига бағишлаш билан чекланган. Иккинчи боби

<sup>19</sup> Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: «ЎАЖБНТ», 2003, 42-бет

<sup>20</sup> Б.Н.Бессонов. История философии. М.: «ЮРАЙТ», 2010, – С. 31–37.

«Антик (грек-рим) фалсафа» (Античная (греко-римская) философия) деб номланган бўлиб, 79 саҳифани ўз ичига олади<sup>21</sup>. Аввало, **биринчидан**, Шарқ фалсафаси фақат Хитой, Ҳиндистон ёки Япония фалсафасидангина иборат эмас. **Иккинчидан**, фалсафа тарихи антик фалсафа тарихидан бошланмайди, чунки антик фалсафа фалсафа тарихи шаклланган илк босқичлардан бири, яъни антик фалсафа мил. авв. V–IV асрларда шаклланган. *Лекин дастлабкиси эмас.* Фарб адабиётида IV асрдан бошлаб Европада антик давр тугаганлиги кўрсатилади ҳамда шу даврдан бошлаб у ўрнини христианликка берганлиги кўрсатиб ўтилади<sup>22</sup>.

Юқоридаги ҳар иккала китоб бевосита олий таълим тизимига мўлжалланганлигини ҳисобга олсак, нима сабабдан Шарқ фалсафасига бунчалик кам ўрин ажратилганлиги маълум бўлади. Бу *бир томондан*, Фарб XXI асрда ҳам ўқувчиларига ўзининг «биринчи» лигини асослашдан чарчамаётганлиги, *иккинчи томондан*, Шарқ фалсафаси, хусусан, Ўзбекистон фалсафаси тўғрисида умуман маълумотларнинг танқислиги, камлигидир: «Яқиндагина (XX асрнинг 90-йиллар боши назарда тутилмоқда – Ш.Х) Фарбда камдан-кам одамлар дунё харитасига қараб Ўзбекистоннинг чегараларини аниқ кўрсатиб бера олар эди» (*И.Каримов*), *учинчи томондан*, Фарб олимлари ўзбек фалсафасини ҳамда унинг жаҳон фалсафасининг шаклланишида муносиб ўрни борлигини қадимдан билади. Лекин уни эътироф этса, аждодларининг азалий анъанасини, яъни Фарбнинг «биринчилиги» ғоясининг асоссизлиги «модерн» даврида (бу ҳам Фарбнинг «кашфиёти») очилмаслиги, яъни барча хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун турли «измларни ўйлаб топади» ёки қадимдан цивилизация бешиги бўлган, инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшган халқларнинг илмий салоҳиятларини инкор қилади, ҳаттоки, маълум бир замон ва маконда мазкур халқларни «қолоқ», «қабилла» сифатида «тан олади», «эътироф қилади», ўзи яшаётган жамият аъзоларини ва жаҳон ҳамжамиятини шунга «ишонтиради». Бундай самарасиз хатти-ҳаракатларга биринчи файласуф Анахарсис, ўз Ва-

---

<sup>21</sup> Светлов. В.А. История философии в схемах и комментариях. – М.: «Питер», 2010. – 20–98.

<sup>22</sup> Бессонов. Б.Н. История философии. – М.: «ЮРАЙТ», 2010. – С.39.

танини ёт кучлардан асраган Спитамен, Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, ўз она тили умрбоқийлигини сақлаб, уни Шарқ ва Ғарбда тан олдирган Алишер Навоий, ҳаётлигидаёқ юлдузлар илмининг донишманди сифатида эътироф этилган Мирзо Улуғбек каби Ўзбекистон ҳудудида туғилган ва вояга етган маънавий жасорат соҳиблари тўқнаш келганлар. Булар узоқ ўтмишимиздаги буюк аждодларимиз бўлса, яқин ўтмишда ҳам шундай маънавий жасорат соҳиблари мавжуд бўлганлигини ҳамда улар ҳам жаҳон фан фалсафасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлигига минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ҳадисларидан илҳомланган атоқли олим И.В.Гёте «Ғарбу Шарқ девони»ни 1819 йилда ёзиб тугатади. Мазкур девоннинг бир боби «Темурнома» деб аталган.

Нодон ҳар ҳодисани ўзича шарҳлашга шай,  
Ҳар ҳодиса сабабини били ум деган авом-да.  
Аллоҳга итоатдур ислом деган сўз асли  
Исломда яшаб ҳамма ўлажакмиз исломда.

Айрим хорижлик олимлар, ёзувчилар, драматурглар аждодларимиз тўғрисида илмий, саҳна асарлари яратилганда маълумот танқислиги ва объектив ахборотлар бўлмаганлиги оқибатида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйишади. Бу эса бевосита ўқувчида, томошабинда аждодларимиз тўғрисида нотўғри қарашнинг шаклланишига олиб келади, албатта. Масалан, 1587 йилда Кристофер Марло инглиз тилида «Улуғ Темурланг» драмасини ёзади. Бу асарда муаллиф Амир Темур тўғрисидаги тарихий объектив ҳақиқатни чуқур билмаслиги оқибатида айрим маълумотлар жўн ифода қилинган.

«Хужжат ул-Ҳақ», «Шайх ур-Раис», «Шарқ алломаси», «Устозлар устози», «Авиценна», «Ҳакимлар султони» фахрий унвонлар соҳибни – Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синнони Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг тарафдорлари дахрийликда айблаб, кофир деб маломат тошларини отади. Шунда Абу Али ибн Сино: «Мендек кишини кофирликда айблаш осон иш эмас. Менинг иймонимдан мустаҳкам ий-

мон йўқ. Мен каби мусулмон дунёда битта бўлса-ю, у ҳам дахрий, кофир бўлса, дунёда битта ҳам мусулмон йўқ экан», – деб ўз замонасидаёқ бундай бўҳтонларга қатъий муносабатини билдиради.

Академик Иброҳим Мўминовнинг «...халқларимизнинг жаҳон маданиятини юксалтиришдаги улуғ ролларини Ғарб буржуа тарихчилари ва философлари инкор этиб, ёлғон ва уйдирма фикрлар ёйиб келмоқдалар...Империализмнинг ёлланган корчалонлари «олимпик» ниқоби остида «назария» ўйлаб чиқиб, ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман халқларининг ҳатто мавжудлигини рад этган, уларни «қолоқ қабилалар» деб эълон қилган эдилар. Шу билан империализмнинг разил малайлари бу халқларнинг тарихдаги катта ролини рад қилишга уринган эдилар; ҳолбуки халқларимиз инсоният учун жаҳонга номи кетган Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Махтумқули сингари буюк сиймоларни етиштириб берган, ажойиб иншоотлар қурган, сунъий суғориш асосидаги деҳқончиликни, нафис ҳунармандчиликни ҳар тарафлама ўстирган қобилиятли халқлардан эканлиги маълумдир (таъкид бизники – *Ш.Х.*)»<sup>23</sup>, деган ғоялари XX асрнинг 30-70 йилларида ёзувчи, шоирлар томонидан ҳам ўзига хос тарзда ривожлантирилди. Айниқса, бунда Ғафур Фуломнинг хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир. Немис фашистлар ва инглиз лордларининг айримлари ўтган асрнинг 30–40-йилларида ўзбек халқини қолоқ қабила, деб айблаганда академик шоиримиз Ғафур Фулом «Шариф қўлёмаси» номли шеърида шундай мисраларни ёзган эди:

Биз эккан пахталардан  
Ер юзида бор киши  
Уятини ёпганда  
Устма-уст, қават-қават...  
Ҳозирги жанобларнинг  
Маърифат ва дониши  
«Пахта дарахт қўзисин  
Жуни» деб билган фақат.

---

<sup>23</sup> Мўминов.И. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан. –Т.: 1960. – 15-бет.

Қадим ўзбек халқисан,  
Асл одам авлоди.  
Миср эҳромларидан  
Тарихинг қариқодир.  
Хоразмнинг ҳар гиштида  
Боболарнинг ижоди,  
Англо-саксонлардан  
Анча юқориқодир...  
Худди шу тарихингни,  
Шу ернинг, қуёшингни,  
Билиминг, дўстлигингни  
Кўролмайдн капитал...  
Бизда логарифманинг  
Мушкул муаммолари  
Қўлдаги бармоқлардай  
Одний қилинганда ҳал,  
«Олий ирқ» даъвогари  
Черчеллнинг боболари  
Ҳатто санай олмасди  
Ўн бармоқни мукамал.

Шунинг учун ҳам академик И.Каримов таъкидлаганидек: «Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлиб турган мустабид бир замонда мана шундай дадил фикрларни айта олган буюк шоирнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилсак арзийди»<sup>24</sup>.

XX асрнинг 70–80-йилларида бу жараёнга ўзига хос тарзда, яъш шеърий йўлда Абдулла Ориповнинг «Колумбда бор алашим маним, Ўзбекистон Ватаним маним» деган миллий гурурга йўғрилган асари қарши турди. Ёки шоирнинг қуйидаги мисралари ўша даврнинг мазмун-моҳиятини очиб беради:

Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,  
Ўгай бўлсак не тонг «соғ»лар орасида

---

<sup>24</sup> Каримов.И. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фуломнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ// Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 268-бет.



Мамлакат раҳбари И.Каримов Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессиясида (1993 йил май) шундай деган эди: «Халқимизнинг маънавий пойдевори – бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз нечача минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индолласини айтишимиз керак: айрим одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!» Бу бор ҳақиқат. Ўзбек халқининг қудратини, фалсафасини, маънавиятини, тарихини, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини кўролмаслик, сохталаштириш, бўҳтонлар қилиш, бунёдкорлигига ишонмаслик – қадимдан бор бўлиб, хусусан мустақилликнинг илк йилларида ҳам давом этди! Масалан, мустақилликнинг илк йилидаёқ россиялик иқтисодчи олим, академик Л.И.Абалкин: «Агар Ўзбекистонда замонавий машинасозлик заводи қуриладиган бўлса, унга хизмат қиладиган кадрларни шакллантириш учун тахминан 25 йил керак бўлади», деб «башорат» қилган эди. Ўзбекистон 2005 йилда Россияга ЎзДЭУавтода тайёрланган «Ласетти», «Нексия», «Матиз», «Дамас» каби енгил машиналарнинг 48 623 тасини сотган. Ўзбекистонда тайёрланган енгил машиналар сотилиши жиҳатидан 2003–2005 йилларда Россияда биринчи ўринни эгаллаган эди.

л) Мустақиллик арафаси ҳамда мустақилликнинг илк йилларида ўзбек халқига «соф» ислом алифбосини ўргатувчилар армияси пайдо бўлди. Бу армиянинг нечоғли асосизлиги ва мантиқсизлиги тўғрисида юртбошимиз И.Каримов шундай деган эди: «Дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда – Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга не ҳожат? Бу ерга келиб, ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Бағдод ва Мадинаи мунавварада эътироф этилаётган буюк мутафаккирлар авлодига «соф исломдан сабоқ бериш мантиқданми?» Очигини айтиш керак, бундай салбий жиҳатлар: мамлакатимиз обрўсини тушириш, ўзбек халқи тарихини, ажлодлар яратган моддий-маънавий қадриятларни кўролмаслик, ўзбек халқини жаҳон цивилизациясига, жумладан, дин, ислом дини, ислом фалсафаси ривожланишига қўшган ҳиссасини «билмаслик» оқибатида халқаро сиёсатга ўз мафқурасини зўрлаб сингдириш орқали мустақил

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини менсимаслик ҳоллари ҳозир ҳам муайян даражада борлиги ачинарлидир.

м) Умуман олганда, аждодларимиз ўзлигини намоён қилиш имконияти бўлмаган шароитда (мустамлакачилик, қатағон) ҳам ўз илмий салоҳиятини, ўзлигини шарқона мураса позициясида намоён қила олди. Бу объектив жараёни академик И.Каримов алоҳида таъкидлаб шундай кўрсатиб ўтган: «...аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан мураса (таъкид бизники – *И.Х.*) қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган деса, мен, донмо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим»<sup>25</sup>. Афсуски, мустақилликка эришгач, тарихий хотирани тиклаш ва уни фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг имкониятлар очилган бир шароитда олимларимизда маънавий жасорат муайян даражада етишмаяпти.

н) Шунингдек, мазкур масалада ўтган асрнинг охирларида янги ижобий тенденция ҳам шаклланганлигини эътироф этиш зарур. Ғарбнинг Шарққа томон муносабатининг (ижобий томонга) ўзгариши XX асрнинг 80–90-йилларида сезиларли даражада ошди. Москва давлат университети профессори Николай Арнаевич Анастасьев ўзининг 40 йилдан ортиқ илмий фаолиятини Америка Қўшма Штатларининг турмуш тарзи ва «америка» фаолиятини ўрганиб, Ғарб тарғиботчиси сифатида танилган. У ҳам ўтган асрнинг 90-йилларидан «...бундан ўн йиллар муқаддам ўзига хос фаровонликдаги Ғарбдан

---

<sup>25</sup> Халқ сўзи, 2009 йил 3 июль.

менга кам таниш бўлган Шарқга томон юз ўгирдим...» ҳамда «...унутилган дунёвий бебаҳо асарлар – жуда хунук ҳол – Навоийнинг «Ҳамса»сидан тортиб, Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»гача, шунингдек, илк туркий адабиётнинг юксак намуналари – уларни унутганлигимиз янада хунук – шайх Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») асарларини ўрганиб чиқдим»<sup>26</sup>, деб эътироф этган.

о) Ўзбекистон истиқлолга эришди ва мустақилликнинг энг олий мақсади ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш эканлигини жаҳон ҳамжамиятига эълон қилди. Мустақилликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири жамияттаги барча жараёнларга янгича муносабат қарор топиши билан изоҳланади. Шу нуқтага назардан илмий тадқиқот ишлари ва уларни амалга ошириш метод ва воситаларини янгича тушуниш, тушунтириш ҳамда қўллашни талаб қилади. Ўтмишдаги барча тадқиқотларда, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, фалсафа фанлари доирасидаги илмий изланишларда объектга «ўзгалар кўзи» билан қаралар ва «ўзгалар ақли» доирасида «манتيқий» хулоса чиқариларди. Аслида бу илмий тадқиқотлар холислик ва объективликдан йироқ бўлган чала «ҳақиқатлар» эди. Бунинг ҳам ўзига хос объектив сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, якка мафкура ҳукмронлиги амалда эди; иккинчидан, ўрганилаётган объект тўғрисидаги аксарият манбалар Ғарб идеологлари ёзган китоблар, чиқарган хулосалар эди; учинчидан, бу манбалардан чиқарилган хулосалар ҳисобга олинмаса ҳамда тадқиқотда устуворлик қилмаса, унинг натижалари инкор қилинарди ёки эътироф этилмасди; тўртинчидан, асрлар давомида ҳукм сурган мустамлакачилик сиёсати таъсири, бошқа соҳаларда бўлгани сингари, фанда ҳам *илмий боқимандалик* асоратига олиб келган ҳамда ижодий фаолликнинг сусайиш оқибатлари кўзга ташланаётган эди. Бу сабаблар субъектнинг, Шарқнинг, шарқлик тадқиқотчи (айниқса собиқ Иттифоқ таркибидаги Шарқ республикалари илм вакиллари)нинг мустақил фикр юритишига, холис, объектив хулоса чиқаришига тўсқинлик қиларди (уларга қарши чиққанлар қатағон қилинар ёки жисмонан йўқ қилинарди).

---

<sup>26</sup> Литературная газета. 2010, 10-16 февраль, 5-сон.

Ҳозирги ривожланиш жараёни бундай ҳолатни бартараф этиш учун, бизнингча, эндиликда тадқиқотларда фалсафанинг кўрсатиш методини қўллашни талаб қилмоқда. Чунки айтиш мумкин «ўзгалар кўзи»ни «ўзимизнинг кўзимиз»га, «ўзгалар ақли»ни «ўзимизнинг ақлимиз»га қайтаради ҳамда ҳолислик ва объективликнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу объектив жараёнда, энг аввало, илм аҳли, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг алоҳида улуши, ўз ўрни борлигини юртбошимиз И.Каримов шундай таъкидлаган эди: «Улар чет элларда малакасини оширсин, донғи чиққан университетларда ўзлари лекциялар ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўйи-номи оламга овоза бўлади, нишооллоҳ!» Булар масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати шундаки, фалсафанинг кўрсатиш методи шахслар, миллатлар, халқлар, давлатларнинг маданий-маънавий соҳаларда, миллий ва умумбашарий қадриятлар доирасида бири-бири билан янада яқинроқ танишишига, ўрганишига кенг имкониятларни вужудга келтиришида устувор аҳамият касб этаётганидир. Айтиш мумкин Президент И.Каримов қуйидагича кўрсатиб ўтган: «Мен ифтихор билан шуни айтмоқчиманки, биз Германияни жуда яхши биламиз. Нимага деганда, ўзбеклар, Ўзбекистон болалари, умуман бизнинг фуқароларимиз Германия тарихини, Германиянинг бугунги шароитини, бугунги салоҳиятини мактаб ва институтларда яхши ўрганишади. Лекин ўз навбатида, Ўзбекистонни Германияга таништириш катта масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Менимча, бу масаланинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамияти бор. Чунки иқтисодий ва расмий алоқалар, давлат раҳбарлари ва жамоат арбобларининг ўзаро муносабатлари ўз йўли билан давом этаверади. Агарда немис халқи бизнинг маданиятимизни билмаса, улуғ аждодларимиз қолдирган бой мерос билан яқиндан танинмасан, ўзаро алоқаларимиз қандайдир юзаки бўлиб қолади. «Юзаки» дейишимнинг сабаби шуки, фақат иқтисодий манфаатга асосланган ҳамкорликнинг таг-замини мўрт бўлади. Тўғри, албатта, манфаат ҳамма жойда бўлиши керак. Лекин иқтисодий манфаат маданий, руҳий манфаат билан чамбарчас боғланганда алоқалар узоқ давом этади ва ҳаётбахш мевалар беради. Халқларнинг, миллатларнинг бир-

бири билан маънан боғланиши шунинг учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Тарихий эврилишлар мана шу шароитда содир бўлади. Шу сабабли Германия билан изчил алоқа ўрнатмоқчи бўлсак, аввало, немис халқини тарихга теран илдиз отган ўзимизнинг бой маданиятимиз билан ошно этмоғимиз даркор.

Токи, бизнинг қонимизда, бизнинг суягимизда, бизнинг наслимизда қандай улуғ маданият бўлганини, биз нечоғлик буюк маданият ворислари эканимизни дўстларимиз ҳам билишсин. Бу мақсадни амалга оширишни шахсан ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблайман».

п) Бизнингча, қўйилаётган муаммода қуйидаги бешта ҳолат ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Собиқ Иттифоқ даврида якка мафкура ва европацентризм талаби доирасида Ўзбекистон фалсафа тарихига оид билдирилган фикрлар.

2. Ўзбекистон фалсафа тарихи масалалари собиқ Иттифоқ даврида муроса принципи ва тамойиллари доирасида ёритилган асарлар.

3. Собиқ Иттифоқ даврида замонасозлик (кун кўриш, тобелик, кўр-кўрона, мансабини ва эришган мавқеини сақлаб қолиш) асосида Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларига бағишланган асарлар.

4. Мустақиллик даврида ҳам Ўзбекистон фалсафа тарихи бўйича фан фалсафасидаги боқимандаликдан «озод» бўла олмай ёзилган (яъни ўтмишда ёзилган китобларда илгари сурилган ғояларнинг шакли ўзгаргану, мазмунидан собиқ тузумнинг «ҳиди» келатган) китоблар.

5. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон фалсафа тарихи масалалари миллий ғоя талаб ва тамойиллари асосида ёритилган асарлар назарда тутилади.

Юқоридаги ҳолатларнинг барчаси шаклан Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларига оид бўлганлиги ҳамда «из» қолдиргани учун аҳамиятлидир. Мазмунан Ўзбекистон фалсафа тарихини билишда иккинчи ва бешинчи ҳолатлар объектив ва мантиқий хулоса чиқариш ҳамда жамият аъзолари, айниқса, ёшларнинг миллий ғурур ва ўзлигини англашида муҳимдир.

р) Умуман олганда, файласуф ва фалсафий қарашлар деган ибораларнинг мазмун-моҳияти глобаллашув шароитида ўзига хос талқинини кутмоқда. Чунки Ғарб антик фалсафа вакиллари файласуф деб эътироф этиб, уларнинг фалсафий қарашларини баён қилганда фан фалсафаси ҳали «йўрғақда» эди. Шу боисдан ҳам барча фанлар мажмуасини фалсафа деб, уларнинг вакиллари эса файласуф дейиш анъанага айлантирилган эди. Ҳаттоки умри давомида бирорта асар ёзмаган (масалан, Сократ) киши (замондошлари ва шогирдлари унинг (Сократнинг) ҳаётлигида айтганларини тўплам ҳолида нашр қилган) ҳам файласуф дейилган. Бу усул, бизнингча, ўрта асрларда ҳадисшунослик илмида ҳам қўлланилган. Ўрта асрларда Шарқ илм-фанининг юксалиши боис фанлар классификацияси такомиллаштирилди. Лекин фан фалсафасининг бирор йўналишида (масалан, фақат математика фани ёки фақат адабиёт ёхуд медицина фани билангина чекланиб қолган) илмий, фаол, ижод қилган олим-фузола «топилмади». Уларнинг аксарияти энциклопедист олим сифатида тарихда қолди. Шу сабабли ҳам улар ёзган асарларда фалсафа фанининг у ёки бу жиҳатлари намоён бўлиб, файласуф сифатида илгари сурган ғоялари фалсафий жиҳатдан талқин қилинди ва эътироф этилди. Бу тамойил Ўзбекистон фалсафа тарихи вакиллари фалсафий қарашларининг тадқиқида ҳам ҳисобга олинади.

с) Умумий ҳолда академик И.Каримовнинг мустақилликнинг илк йилларида ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари олдига қўйган қуйидаги саволлар доирасидаги масалаларни тадқиқ қилишга устуворлик берилди: «Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989–1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

– Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

– Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

– Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

– Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!..» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

– Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эъти-

бор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

– Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

– Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

– Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

– Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

– Гуё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

– Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, кунни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?.. У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки истиқлолнинг дастлабки чоғларини ёдга олайлик. Ўша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар рўй бердики, агар биз салгина янглишсак, ҳушёрлик ва қатъиятни озгина бой берсак, баъзи бир бақирриқ-чақирриқ йўлига ўтган «доҳий»ларнинг гапига кирсак, ўта хотиржамлик ва ғафлатга берилсак, эҳтимол, бугунги кунда халқимиз тақдири, ватанимиз тақдири бутунлай бошқа йўлдан кетиши, боши берк кўчаларга кириб қолиши мумкин эди. Буниям аниқ тасаввур қилишимиз керак».

т) Жаҳон ҳамжамияти тан олган, машҳур қилган, эътироф қилган буюкларни кўкка – коинотга олиб чиқиб, уларнинг номларини абадийлаштирган. Булар орасида аждодларимиз номларининг ҳам бўлиши қувонарли ҳолдир. Ҳозир Галактиканинг Қуёш системасидаги 37 та жисмда (яъни планета, астероид ва улардаги музликлар, кратерлар) 7,5 мингта ИНСОНлар номи мавжуд. Энг кўп ном Венера планетасида (унда фақат аёллар номи берилиши халқаро миқёс-

да келишилган) 2000 та аёл номлари қўйилган. 1985 йилда Венера планетасидаги икки кратерга ўзбек шоирлари Нодира (1791–1842) ва Увайсий (1779–1845) номлари берилган. Шунингдек, Венерада Гульнора, Жамила, Ҳалима, Фотима каби номлар билан аталган кратерлар мавжуд. Сатурндаги Энцелада йўлдошининг музликка ўхшаган ҳудуди Самарқанд деб номланган. Эрос астерониди кратерларига Алишер Навоийнинг «Жамса»си қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун номи берилган, 2008 йилда Меркурийдаги кратерларнинг (240 таси номланган: Толстой, Пушкин, Низомий, Рудакий ва бошқалар) бирига Алишер Навоий номи берилган. Ойдаги кратерларга Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино номлари берилган. 1934 йилда Қрим Пулково обсерваториясида астроном Г.Неуёмин кичик сайёрани кашф қилади (1351-рақамда қайд қилинган) ва уни «Ўзбекистон» деб номлайди. 1973 йилда ушбу обсерватория марказида астроном Л.Черних кичик сайёрани кашф қилади (2755-рақамда қайд қилинган) ва уни «Улуғбек», деб номлаган. 1977 йилда астроном Л.Черних яна битта кичик сайёрани кашф қилади (2439-рақамда қайд қилинган) ва уни «Авиценна» деб номлаган. 1986 йилда Болгариянинг Смолян обсерваториясида астроном Б.Элст томонидан кичик сайёра кашф қилинади (9936-рақамда қайд қилинган) ва уни «Беруний» деб номлаган, 1997 йилда АҚШнинг Прескотт обсерваториясида астроном П.Комбо томонидан кичик сайёра кашф қилинади (11156-рақамда қайд қилинган) ва уни «Хоразмий» деб номлаган. 2007 йилда Ўзбекистоннинг Майданак обсерваториясида астрономлар Б.Ҳофизов ва А.Сергеев томонидан кичик сайёра кашф қилинади (210271-рақамда қайд қилинган) ва Президент И.Каримов таклифи билан «Самарқанд» деб номланган<sup>27</sup>. *«Кошот»диги аждодларимизнинг (аксарият ҳолда нафақат жсаҳон ҳамжамияти, балки ўзимиз ҳам билмаймиз) ҳам фалсафаси таҳлилини бериши орқали Ўзбекистон фалсафа тарихи манбалари нақадар чуқур ва юксаклигини кўрсатиши миллий гоё тамойиллари амалиётга айланишида муҳим аҳамият касб этади.*

<sup>27</sup> Фан ва турмуш. 2010. 4-6-сонлар.



у) Миср қадимшунослик ишлари бўйича Олий Кенгаш раҳбари Захи Хавас 2010 йил апрелда Швейцария Мисрдан олиб кетилган қадимий маданий бойликларни қайтариш тўғрисида келишув имзолаганлигини ва швейцариялик олимлар 1907 йилда Мисрдан олиб кетилган фр'авн Эхнатоннинг мўмиёланган оёқ бармоғини қайтаришганини маълум қилган. Муҳими, 2002 йилдан буён олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 31 000 та қадимий ашё Мисрга қайтарилган. Ўзбекистондан олиб кетилган барча (лоақал 6, 7, 8-иловадагиларни) моддий ва маънавий бойликларни қайтариш бўйича худди шундай ҳаракатларни кучайтириш глобаллаш шароитида алоҳида долзарблик касб этади, жамият аъзоларида миллий ғурур ва ифтихор туйғулари янада такомиллашувида муҳим аҳамиятга эга бўлади ҳамда Ўзбекистон фалсафа тарихини янги мазмун билан бойитади. Шунингдек, Ғарб цивилизацияси Шарқ ҳисобига эканлигини кўрсатишда ҳам муҳимдир.

ф) Фан фалсафаси вакиллари индивидуал онгининг ижтимоий ондан орқада қолиши муаммосини тадқиқ қилиш Ўзбекистон тарихи масалалари объективлигини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. «Араб халифалиги даврида феодал муносабатлар ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада тараққий этиши кўзга ташланади. IX–XI асрларда халифалик ҳудудларида Бухоро, Жужония, Кот, Урганч, Марв, Самарқанд, Ғазна, Балх, Халаб (Алеппо), Қоҳира, Қуртуба (Кордова), Ишбилиёя (Севилья), Валенсия, Бағдод, Басра, Дамашқ каби бир қатор маданий марказлар бор эди. Улар илм-фан, фалсафанинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган»<sup>28</sup>. Бу, ҳатто, собиқ иттифоқ даврида ҳам тўлиқ бўлмаган маълимотлар саналади. Мустақиллик даврида халқаро миқёсда қадимий ва навқирон шаҳарларимиздан 10 дан ортиғи юбилейи ўтказилди. Ёки биз олдинги тадқиқотларимизда олим-уламоларнинг нисбалари тўғрисида фикр юритганда Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати илм-фан ва маданият нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам равнақ топганлигида, деб алоҳида кўрсатган эдик. Агар шу нуқтан назаридан хулоса чи-

---

<sup>28</sup> Расилова Д.Р. ва бошқ. IX–XI асрларда Марказий Осиёда дунёвий билимлар ривожини// Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. –Т.: «ТДШН», 2010. – 255-бет.

қарадиган бўлсақ муаллифлар кўрсатган IX–XI асрларда Мавроуннаҳрда 3000 дан ортиқ маданий марказлар бўлган. Ҳатто, муаллифлар қўйган мақола мавзуси (IX–XI асрларда Марказий Осиёда дунёвий билимлар ривожини) ҳам таҳрирга муҳтождир. Чунки қадимдан ҳам, муаллифлар кўрсатган IX–XI асрларда ҳам бирорта олим-уламо йўқки, бевосита дунёвий ёки диний фанлар доирасида фаолият кўрсатган бўлсин. Уларнинг фан фалсафасига қўшган ҳиссалари диний ва дунёвий билимлари мажмуасидан иборат бўлганки ва айтиш шу сабабдан ҳам уларни энциклопедик олимлар сифатида эътироф этишган.

х) Ўзбекистон фалсафа тарихи орқали Ватанимиз ҳудудида етишиб чиққан, жаҳон тан олган минглаб энциклопедик олим-улаомларимизнинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий қарашларини ўрганиш араб давлатлари, Европа давлатлари, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Мўғулистон, Америка халқлари тўғрисида мукамал ва бой материаллар беради ҳамда қадимдан шу мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари, жумладан маданиятларининг бир-бирига таъсиригини (Булок ипак йўли) кўрсатишида алоҳида аҳамиятга эгадир. Мана шу объектив жараёнини ўрганиш глобаллашув жараёнида кучайган космополитик, Фарб устунлиги, айрим ривожланган давлатлар ва халқларнинг жаҳонга ва инсоният тақдири учун гегемонлик «иштаҳаси» асосизлигини рад этади ҳамда Мавроуннаҳр халқларининг маданияти, илм-фани қалимдан ўзига хос алоҳида феномен эканлигини исботлайди.

ч) Академик И.Каримов Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейида шундай деган эди: «Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир». Гарчи, мазкур фикрлар Қашқадарё воҳасида камол топган аждодларимиз нуқтаи назаридан айтилган бўлса-да, бизнингча, улар мамлакатимизнинг барча ҳудудидан чиққан улуғ аждодларимизга ҳам тегишлидир. Шунинг учун ҳам уларнинг «тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазина-

сига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз»нинг муқаддас бурчидир. Чунки «бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди».

ш) Эндиликда Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларини ўрганилганда, Ўзбекистон фалсафа тарихининг турли даврларида яшаб ўтган вакилларининг фалсафий қарашларига баҳо берганда, уларнинг маънавий меросини тадқиқ қилганда миллий ғоя тамойиллари талаби доирасида илмий-назарий хулосалар чиқаришга устуворлик бериш давр талабидир. Чунки, сир эмас, ҳалигача уларнинг фалсафий меросига мурожаат қилганда ўтган замондаги мутлақлаштирилган «илмий хулоса»лар асос сифатида олинмоқда ҳамда шу нуқтан назардан бир томонлама, чекланган натижалар эълон қилинмоқда, хулосалар чиқарилмоқда. Бу, бир томондан, у ёки бу фан вакилларининг зўрлаб бирор таълимот вакили сифатида кўрсатилишида, иккинчи томондан, улар «айтмаган» фикрлар ва «қилмаган» фаолликларни зўрлаб «айтган» фикри ва «қилган» хатти-ҳаракати қилиб кўрсатишда, **учинчидан**, уларнинг динга қарши курашувчи ёки тўғридан-тўғри диндорлар сафига мажбуран, зўрлаб киритилишида намоён бўлмоқда. Бу сингари субъект чиқарган хулосалар вакилларининг фан методологияси масалаларини, фалсафанинг ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг диалектикасини билмаслиги ҳамда умуман уларнинг фалсафий билимларининг саёзлиги оқибатидир.

Айрим ҳолларда Ўзбекистон фалсафа тарихи масалалари фақатгина тасаввуф фалсафасини ўрганиш билан чекланилаёпти дейилса, айрим олимлар тасаввуфни фалсафадан ажралган таълимот сифатида қабул қилмоқдалар. Бундай қарашлар фалсафанинг умумийлик, хусусийлик, яқкалик категорияларини бир-биридан сунъий равишда ажратишга олиб келади ҳамда, оқибатда, уларнинг диалектикасини «издан» чиқаради. **Бу биринчидан. Иккинчидан**, фан фалсафасининг объективлик принципини инкор қилиш ва субъективизмнинг кучайишига олиб келади. **Учинчидан**, фалсафанинг инкорни инкор қонунининг ворисийлик тамойили ҳисобга олинмаганлигини кўрсатади. Чунки ҳеч қайси ижтимоий ҳодиса (шу жумладан тасаввуф-сўфийлик ҳам) бирданига, йўқ жойдан пайдо бўлма-

ган. Улар бевосита ўзидан олдин пайдо бўлган, маълум бир макон ва замонда шаклланган ҳамда қайсидир маънода, яъни олдинги ижтимоий ҳодисаларнинг ўзига мос жиҳатларини ўзлаштирган. Шу жиҳатдан, академик И.Каримовнинг гарчи бошқа ҳолат нуқтаи назаридан айтилган бўлса-да, мазкур масалага ҳам тааллуқли бўлган, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияда (1996 йил 24 октябрь) билдирган қуйидаги фикрлари методологик асос бўлиши зарур: «... бу замин – қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!»

Шундай қилиб, айтилган қимматли фикрлар аждодаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини дунё ҳамжамиятига кўрсатишга, асослашга, исботлашга энг устувор стратегик вазифа сифатида қарашни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларини тадқиқ қилишда «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат», «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Шарқ фалсафаси», «Ғарб фалсафаси», «Жаҳон фалсафаси», «Фалсафа изоҳли луғати», «Ўрта Осиё олимлари қомуси» каби манбалардан, академиклар И.Мўминов, И.Каримов, С.Шермухамедов, М.Хайруллаев, М.Баратов, фалсафа фанлари докторлари ва профессорлар: Р.Носиров, Ҳ.Алиқулов, Қ.Назаров, тарих фанлари доктори, профессор У.Уватов., филология фанлари доктори, профессор Н.Комилов ва бошқа олимларнинг асарларидан фойда-

ланилди (қаранг: «Фойдаланилган ва тавсия қилинаётган адабиётлар рўйхати»).

Юксак салоҳиятли талабчан ўқувчиларимизнинг мазкур китоб юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ва қимматли маслаҳатлари муаллифни мамнун қилади, унга ижодий куч-қувват бағишлайди. Шу боис эътибор, маслаҳат, мулоҳазалар учун китобхонларга олдиндан чин қалбдан миннатдорчилик билдирамыз.

---

## **I БОБ. Глобаллашув шаронтида Ўзбекистон фалсафа тарихи муаммоларини ўрганиш методологиясининг баъзи масалалари**

Фан фалсафасининг энг мураккаб ва жиддий муаммоларидан бири унинг методологияси масаласидир. Чунки ҳар бир фан ривожига ўзига хос методология орқали ёндошув талаб қилинади. Айни пайтда барча фанлар умумий методологияга ҳам эҳтиёж сезадикки, айрим ҳолларда бу тадқиқотчи назаридан четда қолади. Мазкур методологиянинг мазмун-моҳияти макон ва замонда ўзига хослик касб этади. Бу бевосита бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда яққол кўзга ташланади. ХХI асрда бу масала янада долзарблик касб этади. Чунки ўтган асрнинг 90-йилларидан дунёдаги туб ўзгаришлар, хусусан, икки қутбчиликдан қўн қутбчиликка ўтишини, жаҳонда муस्ताқил давлатлар сонининг (миқдорий) ошиши бевосита фан методологиясига бўлган мунособатларда ҳам кескин ўзгаришлар қилишини талаб этмоқда.

Глобаллашув шаронтида фан фалсафасида умумий методология масаласи алоҳида аҳамиятга моликдир. Бизнинг назаримизда, глобаллашув шаронтида, яъни маълум бир макон ва замонда шундай методологик асос ва манбалар аждодларимиз бунёд этган моддий ва маънавий қадриятлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва академик Ислом Каримов таълимотида баён қилинган ғоялар ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам тадқиқотга қуйидаги учта мезон методологик асос қилиб олинган. **Биринчи мезон:** аждодлар моддий, маънавий мероси ва қадриятлари; **иккинчи мезон:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; **учинчи мезон:** Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, китоблари, учрашув ва йиғилишларда илгару сурган ғоя ва кўрсатмалари ҳисобланади.

## Авесто – жаҳон ва Ўзбекистон фалсафа тарихи шаклланишининг илк ёзма манбаи

*Зардушт бизга ҳар бир хижоси андишалар билан тўлиб тошган сўзларни ёзиб қолдирди. Бу сўзлар қисқа, лўнда айтилганлиги жиҳатидан тенги йўқдир. Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади. Агар бу дастурларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка солсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси бўлар эди. Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг қадр-қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда Авестони бу дostonнинг энг юқори ногонаси деб билмоғимиз лозим. У маънавиятнинг энг қадимий тарғиботчисидир.*

Лоуренс Милз – француз шарқшунос файласуфи

XX асрнинг 70–80-йилларида илмий адабиётларда, хусусан, фалсафа фани дарслик ва ўқув қўлланмаларида Авесто тўғрисида маълумотлар ўта саёз берилган. У даврларда Шарқ фалсафасини беришда Миср ва Вавилония, Ҳиндистон ва Хитой фалсафаси тўғрисидаги маълумотлар билан чекланилган. Айрим ҳолларда «Хўжайиннинг ўз қули билан суҳбати» (Миср) эслатилиб, унда илгари сурилган ғоялар материалистик руҳда изоҳланган.

Дунё харитасида икки қутблиликнинг барҳам топиши Авестога иккинчи умрни берди ҳамда у қайтадан кашф қилинди. Авестонинг Ватанида халқаро ҳамжамият билан бирга юбилей тантаналари ўтказилди. Уни ўқиш, ўрганиш ва ўргатишга ҳамда тарғиб-ташвиқ қилишга кенг имкониятлар яратилди.

«Авесто» (парфиёнча: apastak – матн) мил. авв. X–IX асрларда (бизнинг назаримизда бу «ёш» ҳам охириги чегара эмас) ёзилган. Бу ҳақда ҳам турлича қарашлар мавжуд бўлиб, «Зоростризм мил. авв. II–I минг йилликларда пайдо бўлган»<sup>1</sup> лиги таъкидланади.

---

<sup>1</sup> Чаруящая страна – Узбекистан // Правда Востока. 20 января 2011 года; Махоткин А.В., Махоткина Н.В. Обществознание. – Москва.: «Эксмо». 2011. – С.118.

Авестонинг «Гоҳфлар»и ва «Яштлар»и энг қадимги қисмларидир. Тарихчи ал-Истаҳрий ва Абу Али Муҳаммад бин Муҳаммад Баълавий Авестонинг 12000 ҳўкиз терисига тилла билан ёзилган нухаси Истаҳр шаҳри ёнидаги ибодатхонада сақланганлигини кўрсатган. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Авесто тўғрисида қуйидаги маълумотларни ёзган: «Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) 12 минг қора мол терисига тилло билан битилган бир нухаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборади. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто 30 «наск» эди, мажусийлар қўлида 12 наск чамаси қолди. Бу Қуръонда бўлақларни ҳафтияклар деганимиздек, наск Абисто бўлақларидан ҳар бир бўлақнинг номидир»<sup>2</sup>. Авестонин қадимдан грек файласуфлари - Солон, Сократ, Фалес, Аристотель, Платон, Гераклит, Демокрит, кейинчалик Ғарб олимлари - Анкетиль дю Перрон, Х.Бартоломе, М.Бойс, Н.М.Стеблин-Коменский, Ж.Кэлэс, Ж.Дюшен-Гийемэн, Х.Хумбах, Гётте, Данте, В.Б.Хеннинг тадқиқ қилишган. Шу сабабдан ҳам уларнинг фалсафий қарашларининг шаклланишига Авесто ўз таъсирини ўтказган.

Фикримизча, «Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборади», деган фикр-мулоҳаза (бу ҳозирда ҳам эътироф этилмоқда) ҳозирги Авесто тўғрисидаги янги маълумотлар нуқтан назаридан мунозаралидир. Бизнингча, Авесто Александр Македонский тахтга ўтиргунга қадар ҳам юнонларга маълум бўлган. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати, маълумки Александр Македонскийга юнон файласуфи Аристотель (мил.ав. 384-322) устоз-мураббийлик қилган. *Бизнингча, у устози - мураббийси – маслаҳатчисини ўзининг барча босқинчилик урушларида бирга олиб юрган. Шу сабабли ҳам Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийнинг Авестони Александр Македонский ёқиб юборгач, унинг (Авестонинг) «бешдан учи йўқолиб кетди» деган маълумотидаги «Авесто»нинг йўқолган «уч қисми» Аристотелга совга-тортиқ қилинган ёки Аристотель (ёки Авестонинг бошқа тўлиқ нухасини – бу*

<sup>2</sup> Беруний А.Р. Танланган асарлар. I-том. – Т.: «Фан», 1968. – 238-бет.



ҳақиқатга яқинроқ) уни эгаллаб олган. Чунки Аристотель қарашлари ва фалсафий таълимотларида ҳам, бошқа қадимги грек файласуфларидаги сингари Авестонинг «ҳиди» келиб туради. Бу фикрни асосаш учун Аристотелнинг ҳозирда Вашингтондаги Миллий Фанлар академияси пештоқига ёзилган қуйидаги сўзларини келтирамиз: «Ҳақиқатни излаш ҳам осон, ҳам мушкул. Чунки ҳеч ким унга тўлиқ эриша олмайди. Шунинг баробарида ҳеч ким уни умуман пайқамаслиги ҳам мумкин эмас. Аммо ҳар бир одам табиатни англашимиз учун озгина бўлса-да, ўз ҳиссасини қўшади, ушбу ҳиссалар йиғиндиси натижасида эса улуғвор манзара пайдо бўлади».

Авестода қуйидагилар ёзилган: «Асим-Ваҳу ҳақиқатгўйлик энг яхши иноят ҳамда бахт-саодат асосидир. Бахт-саодат фақат энг олижаноб ҳақиқатгўйларгагина nasib этади». Ёки яна бир мисол. Аристотель ёзди: «Ҳар қуни Қуёшнинг осмон тоқини айланиб ўтишини, тунда эса ўзга ёритгичларнинг бир текис жилваланишини кузата туриб, бу ҳаракат ва уйғунликларнинг сабабкори Худонинг мавжудлигига иймон келтирмаслик мумкин эмас». «Авесто»да шундай дейилган: «Бизни яратган, бизга мавжудлик шакли-шамойилини берган ва тарбиялаган энг улуғ, энг аъло, собит ва муқаддас Ақл – энг адолатпарвар Аҳурамаздани эътироф этаман ва унга эътиқод қиламан». Шунингдек, Авестонинг «Хуршид яшт» (Қуёшга қасида) боби «Биз Қуёшга сиғинамиз – Безавол нурга», деб бошланади.

✽Мустақил Ўзбекистон Авестони қайтадан кашф қилди. Авесто келиб чиқиши тўғрисида ҳам Ғарб ва Шарқ файласуфлари турли хил фикрларни баён қилишган. Ғарб файласуфлари Авесто ва унда илгари сурилган ғоялар негизида пайдо бўлган Зардуштийлик Мидияда шаклланган дейишса, ўтмишда шарқ олимлари Эрон ёки Озарбайжон ҳудудида пайдо бўлган деб изоҳлашган. Булар ўз вақтида Авестонинг тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги оқибатида чиқарилган хулосалар. Мустақиллик шарофати ила мамлакатимиз файласуфлари, шарқшунос олимлар, тарихчи ва этнографлар ҳамда археологларнинг саъй-ҳаракати билан юқоридаги муҳолиф қарашларга барҳам берилди ҳамда Авесто Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна заминида шаклланган, қарор топган, ривожлантирилган ҳамда кейин Эрон, Озарбайжон, Юнонистон, Миср, Визан-

тия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Мўғулистонга тарқатилган, деган хулоса илгари сурилди, у асосланди, исботланди ва жаҳон илмий оmmasи томонидан эътироф этилди. Авестодаги «Адархурра» муқаддас олов Хоразм заминиде ёқилган. Бу тарихий ҳодиса Ахурамазданинг Заратушра олдига келган Айриан-Важеа давлатида содир бўлади. Айриан-Важеа тўғрисидаги воқеа тафсилотлари, ундаги табиат манзаралари ҳамда географик шарт-шароитлар Хоразм замини тасвирларидир. Авестода ёвузлик худоси Аҳриман талафот ва кулфатлар келтирилган жойлар сифатида Айриан-Важеа (Хоразм), қишлоқ хўжалиги ривожланган, одамлари бой, чорваси кўп бўлган Суғдиёна, туғларини баланд кўтариб мардона курашган Бақтрия мамлакатлари кўрсатилади. Зардушт бевосита яшил яйловлар, дарё бўйлари, кўллар атрофида туғилган деб таъкидланадики, бу ҳам Хоразм воқасига тўғри келади.

Авестода азалдан нур бўлганлиги кўрсатилади ҳамда мана шу нур ёрдамида Ахурамазда яратилган. У аса борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар сабабчиси, деб кўрсатилади. Шунингдек, Ахурамазда томонидан мамлакатлар ва одамлар учун маконлар яратилганлиги қуйидагича тасвирланади: «*Авалло*, мен Ахурамазда энг яхши мамлакатлар ва маконлардан Ванҳ ва Данти дарёси ортида Айриан-Важеани яратдим. *Иккинчидан*, мен Ахурамазда ўлкалардан энг афзали бўлган суғдийлар яшайдиган Гава маконини яратдим. *Учинчидан*, мен Ахурамазда мамлакатлар ва ўлкалардан энг афзали, қудратли ва Артага тегишли Моуру (Марғиёна)ни яратдим. *Тўртинчидан*, мен Ахурамазда мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган гўзал ва байроқлари баланд кўтарилган Баҳди (Бақтрия)ни яратдим». Юқорида айтилган фикрларни асослаш, Авесто фалсафасининг бошқа халқлар фалсафаси, дини ва фанига таъсирини кўрсатиш ҳамда ўқувчи холис хулоса чиқариши учун қуйидаги маълумотларни келтиришни лозим топдик. Буларни англаш баробарида илк фалсафа ва фалсафий қарашлар Фарбда пайдо бўлганми ёки Шарқдами, деган саволга жавоб ўқувчи ҳукмига ҳавола?!

Жак Дюшен Глемен «Зардушт мадҳлари» (Авестонинг Ясна, Яшт қисмлари) китоби таржимасига ёзган «Сўз боши»да Шарқ файласуфларидан биринчи бўлиб Зардуштни «тутинган ўғлидек тан ол-

ган Платон Зардуштни билар эди, чунки унинг шогирдлари ўз устозларини Зардуштга қиёслар ва тенглаштирар эдилар, ҳатто, Зардушт таълимоти юнон файласуфи Платоннинг (мил. ав. 428-347 йиллар, асли исми Аристокл бўлган, Платон унинг лақаби ҳисобланади. «Платон»-юнонча бўлиб «кенг елкали» деган маънони англатади) дуалистик қарашларида сезиларли из қолдирган», деб алоҳида кўрсатган. *Юқоридаги фикрлардан Платоннинг шогирдлари ҳам Авестони билганлиги маълум бўлади.* Платон: «Ҳақиқатни англашга интилувчилар чин файласуфлардир», – деб таъкидлаган. Бу фикрлар «Авесто»да қуйидаги шаклда ўз ифодасини топган: «Ашм-Ваҳу: ҳақиқатгўйлик энг яхши иноят ҳамда бахту-саодат асосидир. Бахт-саодат фақат энг олижаноб ҳақиқатгўйларгагина насиб этади. Ҳой, Амеша Спенталар! (Азалий ва ўлмас етти нафар эзгулик фаришталари) Сизларга олижаноб хулқ-атвор ҳамда бутун танижоним, ҳаётим билан талпинаман ва сизларни олқишлайман!» Бу фикрларда ҳам «ҳақиқатгўй - фаришта – файласуф» маъноси англанади.

Шунингдек, Авестодан келтирилган юқоридаги маълумотларда азалий ва ўлмас еттита фаришта тўғрисида ғоялар илгари сурилади. Демак, Авестода ҳақиқатгўй, олижаноб кишилар фариштага қиёсланади. Платондан икки аср олдин грек фалсафасида «етти донишманд» деган ибора бўлиб, Фалес (мил.авв. 625–547) шу етти донишманднинг бири сифатида эътироф қилинади. Бунда ўқувчи яна бир муҳим маълумотдан воқиф бўлиши даркор. Бу ҳам бўлса, юнон файласуфлари етти донишманднинг бири сифатида Авесто ёзилган юрт фарзанди – файласуф Анахарсисни ҳам киритишган. Анахарсис Фалесдан олдин яшаганини ҳамда унинг Юнонистонда ўз фалсафий қарашларини кенг ёйганлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Авесто ва унда илгари сурилган ғоялар мил. авв. VII асрлардаёқ антик грек файласуфларига маълум бўлган. Антик грек фалсафаси вакиллари Авестони ўрганишган, бу манба улар фалсафасининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Зардуштни нафақат Платон, ундан олдин яшаган Милет мактаби вакиллари ҳам билган ҳамда Авесто ғоялари улар фалсафий қарашларининг шаклланишига таъсир қилган. Шунингдек, қадимги грек

файласуфлари борлиқнинг асосига илк ибтидони қўйишган. Масалан Фалес сувни, Анаксимен оловни, тупроқни, Демокрит атомларни, Пармонид (мил.ав. 540 й. т.) «Ҳамма нарсанинг асосида икки ибтидо – олов ва ер ётади,» деб кўрсатган. Мазкур масала жамулжам ҳолда «Авесто»да тўла ва мукаммал тарзда ўз ифодасини топган. Гераклит «...ҳамма нарса оловга айланади, олов эса ҳамма нарсага айланади», деб кўрсатади. Авестода: «Олов – энг олий қудрат: у барча нарсани ўз ичига олади ва барча нарсада намоён бўлади, у донмо ёниш билангина яшайди ва барча-барча нарсада фақат олов ёнади. Инсон ҳам шу олий қудрат билан яшайди. Унинг продаси ва ақли ана шу улуғ осмоний оловнинг намоён бўлишидир», – деб алоҳида кўрсатилади. Авесто таъсири натижасида илк ибтидо тўғрисидаги қарашлари шаклланган қадимги грек файласуфлари унда илгарди сурилган ғояларни турлича тушунишган, турлича талқин қилишган, ҳатто, бу соҳада бир-бирини танқид қилишган. «Анаксагор олов ва қуёш айни бир нарсандир, деб ҳисоблаганда қаттиқ янглишгандир. – деган эди Сократ (мил.авв. 469–399). – Чунки у одамлар оловга бемалол қарай олишларини, Қуёшга эса ҳеч қачон тик боқа олмасликларини назардан қочирган. Шунингдек, Анаксагор инсон териси Қуёш нури таъсирида қорайишини, олов эса бундай қудратга эга эмаслигини, ўсимликлар Қуёш ҳароратисиз яшай олмасликлари, олов тафтидан эса ҳалок бўлишларини унутган. Анаксагор Қуёшнинг оловда тобланган тош, деб таърифлаган. Аммо тош қанча қиздирилмасин, ҳеч қачон Қуёш каби ёғду тарата олмаслиги кундек равшандир. Қуёш эса донмо энг порлоқ ёритгич бўлиб қолажак». Бу бир томондан Сократнинг Авестони билганини англатади ҳамда Авестода илк ибтидо тўғрисидаги ғояни сократчасига изоҳлайди. Лекин Сократ Авестодаги Қуёшни фақат борлиқдаги моддийлик маъносида тушунган ҳамда изоҳлаган. Аслида Авестодаги Қуёш айни пайтда мажозий маънога ҳам эга, яъни Худога тенглаштирилган. Айни шу жиҳатни Сократ тушуниб етмаган.

Авестода одамларни эзгуликка даъват этувчи, борлиқдан кучқувват олиб, ўзи жисмонан бардам бўлишга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга даъват этувчи ғоялар мужассамлашган: «Зардушт Ахура Маздадан сўради:

– Бутун вужуди илоҳий калом-мансаралар билан қуролланган қудратли шоҳ Сурушнинг Сравасияваризи ким?

Аҳурамазда жавоб берди:

– Эй, Ашаван Зардушт! У Правдарш қушидир (хўроз)... Бу қуш бомдод маҳали эрта тонгда шундай деб бонг уради:

– Эй инсонлар! Оёққа қалқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гўзал Аша – ҳақиқатни васф айланг!»<sup>3</sup>.

Мана шу эзгуликка чорловчи ғоягина эмас, ҳатто, унинг воситаси Правдарш қуши – Хўроз бошқа халқлар фалсафасига, дунёқарашига, урф-одатига таъсир қилди ҳамда уларда ўзига хос тарзда аксини топган. Қадимги грек файласуфи Сократ бир юртдошининг туҳмати билан фуқаролик меъёрларини бузганлиги учун ўлим жазосига (судда 220 нафар киши Сократнинг айбисизлигини ёқлайди, 280 киши унга қарши овоз беради) ҳукм қилинган ҳамда қадимги грек қонун қондаларига биноан заҳар бериб ўлдириш буюрилган. У заҳарни ичиб, шогирдига қарата шундай дейди: «Критон, биз Асклепийдан хўроз қарзимиз. Хўрозни қайтаринг, ёдингиздан чиқмасин». Маълумки, қадимги юнонлар урф-одатига кўра (*бизнингча, бу одатнинг пайдо бўлишида «Авесто»да илгари сурилган гояларнинг таъсири бўлган*) касал инсоннинг шифо топиши учун Аполлоннинг ўғли, табиблар Тангриси Асклепийга хўроз сўйиб, қурбонлик қилинган. Шу сабабли ҳам Сократ хўроз сўйиб қурбонлик қилинглари, демоқчи бўлган.

Юнон файласуфи Диогеннинг: «Оташпарастилик мисрликлардан ҳам қадимийроқ бўлиб, улар олов, сув, ерни, икки ибтидо – эзгулик ва ёмонликни (Ахура Мазда ва Аҳриман) илоҳийлаштирган», – деган фикрлари ҳам Ғарб Авестони нафақат билганлигини, айни пайтда уни ўзларининг макон ва замонларида ижодий ўзлаштириб, ўзларига мослаштиришганлигини кўрсатади.

Юнон файласуфи Кратил (мил.авв. V аср иккинчи ярмида туғ.): «Гераклит айтганидек, оқаётган сувга икки марта эмас, ҳатто бир марта ҳам шўнғиб бўлмайди. Чунки нима ҳақда гапирмайлик, биз тугал фикр айтиб улгурмасимиздан узлуксиз ўткинчилик қонунига бўйсунувчи ҳар қандай воқеликнинг моҳияти ўзгариб кетади», – деб

---

<sup>3</sup> Авесто. –Т.: «Шарқ», 2001.

фалсафа тарихида «диалектика отаси» бўлган Гераклит таълимотини янада ривожлантиради. Юнон файласуфлари Кратил ва Гераклитнинг диалектикага онд юқоридаги фикрларининг шаклланишида Авестода илгари сурилган ғоялар асос бўлган. Масалан, ҳаво, сув, тупроқнинг оловдан пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққий қилиши ва яна оловга айланиши (инкор) ҳамда қайтадан, янгитдан (инкорни инкор) бу жараённинг бошланиши, узлуксизлиги, давомийлиги, уларнинг мутлақ эмаслиги, қотиб қолиш ва тўхтаб қолишининг (миқдор) инсбий характери, борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар доимо ўзгариш, ҳаракатда (сифат) эканлиги, яхшилик (Аҳура Мазда) билан ёмонлик (Ангра Манью) ўртасида мунтазам кураш (қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши) мавжудлиги тўғрисида илгари сурилган ғоялар нафақат қадимги юнон фалсафасига, айни пайтда фалсафа цивилизациясининг кейинги босқичларига ҳам ўзининг ижобий, бунёдкорлик ҳамда ижодкорлик таъсирини кўрсатган. Шунингдек, аерлар давомида ҳукмрон бўлган «Диалектиканинг отаси - Гераклит» деган гарбча «аксиома»ни ҳам «Диалектиканинг отаси Авесто муаллифи Зардушт»дир деган аксиома билан ўзгартирини ҳозирги ривожланиш жараёни талаб қилмоқда. Қадимги грек ва юнон фалсафасини таҳлил қилган немис классик фалсафаси вакили Гегель шу ғояларни ўрганиб, ўзининг фалсафа категориялари ҳамда қонунлари тўғрисидаги илмий тадқиқотларини якунлаган.

Авесто инсоннинг табиатга, жамиятга, ҳукмдорларга, бир-бирига бўлган муносабати, хатти-ҳаракати, феъл-атворини тартибга солувчи қомусий ғоялар мажмуни, бу ҳуқуқ (*Рим ҳуқуқидан олдин*) фалсафасининг илк манбан эканлиги тўғрисида яна бир далилдир. Авестода жиноят ва жазо масалалари дунёвий билимлар доирасида ифодаланган. Жумладан, Авестода табиат кучларига қарши жиноятлар, ҳайвонларга қарши жиноятлар, онлага қарши жиноятлар, ахлоққа қарши жиноятлар, динга қарши жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар, мулкий жиноятлар кўрсатилиб, уларга қарши жисмоний жазо, қамоқ, гуноҳни ювиш, қондошлик ўчи, ўлим жазоси берилиши, жиноят процессининг объек-

ти, субъекти масалаларига кенг ўрин берилган (ҳуқуқ фалсафаси). Авестода ёвузлик тарафдорлари «девларнинг деви эмас, балки тўғридан-тўғри қотил» деб, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал қондаларини бузганларга ҳамда ёвузлик ғояларини тарқатувчиларга жазонинг энг оғир тури – ўлим жазоси берилиши кўрсатилган. Китобда «Аридуш» – ғараз билан қилинган жиноят; «Оширимта» – қасддан қилинган жиноят; «Аваўрай-Шта» – жаҳл устида қурол олиб урмоқчи бўлган шахс жиноятларининг моҳияти очиб берилади.

Авестода ер, олов, сув, ҳавони ифлослантириш, ҳайвонларни ўлдириш, одамлар жасадини оловда ёқиш ёки уни оловда пишириб ейиш каби жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган.

Авестода илгари сурилган табиатни асраш тўғрисидаги ғоялар «Экология», «Экология ҳуқуқи» ва бошқа фанларнинг вужудга келишига асос бўлди. Ҳозирги даврда жаҳоннинг барча давлатлари Авестода илгари сурилган эзгу ғояларга қарши «фаоллик» кўрсатиб инсон ва табиат мувозанатини бузмоқда. «Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрланган.

Афсуски, охирги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Инсониятнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қондалари унутиб юборилди. Бу қондаларга кўра, сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди.

Марказий Осиё халқлари исломдан олдинги маданиятнинг табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Одамларни дарёларнинг мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик

қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас»<sup>4</sup>.

Авестода илгари сурилган ҳуқуқ фалсафаси тамойилларини инсоният англаб етмади, унга амал қилмади. Масалан, Зардушт Аҳура Маздадан сўрайди: «Агар йўлда бораётган ёхуд суворий ё аравада кетаётган маздапараст ўлик ёқилаётган ё пиширилаётган оловга дуч келсалар нима қилишлари керак?». Аҳура Мазда жавоб беради: «Улар ўликни ёқаётган кишини ўлдиришлари лозим». Демак, зардуштийликда ўликни ёқиш ва ёйиш энг катта гуноҳ саналган ҳамда бундай инсонпарварлик ва ахлоққа қарши жиноятларни қайта такрорламаслик, уни жамиятдан бутунлай йўқ қилиш учун жиддий чора кўриш (ўлим жазоси) зарурлиги алоҳида таъкидланган. Тарих фалсафаси бундай жиноятлар кўпгина халқ ва давлатларда бир неча асрлар сақланиб қолганлигини кўрсатади. Масалан, Ҳиндистонда 1803 йилда хотинлар эрлари ўлгандан сўнг унинг тобути устида ўзларига ўт кўйиб оловга ташлани билан боғлиқ 30000 ҳолат кузатилган. Сиракуза ҳукмдори Агафокл Карфаген кўшинлари устидан қозонган ғалабаси шарафига зодагонларнинг 200 та боласини гулханга ташлаб, Худоларнинг раҳмини келтирмоқчи бўлган. Буни кўрган оддий халқ ҳам ўзларининг 300 та боласини гулханга ташлашган.

Скандинавияда одамларни ейиш байрамонга ташкил этилган. Байрамда ўлдирилган одамнинг қони идишларга солинган, ибодатхонанинг ички ва ташқи деворларига, қолгани оламонга сепилган. Қурбонлик қилинган одамнинг гўшти ибодатхонада уюштирилган зиёфатда оловда пишириб ейилган. Мексикада коҳинлар қурбонлик қилинган одамнинг кўксини ёриб, юрагини олган, ундаги қонни санамнинг оғзига қуйган ҳамда қурбонлик қилинган одам гўштини оловда пишириб еганлар. Испанияда подшоҳнинг тахтга ўтириши, қиролларнинг уйланиши ва бошқа маросимларда дахрийларни гулханда куйдириш маросими ўтказилган.

Авестода зинокорлик, ўғрилик, фирибгарлик, аёлнинг боласини олдириши, оила бошлиғи эркак оиласини, болаларини ташлаб кет-

---

<sup>4</sup> *Каримова И.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // *Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида*. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 131-бет.



са, яшаб турган ҳудуд – Ватанга сотқинлик жиноят турлари сифатида кўрсатилган. Юқориди баён қилинган маълумотлар асосида Авесто барча кодекслар (жиноят, фуқаролик, маъмурий ва бошқалар) жамланган инсониятнинг ҳуқуқ фалсафаси шаклланишида зарурий манбадир, деган хулоса чиқариш мумкин. Авестода 3000 йил олдин пайдо бўлган ғоялар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, истиқболда ҳам ўз аҳамиятини, бунёдкорлик хусусиятини йўқотмайди. Чунки Авестода илгари сурилган билимлар барча халқлар фалсафасининг шаклланишида билвосита ёки бевосита илк манба бўлиб хизмат қилган ва уларнинг ривожланишига ҳозирги шароитда ҳам ижобий таъсир қилмоқда. Шунингдек, Авестода илгари сурилган фалсафий ғоялар бошқа динлар шаклланишида ҳамда инсоният цивилизациясининг ҳар бир босқичида халқлар ва давлатларга кучқудрат манбаи сифатида хизмат қилган.

Инсоният тараққиётида халқлар, миллатлар, давлатлар тарихи бир-бири билан узвий боғлиқ. Шунингдек, халқ, миллат, давлат маълум бир ижтимоий ҳодисага, унинг келиб чиқиши, илк ибтидо қаерда бошланганлигига асосий эътибор қаратиши лозимдир. Бунда инсониятнинг илк ёзма манбаларидан бири ҳисобланган Авестода илгари сурилган ғоялар муҳим аҳамиятга эгадир. Авестода ижтимоий тараққиётнинг бош мезони қилиб ахлоқ ва хулқ-атвор нормалари олинади. Авестодаги бундай ғоялар кейинчалик пайдо бўлган яҳудийлар, ҳиндлар, хитойлар, грекларнинг турли диний таълимотларида (жумладан, исломда ҳам) ўз аксини топган. Авестода ижтимоий тараққиётга табиий муҳитнинг ҳал қилувчи таъсири тўғрисида илгари сурилган ғоялар юнон фалсафасида, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг етти иқлим назариясида, Абу Райҳон Берунийнинг ирқларнинг келиб чиқишида табиий муҳитнинг роли тўғрисидаги қарашларида, араб мутафаккирлари (масалан XV асрда Ибн Халдун) таълимотларида, немис классик фалсафасида, XVIII аср француз файласуфлари асарларида ривожлантирилган.

Ҳозирги пайтда Авесто ғоялари Ҳиндистонда оташпарастлар томонидан ривожлантирилмоқда. Александр Македонский урушларида, айниқса, араблар Ўрта Осиёни босиб олгач, зардуштий руҳо-

нийларнинг бир қисми Ҳиндистонга кўчиб кетган. Уларнинг авлодлари (парслар) Бомбей шаҳрида ўз фаолиятларини ҳозиргача давом эттирмоқдалар.

Шундай қилиб, Авесто жаҳон фалсафасининг генезисида, фалсафанинг шаклланишида, хусусан, юнон фалсафаси шаклланишида ўзига хос илк ёзма манба эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам фалсафа объектларини таҳлил қилганда, Авестода илгари сурилган ғояларни ҳар томонлама ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, жаҳон фалсафа тарихи, хусусан, Ўзбекистон фалсафа тарихи муаммоларини тўғри талқин қилишда муҳим ва зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

Авестонинг «Виспар» қисмида: «Бу онла, хонадонда ростгўйлик ёлғончилик устидан ғолиб чиқсин. Биз мақтаймиз ва дуо қиламизки, тўғри сўзлар ҳамиша ғолиб бўлиб, бошдан охиригача ёмонлик ва ёлғончилик таъсирини йўқотиб юборсин...Эй Маздо, расм-ода-тимизнинг таянчи тўғрилиқдир, бинобарин шу жиҳатдан фойдаландир. Янгишланган мазҳабнинг таянчи эса ёлғончилик устидан қарор топган, шунинг учун у зиён келтирувчидир. Шу сабабдан хоҳлаймизки, одамлар пок саховат ва пок карамга ишонсинлар ва ўз алоқаларини ёлғонликка сиғинишдан узиб ташласинлар». Бу бунёдкор ғоялар ҳозирги ривожланиш жараёнида жамият аъзоларини, хусусан, баркамол авлодни инсоннарварлик ва эзгуликка йўналтириши баробарида, уларни ёвуз кучларга қарши ҳушёрликка, огоҳликка даъват қилади.

## Қуръон – жаҳон фалсафасини, хусусан, Ўзбекистон фалсафа тарихини асослашда зарурий манба

*Европаликлар мусулмон маданиятидан...қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилгаиларича йўқ. Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижобий таъсири ва қўламини насайтириш, ҳатто тамоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тап олишига мажбур қилади. Буни яшириш ёки тап олмаслик сохта гурурдан бошқа ҳеч нарса эмас.*

М.Уотт - ирландиялик исломшунос олим

*...Ҳозирги дунёда давлат барқарорлигини таъминлаш эсамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий ва ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таянади. Давлат мустақамлиги ва қудрати унинг эсаҳон эсамоатчилиги олдидаги маънавий-ахлоқий қийёфаси ва нуфузи билан ҳам аниқланади. Айни шу боис халқимизнинг, миллатимизнинг маънавий эсиҳатдан уйғониши мустақиллигимиз, миллий хавфсизлигимиз гаровидир. Ушбу муҳим ишда биз Шарқнинг буюк маънавий таълимотидан, халқларни тинч ҳаёт кечиршига, дўстлик ва ҳамкорликка, ўзаро эсинслик ва сабр-тоқатга чақирувчи ислом фалсафасидан кенг ва оқилона фойдаланишимиз лозим.*

И.Каримов

Мустақиллик шаронтида диннинг жамият равнақи ҳамда баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни нафақат эътироф этилди, айни пайтда унинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. Мамлакатимизда Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти, 10 та ўрта махсус ўқув муассасаси, православ ва протестант семинариялари, 2234 масжид ва 180 дан ортиқ черков, синагог, 18 та диний конфессия мавжуд. Шарқ, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида турли даврлар-

да пайдо бўлган давлат ва маданият ўчоқларида олимларнинг туғилган жойига ёки миллатига ёхуд динига нисбатан ажратиш бўлмаган. Бу, биринчи навбатда, Шарқни Фарбдан ажратадиган муҳим ва зарурий устуворликдир. Хоразм Маъмун академиясида арабистонлик, ироқлик, суриялик, хуросонлик, хоразмликлар, яъни араб, форс, яҳудий, ўзбек миллатлари ислом, христиан, оташпараст, буддавий, индус каби динларга мансуб олим ва уламолар биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришган. Масалан, Абу Райҳон Беруний – хоразмлик, Абу-л-Хайр Хаммор – суриялик, Абу Сахл Масиҳий – христиан бўлган. «Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши - маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбандир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланади... Сўнгги икки аср давомида ҳам ўзларини «маданиятли» ва «маърифатли» ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қирғинлар ва диний таъқиблик билан ўзларига доғ туширган бир пайтда Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган халқларга бошпана ҳам берди»<sup>5</sup>.

1980 йилда 280 миллионга яқин аҳолиси бўлган собиқ Иттифоқдан 17 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, ҳозир ҳар йили 29 миллионлик Ўзбекистон аҳолисининг 5 мингдан ортиғи ҳаж ибодатини адо этмоқда. Мустақиллик йилларида 100 000 га яқин юртдошларимиз ҳаж зиёратларини амалга оширдилар. Республикамизда мустақилликдан сўнг таълим тизими, жумладан, диний таълим ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Давлатимизда 1999 йилда ташкил қилинган Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ва 10 та ислом ўрта махсус билим юртида 1200 дан зиёд талаба Қуръони карим, ҳадис, фикҳ, дин тарихи, ақида каби фанлардан диний билимларини оширишлари баробарида, дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олмоқдалар.

---

<sup>5</sup> Каримова И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 128–129-бетлар.

Пайгамбаримиз Муҳаммадга (с.а.в.) 23 йил давомида фаришта Жабронл алайҳиссалом орқали Қуръони Карим ваҳий қилинган. Қуръон атамасининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи 30 дан ортиқ талқин мавжуд. Масалан, «Билим – Илм», «Ўқин», «Рамат», «Ан-нур», «Танзил», «Шифо» ва бошқалар. Муҳаммад алайҳиссалом даврида Қуръон китоб ҳолида бўлмаган, уларнинг вафотларидан сўнг халифа Абу Бакр пайгамбаримизга котиблик қилган Зайд ибн Собитга Қуръонни тартибга келтириб ёзишни юклаган. 632 йилда китобнинг тўлиқ бўлмаган илк нусхаси тайёрланади. Халифа Усмон Зайд ибн Собитга уни мукаммаллаштиришни топширади. 651 йилда Қуръоннинг тўлиқ матни тайёр бўлади. Кейин у етти нусхада: Макка нусхаси, Дамашқ нусхаси, Басра нусхаси, Куфа нусхаси, Мадина умумий нусхаси, Мадина хос нусхаси, Усмон Мусҳафи тайёр бўлади. Усмон Мусҳафи нафақат тарихий қиммат билан, аynи пайтда унга берилган «Мусҳаф ал-Имом», яъни барча Қуръон матнлари учун андоза нусха деб ном берилганлиги билан ҳам қадрлидир.

Усмон Мусҳафи Тошкентда, Ҳазрати Имом мажмуасида сақланади. Қуръоннинг мазкур нусхасининг Ўзбекистонга келтирилиши бўйича турлича фаразлар бор: *Биринчи фараз*: 1395 йилда Амир Темур Тўхтамишхонни енгач, сарой Беркадан Мусҳафи Усмонни Самарқандга олиб келган. *Иккинчи фараз*: Шайх Муҳаммад Мурод ибн Абдулла ар-Рамзий ўзининг «Қозон ва Булгор ҳақида ҳақиқий хабарлар» номли китобида: «Самарқанддан Петербургга олиб кетилган ва ҳозирда император кутубхонасида сақланиб турган Мусҳафи Усмон деб танилган Қуръони карим саройда сақланиб, Амир Темур олиб келган нусха шу бўлиши керак, бу ҳақиқатга яқин тахминдир. Буни инкор қилувчиларнинг ҳеч бир қатъий далиллари йўқдир», – деб ёзган. *Учинчи фараз*: Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти намояндаси Хожа Аҳрор Валийнинг муридларидан бири Константинополдан (бундан 400 йил аввал) олиб келган ва Хўжа Аҳрор масжидида сақланган. *Тўртинчи фараз*: Абу Бакр Қафғол аш-Шоший ўз Ватанига (Тошкентга) қайтишда (Ироқдан) олиб келган. Бунга ўхшаш тахмин ва фаразлар жуда кўп. Шу нарса аниқки, 1869 йилгача Қуръони карим Хожа Аҳрор масжидида сақланган. Подшо Рос-

сияси истилосидан сўнг, 1869 йил 24 октябрда фон Кауфман уни Санкт-Петербургда юборади. 1917 йил октябрда Уфа шаҳрига олиб келинган. 1923 йил 25 июнда Туркистон мусулмонларига берилди. 1924 йил 18 августда Тошкентга олиб келиниб, дастлаб масжидда, кейин тарих музейида сақланади. 1989 йилда мусулмонлар идораси ихтиёрига берилди. Ҳозир «Мўйи муборак» кутубхонасида сақланмоқда.

Қуръони карим 1698 йилда лотин, 1770–1828 йилларда (8 марта) француз, 1770–1828 йилларда (10 марта) инглиз, 1716–1986 йилларда (7 марта) рус, 1846 йилда немис тилига таржима қилинган. Мазкур таржималар макон ва замон нуқтан назаридан ҳам, мазмуни ва шакли жихатидан ҳам ўзига хосликни намоён қилади. Қуръон таржималари тўғрисида қуйидагича фикрлар билдирилган: Қуръонни умуман таржима қилмаслик шарт, чунки унинг илоҳийлиги йўқолади; таржима асл Қуръон мазмунини ифодаламайди; Қуръон таржимаси фақат ҳарфий, яъни сўзма-сўз бўлиши шарт; таржима фақат маънавий, яъни оятнинг умумий маъноси таржима қилинаётган тилда ифодаланиши ҳамда унинг арабча матни берилиши керак; таржимон Қуръон ақидаларига мухолиф бўлмаслиги шарт; исломга нисбатан хайрихоҳликни ифодаловчи таржималар; исломга нисбатан мухолиф таржималар; ислом цивилизацияси тарқалган ҳудудлар босиб олинганда ислом маданиятига қизиқиш баҳонасидаги таржималар; илмий таржималар; эскирган таржималар; тугалланмаган таржималар; шеърӣ таржималар; замонавий таржималар; замонасозлик руҳидаги таржималар; араб тилидан бошқа тилга тўғридан-тўғри қилинган таржималар; бошқа тилларга қилинганлардан таржималардан таржималар; эркин таржима; таҳлилий таржима; нотўғри таржималар мавжуддир.

1992 йилда Қуръони карим биринчи марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу турлича изоҳланди?!

Бизнингча, аждодларимиз Қуръони каримни аслида – араб тилида ўқиб ўрганганликлари боис (чунки уларнинг аксари араб тилини билишган) ўзбек тилига таржима қилишга эҳтиёж бўлмаганлигидир. XX асрнинг 20–30-йилларигача (1917 йилгача масжид ва мадрасаларда) араб тилида савод чиқарилган. Демак, XX асрнинг 20–30-

йилларида ўз саводини чиқарганлар XX асрнинг 60–70-йилларида жамият ижтимоий ҳаётида асосий (айниқса, ёзувчи, файласуф, тарихчи, математик, физик, астроном ва бошқа фан вакиллари, яъни И.Мўминов, Қори Ниёзий, Ойбек, Ғ.Ғулом, Я.Ғуломов, Фитрат, Чўлпон...) ҳал қилувчи куч бўлган. Уларнинг аксарияти Иккинчи жаҳон урушида ва қолганлари XX аср 60–70-йилларда вафот қилганликлари мазкур жараёнда ўзига хос бўшлиқ вужудга келишига сабаб бўлган. Бу бўшлиқнинг кенгайишига собиқ Иттифоқ даврида яқка мафқуранинг динга қарши кураши оқибатида зиёратгоҳларнинг вайрон қилиниши, масжид ва мадрасаларнинг ёпиб қўйилиши, олимпиадаларнинг қатағон қилиниши, кўпгина зиёлиларнинг хорижга кетиши ҳам сабаб бўлган. Бу бўшлиқни «тўлдириш» учун хориждан XX асрнинг 70–80-йилларида ўзига хос «қомийлар армияси келади». Бу армия батальонларидаги взводларнинг бири акромийлар, иккинчиси нурчилар, учинчиси Ислом лашкарлари ва ҳоказолар ҳисобланади. Биз уларни бекорга армия билан тенглаштирганимиз йўқ! Чунки улар ҳам ўзга ҳудудга, ўзга халқ маънавиятига, ўзга миллат дунёқарашига бузғунчи ғоялар билан босқинчилик қилишиб, эгалламоқчи бўлишди. Лекин улар ҳеч қачон ўзларининг манфур мақсадларига эриша олмайдилар! Чунки, бу заминнинг Буюк қалъаси ўз тупроғининг ичидан олиниб қурилган, пойдевори мустаҳкам, дарвозалари ташқарига очиладиган, бақувват ва кенг деворлари юксак ва ишончлидир!


Йўлбошчимиз Ислом Каримов «Ҳазрати Имом (Ҳаст-имом) жамоатчилиқ жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорида Ҳазрати Имом (Ҳаст-имом) диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётгани, айтиқса, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўтабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётгани алоҳида таъкидланиб, Ҳазрати Имом мажмуасида (мазкур мажмуа Қафқол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидларини ўз ичига олади) қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш

ҳамда Усмон Қуръонининг сақланиши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси қурилиши назарда тутилган. Бу мажмуа мамлакатимиз халқларининг тинчлиги, тотувлиги, диний бағрикенглиги, бунёдкорлик ҳислатларининг юқорилиги, ижодкорлиги, меҳнат-севарлиги туфайли 4 ойда қуриб битказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июнда қабул қилинган «Усмон Мусҳафи»ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида»ги қарори жамият маънавий ҳаётида катта воқеа бўлиши билан бирга, муроса ва дин фалсафалари диалектикасини амалда таъминлашга йўналтирилганлиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Қарорда «Усмон Мусҳафи»нинг асл ҳолатини сақлаш, таъмирлаш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш кўрсатилиши баробарида, унинг аҳамиятини халқимизга, айниқса, баркамол авлодга тушунтириш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

«Усмон Мусҳафи» 706 саҳифадан иборат бўлиб, бизгача унинг 353 varaғи етиб келган. «Усмон Мусҳафи» китоб шаклидаги илк ёзма асар ҳисобланади. Чунки Авесто, Таврот, Инжил каби муқаддас китоблар мол терисининг бир томонига (терининг тукли томонига) ёзилган. Усмон Қуръони эса кийик терисининг икки томонига (гарчи терининг ички томони силлиқ бўлиб, бу томон сиёҳни «ютиб», қайта-қайта ёзишни талаб қилган бўлса-да) бирдек ёзилган. Ҳозир «Усмон Мусҳафи» Ҳазрати Имом мажмуасидаги Мўйи муборак мадрасасида махсус ойнаванд сандиқда сақланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги бунёдкорлик ишлари бевосита мустақил давлатнинг динга бўлган сиёсати тантанаси, мамлакатдаги виждон эркинлигига бўлган муносабатнинг амалдаги ёрқин кўринишидир. Ҳазрати Имом мажмуаси қуриб битказилгач, унга ташриф буюрган Кувайт ва Баҳрайн давлатлари ташқи ишлар вазирлари унинг шарқона услубда қурилгани, ўзбек халқининг аждодлари яратган моддий ва маънавий қадриятларни тиклаш борасидаги сабъ-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқлиги ҳамда мамлакатдаги миллий-диний сиёсатга Президент Ислам Каримов йўлбошчилигини алоҳида қайд қилишди.





**Тошкент. Ҳазрати Имом мажмуаси. Муқаддас Усмон Қуръони.**

Академик И.Каримов: «...мамлакатимизга чет давлатлар раҳбарлари, арбоблари, ижтимоий-иқтисодий соҳанинг вакиллари қанчалик кўп келса, мулоқотларимиз изчил туге олса, биз шунчалик кўп хурсанд бўлишимиз керак. Юртимизга ташриф буюрган ҳар қандай одам дастлаб ҳаётимизни, одамларимизни ўрганади. Ўз таассуротларига эга бўлади. Биз ҳақимиздаги ҳар қандай бўҳтон гапларга лаққа нишонанвермайди», -деб кўрсатган эди. Бу масаланинг бир жиҳати бўлса, унинг иккинчи жиҳати, бизнингча, Шарқ ва жаҳон цивилизациясининг шаклланиши ҳамда такомилида ўзбек халқининг фаоллигини, ижодкорлиги ва бунёдкорлиги натижаларини – моддий ва маънавий бойликлар ҳамда қадриятлар бунёдэтишдаги ҳиссаси нечоғли буюклигини дунё ҳамжамиятига ҳолисона кўрсата билишдир. Бу қийин ва жиддий масала, энг аввало, ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари, хусусан, файласуфлар зиммасига тушади. Чунки ажодлар бунёд эт-

ган қадриятлар, уларнинг мазмун-моҳиятини, ўзбек халқининг Шарқ ва Ғарб цивилизациясига қўшган ҳиссасини миллий ғоя ва мафкура тамойиллари асосида фалсафий мушоҳада қилиб кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бевосита муроса ва дин фалсафаларига, уларнинг жаҳон ҳамжамияти дурдоналарига айланишида аждоқларимиз яратган қадриятлар ҳамда ижтимоий ҳодисалар тақомилига ўзбек халқи қўшаётган ҳисса нечоғли салмоқли эканлигини кўрсатиш жуда муҳимдир. Чунки «...биз миллий маданиятимизнинг асл бойликларини қайтарибгина қолмай, аини пайтда бу билан бутун инсониятнинг маънавий дунёсини ҳам бойитяпмиз... Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаятган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз...» – деган эди И.Каримов.

Тарихдан маълумки, аксарият ҳолларда халқлар ва давлатлар ўртасида мамлакатлар билан мамлакатлар ўртасида доимо муроса фалсафаси тамойиллари негизида фаолият юргизилган. Бу фаолият мақсад ва вазифаси жиҳатидан муроса фалсафаси асосига қурилган бўлса, мамлакат, давлат, халқлар бирдек манфаат кўришган ҳамда у ҳар икки томон раванқида муҳим омил бўлган. Агар бунда бир томон мақсад ва манфаати халқаро жандармлик ёки катта оғаликка мойил бўлиб, муроса фалсафасига зид фаолият юргизилса, унда ўзаро ишонч йўқолган, бу ҳолат ҳар икки давлат ҳамда бошқа давлатлар ички ва ташқи сиёсатида, халқлар ва миллатларнинг ўзаро муносабатларига, бир сўз билан айтганда, жаҳон цивилизациясига салбий таъсир кўрсатган. Бу жараёнинг ҳозирги моҳиятини И.Каримов шундай кўрсатган эди: «Олам бугунги кунда қитъа манфаатлари бўйича эмас, қайси мамлакат кимнинг таъсири остида экани бўйича бўлинган. Биз илгари икки қутбли дунё ҳақида гапирар эдик, бугунги кунда эса кўп қутбли дунё тўғрисида фикр юритиш лозим бўлади. Шунини ҳам айтиш керакки, айримлар тўртта қутб, бошқалар бешта қутб ҳақида гапирди... Бироқ ўзидан йирикроқ ва кучлироқ давлатлардан ёрдам олаётган ва уларнинг қўллаб-қувватлашидан баҳраманд бўлаётган мамлакатлар ўз истиқболини ҳам шу давлатларда кўриши – гарчи ҳеч ким бу тўғрида ошкора гапирмасда – сир

эмас-ку. Бу давлатлар маълум гуруҳларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири қитъа фикрини эмас, афсуски маълум қутб таъсири остидаги муайян гуруҳ фикрини ифода қилади. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бу – металл буюмларни ўзига чиппа тортиб оладиган магнит ҳаракатига ўхшайди». Дарҳақиқат, *Ғарб давлатларининг айримлари халқаро муносабатлардаги муроса фалсафасини, демократияни ўзларининг манфаати, қизиқиши нуқтаи назаридан талқин этишиб, ўзлари учун мослаштиришига ҳаракат қилмоқдалар, бошқа давлат ва халқлар мақсад ва хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашмасдан инсоният тақдирини, жаҳон халқлари цивилизациясини «ҳал» қилишига уринмоқдаки, бу барча миллат, элат, халқ, давлатлар учун тенг, инончли, айни пайтда зарурий халқаро хавфсизликни вужудга келтириши фаолиятига тўсиқ бўлмоқда.*

Шу ўринда бундан 2600 йил олдин, аниқроғи мил. авв. VI асрда яшаган файласуф ва ҳарбий саркарда Сунь Цзининг қуйидаги сўзларини Ғарбдаги айрим мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўзларига шиор қилиб олганлиги маълум бўлади: «Душман мамлакатнинг барча яхши нарсаларини йўқотишга ҳаракат қилинг, душман мамлакатнинг раҳбарияти обрўсига путур етказинг, бу мақсадда энг разил ва пасткаш одамлар билан ҳамкорлик қилинг, ўша мамлакат фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг, ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг, ўша мамлакат фуқаролари ва аскарлари руҳини мусиқа ва ашула билан заифлаштиринг, анъаналарини қадрсизлантиринг, Худога бўлган ишончини йўқотишга интилинг, уларнинг бузилиши, айнишига кўмаклашинг, айғоқчилардан ахборотни сотиб олиш учун мукофот ва совғаларни аяманг...». Сунь Цзининг юқоридаги фикрлари барча ижтимоий ҳодисалар объектив жараён эканлигини, хусусан, муроса ва дин фалсафалари диалектикасини эътироф этмаслик, уни имкон қадар заифлаштириш ҳамда шу заифлашув оқибатларидан ўз мақсади ва манфаати йўлида фойдаланишга ундаш мантиги келиб чиқадики, глобаллашув шароитида «бутоклик» ва гегемонликни орзу қилаётган айрим давлатлар буларни устувор мақсадлари учун асос қилиб олганлар. «Жамиятимиз қиёфаси ўзгариб бормоқда. Демократик ва маънавий қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Табиийки, одам ҳам

Ўзгармоқда. Республика фуқаролари мустабид тузум меросидан, боқимандаликнинг руҳий кишанларидан халос бўлиб, уларда хўжайинлик ва мулкдорлик туйғуси, озод ва мустақил мамлакатда эркин инсон бўлиб яшаш иштиёқи, коммунистик ва диний фундаментализм ва радикализмни тамомила рад этиш иштиёқи тобора яққол намоён бўлмоқда»,<sup>6</sup> – деб қайд қилганди Юртбошимиз. Гарчи бу фикрлар бундан 10 йилдан зиёд вақт илгари айтилган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрашимиз. Чунки янги ташкил этилган тизим, тузум, давлатда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ўзгаришларни тезда содир этиш имконияти мавжуд, лекин маънавиятда, руҳиятда, онг ва тафаккурда бу аста-секинлик билан, узоқ вақт давом этадиган жараёндир. Аммо алоҳида яратилган муҳит доирасида тезлаштириш, ривожлантириш имкониятининг барпо этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агар вазият тўғри баҳоланиб, ажодлар яратган маънавий қадриятларга, урф-одат ва удумларга, бебаҳо мерос тамойилларига амал қилинса, мазкур жамиятда яшайдиган миллат, эллат, инхос онгида тафаккурда ижобий ўзгаришлар тезроқ ҳамда самаралироқ бўлади. Айни шулар истиқбол учун ҳам, мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим ва зарурий шартдир. Буларга бевосита ажодлар ривожлантирган шарқона муроса фалсафасини амалда қўллаш, унинг талаб ва тамойилларига тўла ривож қилиш орқалигини эришганлигини ҳозирги тараққиёт тўла-тўкис тасдиқламоқда.

Шунингдек, жамият аъзолари онги ва тафаккуридаги туб ижобий ўзгаришлар содир бўлишида мазкур жамият аъзоларининг, миллатнинг ўтмиши, тарихи қанчалик узоқ ҳамда у даврларда яшаб ўтган ажодлар барпо этган дунёвий ва диний қадриятлар бой, уларнинг муроса ва дини фалсафаларига қўшган буюк хизматлари нечоғлик юксак, мазкур ижтимоий ҳодисалар диалектикасини амалда таъминлашга шарт-шароит, муҳит барпо этилган бўлса, ўша жамиятда ислохотлар, айниқса, маънавият соҳасидаги ислохотлар тезроқ амалга оширилади ҳамда ўзининг салмоқли самарасини беради.

---

<sup>6</sup> Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлар — давр талаби // АҚШда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносининг очилиши ва элчихона номидан ўтказилган қабул маросимида сўзланган нутқ. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 20-бет.

Юқоридагилар бевосита мустақил давлат тараққиётининг ўзбек модели асосида жаҳон ҳамжамиятига амалда кенгроқ кириб бораётганини ҳамда нуфузи ошаётганлигини тўла намоён қилади. Чунки «оддий фуқароларнинг фикрлаш даражасини, дунёда юз бераётган воқеаларга муносабатини ўзгартириш, ривожлантириш ва тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги дунёвий жараёнлар билан, ундаги фикр ўзгаришлари билан, олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз билан бақамти қадам ташлаши зарур», – деган эди И.Каримов. Бу қилинган ишларнинг барчаси, энг аввало, Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқарода ғурур ва ишонччи ошириб, мустақилликни ҳар томонлама юқсалтиришга, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда фаол иштирок этишга йўналтиради. «Биз нега тарихий қадриятларимизга, буюк бобокалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик?

Мақсад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табаррук зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган савол ўтсин. Улар шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади, деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин»,<sup>7</sup> – дея таъкидлаган эди Юртбошимиз.

Демак, бу ғоя ва қарашлар XXI аср мафкураси «кашфиёти» бўлган икки томонлама стандартлашнинг асоссизлигини фош қилишда, глобаллашув шаронтида жаҳон ҳамжамиятида буюклик ва гегемонликни тиклашга интилаётган кучларнинг ёш мустақил давлатларга, айниқса, Ўзбекистонга нисбатан амалий фаолиятлари сохталигини кўрсатишда, бир сўз билан айтганда Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларини миллий ғоя ва тамойиллари талаби даражасида ўрганиш ва ўргатишда ҳамда илмий-назарий тадқиқ қилишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш, халқлар ва давлатлар ўртасидаги турли йўналишдаги ҳамкорлик самараси кўп омиллар қатори, муроса ва дин

---

<sup>7</sup> Каримов И. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 149–150-бетлар.

фалсафаси диалектикасини амалда таъминлашга боғлиқдир. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу бозорда кишиларга: «Сизлар бозорда юрибсизлар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг мероси масжидда тақсимланмоқда», – дейди. Кишилар бозордан масжидга томон югуриб боришади. Лекин Абу Ҳурайра олдига қайтиб боришиб: «Тақсимланаётган меросни кўрмадик», – дейишади. Абу Ҳурайра масжидда қандай ҳодисанинг гувоҳи бўлишганини сўраганда, улар: «Оллоҳни зикр қилиб, Қуръон тиловат қилаётган қавми кўрдик», – дейишади. Шунда Абу Ҳурайра уларга: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг мероси ана шу», – деган экан. Қиссадан ҳисса шуки, Абу Ҳурайра даврида Қуръони каримни тиловат қилаётганлар сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони бутун дунёнинг барча бурчакларида 1,5 миллиардга яқинни ташкил қилади (Лекин бу кўрсаткич Фарб адабиётида тенг ярмига кам қилиб кўрсатилмоқда. Масалан, ислом дини 120 дан ортиқ мамлакатга тарқалгани қайд этилгани ҳолда унга ҳозирги вақтда 800 миллион киши сининиши таъкидланади<sup>1</sup>). XXI асда мазкур мерос янада кўнаиб, ундан фойдаланаётган, уни «истеъмол» қилаётганлар сони нафақат Муҳаммад алайҳиссалом қавми ҳисобига, айти пайтда бошқа қавмлар (яъни бошқа динларга мансуб кишиларнинг ислом динига кириши) ҳисобига ҳам тез суръатлар билан ошаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Умуман олганда, кўплаб динлар ва илмлар илдизи, шаклланиши, тарқалиши Ўзбекистондан бошланганлиги (зардуштийлик); Қуръоннинг асл ягона «Мусҳаф ал-Имом» нусхаси Ўзбекистондалиги; Қуръон Арабистонда нозил қилинган бўлса-да, ислом дини таълимоти Мовароуннаҳрда яратилганлиги (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Жуъфий ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Сура ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Суллабий аз-Зарир ал-Буғий ат-Термизий сингари минглаб олим-уламолар); араб грамматикаси асосчисининг Ўзбекистон ҳудудиданлиги (Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий); Шарқшунослик институтида ислом цивилизация-

---

<sup>1</sup> Қаранг.: *Махоткин А.В., Махоткина Н.В.* Обществознание. – Москва.: «Эксмо», 2011. – С.118.

си ва маданиятига оид илк манбаларнинг ниҳоятда кўплиги; илмий салоҳиятнинг кучлилиги; ислом давлатларининг Ўзбекистонга ҳаддан ташқари эътибори ва аждодларимизнинг ислом дини ва жаҳон фалсафасига қўшган ҳиссасининг қадрланиши ҳамда эътирофи; мамлакат аҳолисининг 100 фоиз саводхонлиги, диний олий ўқув юртларининг мавжудлиги ва бошқа омиллар Ватанимизнинг инсоният цивилизациясидаги ўрни, ролини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида мазкур масалани алоҳида қайд қилиб шундай деган эди: «Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган».

## **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ғоя ва Ўзбекистон фалсафа тарихи масалалари**

*Аслида ҳаётини ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда.*

**И.Каримов**

Жаҳонда аксарият давлатлар давлат бошқарувини ўз конституциясига асосланиб амалга оширади. Бизнинг назаримизда, мазкур бошқарув тизими ҳам Шарқда, яъни аждодларимиз, хусусан, Амир Темур томонидан барпо этилган, такомиллаштирилган ҳамда дунё халқлари давлатчилигида ўзига хос эталон бўлган. Бунда Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асосий манба бўлиб хизмат қилган. Шу

сабабли Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўз Конституциясини тайёрлаш жараёнида «Темур тузиклари» асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. «Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган «Тузуқлар»ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандай бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта.

Мен ўз фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман... Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг маъзини чақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлиш-лек маъсулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун қол-верса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман,»<sup>9</sup> - деб таъкилаган эди И.Каримов Соҳибқироннинг 675 йиллик юбилейи арафасида мукаммал ҳолда, юксак сифат билан чоп этилган «Темур тузуқлари»нинг янги нашрига ёзган «Сўз боши»сида.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз фалсафа тарихи масалалари, энг аввало, аجدодларимиз бунёд этган моддий ва маънавий меросни қадрлаш, уни келгуси авлодлар учун сақлаш, янада такомиллаштириш, жаҳон халқлари эътироф этган умуминсоний демократик принципларга тўла риоя қилиш асосида миллий ўзига хосликни ривожлантириш каби йўналишлар устувор қилиб белгиланган. Булар асосан қуйидаги моддаларда ўз аксини топган: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир» (49-модда)<sup>10</sup>, «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фу-

---

<sup>9</sup> Каримов И. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси // Халқ сўзи. 2011 йил 9 апрель.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2008. –10-бет.



қаролари ташкил этади» (8-модда)<sup>11</sup>, «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» (12-модда)<sup>12</sup>, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модда)<sup>13</sup>, «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»<sup>14</sup> (55-модда). Бу олий қадриятлар Конституцияда шунчаки белгилаб қўйилмасдан, амалда ҳам намоён бўлмақда. Буни халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда. Кўп ҳолларда бундан андаза олинмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларини чуқур ўрганишда, тадқиқ этишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Чунки ўтмишдаги босқинчилик, мустамлакачилик, қатағон йилларида аждодларимиз моддий ва маънавий бойликлари ва меросига умуман эътиборсизлик билан муносабатда бўлинганлигига тарих гувоҳдир. Бунга мил. авв. 545-540 йиллардаги форс шоҳи Кир II нинг, мил. авв. 519 йили форс шоҳи Доро I нинг, милоддан аввалги 329 йилда Александр Македонскийнинг, милоддан аввалги 104–100 йиллардаги урушнинг, 651 йилда арабларнинг Мовароуннаҳрга илк босқинчилигининг, 704–715 йилларда Қутайба ибн Муслимнинг, 1229 йилдан Чингизхоннинг, 1860 йиллардан Чор Россиясининг, 1917 йилдан большевикларнинг, XX аср (30, 50, 70, 80-йиллардаги) қатағонларини кўрсатиш мумкин.

XX асрнинг 20 – 40-йилларида феодализм сарқитларига қарши кураш ҳаракати авж олдирилди ҳамда ўзбек халқининг маънавий

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – 5-бет.

<sup>12</sup> Ўша жойда.

<sup>13</sup> Ўша жойда.

<sup>14</sup> Ўша жойда, 11-бет.

меросини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилган машҳур адиблар (Чўлпон, Фитрат, А.Қодирӣ, У.Носир, Шукрулло, Шуҳрат, Саид Аҳмад) миллатчиликда, панисломизм, пантюркизмда айбланди. ЎзКП МКнинг X пленуми (1952 йил февраль) кун тартибига «Идеология ишларининг аҳволи ва уларни яхшилаш татбирлари» масаласи киритилди ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг ижодий фаоллиги кескин танқид қилиниб «Алпомниш» достони реакцион асар сифатида қораланди ҳамда уни ўрганиш, ўқитиш, ўқиш тақиқланди. ЎзКП МК XXII съезди (1990) ёзувчилар П.Қодиров, Й.Шамшаровларнинг ўтмишни илоҳийлаштириш ва тарихий шахсларни (М.Бобур) бўрттириб тасвирлаганликда айблади. 1968 йилда Амир Темур тўғрисида фалсафий ҳақиқатни айтган, Амир Темур тўғрисида китоб ёзгани учун 18 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти лавозимида ишлаган академик Иброҳим Мўминов «қатағон» қилинди.

Мустахлакчиларнинг асосий мақсад-истагини рус генерали Кауфманнинг қўйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади: «Бу халққа иложи борича кўпроқ пахта эктириш, кўпроқ ишлашга мажбур этиш, керакки, токи бир зум ҳам ўйлашга, кундалик воқеаларни англашга уринишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмасин. Мабодо буларда дарду ҳасратларини тўкиб солишга мойиллик туғилса, фақат диндан нажот топсин»<sup>15</sup>.

Миллий озодлик ҳаракатига қарши «босмачилик» ғояси илгари сурилди ва унинг оқибатида 16 йил давомида (1917–1933) бир миллион икки юз минг киши жисмонан йўқ қилинди, 1 700 000 таси «босмачилик» ғоясини эътироф этмаганлиги сабабли Сибирга сургун қилинди, 1 500 000 мусулмон Ўзбекистондан хорижга чиқиб кетди<sup>16</sup>. Булардан ташқари «Халқ душмани», «Ёт унсур», «Бузғунчи», «Иродасизлар», «Хитой жосуси», «Эрон жосуси» деб айбланиб, миллиондан ортиқ киши ўлдирилди.

Ғарб Шарқни қатағон қилишда ўзига хос эксперимент ўтказиш ҳудудига айлантирган. Ғарчи ҳудудлар ўзгарган бўлса-да, тадқиқот объекти, субъекти, предмети, мақсади, вазифалари ўзгармай қолган

---

<sup>15</sup> «Ўзбекистон овози», 1993 йил 26 июль.

<sup>16</sup> Қабоҳат салтанати. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 24–25-бетлар.

ва қолмоқда. Лекин тадқиқот ўтказаетган субъект (давлат, халқ, миллат, шахс) ўзининг билими, илмий салоҳияти, келиб чиқиши, ирсияти нуқтаи назардан ўрганаётган объектидан барча жиҳатлари билан *пастлигини* дастлаб сезмаган, ҳозирда эса уни тан олишни истамапти?! Ҳозирги глобаллашув шароитида буни сезган ҳолда айрим субъектлар (олимлар) ён беришмоқда, тан олмоқда, баъзи бир субъектлар (давлат) «сезмоқда», эътироф этмоқда, яна бошқалари сезса ҳам ўзини сезмасликка олиб, тўғридан тўғри экспериментни давом эттирмоқда. Шу билан бирга эндиликда бу экспериментларнинг восита ва методлари ниҳоятда замонавий тус олди-ки, унинг оқибатини дарров «кўрмаймиз».

Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида бу эксперимент ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Шарқнинг интеллектуал қудратини сўндириш даражасига келинди, халқ, миллат тўғридан тўғри ишлаб чиқариш воситасига айлантирилди, инсон тафаккурини чеклаш баробарида фикрламай яшашдан «сабоқ» берилди, натижада тобелик кайфияти кучайди, оқибатда ўтмиш унутилишга, истиқболга ишончсизлик, ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмайдиган жонзотга айланиш чегарасига келди. Чунки бу экспериментга қарши кучни шакллантирмаслик уларнинг мақсади эди. Агарда шундай кучлар бўлган тақдирда (бундайлар бўлиши табиий эди) юз бераётган воқеа - ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар тазйиққа олинар ёки турли восита ва усуллар ўйлаб топилиб, жисмонан йўқ қилинар эди. Ғарб экспериментининг ўзига хос жиҳатидан яна бири мавжуд макон ва замондаги объектив ҳолатни (мамлакатдаги ночор ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг туб илдизларини яшириш, уларни вақтинчалик, ўткинчи муаммолар, деб масала моҳиятидан чалғитиш орқали халқни, миллатни, шахснинг ижтимоий фаоллигини бошқа томонга буриш) жамият аъзоларидан, жумладан, шахс, миллат, халқ нигоҳидан беркитиб, сохта «илмий асосланган»лик негизида тажриба ўтказиш орқали мақсадга эришиш бўлган. Бу тажриба инсоният тарихида, айниқса, Ғарб олиб борган сиёсатда минглаб маротаба қўлланилган ва қўлланилмоқда, агар инсоният бу ҳолатдан чиқиш учун биргаликда курашмаса, истиқболда ҳам кенг миқёсда қўлланилиши давом этади.

XX асрнинг 90-йилларигача дунёда икки қутблилик доирасида ҳаракат қилинди. Бу бевосита айрим давлатга ҳам, ўша даврларда тузилган халқаро ташкилотларга ҳам тааллуқлидир. Чунки И.Каримов таъкидлаганидек: «...кўпчилик халқаро ташкилотлар дунёда икки тизим ва уларнинг рақобати мавжуд даврда тузилган эди. Бу ташкилотларнинг фаолиятлари кўпроқ уларнинг ўзаро мувозанати ва мурасасини таъминлашга қаратилган эди». Бу диалектик фалсафий мураса эканлигини яна бир бор эътироф этамиз. Шунингдек, икки тизимнинг тарих саҳифасидан йўқ бўлиши, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги идеологик мурасасизликни тугатмади. Айни пайтда бу инсоният цивилизациясига таҳдид солаётган терроризм, экстремизм, диний ақидапарастликнинг янги кўринишларини ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо қилди. 2005 йил 13 майда содир этилган Андижондаги террорчилик ҳаракатлари турли Ғарб давлатлари оммавий аҳборот воситалари томонидан бошланган информацион хуруж, адоват ва зўравонлик мамлакатимиз шаънига билдирилган туҳматлар, турли кўринишда таъйиқ ўқашлар ўзбек халқини доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди. Чунки «Ҳизб ут-таҳрир», «нурчилар», «акромийлар», «ваҳҳобийлар» каби бир қанча бузғунчи оқимлар дунёнинг турли бурчакларида, хусусан, Тошкентда 1999 йил 16 февралда, 2004 йил апрель-май, июнь ойларида қўпоровчилик қилиб улгуринган эди. Улар ўзларини «мусулмонлар халоскори», деб атайдилар, ғаразли мақсадларини, бузғунчи ғояларини диндан хабарни йўқ, ҳали ёр ёшлар «қўлларни» билан амалга оширадилар. Ҳатто, ўзларини мустақилликнинг илк йилларида масжидлар имомлари қилиб кўрсатиб, ёшларга исломдан «дарс» бериш баҳонасида уларнинг онгига бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қилдилар. Бундай усулда одамларни, айниқса, ёшларни чалғитиш Ҳадисларда ҳам қораланади: «Одамларни чалғитиб ноҳақ йўлга бошловчи имомлар дажжолдан (дажжол – қиёматга яқин одамларни йўлдан адаштирувчи махлуқ) ҳам хавфлидир». Жаҳонда ўз мавқени кўз-кўз қилаётган, буюкликни, гегемонликни амалда намойиш қилмоқчи, халқаро муносабатлардаги мураса фалсафаси принципларини ўз манфаатига йўналтирмоқчи бўлган давлатлар ва кучлар бошқа мамлакатлардаги ақидапарастлик, диний экстремизм, халқаро терроризм ҳаракати

тини, конституцион тузумга қарши курашни демократия деб талқин қилмоқдалар.

Бундай «даъволар» мустақил Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаган-лигининг фалсафий мушоҳадасини айрим ҳолис далиллар асосида берамиз. Андижон воқеаларидан давлатимиз ва халқимизга қарши кучлар ўз манфаати нуқтаи назардан фойдаланишга, жаҳон ҳамжамиятидаги прогрессив кучларнинг мустақил Ўзбекистон тўғрисидаги ижтимоий фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар сиёсати ва виждон эркинлиги тамойиллари негизида барча миллат, халқ, элат ва динлар манфаатларини этироф этади. Шу билан бирга, у ҳеч қачон миллий қонунларини халқаро ҳуқуқ норма ва талабларидан устун қўймайди ҳамда, И.Каримов алоҳида кўрсатиб ўтганидек: «Ўзининг миллий ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади». Шу ўринда баъзи далилий ҳужжатларни келтириб ўтамиз. Давлатимиз ташқи ва ички сиёсатида муроса муҳитини барпо этиб фаолият олиб боради. Зеро, «Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг дунё кўз ўнгидаги очиклиги шундай бир серунум тупроқки, бизнинг маънавий имкониятларимиз унда тобора тезроқ унади, давлатларгина эмас, балки жамоатчиликнинг ҳам муттасил кенгайиб бораётган халқаро алоқаларига суянади». (И.Каримов.)

Муҳими, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш қайсидир мамлакат, қайсидир халқаро ташкилот билан муносабатларни яхшилаш эвазига улардан қандайдир ёрдам, ҳада олиш, уларга «яхши» кўриниш тарзидаги «ўйинлар»да иштирокини билдирмайди. «Мадомики, биз кимларнингдир андозасига «тушмаётган» бўлсак, бундан ривожланиш нотўғри йўлдан кетаяпти, деган маъно чиқмайди. Бас, шундай экан, кимнингдир назарида Ўзбекистондаги қайсидир жараёнлар, ислоҳотлар секинроқ бораётгандек, инсон ҳуқуқлари бузилаётгандек туюлаётган бўлса, ҳар бир ҳолатда мавжуд вазиятни ва бизнинг хусусиятларимизни ҳисоблаб олиб, чуқурроқ мулоҳаза юритишни илтимос қилган бўлур эдим», – деган эди И.Каримов «Труд» газетаси мухбирига берган интервьюсида (1993 йил 26 май). Бу илгари сурилган

роялар, бир томондан, жамиятимизда муроса фалсафаси муҳитини шакллантиришга кенг имкониятлар яратилишини кўрсатиш баробарида, шарқона муроса фалсафасининг ўзига хослигини ҳисобга олиш зарурлигини ҳам билдиради. «Қолаверса, татбиркорлик, эркин савдо, ижтимоий адолат, ўзаро муросаю мадора ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш деган тушунчалар бизнинг замнинимизда тарихий илдишларга эга»<sup>17</sup>, – деб яна бир бора таъкидлаган эди И.Каримов.

Шунингдек, И.Каримов фикрлари шарқона босқинлик ва бағрикенглик тамойиллари намунаси, айни пайтда ҳар қандай ижтимоий ҳодисага баҳо берганда мазкур ҳодисанинг замон ва макондаги ўрни, унинг жамият ўзининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб берадиган баҳоси, қўллаш методи ва воситаларига боғлиқлиги тўғрисида мантиқий хулоса чиқаришга асос бўлади.

Босқинчилик, урушлар, мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўриниши илмий адабиётларда ифодаланганидек, моддий бойлик мақсадида қилинган, деган фикрлар аслида мунозарали. Чунки босқинчилик, урушлар, мустамлакачилик, энг аввало, ўзга халқларнинг маънавиятини, уларнинг қадриятларини бутунлай йўқ қилишга ҳамда ўзининг «Мен»и (*бунда «ўзининг МЕН»и кўплик маъносига, яъни бир индивид ёки шахс эмас, балки алоҳида олинган миллат, халқ, давлат нуқтаи назаридан*) устунлигининг намоёнлигини, ўзгалар маънавиятини, қадриятларини бутунлай йўқ қилишни билдиради. Бу хусусият инсониятнинг «қонида» бор. Бу хусусиятнинг оддий кўриниши – ҳасад ва кўра олмасликдир. Ҳасад ва кўра олмаслик индивидда ҳам, давлатда ҳам, халқда ҳам мавжуд. Тарихдаги барча босқинчилик, уруш, мустамлакачиликнинг (*ҳозирда ҳам, истиқболда ҳам*) пойдевори шунга қурилган ҳамда шу оддий формула доирасида ўз ечимини топади. Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М.Скобелев «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада у таназулга учрайди», – деб айтган фикрлари Фарбнинг босқинчилик, уруш, мустамлакачилик тарафдорлари

---

<sup>17</sup> Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон». 1998. – 133-бет.

мақсадларининг тўла ифодасидир. М.Скобелев фикрини изоҳлашга ҳожат йўқ, лекин ундан ҳар бир халқ, миллат, давлат керакли хулоса чиқариши ҳозирги ривожланиш жараёнида айниқса, муҳимдир.

Ўтмишдаги босқинчилик, уруш, мустамлакачилик ўз мазмун-моқияти унинг таъсир доираси, мақсадини амалга ошириш жараёни ва воситасининг оддий, содда бўлганлигидир. Яъни уларнинг «қилган ишлари» яққол кўзга ташланган (масалан, Александр Македонскийнинг Авестонинг «бешдан учи»ни (*А.Р.Беруний*) йўқ қилгани, яна бир қисмини араблар йўқ қилгани). Олдинги босқинчилик, уруш, мустамлакачиликларнинг аксариятида талон-торож ҳамда вайроналиклардан ташқари, улар маҳаллий халқлар номларини, улар ҳудуди номларини ўз тилларида атаб, бузиб талқин қилиб, аслиятни йўқотиб, истеъмолдан чиқаришга уринишган, айрим ҳолларда бунга эришганлар. Масалан, хитойликлар мил. авв. 121 йилдан бошлаб (Хань империяси) Ўрта Осиёни мустамлака қилишни бошлади. Милоддан аввалги биринчи аср ўрталарида Қашқар ва Синьцзянни ўз мустамлакасига олиб, «Ғарб ўлкаси»ни ташкил қилди. Лекин улар Ўрта Осиё халқларининг ҳар томонлама қаршилигига дуч келдилар. Ўрта Осиёлик мулкдорлар Хитой хонадонлари хизматкори, деб эълон қилинди, хитойликларнинг аристократ оилалари билан мажбуран никоҳдан ўтиши ташкил-лаштирилди, хитойликлар мулкдорларнинг ўғилларини гаров тарзида олиб кўйишди (улар сотқинлик қилмаслиги ва қўзғолон кўтармасликлари учун). Мазкур татбирлар натижа бермагач, хитойликлар маҳаллий тилдаги асосий атамаларни хитойлаштиришга ҳаракат қилишган. Масалан, Кан–Самарқанд, Бекинтош–Тошкент, Давань–Фарғона, Нэуми–Бухоро, Гуицей–Амударё, Норинь-гол–Сирдарё, Даоми – Суғд ва бошқалар. Бу атамалар ўша даврда истеъмолга киритилган ҳамда адабиётларда акс этган.

Бундай «анъана» яқин ўтмишда ҳам ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин. XX асрнинг 80-йилларида Тошкент шаҳри майдон ва хиёбонларидаги 13 та ҳайкалнинг 2 таси (А.Навоий, Ҳ.Ҳ.Ниёзий) маҳаллий халқ вакилларига тааллуқли бўлган. Қолган 11 тасини халқимиз, миллатимиз, мамлакатимиз маънавий қадриятларига умуман алоқаси бўлмаган сиймолар (В.И. Ленин, К.Маркс, В.В.Куйбишев, Ф.Э.Дзержинский, С.М.Киров, М.И.Калинин, М.В.Фрунзе,

Н.М.Горький ва бошқалар) акс этган ҳайкаллар ташкил қилган. Буларнинг нечоғли мафкуравий зарарини И.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобида шундай кўрсатади: «Маълумки, монументал санъат деганда, аввало, катта таъсир кучига эга бўлган маҳобатли ҳайкаллар ва ёдгорлик мажмуаларини тушунамиз.

Ўрни келганда айтиш лозимки, собиқ совет тузуми даврида бу соҳа санъатнинг энг мафкуралашган турига айланиб қолган эди.

Яхши эслаيمان, мафкуравий руҳдаги ана шундай санъатнинг «ёрқин намунаси» бўлган ҳайкаллардан бири ҳозирги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида жойлашган эски «Комсомол кўли»нинг кираверишида турар эди. Бу ҳайкал жуда баҳайбат бўлиб, унга қанча-қанча материал ишлатилган эди. Одамни ҳайрон қолдирадиган томони шундаки, бу ҳайкал нима учун, қандай мақсадда қўйилгани ва қанақа маънони англатишини кўпчилик билмас, очиги, билишга қизикмас ҳам эди. Минг афсуски, бундай ҳайкалларни мамлакатимизнинг олин туман ва қишлоқларида ҳам кўриш мумкин эди. Уларда кўпинча юртимизга, халқимизнинг ҳаёти ва қадриятларига мутлақо дахли бўлмаган, умри бино бўлиб Ўзбекистонга қадам босмаган зотларнинг қиёфаси акс эттирилар эди.

Нафақат пойтахтда, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам шўро доҳийларининг, минг-минглаб юрдошларимизнинг умрига зомин бўлган, кейинчалик ёвуз қилмишлари бутун дунёга ошкор этилган шахсларнинг ҳайкаллари савлат тўкиб турар эди. Турли байрамлар муносабати билан ана шу ҳайкаллар пойига гуллар қўйилар эди. Лекин бу маросимлар ўта сохта ва юзаки бўлиб, одамлар бу татбирларни чин юракдан эмас, шунчаки расмийат учун адо этарди»<sup>18</sup>.

Файласуф Адам Смит айтганидек: «Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур». Шу боис ҳам собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудуди тасвирланган «Сайёҳлар йўналиши харитаси»даги Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида кўча ва хиёбонларнинг номланишини кўрсатишининг ўзи кифоядир. «Сайёҳлар йўналиши харитаси» катта ададда фақат рус тилида чиқарилган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг

<sup>18</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. – 148–149-бетлар.



қадимий шаҳар ва улардаги хиёбонларнинг номланиши қуйидагича кўрсатилган:

**Самарқанд шаҳридаги кўча ва хиёбонлар:** «ул.Энгельса, ул.-Дагбитская, ул.Бажова, ул.Возрождения, ул.Фрунзе, ул.Ленина, ул.-Маркса, ул.Некрасова, ул.Советская, ул.Горького, ул.Артема, ул.-Путачева, ул.Кузнецкая, ул.Менделеева, ул.Войкова, ул.Красноармейская, ул.Шаумяна, ул.Розы Люксембург, Коммунистическая улица, ул.Заводская; Бульвар Максима Горького, ПКНО им.М.Горького, пл.Ленина ва бошқалар».

**Бухоро шаҳри кўча ва хиёбонлари:** «ул.40 лет Октября, ул.Ленинградская, ул.Шредера, ул.Маркса, ул.Ленина, ул.Пушкина, ул.Коммунаров, ул. Фрунзе, ул.Урицкого, ул.Артема, ул.Семи-летка, ул.Свердлова, Октябрьская ул., Воскресенская ул., ул.Орджоникидзе, ул.Шевченко, ул.Репина, пл.Ленина».

**Тошкент шаҳридаги кўча ва хиёбонлар:** «ул.Маркса, ул.Ленина, ул.Титова, ул.Свердлова, ул.Каблукова, ул.Ульянова, ул.Оренбургская, ул.Малясова, ул.Жуковского, ул.Саперная, ул.Генерала Петрова, ул.Луначарского, ул.Полторацкого, пл.Ленина, пл.Калинина, проспект Ленина, пл. Горького, просп. М.Горького».

**Хива шаҳридаги кўча ва хиёбонлар:** «ул.Буденого, ул.Чапаева, ул.50 лет Октября, ул.Кирова, ул.Ленина, ул.Маркса, ул.Сергея Лазо, ул.Куйбышева, ул. Шорса, пл.Ленина, ул.Лермонтова».

**Ғарбининг тарихдан қолган яна бир синалган усули – маданияти, илмий салоҳияти ўздан кучли бўлган халқ, миллатни менсимаслик, кўролмаслик «фазллати»дир.** «Марказий Осиё узоқ давр мобайнида стратегик аҳамиятга молик минтақа, деб ҳисобланиб келгани фақат унинг Евроосиёда жойлашган буюк давлатларга яқинлиги билан боғлиқ. Минтақанинг ўзи ҳеч қачон кўп сонли ўтроқ аҳолига ҳам, ўз табиий бойликларидан фойдаланиш қобилиятига ҳам эга бўлмаган. Шу боисдан бу минтақа тарихида унинг ҳудудида қудратли империя ёки нуфузли давлатлар кам вужудга келган. Марказий Осиё асосан ташқи кучлар рақобатлашган майдон бўлган»<sup>19</sup>. Зеро, бундай ноаниқлик Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга,

---

<sup>19</sup> «Уикипедия фри энциклопедия» деб номланган Интернет-сайт- [http://en.wikipedia.org/wiki/Central\\_Asia](http://en.wikipedia.org/wiki/Central_Asia).

Ўзбек халқига, унинг тарихига айрим ҳолларда билиб, аксарият ҳолларда (бу глобаллашув шароитида кучаймоқда) атайлаб қилинган навбатдаги хужжатлардан биридир. Булар бузғунчи ғоялардир. Шунинг учун ҳам И.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобида шундай деган эди: «...бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган. Турмуш ва тафаккур тарзими зиннинг ажралмас қисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган...»

Бир сўз билан айтганда, тарихий воқеликка мана шундай қараш, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қондасига айланиб кетган. Замонавий тилда айтадиган бўлсак, бу миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этадиган, бизни бошқалардан ажратиб турадиган шундай бир хусусият-ки, уни сезмаслик, ангамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас»<sup>20</sup>.

Шунингдек, Конституцияда мурося принцип ва тамойиллари доирасида давлат номи билан аталган миллатга мамлакат ичидаги бошқа миллат, элат ва этник гуруҳларнинг қадриятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда равнақ топишига кенг имкониятлар яратиб бериш мажбурияти белгилаб қўйилдики, бу азалдан ажодларимиз анъаналарига тўла мос тушади. Бу ҳақда И.Каримов шундай деган эди: «Республика аҳолиси орасида кўпчилиكنи ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир.

Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш доимо халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқ-

<sup>20</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.–9–10-бетлар.

да»<sup>21</sup>. Ҳозирги ривожланиш жараёнида фалсафанинг кўрсатиш методини фан фалсафасида қўллаш ниҳоятда зарур эканлигини турли фан вакиллари эътироф этмоқда. «Эндиликда биз ўз тарихимиздаги барча ҳодисаларни янгича кўз ва соғлом муҳит нуқтан назар билан кўриб чиқмоқдамиз ва баҳоламоқдамиз»<sup>22</sup>. Чунки «тарих фалсафаси тарих фанисиз бўшлиқ. Тарих фани эса тарих фалсафасисиз кўрдир»<sup>23</sup>.

## **Ўзбекистон фалсафа тарихида олим-уламолар нисбасини илмий тилда изоҳлашнинг ўзига хос муаммолари**

*Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишида Шарқ маънавияти кўтарилган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг «чуғур-чуғури» даражасидадир.*

**Ольденбург – XX аср бошларида яшаб ижод қилган рус шарқшунос файласуфи**

Мустақилликкача асосан халқимизга, айниқса, жаҳон илм аҳлига Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк сиймолар бир мунча маълум бўлган бўлса, эндиликда бухорийлар, термизийлар, пойкандийлар, хоразмийлар, самарқандийлар, насафийлар, фарғонийлар, тошкандийлар... қайта кашф қилинмоқда. Уларнинг барчаси Ўзбекистоннинг фарзандлари. Чунки Ўзбекистон ҳудудида яшаётганларнинг барчаси ўзбек халқини, Ўзбекистон фуқаросини ташкил қилади. Бунда ҳам академик И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари барча тадқиқотларда зарурий методологик асос бўлиши шарт: «Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтишлик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди

---

<sup>21</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 262–263-бетлар.

<sup>22</sup> Комилов Н., Тухлиев Б. Тузувчилардан//Ўзбек адабиёти.–Т.:»Ўқитувчи».1997.–3-бет.

<sup>23</sup> Ивин А. Философия истории. –М.: «Гардарик», 2000. – С.7.

деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримиз мансуб бўлган «мўъжаз ватан»нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда туттиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипслашувига халақит беради.

Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўрта-сида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур»<sup>24</sup>.

Дарҳақиқат, бу тадқиқот объекти моҳиятининг бир жиҳатидир. Унинг иккинчи жиҳати турли объектив ва субъектив сабаблар билан хорижга кетиб қолган ҳамда уларнинг авлодлари ҳозир «ота юрти» деб ҳисоблаётган қондошларимизнинг орзу ва истаклари масаласидир. Чунки улар Ватандан йироқда яшаётган бўлсалар-да, қалбдан ўзларини она-Ватан билан бирга ҳис этишларидир: «...*Ниҳоят ўз Ватанидан, ўз Ватани туپроғига қўмилишдан ажудо қилинган, хорижий элларда Ватин жасолини, Ватан туپроғини эзилиб соғинишига маҳкум қилинган миллионлаб ўзбекларнинг – туркистонликларнинг орзиқиб кутган қуни келди, орзулари ушалди. Ўзбекистон ҳукуматининг олий минбаридан муҳтарам жасмхур раиси Ислом Каримов тилидан Ўзбекистон Жумҳурияти мустақил давлат мақомига эга бўлгани тўғрисидаги хушхабарни эшитган заҳотимизда, биз, ўз ватанларини бир неча қун зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган бир неча хорижлик биродарларимиз билан бирга бир-биримизни кучоқлаб, йиғламоқдан ўзимизни тийёлмадик. Комил-нишонч билан айтаемизки, айни пайтда бу хушхабардан огоҳ бўлган миллионлаб америкалик, саудиялик, олмониялик, покистонлик, афғонистонлик эсигарларимиз ҳам бир-бирини кучоқлаб йиглаб турибдилар, эсисму эсонлари билан мустақил Ватанларига талпиниб турибдилар...*

*Бу хушхабарнинг хушхабарлиги рост бўлсин, эсисму-эсонларингизни қисиб-қийнаган кишиларнинг нарчалангани рост бўлсин, турли-туман қутқулардан, игволардан, туҳмат балолар-*

---

<sup>24</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –90-91-бет.

*дан пароканда бўлиб кетган миллатимизнинг қадди ростлангани рост бўлсин, бириккани рост бўлсин!»<sup>25</sup>.*

1988 йилда нашр қилинган икки томлик «Энциклопедик луғат»да Фарғоний (фақат Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний), Хоразмий (фақат Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий) тўғрисида маълумотлар берилган, холос. Мазкур луғатда «Ал-жабр вал-муқобала» (арабча «Тикланиш ва муқобала қилиш») М.Хоразмийнинг алгебрага оид рисоласи, деб кўрсатилади (128-бет), бошқа саҳифада «Ал-Хоразмий» деб (30-бет) бошқа жойда эса «Хоразмий» деб кўрсатилади (369-бет). Хоразмий бир киши бўлса, матнда воқеа ёки ҳодисани янада бўрттириш, билдираётган маълумотга ўқувчининг диққатини янада жалб қилиш учун бундай «иختиро»ни (яъни битта шахс номини уч шаклда изоҳлаш) қилиш мумкиндир, эҳтимол?! Лекин бу илмий адабиётда, шу жумладан энциклопедия ёки луғатларида қўлланилса, ўқувчини чалғитади (бу айниқса хорижликларда бизнинг аждодларимиз тўғрисидаги чалкашлик чегарасини янада узайтиради). **Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони эса инсоният цивилизациясининг бешиги бўлган Ватанимизда хоразмийларнинг юзлаб вакиллари яшаганлигидир.**

VI–VII асрларда турли нисбалар билан танилган олим-уламолар минглаб бўлган. Улар Бухорий, Хоразмий, Фарғоний, Самарқандий, Пойкандий, Тошкандий каби нисбалар олишган. Масаланинг нозиклиги шундаки, улар ягона бўлмаган ҳамда «бухорийлар», «хоразмийлар», «фарғонийлар», «самарқандийлар», «пойкандийлар», «тошкандийлар», «иштихонийлар», «зоминийлар», «жиззахийлар», «нурийлар» бўлишган. Масалан, қадимги шаҳар номини олган «Пойкандий» нисбаси билан Муҳаммад ал-Пойкандий, Али ал-Пойкандий, Аҳмад ал-Пойкандий, Яҳё ал-Пойкандий, Муҳаммад Аҳмад ал-Пойкандий, Исмоил ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Пойкандий, Усмон ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Пойкандий, Аҳмад ибн Юнус ал-Пойкандий Абулфазл Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Амр ас-Сулаймоний ал-Пойкандийлар илм-фанга маълумдир. Булар тўғрисида мисрлик

---

<sup>25</sup> «Ўзбекистон овози», 1991 йил 3 сентябрь.

тадқиқотчи Абдуллоҳ Сааднинг «Ўрта Осиё олимлари қомуси»да маълумотлар кенгроқ берилган.

Бизнингча, фақат туғилган жойларига нисбатан аждодларимиз ўз номларига нисба олган деган фикр ҳам мунозаралидир. Нисбалар турли хил шакллар ва кўринишларда ифодаланган. Уларнинг айримларини қуйидаги тарзда кўрсатиб чиқамиз:

1. Туғилган жойига қараб олинган нисба: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий.

2. Ўз даврида дин, илм-фаннинг йирик марказларида билим олиб, шу жой унинг дунёқараши такомилда комил инсон бўлганлиги боис халққа, миллатга нисбатан эҳтиромни нуқтан назаридан: Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишр ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Салим ал-Бухорий (821 й в.э.) Балхда туғилган. Муаррих, фақиҳ бўлган.

3. Бухоро шаҳрига берилган «Қуббагул-ислом» («Исломининг гумбази») ва «Бухорон шариф» каби ислом оламининг эътирофи нуқтан назаридан илм аҳли томонидан олимларга берилган нисба: Али Шоҳ Муҳаммад ибн Қосим ал-Хоразмий. Унга «Аълоу ал-Бухорий ал-мунажжим» ёки «Али ал-Бухорий», деб эҳтиром кўрсатишган.

4. Дин ва илм-фан равнақ топган шаҳарлар атрофидаги қишлоқларда туғилган олимларнинг олган нисбаси: Иноятуллоҳ ибн Абдуллоҳ ал-Вобкандий ал-Бухорий, Абдуллоҳ ибн Абдулжамил ал-Мулатий, ал-Ғиждувоний ал-Бухорий.

5. Авлодидаги машҳур, таниқли, билимдон кишилар ёки уруғ оқсоқоллари номларига эътироф сифатида олинган нисба: Масалан, Будайл Бухорода яшаган бир уруғ оқсоқолининг исми. Бухорода ҳадис илмининг билимдонни, шайх – Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Будайл ал-Ашқар ал-Будайлӣ номи билан аталган.

6. Ислом динида қайси мазҳабга тааллуқлигига қараб олинган нисба: Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хоразмий аш-Шоший ал-Ҳанафий.

7. Машҳур шаҳарлар атрофидаги қишлоқларда туғилган, бироқ шаҳар номидан эмас, балки қишлоқ номидан олинган нисба: Ризвон ибн Бодокирий – уламо ва ҳадисшунос. Бухоро атрофидаги Бодокир қишлоғи номи.

8. Бошқа жойда туғилган, лекин отаси туғилган жой номи билан

олинган нисба: Абу Амру Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ал-Пойкандий. Бухорода туғилган. Лекин отаси пойкандлик бўлгани учун Пойкандий нисбасини олган.

9. Ўз номларини уламолар номлари билан боғлаб олинган нисба: Абу Юсуф Яъқуб ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ан-Насафий ан-Нуҳий. Бу ерда насафлик уламонинг исми Нуҳ бўлган.

10. «Ўрта Осие олимлари қомуси»да китоб муаллифи «Аш-Шомий» нисбасини шундай изоҳлайди: «Шом» деган номга нисбат берилган. Бухоро аҳлидан Масжид аш-Шомга мансуб шахсларга ушбу нисбат қўлланган. Бухоро фақиҳлари ушбу ном билан аталган. Масалан, Абу Саид аш-Шомий. Юқоридаги таъкиддан бу даврларда Ўзбекистон ҳудудида нафақат диний таълимотлар, айти пайтда дунёвий билимлар, мусулмон ҳуқуқи мактаблари бўлганлигини кўришимиз мумкин.

11. Отаси Табирийга, онаси Хоразмга мансуб кишилар нисбаси: Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббос ал-Хоразмий ат-Табархазий (935-993) шу нисба билан машҳур ҳофиз ва шоир бўлган.

12. Бухорийлар, Самарқандийлар... деб ифодаланиш анъанаси турли объектив ва субъектив сабаблар билан Ўзбекистондан хорижга чиқиб кетган авлодларнинг сулоласи доирасида сақланиб қолмоқда. Арабистонда яшаётган бухороликлар ҳозир ҳам ўзларини бухорийлар сулоласи деб аташади. Масалан, Қуддусдаги ўзбек жамияти ранси – Шайх Абдул Азиз Бухорий.

13. Туғилган жойи нуқтан назаридан олган нисбасига кейинчалик муқим яшаган жойи ҳамда дафн этилган жойи ҳам қўшиб берилган нисба. Масалан, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Довуд ал-Бухорий ал-Балхий (986 йилда вафот этган). Бунда «ал-Бухорий» нисбаси туғилган жойини, «ал-Балхий» муқим яшаган ва дафн этилган жойига берилган нисбани билдиради.

14. Тарихдан маълумки ҳадисшунослик илмини мукаммал эгаллаб уни мусулмон фалсафасида кенг тарғиб-ташвиқ қилган олимуламолар орасида миқдор ва сифат жиҳатидан бухороликларга тенг келадиганлари бўлмаган. Шунинг учун ҳам мусулмон оламида уларга эътироф сифатида «ал-Мустамлий» (уламолардан ҳадис эшитиб,

ёзиб оладиган бухороликларга берилган) нисбаси ҳам берилган. Масалан, ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ал-Ансорий ал-Мустамлий ал-Яшкурый (бухоролик Бани Яшкур сулоласидан, 432 ҳ.й. ваф. этган).

15. Араб давлатларида Марказий Осиёдан бориб қолганларнинг барчасини аксарият ҳолларда «Бухорийлар», дейиш анъанага айланган.

16. Айни пайтда хорижликларни Бухорий, Хоразмий, Фарғоний, Тошкандий, Самарқандий, Косоний, Насафий, Марғилоний, Термизий, Пойкандий деб номлаш анъанаси Фарб халқлари маданиятига ўз таъсирини кўрсатган. Бу жараён Фарбда ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, АҚШда яшовчиларнинг аксарияти «келиб чиқиши испаниялик», «келиб чиқиши Буюк британиялик», «келиб чиқиши франциялик» ва бошқалар тарзидаги сўзлар расмий тилда ҳам қўлланмоқда. Лекин бундаги асосий фарқ-моҳият шундаки, бухорийлар, самарқандийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, термизийлар, хивзанийлар, пойкандийлар, марғилонийлар, ниғтихонийлар, ғиждувоонийлар, тошкандийлар, зоминийлар, ромитанийлар, андижонийлар, косонийлар, насафийлар, бир сўз билан айтганда, ўзбекистонликлар Шарқни, Жанубни, Шимолни, Фарбни ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан забт этиб, жаҳон ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлиб, ким нималарга қодирлигини намоён этган бўлсалар, Фарбнинг турли мамлакатлари, давлатлари, халқлари, миллатлари ўзга ерларда (буни турли макон ва замонда Африка, Осиё, Америка халқлари тақдири мисолида кўрсатиш мумкин) маҳаллий аҳолини ўз еридан ҳайдаш, уларни жисмонан йўқ қилиш, биринчи навбатда, маҳаллий ҳудудни «ўзи»ники қилиб олиш ҳамда маҳаллий халқлар маънавиятини ё бутунилай «ижодий» ўзлаштириш ёки уни бутунилай йўқ қилиш билан ном чиқаришган.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Роберт (Бобби) Жеймс Фишер (1943-2008) 2001 йил 11 сентябрда «Ал-Қонда»нинг Нью-Йоркдаги фожнали фаолиятидан бир неча дақиқадан сўнг Филиппин радиосига интервью бериб шундай деган эди: «АҚШ учун мен нималар қилмадим – ўзингиз яхши биласиз. Комил ишонч билан айтаманки,



Америка учун ҳеч ким менчалик хизмат қилмаган. 1972 йили мен чемпионлик унвонини қўлга киритганимда АҚШ бор-йўғи футбол, бейсбол мамлакати эди, холос. Ҳеч ким уни ақл-заковат дие́ри, деб билмасди. Бир ҳамла билан мен бу тасаввурни остини-устун қилиб ташладим. Совуқ уруш кетаётганди, ҳа мен ўша пайт Америкага керак эдим. Энди эса керак эмасман. Чунки уруш тугади. Энди улар кўздан йўқолишимни исташаяпти, бор-йўғимни шилиб олиб, қамоқ-хонага тиқишмоқчи. Ортга бир назар ташланг, бу мамлакатнинг тарихи, илдизларига эътибор беринг. Улар бу ерга маърифатли кишилар сифатида қадам қўйишмаган. Йўқ, асло! Дастлабки кунданоқ улар ҳиндуларни ўлдириб, ерларини тортиб ола бошлашди. Қотиллик, талончилик, қулдорлик! Мана нималардан иборат АҚШ тарихи! ... АҚШ бутун дунёнинг кўзига тик қараб «бизни кечиринг, сўнгги икки-уч аср мобайнида биз хато ташқи сиёсат олиб борганмиз, чет эллардан қўшинларимизни чиқариб оламиз, Исроилни қўллаб қувватлашни тўхтатамиз» ва ҳакозо-ҳакозо дейиши керак. Демократия – АҚШ ҳаётининг жинояткорона моҳиятини ниқоблашдан бўлак нарса эмас»<sup>26</sup>.

Мустақиллик шарофати билан аждодларимиз номлари тикланди, жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаларини кўрсатиш жараёнида уларнинг номларини турли кўринишларда ифодалаш ҳоллари учрамоқда. Шу ўринда буюк ҳадисшунос Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий (810–870) ҳазратларининг исми шарифлари турли адабиётларда турлича изоҳланаётганини, уни фанда қўллаш тўғрисида қуйидаги таклифни билдиришни лозим топдик. Маълумки, ҳадислар султонини адабиётларда (илмий ва оммабоб) «Бухорий», «ал-Бухорий», «Имом Бухорий», «Исмоил ал-Бухорий», «Имом Исмоил Бухорий» каби номлашлар мавжуд. Мантиқан фалсафий мушоҳада қилсак, юқоридагиларнинг бирортаси ҳам илмий жиҳатдан тўғри эмас. Алоҳида шахсга нисбатан юқоридаги номлашлар мавҳум, тушунарсиз тушунчалардир. Чунки бу номлашларнинг бирортаси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий ҳазратларининг асл

<sup>26</sup> «Ишонч» газетаси, 2008 йил 27 сентябрь.

исми-шарифларини билдирмайди. «Имом»лик дин пешволарига бериладиган унвон. Бундай унвонлар турли замон ва маконда минглаб олим-уламоларга берилган ва берилмоқда. Фанга «ал-Бухорий» нисбасини олган 100 дан ортиқ олим-уламо маълум. «Имом Исмоил ал-Бухорий» – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий ҳазратларининг падари бузрукворларидир. Демак, юқоридаги бирорта «номлаш» – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий шахсини билдирмайди. Бизнингча, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфийни илмий ва оммавий адабиётлар ҳамда кундалик мулоқотларда ҳам бир хил, яъни Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (ҳатто айрим ҳолларда китоблардаги Имом ибн Исмоил ал-Бухорий шаклида ҳам қўллаш асл мазмунни бермайди. Чунки Исмоил ал-Бухорийнинг Муҳаммаддан ташқари бошқа ўғиллари ҳам бўлган) шаклида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу номлашни янада қисқароқ шаклда «Имом Муҳаммад ал-Бухорий» шаклда изоҳлаш мақбулдир, деган қарашлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин масаланинг бу тарзда ҳам ечими топилмайди. Чунки фанга «Имом Муҳаммад ал-Бухорий» ларнинг 22 таси маълумдир. Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий тарзида қўллаш яна шунинг учун ҳам зарурки, бу хориж илмий адабиётдаги айрим тушунмовчилик ва англашилмовчиликларни ҳам ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу сингари чалкашликлар «ал-Хоразмий» нисбасини олган олим-уламоларнинг фалсафий қарашларини ўрганишда ҳам кўплаб такрорланмоқда. С.Ҳасанийнинг «Хоразм маърифати – олам кўзгуси» китобида битта парагриф «Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий» деб номланади. Бу қўйилган мавзу номи ҳам мавҳумдир. Чунки фанга «Хоразмий» нисбасини олган олим-уламолар ўндан ортигининг исми-шарифи «Абу Абдуллоҳ» деб бошланади. Масалан уларнинг айримларини келтирамиз: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ал-Ҳакимий ал-Хоразмий; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Арслон ибн Аббосий ал-Хоразмий; Абу Абдуллоҳ Солиҳ ибн Молик ал-Ҳакимий ал-Хоразмий; Абу Абдуллоҳ

**Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Иброҳим ал-Ҳоросий ал-Хоразмий.**

Ушбу келтирилган маълумотлар нуқтаи назаридан қуйидаги масаланинг ҳам ечимини топиш зарур. Бунда «Ал-Хоразмий номли Ургенч давлат университети» деган номланиш ҳам ҳозирги илмий тадқиқотлар натижалари асосида қайта кўриб чиқилиши ҳамда мазкур университет Ал-Хоразмийлардан қайси бири номига қўйилганлигини аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, маълумотлар етарли бўлмаганлиги сабабли хорижда бу каби мавҳум сўзлар учраса тушунарлидир<sup>27</sup>. Лекин Ўзбекистонда бу ҳол такрорланса, айниқса, эндиликда мустақиллик шаронтида бу фандаги боқимандалик ва илм аҳлининг лоқайдлигидан бошқа ҳодиса эмаслигини кўрсатади?!

XXI асрнинг дастлабки 10 йиллигида ҳам илмий манбаларда бу сингари чалкашликларга йўл қўйилаётгани ачинарлидир: «Эронлик олим доктор Содиқ Хуршо ҳам «Гойияи Абдурахмони Жомий» ки-

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Уммон Султонлигига ташрифи (2009 йил 4–5 октябрь кунлари) тафсилотлари араб мамлакатлари ахборот агентликлари рининг ягона тизими бўлган «ал-Хожж фил Ньюом»да «Ўзбекистон билан Уммон Султонлиги ўртасидаги муносабатларнинг муштараклик илдизлари» мавзусидаги мақолада баён қилиниб, жумладан унда шундай ёзилган: «... Уммоннинг ҳозирги раҳбарияти тарихий, географий ва диний илдизлар бирлаштириб турувчи мусулмон олами мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шу маънода Уммон Султонлигининг кўҳна тарих ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро муносабатлари устувор аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, ҳозирда ҳар бир мусулмон кишиси ислом тарихи орқали Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива каби машҳур шаҳарлари номларини билади. Айнан шу мамлакат бутун дунёга мусулмон цивилизацияси ва фани тарихида чуқур из қолдирган ал-Бухорий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замашарий, ат-Термизий каби умумэтироф этилган олимлар ва мутафаккирларни етиштириб берган «(Халқ сўзи, 2009 йил 8 октябрь)». Шунингдек, мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон – Уммон бизнес форуми ташкил этилди. Форумда Уммон Султонлигининг Молия, Миллий иқтисодиёт, Ташқи ишлар вазирликлари, Савдо-саноат палатаси раҳбарлари, йирик компания ва банклари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок қилди ҳамда И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китоби тақдироти ўтказилди. Форумни Уммон савдо-саноат палатаси раиси Халил бин Абдуллоҳ ал-Ханжий очиб, шундай деди: «... Ўзбекистон ҳудудида дунё ва ислом цивилизациясига ўзининг бебаҳо улушларини қўшган Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, ат-Термизий каби кўплаб буюк мутафаккир ва олимлар яшаб ўтган» (Халқ сўзи, 2009 йил 9 октябрь).

тобининг муқаддимасида Жомийни ...Ибн ал-Арабий ирфоний қарашларининг энг буюк шарҳловчилари – Куниязвий, Фарғоний, Қайсарий ва Кошоний билан бир қаторда тилга олади»<sup>28</sup>. Бу ерда ҳам қайси «Фарғоний» тўғрисида ўқувчига маълумот берилаётганлиги «сир» сақланган.

Бундай чалкашликлар «ат-Термизий» нисбасини олганларда ҳам такрорланмоқда. Чунки «ат-Термизий» нисбаси билан ҳозиргача 20 га яқин олим-уламо илм-фанга маълумдир.

Ёки барча илмий ва оммавий адабиётларда «Фаробий» нисбаси битта олим шахсига нисбатан қўлланилиши анъанага айланган. Ваҳоланки, ҳозир Фаробий нисбасини олган олим-уламонинг 20 га яқинини биламиз<sup>29</sup>.

Илмий адабиётларда асрлардан буён «мутлақлаштирилган анъана» XXI асрда ҳам ҳукмронлиги ачинарли ҳолат. Масалан, «Нақшбандийнинг 675 йиллиги (1993), ...Фарғонийнинг 1200 йиллиги (1998), Марғионийнинг 910 йиллиги (2000), Ғиждувонийнинг 900 йиллиги (2003), Шошийнинг 1100 йиллиги (2003)» «кабилар тез тез учрамоқда. Бунда нафақат оддий китобхон, ўқувчи, талаба учун, балки мутахассис учун ҳам ноаниқлик ва мавҳумлик мавжуддир. Юқорида келтирилган иқтибослардаги Нақшбандий, Фарғоний, Марғионий, Ғиждувоний, Шошийнинг қайси бири ҳақида сўз кетмоқда? Нақшбандий, Фарғоний, Марғионий, Ғиждувоний, Шоший нисбалар бўлиб, мазкур шахе томонидан исми-шарифга турли ҳолатлар бўйича «танлаб» олинган. Мазкур нисбаларни олганлардан қайси бирининг тавваллуд юбилейлари ўтказилди? Ана сизга фандаги лоқайдлик ва боқимандалик?! Яъни булар, бир томондан, Ўзбекистон ҳудудида интеллектуал капиталнинг чексизлиги, беқийёслигини кўрсатса, иккинчи томондан, Ғарб ва Шарқнинг Ўзбекистон илмий салоҳиятига нисбатан даъволари асоссиз ва нотўғрилигини исботловчи объектив ҳақиқат, учинчидан, мазкур илмий салоҳият ҳамда интеллектуал капитални фалсафанинг кўрсатиш методи ор-

<sup>28</sup> Халмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. –Т.: «ЎМЭ», 2008. –88–89-бетлар.

<sup>29</sup> Хаитов Ш. Мурося ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. –343-бет.

<sup>30</sup> Абдуҳалимов Б., Каримова С. Домланинг шарқшунослик илмий-тадқиқот институтидаги фаолиятига доир// Академик Музаффар Хайруллаев. Хотиралар ва мақолалар. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – 20–21-бетлар.

қали дунё ҳамжамиятига намоён қилишнинг долзарблиги, тўртинчидан, мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш кун тартибига қўйилмоқда. Бешинчидан, олинган нисбалар, агар у кўпликда ифодаланса, чет тилларга таржима қилинмайдн, чунки у хориж тилларида муқобили йўқ ўзига хос феномендир. Шу сабабдан уларни «бухорийлар, хоразмийлар, самарқандийлар, пойкандийлар, зоминийлар, ғиждувонийлар, иштихонийлар» каби аслиятда бериш шарт.

Зеро, булар – Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси бешинчи эканлигини, унинг келажаги буюклигини, ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмаганлиги ва ҳеч кимдан кам эмаслигини, баркамол авлодни тарбиялашда мислсиз интеллектуал капитали мавжудлигини кўрсатувчи объектив ҳақиқатлардир.

## Ислом Каримов фалсафа фанининг жамият равнақидаги ўрни тўғрисида

*Президентнинг гоялари бу – битта одамнинг гани, уни ривожлантириши, маъносини кенгайтириши, тўлдириши керак. Мен шахсан шунинг тарафдориман ва сизларни шунга даъват этаман.*

И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: «Дарҳақиқат, фалсафа барча фанларнинг отаси», – деб алоҳида таъкидлаган эди. Бу мантиқий хулоса, қадимдан то ҳозирга қадар турли соҳа фан вакиллари томонидан чиқарилган, айтилган, эътироф қилинган. Лекин қадимдан то ҳозирга қадар бирорта ҳукмрон (хон, қирол, президент) бу эътирофни ё ўзи айтмаган ёки уни қўллаб-қувватламаган ёхуд ҳомийлик қилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фалсафа фанининг жамият тараққиётидаги ўрни, роли ва аҳамиятини эътироф этди, аждодлар маънавий меросидаги (Авесто, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино...) мантиқий хулосани глобаллашув шароитида баралла айтди ҳамда ўзининг (сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий) фаолиятида унга

амал қилди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фалсафа фанига мунособатининг ёрқин ифодасидир, деган умумлашган ғояни айтишга ҳақдимиз.

XX аср охири, айниқса XXI асрнинг илк йилларидан инсониятнинг борлиқдаги нарса ва ҳодисалар мазмун-моҳиятини тушуниш, англаш учун фалсафий мушоҳадасига эҳтиёжи кучайди. Мазкур эҳтиёж учун илмий, бадий, тарихий, юридик асарларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолалар, телевидение ва радиолардаги кўрсатув ва эшиттиришларда илмий истеъмолга кiritилган «Табиат фалсафаси», «Ҳуқуқ фалсафаси», «Тарих фалсафаси», «Муроса фалсафаси», «Таълим фалсафаси», «Тинчлик фалсафаси», «Терроризм фалсафаси», «Сиёсат фалсафаси», «Жамият фалсафаси», «Шаҳар фалсафаси», «Иқтисод фалсафаси», «Жамият фалсафаси», «Жаҳон фалсафаси», «Ғарб фалсафаси», «Шарқ фалсафаси», «Мусулмон фалсафаси», «Спорт фалсафаси», «Ислом фалсафаси» каби ҳолатлар билан кўрсатиш мумкин. Бу, энг аввало, глобализация шароитида фалсафа фанининг салоҳияти, салмоқи ва самарадорлиги ошаётганлигини билдирса, иккинчи томондан, жамиятда мавжуд барча ижтимоий ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ билиш ва англаш зарурияти кучайганлиги билан изоҳланади.

И.Каримов асарларида жамиятнинг турли соҳалари таҳлили берилганда «...ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожининг фалсафаси» (Т.9, 163)<sup>31</sup>, бозор иқтисодиётининг «...янги ҳаёт фалсафаси» (Т.1,315), «...ҳаётий фалсафа» (Т.13, 268), «Ислом фалсафаси», «Шарқ фалсафаси», «Ғарб фалсафаси» каби атамалар кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан соғлом авлод йили фалсафаси куйидагича изоҳланади: «Асосий маъно-мазмун ва фалсафаси «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», деган шиоримизда мужассам бўлган ушбу йилда амалга оширилган кенг қўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни бугун мамнуният билан таъкидлашга барча асосларимиз бор» (Т.14,71). Ёки бузғунчи ғоя тарафдорлари фаолиятининг мазмун-

---

<sup>31</sup> Изоҳ: бунда И.Каримов асарларининг нечанчи томдалиги ва қайси саҳифадалиги қисқартирилган ҳолда берилган.

моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш мақсадида уларнинг фалсафасини англаб етишимиз зарурлиги қуйидагича кўрсатилади: «Биз уларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, ўзига хос қарашлари, **фалсафаси** борлиги ва ҳар бирининг тараққиёт йўли ана шу қадриятларга асосланганини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шундай экан, нима учун дунёнинг нариги бир чеккасида шаклланган, универсал модель сифатида мақталаётган демократия модели бошқа бир мамлакатда, дейлик, бизнинг юртимизда зўравонлик билан ўрнатилиши керак?» (Т.14, 120). Ёхуд маънавий маданиятнинг мазмун-моҳияти алоҳида таъкидланади: «...хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди»<sup>32</sup>.

«Ўзбек тилининг изоҳли лўғати»да «Фалсафий» сўзи қуйидагича ифодаланади: «Фалсафага онд. Табиат ва жамият ҳақидаги теран дунёқарашни ўзида ифода этган» тушунча. И.Каримов худди шу маънода жамият аъзоларини борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни фалсафий мушоҳада қилишга чақиради. Чунки бу, **бир томондан**, фалсафа фанига, фалсафий тафаккурга жаҳонда ҳам, мамлакатимиз миқёсида ҳам эҳтиёжнинг кучайганлиги, **иккинчидан**, фалсафа теран дунёқарашни шакллантиришда ва мустақил фикрнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги билан изоҳланади. И.Каримовнинг «...ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш...ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қурооллантириш – давр талаби» (Т.14, 117-118) эканлиги тўғрисидаги кўрсатмалари тадқиқотчи учун илмий, назарий, методологик асос бўлиши зарур. Зеро, «...бутунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман» (Т.14, 118-119), «Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги

---

<sup>32</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.6. – 129-бет.

фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади» (Т.8, 506).

Мустақиллик шаронтида фалсафа фанининг ривожланиш динамикасига кенг имкониятлар очилди. Жамият аъзоларида, айниқса, ёшларда мустақил фикрни шакллантириш ва уни ҳар томонлама такомиллаштириш ҳозирги даврнинг асосий устувор вазифаларидан биридир. Мустақил фикрни шакллантиришда ижтимоий муҳит асосий белгиловчи ролни ўйнайди. Шунингдек, мустақил фикрга, энг аввало, борликда, жамиятда, ва давлатдаги барча нарса ва ҳодисалар тўғрисида, ўтмиш, ҳозир, истиқбол, аجدодларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган салмоқли ҳиссаси, уни жаҳон ҳамжамиятининг қай даражада эътирофи масалалари ҳақида ҳолис, объектив маълумотларни олиш ва уларни далиллар билан кўрсатиш яхши самара беради. Бу жиҳатдан Ўзбекистон фалсафаси ўзига хос, унинг жамият аъзоларини, айниқса, ёшларнинг кенг ва тўла интеллектуал капитали такомиллида, коммуллигида шарқона мураса тамойиллари доирасида қатъий талаблар қўяди. «Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман».

И.Каримов фалсафа фанининг категориал аппаратига алоҳида эътибор берганлигини кўришимиз мумкин: «**Маънавий** ҳаётимизда, **миллий онгимизни, сиёсий савиямизни** ошириш, **миллий мафкура ва тафаккурни** такомиллаштириш борасида қилинган ишлар, энг муҳими, одамларнинг дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларни энг катта ютуғимиз деб ҳисоблаш лозим» (таъкидлар бизники – *Ш.Х.*).



И.Каримов фақат табиат, жамият, инсон масалаларини ўрганишга даъват қилибгина қолмай, ижтимоий-гуманитар, хусусан, файласуфларга конкрет муаммоларни ҳал қилиш вазифаларини қўяди:

*...Фрейднинг назарий қараишлари, прагматизм ва экзистенциализм гоялари, Бердяев ва боиқаларнинг фалсафасини ўргансак, фойдадан холи бўлмайди.*

\*\*\*

*Мен гарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган, демоқчи эмасман. Биз кўп масалаларда гарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қараишларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин, уларни ҳисобга олишимиз, кераклигисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур.*

\*\*\*

*Миллий мафқурани шакллантиришидаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафқуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туйғули тугилган.*

Шунингдек И.Каримов фан фалсафасида аннқ, фундаментал, медицина, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар доимо узвийликда эканлиги ҳамда уларнинг фалсафа фани билан, фалсафа фанининг улар билан мустаҳкам алоқада бўлсагина равнақи таъминланишига асосий эътиборни қаратади:

*Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқараишининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятишunosлик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатишunosлик бўладими, психология ва иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга.*

\*\*\*

*Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъ-*

*ат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунамайдими. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиши учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиши керак. Шу боне тарихчи бўлиши учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиши даркор.*

\*\*\*

*...Одам қанча чуқур билимга эга бўлса, дунёни яхши билса, ён-атрофда бўлаётган воқеаларни фалсафий жиҳатдан тўғри англай олса, шундан кейингина унда гурур-ифтихор бўлади. Шундагина жуда мураккаб, таҳликали дамларда ҳам кўнчилик унга мурожаяат қилиб, маслаҳатланади. Маслаҳат кимдан сўралади – авваламбор, салоҳиятли одамдан, катта фалсафий билим ва интеллектуал бойликка эга бўлган кишидан.*

\*\*\*

*...бизда тарих ва фалсафани узвий боғлиқ ҳолда ўрганиши маънавий этарли эмас. Аслида тарих ва фалсафа маънавий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир.*

*Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу боне ҳақиқатни топиши учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташилайлик, муҳокама қилайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин.*

\*\*\*

*Дунё тан олган кўн улуг файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида яна эшилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг голвий қарашлари билан яхши таниши эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиши наҳотки мумкин бўлмаса? Ахир, бизда бир эмас, иккита файласуфлар жамияти, махсус Фалсафа ва ҳуқуқ институти, олий ўқув юртиларидаги фалсафа кафедраларида ишлаётган юзлаб фан номзодлари ва докторлари, профессорлар бор-ку!*

*Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли тугилган.*

*Бироқ бизда тарих ва фалсафани узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи етарли эмас. Аслида тарих ва фалсафа мантиқий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оққорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир.*

И.Каримов фалсафа фанининг ядроси бўлган диалектика тўғрисида, унинг жамият тараққиётидаги ўзига хослиги ҳамда уни янги даврда ҳар томонлама тадқиқ қилиш, ўрганиш ва амалиётга татбиқ қилиш зарурлигини таъкидлайди:

*Исонийликка мутлақо зид бўлган... ахлоқсизликни ҳам кимлардир «демократия», «эркинлик» نامунаси сифатида бутун дунёга тарғиб қиляпти. Эй барака тошқур, бу ахир демократия эмас, одамларни йўлдан оздирадиган қин-қизил бузғунчилик эмасми?... Хўш, шундай фалсафа, шундай ҳаёт тарзи бизга тўғри келадими? Агар демократия ниқоби остида шундай бемаза ишлар қилинадиган бўлса, бунинг асл мақсади ва сабаби, илдизини аниқламасдан, теран англамасдан туриб, тўғри хулоса чиқариб бўладими? Шунинг учун ҳам фалсафани, диалектикани чуқур билиш керак. Такрор айтаман, ҳаёт – бу диалектика дегани.*

\*\*\*

*Фалсафанинг ўзагини ташиқил этадиган диалектика фани бўйича ҳозир олий ўқув юртларимизда қандай дарсликлар бор? Дунёни диалектик нуқтаи назардан баҳолашда, бузғунчи ўта мураккаб ва шиддатли жараёнларни англаш, уларга муносабат билдиришда қайси йўналишлар сизларга маъқул? Бизда шўро давридаги фалсафий қарашилар, афсуски, ҳали-бери ўз таъсирини сақлаб келаяпти. Мисол учун, ўша пайтлари Кант, Гегель, Фейербах, Ницше, Вейсман, Фрейд каби Ғарб файласуфларининг назариялари мутлақо ўрганилмас, уларнинг гоёлари фақат асосиз танқид қилинар эди.*

*Бумасалада бундай бир ёқлама қарашлардан мушлақо воз кечини лозим. Ўйлайманки, ана шундай файласуфларнинг таълимотига ҳали ҳам шубҳа билан қараб, уларни ўрганмайдиган бўлсак, билиб қўйинглар, ўзимизни, фалсафий тафаккуримизни анча чеклаб, гариб-камбагал қилиб қўйган бўламиз. Қайсидир файласуф, бизга ёқадими-йўқми, бундан қатъи назар, унинг асарларини барибир билишимиз, ўрганишимиз керак<sup>33</sup>.*

И.Каримов асарларида фалсафа фанининг қонуни ва категорияларига кенг ўрин берилган ҳамда улар ҳар томонлама муайян макон ва замонда асосланган. Жумладан, глобаллашув шароитида фалсафанинг миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонунини янги макон ва замонда (мустақиллик, глобаллашув) ҳар томонлама нафақат асослади, айни пайтда уни амалий жиҳатдан қўллади. Буни турли жараёнларда (тараққиётнинг ўзбек модели, ривожланишда эволюция ва инқилоб масалалари, жаҳон молиявий инқирози муаммолари) ҳар жиҳатдан амалий кўрсата олинди. Масалан, мазкур қонунни таълим тизими ривожланиши динамикасидаги ўзига хослигини Москва давлат университетида сўзлаган нутқида шундай изоҳлаган эди: «...қилаётган ишларимиз – таълим соҳасига сарфланган самарали сармоядир. Бу меннинг қатъий эътиқодим эканини рақамлар билан, тарихий мисоллар билан айтиб беришим мумкин. Аммо бунинг учун бирмунча вақт керак. Сабр-тоқат керак, бир кунмас-бир кун миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига айланиши ва биз қилаётган сарф-харажатлар ўзининг салмоқли натижасини бериши тайин»<sup>34</sup>.

Ёки фалсафанинг инкорни инкор қонунини жамиятнинг барча соҳаларига қўллаш зарурлигини ҳам амалий ҳаракатлар билан кўрсатди. Муҳими, бу қонуннинг глобаллашув шароитида жамиятимизда қачон, қандай, нима сабабдан деган саволларга жавоб беришда муҳимлигини, барча соҳаларга, барча ижтимоий ҳодисаларга ўзбек феномени доирасида ўзига хослигини ҳар жиҳатдан таъ-

---

<sup>33</sup> Каримов И. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш бугунги куннинг устувор вазифасидир. //Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: «Ўзбекистон», 2006. – 117–118-бетлар.

<sup>34</sup> Каримов И. Москва давлат университетида сўзланган нутқ//Ватан равиқи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 287–288-бетлар.

кидлади. Буни аждодларимизнинг фалсафа тарихидаги ўрни, улар бунёд этган моддий ва маънавий бойликларга муносабат, ворислик ҳамда жамият аъзоларини уларга маҳлиё бўлиб қолиш орқали боқимандалик, лоқайдликка берилмасликка даъват этганида ҳам кўришимиз мумкин: «Биз ўз олдимизга шундай вазифа қўйдик: биз албатта ўзлигимиз билан фахрланишимиз керак, биз ўз илдизларимизга қайтишимиз лозим, лекин ўтмишимизга маҳлиё бўлмаслигимиз ва уни тўла-тўқис қайта тиклаш билан шуғулланмаслигимиз керак. Аксинча, биз бу масалага оқилона ёндашувимиз лозим. Ўтмишдан ҳозир халқни улуғлайдиган, кўз олдимизда қадримизни юксалтирадиган нарсаларни олишимиз зарур. Мана шу инсонпарварлик ёндашуви миллатимизга, халқимизга жаҳон ҳамжамиятида ўзини дадил ҳис этиш имконини беради. Айни вақтда шу билан боғлиқ бўлган иккинчи мақсадимиз – жаҳон фани ва тафаккури чўққиларини ўзлаштиришга доимий интилишдир. Бошқача айтганда, биз ўтмишдан олаётган меросни ҳозирги кунда яратилаётган буюк кашфиётлар билан уйғунлаштироғимиз керак. Биз ўз келажагимизни ана шу назария, ана шу пойдевор асосига қуряпмиз. Айнан ана шундай буюк маънавий, ахлоқий негиз биз қилишимиз лозим бўлган барча фойдали ишларнинг бош манбаи эканини таъкидламоқчиман. Бу – биз ўз сиёсатимизни юритишимиз учун асос бўлган яна бир омилдир»<sup>35</sup>

Шунингдек, **инкорни инкор қонуни** Ўзбекистон фалсафа тарихини, маънавий меросни, бир сўз билан айтганда, маънавиятни қайта тиклаш жараёни алоҳида муҳитни, замон ва маконни талаб қилиши доирасида ҳам ўзига хосликка эгаки, бу ҳақда ҳам И.Каримов шундай деган эди: «Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлигимизни англаш анча мураккаб шароитларда – эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

Бир асрдан зиёд давом этган тоталитар қарамликдан кейин бу жараён дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «**инкорни инкор**» сифатида кечди. Лекин биз аввалги тузумнинг

---

<sup>35</sup> Каримов И. Москва давлат университетида сўзланган нутқ//Ватан равнақи учун ҳар бимиз масъулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 277–278-бетлар.

қадриятларини шунчаки инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдиришини англар эдик. Шу билан бирга, ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқақетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка – ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин.

Айни шу инкор этиш онларида экстремистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилади. У аслини олганда, маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин эди. Жангари миллатчилик, диний муросасизлик ва «ўзимизники» бўлмаган ҳамма нарсага нафратнинг қоришмаси шундай муҳолифатнинг сиёсий мақсадларидир. Жамиятимиз ўша кунлари юз берган аниқ экстремистик руҳдаги хатти-ҳаракатларда бундай муносабат нақадар тажовузкорона эканлигини, ундаги вайрон этувчи омил ҳамда айрим сиёсатлашган жангари гуруҳларнинг гидроки доирасига синайдиган нарсаларга нисбатан нафратнинг нақадар кучлилигини кўрмаслини мумкин эмас эди»<sup>36</sup>.

Маълумки, фалсафа қонунилари табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий жиҳатларини ўрғанади. Шу нуқтаи назардан инкорни инкор қонунининг жамият тараққиётидаги ҳам муҳим аҳамиятини, айниқса, унинг ворислик тамойилини ҳам доимо ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисида 1994 йил 7 июлда И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида («Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин») қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Ўзингиз ўйлаб кўринг, 70–75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаолларимизнинг ҳам суяги ўша тарбия билан қотган. Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур. Яқин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим». Шунингдек, ворислик объектив характерга эга бўлиб, умумбашарий ва миллийлик диалектика-

---

<sup>36</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 125–126-бетлар.

сида ҳам намаён бўлишини Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзланган нутқда («Халоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин». 1994 йил 15 июль) қуйидагича кўрсатилган: «Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўллариини диққат билан ўргандик ва ўрганиб бораётирмиз. Улардан халқимиз руҳияти, табиатига мос келадиганларини танлаб олиб, фойдаланяпмиз. Шу билан бирга ўз тарихимизни жиддий ва синчиклаб таҳлил қилмоқдамиз».

Умуман олганда, И.Каримов борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни фалсафанинг табиат, жамият, инсон тафаккури орқали билишига юқори баҳо беради, жамият равнақидаги ролини алоҳида таъкидлайди, илмий ижоддаги аҳамиятини кўрсатиш баробарида, барчани фалсафийликка, яъни фалсафий мушоҳадага эга бўлишга даъват этади. Чунки ўтмишдаги барча жараёнларга танқидий ёндашиш ҳамда инкорни инкор қонунининг ворислик тамойили орқали иш кўриш объектив ҳақиқат гаровидир. Зеро, «...биз кечаги ҳаётимиздан буткул воз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳақ қачон воз кечмаймиз. Тарих – бу бизларнинг, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, кеча фақат хом ашё ва хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон бутун дунё харитасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар, авваламбор, АҚШ, Фарбдаги демократик давлатлар, Шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни...»<sup>37</sup> ўз олдига стратегик мақсад қилиб қўйган.

И.Каримов асарларида материя, борлиқ, умумийлик, хусусийлик, яккалик, моҳият, ҳодиса, мазмун, шакл ва бошқа категориялар ўз ўрнида ишлатилган, ҳар томонлама асосланган ҳамда аҳамияти кўрсатилган: «Биз сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ҳаётнинг барча соҳаларида ва, энг аввало, иқтисодиётда ўз янгиланиш ва туб ўзгаришлар йўлимизни танлаб олдик. Бу йўл Ўзбекистон-

---

<sup>37</sup> Каримов И. Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзланган нутқ //Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 45-бет.

нинг минтақавий (хусусийлик – Ш.Х.) ва миллий (яккалик – Ш.Х.) хусусиятларини тўла-тўқис ҳисобга олишга, жаҳондаги (умумийлик - Ш.Х.) илғор тажрибадан кенг фойдаланишга таянади»<sup>38</sup>.

Академик И.Каримовнинг асарларида муроса атамаси табиат, жамият ва инсон тафаккурининг барча соҳаларига нисбатан ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. «Сийёсатда андиша, муроса-мадорага риоя қилсанг», «...муроса йўли билан ўз мақсадимизга эришамиз», «фуқаролар ўзаро муросада яшамоқдалар», «...муроса йўли билан ўз мақсадимизга эришамиз», «...турли миллат ва дин вакиллариини ўзаро муроса ...асосида яшашига даъват этадиган ...ислом тарафдоримиз», «...мутасадди раҳбарлар бундай похуви вазиятлар билан муроса қилиб келмоқда», «...диний муросасизлик», «...динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз», «...муқаддас динимизни... сийёсий мақсадларда фойдаланишини истайдиган кучлар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз», «...биз бундай номақбул ҳолатларга чидаб, улар билан муроса қилиб юрсак», «...зарар етказиб келаятган хўсаликлар билан муроса қилиб бўлмайди», «...қишлоқларда ислоҳотларни... ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан асло муроса қила олмаймиз», «...мафкуравий муросасизлик», «...миллий ва диний заминдаги муросасизлик», «...ўзаро мувозанат ва муросани таъминлаш», «...ўз истеъдодини рўёбга чиқарини учун коммунистик тузум билан муроса». Булар бевосита эсабият тараққиётида муросанинг принцип ва тамойилларининг ўз ўрни мавзёудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам И.Каримов муросанинг эсабият, давлат, халқ ўзаро муносабатлари тараққиётидаги асосий ва муҳим омил сифатида ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка эришувининг энг мақбул йўли сифатида қадрлайди: «Ўзбекистонда ур-йиқитлар йўқ, фуқаролар ўзаро муросада яшамоқдалар... Бирорта фуқаронинг буринини қонатмасдан янги ҳаёт қураямиз. Иншоолло, тинчлик, аҳиллик ва муроса йўли билан ўз мақсадимизга эришамиз. Бошиқа гап йўқ» ва ҳақозо.

---

<sup>38</sup> Каримов И. «Эйрон Груп оф Энержи компаниес» ранси жаноб Кеннод Лей Ўзбекистон Президенти тарафига уюштирган қабул маросимида сўзланган нутқ//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 37-бет.



Демак, И.Каримовнинг фалсафа ва унинг жамият равнақидаги аҳамияти тўғрисидаги яхлит ва мантиқий изоҳларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти фалсафа фанини мукамал билган, аини пайтда фалсафа фанининг қонун ва категорияларини ҳар қандай макон ва замонда ўз вақтида қўллаш санъатини амалда эгаллаган: «Ўзбекистон Президенти И.Каримов Иттифоқ миқёсидаги сиёсий арбоб сифатида СССР халқ депутатларининг IV съезди кунларида туғилди. У М.Горбачевни қаттиқ танқид қилиб, «команда»ни ўзгартиришни талаб қилди. Кўпчилик учун бу буткул қутилмаган ҳодиса эди. Узоқ йиллар мобайнида анъанага кўра, Ўрта Осиё республикалари олий раҳбарлари Марказ сиёсати-га эргашиб юрар эдилар. Қандай ўзгариш юз берди? Каримов ўз кучига бундай қатъиятли ишончни қаердан пайдо қилди?»<sup>39</sup>.

Бизнинг назаримизда, бу қатъий ишонч асрлар давомида миллий қадриятлари қадрсизлантирилишига, аждодларни моддий ва маънавий меросига нисбатан менсимаслик жараёнига қарши қаратилган ўзбек халқи миллий ғурурининг жунбушга келган охириги нуқтасидаги ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллик натижаси ҳамда аждодларимиз бунёд этган фалсафа фани қонун ва категорияларининг мазмун-моҳиятини тўла англаб, уларни реал ҳаётга тадбиқ этишдаги илмий ижодкорлик ҳосиласи бўлган маънавий жасоратдир.

Хулоса ўрнида И.Каримов ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино медали билан мукофотлангандаги қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик: «Бу олий мукофот, энг аввало, кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олинishi, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир»<sup>40</sup>.

---

<sup>39</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. –104-бет.

<sup>40</sup> Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Президентига ЮНЕСКО медалини топшириш маросимида сўзланган нутқ//Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. –207–208-бетлар.

---

## II БОБ. Ўзбекистон фалсафа тарихининг табиий-географик, тарихий-ҳудудий, ғоявий-диний манбалари

*Нурафиюн шарқ осмони кўзимга қадимий сирли олам дарвозасидай кўринади. Жамики миллатлар ва элатлар, Тангрилар ва афсоналарнинг ватани огушига чорлаётгандай энтикдим.*

Рафаэль Пампелли - америкалик сайёҳ ва тарихчи

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг мазмун-моҳиятини илмий тадқиқ қилишда, энг аввало унинг генезисдаги табиий-географик, тарихий-ҳудудий ва идеологик манбалар ўз ўрнида, объектив кўрсатилса натижа саямоқли ва халқ жамият, давлат учун самарали бўлади. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони, ҳозирги макон ва замонда Ўзбекистонга инсониятнинг эътибори ҳар томонлама кучайган! Шунинг учун ҳам Ўзбекистон фалсафа тарихи йўқ жойдан, бирданга пайдо бўлмаганлиги, унинг илдиэлари инсоният цивилизациясининг илк босқичларида эканлигини ҳозирги илмий далиллар асосида ҳар томонлама кўрсатиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу жиҳатдан И.Қаримовнинг қуйидаги сўзлари мазкур муоммони ечимини топишда методологик асос бўлиб хизмат қилади: “Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқган. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган...Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокди мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан”<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қаримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кура-миз. Т.7., 1999, 132-бет.

## Инсоният цивилизациясининг шаклланишида Ўзбекистондаги табиий-географик шарт-шаронининг ўзига хослиги

*Инсоннинг табиати шундайки, у ҳатто олис замонга ҳам лоқайд қараб туролмайди.*

Иммануил Кант

*Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллиатининг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заманда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканлигини тугал англаш фурсати келди.*

И.Каримов

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ҳудуди инсоният цивилизациясининг илк босқичларига даъвогарлиги тўғрисидаги илмий далилларнинг кенгайганлиги алоҳида долзарбдир. Денгиз сатҳидан 1500–2000 метр баландликда жойлашган Кинтоб давлат геология қўриқхонаси 1979 йил 22 мартда ташкил этилган ва бу ерлар дахлсиз ҳудуд (4000 гектарга яқин), деб эълон қилинган. Қўриқхона Қарши шаҳридан 50 км узоқликда тоғлар орасида жойлашган. 1957 йилгача Зарафшон тоғ тизмаларининг жанубий ён бағирлари геологик хариталарда «Силур даври охири ётқизиқлари» деб кўрсатилган. 1957 йилда «Тошкентгеология»нинг стратиграфик партиясининг гуруҳига раҳбарлик қилган геолог олим Александр Иванович Ким Зарафшон тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағирлари бўйлаб геологик чизма тузиш бўйича илмий тадқиқот ишларини бошлайди. Мазкур илмий тадқиқот натижалари Кинтоб қўриқхонасининг очилишига сабаб бўлади. Мазкур қўриқхонадаги қадим ҳаёт излари мавжуд қоятош геолог олим А.И. Ким номига қўйилган.

Қўриқхона ҳудуди бундан 400–500 миллион йиллар илгари ден-

гиз бўлган. Ер қатламларидаги тектоник ўзгаришлар туфайли табиат ўзгариб, денгиз қуриган ва унда яшаган жонли мавжудотлар тошга айланиб, тупроқ остида қолиб кетган. Бу жойда палеозой эрасининг ордовик, силур, девон ва қуйи корбон даврининг денгиз чўкинди жинсларида сақланиб қолган 18 та гуруҳ ҳайвон қолдиқлари учрайди.

Қадимда кўриқхона ҳудуди Тетис (Поле-Тетис) денгизи остида бўлган. Денгиз Фарбий Европа, Австралия қитъаси, Ҳималай тоғлари этагигача борган. Даврлар ўтиши билан сув пасайган, тектоник ҳаракатлар натижасида денгиз туби юқорига кўтарилган. Ерда қадим ҳаёт изларини ўрганса бўладиган жойлар кўп. Лекин, бу ердагидай имконият, табиат яратган мўъжиза жаҳонда ягона! Жаҳонда ернинг қадимги бир неча даврини ўзида акс эттирувчи, очиқ ётқизиқли майдонлар кам учрайди. Ўзбекистонда эса оламшумул илмий аҳамиятга эга бўлган, қадим ҳаёт излари акс этган бебаҳо геологик ётқизиқли майдон 1000 метрдан ортиқни ташкил этади. Бонца бирорта мамлакатда бундай қатламлар йўқ, чунки айрим мамлакатлардаги геологик кўриқхоналарда ўрганиладиган қатламлар 100–150 метрдан ошмайди. Шунинг учун ҳам ерда ҳаётнинг ва инсоннинг пайдо бўлиши, халқларнинг келиб чиқиши, аҳолининг ўтроқ яшаши, ернинг тузилиши, даврлар ўртасида вақт ўлчовларини ўрганиш, палеозой эрасининг қуйи Девон даврига онд илмий тадқиқотларда камёб топилма ҳисобланади ҳамда сайёрамизда олдин юз берган табиий ўзгаришларни ўрганишда ноёб объектдир.

1987 йилда тадқиқотчилар Мотмон ва Хўжақўрғон ётқизиқлари ўртасидаги стратиграфик чегара тўлиқлиги билан халқаро шкаланинг ЭМ яруси қуйи чегарасигача бўлган муҳим ўлчов-андоза бўлиши ҳақидаги илмий-фалсафий фаразларни олдинга суришди. 1989 йилда халқаро олимлар гуруҳи экспертиза ўтказди, уларнинг хулосаси 1989 йилнинг 15 июлида Вашингтон шаҳрида Девон даври стратиграфиясини ўрганиш бўйича халқаро комиссиянинг 28-конгрессида юксак баҳоланди ҳамда 1989 йил 15 июлидан ЭМ ярусининг қуйи чегараси Ўзбекистондаги Китоб кўриқхонаси ҳудудидаги Зинзилбоғ кесими бўйича ўтказилади, деб қарор қилинди. Буни петербурглик олима Елена Дементьева «олтин миҳ» деб илмий тилга ки-

ритган. Қўриқхонанинг ЭМ яруси қуйн чегараси ўтган жойга қуйидаги ёзув ўрнатилган:

**GSSP**  
**QUYI EMS CHEGARASI**  
**LOWER EMSIAN BOUNDARY**  
**НИЖНЯЯ ГРАНИЦА ЭМСА**

2008 йил сентябрда ушбу қўриқхонада халқаро конференция бўлиб, унда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Польша, Бельгия, Франция, Швейцария, Россия ва бошқа давлатлар олимлари иштирок қилишди.

Умуман олганда, юқоридагилар Ўзбекистон ҳудуди ер юзида илк ҳаёт излари пайдо бўлган ҳамда айни шу замин дунёда илк одамлар вужудга келган «нуқта»лардан бири бўлган, дейишга асос бўла олади.

**Ферганонинг Монголоид, Европондлар ва Америка қитъаси халқлари шаклланишидаги ўрни**

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида Фарғонанинг Ҳайдаркон қишлоғидаги Селунгур ғоридан ибтидий одам суяклари, меҳнат қуроллари ва бошқа асори-атиқалари топилди. Бу топилманинг фалсафаси нимани билдиради? Бу фалсафа ибтидий одам суякларини ўрганиш, унинг кўмилган даври ҳамда мазкур ҳудудларда инсоният қайси даврдан бошлаб яшай бошлаганлигига бир қанча ўзгартириш кiritган. Юртбошимиз И.Каримов 2002 йил 2 апрелда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида шундай деган эди: «Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали

бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашариёт тараққиётига қўнган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори-атиқалар ва буюмлар исботлаб беради<sup>2</sup>.

Мавжуд илмий адабиётларда Ўзбекистон ҳудудида ибтидоний одамлар илк палеолит даврида, тахминан 700–500 минг йилларда (айрим манбаларда бу янада ёшартирилиб 400–100 минг йилларда) деб кўрсатилган. Бу собиқ Пгттифоқ давридаги барча тарих дарсликларида устуворлик касб этган хулоса?! Манба ва дарсликларда Ўзбекистон ҳудудида яшаган ибтидоний одамлар синантроп – «Хитой одами»га яқин қариндошлик уруғидан бўлган, деб кўрсатилган. Бундай хато хулоса, ҳатто, ҳозир ҳам ҳукмиронлик қилиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларда «мутлақлаштирилган». Лекин ўтган асрнинг 80-йилларида Фарғонадан топилган Буюк кашфиёт Ўзбекистонда ибтидоний одам бир миллион беш юз йил олдин яшаганлигини исботлади ҳамда унга Фергантроп – Фарғона одами деган ном берилди. Лекин булар фақат илмий мақолалардагина кўрсатилди, холос. Бу сингари Буюк кашфиётларнинг дарсликларда акс этмаганига афсусланиб, ижтимоий-гуманитар фан вакиллариغا академик И.Каримов қўйидаги эътирозни билдирган эди: «...совет дав-

---

<sup>2</sup> Каримов И. Жааиҳун соҳилидаги боқий шаҳар//Халқ сўзи. 2002 йил 3 апрель.

ри китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида «мўғул-татар қўшинлари Москвани қамал қилдилар», – деб ёзилган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагиша ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий ғурур, миллий ифтихор?!»

Манбаларда Ўзбекистон ҳудудида илк ибтидоий одамлар 700–500 минг йилликда мавжуд бўлган деб кўрсатилганлигида ҳам ўзига хос макон ва замонда зиддият мавжуд. Яъни, археология фанида инсоният тарихининг дастлабки босқичи (мазкур босқичларга ажратиш 1836 йили Кристиан Томсон томонидан киритилган: Тош, Бронза, Металл) тош даври (палеолит, палеос – қадимги, литос – тош) бўлганлиги кўрсатилган. Мазкур давр илк палеолит Олдувай (мил.авв. 3–2 миллион йиллар) ва Ашель (Франциянинг Сент-Ашель шаҳри чеккаси, мил. авв. 1 млн – 100 минг йилликлар) босқичларини ўз ичига олади. Бу даврда питекантроп (юнонча питекос – маймун, антропас – одам) Индонезиянинг Ява оролида милoddан 700–600 йил олдин, синантроплар (Хитой) милoddан 600–500 минг йиллар илгари яшаган, деб кўрсатилади.

**Фергантроплар бундан бир миллион беш юз йил олдин яшаганлиги халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди.** Демак, хулоса шуки, илмий адабиётлардаги (хориж ва мамлакат) Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар яшаган макон ва замонни далиллар билан бир неча минг ёшга «қаритиш» зарур. Бу бевосита Ўзбекистон фалсафаси тарихини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатни турли шаклларга (мутлақ, объектив, нисбий) бўлиш Ғарб фалсафасида устуворлик қилади. Лекин Шарқ фалсафасида бу масала бир оз ўзгача талқин қилинади. Айниқса, мутлақ ҳақиқат масаласида? Чунки мутлақ ҳақиқат ижтимоий ҳодисаларга нисбатан қўлланилса, энг аввало шарт-шароит, макон ва замон албатта ҳисобга олинмиши лозим бўлган мезони сифатида талаб қилинади. Юқоридагилар Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий одам 500, 600, 700

минг йил аввал яшагани тўғрисида Ғарб ўйлаб топиб, илгари сурган назария мутлақ ҳақиқат бўлмай қолганлигини билдиради. Бу чиқарилган илмий хулоса мамлакатимизда энг қадимги одам эволюция босқичидаги (Зинжантроп, питекантроп, синантроп) питекантроп бўғинидан олдинги алоҳида бўғинга хослигини кўрсатади ҳамда бу кўпгина мутлақ ҳақиқатларни (масалан, Марказий Осиёда энг қадимги одам яшаган макон ва замон тўғрисида ёки Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги одамлар синантропларнинг – «житой одами»нинг яқин қариндоши эканлиги тўғрисида) бутунлай инкор қилишга олиб келади.

**Инсониятнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиётини тушунтиришда илмий адабиётларда формациялар тўғрисидаги тадқиқот натижалари устуворлик касб қилган. Бу устуворликнинг амал қилиш доираси, бизнинг назаримизда, XX асрнинг 80-йиллари ўрта-сигача давом этди. Унинг ўрнига инсоният тараққиёти динамикасида цивилизациявий босқичлар концепцияси вужудга кела бошлади. Бу ҳар иккала ёндашув ҳам Ғарб олимлари ва файласуфлари ташаббуси доирасида ижтимоий-гуманитар фанларга, илмий тадқиқотларга кириб келди. Ажабланиarli томони шундаки, Ғарб ўзининг тарихий шароити, ривожланиши даражаси, маданияти нуқтан назаридан чиқарган хулосасини Шарққа ҳам тўғридан тўғри экспорт қилди ҳамда шарқона тараққиёт эволюциясини тўғридан тўғри «белгилади», шу асосда хато хулоса чиқарди. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида Ўрта Осиё халқлари капитализм ижтимоий-иқтисодий формациясини четлаб коммунизм формациясининг биринчи фазаси – социализмга ўтди, деб хулоса чиқарди. Ёки Ғарб германлар қабила бўлиб яшаган пайтда Юнонистонни босиб олгандан сўнг, уларни дарров қулдорлик тузимига ўтказиб қўя қолди. Ёхуд ғарбликлар ўз концепцияларини мустаҳкамлаш учун ибтидоини жамоа тузумини бошқаришда олдин матриархат, кейин патриархат ҳукмронлик қилганлигини «исботлашди», буни ҳам тўғридан-тўғри Шарққа татбиқ қилди ҳамда бу «ғоя» ҳам илмий тадқиқотларда устуворлик касб этди!?**

**Инсониятнинг илк аждодлари – зинжантроп (3–2 миллион йил олдин, Африка), Фергантроп (бир ярим миллион йилдан олдин, Ўзбе-**



кистон), Питекантроп (мил. авв. 700–600, Индонезия), синантроп (мил.авв. 600–500, Хитой), Неандертал (мил.авв. 100–40 минг йил, Германия), кроманьон (мил.авв. 40–12 минг йил, Франция) пайдо бўлганлиги манбаларда изоҳланмоқда. Ғарблик олим ва файласуфлар энг аввало шу жиҳатни ҳисобга олмаган ёки уни онгли равишда хоҳлашмаган. Аниқроғи, бунини эътироф қилишса, уларнинг қадимги одамнинг келиб чиқиши тўғрисидаги «илмий хулосалари» ҳам, ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги кашфиётлари ҳам, матриархат, патриархат тўғрисидаги назариялари ҳамда монголоид, негроид, европоид ирқларининг келиб чиқиши назариялари ҳам, энг муҳими, Ғарбнинг устунлиги ва хулосаларининг устуворлиги ўз-ўзидан инкор бўлади. Шунинг учун ҳам Ғарбнинг ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги назарияси ҳам, матриархат ва патриархат ҳақидаги илмий тадқиқот натижалари ҳақидаги хулосаси ҳам Шарққа тўғри келмайди. Бу, бир томондан, фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва яқкалик категориясининг ижтимоий ҳодисаларга нотўғри татбиқини кўрсатса, иккинчи томондан, ижтимоий борлиқни билиш ҳамда унда ҳақиқат масаласининг нисбийлик хусусиятини инкор этишни билдиради.

Бизнингча, эндиликда инсоният тараққиётининг замон ва макондаги ҳолатига қараб босқичларга ёки цивилизацияга бўлганда бир нечта давлат, халқ ёки қитъа, ёхуд гуруҳ (Ғарб, Шарқ) тарзида кўрсатиш, белгилаш «эскирди». Ҳатто, XX аср бошларида ҳам бу ҳодисани қайсидир маънода назарий жиҳатдан амалга ошириш имконияти бўлган. Глобаллашув жараёнида масалани муаммонинг ечимини эски методлар билан топиш мумкин эмас. *Шу сабабли ҳам эндиликда бу масаланинг ечимини фақат алоҳида, яқка давлат ёки халқ доирасида топишга устуворлик берилсагина мақсадга мувофиқ бўлади.* Масалан, мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ўз тараққиётининг ўзбек моделини таплаганини сингарини. Яъни бунини ғарбча алоҳида олинган давлат ёки халқ цивилизацияси нуқтаи назаридан изоҳлаш жуда ўринли бўлади. Л. Левитин ва Д. Карлайлнинг «Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти» китобида инсоният тараққиёти динамикасида 20 дан ортиқ цивилизация ҳамда 30 га яқин субцивилизацияларнинг гувоҳи бўлган,

бу цивилизацияларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам Фарб, Шарқ, Ислон, Конфуцийлик, япон-православсавян, Лотин Америкаси, Африка цивилизациялари тарзида намоён бўлмоқда, шунингдек, Европа ва Шимолий Америка, «Турк ва араб супер цивилизациялари ҳам мавжуд. Фарб ва Шарқ: икки суперцивилизация саналади<sup>3</sup>, деб кўрсатилади. Фикримизча, муаллифлар Л. Левитин ва Д. Карлайллар Ўзбекистон тўғрисида фикр билдиришганда, аини шу позицияда турганлигини тушуниш мумкин: «Тасаввуримизча, дунёда Ўзбекистон мисолида алоҳида цивилизациявий қиёфа кучайиши билан, ўзига хос цивилизациявий ўз-ўзини англашнинг ўсиши билан иш кўраётир»<sup>4</sup>. Бу илмий ғоялар тўғридан-тўғри Шарқнинг қадимий маданиятига татбиқ қилинган ҳамда изоҳланган. Масалан, Ўзбекистон ҳудудининг барча жойларидан: Тешиктош ғори (Сурхондарё), Хожикент (Тошкент), Омонқўтон (Самарқанд), Обираҳмат ғорлари (Тошкент), Учтут ва Ижонд тоғ конлари (Бухоро), Такалисой (Самарқанд) инсоният цивилизациясини белгилашга асос бўладиган манбалардир.

Тешиктош горидан 3000 дан ортиқ (меҳнат қуроллари, қуш, қоплон, кийик, от, архар ва бошқа ҳайвон суяклари) ўрта палеолит даври ёдгорликлари есори атиқалари топилган. У ердан топилган палеолит одамини неандертал типдаги илк одам деб барча илмий манбаларда (монография, китоб, дарслик) акс эттиришган, изоҳлашган. Маълумки, илк одамларга «исм» қўйганда, унинг суяклари топилган жойлар билан аташ урф бўлганлиги сабабли Германиянинг Неандертал водийсида топилгани учун ҳам Неандертал деб аташган. Неандерталлар илк палеолит даврида (мил. авв. 100–40 минг йилликлар) яшаган ва улар илмий адабиётларда неандертал одамлар, деб кўрсатилган. Шунингдек, Фарбнинг илмий тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар илк палеолит даврида (700-500 минг йиллар) ёйилган деб кўрсатилади ҳамда улар синантропга (Хитой одами) яқин қариндошлик уруғидан эканлиги таъкидланади ва «хитой одамлари» – синантроп-

---

<sup>3</sup> *Левитин Л., Карлайл Д.* Ислон Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 47-бет.

<sup>4</sup> *Левитин Л., Карлайл Д.* Ислон Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. –34-бет.

лар жанубий-шарқий ва шарқий Осиёнинг қадимий одамлари дейилади. Ғарб илмий тадқиқотчилари, бир томондан, Тешиктошдан топилган илк одамни ўрта палеолит даврига (100–40 минг олдин) мансуб ва у неандертал (Германия) одами кўрсатишлари, иккинчи томондан, эса, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар илк палеолит даврида (700–500 минг) ёйилган, дейишлари билан ўзларининг икки хил хулосаларини, бир-бирига зид қарашларини билдиришади. Бу логика фани талаблари доирасида ҳамда фалсафий мушоҳада нуқтаи назаридан ноҳолис ва нотўғри чиқарилган хулосадир.

Шундай қилиб, *Германия, (Неандерталь) ва Франция (Кроманьон) дан топилган илк одамлар даврга нисбатан бир неча юз минг йиллар кейин яшаган ҳамда, бизнинг нуқтаи назаримизча, улар илк одамлар эмас, балки Африканинг Олдувай дарасидан топилган «Ишбилармон одам» ва Ўзбекистоннинг Фарғона водисидан топилган «Фергантроп» – «Фарғона одами» авлодлари, деб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир.* Фергантропга нисбатан улар миллион йил «ёш»дир. Шунинг учун ҳам илк одамнинг ёйилиши Шарқ – Жанубдан Ғарб - Шимолга томон йўналтирилган, яъни у схема шаклида «Шарқ-Жануб > Ғарб-Шимол» кўринишини олади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳудудидан топилган илк одамни (Тешиктош ёри) неандертал одам дейиш вақт нуқтаи назаридан ҳам, биз тақдим қилган схема нуқтаи назаридан ҳам асоссиздир. Ўзбекистон ҳудудидан топилган Фергантроп давр нуқтаи назардан ҳам, қиёфа нуқтаи назардан ҳам неандерталлардан «қадимийлиги» ила тубдан фарқ қилади.

Фараз қилинса, Германия ва Франциядан топилган Неандертал ҳамда Кроманьон одамлари музликларнинг эриши оқибатида Негроид ва Ферганондларнинг қўшилиб Ғарб-Шимолга ёйилиши оқибатида пайдо бўлган ҳамда европоидларни ташкил қилган. Шу сабабли неандертал ва кроманьонлар илк одамлар эмас, балки илк европоидлардир. Бу биринчидан. Иккинчидан, Ўзбекистон ҳудудидаги илк одам синантропларнинг яқин қариндоши-уруғидан деб кўрсатилиши ҳам маълум макон ва замон (фергантроп синантропга нисбатан олдин ва бошқа муҳитда пайдо

бўлган) нуқтан назаридан ижобий сальдо, яъни фергантроп фойдасига ҳал бўлади.

Учинчидан, «Авесто»да борлиқдаги барча нарсалар таркибинини ташкил қилган тупроқ, ҳаво, сув ва оловдан (Қуёшдан) пайдо бўлган ва яна оловга (Қуёшга) айланади, деган ғоя илгарини сурилган. Бу ғояда, яъни борлиқ тўрт тарафли эмас, балки олти тарафлилиги (ернинг ички қисмига қараб, ер юзасидан осмонга (қуёшга) қараб, Жануб, Шимол, Шарқ, Ғарб) таъкидланган. Демак, ғоянинг маънавий илдизидан музликлар билан қопланган ерни қуёш қиздириши натижасида табиат «тирилди» ва барча нарсалар (жонли ва жонсиз) шаклланди, деган ғоя мужассамлигинини сезиш мумкин. Шунингдек, оловга (қуёшга) сиғинишининг шунчаки ташқи кучларини билмаслик оқибатида келиб чиққанлиги (мазкур ғоя ҳозирги барча шимпий адабиётларда ҳукмронлик қилади) тарзида эмас, балки яшаш учун, дунёда тур сифатида сақланиб қолиш учун онгли фаоллик ҳамда инсон билан табиатнинг мurosаси натижаси оқибатидадир.

Қайд қилини жонски, ерда музликларнинг эриши бир зумдаги жараён эмас. Шу бондан ҳам илк одам (фергантроп) ғорларда яшаганда, уни оловдан фойдаланиб иситган, овланган ҳайвонларни пишириб ейишни англаб етганиги учун ҳам оловга (қуёшга) интилган ҳамда уни асраган. Ғарб назариячилари таклиф қилган инсоният цивилизацияси палеолит даврининг илк босқичи – илк палеолитнинг ўзи иккига ажратилган: яъни, илк палеолит – Олдувай (Шарқий Африкадаги дара номи) миллоддан аввалги 3–2 миллион йиллар ҳамда Ашель (Франциянинг Сент-Ашель тоғи атрофи, 1 миллион – 100-йиллар). Илк палеолитнинг иккига ажратилиши маънавий тўғри келмайди. Бу Ғарбда (Европада) ҳам илк одамлар яшаган дейиш учун онгли равишда қилинган ноҳолис хулоса. Чунки палеолит даврининг ўзи илк, ўрта, сўнгги босқичларга бўлинади. Агар илк палеолитни иккига ажратмай, унинг иккинчи ажратилган қисмини палеолит (йиллар нуқтан назаридан, яъни 1 миллион – 100-йиллар) деб қарасак, сўнгги палеолит 100-40 минг йиллар бўлиб қолади. Бунда Европада, аниқроғи, Германияда топилган неандертал одам ўрта палеолит рўйхатидан сўнгги палеолитга «тушиб» қола-

ди ҳамда Ориньяк, Салютра, Мадлен маданиятлари қадимги тош даврида эмас, балки ўрта тош даври, яъни мезолитга («мезос» – ўрта ва «литое» – тош) тўғри келади. Бу эса Европа маданийлигининг қадимийлигига шубҳани кучайтиради ҳамда унинг ниҳоятда ёшлигини барча асослар орқали кўрсатади.

Фарбликларнинг матриархал ва патриархал «бошқарув тизими» тўғрисида илгари сурган ғоялари ҳам жиддий таҳрирга муҳтож. Чунки муқаддас китобларнинг барчасида («Авесто», «Таврот», «Қуръон») Худо энг аввал эркак жинсига мансуб жонзотни яратган. Эркак жинсининг маълум бир қисмидан эса (қовурғасидан) аёлни яратган. Демак, инсониятнинг илк ривожланиш босқичида жамиятга (жамоага) аёл бошлиқ бўлган, ҳукмрон бўлган дейиш диний таълимотларга нисбатан ҳам зиддир.

Илк инсоният жамоалари пайдо бўлганда эркаклар меҳнат қилиб тирикчиликни таъминлашган. Лекин бу меҳнатда ёш қизлар (ҳомилдор бўлгунча) уларга ёрдам берган. Меҳнат қуроллари ва ов қуролларининг такомиллашиши натижасида, вақтинчалик муқим жойларда яшашнинг шаклланиши (ёввойи ҳайвонлардан, совуқдан, қор, ёмғир, тошқинлардан ҳимояланиш учун масалан, форлар) оқибатида топилган маҳсулотлар тўпланиб қолган. Уларни ҳам, яъни тўпланиб қолган озиқ-овқатларни ҳайвонлардан шушигдек, ўзга уруғлардан ҳимоялаш учун ҳамда болаларни, чақалоқларни, касалмандларни, қарияларни (улар меҳнат қилишга лаёқатсиз) ҳимоя қилиш учун алоҳида ҳимояловчи куч зарур бўлган. Бу куч тажрибали, ёши катта, жасур, қўрқмас, меҳнатда ва овда ўзини кўрсатган эркак киши бўлган. Дастлаб, юқоридагиларни қўриқлаш учун йўналтирилган бу кучда жамоани бошқариш вазифаси қўйилмаган. Вақтлар ўтиши билан у жисмоний меҳнат қилмаган ҳамда жамоани бошқариш функциясини бажарган. Булар бевосита қадимги жамоа ижтимоий қатламнинг динамикасини кўрсатишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки, мазкур макон ва замонда жамият ижтимоий қатлами шаклланиши бошланган.

Илмий адабиётларда, дарслик, ўқув қўлланмаларда палеолитни («палеос» – қадимги ва «литос» – тош) уч даврга (илк, ўрта, сўнгги) бўлиб қуйидагича ифодалашади:

Илк палеолит	Олдувай	Миллоддан аввалги 3–2 млн. йиллар
Илк палеолит	Ашель	Миллоддан аввалги 1 млн. 100 минг йиллар
Ўрта палеолит	Мустье	Миллоддан аввалги 100–40 минг йиллар
Сўнгги палеолит	Ориньяк Салютра Мадлен	Миллоддан аввалги 40–12 минг йиллар

Биринчи жадвалдаги даврлаш бизнинг назаримизда моҳиятти тушунишда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли биз палеолит даврларини қуйидаги ўзгартиш билан (йиллар бўйича) таклиф қиламиз:

Илк палеолит	Олдувай	Миллоддан аввалги 3–2 млн. йиллар
Ўрта палеолит	Фарғона	Миллоддан аввалги 2–1 млн. йиллар
Сўнгги палеолит	Ашель Мустье Ориньяк Салютра Мадлен	Миллоддан аввалги 1 млн. –12 минг йиллар

Маълумки, тадқиқотларда мавҳумликлардан аниқликка яқинроқ бўлган хулосаларнинг объективлигини ошириш мақсадида математик методдан фойдаланилади. Бунда ҳам тахминийлик (фараз) кучли бўлади. Лекин борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, амал қилиш соҳаси, таъсир қилиш доирасини мукамалроқ, тўлароқ тушунишда бу метод абстракция методига кўра афзалликка эгадир. Аммо, бунда ҳам математик методнинг талабларига тўлароқ қилинсагина мазкур объектнинг мазмун-моҳиятини мукамалроқ, тўлароқ тушуниш ва ўрганишда маълум бир афзалликка эга бўлиш мумкин. Акс ҳолда бу метод орқали тушунтирилаётган ёки ўрганилаётган объект абстрактлаштирилганда мураккаб, тушунарсиз объектга айланади. Буни Палеолитни даврларга (илк, ўрта, сўнгги) бўлганда (1-жадвал) кўришимиз мумкин. Биринчи жадвални йиллар бўйича тақсимлаштиришни соддароқ қилиб қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

Илк палеолит	Миллоддан аввалги 3–2 млн. йиллар
Ўрта палеолит	Миллоддан аввалги 100–40 минг йиллар
Сўнгги палеолит	Миллоддан аввалги 40–12 минг йиллар

Учинчи жадвалдан кўриниб турибдики, ўрта (100–40 минг йилликлар) ва сўнгги (40–12 минг йилликлар) палеолитлар вужудга келишида «узилиш» йўқ, яъни ўрта тугаяпти (40 минг йиллик), сўнгги бошланаяпти (40 минг йиллик). Лекин илк (3–2 млн.) палеолит билан ўрта палеолит (100–40 минг йилликлар) орасида «катта узилиш» мавжуд. Бу «катта узилиш» 1 миллион 900 минг йилни ташкил этади. Лекин 1-жадвал бўйича уни яна қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Илк палеолит	Миллоддан аввалги 3–2 млн. йиллар
Илк палеолит	Миллоддан аввалги 1 млн. 100 минг йиллар
Ўрта палеолит	Миллоддан аввалги 100–40 минг йиллар
Сўнгги палеолит	Миллоддан аввалги 40–12 минг йиллар

Бу шаклда Палеолит уч даврга эмас, тўрт даврга бўлинганлиги кўзга ташланади. Шунингдек, бу шаклда ҳам биринчи илк палеолит билан (3–2 млн.) иккинчи илк палеолит (1 млн.–100 минг йилликлар) ўртасида ўртача «узилиш» 999 минг йилликни ташкил қилганлиги кўзга ташланади. Бизнингча, «иккинчи илк палеолит» (1 млн.–100 минг йилликлар) Фарб олим-файласуфлари томонидан Фарбнинг Шарқдан устунлигини «илмий» асослаш учун ўйлаб топилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги даврда инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги янги билимларга, кашфиётларга (Фергантроп, Тошкенттроп) эга бўлганлигимиз сабабли илмий тадқиқотларда 2-жадвални қўллаб, фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани сингари, илмий тадқиқотлар учун сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ташкилий асослар амалда яратилди. Лекин бу объектив жа-

раён илмий тадқиқот олиб борувчилар ижодкорлиги ва бунёдкорлигида тўла намоён бўлиш ҳолати қийинчилик билан кечмоқда ҳамда мазкур имкониятлардан фандаги боқимандалик оқибатида етарли даражада фойдаланиш кўникмаси ҳосил бўлиши, шаклланиши суут бўлмоқда. Бу эса айрим ҳолларда илмий тадқиқот натижаларининг тўла, мукамал бўлишида ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда. Маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг турли тарихий саналарига бағишлаб, почта маркаларини чиқаради. Бу почта маркалар нафақат мамлакат ичида, балки чет элларда ҳам мазкур давлатдаги воқеа-ҳодисаларни реклама қилади. Ҳозиргача мамлакатимиз филателистлари томонидан 900 га яқин турли хил почта маркалари чиқарилган. Бизнингча, бу почта маркалари фаннинг турли соҳа мутахассислари билан келишиб (яъни почта маркасидаги воқеа, сана илмий жиҳатдан тўғрилиги, асосланган, исботланганлиги) ёки уларнинг таклифлари билан тайёрланади. Худди шундайлардан бири 2002 йилда чиқарилган почта маркасидир.




Унда «PHILOCANTHROPUS EPICETUS», «O'ZBEKISTON» ёзуви, питекантропнинг тасвири ҳамда «2002» санаси кўрсатилган. Бунинг фалсафанинг кўрсатиш методи орқали фандаги боқимандалик ва унинг асорати бўлган лоқайдлик ва бенарволик мушоҳадаси қуйидагича: мазкур марка нима сабабдан чиқарилган ва нимани реклама қилмоқда? Уни тайёрлаган филателистлар ва фан мутахассисларининг мақсади нима? Нима сабабдан марка

пастиди, яъни питекантроп тасвири пастиди «O'ZBEKISTON» ёзуви (лотин графикасидаги ўзбек алифбоси) бор? Нима сабабдан «PHILOCANTHROPUS EPICETUS» ёзуви (питекантроп тасвиридан юқорида) инглиз тилида берилган? Бунда нега «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларига (яъни зарурат бўлганда ёзувнинг ўзбек тилидаги таржимасидан ўгириб бошқа тилда бериш) риоя қилинмаган? Агар мутахассисларга Ўзбекистон қадимги илк одамлар заминни эканлигини кўрсатмоқчи бўлишган бўлса, нима сабабдан Фергантропнинг (ўтган асрнинг 80-йилларида кашф қилинган) тасвирини чиздириб (бунга илмий салоҳият ҳам, юксак савияли халқаро



ҳамжамият эътироф этган мутахассислар ҳам етарли), почта маркасини чиқаришмаган? Питекантроп – Индонезия «одами» – ёши (700–500 йил) ва кўриниши билан ҳам Фергантропдан (ёши бир ярим миллион йилдан ортиқ) фарқ қилмайдими?

Инсоният цивилизациясида қадимги одамларнинг ҳудудлар бўйича тарқалишининг Ўзбекистонда (бундан 1,5 миллион йил аввал яшаган) Фергантроп кашф этилганлигининг халқаро миқёсда эътирофидан кейинги янги – «Мустақиллик» схемаси «Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш»<sup>5</sup> китобида қуйидагича кўрсатилган эди.




Янги маълумотлар таҳлили мазкур схемага яна ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни зарур қилиб қўймоқда. Бунда, энг аввало, Турон заминнинг ҳудуди масаласига аниқлик киритиш муҳимдир. Чунки манбаларда, шу жумладан «Авесто»да ҳам Турон замин тўғрисида алоҳида таъкидланган. Шунингдек, Турон замин чегараси манбаларда қуйидагича изоҳланган: «Туронни географик-тарихий таърифлаганда, унинг ҳудудлари Тинч океандан Ўрта ер денгизидаги Эгей–Адриатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Ҳимолай

<sup>5</sup> Хаитов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010. – 256-бет.

тоғларигача, Шимолий Ҳиндистондан Онадўлгача, яъни ҳозирги Туркиягача бўлган ҳудудларни, уларда яшовчи туркий халқлар Ватанини билдиради... Турон бутун туркий халқларнинг мозийда ҳам ва истиқболда ҳам бошқа ерли халқлар билан бирга бирдан-бир буюк Ватанидир»<sup>6</sup>.

Шу асосда «Мустақиллик» схемаси қуйидаги ҳолатда ўзгартирилса («Мустақиллик-1») мақсадга мувофиқдир:



Яъни бу схемада ферганоидлар Сибирь орқали Аляска, Канада, АҚШ ва Америка қитъасининг бошқа ҳудудларига тарқалган, деган ғоя ўз аксини тоинган. Демак, Турон инсоният цивилизациясининг илк замини ва мазкур ҳудуд қадимги одамлар пайдо бўлган ўлка эканлигини кўрсатишда муҳим манбадир.

Юқоридаги далиллар Ўзбекистон тарихининг ёши энг қадимги ўлкалардан ҳисобланиб, 1 500 000 йилдан ошиқлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мазкур ғояларни ҳар томонлама асослаш фан фалсафасининг, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанларнинг устувор вазифасидир.

<sup>6</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: «Шарқ», 2006. – 353-бет.

## Тадқиқот объектнинг моҳиятини очинида тарихий-ҳудудий бирлик муаммолари

*Қадимий Турон заминида яшаган аجدодларимиз бир булоқдан сув ичганлар. Бу муқаддас булоқнинг номи – маърифат, Шарқ илми, Шарқ фалсафасидир. Имоним комилки, бизларнинг истиқболимиз ҳам бир-бирига уйғун, бир-бирига эи бўлиб қолади.*

И.Каримов

Ҳар қандай тадқиқот объектнинг генезиси ва мазмун-моҳияти талқинида, энг аввало, фалсафанинг қонун, категория ва методлари ўз вақтида, ўз ўрнида татбиқ этилса, олинган натижа мукамал бўлади. Китобда мазкур принципга амал қилишга устуворлик берилди. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон фалсафа тарихи»нинг «чегараси»ни аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Бунда, энг аввало, «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» атамалари мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳамда улар амал қилган доира атрофида фикр юритиш муаммони англаш ва тушунишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Турон атамаси форсча бўлиб, туркийлар деган маънони англаиб, туркий халқлар яшайдиган ҳудудни билдирадиган тарихий-этноик термин ҳисобланади. Бу атама бундан 3000 йил олдин ҳам истеъмолда бўлган. Шу ўрнида академик Б.Аҳмедовнинг турк атамасининг этимологияси тўғрисида қуйидаги сўзлари алоҳида эътиборга моликдир: «... «Авесто»да... Туркистон замин халқлари ҳақида муҳим маълумотлар бор. Бу халқлар орасида «тур» (тҳура) деб аталган халқ ҳам тилга олинади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Амударё билан Сирдарё оралиғида, Хоразм ва Фарғонада, шунингдек, мазкур ўлкалар билан туташ ерларда истиқомат қилган халқлар Шарқ манбаларида умумий – «турк» номи билан, улар истиқомат қилган ерлар эса «Турон замин» ёки «Туркистон» деб аталиб келинган. Абулқосим Фирдавсийнинг жаҳонга машҳур «Шоҳнома»сида ҳам «Эрон» ва «Турон» атамалари кўп бор тилга олинади, ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумотлар келтирилади. «Авесто»да баён этилган маълумотларга ўхшаш хабар-

лар сосонийлар замонида (милоднинг 224–651 йиллари) яратилган «Хвадай намак» асарида ҳам келтирилган»<sup>7</sup>. Бу фикрлар Турон атамасини тушуниш ва тушунтиришда муҳимдир.

Мавзунинг мазмун-моҳиятини очишда Турон ҳудуди тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиш ўринлидир. Чунки бу масалада ҳам турли макон ва замонда ҳар хил изоҳлар мавжуд. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» асарида шундай қимматли маълумотларни келтиради: «Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси Абескун (Каспий – Ш.Х) денгизи билан ўралган. Рим ўлкасидан ва Ўзжандан Чингача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир»<sup>8</sup>.

Мустақиллик шароитида бу чегарага янада аниқлик киритилди ҳамда унинг қуйидагича талқини берилдики, у Турон ҳудудини «белгилаш»да муҳим аҳамият касб этади<sup>9</sup>: «Туронни географик-тарихий таърифлаганда, унинг ҳудудлари Тинч океандан Ўрта ер денгизидаги Эгей-Адриатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Ҳималай тоғларигача, Шимолий Ҳиндистондан Онадўлгача, яъни ҳозирги Туркиягача бўлган ҳудудларни, уларда яшовчи туркий халқлар Ватанини билдиради... Тўронда Алп Эр Тўнга, Афросиёб, Кушоншоҳдо, Шарқий ва Ғарбий турк хоқонликлари, Аварлар, Атилла, Парфия, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чингизхон-Чингачой, Темурийлар, Усмонлилар, Эдилбўйи-Сабар (Волга-Сибирь) хонлари, Шайбонийлар, Аштархонийлар, манғитлар давлатлари, салтанатлари, Хива, Қўқон хонликлари XX аср бошларигача узлуксиз давом этиб келган... «Турон» сўзини барча Турк шўьбаларини ўз ичига оладиган Улуғ Туркистон, деб аниқлаб олмоққа ҳам маълум асос бор. Турон бутун туркий халқларнинг мозийида ҳам, ва истиқболда ҳам бошқа ерли халқлар билан бирга бирдан-бир буюк Ватанидир»<sup>10</sup>. Бу, бир томондан, туркий халқларнинг тарихи инсоният цивилизациясининг илк босқичларига бориб тақалишини кўрсатса, иккинчи томондан, мазкур ҳудудда яшаган халқ-

---

<sup>7</sup> Қараңг.: Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т.: «Ўқитувчи», 1994. – 373-бет.

<sup>8</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. 3-том. –Т.: 1963. – 164-бет.

<sup>9</sup> Изоҳ.: мавзуну янада тўлиқ тушуниш мақсадида такроран берилмоқда.

<sup>10</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ», 2006. – 353-бет.

ларни бирлаштириб турган мафкураси ҳам мавжуд бўлганлигини билдиради.

«Турончилик мафкураси» – Алп Эр Тўнгадан бошлаб Амир Темур ва «Туркистон Мухторияти»гача туркий халқларнинг жаҳоний яратувчилик, ижодкорлик фаолияти ва руҳини ўзида мужассамлаштирган... «Турон мафкураси» иқтисод, сиёсат, турмуш тарзи, анъана, урф-одат, қонунчиликда очиқ тизимлиликни, дин ва иймонда этиқодий бағрикенгликни, ижодий эркинликни устувор қадриятлар деб уқтиради; бу мафкура туркий халқларни бошқа халқлардан устун санамайди, уларга қарама-қарши чиқмайди, ниҳоясиз уруш, жанжал, низо ва қутқу ҳолатларини туғдирмайди <sup>11</sup>.

Шунингдек, Турончилик мафкурасида энг муҳими шарқона муроа фалсафаси принципларининг мукамал қарор топганидир. Шу жиҳатдан бизнингча, мазкур масалада академик И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари илмий тадқиқотларда асос бўлиши лозим: «Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва «Буюк Турон» шовинистик ғоясини қатъиян рад этди. Биз учун Турон – минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзидир»<sup>12</sup>. Шунингдек, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида шундай таъкидлаб ўтади: «Яна қайтариб айтмоқчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркий тилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз оғизларига талқон солгандек миқ этишмайди?». Буни фалсафанинг бутун ва бўлак категориялари мазмун-моҳияти доирасида талқин қилиш ва хулоса чиқариш ўринлидир. Туркий тилли халқларни (бутун) асосан ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, озарбайжонлар, бошқирдлар ва бошқалар ташкил этади. Турк халқи (бўлак) эса туркияликларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам туркий тилли халқлар билан турк халқини айнан бир ҳодиса тарзида тушунилса, фалсафанинг бутун ва бўлак категория-

---

<sup>11</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ», 2006. – 354-бет.

<sup>12</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 130-бет.

лари мазмун-моҳиятининг нотўғри талқинига олиб келади. Шунингдек, уларни бир-биридан ажратиш, уларни айро тушуниш ҳам тадқиқот натижалари объективлигини инкор қилишдир.

Дарҳақиқат, «Туркистон» атамаси мазмун-моҳиятини, генезисини, ҳудудий чегарасини англашда юқоридаги фикрлар муҳим аҳамият касб этади. **Туркистон** – она-Ватанимизнинг азалий мўътабар номи. Қадимги туркий, паҳлавий, хитой, ҳинд, араб, яҳудий, гуржи, арман, қароим, юнон, лотин, славян ва бошқа ёзма манбаларда юртимиз шу ном билан аталган. ...Туркистон – туркий халқлар бошқа халқлар билан бир жамият бўлиб яшайдиган ўлка, юрт, жой, муқаддас ўчоқ, қадимги туркий битиклардаги «Турк будун» мазмунини ифодалайди.

Туркистон тарихий-анъанавий жиҳатдан кенг маънода қуйидаги қисмлардан иборат: а) Марказий Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон); б) Шарқий Туркистон (Ички Мўғулистон, Хитойнинг Синшэян-Уйғур Мухтор вилояти, Қорақум); в) Жанубий Туркистон (Тоғли Бадахшон, Кўксув, Шимолий Ҳиндистон – Жамму-Кашмир вилоятлари, Шимоли-Шарқий Афғонистон); г) Ғарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, қисман Кавказ, Хазар-Каспий ҳавзаси); д) Шимолий Туркистон (Шимолий Қозоғистон, Эдил-Булғор (Волга) бўйи, Жанубий Ўрол тоғларигача чўзилиб кетган Турон наслтекислиги, Обь, Энасой (Енисей), Элуна (Лена) оралиғи, Сабар (Сибирь)<sup>13</sup>. Мазкур ғоянинг мазмун-моҳияти хориж адабиётларида ҳам ўзига хос шеърӣ тарзда ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Бунда, айниқса, атоқли турк шоири Ёвуз Булат Боқилар (1936 йилда Туркиянинг Сифас шаҳрида туғилган) асарларида яққол кўзга ташланади:

Менким, Алп эр Тунгага кўнгил берганларданман,  
Юрт йўлида тўлиб-тошиб кўкрак керганларданман.  
Тўхтаб қолган сувларга мадад бер, ё Тангри, деб  
Гилан сажжода ёйиб дуо қилганларданман.  
Мен ўзбекман, қозоқман, ҳам туркман, ҳам қирғиз,  
Озарбайжон эли-ла қоним бир, сажням бир.

---

<sup>13</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: «Шарқ», 2006. – 349– 350-бетлар.

Қипчоқ, уйғур куйларин тинглайман севиб ҳаргиз,  
Татар, гагауз, бошқурт ҳаммаси жонимдадур.

\* \* \*

Набасийфатлар кўпдир авлод-авлодим ичра:  
Мендан Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қашғорий бил.  
Мир Алишер Навоий, бир ёним Юнус Эмра,  
Фузулий, Махтумқули, Гаспарали Исмоил!  
Сарватим—Бухорийнинг, Юсуф Ҳамодонийнинг,  
Аҳмад Яссавийларнинг нур сарватларидан.  
Нақ Шоҳи Нақшбанд ҳазратларидан...  
Ойнинг ўн тўрти каби ёруғ шахсларим ёвқур.  
Қодирий билан Ойбек, Рустамхонли ва Анор  
Ва яна мингларча нур устига нур<sup>14</sup>.

Турон, Туркистон атамаларининг ўзига хос жиҳатлари XX асрнинг 90-йилларидан янгича талқинда намоён бўлди. Бу «Туркистон – умумий уйимиз» қақриғидир. Туркий тилли мустақил давлатларнинг «Туркистон – умумий уйимиз» ҳаракати доирасида мазкур ибора қуйидагича мазмунни ифодалайди: «Хусусан Ўзбекистонда «Туркистон – умумий уйимиз» ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у минтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўқис мос тушади. Зотан, «Туркистон» деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади»<sup>15</sup>. Шу маънода мазкур заминда яшаётган бошқа халқларнинг ҳам минтақа бирлиги туйғуси ўзига хослик касб этади. Бу туйғунинг аҳамияти И.Каримов томонидан қуйидагича очиб берилган, яъни минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал

---

<sup>14</sup> *Ёвуз Булат Боқилар*. Буюк дoston// Жаҳон адабиёти. 2010 йил, ноябрь. –47-48-бетлар

<sup>15</sup> *Каримов И.* Ўзбекистон XXI аср бусағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 83-бет.

заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Муҳими, Истиқлолнинг илк йилларида мазкур атамаларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушуниш ҳамда унинг тарих саҳифаларида сақланиши борасида амалий ишлар бажарилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида «Туркистон» саройи очилди. Бу тарихий воқеа муносабати билан И.Каримов шундай деган эди: «Мамлакатимиз улуғ Мустақиллик байрамни ўтказаётган кунларда «Туркистон» маданият саройининг очилиши том маънода ўзига хос рамзийлик касб этмоқда.

Инсоният тафаккурининг бешикларидан бири бўлмиш Туркистон Марказий Осиё мустақил давлатларининг қадимги номидир. Бу ном ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман учун ҳамиша қадрли. Улкан маданий меросга эга бўлган Туркистон не-не жафоларни кўрмади, не-не тарихларни бошдан кечирмади. Ўтган етмиш йил мобайнида маънавий қадриятларимиз анча топталди, унутилди. Бугун янги Ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аجدодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир. Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек жаҳон халқларининг, айниқса Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу қошона, иншооллоҳ, миннатлар, эл-элатларининг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади.

Бундай обидалар каттаю кичикда Ватандан фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай саройлар Ватан шаъни ва шуҳрати учун курашувчи, истиқлолни ҳамма нарсадан муқаддас биладиган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланади.

Бизнинг халқимиз - азалдан ободонлик ошиғи, азалдан боғпарвар, азалдан ўз турар жойини чиройли қилиб яшашга ўрганган халқ» дир.

Мазкур масалани ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ этиш сабабларидан яна бири – ўтмишни сохталаштирилганлиги, уни тарих саҳифасидан умуман ўчиришга уриниш бўлганлигидир. Буни И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида алоҳида таъкидлаб,



шундай деган эди: «Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустанлакчи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир».

Ўзбекистон дунёда 200 га яқин давлатлар ичида мустақилликка эришган энг ёш давлатлар сирасига киради. Лекин давлатчиликнинг шаклланиши ва қарор топиши нуқтаи назаридан 3000 йилдан ортиқ тарихга эга. Ёшга алоҳида урғу беришимизга сабаб ҳозирги даврда мамлакатимиз нафақат ёш мустақил давлат, айти пайтда жамият аъзолари орасида ёшларнинг кўплиги жиҳатидан ҳам жаҳонда етакчи мамлакатлар сирасига киради. Маълумки, 2007 йилнинг охирида Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган ёшлар сони 10 миллиондан кўпроқни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллиондан ошиқроқ ёки 64 фоизни ташкил этган<sup>16</sup>.

Мамлакатимизда 1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга онд давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда ёшлар масалаларига эътибор, ёш авлоднинг тарбиялаш ва катта ҳаётга тайёрлаш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш мустақил Ўзбекистон давлатининг устувор вазифаси эканлиги алоҳида кўрсатилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури», «Ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, «Мақтабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга

---

<sup>16</sup> Ш. Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир//Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. – «Жалқ сўзи», 2007 йил 8 декабрь.

мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-татбирлари тўғрисида»ги, «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш»га доир қўшимча чора-татбирлар тўғрисида»ги фармонлари, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонулар қабул қилинган. Юқоридагилар баркамол авлоднинг жамият, давлат ривожига роли, ўрни, аҳамияти учун муайян ҳуқуқий асос бунёд этилганлигини кўрсатади. Зеро, немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788–1860) айтганидек: «Мукаммал давлатга асос солиш учун, энг аввало, шундай мавжудотларни яратиш керакки, токи улар ҳамма ерда ва ҳар доим ўз манфаатларини жамият фаровонлиги йўлида қурбон қилишга қодир бўлсинлар».

Ўзбекистон нафақат меҳнат ресурсларининг юқори салоҳияти, айни пайтда ер ости бойлиқларининг турли-туманлиги ҳамда уларнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари билан ҳам машҳурдир. Мамлакатда маъдан хом ашёсининг юзга яқин турини ўз ичига оладиган 2700 дан ортиқ кон аниқланган. Уларнинг 900 таси разведка қилинган. Захиранинг умумий маъдан хом ашёси 3.3 триллион АҚШ долларидан ошади. Ҳар йили 5,5–6,5 млрд. долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда. Дунёда олтин захираси бўйича тўртинчи, уни қазиб олиш бўйича еттинчи, мис захиралари бўйича ўнинчи, уран захиралари бўйича еттинчи ўринни эгаллаб турибмиз. 5,3 минг тонна олтинга эга бўлган қимматбаҳо металлларнинг 40 та кони разведка қилинган, 12 та кон ишламоқда. Халқаро геология жамоатчилиги этиروفига кўра, Мурунтов олтин кони XX аср иккинчи ярмининг энг буюк кашфиёти (5,5 минг тоннадан кўп олтин)дир. Ураннинг захираси 120000 тонна бўлиб, 50–60 йилга етади. Олмалик маъдан майдонида 18,5 миллион тоннадан кўп мис захираси аниқланган. Дальная мис кони камҳаражатлилиги ҳамда «тоза»лиги билан МДҲ мамлакатларида аналогичи йўқ. Ўзбекистонда литий, рений, теллур, осмий, скандий каби нодир ва кам учрайдиган металл конлари, 15 та гранит кони мавжуд бўлиб, улар Евроосиёда энг йирикларидан ҳисобланади. 900 миллион тоннадан ортиқ калий тузи конлари бўлиб, улар бир асрдан кўпга етади. Гилмоя (оқ ва рангли цемент тайёрлаш, мустаҳкам ёишт, электр изоляторлар ва бошқаларни тайёрлаш учун хом ашё) захираси бир миллиард тоннадан оша-

ди. Нефть ресурслари тўрт миллиард тоннадан ортиқ, кўмир захи-  
раси икки миллиард тоннадан кўп»дир<sup>17</sup>.

Франциянинг Нанси шаҳридан Тошкентга келган сайёҳ Жан Филипп қуйидагиларни эътироф этган эди: «Мен ўзбекларни фар-  
занд тарбиясига алоҳида аҳамият берадиган халқ сифатида эшит-  
гандим. Шахсан давлат раҳбари ташаббуси билан Мустақиллик май-  
донига ўрнатилган Бахтиёр она сиймосини кўргач, ушбу фикрнинг  
нечоғли тўғри эканига амин бўлдим. Чунки ҳар қандай меъморий  
обида ҳам мамлакатнинг Бош майдонига жойлаштирилавермайди.  
Демак, бу миллатнинг болажонлигига, эртанги кунига бўлган эъти-  
борига ишорадир». Бундай инсон улуғланган юрт қадимдан аждо-  
лари анъаналари давомчилари замини Ўзбекистондир. Зеро, айнан  
шу заминни ва аждоқлар бунёд этган моддий ва маънавий меросни  
мазмун-моҳиятини тўла маънода англаш орқалигина унинг фалса-  
фасини тушуниш мумкин. Босқинчилик, мустахлақчилик, қатағон-  
лар даврида мазкур «... меросни синфий ва мафкуравий нуқтан на-  
зардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш,  
маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тар-  
ғиб қилишга ... мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одам-  
ларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини  
яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билад-  
ди»<sup>18</sup>. Шу сабабдан ҳам: «Бугунги кунда биз ворис бўлган ана шу  
моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва ат-  
рофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд  
қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳи-  
да аҳамият бериб келаётганини таъкидлаш лозим»<sup>19</sup>. Зеро, муста-

---

<sup>17</sup> Каримова И. Ўзбекистонда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция имкониятлари бўйича ўтказилган конференцияда сўзланган нутқ. //Янгича фикр-  
лаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. –47-бет.

<sup>18</sup> Каримова И. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг  
юксак эътирофи. //Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маъна-  
виятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг  
меъзони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. –216-217- бет.

<sup>19</sup> Каримова И. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг  
юксак эътирофи. //Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маъна-  
виятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг  
меъзони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 217 -бет.

қилликка эришган мамлакатимиз аждодларининг моддий ва маънавий меросини тиклаш йўлидаги асрларга тенг бунёдкорлик ишлари салмоғи ҳар қандай халқнинг, ҳар қандай миллатнинг ҳавасини келтирмоқда. Чунки айрим давлатлар бу соҳага эътиборсизлик, юзакчилик нуқтаназаридан муносабат билдириши оқибатида аждодлари бунёд этган моддий ва маънавий бойликлар бутунлай йўқ бўлишига сабабчи бўлмоқда. Россия Федерацияси Маданият вазири Александр Авдеев кейинги ўн йилликда (1999–2009 йй.) Россияда 2500 дан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорликлар йўқ қилинган, яна бир неча мингга бузиб ташланиш ҳолатида, деб эътироф этган эди<sup>20</sup>. Ватанимизда 8000 та маданий мерос рўйхатга олинган бўлиб, шуларнинг ярмига яқини бевосита археологик меросдир. Мамлакатимизда 2350 дан зиёд тарихий архитектура, 4000 дан зиёд тарихий археологик обиданинг 850 дан кўпроғида таъмирлаш ва тиклаш ишлари якунланди. Бу мустақилликнинг ҳар бир йилида мавжуд тарихий обидаларнинг 30–40 таси таъмирланганини ва қайта тикланганини билдиради. Агарда иш шу заминда кетса қолган тарихий обидаларнинг тикланиши ва таъмирланишига яна 10–15 йил керак бўлади<sup>21</sup>. Бухоро вилоятида Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Чорбақр, Масжиди Калон, Нодир Девонбегии мадрасаси каби 150 дан зиёд тарихий обидалар таъмирланди, асл ҳолига келтирилди. Қашқадарёда Оқсарой, Кўк гумбаз, Дор ус-Саодат, Дор ут-Тиловат мажмуаси, Қаршида Қиличбек, Абдулазизхўжа мадрасалари, Кўк Гумбаз, Одина масжидлари, Сурхондарёда ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси, Қирққиз қалъаси, Кокилдор хонақоси, Фаёзтепа буддавийлик архитектура ва археология ёдгорлиги, Султон Саодат мажмуаси, Абу Исо ат-Термизий мақбараси, Хоразмда Ичан Қалъа ва Дишан қалъа каби 40 дан зиёд тарихий обидалар, Марғилон шаҳрида Пирисиддиқ мажмуаси, Марғинонийнинг чиллахонаси, Навоийда Қосим шайх мажмуаси, Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси, Тошкент шаҳри ва вилоятида Ҳазрати Имом мажмуаси, Сузук ота, Чақар, Занги ота масжид ва мақбаралари, Самарқандда Регистон, Шоҳи Зинда, Амир Темур мақбара мажмуаси, Мотуридий, Ҳаз-

<sup>20</sup> Аргументы и факты. № 28, 2009. – С.14.

<sup>21</sup> Мансуров Р. Мозий билан сирлашаётган обидалар//Халқ сўзи. 2009 йил 21 февраль.

рати Хизр, Чорсу, Хожа Аҳрор Валий, Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий мажмуаси, Қўқон Хон Ўрдаси, Жоме масжиди, Миён Ҳазрат, Даҳмаи шоҳон, Маъдалихон мақбаралари, Камол қози, Норбўтабий мадрасалари, Дастурхончи каби тарихий обидалар тикланди, таъмирланди ва, муҳими, ўз эгаси – Ўзбекистон халқига тортиқ қилинди. Бу рўйхатни Республикамининг бошқа вилоят ва шаҳарлари мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Ҳозир Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Самарқанд шаҳарлари ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси шаҳарлари сифатида рўйхатга киритилган. Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб халқаро миқёсда деб эътироф қилинган. Шунингдек, 50 дан ортиқ тарихий обидани ЮНЕСКО рўйхатига киритиш таклифи берилган.

Мустақиллик даврида Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги (1996 йил 24 октябрь), Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги (1997 йил 19 октябрь), Хива шаҳрининг 2500 йиллиги (1997 йил 20 октябрь), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйира ал-Бухорий ал-Жуъфий (810–870) мажмуасининг очилиши (1998 йил 3 сентябрь), Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиши (1998 йил 24 октябрь), Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги (1999 йил 5 ноябрь), «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги (1999 йил 6 ноябрь), Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозаҳ ал-Бухорий ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги (2000 йил 16 ноябрь), Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги (2002 йил 2 апрель), Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги (2002 йил 1 ноябрь), Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги (2006 йил 27 октябрь), Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги (2006 йил 2 ноябрь), Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги (2007 йил 25 август), Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги (2009 йил 1 сентябрь) ва бошқа кўплаб татбирлар бевосита ЮНЕСКО доирасида халқаро миқёсда нишонланди. Бу татбирларнинг аксарияти дастлаб Парижда кенг нишонланди, халқаро конференциялар ўтказилди, кўрғазмалар ташкил қилинди. «Биз бу ҳамкорликдан манфаатдормиз. Бу эзгу ишларга халқимизга унинг тарихий хотирасини қайтариб бериш имкониятлари билан бир қатор-

да, инсонпарварлик ғояларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қараймиз.

Шу билан бирга, бундай таваллуд саналари фақат ўзбек халқи учунгина эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги халқлар учун ҳам маданий ва тарихий аҳамиятга эга эканини назарда тутамиз. Бундай татбирлар келажак авлодни тарбиялашда ҳам улкан аҳамият касб этади. Биз бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшларимизни янги қадриятлар асосида тарбиялаймиз, уларнинг қалбига тарихий ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни авайлаб-асраш, шу халққа мансублик билан ғурурланиш туйғуларини сингдирамиз»<sup>22</sup>. Шунингдек, «Бу тантаналар биз бугун мустақилликка эришган ягона бир халқ сифатида буюк келажак сари интилаётганимиз шунчаки орзу-ҳавас бўлмай, балки халқимизнинг тарихий салоҳияти, асрлар давомидаги давлатчилиги, маданияти ва қудратидан келиб чиқиб қўйилган аниқ мақсад эканини тасдиқлайди»<sup>23</sup>.

Фалсафанинг кўрсатиш методи орқали Ўзбекистонни, ўзбек халқини ким эканини, кимнинг аждоди эканини, нималарга қодирлиги, бунёдкорлиги, инсонпарварлиги жаҳонга яна бир бор тасдиқланди. Булар хорижлик олимларга, чет эллардаги муҳолифларга Ватанимиз жаҳон цивилизацияси бешинчи бўлганлигини янада тиниқлаштирди, аждодларимизнинг дунё фанини бунёд этишга муносиб, салмоқли ҳисса қўшганлигини ойдинлаштирди. Бу, энг аввало, Ғарб идеологияси таъсирида замон зайлига мослаштирилган, англаган ва англатилган, тушунилган ва тушунтирилган, ўрганилган ва ўргатилган, бир сўз билан айтганда, муроса принципларига зид талқин қилинган, вақти-вақти билан сохталаштирилган Ўзбекистон фалсафа тарихи ҳақидаги ҳақиқатни жаҳон ҳамжамиятига кўрсатишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади ҳамда Ўзбекистон тўғрисидаги ғайри илмий «кашфиёт»ларни йўқ қилиш воситаларидан биридир. «Ўрта Осиё олимлари қомуси» муаллифи Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Китоб ул-ансоб» («Насабнома китоби»), Ёқут ал-Ҳама-

<sup>22</sup> Каримов И. ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-сессиясининг якундовчи мажлисида сўзланган нутқ//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 202-бет.

<sup>23</sup> Каримов И. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. . Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 373-бет.

вийнинг «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар энциклопедияси»), Ибн Халлиқоннинг «Вафаёт ул-аъён» («Таниқли кишиларнинг вафотномалари»), Ризо Каҳҳоланинг «Муъжам ул-муаллифин» («Муаллифлар энциклопедияси»), Ҳожи Халифанинг «Кашф уз-зунун ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун» («Китоблар ва илмлар билан боғлиқ шубҳаларнинг ечими») сингари 25 дан ортиқ манбадан методологик асос сифатида фойдаланган. Қомусда VIII–XIX асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиздан 2000 дан ортиғи тўғрисида маълумотлар жамланган, холос. (Лекин уларнинг барчасини кенг қамраб ололмаган, чунки VIII–XIX асрларда Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган илмий салоҳият ундан 100 баробар кўпдир! Улар тўғрисидаги маълумотлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, тадқиқ қилинмаган).

Шундай қилиб, Ўзбекистон фалсафа тарихининг географик-ҳудудий ва тарихий-минтақавий бирлиги доирасини англашда маълум бир тасаввур беради. Шу билан бирга айни шу географик-ҳудудий маконда аждодларимизнинг фалсафий қарашлари Ўзбекистон ва жаҳон фалсафасининг шаклланишида ўзига хос муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Бу ҳақда И.Каримов шундай деган эди: «Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам»<sup>24</sup>, – деб кўрсатган эди.

## Ўзбекистон ҳудудида ёзув фалсафаси генезис ва унинг жаҳон цивилизациясидаги аҳамияти

Ўзбекистон ҳудудида илк ибтидоий одамлар онгида борлиқдаги нарса ва ҳодисалар содда, стихияли тарзда акс этган, ўз тасаввурларидагиларни турли символлар орқали ифодалашган. Бунда, энг аввало, табиатнинг ўзи «доска», ўзи «қоғоз» вазифасини ўтаган. Дастлаб форлар деворларига, яқин- атрофдаги текис қояларга ҳайвонлар тасвирини чизишган. Бу улар *илк ижодкорлигининг* шаклланишида муҳим омил бўлган. Бу ҳолат доимий такрорланиши натижасида ўзлари гувоҳ бўлган ҳамда бевосита иштирок қилган ҳайвонларни овлаш

---

<sup>24</sup> Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. – 71-бет.

ҳодисасини ҳам тасвирлашга интиланганлар. Бу илк ижодкорлик уларда турли символлар орқали нарса ва ҳодисаларнинг мутлақлаштирилган шакллари кашф қилишга олиб келган. Бу қадимги одамларнинг илк, содда ижодкорлиги ва дастлабки бунёдкорлиги кўриниши, десак хато бўлмайди. Бунинг оқибатида ёзувлар пайдо бўлиши тезлашган. Гарчи қадимги одамларнинг қоя тошлардаги ёзувлари биз учун «ғалати» ёки хунук, бесўнақай тасвирлардек туюлса-да, аслида бу инсонни табиатдан олиб, яна табиатга қайтарган илк кашфиёт намунаси ҳамда энг бебаҳо ҳусниҳатдир. Улар ҳозирги Ўзбекистоннинг барча вилоятлари тоғларидаги тошларда ва ғорларида мавжуд. Бу ёзувлар орқали Ўзбекистон ҳудудидаги илк қадимий одамларнинг меҳнат қуроли, бир-бирига муносабати, ов қилиш санъати, кийимлари, яшаш ва турмуш шароитидаги ўзига хослигини «ўқиб» оламиз. Ҳозирги давр экспертиза таҳлили натижасида Тош китоблар, яъни қоядаги расмлар тош давридан бронза даврига (яъни энеолитнинг охири) ўтишда чизилганлиги исботланган. Тош китоблар «ўқиб» кўйилганларнинг асли: тош қоялардаги расмлар яқинида илк қадимги одамлар манзилгоҳлари мавжудлиги; ўша даврда одамлар қандай қуроллар билан қуролланганлиги (меҳнат қуроллари, ҳимоя қуроллари); қайси ҳайвонларни қандай усуллар ва қуроллар билан овлаганлиги; айрим расмларда буқа, сиғир, эчки, ит ва отлар одамлар билан тасвирланган, лекин одамлар қўлида ҳеч қандай қурол йўқ. Демак, мазкур манзилларда одамлар буқа, сиғир, ит ва отларни хонақилиштирганлигини билдириши; чорвачилик ривожланганлиги ҳамда манзиллар атрофида деҳқончилик маданиятининг ҳам шаклланганлигини; расмларда тасвирланган ҳайвонлар кўриниши, ҳолати, ранг-баранглиги – уларнинг қачон чизилганлигини фарз қилишга имкон беришини; *Ўзбекистон ҳудудидаги қоятошлардаги расмларда асосан эркак эсинидагилар тасвирланган, бу ўз навбатида қадимдан мазкур манзилларда эркаклар – патриархат (Ғарб тадқиқотчилари атамаси) ҳукмронлик қилганлигини кўрсатади. Демак, бу ҳулоса ҳам Шарқда матриархат, яъни аёлларнинг ҳукмронлик даври бўлмаганлигини билдиради.*

Умуман олганда, Ўзбекистон замини ўтмиш билан бугунни туташтирувчи манбалар ниҳоятда кўплиги билан ажралиб туради.



Масалан, 2004 йилдан осмон остидаги музей мақомини олган Сармишсой маданий меросини кўрсатишимиз мумкин. Эндиликда мазкур маданий мерос – «Сармишсой» табиий-археологик мажмуа музей-қўриқхонага айлантирилиб, сайёҳлар маршрутига киритилган. Мазкур музей-қўриқхонада 7000 йиллик тарихга эга бўлган 10 000 дан зиёд ноёб қоятош суратлар сақланиб қолган. «Тош китоб»даги суратларда одам ва ҳайвонлар, қурол-аслаҳа ва геометрик шакллар (уларнинг мазмун ва моҳияти ҳанузгача аниқланмаган) ўз аксини топган бўлиб, улар ажодларимиз дунёқараши, яшаш тарзини тасаввур қилиш имконини беради. Сармишсойда тош даври манзилгоҳлари, қадимги мозорлар, суғориш тармоқлари қолдиқлари сақланиб қолган.

Шунингдек, ҳозирги даврда қоя тошларга чизилган расмлар бир-бирига солиштирилса, уларда чизилиш услуби, расмлардаги ҳайвонларнинг бир-бирига ўхшашлиги, яъни айнан бир хил қилиб тасвирланганлиги ҳам илк одамлар фергантроилардан жануб, шимол, ғарб ва шарққа тарқалганлигини кўрсатади. Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди ҳудудларидан 20 га яқин қоятош ёдгорликлари бўлган жойлар топилган. Уларнинг барчасида тасвирланган суратлар бир-бирига ўхшаш. Суратсиз ёки Сармишсой ёдгорликларидаги (бошқа ёдгорликларда ҳам) буқа ва сиғирлар тасвири (шоҳларининг қайрилмалиги, узунлиги, гавдадаги нақшларнинг бир хиллиги, ёнбош томондан икки оёқли қилиб чизилганлиги, кўринишлари катта тасвирланиши) бир томондан, уларнинг, қадимийлигини (милоддан аввалги уч минг йиллик билан даврланган. Лекин бу ҳам яна изоҳлашни талаб қилади) кўрсатади. Бундай суратлар Сибирь (Россия), Ҳиндистон ва Мўғулистонда ҳам мавжудлиги бевосита Ўрта Осиёда (Ўзбекистонда) қадимги одам (фергантроп) пайдо бўлиб аста-секин шимол, жануб, ғарб, шарққа тарқалган деган хулосани тўлдирди. Чунки шарқшунос Ғарб олимлари Ўзбекистон ҳудудига (Тешиктошга) қадимги одамлар Олд Осиёдан кириб келган «келгинди»лар, деб хулоса чиқаришган. Бизнингча, Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги одамлар бошқа ҳудудларга (Ғарб, Шарқ, Жануб, Шимол) тарқалган илк одамлардир.

Юқоридагиларга асосланиб, яъни фергантроплар мамлакатимиз ҳудудида бир ярим миллион йил олдин ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, Ғарб илмида (ҳозирда у барча инсоннинг келиб чиқишида асос сифатида қўлланилаётган) ўтган асрда кашф қилинган ирқлар (негроид, монголоид, европоид) тўғрисидаги назарияга ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки монголоидни ферганоид (айни фергантроплар монгол, хитой, ҳинд, япон ва бошқалар пайдо бўлишида асос бўлган деган хулоса), деб ўзгартириш зарур. Ва бу ўзгариш китобларда (дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, мақола, тўпламда) ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Сурхон воҳаси ҳам энг қадимий пиктографик ёзув ҳудуди ҳисобланади. Бойсун туманидаги Дарбандсойдан икки томони силлиқ, ўлчами 15x15x13 см бўлган тош юзасида аввал ўткир тиф ёрдамида тирнаб чизилган, сўнг қора ва қизил охрада бўялган пиктографик ёзувлар мажмуаси тасвирланган сопол топилган (2008 йил август). Бу ўта ноёб топилма фанга «Дарбанд тош китоби» номи билан киритилган бўлиб, Ўзбекистонини илк ёзув шаклланиган ҳудудлар қаторига киритишга асос бўлади. Ёзувлар охранинг ёғ қўшилган ҳолда тайёрланиши натижасида ниҳоятда яхши сақланган. Унда тоғ эчкиси, кийиклар галаси, илонлар, манзилгоҳлар, тоғ манзараси, одам кўзи, ой, қуёш каби пиктографик белгилар тасвирланган. Булар ўзбек халқининг аجدодлари қадимдан Амударё ва Сирдарё бўйларида ўтроқ яшаганлиги ҳамда ўзининг давлатчилигини тузганлигини кўрсатиши баробарида, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди жаҳоннинг илк цивилизация ўчоқларидан бири бўлганлигини ифода қилади. Чунки мазкур топилма ёзилиш усулига кўра милoddан аввалги 3–2-минг йилликларга тўғри келади. Ёзув санъати барча символларни (чизиқларни, кўринишни) табиатдан олган ҳамда ўзгарган, такомиллашган тарзда яна табиатга қайтарган. Бу қайтариш жараёни инсониятни ижодкорликка, бунёдкорликка ундаган ва натижада янги-янги кашфиётларнинг очилишига сабаб бўлган.

Хуллас, қадимги халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳам инсоният цивилизацияси учун муҳим, зарурий восита – ёзувнинг пайдо бўлишига муносиб ҳисса қўшган. Бу эса кейинчалик бошқа халқлар ва

давлатлар ёзувларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган ҳамда ўзи ҳам ривожланган, тараққий қилган.

Хаттотлик санъати Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган. Бу ҳам ўзига хос сабабга эга. Чунки қадимдан ёзувлар икки хил восита орқали (иш қуроли) амалга оширилган. **Биринчиси** – хўроз пати (аксарий ҳолларда қуш пати дейилади, лекин қуш пати юмшоқ ва мўрт бўлган, шу билан бирга, унинг ташқи кўриниши ҳам хунук бўлган) мустаҳкам, қўлда ушлаш ўнғай бўлган. Бу бевосита «Авесто»дан мерос қолган (чунки унда хўроз образи саҳарда ҳаммани эзгуликка чақиради). Айни «Авесто» ҳам хўроз патидан фойдаланиб ёзилган бўлиши мумкин. **Иккинчиси** ҳам табиий восита – қамниш «ручка» бўлган. Бунинг ҳам ўзига хослиги шундаки, ёзув учун алоҳида қамиш тури танланган. Чунки ёзув учун ҳамма қамишдан ҳам фойдаланиб бўлмайди. Сабаби ёзув учун мўлжалланган қамиш тури ўзагида (ичида) «махсус момиқ» бўлганки, у снёҳни ўзига «ютган» ҳамда кўпроқ ҳарфларни ёзишга имкон берган. Бундай қамиш тури Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ўсган, холос. Бу оддий, айни зарурий шарт-шароит ҳам Ўзбекистон ҳудудида хаттотликнинг равнақига ижобий таъсир қилган. Хаттотлик қадимдан эъзозланган ва доимо ҳукмдорлар саройларида ишлайдиган олим-уламоларга насиб этган.

Мирзо Улуғбекнинг туғишган укаси Бойсунғур Мирзо ёшлигидан меъморчилик, шеърят ва хаттотликка қизиққан. Бойсунғур Мирзо онаси Гавҳаршод оға мақбарасининг (Ҳирот, 1432 йилда қурилган) ички томонига ўз қўли билан нақш ишлаган.

Тарихчи Давлатшоҳнинг ёзишича, Мирзо Улуғбекнинг амакиси Иброҳим Султон (унинг топшириғи ва таҳрири остида Шарофиддин Али Яздий томонидан «Зафарнома» асари ёзилган) ўта нозиктаъб ва моҳир хаттот бўлган. Иброҳим Султон XIII асрнинг машҳур хаттоти Ёқут ал-Мустасим томонидан битилган қўлёзмани қайта кўчиради. Қўлёзма тезда сотилиб кетади. Муҳими, бу қўлёзма Иброҳим Султон томонидан кўчирилганлигини ўша пайтдаги таниқли хаттотлар пайқашмайди.

Хаттотликда ҳарфларнинг нафис, раvon, чиройли ёзилиши талаб қилинган. Бу фақат китобнинг ташқи томондан (шакл) кўриниши учунгина эмас, балки у инсон руҳиятига таъсир қилиши нуқтан на-

заридан ҳам аҳамиятли эканлигини аждодларимиз яхши билншган. Абу Али ибн Сино (980–1037) «Тиб қонунлари» асарида ҳуснихат қанчалик нозик, равон ва айни пайтда чиройли бўлса, шахснинг китобга интилиши шунчалик кучаяди ҳамда китобни англаш даражаси ошади, деб ёзган.

Хаттотлик Ўзбекистон ҳудудида «Авесто»дан бошланган бўлса (бизгача сақланиб қолган асосий, мукаммал манба нуқтан назардан), ёзув мол териси, дарахтларнинг пўстлоғи, қоғозларда акс эттирилиб, янада такомиллаштирилган. Хаттотларнинг дарахт пўстлоғларига ёзишлари, назаримизда, кейинчалик қоғознинг кашф этилишига сабаб бўлган. Фикримиз исботи учун дарахт пўстлоғига ёзилиши – уни янада такомиллаштириш эҳтиёжи оқибатида Ўзбекистон ҳудудида, аниқроғи, Самарқандда дунёда илк бор қоғоз кашф қилинишига олиб келган. Кўпгина манбаларда қоғоз Хитойда кашф қилинган, деган фикр устуворлик қилади ҳамда Шарқдан Ғарбга ўтган дейилади. *Бизнингча, илк қоғоз шилаб чиқариши Самарқандда амалга оширилган бўлиб, Шарқ ва Ғарбга тарқалган.* Бу жиҳатдан мамлакатимизнинг узоқ ўтмишидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу сабабли қадимдан Ўзбекистонни «минг шаҳар ўлкаси», «баланд байроқли тўзал диёр», «қуёш ўлкаси,» деб бежиз таърифламаганлар.

Шу нуқтан назардан ҳам ёзув ва улар асосида қилинган тадқиқотлар, манбалар Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг ўзига хослиги, ўзаро муносабатлари, ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги, муқим яшаганлиги каби маълумотларга эга бўлишимизга ёрдам беради.

Ўрта Осиё халқлари тарихида энг қадимги ёзувлардан бири Хоразм ёзувидир. Бу ёзувлар Хоразм ҳудудидаги Ойбуйир қалъа (мл. авв. VI–V асрлар) ва Қўйқирилган қалъа (мл.авв. V–IV асрлар) ёдгорликлари маданиятида мавжуд бўлган. У ерлардан мазкур ёзувлар археологлар томонидан топилган хумлар сиртида, сопол идиш ва буюмларда акс этган. У даврларда ёзувнинг шаклланиши фанларнинг ривожланишига катта туртки берган, айниқса, фалсафа фани равнақ топган. Осиёда энг қадимги ёзув манбалари замини Ўзбекистон ҳудуди, хусусан, Хоразм бўлган. Бу ерда фалсафа равнақ топ-

ган дейишимизга сабаб, у даврларда фанлар ҳали туркумланмаган эди. Шунинг учун бу даврдаги фалсафий билимлар ичида сиёсатшунослик, тарих, ахлоқшунослик, арифметика, геометрия, астрономия, табиатшуносликка онд қарашлар мужассамлашган. Масалан, Хоразмнинг Тупроққалъа маданиятида (мл.авв. III–II асрлар) шаҳарсозлик юксак даражада ривожланган, оташпарастилар ибодатхоналари, саройлар деворларига ҳукмдорлар, лашкарбошилар, ҳайвонлар, қушлар, мусиқачилар расмлари, табиат манзараси тушириб безатилган. Тупроққалъа маданиятидан оромий ёзувда ёзилган ҳужжатлар тўплами топилган. Қўйқирилган қалъада оташпарастиларнинг ибодатхоналари бўлган. Шунингдек, у ерда расадхона бўлиб, олимлар юлдуз ва сайёралар ҳаракатларини кузатганлар. Улар мазкур билимлар асосида Хоразм календарини кашф қилишган, ундан VIII асрга қадар фойдаланишган. Шунингдек, ёзувнинг пайдо бўлиши – уни бевосита оммага ўргатиш заруриятини вужудга келтирган. Бу эса *ўқитувчи–муаллим–устоз–мураббийларнинг* шаклланишига олиб келган. Улар, энг аввало, зеҳли, ўқишга қобилиятли ёшларни тўплаб, ёзувни ўргатиш эҳтиёжини шакллантиришган. Мана шу жараён, бизнинг назаримизда, дунёда илк «ўқитувчи ва ўқувчи» ижтимоий қатламнинг шаклланишига олиб келган.

Милоддан аввалги VI–III асрларда Ўзбекистон ҳудудининг шимолӣ қисмида (асосан Тошкент вилояти, Сирдарё бўйлари) Қанғ давлати ташкил топган. Айрим манбаларда Қанғюй Битян деб ҳам аталган. Мамлакатда танга зарб қилинган ҳамда унда ёзувлар, ҳукмдорларнинг расмлари тасвирланган. Шунингдек, бу ерларда ҳам ўзига хос шаҳарсозлик маданиятлари шаклланган ҳамда уларда ибодатхоналар, савдо ва ҳунармандчилик мавзелари қурилган. Муҳими, мамлакат аҳолиси ўтроқ кун кечирган, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Бу мавжуд ёзув манбаларида ўз аксини топган

Ўзбекистон ёзув фалсафасида миллоддан олдинги III–II асрларда шаклланган, ривожланган ҳарфлар ?, ?, 0 шаклларда бўлган Кушон ёзуви алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўша даврларда Рим, Хитой, Парфия сингари ривожланган давлат сифатида Кушон давлати ҳам шуҳрат қозонган. Бошқа давлатлар билан савдо-сотик, маданий ало-

қалар ҳамда ўзаро элчилар алмашинуви мавжуд бўлган. Кушон давлати олтин, кумуш, мисдан тангалар чиқарган. Уларда ҳукмдорнинг (Кудзула Кадфиз, кейин унинг ўғли Вима Кадфиз) номлари кушон ёзувида ёзилган. Бу тангалар Рим империяси ҳудудларидан (археологик қазинмалар) ҳам топилган. Кушон давлатининг Далварзинтепа, Зартепа, Қоратепа, Айритом маданий ёдгорликлари ҳозирги даврда ўрганилган. Масалан, 1971 йилда Далварзинтепадан 115 та олтиндан қуйилган, ясалган (билак-узук, балдоқ, тумор) санъат асарлари, фил суягидан ясалган шахмат доналари ҳамда Кушон давлати даврида оромий ёзуви асосидаги кушон-бақтрия алифбоси намуналари топилган. Манбаларда юнон алифбосидаги кушон ёзувлари ҳам мавжуд бўлганлиги кўрсатилади. Кушон маданиятининг ўзига хослиги мамлакат аҳолисининг турли динларга сиғинганлигидир. Масалан, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепаларнинг археологик қазинмаларида остонадонлар (оташпарастиликка оид) махсус иморат – «иоус», будда ибодатхоналари (турли катта-кичик будда ҳайкалчалари) топилган. Бу осори атиқалар ўша даврдан Кушон давлатининг иқтисодий, маданий, савдо алоқалари тўғрисидаги маълумотлар мазкур давлат ёзувларида ўз аксини топган. Тупроққалъадан (Хоразм) чарм ва ёғочга ёзилган Кушон ёзуви намуналари топилган. Қадимдан Ўзбекистон ҳудудидан Буюк ипак йўли орқали нафақат нарсалар, турли хил газламалар, айни пайтда ёзувлар ва улар аке этган манбалар (китоблар) шарқдан ғарбга, шимолга, жанубга етказилган. Шу асосда халқлар ва давлатлар бир-бирлари тўғрисидаги аниқ маълумотларга эга бўлганлар. Бизнингча, бунда кейинчалик Буюк ипак йўли номи билан машҳур бўлган савдо ва маданият йўлининг аҳамияти катта бўлган. Кўпгина қадимги ёзувлар, энг аввало, мана шу йўллар бўйидаги қояларга ёзилган. Бу ёзувлар фан тилида тош ва сополга ўйиб ёзилган ёзувлар ёки мих ёзувлар дейилади. Шундай ёзувлардан бири Эрондаги Ахоманийлар пойтахти Персепольдан топилган Доро I (мил.авв. 522–486) давридаги, ёзув (китоба – мих ёзув)дир. Бу ёзувда сарой қуриш ва олиб келинадиган қурилиш материаллари қайси мамлакатдан келтирилгани тўғрисида маълумотлар берилган. Мазкур сарой учун олтин Бақтриядан, товланиб турадиган тошлар (қизил ёки қизғиш рангли тош) Суғди-

ёнадан, феруза Хоразмдан келтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар миҳий ёзувда тасвирланган. Қоятошлардаги Беҳистун ёзуви ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ёзувлар элал, бобил, қадимги Эрон тилида битилган бўлиб, унда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги халқларнинг Гуалата, Фрада (Марғиёна), Скунха (сак) бошчиликларидаги халқ ҳаракатлари акс эттирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудуди тўғрисида, урф-одатлари, шаҳарсозлиги, маданияти, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган. Булар ичида қадимги турк манбалари: Енисей битиклари, Шарқий Туркистонда топилган битиклар, Билга хоқон битиги, Мўғулистондан топилган битиклар, Онгин битиги, Тўнюқуқ битиги ва бошқа битиклар жуда муҳимдир. Турк руник ёзувлари (уларнинг аксарияти сополга ёзилган) Фарғона, Қувасой, Марғилон, Андижон атрофидан, суғд тилидаги манбалар (IV–IX аср) асосан Суғдиёна (Муғ қалъаси), Самарқанд атрофидан топилган. Бу ёзма манбалар иқтисодий, маданий ҳаётни ўрганишда муҳим ҳисобланади. Улардаги маълумотлар фаннинг турли соҳаларига оиддир. Масалан, ҳукмдорлар орасидаги ёзишмалар, олди-сотди ва тилхат ҳужжатлари каби ҳуқуқшуносликка оид маълумотлар сақланиб қолган. Ўзбекистон ҳудуди ва қадимий халқлари ҳаёти ҳақида хитой тарихи фани асосчиси Сама Цянь (мил.авв. 145–86) «Тарихий эсдаликлар» асарини, «Хавадай намак» («Подшоҳнома»), «Матақдани ҳазар датастан» («Бир минг нафа ҳуқуқий ажрим»), «Маҳобҳарата», Геродот (мил.авв. 490–425), Диодор (мил.авв. 90–20), Помпей Трог (мил.авв. I аср), Адриан Флавий (95–175), Квинт Курций Руф (I аср), Гай Тиний Секунд (24–79), Полибий (мил.ав. 201–120), Страбон (мил.авв. 68 – милод. 28), Птоломей Клавдий (90–160) каби тарихчи-олимларнинг; Бань Гунининг (32–92) «Аввалги Хань сулоласининг тарихи» асарини, Сун Цининг (998–1061) «Тан сулоласининг янги тарихи» асарини, араб олимларидан Абу Юсуф Яъқубнинг (731–798) «Хирож (солиқ) ҳақида китоб» асарини, Абулқосим Убайдуллоҳ Хурдодбеҳнинг (820–913) «Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб», Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг (829–923) «Пайгамбарлар, подшолар тарихи» асарлари ва яна ўнлаб файласуф, тарихчи олимлар асарларида

берилган маълумотлар орқали ҳам билишимиз мумкин. *Мамлакатимиз ҳудудидаги иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётни кўрсатишида мазкур муаллифлар асарларидаги қимматли маълумотларнинг муҳим манба сифатида аҳамияти буюкдир. Айни пайтда уларнинг аксариятида бир томонламалик воқеалар ўз давлати, ҳукмдори манфаатини кўзлаб баён қилинганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудида илк ёзув намуналарининг мавжудлиги Ватанимизнинг инсоният цивилизацияси бешиги эканлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.*

*Ёзув фалсафаси оғоҳлиги: жамият, давлат, миллат фан-техника ютуқлари, жамиятнинг барча соҳаларидаги модернизациялани, компьютер технологиясининг инсон изёсодкорлик фаоллигини оширишидаги тезлаштирувчилик (шакл) функциясининг кескин кучайишини назоратдан чиқарса, унда муроса тамойиллари талаб ва нормалари мезон қилиб олинмаса, яқин 25 йилда инсоният азёсодларининг минглаб йиллар олдин тафаккур маҳсулотини сифатида сўзкудга келган ёзувини (мазмун) фақат техника ва исбоб ускуналар «мия»сига кўчиради (шакл) ҳамда ўз миясидан бутунлай чиқариб ташлайди (хунармандчиликдаги ганчкорлик, кадакорлик сингари). Масалан, компьютер дастурининг такомиллаишини оқибатида тилдаги (ўзбек, инглиз, немис ва бошқа тиллар) бўгин кўчириши «операцияси барбод» бўлаётганлиги бунга далилдир. Бу бевосита тиллардаги унли ва ундошларнинг ҳам «ҳаётини хавф остига» солиб кўяди. Ҳуснихат эса ҳозирнинг ўзидаёқ йўқ бўлиши арафасида!?*



---

### III БОБ. Глобаллашув шаронтида жаҳон фалсафа тарихи тадқиқининг илмий-назарий масалалари

Глобаллашув шаронтида фалсафа тарихининг, хусусан, Ўзбекистон фалсафа тарихининг мазмун-моҳиятини билишда, тушунишда, англашда, энг аввало, фалсафа фанининг ҳозирги аҳволи, унга жаҳон ҳамжамиятининг муносабати масалаларига миллий ғоя таъмоиллари ва мураса принциплари асосида баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Мазкур бобда айнан шу мезонлар мазмун-моҳияти талқини берилиб, улар доирасида фалсафанинг инсоният цивилизациясидаги ўрни, роли ва аҳамияти, фалсафанинг кўрсатиш методи ва Ўзбекистон фалсафа тарихини тадқиқ қилиш масалалари, фалсафа тарихи талқинига янгича қараш каби масалалар доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилади ва уларнинг мазмун-мундарижаси янги манбалар негизида очиб берилади.

#### Фалсафанинг инсоният цивилизациясидаги ўрни, роли ва аҳамияти

*Фалсафа билими очиқ-ойдин ишончли далил-ҳужжатларга эга бўлади. Одамлар фалсафа йўли билан исбот этилган мавжуд нарсга ҳақида тўла ишонч ва қаноатга эга бўладилар.*

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад  
ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий

Инсоният цивилизациясининг барча босқичларида фалсафа нима? Фалсафа фанми? Фалсафанинг жамият равнақида аҳамияти борми? Фалсафани инсоннинг камолотидаги ўрни нимадан иборат? Фалсафани фан сифатида таълим тизимига жорий қилиш мумкинми? Фалсафани неча ёшдан бошлаб ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади? Фалсафани бошланғич синфларда ўтиш мумкинми? Фалсафани ўрта мактабнинг охириги синфларида ўтиш фойдалими? каби кўплаб са-

воллар қўйилган ва қўйилмоқда ҳамда уларга турли хил жавоблар берилган ва берилмоқда. Бундай саволларга фақат олим-файласуфлар ва бошқа фан вакилларида ташқари Халқаро ташкилотлар ҳам жавоб излашга ҳаракат қилгани, хулосалар тайёрлашгани тарихдан маълум.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан, маданият масалалари бўйича бўлими (ЮНЕСКО) томонидан 1951 йилда шундай уриниш бўлганлиги маълум. ЮНЕСКО 20 та мамлакатга дунёда фалсафа фанининг ҳолатини тадқиқ этиш бўйича саволлар тарқатган. Унда 9 та мамлакат иштирок этган. Тадқиқот натижалари 1953 йилда эълон қилинган ҳамда «фалсафа фан ва маданиятнинг фундаментал муаммоларига кўпроқ эътиборни қарата бошлади, инсоннинг келажаги ҳақида қизиқа бошлади», деган хулоса чиқарган<sup>1</sup>. 1978 йилда ЮНЕСКО га аъзо давлатлар дунёда фалсафанинг ўқитилиши тўғрисида ахборот олиш истагини билдириб мурожаат қилганлар. 1980–1993 йиллар давомида ЮНЕСКО ташаббуси билан турли минтақаларда файласуфлар учрашувлари ташкил этилди.

2007 йилда ЮНЕСКО дунёда фалсафани ўқитишнинг ҳозирги ҳолати бўйича тадқиқотларни халқаро миқёсда иккинчи марта ўтказди. Бунда ЮНЕСКОга аъзо (192) давлатларнинг 126 таси иштирок этган. Мазкур тадқиқот натижалари дунёда фалсафани ўқитиш ҳолати тўғрисидаги халқаро жамоатчилик билимларини бойитди ҳамда фалсафа фани тўғрисида кенгроқ тасаввурга эга бўлиди. Бунда, фалсафа фани, **биринчидан**, ғарблаштириш тенденцияси оқибатида идеологизациялаштирилганлиги, **иккинчидан**, сиёсатга «интотатгүй» қилиниб, сиёсатнинг хизматкорига (айниқса, XX асрнинг 70-йилларидан кейин) айлантирилганлиги яққол, бу эса фалсафа фани ўз объектидан маълум даражада четлашишига олиб келгани сезила бошланди.

Фанга «эллинизм» атамаси XIX аср ўрталарида немис тарихчиси Иоган Густав Дройзен (1808–1884) томонидан киритилган. Бу ҳол бизнинг назаримизда, Ғарб олими, файласуфи, тарихчисининг издош ва ҳамкасбларига ўхшаб илмий тадқиқотда «янгилиги» ва фал-

---

<sup>1</sup> Трофилова Е.О. ЮНЕСКОнинг «Фалсафа. Эркинлик мақтаби» тадқиқоти таҳлили // «Вопросы философии». 2008 йил 10-сон.

сафа фанида яратилган навбатдаги «изм» – кашфиётидир. И.Г. Дройзен «Эллинизм тарихи» асарида эллинизмнинг бошланиш вақтини Македониянинг Греция устидан ғалабасидан (мил.авв. 338 йил) милоднинг 30-йилларигача давом этган, деб кўрсатади. Эллинизмнинг бошланиши ва охири бўладиган бўлса, демак, у маълум бир даврни ўз ичига олади (мил.авв. август 338 – милодий 30 йил). Шу билан бирга, эллинизм *таълимот*, эллинизм *давр* бўладиган бўлса, у «эллинизм маданияти» ёки «эллин маданияти»нинг мавжудлигини кўрсатади. «Эллин маданияти» македонияликлар маданияти ёки греклар маданияти ёхуд ҳар иккаласи омухта, қўшилган янги маданиятми? Бундай саволлар янада кўпроқ қўйилиши мумкин. Бунга ўхшаган атамалар яқин ўтмишда ҳам ўйлаб топилди, кашф этилди. Масалан, собиқ Иттифоқ Ўрта Осиёни, Қозоғистонни, Кавказ ортини, Болтиқбўйини босиб олиб мустамлакага айлантирган Чор Россиясининг меросхўри эди. Бу Ғарб ўйлаб топган «большевизм» атамаси мазмун-моҳиятини билдирарди ҳамда большевизм ҳам (эллинизм сингари, чунки улар ҳар иккаласи ҳам босқинчиликдан сўнг пайдо бўлган) «большевизм маданияти», «большевизм даври» (большевизм 1917–1991 йиллар) сингари атамаларни ёки шулар асосида «совет маданияти», «совет даври», «совет халқи» каби Ғарб олимлари, файласуфлари «кашфиёт»ларини кўрсатишимиз мумкин.

Ғарбнинг большевизм маданияти унга тобе халқлар ва давлатларга «илмий татбиқ» қилинди ҳамда унинг «ижобий таъсири» оқибатида миллат ва тилларни эътироф этмайдиган «ягона совет халқи», «совет маданияти», «умуммиллий тил» кашф қилинди. Манбаларда эллинизм, эллин маданияти уч асрга қадар давом этган бўлса, кейинги кўрсатилган «маданият»нинг узвийлиги 130 йил давом этди, холос.

Инсоният цивилизациясининг маълум бир босқичларида мазмун-моҳияти нуқтан назаридан эллинизм ҳам, эллин маданияти ҳам, совет халқи ҳам, совет маданияти ҳам бўлмаган. Балки қадимдан мазкур ҳудудда яшаб келган миллатларнинг, халқларнинг маданияти бўлган ҳамда истиқболда ҳам шундай бўлиб қолади! Яна юқоридаги, айниқса, эллин маданияти тўғрисидаги «кашфиётлар»нинг за-

рарли оқибати шундаки, Фарбнинг таъсири натижасида Шарқда файласуфлар, тарихчилар, адабиётшунослар ва бошқа фан вакиллари эллин маданияти даври (шунингдек, совет даври) бошланишидан олдинги даврларга ҳам, у тугагандан кейинги даврларга ҳам «илмий татбиқ» этишлари ҳамда Шарқ халқлари миллий маданиятларига зўрлаб, сунъий равишда тикиштиришларидир. Уларнинг асл мақсадини И.Каримов шундай кўрсатган эди: «СССРда коммунистик мафкуранинг энг муҳим мақсади – аҳолини байналмилаллаштириш ҳамда «марказ»нинг «совет халқи» деган ўзига хос социал бирликни шакллантириш ғоясини амалга ошириш чоғида барча миллий хусусиятлар асосий тўсиқ ҳисоблангани сир эмас.

Коммунистик идеологлар ва сиёсатчилар бу концепцияни илгарини сураган эканлар, афтидан, одамларда миллий ўзлигини англаш туйғусининг ўсиш жараёнини атайлаб тажовузкор, сиёсий тус берилган миллатчилик билан алмаштириб қўйган эдилар. Шу тариқа одамларни қонуний равишда ўсиб бораётган (ва объектив сабабларга боғлиқ бўлган) миллий ўзлигини англаш эҳтиёжларидан чалғитиш мақсади кўзланган эди. Марказ иттифоқдош республикалар ва миллий чекка ўлкалардаги ўз эътиқодига кўра илғор ва ўз халқига садоқатли бўлган кишиларни «миллатчилик»да айблаб, қатағон қилганди. У мажбуран «байналмилаллаштириш», миллий хусусиятларни йўқ қилиш ниятида бўлган ва ўзининг империяча манфаатларига мос тушувчи «кўп миллатли» бирликнинг вужудга келиш жараёнини жадаллаштиришга интилган эди. «Халқлар ва миллатларни яқинлаштириш»дан иборат бундай сунъий жараён жамиятдаги «миллатчилик» деб аташ расм бўлган яширин ва ошкора қаршилик кўрсатиш ҳолларига олиб келган эди».

Демак, ижтимоий-гуманитар фанларда, хусусан, фалсафа ва тарихда Фарбнинг ўйлаб тонган, кашф қилган атамалари, тушунчалари, ғоялари, таълимотларига ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муносабат билдириш муҳим долзарблик касб этади. Шунингдек, бу «изм кашфётлар»ни фан, хусусан, биринчидан, фалсафа фанининг ўрганиш объектини (табиат, жамият, инсон), иккинчидан, предметини, учинчидан, мазмун-моҳиятини, тўртинчидан, жамиятга таъсирини шубҳа остига қўяди, бешинчидан, фалсафани мутлақлаштиради,

уни ўрганишни, тушуниш ва тушунтиришни ниҳоятда қийинлаштириб, субъективизм, индивидуализм, боқимандалик, лоқайдликнинг кучайишига манба бўлиб хизмат қилади.

XX аср илмий тилда «измлар асри» бўлган бўлса, XXI аср илмий тилда мавжуд бўлган ҳамда эътироф этилган атамаларнинг янгиси билан аташ ёки янги атама ўйлаб топиш «урф-одатга айланган аср» номи билан бошланди, дея оламиз. Лекин бу жараённинг икки жиҳатини ҳисобга олиш муҳимдир. **Биринчи ҳолати**, мавжуд ҳамда эътироф этилган атамаларни янгиси билан аташ илмий тилда, илмий тадқиқотларда жиддий ноаниқликларни келтириб чиқаради. **Иккинчи ҳолати**, янги атамаларни ўйлаб топиш ва уларни «тўла асослаш» орқали илмий тилга киритиш ижтимоий ҳодисаларнинг моҳият-мазмунини ҳар томонлама тушуниш ва тушунтиришда жиддий қийинчиликка олиб келади. Чунки глобаллашув шаронтида фалсафа фанидаги «майдалашув» («изм»лар ҳисобига) прогрессга эмас, регрессга олиб келувчи мутлақликдир.

Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Бизнингча, бундай анъанага маълум ўзгартишлар киритиш лозим. Чунки грек фалсафаси грек жамияти фалсафасини тушунишда асосий манба ҳисобланади. Лекин грек жамияти ичида битта ёки бир нечта интеллектуал салоҳиятли шахсларнинг фалсафий қарашлари содир бўлса-да, у грек жамияти ёки халқни фалсафаси мазмун-моҳиятини тўла белгиламайди. Шу пайтга қадар грек фалсафаси деб аслида аристократлар – элита фалсафаси (Абу Райҳон Беруний) ўрганилди ва ўргатилди. Грек фалсафаси вакиллари, ўзлари ишлаб чиққан ғоя бўйича «инг юқори, маданиятли кишилар фалсафаси вакиллари» (Фалес, Аристотель, Платон), бошқа халқлар (шунингдек, грек фалсафаси вакиллари ўз жамиятларидаги бошқа аъзоларни, бошқа социал қатламларни ҳам) маданияти ва фалсафаси варварларники, яъни ёввойилар фалсафаси, деб ҳисоблашган ҳамда ўз таълимотларини айтиш шунингдек ғоя асосида шакллантиришган. Масалан, Фалес (мил.ав. 625–547 й.й.): «Мен уч нарса учун тақдирдан миннатдорман: биринчидан, ҳайвон эмас, инсон бўлиб туғилганим учун; иккинчидан аёл эмас, эркак бўлиб туғилганим учун; учинчидан эса варвар эмас, эллинлик бўлганим учун», – деганида ўзи яшаган элли-

та муҳитининг ижтимоий онги ҳамда ўша давр юнон аристократларининг маънавияти ва маданиятининг ўзига хослиги, яъни Ғарб индивидуализмни кўрсатган.

Платон фалсафасида донолик ва мардлик фақат аристократларга, яъни ҳукмдорларгагина хосдир. Барча юнон файласуфлари сингари Платон ҳам «демос»ни, яъни халқни ахлоқий сифатлардан маҳрум, фақат салбий сифатлар мужассам мавжудот сифатида кўрсатади. Ҳатто, қулларни одам тоифасига киритмаган ҳамда уларда ахлоқий фазилатлар умуман мавжуд бўлмайти, деб таъкидлаганди. Бу ғоялар Платоннинг «Пир», «Тэтэт», «Федон», «Давлат», «Қонунлар» каби диалогларида ўз ифодасини топган. Платоннинг юқоридаги ижтимоий тенгсизлик ғоясини «коммунистик таълимот асосчиси» (К.Маркс) Ғарб фалсафаси вакили бўлганлиги сабабли ҳам бу камчилик юнонларга эмас, балки Шарққа тегишли, ижтимоий адолатсизлик Шарқда мавжуд бўлган, кейин у Ғарбга таъсир қилган ҳамда уни Ғарб ўзлаштириб олиб, ўзига татбиқ қилган, деб даъво қилади ҳамда шу йўли билан Ғарбнинг ижтимоий тенгсизлик ғоясини оқтаб, жўнгина қўйидагича ифодалайди: «Платон ... Мисрдаги каста тузумини афинача идеаллаштирди» (К.Маркс).

Демак, бир томондан, идеологиянинг фан фалсафаси, хусусан, фалсафа фани устидан ҳукмронлигини ўрнатилганининг асоссизлигини, иккинчи томондан, фанини сиёсатлаштириш – унинг регрессига эмас, регрессига олиб келишини кўрсатади.

Зеро, Абу Наср Форобий фалсафа фанининг мазмун-моҳиятини, жамият равнақидаги ўрнини, шахс баркамоллигидаги ролини оддий, содда қилиб Шарқона илмий тилда қўйидагича ифодалаган эди: «Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз... Фалсафа билими очиқ-ойдин ишончли далил-ҳужжатларга эга бўлади. Одамлар фалсафа йўли билан исбот этилган мавжудот, нарса ҳақида тўла ишонч ва қаноатга эга бўладилар. Файласуфнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ бўлиши керак. Шунингдек, ўз халқининг раёини ва

ўз халқига бўлган энг яхши урф-одатларни қаттиқ тутган бўлиши керак... Файласуф бўлмоқчи бўлган одам ўз ахлоқи ва хислатлари билан бу айтилган шартларга жавоб бера олса, шундан кейин у фалсафа билимини ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин»<sup>2</sup>. Бу қимматли фикрлар глобаллашув шароитида ҳам концептуал аҳамият касб этади.

## **Ҳозирги макон ва замонда фалсафа фани структурасидаги баъзи бир масалалар**

Глобаллашув шароитида фалсафа фанига эҳтиёжнинг ошганлиги унинг структурасида ўзига хос «бўлиниш»ларга олиб келмоқда. Бу, бир томондан, фалсафа фанининг мазмун-моҳиятини тушунишга янада кенгроқ имконият бера, иккинчи томондан, «бўлинган бўлак»ларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги ҳамда асосланмаганлиги натижасида ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради.

*Жаҳон фалсафасини қуйидаги структурага бўлиб ўрганиш анъанаси сақланиб қолган:*

Ғарб фалсафаси;  
Шарқ фалсафаси.

*Ижтимоий онг нуқтаи назаридан:*

фан – фан фалсафаси;  
дин – дин фалсафаси;  
ҳуқуқ – ҳуқуқ фалсафаси;  
ахлоқ – ахлоқ фалсафаси;  
санъат – санъат фалсафаси ва бошқалар.

*Миллатнинг генезиси, моҳияти, пайдо бўлиши, жамиятнинг ривожланиш динамикасидаги ўрни, роли, аҳамиятини ифодалаш бўйича:*

араб фалсафаси;  
немис фалсафаси;

---

<sup>2</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон», 1971. –29-бет.

хитой фалсафаси;  
ўзбек фалсафаси;  
грек фалсафаси ва бошқалар.

***Фалсафа тарихи бўйича:***

***Шарқ фалсафа тарихи***

Миср фалсафа тарихи;  
Хитой фалсафа тарихи;  
Ўзбекистон фалсафа тарихи ва бошқалар.

***Ғарб фалсафа тарихи***

немис фалсафа тарихи;  
рус фалсафа тарихи;  
инглиз фалсафа тарихи ва бошқалар.

***Фалсафа фанининг ўзига хослигини алоҳида таъкиди сифатида:***

амалий фалсафа;  
аналитик фалсафа ва бошқалар.

***Иътимоий ҳодисаларни мазмун-моҳиятини маъмуаси таҳлили натижаси сифатида:***

муроса фалсафаси.  
кураш фалсафаси;  
жамият фалсафаси;  
тинчлик фалсафаси;  
давлат фалсафаси;  
спорт фалсафаси ва бошқалар.

Дарҳақиқат, бунда фалсафа объектнинг ташқи ва ички мазмун-моҳиятини кўрсатиш ҳамда тўла тушуниш учун шартли равишда «бўлинган»лигини назарда тутиш керак. Чунки ҳар бир «бўлиш»нинг ўзида кўплаб мантиқий саволларга жавоб беришга тўғри келади. Масалан, жаҳон фалсафаси нима сабабдан Шарқ ва Ғарбга ажратилган? Жаҳон миқёсида олинаётган бўлса, нима сабабдан Жануб ва Шимол фалсафаси, деб кўрсатилмаган? Нега Шимол ва Жа-



нуб фалсафаси, Баландлик (ердан осмонга томон) ва Чуқурлик (ернинг қаърига томон) фалсафаси тарзида масалалар қўйилмаган ҳамда алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган? Яъни, инсоният ХХІ асрнинг ўн йиллигида ҳам борлиқни (бутун) фақат тўрт (Шарқ, Жануб, Шимол, Ғарб) томон (бўлак) тарзида, бунда ҳам аксарият ҳолларда фақат Шарқ ва Ғарбни ўрганишга устуворлик бериш нуқтаи назаридан ўрганган. Бу ҳақда олдинги тадқиқотларимизда қисқача тўхтаб ўтганмиз<sup>3</sup>.

Фан фалсафаси нуқтаи назаридан мавжуд фанларнинг бирортаси миллий фан бўлиши мумкин эмас. Унда нима учун «бўлиш»да Хитой фалсафаси, Грек фалсафаси, Араб фалсафаси, деб кўрсатилган ва ҳоказо.

### **Фалсафанинг кўрсатиш методи ва Ўзбекистон фалсафа тарихини тадқиқ қилишнинг айрим масалалари**

Китобни ёзишда аجدодларимиз ўғитларига, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар мазмун ва моҳиятини англашда билиш методларининг ранг-баранглиги тўғрисида билдирилган мулоҳазаларга таянилди. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қуйидаги фикрлари мазкур масалани тушунишда муҳимдир: «Мақсад гапни чўзиш эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик. Чунки доимо бир нарсага қарайверниш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Ўқувчи фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганган ўхшайди. Бирини кўриб улгурмай бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада ўзига яраша лаззат бор», дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди. Бир хил нарса чарчатади, хотирага малол келтиради»<sup>4</sup>. Бу фикрларда тадқиқотда ҳам, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш, тушунтириш, ўрганиш ва ўргатишда ҳам «кўриш», «кўздан кечириш» муҳимлиги таъкидланиб, бизнингча, айнан фалсафанинг кўрсатиш методига алоҳида эътибор қаратилади. Шу-

---

<sup>3</sup> *Хаитов Ш.* Шахс мураса фалсафаси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010; *Хаитов Ш.* Мураса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010.

<sup>4</sup> *Беруний А.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т.1. –Т.: «Фан», 1968. –22-бет.

нингдек, изоҳланаётган объектнинг макон ва замондаги ўрни ҳамда қайси объектга қандай, қайси методда қўлланиш шартлиги ғояси илгари сурилади. Агар бу ғояни ўтмишда ва ҳозир мавжуд бўлган фалсафа дарслиги ҳамда фалсафа соҳасидаги ўқув қўлланмаларига татбиқ қилсак, унда ўзгача ҳолат кўзга ташланади.

*Фикрилизча, фалсафа фанини тор қобиққа ўраб тақдим этиши ва ўргатиши фаннинг мазмун-моҳиятини тушунишида қийинчиликларга олиб келган. Шу сабабли ҳам мутахассис бўлмаганларнинг аксарияти фалсафани энг қийин ва энг мавҳум фан, деб ҳисоблайди. Бунинг энг асосий сабаби бизнингча, фалсафа фанининг мазмун-моҳиятини тушуштиришида унинг объекти ва предметига қандай деб эмас, балки ким деган зайдда ёндашилганлигидир.*

Тошкентга турли мамлакатлар делегацияларининг, давлат раҳбарларининг, сайёҳларнинг ташрифи халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада самарали бўлиши ҳақида академик И.Каримов шундай таъкидлаган: «Мамлакатларнинг халқлари бир-бирларидан нечоғли кўп хабардор бўлсалар, чет элларда Ўзбекистонни, республикада эса халқаро ҳаётни қанчалик яхшироқ билсалар... алоқалар ҳам шу қадар кенг ва самарали бўлади. Жаҳон халқлари ҳар бир мамлакатнинг маданий, маънавий ва диний... воқеликларини қанчалик яхши англаса, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар шу қадар самарали бўлади»<sup>5</sup>.

Ишлар кўрсатиш методи орқали ташкил қилинса, унинг мукамал механизми ишлаб чиқилса, энг аввало, халқимиз, миллатимиз, озод Ватанимиздаги бу объектив, холис ўзгаришлардан нафақат жамият аъзолари, балки халқаро ҳамжамият ҳам бохабар бўлади ҳамда бунёдкорлик, ижодкорликнинг намуна бўлувчи янги жиҳатлари хорижда ҳам татбиқ этилишига олиб келади. Бу жиҳатдан турли мавзуларда симпозиум, конференция, давра суҳбатларини ўтказишнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Фалсафанинг кўрсатиш методини жамиятнинг барча соҳаларига, давлатнинг ички ва ташқи соҳасига қанчалик кўп, амалий жорий қилинса, мамлакат, халқ, миллатнинг инсоният цивилизациясига

---

<sup>5</sup> Каримов И. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 339-бет.

қўшган ва қўшаётган ҳиссасини аниқлаш мезонида объективлик, холислик шунчалик аниқ далиллар асосига қурилади. Фалсафанинг кўрсатиш методининг амалий жиҳати икки кўринишда намоён бўлади. **Биринчиси:** эришган барча ютуқларни (шу жумладан аждодлар бунёд этган моддий ва маънавий қадриятлар) хорижга олиб бориб кўрсатиш. Бу жараёндаги қийинчиликлардан (молиявий) чўчимаслик муҳимдир. Шунингдек, мазкур жараёнда турли восита ва усуллардан (ҳужжатли ва бадий кинофильмлар, китобларни хорижий тилларга таржима қилиш, илмий йўналишда чиқадиган журналларни турли тилларда нашр қилишни йўлга қўйиш, халқаро симпозиум, конгресс, конференцияларда мавзу доирасидаги йўналишлар бўйича олимларнинг иштирокини (давлат ҳисобидан) таъминлаш, турли хил кўргазмалар ташкил этиш ва ҳ.к.) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. **Иккинчиси:** жаҳон ҳамжамиятини мамлакатга «олиб келиб», эришилган ютуқларни (шу жумладан авлодлар бунёд этган моддий ва маънавий қадриятларни) кўрсатиш. Мазкур татбирда, яъни хорижликларни «олиб келиб» кўрсатиш (сайёҳлар, халқаро симпозиум, конгресс, конференция, семинар, давра суҳбати ва ҳақозо) ҳам турли хил воситаларда намоён бўлади. Ундаги «иждодий сальдо» шундаки, бунинг натижаси, резонанси тезроқ сезилади. Испаниянинг таниқли журналисти Лаура Пастор Арранс туристик «Альфатур» альманахидаги «Ўзбекистонга сайёҳат» номли мақоласини: «Мен барча испанияликларни мафтункор мамлакат – Ўзбекистонга таклиф қиламан. Чунки «юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал», деган мақол бежизга айтилмаган»<sup>6</sup>, – деб яқунлаган.

Кейинги пайтларда мамлакат моддий ва маънавий соҳаларда эришган ютуқлар, инсоният цивилизациясига қўшилган ҳиссани ташқарига олиб бориб кўрсатишга бўлган интилиш кучайди. И.Каримовнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида ҳам мазкур муаммо алоҳида таъкидланди: «...биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак... Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданияти-

---

<sup>6</sup> Чарующая страна – Узбекистан// Правда Востока. 20 января 2011 года.

миз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Фарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим»<sup>7</sup>.

Кўрсатиш методида мураса тамойилларига амал қилиш талаб этилади. Бу жараёнда, энг аввало, Ватан, халқ, миллат манфаати ҳисобга олинishi муҳим. «Чунки бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан нурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан кунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас»<sup>8</sup>.

Мавжуд адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда алоҳида олинган давлат ёки миллатнинг (Хитой, Миср, Ҳиндистон) фалсафа тарихи тўғрисидаги баён, изоҳ, қараш, ғоя, фикр-мулоҳазалар фан фалсафаси, яъни тор доирада, фақат фалсафа фани тарихи доирасидагина кўрсатилади. Бу анъанавийликни фалсафанинг кўрсатиш методи орқали ўзгартриш ҳамда ўзига хос тарзда изоҳлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу, айниқса, глобаллашув шароитида, дунёда кўп қутблилик кучайган, айрим давлатларнинг гегемонлик ва шовинистик «иштакаси» очилган пайтда жуда ҳам зарурдир. *Бунда, энг аввало, жаҳонда мавжуд барча миллат ва давлатларнинг ўз фалсафа тарихи бор, дегаи тамойилга устуворлик берилиши муҳимдир.* Зеро, фалсафа тарихини фан фалсафаси доирасида чеклаш ҳолида эмас, балки инсоният пайдо бўлиши жараёнидаги ҳола-

---

<sup>7</sup> Халқ сўзи. 2009 йил 3 июль.

<sup>8</sup> Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тарққинёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир// Халқ сўзи. 2009 йил 6 декабрь.

ти, табий муҳити ва унинг таъсири, миллатнинг келиб чиқишининг қадимийлиги, давлатчилиги пайдо бўлишининг тарихийлиги, моддий ва маънавий бойликлари, жамиятнинг барча соҳалари уйғунлиги, уларнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни, унга қўшган ҳиссаси ва бошқа миллатлар ёки давлатлар шаклланишига кўрсатган таъсирини очиб бериш нуқтаи назаридан ёндашишга устуворлик бериш тамойили орқалигина ўрганиш, талқин қилиш, изоҳлаш, кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Айни шу тамойил асосида жаҳон фалсафаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларга «Ўзбекистон фалсафаси» ва «Ўзбекистон фалсафа тарихи» атамалари киритилиши, асосланиши, тадқиқ қилиниши ҳамда халқаро ҳамжамиятга кўрсатилиши лозим. Умуман, бир сўз билан айтганда, «мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналиш пайдо бўлиши керак» (И.Каримов).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан институт ва университетлар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинган швед олимлари Гуннар Скирбекк ва Нильс Гильеларнинг «Фалсафа тарихи» китоби 6-бобининг «Университет анъанаси» ҳамда «Араб фалсафаси ва фани» параграфларида ажодларимизни, хусусан, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийни «араб олимлари», «араб файласуфлари» деган хато ғоя ҳар доимгидек анъанавий тарзда кўрсатилган. Лекин мазкур китобдаги «Ўзбекча нашрига сўз боши»да илк бор бу анъана «бузилиб», илк марта қуйидагича изоҳланган: «...қадимги ҳинд ва хитой тафаккурига мурожаат қилар эканмиз, китобхонга ўзга анъаналарни ҳам эслатиб ўтамиз. Бу эслатиш ҳар қандай китобхон учун ҳам муҳим, лекин у ўзбек аудиториёси учун алоҳида маъно ва аҳамият касб этади. Чунки Бухоро сингари қадимий маданият марказлари Хитой ва Европа ўртасидаги Буюк ипак йўлида, ҳинд, форс ва мусулмон маданиятлари чорраҳасида жойлашган эди. Антик давр сўнггида, Ғарб маданияти инқирозидан кейин айнан мусулмон олимлари антик меросни ўзлаштирдилар (*ўзлаштирмаган, балки «Авесто»да илгари сурилган гоёларни ўзлаштириб, ўзга маданий меросни қайта тиклади, сақлаб*

қолди ҳамда ўзгаларга янги макон ва замонда қайтариб берди – Ш.Х.) ва ривожлантирдилар, улкан илмий кашфиётлар қилдилар. Абу Али ибн Сино (980–1037) ва ал-Хоразмий (780–850) номлари бизнинг умумий интеллектуал тарихимиз ва меросимизга мансуб ва уларнинг ҳаёти Ўзбекистон ҳудудида кечган эди. Худди шу фикр-ни математик ва мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973–1050) ҳамда Самарқандда расадхона асосчиси, астроном Муҳаммад Мирзо Улуғбек (1394–1449) тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Улар эришган ютуқлар ҳозирги фан ва маданиятнинг узвий қисмига айланди<sup>9</sup>. Бу Ғарбнинг XXI асрга келиб Шарқни эътироф этиш тенденцияси кўринишидир. Лекин бу объектив жараён осон, тез кечмайди, айни шунинг учун ҳам юқорида муаллифлар (Ғарб) ҳавас эмас, ҳасад билан «му-сулмон олимлари антик меросни ўзлаштирдилар», деб фандаги ғарбона индивидуализмни, фандаги менсимасликни очиқдан очиқ кўрсатадилар.

Муаллифлар нафақат «араб файласуфлари» анъанасини биринчи марта «бузиш»ган ва айни пайтда гарчи «Сўз боши»да бўлса-да (китобнинг бошқа саҳифаларида учратмадик) Беруний ва Улуғбекларнинг қилган хизматларини «билиш»ларини кўрсатган ва уларнинг ўзбекистонлик эканлигини эътироф этган. Шунингдек, «Сўз боши»да «Рус ва хитой тилларида (инглиз ва немис тилидаги нашридан ташқари) нашр этилган мазкур китоб энди Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубнинг тарихий ўзаро таъсири маркази бўлган Ўзбекистон аудиториясига тақдим қилинмоқда» деб кўрсатилади. Бу фикрлар Ўзбекистон ҳудудини жаҳон цивилизацияси бешинги ҳамда барча маданиятлар «ўзаро таъсири маркази» эканлигининг эътирофидир.

Шунингдек, китобнинг «Ўзбекча нашрига сўз боши»сида «...китобхонга ўзга анъаналарни ҳам эслатиб ўтамиз. Бу эслатиш ҳар қандай китобхон учун ҳам муҳим, лекин у ўзбек аудиторияси учун алоҳида маъно ва аҳамият касб этади», деб кўрсатилади. Муаллифлар ўзбек китобхонларига «ўзга анъаналарни ҳам эслатиб ўтамиз», деб Ўзбекистонни ҳам «Ғарбга киритганми?», деган савол туғилади. Чунки ўзга анъаналар китоб муаллифлари талқинида «ҳинд ва хитой тафаккури»дир.

---

<sup>9</sup> Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т.: «Шарқ», 2002. – 7-бет.

Ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида илм, фан, дин, фалсафа юксак даражада равнақ топган. Лекин у «Араб фалсафаси» («...араб фалсафаси олдидаги хизматлари туфайли Форобий номи шу кунгача яшаб келмоқда» – инглиз арабшуноси *Х.А.Гибб*), XX асрда «Рус фалсафаси» изоҳлангани сингари талқин қилинган. Шу сабабдан XX асрда «Араб фалсафаси» манбаларда қуйидаги мазмунда берилган: «Араб фалсафаси – ўрта асрчилик даврида ислом динини қабул қилган ва араб тилидан фан тили сифатида фойдаланган Шарқ халқлари мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган фалсафий таълимотлар мажмуи»<sup>10</sup>.

Умуман олганда, инсоният цивилизацияси бешиклигига даъвогарлик қиладиган ҳудуд, давлат, халқ, миллат, энг аввало, насл-насаб талабларига, тамойилларига ҳам тўла жавоб бериши шарт. Зеро, «Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамыз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олийжаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз дунёда нафақат фарзандларимиз, балки неvara-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунча туришини истаймиз»<sup>11</sup>.

## **Фалсафа тарихи масалалари талқинига янгича қарашлар**

XX асрнинг 80–90-йилларида фалсафа фанида илгари сурилган Ғарб ғояларида дунёқарашни шаклларга бўлиб ўрганишга устуворлик берилди. Яъни, дунёқараш мифологик, диний, фалсафий шаклларга эгаллиги ҳар томонлама «исботланди» ва бу ғоя фалсафа фанига алоҳида мавзу сифатида киритилди. Лекин, бизнинг назаримизда, бунда фалсафанинг бутун ва бўлак, система, структура, элемент категориялари нисбати ҳисобга олинмади. Яъни, мазмун шаклга айлантирилди, тенглаштирилди. Чунки шундай ижтимоий ҳодиса-

---

<sup>10</sup> Философский словарь. –М.: «Политиздат», 1975. –С.86.

<sup>11</sup> *Каримов И. Хушёрликка даъват//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон». 2000. – 31-бет.*

лар борки, уларни бўлакларга айлантириш, шаклларга бўлиш логика фани талабларига зид ҳолатга олиб келади. Шунинг учун шаклларга ажратиш ва уларнинг бир биридан фарқ қилишини мутлақлаштириш илмий тадқиқот натижасини саёзлаштиради ва мазкур ижтимоий ҳодисани тушунишда ўқувчи учун муайян қийинчилик туғдиради. Бу бевосита дунёқараш ва уни шаклларга ажратишга ҳам тааллуқлидир. Чунки дунёқараш шаклларга бўлинмайди. Сабаби аниқ, яъни инсоннинг (у хоҳ илк одам, хоҳ ҳозирги одам) дунёқарашинда мифологик, диний, фалсафий кўринишлар мужассам бўлади. Фақат алоҳида олинган индивид дунёқарашинда уларнинг инсбати, ўрни, салмоғи турлича бўлиши табиийдир. Бунда, энг аввало, инсон мясининг ташқи оламни қай даражада (мукаммал ёки номукаммал, тўлиқ ёки саёз) акс эттиришига, инсоннинг борлиқдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимига, яшаган замон ва маконига боғлиқлигини илмий тадқиқотда ҳисобга олиш – унинг объективлигида муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, дунёқараш яхлит тушунча ва ундаги ҳар қандай кўринишининг ўз фалсафаси мавжуд.

Биз олдинги тадқиқотларимизда<sup>12</sup> Авесто Ғарб ва Шарқ фалсафасининг шаклланишига бевосита таъсир қилганлиги ҳамда уларнинг ривожига муайян аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб ўтган эдик. Шунингдек, мазкур тадқиқотда Ғарб фалсафасидаги мураккаб тушунтириш, изоҳлаш услубидан ажодларимизнинг азалдан мавжуд бўлган оддий, содда талқин қилиш афзаллигини алоҳида таъкидлаб, амалий илмий тадқиқот натижаларида унга рияз этишга ҳаракат қилган эдик.

Ўз таълимотининг ўта зиддиятли, мураккаб тарзда баёнини берган объектив идеалист Гегель ҳам Шарқ фалсафасини четлаб ўта олмаган. У Шарқ фалсафа тарихини ўрганган ҳамда ўз муносабатини билдирган. Лекин бу муносабат, яъни унинг Шарқ фалсафаси ҳақида билдирган фикрлари ҳам бир-бирига зид ҳамда европацентризм доирасидан четга чиқа олмаган. Бироқ немис классик фалса-

---

<sup>12</sup> *Хаитов Ш.* Мурса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кىриш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2010; *Хаитов Ш.* Шахс мурса фалсафаси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2010; *Хаитов Ш.* Мурса и введение в историю философии Узбекистана. Уфа.: Изд-во БГПУ. 2010.



фаси вакили Гегель ўз таълимотини шу даражада «яширин» баён қилганки, у ўқувчини ўйлашга ҳамда шу асосидагина мантиқий хулоса чиқаришга ундайди. Шу маънода рус файласуфи Г.В.Плехановнинг Гегель ҳақидаги қуйидаги фикрларига қўшилиш мумкин: Гегель фалсафаси «...бизни тафаккурдаги изчилликка ўргатади, кимда-ким унинг шафқатсиз мактабини муҳаббат ва диққат билан ўтар экан, у ундан умрбод эклектизмнинг аралаш-қуралашлигидан қутқарувчи нафратланиш ҳисларини олади»<sup>13</sup>. Гегель даврида Шарқ фалсафа тарихи масалаларини ўрганиш энди бошланаётган эди. Шарқ фалсафа тарихини ўрганиш, Гегель фикрича, унинг замондошлари бўлган Фридрих Шлегель ва Кольбрук бошлаб берган. Қуйида уларнинг баъзи фикрларини келтирамиз ва хулоса чиқаришни ўқувчи ҳукмига ҳавола қиламиз: «Биз араблар ҳақида айтишимиз мумкин: уларнинг философияси философия тараққиётида ўзига хос босқични ташкил этмайди»<sup>14</sup>; «Фан ва илм, хусусан, философия Фарбга араблардан ўтган; мардонавор шеърят ва ҳур фантазия шарқий германияликларда алангаланиб кетди»<sup>15</sup>; «Шарқ философияси, деб аталмиш философия вақт эътибори бўйича биринчидир, бироқ у бизнинг баёнимиз таркибига кирмайди; у қандайдир дастлабки философия бўлиб, унинг тўғрисида биз атиги нима учун уни муфассалроқ баён этмаётганимизни ва унинг фикрга, ҳақиқий философияга қандай муносабатда эканлигини тушунтириш учунгина гапирамиз»<sup>16</sup>; «Шарқ фалсафа тарихини авваллари диний нуқтан назардан эътироф этардилар, эндиликда биз ҳақиқий фалсафий асарлар билан таниша бошладик»<sup>17</sup>.

Маълумки, фалсафа тарихи фаннинг энг қийин предметларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, мазкур масаладаги плюрализм, қарама-қарши фикрлар мазкур мавзуни мукамал тушуниш ва англашни янада қийинлаштиради. Айниқса, асрлар давомида Фарбнинг ус-тунлиги ғоясини «синдириш»га бўлган объектив жараённинг кучай-

---

<sup>13</sup> Плеханов В.Г. Избранные философские произведения в 5 томах. –М.: «Госполитиздат», 1956. – С.430.

<sup>14</sup> Гегель. Соч, том XI, кн.3, М-Л.: Соцэжгиз, 1935. –С.101.

<sup>15</sup> Гегель. Соч, том VIII, М-Л.: Соцэжгиз, 1935. –С.339.

<sup>16</sup> Гегель. Соч, том IX, кн 1, М-Л.: Партиздат, 1932. –С.109.

<sup>17</sup> Гегель. Соч, том IX, кн 1, М-Л.: Партиздат, 1932. –С.117.

ганлиги бу масалада янада теран тадқиқот олиб боришни тақозо қилади. Очигини айтиш керак, русларда антик фалсафа вақиллари бўлмагач, интернационализм рўкач қилиниб, европацентризм амалда қўллаб-қувватланиб антик грек фалсафаси ва Европа халқлари (немислар, инглизлар, французлар, италиянлар) фалсафа тарихини ўқиш ва ўқитишга устуворлик берилган. Ёки собиқ Иттифоқ даврида ҳам, ҳозирги шароитда ҳам Россияда нашр қилинган фалсафа тарихига оид дарслик, ўқув қўлланма, монография, китобларда фақат рус (ёки славян) миллатига мансуб бўлган файласуфларнигина фалсафий қарашлари тадқиқ қилинган, ўрганилган ва ўргатилмоқда.

1990 йилда Москва давлат университети нашретида чоп этилган М.Н.Громов ва Н.С.Козловларнинг «X–XVII асрда рус фалсафий қарашлари» номли китоб»<sup>18</sup> (35 000 нусха) «Сўз бошиси»да «қадимги рус» деган ибора X–XVII асрлардаги русларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ўз ичига олади, деб таъкидланган. Шунингдек, мазкур китобнинг биринчи қисми «X–XVII аср ватан фалсафаси курсини бошлашда»<sup>19</sup> ...» («Приступая к курсу отечественной философии X–XVII вв.,...»), деб кўрсатилган. Бу, биринчидан, «Ватан фалсафаси» деган ибора билан қайси ватан ёки кимнинг ватани назарда тутилганлиги англашилмайди, чунки 1990 йилда ҳали собиқ Иттифоқ тарқалмаган эди, иккинчидан эса, назаримизда, Ватан деганда Россияга ишора кўрилиб турибди. Агарда муаллифлар юқоридагидек хулоса чиқармаганларида эди, «Ватан фалсафа курсини»нинг қадимийлигини мил. авв. 3000 йилликлар, деб кўрсатган бўларди. Улар Ватанлари фалсафасининг қадимийлиги X асрдан бошланишини кўрсатиш баробарида, фанда, билимда, маданиятда ўзларидан бир неча баробар юқори бўлган халқларнинг жаҳон цивилизацияси тамал тошини қўйганлигини «унутишган». Башарти, муаллифлар Ватан фалсафаси тарихи мил. авв. 3000 йиллардан (Ўзбекистон фалсафа тарихи нуқтан назардан), қадимги русларнинг фалсафаси эса X асрдан бошланади, деб кўрсатганларида мантқиқан тўғри, объектив хулоса бўларди.

---

<sup>18</sup> Громов М.Н., Козлов Н.С. Русская философская мысль X–XVII веков. –М.: Изд. Московского университета., 1990. –С.3.

<sup>19</sup> Ўша жойда. – Б.5.

Б.Н. Бессоновнинг «Фалсафа тарихи» дарслигида анъанавий Фарбнинг устунлиги фояси ҳам мазмунан, ҳам шаклан қўллаб-қувватланади. Бу анъана XXI аср Фарб фалсафасига оид чиққан китоблар муаллифлари тадқиқотларининг аксариятига хосдир<sup>20</sup>.

Лекин XXI асрнинг 10 йил ичида бу анъана Фарб томонидан «бузила» бошланди ҳамда дарслик, ўқув қўлланма, монография ва тўпламларда биринчи боб «Шарқ фалсафаси»га (Восточная философия), иккинчи боб эса «Антик (грек-рим) фалсафа» (Античная (греко-римская) философия) бағишланганлигини кўришимиз мумкин<sup>21</sup>. Буни фалсафа тарихида ўзига хос «революция» дейиш мумкин. Бироқ жаҳон фалсафаси тарихи анъана тарзида «Қадимги ҳинд фалсафаси»дан бошланади. Бизнинг назаримизда муаллифлар бевосита шаклни ўзгартиришган, аммо мазмун бузилмаган. Яъни, ўқувчи эътибор берган бўлса, Фарб илк фалсафий қарашларининг шаклланишини «антик» (назаримизда, аксарият ҳолларда мазкур сўз ўзбек тилига «қадимги», деб таржима қилинади. Бизнингча, бунда «антик – энг қадимги», деб берилиши керак) атамаси билан, кейинги босқични эса «Қадимги» сўзи билан белгилаганлигини кўрамиз. Шунингдек, жаҳон фалсафасига «Япон фалсафаси» атамаси киритилган ҳамда унинг ўзига хослиги, мазмун-моҳияти ҳар томонлама очиб беришга уриниш фалсафа тарихига оид китобларда кўзга ташланмоқда.

Россиялик олима А.Р. Лукьянова ўз мақоласида ислом олимлари қаторига Ибн Синони, Берунийни киритади. Шунингдек, ислом фалсафасида Ўрта Осиёлик олимлар, деб Улуғбекни, хоразмлик олим деб Абу Райҳон Берунийни киритганки, эндиликда Фарб умумийликдан (ислом фалсафаси) хусусийликка (Ўрта Осиё) ҳамда яккаликка (хоразмлик) ўтишни бошлаганлигини кўришимиз мумкин. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати эса маълумотнинг етарли бўлмаганлиги оқибатида мақолада энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний номини турлича кўрсатиб, унинг «икки»талигига ишора қилмоқчи бўлади. Бу ҳолатда ўқувчида Абу Райҳон Бе-

---

<sup>20</sup> Қаранг.: Керри Р. Диалоги о Европе. –М.: 2002; Леви-Строс К. Первобытное мышление. –М.: 2000; Хайтингтон С. Столкновение цивилизаций. –М.: 2003 ва ҳоказо.

<sup>21</sup> Қаранг.: Светлов В.А. История философии в схемах и комментариях. –М.: «Питер», 2010.

руний тўғрисида тўла тасаввур ҳосил бўлмайди. Мақоланинг бош-ланишида: «**Абу Рехан Беруни** (таъкид бизники – *Ш.Х.*) – научный гений, ставший настоящим украшением двора Махмуда Газни<sup>22</sup>», деб кўрсатса мақола охирида: «Другой великий хоразмийский ученый – энциклопедист **Абу-р-Рейхан аль-Бируни** (таъкид бизники – *Ш.Х.*) (973–ок. 1050) создал капитальные работы не только по математике и астрономии, но и по ботанике, географии, общей геологии, минералогии и другим наукам»<sup>23</sup>, деб таъкидлайди.

Тарихдан маълумки ва бу ҳақда аввалги саҳифаларда ҳам айтиб ўтилди-ки, араблар юнон фалсафасини махсус ўрганганлар (Хорун ар-Рашид давридаги «Таржимонлар мактаби»). Чунки улар жаҳон фалсафасининг юнон фалсафасидан олдинги ривожни тўғрисида маълумотга эга бўлмаганлар. Шу боис Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндий (800–879) фалсафани ўрганиш тўғрисида шундай деб ёзган: «Фалсафани ўрганиш, уни ўзлаштириш ва асослаш ниятидаги киши юнон Аристотел (Арасту)нинг фалсафий китобларисиз бунга эриша олмайди»<sup>24</sup>. Эҳтимол, араблар юнон фалсафасининг шаклланишига Авестошнинг таъсирини билган, лекин улар Зардушт динига қарши бўлганлиги боис ҳамда унинг ўзлари босиб олган Туркистондан чиққанлигини билганлиги сабабли, ўша даврда Туркистон ўзининг бой маданияти, илм-фани арабларникидан юқори бўлганлигини тан олмаганлиги ҳисобига, араб файласуфи Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндий барча ватандошлари истакларини инobatга олиб шундай фикрга келган. Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг юқоридаги фикрлари Фарб учун ҳам ўзларининг «биринчилигини исботлашда» қўл келган. Шу сабабли ҳам Фарб илм аҳли томонидан Араб фалсафаси, Эрон-араб перипатетизми, Араб-испан фалсафаси, Араб-испан перипатетикларининг ажойиб сулоласи, Аверроэс – Ибн Рушд, Эрон-араб фалсафаси, Испан-араб фалсафаси, Араб Ренессанси, Шарқ Ренессанси, Муслмон Ренессанси, Араб фалсафаси, Араб перипатетизми, Лотин авероизми, Шарқ араб аристотелизми каби

---

<sup>22</sup> Лукьянова Р.А. Истинный ислам и наука/Идеалы и ценности Ислама в образовательном пространстве XXI века. –Уфа, 2010. –С.73.

<sup>23</sup> Ўша жойда. –75-бет.

<sup>24</sup> IX-XVI асрлар Яқин ва Узоқ Шарқ мутафаккирларининг сайланган асарлари. –М.:1952. – 31-бет.

атамалар ўйлаб топилган, асосланган ҳамда XXI асрнинг 10-йилларигача бу атамалар «мутлақ» ҳисобланган. Мазкур атамаларнинг «мутлақ»лиги шу даражада мустаҳкам бўлганки, ҳатто мустақилликка эришган Ўзбекистон фалсафасида ҳам ўзининг «муносиб» ўрнини эгаллаган. Акс ҳолда ҳозирда ҳам илмий тадқиқотларда қуйидагича мунозарали фикрлар ўртага ташланмаган бўларди: «Шундай қилиб, ўрта асрлар фалсафаси билан танишиш, бу даврда фалсафий ғоялар юнон фалсафасидан араб фалсафасига томон (Ғарбдан Шарққа); сўнг халифалик доирасида эрон-араб фалсафасидан испан-араб фалсафасига (Шарқдан Ғарбга томон); умуман араб дунёси мамлакатларидан Ғарб давлатлари томон ҳаракатланганлигини кўрсатади»<sup>25</sup>. Бу сингари ҳолатлар бевосита фан фалсафасида, хусусан, фалсафа фанида ўзига хос лоқайдлик, янги далил ва исботларсиз чиқарилган хулоса ҳамда боқимандаликдан бошқа нарса эмас?! Шундай ҳолатлардан доимо огоҳ бўлишни академик И.Каримов алоҳида таъкидлаган эди: «Эски замоннинг бизга қолдирган асорати нимадан иборат, деб сўрашса, мен, боқимандалик (таъкид бизники – *Ш.Х.*) дер эдим. Боқимандалик, айтайлик фақат моддий масалалардагина эмас, умуман, ғоялар бўйича ҳам бор, яъни кимдир келиб бизни бошқаради, ақл ўргатади, йўл кўрсатади, бизнинг юмушларимизни бажариб беради, бизни йўналтириб, етаклаб юради ва биз ҳаётни шу тариқа қураимиз, деган гаплар эски замонда қолган»<sup>26</sup>.

Фандаги, хусусан, фалсафадаги боқимандалик ижодкорликни, буиёдорликни, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий фаолликнинг таг-заминини йўқ қиладиган ижтимоий ҳодиса бўлиб, у субъектни, яъни илмий тадқиқотчи, олимни лоқайдлик ва бефарқлик томон йўналтирадиган идеология қуролидир. Фандаги боқимандаликни маълум бир объектив (масалан, давлатнинг мустақил бўлиши) ва субъектив (олимнинг онгли фаолияти, ижод қилишга ва мустақил фикр юритишга ҳуқуқий асоснинг вужудга келтирилиши, мустақил фикрга амалда имконият пайдо бўлиши)

---

<sup>25</sup> Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. –Т.: ДДШИ., 2010. –55-бет.

<sup>26</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. – 124-бет.

сабаблар билан қисқа муддатларда (ўтиш даврида) бартараф қилишга (бирок, фаннинг барча вакиллари фаолиятида бир пайтда эмас) эришиш мумкин. Лекин боқимандалик оқибатида шакланган ҳамда мустаҳкамланган лоқайдлик ва бепарқлик узоқ чўзилиши тарихдан маълум. «Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнынг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бирок, лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради»<sup>27</sup>.

1981–1987 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида тайёрланган илмий асарларнинг 72 фоизи рус тилида, 20 фоизи хориз тилларида, 8 фоизи ўзбек тилида нашр қилинган. Бу «анъана» Фанлар академияси тизимидаги барча институтларда ва олий таълимда ҳам мавжуд бўлган. Ўша даврларни эслаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад: «Ахир биттагина унвон овамиз қатнашаётган 500 кишилик мажлисда чўлдан келган чўпон чолни маскоп тилида гапиртириб, кулги бўлган забун халқ эдик», – деган эди. Умуман олганда, яқин ўтмишда илмий тадқиқот натижалари бўлган китоблар ўзбек тилидан бошқа тилларга ҳамда бошқа тиллардан ўзбек тилига воситачи – рус тили орқали таржима қилинган. Ҳатто, номзодлик ва докторлик ишлари фақат рус тилида ёзилган, рус тилида ҳимоя қилинган, Москвага экспертизага (ОАКга) юборилган ҳамда уларнинг идеологиясига тўғри келсагина тасдиқланган.

Фандаги лоқайдлик ва боқимандаликнинг оқибати аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хизматларини айрим ҳолларда сохталаштирган Фарб олимлари «илмий хулосалари»ни қўллаб-қувватлашга олиб келади. Фикримишни далиллаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз: «Шарқшунос олим – академик Василий Бартольд айтади: Восифийнинг сўзларига қараганда, Улуғбек мадрасасининг илк мударрислигига мавлоно Муҳаммад Ҳавофий тайинланган. Мадраса қурилиши охирида қолганда, бино қурилишида иштирок этаётган одамлар Улуғбекдан ким мударрис бўлиши ҳақида

<sup>27</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –124-бет.

сўраганда, Улуғбек барча фанларни яхши биладиган изланувчан киши мударрис бўлади, деб жавоб берган. Улуғбекнинг сўзларига қулоқ бериб бир тўп фишт уюми устида жулдур кийимда ўтирган мавлоно Муҳаммад дарҳол Улуғбекка юзланиб, бу вазифани қойилмақом қилиб уддасидан чиқа олишини маълум қилади. Улуғбек унга турли фанлар соҳасида саволлар беради ва унинг чинакам билимдонлигига амин бўлиб, мулозимларидан бирига уни ҳаммомга олиб бориб ювинтириб, яхши кийим кийдиришни буюрди. Мадрасанинг очилиш куни мавлоно Муҳаммад мударрис сифатида маъруза қилди. Очилиш маросимида қатнашаётган **70 нафар одамдан** (таъкид бизники – Ш.Х.) биронтаси (Улуғбекнинг ўзи ва Қозизода Румийдан ташқари) маърузани мутлоқо тушунмади»<sup>28</sup>.

*«Академик Василий Владимирович Бартольд писал: По словам Васи́фи, первым мударрисом в медресе Улугбека был назначен мауляна Мухамед Хавафи. Когда постройка приблизилась к концу, присутствовавшие при сооружении здания спросили Улугбека, кто будет назначен мударрисом. Улугбек ответил, что им будет приискан человек, сведующий во всех науках. Слова Улугбека услышал мауляна Мухаммед, сидевший тут же в грязной одежде «среди куч кирпичача», и тотчас заявил о своем праве на эту должность. Улугбек стал его расспрашивать, убедился в его познаниях, велел отвести его в баню и надеть на него хорошую одежду. В день открытия медресе мауляна Мухаммед прочитал лекцию в качестве мударриса: присутствовали 90 ученых (таъкид бизники – Ш.Х.), но никто из них не мог понять лекцию, кроме самого Улугбека и Казизаде Рули»<sup>29</sup>.* Олимнинг фикрлари битта журнал сонида бошқа саҳифаларда, турли тилларда (ўзбек, рус), турли мазмундаги рақам далилларидан («Очилиш маросимида қатнашаётган **70 одамдан** бирортаси... мутлоқо тушунмади», «присутствовали 90 ученых, но никто из них не мог понять лекцию») қандай изоҳланганлигини ўқувчи ҳукмига ҳавола қиламиз. Юқоридагилар журналда қандай берилган бўлса, ўзгаришсиз чоп қилинди.

---

<sup>28</sup> Кунлардан бир кун//Фан ва турмуш. 2009., 1-3 сонлар. 32-бет.

<sup>29</sup> Эпюды об астрономах// Фан ва турмуш. 2009., 1-3 сонлар. 34-бет.

Буларнинг барчаси юз йиллар давомида шаклланган, қарор топган фандаги боқимандалик оқибатида пайдо бўлган лоқайдлик ва бепарқлик маҳсулидир. Бундай ҳолатларни бартараф этишда И.Каримовнинг куйидаги кўрсатмалари доимо методологик асос бўлиши зарур: «...барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келатган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур. Минг афсуски, биз бу масалада ҳамон заиф бўлиб қоляпмиз ва бундан ғанимларимиз жуда усталлик билан фойдаланаяпти»<sup>30</sup>.

Фалсафадаги боқимандалик сабабларидан бири фалсафа фанидан базавий билимга эга бўлмаганларнинг (мутахассис бўлмаган) ҳаддан ташқари кўпаяётганлигидир. Буни Р.Мадалиев ва А.Маматқуловларнинг «Оламнома ёхуд олам инженерияси» китобида илгари сурилган айрим ғояларнинг мазмун-моҳиятини келтириб изоҳлашга ҳаракат қиламиз. (Мазкур китобга тақриз берган фалсафа фанлари доктори Фарҳод Турғунбоевнинг таъкидлашича муаллифлар мустақил тадқиқотчилар.)<sup>31</sup> Муаллифлар: «Олам одамдан холи бўлмагани каби, одам ҳам ўз жисмида оламдан холи эмас», – деб кўрсатишиб, олам ва одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ўзларининг «асосли» фикрларига ўзлари қарши чиқиб, мантиқсиз хулоса чиқаришади. Чунки бу мантиқсиз хулоса–олам ва одамнинг бир макон ва замонда пайдо бўлган дейишга олиб келади (яъни «олам одамдан холи бўлмагани каби»). Олам одам пайдо бўлмаган пайтда ҳам мавжуд бўлган, инсоният бўлмаса-да мавжуд бўлади! Муаллифлар яна шундай фикрларни билдиришади: «Аристотелнинг геоцентрик таълимоти (бу таълимотга Птолемей ва Аристарх (310–230) томонидан асос солинган – *Ш.Х.*) икки минг йил давомида ҳукмрон бўлиб келди. Поляк олими Николай Коперник (1473–1543) томонидан гелиоцентрик таълимотнинг яратилиши (гелиоцентрик таълимотнинг яратилиши Абу Райҳон Беруний ва унинг шогирдларига тегишли – *Ш.Х.*) геоцентрик таълимот тарафдорларининг дунёқарашига нуқта қўйди... Ҳозир, таъбир жонз бўлса, мактаб боласи ҳам

---

<sup>30</sup> Каримова И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият// Т.14. – Т.: «Ўзбекистон», 2006. – 65-бет.

<sup>31</sup> Қаранг: «Кўҳна дунёга янгича назар»// «Ишонч» газетаси, 2009 йил 12 сентябрь.



геоцентрик таълимотни афсона сифатида қабул қилади. Ахборот асри бўлган бугунги кунда геоцентрик таълимотни тиклаш ёки ёқлаб чиқиш тентаклик бўлар эди». Бундан фандаги боқимандалик, лоқайдлик, эски даврдагидек (собиқ Иттифоқ давридагидек) Ғарбга сажда қилиш «ҳиди» келиб турибди. Бунда тадқиқотчининг ижодкорлиги йўқ. Муаллифлар ҳозирги макон ва замонда, мустақиллик ва миллий ғоя талаблари ҳамда муроса тамойиллари асосида юқоридаги фикрларни қуйидагича изоҳлашганда мақсадга мувофиқ бўлар эди: «Ҳозир, таъбир жонз бўлса, мактаб боласи ҳам гелиоцентрик таълимотни Шарқ олимлари, хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг шогирди Абу Али Шарафуддин Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чамғиний ал-Хоразмий (ваф.тах.1221 й.) кашф қилганлигини аъло даражада биледи ҳамда ахборот асри бўлган бугунги кунда геоцентрик таълимотни «поляк олими Николай Коперник (1473–1443) томонидан гелиоцентрик таълимотнинг яратилиши геоцентрик таълимот тарафдорларининг дунёқарашига нуқта қўйилди» (қўштирноқ ичидаги сўзлар муаллифларники — *Ш.Х.*), деган фикрни тиклаш ёки ёқлаб чиқиш тентаклик бўлар эди».

Китобнинг «Сўз боши»сида шундай фикрлар баён қилинади: «...оламнинг шаклланиши ва тузилиши ҳақидаги янги фалсафа расадхоналарда, физика, кимё ва биологаторияларда эмас, балки чуқур тафаккур қилиш орқали хонадаги стол устида қоғоз, қалам воситасида яратилади, деган фикрдамиз». Бу хулоса фалсафий билимдан йироқ бўлган «эркин тадқиқотчилар» ўзларининг фалсафа фанидаги боқимандалиги, лоқайдлиги ва бефарқлигини яшириш учун қилган «кашфиёт»дир. Чунки муаллифлар назарда тутган «янги фалсафа» ҳам, эски фалсафа ҳам ҳеч қачон амалиётдан йироқ, ҳаётдан узилган ҳолда, фанлар билан, хусусан, аниқ ва табиий фанлар билан диалектик бирликсиз яратилмаган ҳамда яратила олмайди! Аксарият ҳолларда биз аждодларимизнинг фалсафий қарашларини европацентристларнинг кўзлари билан ўрганмоқдамиз. Ҳаттоки, бу масалада адабиётларда муқим сақланиб қолган араб фалсафаси, деб эътироф этилаётган доирадаги фалсафа фани тўғрисидаги қарашларга ҳам ўз муносабатимизни билдиришимиз зарур. Масалан, ўз даврининг таниқли араб файласуфи Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Кин-

дий «Ҳар қандай тадқиқ этилаётган буюмни билиш ҳамма нарса тўғрисидаги билимдан иборат бўлган фалсафага онд. Хусусийлик фалсафа предмети бўла олмайди, чунки у умумийликни ўрганади, холос»<sup>32</sup>, – деб кўрсатган эди. Демак, ал-Киндий талқинида фалсафанинг предметиға фақат умумийлик хосдир. Бизнинг назаримизда, бунда Ал-Киндий фалсафанинг предметиға умумийлик хос, деб кўрсатиши билан, биринчидан, фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва яккалик категориялари диалектикасини назардан четда қолдирган. Иккинчидан, умумийлик категориясини мутлоқлаштирган. Учинчидан, юқоридагилар асосида фалсафа фанининг борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини ўрганишга қаратилган моҳият, мазмун категорияларининг аҳамияти инкор қилинган. Чунки умумийликнинг мазмун-моҳияти хусусийлик, яккалик категорияларисиз тўла очилмайди ҳамда мазкур категорияларсиз умумийлик айро ҳолда бўлиши мумкин эмас. Тўртинчидан, ал-Киндийнинг «ҳар қандай тадқиқ этилаётган буюм...», деб кўрсатишининг ўзи фалсафанинг яккалик категориясини эътироф этишдир. Яъни яккаликсиз умумийлик бўлмагани сингари, умумийликсиз яккалик ҳам мавжуд бўла олмайди.

Фарб олимлари Шарқ, унинг илмий салоҳияти ҳақида XX аср охирилариға келиб кенг, мукамал ва, айни пайтда, ҳеч қандай эътироз қилиб бўлмайдиган манбалар асосида маълумот ва билимға эға бўла бошлашди. Бу маълумотлар негизида пайдо бўлган билимлар Фарбнинг Шарқ тўғрисидаги илмий методология ва «фалсафа тарихиға доир услуб»ларини тубдан ўзгартиришиға сабаб бўлди. *Шунинг учун Фарб олимлари XX аср охиридан бошлаб «фалсафа тарихиға доир ҳар хил китобларға нисбатан... олдиндан муаян қарашини кўзлаб ёндашмасдан» (олдин Фарб олимлари турли миллат, турли мамлакат вакиллари бўлса-да, битта мақсадни – Фарбнинг ҳар соҳада биринчилигини илмий асослаш билан шуғулланишган), объектив ҳақиқатни эътироф этиши шаклланаётганлигини намоён қилишини бошлашди.* Лекин бу шаклланиш офир, зиддиятли, мураккаб ва, айни пайтда, узоқ чўзиладиган ижти-

---

<sup>32</sup> IX-XVI асрлар Яқин ва Узоқ Шарқ мутафаккирларининг сайланган асарлари. –М.:1952. – 55-бет.

мой ҳодиса сирасига киради. Чунки бу жараёнда умрини яшаб бўлган ғоя янги шаклланаётган ғояга ўрнини бериши субъектлар фаоллигига бевосита боғлиқдир. Субъектлар эса маълум макон ва замон, ижтимоий муҳит ҳамда шу муҳитда пайдо бўлган, шаклланган, мустаҳкамланган, тараққий этган ирсият маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бунёдкор ғоя ғалабаси ўзига хос қийинчиликлар билан кечади.

Шундай қилиб, илмий тадқиқот натижалари нуқтан назаридан жаҳон фалсафасига бўлган субъективизмдан (яъни Ғарб белгилаган шаблондан) воз кечиш зарурлиги тўғрисида қуйидагиларни кўрсатишни лозим топдик:

- глобализациянинг мазмун-моҳияти доирасида барча нарса ва ҳодисалар яхлитликда, марказлашган ҳолда изоҳланишига нисбатан айрим ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланиши ҳолати тесқари пропорционалликни талаб қилмоқда;
- жаҳон фалсафа тарихининг дарслик, ўқув қўлланма, китобларда берилган «Ҳиндистон фалсафаси», «Хитой фалсафаси», «Миср фалсафаси» ва бошқалар Шарқ фалсафаси яхлитлигидаги бўлаклардир;
- шунингдек, Ғарб фалсафаси бўлақлари «Грек фалсафаси», «Немис фалсафаси», «Француз фалсафаси» ва ҳақозолар ҳисобланади;
- «Хитой фалсафаси» (бутун) мазкур давлатда азалдан муҳим яшаб келган бошқа халқларнинг (бўлак, масалан уйғурларнинг) ҳам фалсафаси қўшиливи ҳосиласидир;
- «Рус фалсафаси» ҳам Россия ҳудудидаги халқларнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзига хос фалсафасидир;
- «Япон фалсафаси» ҳам бошқа халқларнинг фалсафаси, дини таъсирида шаклланган;
- жаҳон фалсафаси тарихи тадқиқида ўзига хосликни (масалан, ўзбек, хитой, грек, ҳинд, рус) ҳисобга олиши илмий тадқиқот натижасининг мукаммал бўлишида алоҳида аҳамият касб этади;
- «Ўзбекистон фалсафаси» энг қадимги даврдан Ғарб ва Шарқ фалсафасига, хусусан, хитой, ҳинд, грек, немис, рус, инглиз ва бошқа халқлар фалсафаси шаклланишида муҳим манба бўлган;

- жаҳон фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишида яқка ҳудудлик илк бор тарғиб-ташвиқ қилинган зардуштийлик динининг роли муҳим аҳамият касб этган;
- *Авесто* буддизм, христианлик, яҳудийлик, ислом динлари фалсафалари, анъаналари, урф-одатларида ҳозирги даврда ҳам «яшаб» келмоқда;
- жаҳон фалсафасининг ҳозирги ҳолатига юқоридагилар ҳисобга олиниб баҳо берилса ҳамда илмий тадқиқотларда инобатга олинса, унинг объективлиги таъмишланган бўлади;
- *«Инсонпарварлик, яхшилик, софдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда барҳам кўрган мамлакатгина, халқгина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин»*<sup>33</sup>.

Собиқ Иттифок даврида республикалардаги интеллектуал капитал, шу жумладан Ўзбекистондаги илмий салоҳиятнинг энг қимматли, нодир ғоялари, назариялари, таълимот натижалари Ғарбнинг хазинасига тўпланган ва шу ерда ғарб учун ва фақат Ғарб кишисининг илмий тадқиқотида Шарқнинг олимларидан «ниҳоятда устунлиги»ни кўрсатишга хизмат қилдирилган. Бу механизм (яъни, ўзга миллий интеллектуал капитални ўзиники қилиб кўрсатиш орқали мақтаниб «буоқлигини исботлаш» тамойили инсоният цивилизациясининг илк босқичида Ғарб илмий доирасида пайдо бўлиб, глобаллашув шароитида ўзининг энг юқори поғонасида) ҳозирги пайтда янада равноқ топмоқда. Шу сабабдан ҳам ҳозирги ривожланиш жараёнида илмий тадқиқотларда аждодлар анъаналарини қайта тиклаш ҳамда уларнинг фанни ривожлантиришдаги ўзига хос ташаббус ва ижодкорлиги орқали Ватан, халқ, миллат, давлат нуфузини юксалтириш фазилатларини ўзида намоён қилиш ҳар бир фан вакилининг асосий мақсади бўлиши шарт.

И.Каримов Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейида аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросининг салмоғи нечоғли

---

<sup>33</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1995. –170–171-бетлар.

юқори эканлигини алоҳида таъкидлаб шундай деган эди: «Агар ўша – энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни - барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқолаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди». Шунинг учун ҳам, назаримизда, аждодларимиз фалсафа тарихини ўзимизнинг кўзимиз билан илмий тадқиқ қилиб, уни европацентризмга (шунингдек, осиецентризмга ҳам) ўргатишга устуворлик беришдир. Зеро, бу истиқлолнинг илк йилида илгари сурилган мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш даъватига ҳамоҳангдир.

---

## IV БОБ. Милоддан олдинги X асрдан милодий VII асргача Ўзбекистон фалсафа тарихи

*Бақтрияликлар, сугдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийлиги бўйича миерликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, эсангу эсадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмонан ҳаддан таниқари кучлидирлар. Ўзларига тегишли бирор нарсени қўлдан чиқаришини истамайдилар. Фақат галабага интиладилар*

Помпей Трог – бундан икки минг йил олдин яшаган Рим тарихчиси

*Конституциямизда ёзиб қўйилган динга эътиқод қилини эркинлиги Ўзбекистон ётмасига «исламлаштирилиши» мумкинлиги ҳақидаги нурун ҳадиксиришларга барҳам берди. Бошқа диний оқимларининг тикланиши ва нормал ривожланишини мумкин қилиб қўйди. Марказий Осиёдаги ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб етини маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятни чуқур ўрганишни тақозо қилади.*

И.Каримов

Инсоният тарихини формацияларга, синфларга бўлиб ўрганиш, тарих синфлар курашидангина иборат деб тушунтириш, ўргатиш одатга айланган, таълим тизимида фақат Россия-славян – Фарб халқлари тарихи ўргатилиб, миллий ўлкалар тарихи сохталаштирилиб, иккинчи, учинчи даражада ёки умуман ўқитилмасдан келинди. Турон заминининг ўзига хослиги, унинг инсоният цивилизациясига қўшган самарали ҳиссаси, жаҳон фалсафасининг шаклланиши ва равнақидаги ўрни масалалари ўрганилмаган, ўргатилмаган.

Лекин Турон ҳудуди халқлари моддий ва маънавий қадриятлари юксак, қудратли бўлганлиги учун ҳам ҳамма давр макон ва замонда

улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган. Яъни Моварауннаҳрдаги халқларни енгсагина шимолга, шарққа, жанубга ёки шимолга, ғарбга, жанубга ёхуд шимолга, шарққа, ғарбга йўл очилган. Шунинг учун ҳам айти пайтда бу ҳудуд ва унда яшаган халқлар босқинчилардан, агар улар Ғарбдан келса, шарқни, жанубни, шимолни, агар улар жанубдан келса, шарқни, ғарбни, шимолнинг асосий оғирлигини ўзига олиб, ўзгалар учун доимо қалқон бўлган. Бу фақат ҳудуд ёки моддий бойлик қалқони, ҳимоячисигина эмас, айти пайтда турли халқ ва миллат маънавий бойликларининг асровчиси, қўриқловчиси, давомчиси ҳамда ўзгаларнинг аждодларига етказувчиликни зиммасига олган буюкликдир. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисол-далиллар келтириш мумкин.

Ўзбекистоннинг инсоният пайдо бўлган марказларидан бири эканлиги тўғрисидаги манбалар Ўзбекистон фалсафаси энг қадимги даврлардан бошланганлигини билдиради. Жаҳон цивилизациясининг кейинги босқичларида савдо-сотиқ, баъзи ҳолларда халқ озодлик ҳаракати, айрим ҳолларда урушлар тарзида ҳам ўзбек халқи фалсафаси «кўчиб юрган», бошқа халқлар фалсафаси учун ҳам озуқа берган, манба бўлиб хизмат қилган, уларнинг маҳаллий маданиятларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказган ва айти пайтда уларнинг ҳам ижобий, ҳам прогрессив жиҳатларини олган.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси бешигилигига даъвогарлик қиладиган мамлакатлар сирасига кириши олдинги бобларда янги манбалар асосида асосланди. Шунингдек, ҳозирги янги топилган манбалар аждодларимиз бунёд этган моддий ва маънавий бойликлар ҳам жаҳонда диний ва дунёвий билимларни, умуман олганда фан фалсафасининг, хусусан, фалсафа фанининг шаклланишига тамал тошини қўйганлардан эканлигини ҳар томонлама асослашга имкон бермоқда ҳамда уни халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томони мамлакатимизда ва халқаро миқёсда Ўзбекистон ҳудудидаги цивилизациянинг милоддан олдинги X асрдан милодий VII асргача бўлган «бўшлиқ»ни тўлдиришга эҳтиёж ниҳоятда ошган. Зеро, «Марказий Осиёдаги ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб

етиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятнинг чуқур ўрғанишни тақозо қилади»<sup>1</sup>.

## Зардуштнинг фалсафий қарашлари

«Зардуштийлик (оташпарастлик, зороастризм) қуйи Амударё ҳудуди ва Марғиёнада милoddан аввалги VIII–VI асрларда вужудга келган яқкахудодликни тарғиб этган дастлабки дин»<sup>2</sup>. «Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллиги юбилейлари...»<sup>3</sup>. «Зардушт (юн.Заростр) (мл.ав. 10-аср билан 6-асрнинг 1-ярми ўртаси), зардуштийлик асосчиси ва пайғамбари. «Авесто»нинг зардуштийликка асос солган қисми (Готхо) муаллифи»<sup>4</sup>. Шунингдек, Авестонинг пайдо бўлиш вақти ва жойи тўғрисида замонасозлик нуқтаи назарида ҳам изоҳланган айрим маълумотлар мавжуд. Масалан: «Авесто», қад.эрон диний ёдгорлиги; зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами»<sup>5</sup>. Бу маълумот, бизнинг назаримизда, динга қарши кураш баҳонасида ўйлаб топилган бўлиши мумкин. Чунки Авестонинг Ўзбекистон ҳудудида (Хоразм) ёзилганлигини собиқ Иттифоқ даврида ҳам билишган. Лекин яқка ҳукмрон идеология бу тарихий ҳақиқатни «яширишдан» қўп томонлама манфаатдор бўлган.

XX асрнинг 70-йиллардаги илмий адабиётларда Зардушт дини дуалистик дин сифатида кўрсатилиб, унинг асосчиси афсонавий пайғамбар сифатида талқини қилинади<sup>6</sup>. Шунингдек, мазкур афсонавий пайғамбарнинг номи «Зардушт», «Зороастр», «Заратуштра» сингари турли номлар билан аталган. «Ҳозирги вақтда Зардуштийлик формализм формасида мавжуд бўлиб, унда илгари дуалистик идеялар сақланган ҳолда ягона қудратли худо ҳақидаги тасаввурлар авж олиб кетган»<sup>7</sup>. Бу ўтган асрнинг 70-йилларида Зардушт ва зардуштлик дини

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 130-131-бетлар.

<sup>2</sup> Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: 2009.

<sup>3</sup> Каримов И. ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-сессиясининг яқундовчи мажлисида сўзланган нутқ//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. –203-бет.

<sup>4</sup> Энциклопедик луғат. –Т.: «Ўз.сов.энцикл. Бош редакцияси». 1988, 291-бет.

<sup>5</sup> Ўша жойда, 9-бет.

<sup>6</sup> Философий словарь. –М.: «Политиздат», 1975. –С.164.

<sup>7</sup> Ўша жойда.



тўғрисида ўқувчига тўла маълумот берилмаганлигини кўрсатади. Чунки биринчидан Зардушт тарихий шахс. **Иккинчидан**, «Ҳозирги вақтда...», яъни XX асрнинг 70 йилларидаги форсизм формасида мавжуд бўлган зардуштийликда «ягона қудратли худо ҳақидаги тасаввурлар авж олиб кетган»лиги «исботланади». **Учинчидан**, мазкур манбада ҳам «Авесто» тўғрисида умуман маълумотлар берилмаган.

XX асрнинг 90-йилларидаги адабиётларда Зардуштнинг афсонавий эмас, балки тарихий шахслиги алоҳида таъкидлана бошланди: «Манбаларда ёзилишича, Зардушт тахминан милоддан аввалги 570 йилларда туғилган ва етмиш етти ёшида ибодат қилаётган чоғида душман коҳинларидан бири томонидан орқасидан ханжар санчиб ўлдирилган»<sup>8</sup> ҳамда унинг Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда (Хоразм) пайдо бўлганлиги тўғрисида янги маълумотлар берилади. «Зардушт дини ўзи ҳаёт чоғида баъзи ўлкаларга ёйилган бўлса, унинг вафотидан кейин янада кенгроқ тарқалди. Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразм ва Сўғдиёнада шаклланган зардуштийлик кейинчалик Озарбайжонда асосий диний эътиқодлардан бири сифатида кенг тарқалган»<sup>9</sup>. Бизнинг назаримизда, **биринчидан**, бу ерда муаллиф Зардуштнинг туғилган йили ва унинг томонидан ёзиб қолдирилган «Авесто» китобининг макон ва замондаги ҳолатини қисман камайтириб кўрсатганлиги намоён бўлади. **Иккинчидан**, Зардушт таълимотининг тарқалиш чегараси ўта қисқа қилиб кўрсатилган. Чунки Зардушт таълимоти доираси Эрондан ҳам узоқроққа, яъни Юнонистон, Миср ва Вавилонгача ҳамда Ўрта Осиёдан Мўғулистон, Ҳиндистон, Хитой, ундан Япониягача бўлган ҳудудни қамраб олган.

«Кунлардан бир кун Пурушасп ўғлини етаклаб бораётиб, пирлардан бирига йўлиқибди. У гўдакка нигоҳи тушиши билан бир юқорига, бир пастга, чор атрофга боқиб, қалтираб кетибди. Пурушасп ундан сўрабди:

– Эй, Карп, ўғлимни кўришинг билан бир пастга қарадинг, яна осмонга нигоҳ солдинг-у, чор атрофни кузатдинг. Бунинг маъноси нима?

– Бунинг маъноси шуки, – дебди Карп, – кўкка қараганимда билдимки, бу боланинг руҳи осмонга бориб туташган, унга эргашган

---

<sup>8</sup> Ж.Туленов. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. –100–101-бетлар.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

барча одамлар жаннатий бўлади, қуйинга қараганимнинг боиси шундаки, бу гўдак фаолности туфайли жоҳилият барбод топади, бадкирдорлар, деву жодугарлар нобуд бўлиб, дўзахга маҳкум этилади. Атрофга қараганимнинг сабаби шуки, бу ўғлоннинг амру фармони ер юзининг барча гўшаларида эътибор топади, сўзлари ҳаёт қонуни сифатида етти иқлимда тан олинади ва қабул қилинади.

Шундан сўнг Пурӯшасп ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланибди. Зардушт етти яшарлигидан ўн беш яшарлигигача донишманд Барзин Курас кўлида илм олибди. Ўн олти ёшида Зардуштнинг белнига оқиллик, жасурлик ва мардлик камарини боғлайдилар»<sup>10</sup>

Зардушт инсоният цивилизациясида якка худоликка асосланган жаҳон динига асос солади: «Биз яратган, бизга мавжудлик шаклишамойилини берган ва тарбиялаган энг улуғ, энг аъло, собит ва муқаддас Ақл – энг адолатпарвар Аҳура Маздани эътироф этаман ва унга эътиқод қиламан...».

Зардушт фалсафасининг муҳим жиҳати диалектика элементларига асос солинганлигидир. Унинг диалектик қарашларининг қуйидаги фикрларидан ҳам билса бўлади: «Зардушт олов – энг олий қудрат. У барча нарсани ўз ичига олади ва барча нарсага инади. У доимий ёниш билангина яшайди ва барча-барча нарсада фақат олов ёнади. Инсон ҳам ана шу олий қудрат билан яшайди. Унинг иродаси ва ақли ана шу улуғ осмоний оловнинг намоён бўлишидир. Бу олов осмонда, осмон орқали ва осмондан келиб чиқувчи сифатида амал қилади...». Кейинчалик бу қарашлар юнон фалсафасининг шаклланишига салмоқли таъсирини кўрсатган. Жак Дюшен Гиёмен «Зардушт мадҳлари» китоби таржимасига ёзган «Сўз боши»сида шундай деган эди: «Шарқ доноларидан Фарб биринчи бўлиб Зардуштни тутинган ўғлидек тан олган. Зардуштни Платон билар эди, чунки унинг шоғирдлари ўз устозларини Зардуштга қиёслар ва тенглаштирар эдилар, ҳатто унинг (Зардуштнинг) таълимоти юнон файласуфи Платоннинг дуалистик қарашларида сезиларли из қолдирган»<sup>11</sup>. Бу эътирофнинг «ҳатто, унинг (Зардуштнинг) таълимоти юнон файласуфи Платоннинг дуалистик қарашларида сезиларли из қолдирган», қисми объектив

<sup>10</sup> *Ҳолшдий Ҳ. Зардушт//Тафаккур. 2001. 1-сон, 104-бет.*

<sup>11</sup> *Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. –Т.: «Файласуфлар миллий жамияти», 2004. – 14-бет.*

ҳақиқат. Лекин «Шарқ доноларидан Ғарб биринчи бўлиб Зардуштни тутинган ўғлидек тан олган» қисми «Шарқ доноларидан Ғарб биринчи бўлиб Зардушт таълимоти орқали ўз фалсафасини шакллантирди», деган таҳрирда ўқилса, шунингдек, «Зардуштни Платон билар эди, чунки унинг шогирдлари ўз устозларини Зардуштга қиёслар ва тенглаштирар эдилар», деган жумлани «Зардушт таълимоти орқалигина Платоннинг фалсафа мактаби шаклланди», тарзида ўзгартирилса мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозир «Авесто»да илгари сурилган ғоялар юнон фалсафа мактаблари вакиллари фалсафий қарашларининг шаклланишида асосий манба бўлганлигини кўрсатмоқда. Буни юнон файласуфларининг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. Юнон файласуфи Диоген Лаэртский (мил.ав. III аср): «Мажусийлар мисрликлардан ҳам қадимийроқ бўлиб, улар олов, сув ва тупроқни, икки ибтидо – эзгулик ва ёмонликни (Аҳура Мазда ва Аҳриман) илоҳийлаштиришган», – деганди. Диоген Лаэртский Зардушт тўғрисида шундай ёзиб қолдирган: «Зардуштдан сўнг унинг жуда кўп издошлари, масалан, Остон, Астрампсих, Гобрий, Пазат ва бошқалар бўлиб, улар Александр Македонский давригача етиб келганлар»<sup>12</sup>.

Зардушт руҳларга, уларнинг яхши-ёмон сифатларга эга эканлигига ишонади ҳамда доимо ёмон руҳлардан ҳимоя қилишни Аҳура Маздадан илтижо қилади, ёрдам сўрайди:

Қаноти кенг Вараҳн  
Қушнинг олгин патини –  
У билан танинг сийпаб,  
Душманнинг жодусидан  
Бўларсан буткул халос<sup>13</sup>.

Зардушт ўз динига илж бора фаришта образини киритади ва уларнинг мавжудлигига ишонади: «Ашм-Ваҳу ҳақиқатгўйлик энг яхши иноят ҳамда бахт-саодат асосидир. Бахт-саодат фақат энг олижаноб ҳақиқатгўйларгагина насиб этади. Ҳой, Амеша Спенталар! (Азалий

---

<sup>12</sup> Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т. 2004. –14-бет.

<sup>13</sup> Авесто. –Т.: 2001.

ва ўлмас 7 нафар эзгулик фаришталари) Сизларга олижаноб хулқ-атвор ҳамда бутун тани-жоним, ҳаётим билан талпинаман ва сизларни олқишлайман!» Бизнинг назаримизда, Зардуштнинг юқоридаги фикрлари орқали кейинчалик, айниқса, юнон фалсафасида сонларнинг (масалан, 7 рақамининг) илоҳийлаштирилишига (Пифагор), «Етти донишманд» (юнонлар «фаришта»ни «донишманд», деб ўзгартиришган) иборасининг пайдо бўлишига олиб келган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «фаришта» қуйидагича изоҳланади: «...ма-лак, ҳур,...Исломда ва бошқа баъзи динларда Худонинг амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот...Яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал...Покиза, мусаффо, бегуноҳ»<sup>14</sup>. Шунингдек, манбаларда фариштанинг нурдан, инсонлар лойдан яратилганлиги таъкидланади. Агар бунда «Авесто»да Нур – Олов – Қуёш – Аҳура Мазда – Худо тарзида тенглаштирилганлигини ҳисобга олсак, «фаришта»лар ҳам Худо томонидан яратилганлиги маълум бўлади: «Олов – энг олий қудрат: у барча нарсани ўз ичига олади ва барча нарсага инади. У донимий ёнини билангина янайдди ва барча-барча нарсада фақат олов ёнади», «Биз яратган, бизга мавжудлик шакли-шамойилни берган ва тарбиялаган энг улуғ, энг аъло, собит ва муқаддас Ақл – энг адолатпарвар Аҳура Маздани эътироф этаман ва унга эътиқод қиламан...» Юқоридагилар масаланинг бир жиҳатини кўрсатади. Унинг иккинчи жиҳати, гарчи шакл-шамойил нуқтан назаридан «Авесто»да фаришталар илоҳий кучлар тарзида изоҳланса-да, мазмун-моҳият жиҳатдан улар инсоннинг юксак салоҳияти ва бунёдкорлигини рамзий ифодалашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Айни шу мазмун ва моҳиятни антик грек фалсафаси вакиллари теран англаб етишган ҳамда «Авесто»даги етти фариштани тўғридан тўғри самодан ерга олиб тушиб, инсонга татбиқ қилишган ва «Етти донишманд» иборасини илмий истеъмолга киритишган. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, улар «етти донишманд»ни «етти фаришта» шакл-шамойили доирасида тушунишган ҳамда ўз қарашларини шу нуқтан назардан ифодалашган. Чунки қадимги грек файласуфи Диоген (мил.авв.400–325) «Донишманд ким?» – деган саволга: «Ҳақиқий донишманд Худодир, биз донишмандликни севгувчилар-

<sup>14</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.4. –Т.: «ЎМЭ». 2008. 329-бет.

миз», – деб жавоб берган. Учтинчи жиҳат, демак, қадимги грек файласуфлари назарида «донишманд – Худо» ҳисобланса, жамиятдаги интеллектуал салоҳияти ниҳоятда юқори инсонлар Худони – донишмандни севгувчи («донишмандликни севгувчилар») ҳисобланади. Тўртинчи жиҳат, юқоридагилар асосида, бизнингча, «фалсафа» атамасининг генезиси келиб чиқади. Зеро, фалсафа тўғрисида ёзилган мавжуд адабиётларнинг барчасида: дарслик, ўқув қўлланма, мақола, рисола, китоб, монография, луғат ва тадқиқот натижаларида «Философия – грекча сўздан олинган бўлиб, фило – севаман, софия – донишмандликни» деган маънони билдиради. Бешинчи жиҳат, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Фалсафа [... <юн. philosophia < philco – севаман+sophia – донишмандлик] Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; олам ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги ғоялар, дунёқарашлар тизими...- Шахсий тажриба, фикр-ўй асосида юзага келган ишонч, эътиқод»<sup>15</sup>, – деб кўрсатилган. Олтинчи жиҳат, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Философ [юн. Philosophos- доноликни, донишмандликни севувчи]», деб ифодаланган. Еттинчи жиҳат, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Философия [юн. Philosophia- донишмандлик]», дейилган. Саккизинчи жиҳат, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Файласуф юн. Philosophos – доноликни севувчи»<sup>16</sup> тарзида берилган. Тўққизинчи жиҳат, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Фил-, Фило [юн. philos – дўст, меҳрибон, севувчи < phileo –севаман] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсани севувчи, бирор нарсага мойил мухлис; бирор нарсани дўст тутувчи каби маъноларни англатади, масалан.: *филармония, филология*»<sup>17</sup>. Ўнинчи жиҳат, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар, келтирилган маълумотлар «фаришта – донишмандликни севувчи – фалсафа» бир моҳиятти англатувчи ҳамда турли шаклда ифодаланган иборалар. Шу сабабдан фалсафа атамасининг генезиси ҳам Зардушт илгари сурган ғоялар ҳосиласи натижасидир, деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

---

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.4. –Т.: «ЎМЭ». 2008. –323-бет.

<sup>16</sup> Ўша жойда, – 320-бет.

<sup>17</sup> Ўша жойда, – 346-бет.

Зардуштнинг булок хизматларидан бири ўз даврида мавжуд динларни (кўпхудолик) ягона «марказга» бирлаштирганлиги ҳамда халқаро динга (яккахудоликка) асос солганлигидир. Яъни бунда ягона эътиқодга бирлаштириш ғояси илгари сурилди ҳамда бунга эришилди. Бу ғоя юнон фалсафаси вакиллари орқали қабул қилинди ҳамда шу асосда ўзларининг «янги кашфиёт»ларини қилишди. Юнон файласуфи Диоген Лаэртский: «Демокритнинг отасига шоҳ Доро бир неча мажусий ҳамда халдей олим-тарбиячиларни юборган. Демокрит улар қўлида таҳсил олган, кейинчалик Мидия (ҳозирги Озарбайжон), Эрон ва Турон заминга илм олгани борган»<sup>18</sup>, – деб ёзган.

Юнонлар томонидан «Космополит – дунё фуқароси» асосида космополитизм назарияси ўйлаб топилди. Александр Македонский босқинчилик урушларида илк маротаба «апробациядан» ўтказилди ҳамда бу глобаллашув шаронтида агрессияга мойил давлатлар ташқи сиёсатида ҳам асосий устувор «таълимот»лигича қолмоқда. Бундай ёвуз ғояларнинг нечоғли зарарли эканлигини И.Каримов шундай кўрсатиб берган эди: «Сир эмас, бизда феолият кўрсатаётган халқаро ташқиётлар ҳар доим олижаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айтайлик, «XXI аср лидерлари» каби мавзуларда ўтказиладиган семинарларда улар иқтидорли ёшларни «танлашда ҳокимиятга ёрдам» беради, бироқ бунда улар, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлайди. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онгига гоёт усталлик билан таъсир ўтказилади. Шу тариқа ўзларини «дунё фуқаролари» деб атайдиган кишилар тонфаси тайёрланади».

Рус мутафаккири П.Я.Чаадаев Ватанга муҳаббатни ҳақиқатга бўлган муҳаббат билан қуйидагича таққослайди: «Ватанга муҳаббат – ажойиб туйғу. ...ҳақиқатга бўлган муҳаббат эса инсониятга донишмандларни, муруватпешаларни туҳфа этади. Ватан муҳаббати халқларни бир-биридан ажратади, миллий адоватни юзага келтиради ва гоҳо ерни мотам либосига буркайди. Ҳақиқат ишқи эса оламга илм нурларини сочади». Бу чиқарилган хулоса тўлиқ бўлмаган, ғарбона индивидуализм кўрниниши ҳамда муроса тамойилларига зид, жиддий

---

<sup>18</sup> Қаранг.: Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. –Т.: «Файласуфлар миллий жамияти», 2004. –15-бет.

таҳлилга муҳтождир. Чунки бунда Ватанга муҳаббат билан ҳаққатга муҳаббат бир-биридан ажратилади. Бу ажратиш ҳам шунчаки ажратиш эмас, балки у фарбона ажратишдир. Зеро, Шарқда муроса тамойиллари ҳукмронлиги бундай ажратишга изн бермайди. Ватанга қачон муҳаббат пайдо бўлади? Қачонки уни англаб етилса. Ватанни англаш эса ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам муроса тамойилида Ватанга муҳаббат ҳақиқатга муҳаббатни билдиради. Юқоридагилар моҳиятни тушуниш ва унга муросани татбиқ қилишнинг **бир жиҳати**. Унинг **иккинчи жиҳати** эса, Ватан муҳаббати халқларни бир-бирдан ажратмаслигида, миллий адоватни юзага келтирмаслигидадир.

Муроса тамойиллари амалда татбиқ этлиб, унинг талабларига тўла риоя қилинса, турли халқларни, миллатларни битта мақсад йўлида фаоллик кўрсатишга ундайди. Масалан, Хоразм Маъмун академиясида араблар, форслар, хоразмликлар, сурияликлар бўлган ёки улар ислом, христиан, оташпарастлик, яҳудо динларига ишонинган, сифинишган, эътиқод қўйинган. Шу ўринда Президент И.Каримов таъкидини келтирамиз: «Токи жамиятнинг ўзи кескин ўзгаришларга тайёр бўлмаса, агар одамларнинг сабр косаси тўлмаса, ҳеч қандай Америка, ҳеч қандай Европа воқеаларни ўзи хоҳлаган ўзанга буриб юборишга қодир эмас.

Шу сабабли мен Ўзбекистонда Украина ёки Грузия сценарийси такрорланиши мумкин, деб ўйламайман. Бу ўринда гап менинг давлат раҳбари сифатида бундай ҳолатга қарши эканимда эмас, балки бунда фуқароларнинг ўзи буни истамаслиги муҳимроқ аҳамиятга эга. Нега деганида, улар энди бир пайтлар СССР Олий Совети халқ депутатлари съездларида беписандлик билан «тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчилик», деб аталган одамлар эмас. Улар бугун ўз мамлакатада, ўз юрти учун, келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятини чуқур ҳис қилиб яшаётган инсонлардир»<sup>19</sup>. Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқи эндиликда Ватанга муҳаббатни тўла англаб етган ҳамда шу негизда мамлакатда тинчлик, тотувлик, барқарорликнинг таъминланишига ишонади.

Умуман олганда, Зардушт таълимоти нафақат ўз даврида, ҳатто,

---

<sup>19</sup> Каримов И. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди// Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. –331-бет.

глобаллашув шаронтида ҳам жаҳондаги барча динларда сақланиб қолган ҳамда бевосита ёки билвосита «намоён» бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Зардуштнинг фалсафий қарашларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ҳамда унинг ижтимоий ҳаётга кўрсатадиган таъсирини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади.

## Турон замин фарзанди Анахарсис – биринчи файласуф

*Скифлар бошқа варварлардан фарқ қиладилар,  
уларнинг фикр ифодалашлари кўпол эмас, маданият-  
ти юксак. Уларнинг ўз дониш-майлари бўлиб, гўзал  
путиқи ва ўзига хос анъаналари мавжуд.*

Квинт Курций Руф – юнон тарихчиси

Илмий адабиётларда 1877 йилда немис тадқиқотчиси Р.Рихтгофен Фарби Шарқ билан боғловчи йўлга «Ипак йўли» деб ном берганлиги таъкидланади. Манбаларга Буюк ипак йўли 12 000 чаккирим бўлганлиги кўрсатилади. Бу йўл жаҳондаги барча йўллар туташган жой, унинг маркази – Ўзбекистон ҳудудидир. Чунки Ўзбекистон ҳудуди қадимги одам пайдо бўлган манзиллардан бўлиб, бу одам улар ўзларни янги кашф қилган йўллари орқали турли жойларга тарқалган. Бу биринчидан. Иккинчидан, уруғ, қабила, элатлар, подшоҳликлар орасида алоқаларни тиклаш, ривожлантириш, уларнинг бир-бирига бўлган инсонпарварлик таъсирини (муроса) ошириш баробарида жаҳон цивилизацияси босқичларини такомиллаштириш ғояси, энг аввало, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлардан («Авесто») чиққан ҳамда уни амалиётга жорий қилган.

Тарихда бу ғояни «Лаъл йўли», «Шоҳ йўли», «Олтин йўл», «Кумуш йўл», «Ипак йўл», «Буюк ипак йўли» каби номлар билан аташган. Ҳозир Фарб томонидан «Ипак, фан ва маданият альянси» деган ном билан аташ таклиф қилинмоқда (Мигель-Анхель Моратинос). Муҳими, бу йўлларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудида туташган. Бу йўлларнинг барчаси ўз тарихига, мазмун ва моҳиятига, аталли сабабига эгадир. Масалан, «Лаъл йўли» мил. авв. III–II асрларда шаклланган. У Ўзбекистон ҳудудидан Шарққа (Помирга) ва жанубга (Мисрга) йўналти-



рилган. Лаъл – дур, маржон дегани. *Бу дур-маржонлар, ҳатто, археологик қазилмалар пайтида Миср фиравнлари мақбараларидан ҳам топилган. Бу йўл номи билан алоҳида касблар, қишлоқлар мавжуд бўлган.* Масалан, Насафда дур-маржон сотадиганларни «луълуъ» деб аташган. Ҳатто, уларнинг исмига нисба ҳам берилган. Масалан: Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулқосим ан-Насафий – Барварид ал-Луълуъий номи билан таниқли бўлган. Асли насафлик, Бухорода яшаган. Ҳадис илмини билган ва ўргатган. Ёки Абу Исҳоқ Яъқуб ибн Юсуф ибн Ҳомид ибн Молик ибн Саннон ал-Лол ас-Самарқандий (265 ҳ.й.да вафот этган). Бу ерда ҳам «Лол»га нисба берилган. «Лол» – «луълуъ» (дур-маржон) сотувчи. Асли самарқандлик бўлиб, ислом оламида шу ном билан танилган, машҳур ҳадисшунос.

Йўл қуриш ғояси, энг аввало, Ўзбекистон ҳудудида яшаганлардан чиққан (чунки бу ҳудуд илк қадимги одам ватани ва ўзи қурган йўллар билан шимолга (Европага) ва жанубга (Осиёга) тарқалган) ҳамда улар бу ғояни амалиётга жорий қилган биринчи халқдир. Бунинг сабаби мазкур ҳудудда яшаган халқларнинг атроф муҳитни, ҳудуд географиясини яхши билганлиги, моддий ва маънавий маданиятнинг ўз давридаги макон ва замонда юксаклиги оқибатида атрофидаги яқин ва узоқ халқлар, подшоҳликлар билан яқиндан танишиш, ўзида мавжуд зироатчилик, ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш, айирбошлаш, мазкур макон ва замондаги билимларни, маданиятни кенг ёйиш зарурияти йўллар қуришга ундаган. *Муҳими, бу йўллар бунёдкори ҳам, биринчи йўловчиси ҳам, кўприклар қуриб, ундан ўтган биринчи инсон ҳам шарқлик, ўзбекистонликдир.* Яъни юқорида кўрсатилган зарурият туфайли мазкур ҳудуд халқлари ўзга юртга боришга йўл очган. Бунда у нафақат сайёҳ ёки савдогар, айти пайтда халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни тикловчи дипломат – элчи ҳам бўлган. Мана шу жараён дунёда илк дипломатия – элчиликнинг шаклланишига олиб келган. Улар ўз Ватани, урф-одати, ўзаро муносабатини, – бир сўз билан айтганда, – Шарқ фанини, Шарқ фалсафасини етказишда муҳим омил бўлган. Маълумки, Шарқ фалсафаси тинчлик, тотувлик, бағрикенглик, барқарорлик, илмпарварлик ва, айти пайтда, ижодкорлик, бунёдкорлик фалсафасидир.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаган қадимги аждодларимизни манбаларда скифлар (юнон манбалари) ёки саклар (эрон манбалари) деб аташган. Айрим манбаларда сакларни ёки скифларни кўчманчилар, деб кўрсатишган. «Кўчманчи» атамасининг этимологиясида бир жойда муқим яшамайдиган қабилла ёки уруф тушуниланган. Кўчманчиларга ватан тушунчаси, уни ҳимоя қилиш қабиллар бегона бўлган. Кўчманчиларда ватанни ҳимоя қилишга зарурат бўлмаган. Шу мантиқий мулоҳазадан келиб чиқсак, скифлар ёки сакларнинг миллий қаҳрамонлари Тўмарис, Широқ, Спитамен кимларга қарши ва нима мақсадда курашган, деган саволга кўчманчи атамасига нисбатан мазмун-моҳияти нуқтан назаридан жавоб ола олмаймиз. «Авесто»нинг ёши 4000–3000 йиллар орасида эканлиги ёки мамлакатимизда ҳозиргача аниқланган ва халқаро ҳамжамият эътироф этган ўндаи ортиқ қадимий ва навқирон шаҳарларнинг (дунёда бошқа бирорта давлатда йўқ) мавжудлиги, уларнинг ёши 3000–2000 йиллар орасида (бу охириги чегара эмас) эканлигини жаҳон ҳамжамияти эътироф этган. Шу оддий ва айни наётда, объектив ҳақиқатларнинг ўзи ҳам аждодларимизни кўчманчи деган фикрлар асосензлигини кўрсатувчи далиллардир. Саклар «Авесто»да «Тура» номи билан ифодаланган. Скифлар ёки саклар ўзларининг маданияти, бой моддий ва маънавий қадриятлари билан ўз даврида бошқа мамлакат халқларига намуна бўлган. Скифлар даврида эркак ва аёллар тенглиги таъминланган.

Қадимги грек тарихчиси Геродот («Тарих» асарида саклар атамасини 11 марта ишлатади) ёзишича, скиф қизлари камида битта душманни ўлдирмаса, эътибордан четда қолган ва эрга тега олмаган. Эркаклар ва аёллар тенглиги масаласи қадимги халқларда бошқача тарзда намоён бўлган. Юнонистонда эркак ва аёллар тенгсизлиги қонунлаштирилган (Рим ҳуқуқи). Юнонлар ўзларини (бизнингча фақат аристократия ва элита) энг маданиятли, билимдон ҳисоблаганлар ҳамда ўзгаларни (хорижликларни, қулларини, аёлларини) варварлар, яъни ёввойилар деб аташган ҳамда ижтимоий тенгсизлик улар жамиятининг асосини ташкил этган. Скифлар тўғрисида маълумотлар тош ва сополга ўйиб ёзилган китобларда (мих ёзувлар) Эрон манбаларида сақланиб қолган. Масалан, Доро I буйруғи билан бунёд этилган ғала-

ба ёдгорлиги – Эрондаги Беҳистун ёзувларини келтириш мумкин. У «Загрос» номли тик қояга (105 метр баландликда) бобил, қадимги эрон тилларида ёзилган. Муҳими, бу ёзувлар Доро I га қарши озодлик учун курашган халқ ҳаракатларининг бошлиқлари Гуамата, Фрада (марғиёналик, 522 йил 10 декабрда асир олинган), Скунха (сакларнинг етакчиси) ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур манбага асосланган ҳолда юнон файласуфи Диогеннинг «скифлар подшоҳи Савиллий», деган фикрини «скифлар подшоҳи Скунха», деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқдир. Чунки ёзувлар Доро I томонидан милoddан аввалги 523–522 йилларда Ахоманийлар империясига қарши курашган мустамлака мамлакатлар ҳукмдорлари асир олинishi тўғрисида ҳикоя қилади. Шунингдек, қадимги Эрон манбаларида (масалан, тош ва сополга ўйиб ёзилган китоблар – миҳ ёзувлар) ҳам Доро I босиб олган давлатларни ва уларнинг подшоҳларини номма-ном кўрсатганида, биринчи бўлиб скифлар ва уларнинг ҳукмдорлари исмлари келтирилади. Геродот скифлар отда ва пиёда яхши жанг қиладилар, барча буюм ва асбоблари олтин ва мисдан ясалган (Геродот мил. авв. VI – V асрларда яшаб ўтганлигини назарда тутсак, скифларда юқори цивилизация, маданият, фан равнақ топганининг гувоҳи бўламиз – Ш.Х.), уларнинг ягона тангриси – Қуёш (бу Геродотнинг «Авесто»дан хабардорлигини кўрсатади – Ш.Х.), ғайратли, чопқир отлар ягона тангри учун қурбонлик қилинади, деб кўрсатиб ўтган. Мил. авв. V–IV асрларда яшаган Ксенофонт ва Ктесий асарларида ҳам скифлар ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, урф-одати, билими ва маданияти ўша замон за макони учун бошқа халқларникидан юксаклиги билан ажралиб туриши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Француз файласуфи Франсуа-Мари Аруф (Вольтер) «Скифлар» (трагедия) китобини ёзган. XVI асрда лотин тилида «Скифлар шоҳи Темурланг» китоби нашр қилинган. Мазкур манбалар бўйича скифлар ёки саклар Мовароуннаҳр ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган, уларнинг бой моддий ва маънавий маданияти ҳамда юксак билим ва фалсафаси бошқа Ғарб мамлакатларнинг фани, жумладан, фалсафа фани шаклланишига ижобий таъсир қилган, деган хулоса чиқариш мумкин. Масалан, скифлар ёки саклар фарзанди, буюк файласуф ва етти донишманднинг бири Анахарсис шулардан биридир.

Юнон файласуфи Лаэртлик Диоген (айрим манбаларда<sup>20</sup> Антисфена Диоген Синопский (мил. авв. 410 – 320) ўзининг «Машҳур файласуфларнинг ҳаёти, таълимоти ва ҳикматли сўзлари ҳақида» деган асарида Анахарсис (баъзи манбаларда Анарис) Эрон шоҳи Доро I га қарши курашган Скифия ҳукмдори Идонфарис уруғига мансуб бўлган ҳамда скифлар подшоҳи Савилийнинг (Скунха) яқин кишиси бўлган, деб кўрсатади. Анахарсис ўта истеъдодли, ҳозиржавоб, зукко, энциклопедист олим, ўз давридаги логика фанининг нафақат билимдони аини пайтда уни ҳаётда қўллай биладиган кенг фалсафий мушоҳадали инсон бўлган. У юнон аристократияси вакиллари ни доимо қойил қолдирган, унинг зукколигига тан беришган, эътироф этишган.

Қадимдан юнонларнинг «скифдек сўзга чечан», деган сўзлар дастлаб айнан Анахарсис донишмандлигига нисбатан айтилган. Ҳатто, унинг илк бор Юнонистонга бориб, илмий муҳитга қабул қилинишининг тезлашишида ҳам унинг мантиқий билими ва донишмандлиги кўя келган. Бу ҳодисани қадими и юнон файласуфи Гермийи қуйидагича кўрсатган: Анахарсис Юнонистонда ўз билими билан машҳур шахс сифатида эътироф этилган Солон билан учрашуви ҳам ўзига хос тарзда содир бўлган. Анахарсис Солон истиқомат қиладиган хонадонга келиб, унинг қулига: «Солонга кириб айт, скифлар юртидан Анахарсис келди. Унинг пияти юнонлар орасида машҳур бўлган олим билан учрашиш, суҳбатлашиш, дўст тутинишдир» – деган. Солон ўзининг мавқеи нуқтаи назаридан ҳамда ғарбона ижтимоий муҳит (индивидуализм) таъсирида мушоҳада қилганлиги боис (яъни, юнонлар хорижликларни варвар ҳисоблашган) ҳамда ўзи билмаган нотаниш инсон билан учрашишни истамаганлиги сабабли ҳам қулига: «Инсон дўстни энг аввало ўз ватанидан қидиради», – деб уни нотаниш кишига етказишни айтади. Анахарсис унинг рад жавобига: «Солон ҳозир ўз ватанида шундай экан, нега дўст қидирмасин?!», дейди. Бу жавобни кул Солонга етказди. Солон бу мантиқий, фалсафий мушоҳада билан айтилган жавобга тан беради ҳамда Анахарсисни қабул қилади.

XX аср 70-йилларида Украина ССР Олий ва ўрта махсус таълим

---

<sup>20</sup> Бессонов Б.Н. История философии. Учебник. – М.: «ЮРАЙТ», 2010. –С.25.

министрлиги томонидан олий ўқув юртлири учун тавсия этилган Е.Г.Федоренконинг «Марксча-ленинча этика асослари» ўқув қўлланмасининг русча 2-нашри асосида ўзбекча нашри учун қайта ишланган ва тўлдирилган ўзбек тилидаги таржимасининг «Антик давр мутафаккирларининг этикавий қарашлари» параграфида «Ахлоқ ҳақидаги дастлабки таълимотлар Қадимги Шарқ мамлакатлари – Миср, Бобил, Фаластин, Ҳиндистон, Хитойда юзага келган»<sup>21</sup>, – деб кўрсатилади. Шунингдек, мазкур параграф изохида: «Қадимги Грециянинг машҳур мутафаккири Сократ яқин вақтларгача «ахлоқ философиясининг отаси» ҳисобланиб келган эди. Шарқ маданияти билан чуқур танишиш натижасида XX аср олимлари бу фикрдан қайтишга мажбур бўлиб, этика тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар анча бурун, яъни бундан 26 аср олдин Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган, деган фикрга келдилар»<sup>22</sup>, – деб алоҳида кўрсатилади. Бизнингча, буни айнан Ўзбекистон замини ҳамда унинг буюк файласуфлари, уларнинг асарлари («Авесто»), хусусан, Анахарсис назарда тутилган. Эндиликда, яъни XXI аср бошларида олимлар «фалсафанинг отаси» мақомини ҳам ўзгартиришга мажбур бўлаётганлигини, фалсафа тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар Шарқда Фалес яшаган даврдан ҳам ўнлаб аср муқаддам пайдо бўлганлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки Цицерон Марк Тулий (мил.авв. 106–43): «Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди», – деб кўрсатган. Ўз даврида Фалес Юнонистонда етти донишманднинг бири ҳисобланган. Шу етти донишманднинг бири сифатида скифиялик Анахарсисни Аристотель «Никомах этикаси» ва «Аналитика», Диоген Лаэртский «О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов» (М.: Мысль, 1979) асарларида, Платон «Протагор» ҳамда Плутарх (мил.авв. 120-40) «Етти донишманд зиёфати» асарларида алоҳида кўрсатишган.

Етти донишманд тўғрисида ҳам ўзига хос турлича фикрлар мавжуд. Диоген (мил.авв. 400–323) «Етти донишманд», Дамон Киренский «Файласуфлар тўғрисида» асарларида етти донишманд ўзларини сиёсатга бағишлаган, деб кўрсатишади. Дикеарх етти дониш-

---

<sup>21</sup> Федоренко Е.Г. Марксча-ленинча этика асослари. –Т.: «Ўқитувчи», 1976. –12-бет.

<sup>22</sup> Ўша жойда.

манд файласуф бўлишмаган, улар ақлли инсон ва қонуншунос бўлишган, деб таъкидлайди. Архетим Сиракузский етти донишманднинг баҳсларида қатнашганлигини ёзиб қолдирган. Эфор улар билан доимо мулоқотда бўлганини, лекин Фолаем билан мулоқотда бўлмаганини айтади. Диоген олимлар етти донишманд билан Юнонистоннинг Паниони, Коринф, Дельта шаҳарларида учрашишган, шу сабабли таркиби ҳам турлича тақсимланган, деб кўрсатади ҳамда Меандрый Клеобула ва Мисон билан Леофанта Этименидларни ҳам етти донишмандлар рўйхатига киритади. Платон «Протагор» асарида етти донишманд рўйхатига Мисон, Периандр, Эфар, Анахарсисларни киритади. Термип «Донишмандлар тўғрисида» асарида ўз давридаги 17 та файласуфни донишмандлар рўйхатига киритиб, турли муаллифлар ўзлари хоҳлаган етти олимни етти донишманд рўйхатига киритган, деб кўрсатади (Солон, Анахарсис, Фалес, Питак, Бланта, Хилом, Мисон, Клеобул, Перианде, Акусилая, Эпименид, Леофант, Ферекид, Аристотель, Пифагор, Лас, Анаксагор). Гиниобод «Файласуфлар рўйхати»да Орфей, Лип, Солон, Пермандр, Анахарсис, Клеобул, Мисон, Фалес, Бланта, Питак, Эпихарм, Пифагорни киритади<sup>23</sup>. **Муҳими, манбалар турли файласуфлар томонидан турли даврларда ёзланидан қатъи назар, уларнинг барчасида Анахарсис етти донишманд сафида доимо кўрсатилган.**

Шу ўринда Ж.Бозорбосвининг «Етти донишманднинг бири» номи мақоласида Анахарсис тўғрисида келтирилган маълумотлар эътиборлидир. Лекин мақолада: «Ўша даврларда (мил.авв. 499–449 йиллар назарда тутилмоқда – *Ш.Х.*) Овруосиёнинг бепоён чўллари бўйлаб кўчманчи ҳаёт кечирадиган ва тириклик манбаи чорвачилик бўлган яна бир халқ ҳам бор эдики, уни юнонлар «скиф», форслар эса «сак» деб атаган... Бир куни... Анахарсис... жонажон қабиласини тарк этади»<sup>24</sup>, – деб кўрсатилади. Баён қилинганлардан скифлар ёки сакларни Овруосиёга тегишли ҳудуддан, улар кўчманчилар ва қабилла бўлиб яшаган, деб хулоса чиқарилади (бу собиқ Иттифоқ давридаги Фарб олимлари томонидан европацентризмнинг устунлиги учун ўйлаб топилган даъвонинг тақрорланиши). Бу чиқарил-

<sup>23</sup> Фрагменты ранних греческих философов. Ч.1. –М.: Наука, 1989, –С.91.

<sup>24</sup> *Бозорбос* Ж. Етти донишманднинг бири. //Тафаккур, 2009. 1-сон, 84-бет.

ган хулоса асоссиздир. Агар жамиятнинг ижтимоий тузилиши нуқтан назардан таҳлилини берсак, олдин уруғлар, қабила, элат, миллат пайдо бўлган. Уруғ, қабила ва элат миллат пайдо бўлишидаги муҳим босқичлардир. Айни пайтда миллат улардан тубдан фарқ қилади. Чунки уруғ, қабила ва элат шакллашишида ҳудуд асосий омил ҳисобланмайди. Зеро, улар инсониятнинг жамоа бўлиб яшашининг илк кўринишлари, холос. Уруғларнинг асосий белгиси, энг аввало, уларнинг қон-қардошлигидадир. Элатлар эса бир нечта турли хил қон-қардош қабилаларнинг мажмуасидир. Академик Ж.Бозорбоев мақоласида скифлар ёки сакларни Евроосиёга тегишли ҳудуддан дейилиши ҳам мунозаралидир. Чунки саклар ёки скифлар Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Амударё ва Сирдарё оралигида ўтроқ ҳолда яшаган. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати шундаки, мақолада: «Орзусидаги афсонавий диёр сари Қора денгиз ёқалаб илдам кетиб бораётган илмга ташна бу қалб соҳибининг насл-насаби аслида қандай эди? – деб савол қўйган. Диоген (II аср охири III асрнинг биринчи ярми) «Машҳур файласуфларнинг ҳаёти, таълимоти ва ҳикматли сўзлари ҳақида» деган асарида: «Анахарсис скиф миллатига мансуб бообрў зодагон Госурнинг ўғли бўлиб, айнан ота уруғи тарафидан кейинроқ Эрон шоҳи Доро Биринчига қарши урушда мардлик кўрсатган Скифия ҳукмдори Идонфарисга яқин қариндош эди»<sup>25</sup>, – деб таъкидлайди. Муаллиф мақолада Анахарсисни кўчманчи ва қабила вакили сифатида, айни пайтда, манбага суяниб: «Анахарсис скиф миллатига мансуб», – деб кўрсатиб, скифларни қабила бўлиб, кўчманчи ҳолда яшаган, деган асоссиз даъвосини ўзи рад қилади. Манбаларда сак ёки скифлар қадимги даврларда мавжуд бўлган, деб кўрсатилади. Сак ёки скиф атамаси турли жойларнинг номланиши ёки айрим ҳудудда яшаган авлодларга ҳам татбиқ этилиб, X–XI асрларда ҳам сақланиб қолган. Масалан, ўрта асрларда ҳозирги Бухоро вилояти ҳудудида «Сакбиён», «Сакажжас», Самарқанд вилоятида «Сакан» деб номланган қишлоқлар (мазкур манзилларда қадимда саклар шаҳарлари бўлган) ҳамда Сакан, деган маълум бир уруғ авлоди бўлган. Мазкур номдаги қишлоқлардан олим, уламо, файласуфлар, фикҳ вакиллари ети-

<sup>25</sup> Бозорбоев Ж. Етти донишманднинг бири. //Тафаккур, 2009. 1-сон, 84–85-бетлар.

шиб чиққан ҳамда ўзларининг исми шарифларига «Ас-Саконий», «Ас-Сакбиёний», «Ас-Сакажжасий», «Ас-Саканий» нисбаларини қўйган. Масалан, Абу Али ас-Саконий – уламо бўлган. Абу Саид Суфён ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Сакбиёний ал-Бухорий аз-Зоҳид – ҳадисшунос – фақиҳ бўлган. Абу Юсуф Яъқуб ибн Юсуф ибн Уҳайд ас-Саффор ас-Сакажжасий – ҳадис илмини мукаммал билган, қози бўлган. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳатам ибн Ҳаммод ибн Абдурахмон ас-Сакажжасий – имом бўлган. Шунингдек, «сакан» авлодига мансублик нисбаси билан қуйидаги олимларни келтириш мумкин: Абулҳасан Амр ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн ас-Сакан ал-Асадий ас-Саканий – муҳаддис, шайх, фақиҳ бўлган. Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Кўз ас-Саканий – саҳиҳ ва солиҳ шайх бўлган.

Страбон ўзининг «География»<sup>26</sup> асарида қишлоқ хўжалик ҳосилдорлигига бағишлаб Вавилонда Анахита ибодатхоналарида ўтказиладиган байрам тантанасини «Саклар байрами» деб атаган. Муаллиф мазкур байрам урф-одатларини юнонларга саклар олиб келганлигини алоҳида таъкидлайди. Демак, «асл шажарасининг бир чети сак қабилаларидан бўлган хоразмликлар учун бу байрам маҳаллий бўлган.

Дарҳақиқат, Хоразм маросимини эллинизм таъсири деб бўлмайди, чунки у жуда қадим замонларга мансуб бўлиб, Македонский ўлкамизга бостириб келган пайтда, ҳатто юнонларнинг ўзи ҳам уни билмаган. Турли халқларда учрайдиган бир хил этникод маросимларини зироатчилик моҳиятидан ахтариш тўғри бўлади. Ваҳоланки, Хоразмда узумзорлар суғориш иншоотлари билан биргаликда эрамиздан олдинги биринчи мингйиллик ўрталарида пайдо бўлган. Олимларнинг фикрича, бу маросимлар Юнонга ҳам Шарқдан, эҳтимол Месопотамиядан келган. Бунга исбот сифатида қуйидаги далил келтирилади: Тупроққалъа ибодатхонаси, ўз тарихига кўра, Хоразм учун аъъанавий бўлган айнан шимолга йўналтириш усулидан фарқли ўлароқ, Вавилон обидаларига хос йўналиш усулини қайтариб, шимолдан азимут бўйича сал силжиган.

Демак, Тупроққалъанинг «Рақс тушаётган ниқоблар» залида тас-

---

<sup>26</sup> Страбон. География. В 17 книгах. (Пер. Г. А. Стратановского). – М.: 1964.



вирланган маросим «саклар байрами»ни ифодалаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Залдаги деворий тасвирларда рақс тушаётган аёл ва узум токи расмлари эса – Анахита эътиқоди билан боғланиб, ҳосилдорлик ва май сиқиш маросимларига тегишлидир. Анахита билан умумий меҳробга эга бўлган иккита илоҳдан бирини Страбон плоҳа Анадат деб атаган ва улардан бирининг ёғоч ҳайкалини кўчага олиб чиқиш маросимини ўз кўзи билан кузатган экан.

Турли маълумотларга таянган Ю.Рапопорт, Анахита ҳайкалидан икки четдаги деворларнинг марказида айнан шу сиймолар тасвирланган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Шундай тасвирлар эра-миздан олдинги V-III асрларда Хоразмнинг сопол сувдонларида ҳам акс этгани бу тахминни асослайди. Анахита ёнидаги мазкур иккита илоҳдан бирини олимлар зардуштийларнинг «ўлмас авлиёси», ўсимликлар ҳомийси Амэрэтат, иккинчисини эса – сув ҳомийси Хаурватат, деб ҳисоблашади...»<sup>27</sup>

Юқорида Ҳ.Кароматовнинг саклар тўғрисида билдирган фикрларига қуйидаги муносабатни келтиришни лозим топдик.

**Биринчидан**, билдирилган фикрлар қадимги ғарб, хусусан, юнон фалсафаси шаклланишида аجدодларимизнинг ижобий таъсири бўлганлигини яна бир бор илмий жамоатчиликка кўрсатади.

**Иккинчидан**, муаллиф олдин сакларнинг Юнонистон урф-одатларига, фалсафасига таъсири ҳамда уларнинг олдин саклар давлатида пайдо бўлганлигини эътироф этади ва айни пайтда: «Олимларнинг фикрича, бу маросимлар Юнонга ҳам Шарқдан, эҳтимол, Месопотамиядан келган. Бунга исбот сифатида қуйидаги далил келтирилади: Тупроқ-қалъа ибодатхонаси, ўз тарихига кўра, Хоразм учун анъанавий бўлган айнан шимолга йўналтириш усулидан фарқли ўлароқ, Вавилон обидаларига хос йўналиш усулини қайтариб, шимолдан азимут бўйинча сал силжитган», – деб кўрсатади. Бизнингча мазкур жумла «Хоразм учун анъанавий бўлган айнан шимолга йўналтириш усулидан воз кечилган ўша даврдаги юксак ривожланган математика, астрономия, геометрия фанлари асосида шимолдан азимут бўйинча сал силжитиб қурилганки, кейинчалик бу усул Вавилон обидаларида ҳам қўлланилган» деган таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, юнонларга

<sup>27</sup> Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. –Т.: «ЖИДУ», 2008. –359-бет.

«Авесто»нинг таъсири орқали Турон юртининг фани ва маданияти ҳам кириб келган ҳамда илм-фанининг шаклланишига бевосита ёрдам берган. Буни Турон замини фарзанди Анахарсис сингари файласуфлар амалга оширган. Демак, Цицероннинг: «Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди», – деган фикрини Анахарсисга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, **биринчидан**, Анахарсис «Авесто» ватани фарзанди, «Авесто»да илгари сурилган ғояларни Фарбога – Юнонистонга олиб борган, ўргатган, тарқатган ҳамда грек фалсафаси шаклланишига ҳисса қўшган. **Иккинчидан**, Фалесга қараганда, унинг ёши катта бўлган. **Учинчидан**, Анахарсис борлиқ, билиш назарияси масалалари ва ҳақиқат мезонлари тўғрисида, инсон билимининг чексизлиги, нарса ва ҳодисалар моҳияти тўғрисида билдирилган ҳар қандай фикрга, ғояга нисбий ҳақиқат тарзида шубҳа билан қараш ҳақида асарлар ёзган. «Ёмон одам кўмирга ўхшайди, куйдирмаган тақдирда ҳам қора юқтиради», – деган ҳикматни айтган. Бу ҳикматдан жамиятда ёмон одамлар мавжуд экан, жамият тараққиётига ёмон бўлган қўнлар ҳам бўлади, одамларнинг ўзаро муносабатидаги ёмонлик, турли зиддият ва қарама-қаршиликларга олиб келади, деган хулоса чиқади. **Анахарсис биринчи бўлиб кема лангарини, қўлол чархини кашф қилган**. Бу ҳам уни маълум бир макон ва замондаги билимларни, хусусан, математика, астрономия, геометрия сингари фанларни нафақат билганлигини, айни пайтда уларни амалиётга жорий қилганлигини кўрсатади. Бинобарин, шу сабабли ҳам, Анахарсисни энциклопедист олим дейишга тўла асос мавжуддир. Бу Афина аристократлари томонидан эътироф сифатида Анахарсисга улкан ёдгорлик ўрнатилганлигида ҳам ўз аксини тояган. Бу эътироф нафақат Анахарсиснинг буюк истеъдоди ва илмий салоҳиятига, айни пайтда, Анахарсис яшаган заминга, Анахарсис аждодларига, Анахарсис аждодлари ёзиб қолдирган муқаддас китоб – «Авесто»га тааллуқли эканлигини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Булар милоддан аввалги X–IX асрларда ёзилган «Авесто»ни греклар мил. авв. VI–V асрлардаёқ билишган, ўрганишган ҳамда «Авесто»да илгари сурилган ғоялар уларнинг ўз даврида машҳур файласуфлар бўлиб шаклланишида асосий манба бўлганлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Ҳозирги даврда етарли даражада маълумот олинмаганлиги оқибатида матбуотда: «Европани Марказий Осиё билан дастлаб юнонлар – Искандар Зулқарнайн ҳарбий юриши қатнашчилари таништирган. Лекин шундан кейин бир неча аср мобайнида Осиё европаликлар учун сирли ўлкага айланган»<sup>28</sup>, – деб кўрсатилиши мунозаралидир. Ваҳоланки, аждодларимиз мил. авв. VII асрлардаёқ Европага – Юнонистонга борганлиги, уларга муқаддас китоб Авестодан сабоқ берганлиги ҳамда шу асосда антик грек фалсафаси шаклланганлиги маълумдир. Шунинг учун ҳам юқоридаги «Европани Марказий Осиё билан дастлаб юнонлар – Искандар Зулқарнайн ҳарбий юриши қатнашчилари таништирган», деган қарашни Марказий Осиёни, унинг фан ва маданиятини Европа билан аждодларимиз (Анахарсис) таништирган ва уларнинг фан ва маданияти, хусусан, фалсафаси шаклланишига ижобий таъсир қилган, деб кўрсатилса, ҳозирги замон нуқтаи назардан тўғри бўлади.

Юқоридагилар, И.Каримов қатъий таъкидлаганидек, «...узоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга эга бўлишимиз шарт»лигини ҳозирги ривожланиш жараёни бевосита талаб қилаётганини билдиради.

### Алп Эртўнга (Афросиёб) фалсафаси

Алп тушунчаси ўзбек дostonларида Ватан, халқ манфаати йўлида бунёдкорлиги, маънавий жасоратлари билан ажралиб турадиган кишига берилган сифат, унвондир. Масалан, Алпомиш дostonида Алпомиш, Гўрўғли дostonида Гўрўғлига мазкур сифатлар берилган. И.Каримов «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «алп» тушунчасининг этимологиясини қуйидагича кўрсатиб ўтган: «Асардаги кичик бир далилга мурожаат қилайлик. Халқимизнинг қадимий тасаввурларига кўра, ўқ-ёй – ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан – бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп дегани – ҳокимият эгаси эка-

---

<sup>28</sup> Мирзаева Р. Муқаддас қадамжолар бўйлаб// Жаҳон адабиёти. 2010, ноябрь, 148-бет.

нини инобатга олсак, бу дoston кўп асрлик миллий давлатчилиги-мизнинг бадиний ифодаси эканига ишонч ҳосил қиламиз<sup>29</sup>».

Тарихий манбаларда Ўғузхон, Афросиёб, Алп Эртўнга каби номлар кўплаб учрайди. Айрим ҳолларда эса улар афсонавий қаҳрамонлар сифатида тасвирланади. Лекин турли битиклар ҳамда қадимдан қолган манбаларда уларнинг тарихий шахс эканлиги маълумдир. Фирдавсий, Наршахий, Маҳмуд Кошғарий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий асарларида бу номлар кўплаб учрайди. Аслида номлар турлича ифодаланса-да, улар битта, яъни Турон замини ҳукмдорни, уни турли босқинчилардан ҳимоя қилган Алп Эртўнга ҳисобланади. Форсий манбаларда Алп Эртўнга Афросиёб тарзида ифода қилинган.

Самарқанд тарихда «Ҳисори кўҳна», «Қалъан Ҳисор» деб номлангани маълум. XVII асрдан дастлаб «Қалъан Афросиёб», кейинчалик «Афросиёб» номи билан машҳур бўлган. Лекин турли объектив ва субъектив сабаблар боис «Афросиёб» харобага айланган ва аҳоли уни ташлаб кетган. Афросиёб ҳозирги Самарқанднинг шимолдаги 219 гектарлик тепаликда жойлашган.

И.Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги (1997 йил 19 октябрь) табрик сўзида: «Наршахий шунини ҳам таъкидлайдики, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлимиш Алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган», деб кўрсатган. Шу ўринда «Туронда Алп Эр Тўнга, Афросиёб, Кушоншоҳдо, ... манғитлар давлатлари, салтанатлари, Хива, Қўқон хонликлари XX аср бошларигача узлуксиз давом этиб келган...»<sup>30</sup>, деган қарашлар мунозаралидир. Чунки бунда Алп Эр Тўнга ва Афросиёбни бошқа-бошқа шахслар сифатида кўрсатишган.

Дарҳақиқат, Алп Эртўнга энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан ҳисобланади. У орқали қадимдан халқимизнинг ўтроқ яшагани, ўз ерига, Ватанига чексиз муҳаббати намоён бўлади. Шунингдек, Маҳмуд ибн ул-Ҳусан ибн Муҳаммад Кошғарий «Девону луғотит

---

<sup>29</sup> Каримов И. «Алломиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз. Т.8. —Т.: «Ўзбекистон», 2000. —80-бет.

<sup>30</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. —Т.: «Шарқ», 2006. —353-бет.

турк» асарида «Тўнга – шер, ботир, баҳодир, филни ўлдирувчи кучли ҳайвон»га қиёсланади. Алп Эртўнга ҳукмронлик қилган даврлар мамлакатда осойишталик ҳукм сурган ҳамда босқинчи кучлардан халқ доимо ҳимоя қилинган. Шу бонсдан ҳам Маҳмуд Кошғарий «Замон озди, заифлар, бемазалар кучланди. Замон аҳли (мамлакат аҳолиси) Афросиёбнинг вафот қилиши билан фазилатидан маҳрум бўлдилар», деб ёзган. Алп Эртўнга ўзининг давлатни бошқаришдаги қатъийлиги, она Ватанни ҳар қандай босқинчилардан ҳимоя қилишга қодирлиги билан бошқа халқларга ўрнак бўлган. Шу сабабли ҳам турли халқларнинг олим-уламолари ўз асарларида унинг мардлиги, жасоратини мадҳ этишган.

«Ўғузхон (Афросиёб)нинг Хитой сарой солномалари орқали бизгача етиб келган куйидаги сўзлари диққатга сазовордир: «...Мен Ватанимни ўз ишқим ўғрисига хор этмайман! Мозорда ётган отабоболаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлод-аждодларимизнинг бу муборақ тупроқ устида ҳақлари бордир! Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқдир. Бундан буёғига уруш қилажакмиз! Энди мен душманга отимни тўғри солдираман, орқамдан келмаган ўлдиражакдир! ...Ер давлатнинг асосидир, уни қандай қилиб тортиқ қилиб бериб юбориш мумкин?!»<sup>31</sup>.

Мазкур сатрлар Алп Эртўнганинг ижтимоий-фалсафий қарашларини кўрсатибгина қолмай, айни пайтда ўз ери, ўз Ватанининг бир қаричини ҳам ёт кучларга бермайди, керак бўлса унга жонини фидо қилиб, маънавий жасорат соҳиби эканлигини намоён қилади. Бизнинг назаримизда, юқоридагилар бевосита Турон заминининг ўзига хос мафқурасининг фалсафий ва диний илдизларини мустаҳкамлашдаги муҳим бўғиндир. Зеро, «Турончилик мафқураси» – Алп Эр Тўнгадан бошлаб Амир Темур ва «Туркистон Мухторияти»гача туркий халқларнинг жаҳоний яратувчилик, ижодкорлик фаолияти ва руҳини ўзида мужассамлаштирган...»<sup>32</sup> «Турон мафқураси» иқтисод, сиёсат, турмуш тарзи, анъана, урф-одат, қонунчиликда очиқ тизимлиликни, дин ва иймонда эътиқодий бағри кенг-

---

<sup>31</sup> Жаҳон фалсафаси. 2004, 7-бет.

<sup>32</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат. – 354-бет.

лик ҳамда ижодий эркинликни устувор қадриятлар деб уқтиради; бу мафкура туркий халқларни бошқа халқлардан устун санамайди, уларга қарама-қарши чиқмайди, ниҳоясиз уруш, жанжал, низо ва қутқу ҳолатларини туғдирмайди<sup>33</sup>. «Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва «Буюк Турон» шовинистик ғоясини қатъиян рад этди. Биз учун Турон – минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзидир»<sup>34</sup>.

Умуман олганда, Алп Эр Тўнга сингари минглаб миллий қаҳрамонларимиз ўзларининг мардлиги ва жасурлигини, ўзларининг кенг имкониятларини, куч ва қудратларини аксарият ҳолларда жанг майдонларидан кўра, кураш майдонларида кўрсатишган. Шу сабабдан ҳам ўзбек кураши ҳозирги даврда жаҳон майдонига чиқди ҳамда халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик элчиси бўлиб қолмоқда. Айни шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов шундай («Ўзбек кураши – жаҳон майдонида») деган эди: «Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати Ўзбекистон пойтахтида ўтаётгани биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Буни биз курашининг асл ватани – Ўзбекистонимизнинг нафақат спорт майдонларида, умуман жаҳон тараққиётида ўзига хос, ўзига мос ўринга, нуфуз ва обрўга эга бўлаётганидан яққол далолат деб биламиз. Ҳақиқатан ҳам ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган. Бу қадимий заминда туғилиб-ўсиб, муборак номлари афсона-ю, дostonларга айланиб кетган Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар кураш орқали ўзбек юртининг шонига-шон қўшганлар, донини бутун оламга таратганлар.

Бутун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олинishi барчамизни бағоят қувонтиради.

---

<sup>33</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат. – 354-бет.

<sup>34</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: «Ўзбекистон». 1998. – 130-бет.

## Спитамент фалсафаси

Қадимги грек тарихчиси Помпей Трог «Умумий тарих» асарида массагетлар тўғрисида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Каспий денгизидан бошлаб скифларнинг катта қисми дейлар, улардан шарқда яшовчи қисми эса массагетлар ва саклар деб аталади». Скифлар тўғрисида шундай ёзган: «Скифларни ҳамма вақт энг қадимий халқ деб ҳисоблаб келганлар. Қадимийликда улар мисрликлардан қолишмайдилар». Қадимги юнон манбаларида, масалан, Клавдий Эллианнинг (мил. авв. III - II асрлар) «Турли-туман ҳикоялар» асарида сакларнинг жасур ва бақувватлигига йўналтирилган урф-одатлари алоҳида таъкидланган: «Саклардан бирон киши бир қизга уйланмоқчи бўлса, биринчи навбатда у билан кураш тушмоғи лозим. Борди-ю, йигит курашда енгилиб қолса, тамоман қизнинг ихтиёрига ўтади, асири ва қулига айланади. Йигит фақат ғолиб келган тақдирдагина қизга уйланиши мумкин». Бу фикрлар, **бир томондан**, Турон замида халқларнинг урф-одати қандайлигини кўрсатса, **иккинчи томондан**, ўзбек курашининг генезиси ҳам узоқ тарихга эга эканлиги маълум бўлади. Венгер ёзувчиси Л.Кун «Умумий жисмоний тарбия маданияти ва спорт» китобида милoddан III минг йил аввал Месопотамия ҳудудида бронзадан ясалган икки одамнинг курашаётгани тасвирланган ҳайкал топилганлиги тўғрисида маълумот беради. Бу ҳайкалча Ўзбекистон ҳудудида ясалган ҳамда у турли вазиятларда (савдо-сотиқ, совға ёки урушлар) Месопотамияга олиб кетилган бўлиши мумкин, деган фараз ҳам мавжуд. Чунки юқорида кўрсатилган вақтда Ўзбекистон ҳудудида темир кашф қилинган, турли хил темир қуроллар, ишлаб чиқариш воситалари йўлга қўйилганлиги тўғрисида далиллар мавжуд. Бу бевосита ҳозирги вақтда тарихий хотираси ҳамда аجدодлар анъаналарини қайта тиклашга қаратилган саъйи ҳаракатда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Миркарим Осимнинг «Тўмарис», «Широқ» ҳикояларида мазкур урф-одат, кураш каби ҳолатларга кенг ўрин берилган.

«Биродарлар! – Искандар безовта нигоҳ билан ҳаммага қараб чиқади. – Спитамен ўлдирилди. Бу одам Сўғдиёнанинг қўрқмас ва баҳодир йигитларида бири эди. Аммо у бизга қарши қурол кўтаргани

учун жазосини олди. Уннинг қанча зиён келтиргани ўзингизга маълум. Бироқ, биз икир-чикирлардан баланд бўлишимиз керак. Биз Спитаменга ўлимидан кейин Сиёвуш авлодига муносиб хизмат кўрсатамиз... Қоплоннинг бошини Биҳарга олиб боринглар ва уни ота-боболари кўмилган тепаликка дафн этинглар».

Оддий халқдан чиққан руҳоний Тана Оксар Спитаменнинг жасоратини шундай баҳолаган: «...Сен Искандарга қарши мардона курашга асос солдинг. Сенинг номинг келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Бир йилдан кейин юзта Спитамен чиқади, ўн йилдан кейин Спитамен мингга етади. Юз йилдан кейин ўн минглаб Спитамен бош кўтаради. Сен ташлаган битта уруғдан кўплаб, ҳадсиз-ҳисобсиз ниҳоллар туғилади. Улар ҳам янги ҳосил беради ва ниҳоят, эртами-кечми душман муносиб жазосини олади. Булук ишлар бир зумда амалга ошиб кетмайди. Ҳужум қил! Кураш! Лозим бўлганда орқага чекин. Аммо нима учун курашаётганингни унутма»<sup>35</sup>.

Хулоса:

- Спитамен миллий қаҳрамон;
- Спитамен халқни бирлаштирди ва Александр Македонскийнинг босқинчилик уруши адолатсизлигини исботлади;

Спитамен фан, маданият кучли бўлган халқни ўздан бир неча баробар паст бўлган омма енголмаслигини кўрсатиб қўйди;

– Спитамен Турон замини халқларнинг бағрикенглигини ва айни пайтда душманга нисбатан ўта шавқатсизлигини кўрсатди;

– Спитамен Турон замин халқлари цивилизация бешингида асосий ва муҳим бўғинлигини яна бир бор Фарбга кўрсатди;

---

<sup>35</sup> Ёвдат Илёсов. Сўғдиёна (тарихий роман). –Т.: «Шарқ», – 1994.



## Малика Тўмарис биринчи файласуф аёл

*Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонатини, ақл-заковатини, нафосат ва назокатини билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбеғим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳаминиша эҳтиром билан тилга оламиз.*

И.Каримов

Қадимдан аждодларимиз ўз ери, ўз Ватани тақдирига бефарқ бўлмаганлиги турли манбаларда алоҳида таъкидланган ҳамда уларга эҳтиром кўрсатилганлиги ўз аксини топган. Муҳими, бу жараёнда эрқагу аёллар бир тан, бир жон бўлиб фаолият кўрсатганидир. Шу сабабдан ҳам қадимдан шерюрак паҳлавонлар қатори мард ва мағрурлиги билан маънавий жасорат кўрсатган аёллар ҳам халқимиз хотирасида абадий сақланган. Тарих ўз хотирасида уларни турли воситалар билан сақлаб авлодларига етказган. Бу жараён, айниқса халқнинг оғзаки ижодида, эпос<sup>36</sup>, ривоят<sup>37</sup>, афсона<sup>38</sup> ларида тасвирланган.

Бу восита қадимдан анъана бўлган. Турон замин маликаларининг маънавий жасоратлари, мардлиги ўзга халқларга ҳам ибрат бўлган, уларнинг афсоналарида акс этган. Бу бевосита қадимги юнон олимлари асарларига ҳам хос хусусиятдир. Шунинг учун Геродотнинг (мил. авв. 484–425) «Тарих» китобидаги кўпгина тарихий воқеалар, шу жумладан тарихий шахслар ҳақидаги воқеа-ҳодисалар тафсилотли ривоят, афсона, эпос тарзида кўрсатилган. Лекин атама, тарихий воқеалар ёки тарихий шахслар ҳаёт фаолияти ҳақидаги ривоят, афсона, эпосларда воқеа-ҳодисалар объектив, ўз макон ва замони нуқтани назаридан акс

---

<sup>36</sup> «Эпос» – юнонча *epos* – сўз, нутқ, ҳикоя, қўшиқ. Халқ оғзаки ижодиётида қаҳрамонлик ва қаҳрамонлар ҳақидаги дostonлар мажмуи. Қаҳрамонлик эпоси. Қирғиз халқининг «Манас» эпоси. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-том. – 45-бет.

<sup>37</sup> «Ривоят» – арабчадан олинган бўлиб, ҳикоя, қисса, афсона. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 3-том. – 383-бет.

<sup>38</sup> «Афсона» – ҳикоя, нақл, уйдирма. Ассосиз гап, ёлғон-яшиқ, уйдирма. Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сифмайдиган нарсa, иш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-том. – 118-бет.

эттирилмасдан турли хил тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига олиб келган<sup>39</sup>: «Тўмарис», «Широқ» сингари ривоятлар...» (3-бет), «...қадимги афсоналарда («Тўмарис», «Широқ») ҳам акс этган» (24-бет), «Қадимги туркий эпос ҳақида маълумот парагрифида: «Турли-гуман маълумотларга таяниб туриб, Ўрта Осиёни эпослар бешинги деб номлаш мумкин бўлади. Эрамизгача V асрда яшаган Херодот Тўмарис билан боғлиқ воқеалар тафсилотини келтирган. Яна бир юнон тарихчиси Полиэн эса Широқ ҳақидаги афсона мазмунини ёзиб қолдирган» (38-бет), «Қадимги қаҳрамонлик эпослари» параграфининг «Тўмарис афсонаси» қисмида (аслида «Мундаража»да бу ҳам алоҳида параграф тарзида берилган): «Улар орасида «Тўмарис» ва «Широқ» ривоятлари алоҳида ўрин тутадди. Тўмарис ҳақидаги ривоят Херодотнинг (эр. ав. 484-425) «Тарих» китоби орқали етиб келган... Атоқли олима Фозила Сулаймонова юнонлар Тўмарис деб атаган бу қаҳрамонни Тумор деб номлади. Бу фикрда жон бор» (44-бет), мазкур параграфининг «Савол ва топшириқлар» қисмида: «1. Тўмарис афсонаси бизгача қай тарзда етиб келган?» «2. Афсонада акс этган географик ва этник номларни дафтариниғизга кўчиринг...» (50-бет), «Широқ афсонаси» парагрифида (51-бет) «...Широқ афсонаси алоҳида ўрин тутадди» (52-бет). Мазкур параграфининг «Савол ва топшириқлар» қисмида: «1. «Широқ» ривояти бизгача қай тарзда етиб келган? 2. «Широқ» ривояти ва ҳикоя<sup>40</sup> си ўртасидаги яқин ва фарқли томонларни белгиланг» (55-бет) каби ноаниқликлар ўз аксини топган ва ҳоказо.

Худди шу сингари чалкашликлар бошқа манбаларда ҳам учрайди<sup>41</sup>. «Халқнинг муқаддас ёдномаси» параграфидан: «Тумарис» ва «Широқ» ҳодисотларини...» 50-бет, «Тарихчи Геродот томонидан ёзиб қолдирилган бу ҳодисот ...» 53-бет, «Тарихимиздаги бу каби ибрату ҳикматга бой яна бир ҳодисот борки, у халқ қаҳрамони Широқ номи билан машҳурдир»<sup>42</sup>.

---

<sup>39</sup> Боқижон Тўхлиев. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун дарслик. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган. Т.: «Ўзбекистон», 2000.

<sup>40</sup> «Ҳикоя»... деб изоҳланган Ўзбек тилининг изоҳли луғатида

<sup>41</sup> Алишов Б., Расулов Т. Ватан – юракдаги жавоҳир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази нашрга тавсия этган. –Т.: «Ўқитувчи», 2001.

<sup>42</sup> Ўзбек адабиёти. Дарслик. – 53-бет.

«Ўрта Осиё халқларининг оғзаки ижоди тараққий этиб, фольклор<sup>43</sup> асарлари вужудга келди. Чунончи, Тўмарис, Широқ ҳақидаги достон<sup>44</sup> лар шу даврнинг маҳсулидир... Спитамен ва Тўмарис ҳақидаги достон Ўрта Осиёда икки асрча ҳукмронлик қилган ахоманийлар даврига оиддир... Чўпон Широқ ҳақидаги достон».

Ж.Туленов «Қадриятлар фалсафаси» (Т.: «Ўзбекистон», 1998) китобида «Тўмарис», «Широқ»... каби қисса<sup>45</sup> лар «...Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоятлар...» (98-бет), деб кўрсатади.. Кўриниб турибдики, мустақиллик шароитида малика Тўмарис ва Широқ тўғрисида эпос, ривоят, афсона, фольклор, қисса, ҳикоя, ҳодисот (ҳаттоки, мазкур сўз ёки атаманинг нимани англатиши ҳам мавҳум) кабиларда маълумотлар берилганлигини (гарчи мазкур маълумотлар манбаси кўрсатилмасада) кўришимиз мумкин.

Айрим адабиётларда эса форс подшоҳини Кирявуш II ва унга қарши курашган массегетлар ҳукмдорини Тамирада тарзида ифодалашади<sup>46</sup>. Умуман олганда, малика Тўмарис тўғрисида маълумотлар етарли бўлмаганлиги оқибатида, унинг номи манбаларда «Тўмарис», «Тумарис», «Тамирада» шаклларида ҳам учрайди. Ёки у олиб борган урушдаги форс шоҳи манбаларида «Кайхисрав», «Кир», «Курриш», «Кураш», «қадимги Эрон шоҳи», «Форс шоҳи», «Кирявуш II» тарзида ифодаланган.

Шунингдек, малика Тўмарис этимологияси нуқтан назаридан ХХIасрда айрим муаллифлар қуйидаги фикрларни илгари суришди: «...юнон манбалари ва кейинчалик уларга суянган ҳолда Европа адабиётида ...малика номи Tomiris шаклида қайд этилади. Юнон тили ва грамматикаси нуқтан назаридан бундай ёндошув табиий, албатта. Худди шунингдек, Темур исми ушбу тилда Tomiris шаклида ифода этилишига ажабланмаслик керак. Ўз пайтида юнон муаллифларининг тилга олинган тарихий гувоҳликлари рус муаллифлари томонидан таржима қилинаётганда Tomiris» рус тилида Томирис шаклини олган.

---

<sup>43</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Фольклор»...деб изоҳланган.

<sup>44</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Достон» ....деб изоҳланган.

<sup>45</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Қисса» ....деб изоҳланган.

<sup>46</sup> Қаранг.:Г.А.Хидоятв. Менинг жонажон тарихим. Т.: «Ўқитувчи», 1992. 25-бет.

Маълумки, мустамлака даврида (XIX асрнинг 60-йилларидан – 1991 йил сентябригача) ўзбек тарихшунослиги асосан рус тарихшунослиги мактабига, жумладан, ҳукмдор тилда мавжуд адабиётларга суяниб, шу тилда иш юритган. Шу сабабдан биз кўраётган мавзу учун ҳам миллоддан аввалги юнон тарихчилари асарларининг рус тилидаги таржимаси манба бўлиб хизмат қилган. Қисқача айтганда, юнончадаги *Tomiris* русчада Томирисга, русчадаги Томирис эса ўзбекчада Тўмарисга айланган. Шу ерда бир мантқиқли савол туғилади: *Tomiris* аслида қандай жаранглаган? Шубҳа йўқки, Томир (Tomir) шаклида. Қадим замонларда юртимизда мавжуд тарихий-маданий воқеликдан келиб чиққан ҳолда, Курушга қарши озодлик байроғини баланд кўтарган маликани Томир хотун, деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади<sup>47</sup>.

Шундай қилиб, *биринчидан, малика Тўмарис тарихий шахс эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Иккинчидан, малика Тўмарисни ўтмишида са ҳозир қандай ном билан атамайлик, у Турон замидаги биринчи бошманно-файласуф аёллар.*

Геродот ўзининг «Тарих» китобида Эрон подшоҳи малика Тўмарисга қарши курашга кўришишдан олдин, агар ғалаба қозонмай мағлубиятга учраса нималар қилиши кераклиги тўғрисида ўғлига маслаҳатлар берган ва уни тахт вориси сифатида Эронда қолдирган. Бу Турон замини ҳукмдорлари азалдан ўз она юртини боққинчиларга хорзор қилмаслиги, ўз мамлакатини қўриқлаш насл-насабида борлиги ҳамда улар билан эҳтиёт бўлиб муносабат ўрнатилиши лозимлиги эронлик ҳукмдорга аниқ бўлганлигини билдиради. Буни Эрон ҳукмдори ҳийла ва маккорлик билан малика Тўмарис ўғлининг ўлимига сабаб бўлганлиги билан она нафратини душманга нисбатан қаҳрли хитобидан ҳам англаш мумкин: «Эй номард, сен мени – жангда ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни – маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг (бу ерда малика Тўмарис мамлакат ташқарисидаги воқеа-ҳодисалардан ҳам хабардорлиги, хусусан, форс шоҳининг Ўрта Осиёга нисбатан боққинчилигидан олдин, яъни миллоддан олдинги 529 йилгача Мидия, Арманистон, Лидия, Вавилон ҳудудларини босиб олганлигини назарда тутмоқ-

---

<sup>47</sup> *Азамат Зиё*. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. –Т.: «Фан». 2002. –5–6-бетлар..

да – Ш.Х), мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу».

Антик грек тарихчиси Геродот «Тарих» китобида малика Тўмарис кўшинларининг Эрон ҳукмдори босқинчилари билан охириги жангини қуйидагича тасвирлаган: «бу жанг... бўлиб ўтган ҳамма жанглардан энг ашаддийси бўлган, деб ўйлайман...Аввал бошда, айтишларича, иш бундай бўлган: иккала кўшин ўз жойида туриб, бир-бирига ўқлар отиб турган. Ўқдонлар бўшагандан кейин, улар қилич ва найза жангига киришганлар. Бу жанг узоқ давом этиб, ҳеч ким қочишни истамаган. Ниҳоят массагетлар ғолиб келганлар».

Яна бир грек тарихчиси Фотий малика Тўмарис ғалабасини шундай тасвирлайди: «Форслар ва саклар қаттиқ туриб жанг қилдиларки, саклар қарийб енгдилар». Бунда грек тарихчиси. **биринчидан**, Кирёвуш II нинг катта тажрибага эга бўлган, ўз даврида кўпгина давлатларни босиб олган, лекин Ўрта Оснё халқларини енга олмай мағлуб бўлган, 10 минг жангчиси ва «Фарсу подшоиси» – Кирёвуш II нинг ҳам ҳалок бўлганлигини, **иккинчидан** мазкур жангда массагетлар билан саклар ҳам биргаликда курашганлигини назарда тутган. Учунчидан; малика Тўмарис бу ғалаба билан Форс подшоҳининг Шарққа томон шиддатли юришларини нафақат тўхтатди, айни пайтда, Хитой томон юриш режасини ҳам барбод қилди.

Умуман олганда, бу биргина массагетлар ғалабаси бўлмай, ўша даврда улар билан бирга, аҳил, бир-бирига доимо ёрдам берган саклар, дербик ва бошқаларнинг ҳам ғалабаси эди. Муҳими, малика Тўмарис озодлик, мустақиллик учун мазкур ҳудуд халқларини ташқи душманлардан ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун сафарбар этиб, бирлаштирганлигидир. Чунки, барча аёллар сингари малика Тўмарис сиймосида онлани–Ватанни ҳимоялаш ўзлигини ҳимоялаш тарзида намоён бўлганлигидир. Зеро, И.Каримов таъкидлаганидек: «Аллоҳ уларни шундай яратмишким, аёллар ўз ақлу идроки, меҳрибонлиги, шафқату оқибати, сабру қаноати билан ҳаммамизга ибрат бўлиб, оиладаги, жамиятдаги, борингки, бутун дунёдаги мувозанатни сақлаб турадилар.

Модомики шундай экан, аёлни улуғламоқ - онлани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демақдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланиши даркор».

## Широқнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари

Ахоманийлар давлати асосчиси Гастаснинг ўғли Доро 1 (521–485) милоддан аввалги 517 йилда Ўрта Осиёга қарши босқинчилик урушини бошлади. Лекин у сакларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Бизнингча айни шу уруш унинг Ўрта Осиё халқларининг (айниқса, массагетлар ва сакларнинг) ўз ери, ўз Ватани учун метиндек иродасини синаши ва унда мағлуб бўлишини бошлаб беришга асосий сабаб бўлди. Чунки бу урушда дастлаб Хоразм, Бақтрия ҳамда Амударё ва Сирдарё оралиғидаги айрим ҳудудларни ўта қийинчиликлар билан эгаллашга муваффақ бўлди. Ҳатто, сакларнинг Скухан исмли йўлбошчисини асир олишга ҳам эришди.

Бехистун ёзуви Парфия, Марғиёна ва саклар истиқомат қиладиган ҳудудлар Доро 1 ҳукмдорлигидан озод бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар битилган. Ўрта Осиё ҳудудида Доро 1га қарши курашда асосий кучларни саклар ташкил қилган. Айниқса, саклар чўнони – Широқнинг ўша даврдаги жасорати намунаси ҳозирги даврда ҳам ёшларни ўз Ватани, туғилиб ўсган тупроғини ёвуз босқинчилардан ҳимоя қилишда намуна мактаби бўлган.

Антик давр тарихчиси Полиэн Доро 1 Широққа мурожаат қилиб, нима сабабдан ёлғон гапириб, бизни адаштирдиг, деганда: «Мен ғалабани қўлга киритдим, чунки ватандошларим бўлган саклар бошидаги фалокатни бартараф этдим, эронийларни сувсизлик ва очликдан ўлдирдим, энди нима қилсаларнинг ихтиёр ўзларингда», – деб жавоб берганлигини ёзиб қолдирган. Муҳими, Широқнинг содда ва айни пайтда табиий ҳарбий ҳийласи натижасида Доро 1 ўзининг сараланган қўшинининг ярмини жанг қилмасданоқ ярмини йўқотди, озик-овқат, қурол-яроғдан ажралади, мукамал ва енгилмас деб ҳисобланган қўшинларнинг руҳи синадики, бунинг натижаси ўлароқ Доро 1 Ўрта Осиёга қайта уруш қилиш ниятидан воз кечади ва Фарбга, грек вилоятларини ўзига тўла бўйсундириш учун кенг кўламли урушни бошлайди.

Широқ фалсафасининг асл моҳияти шундаки, жангда мардона туриб ҳалок бўлиш эмас, балки душманни йўқ қилиб ундан ўч олиш баробарида, авлодларга эркин, озод, ҳур Ватани мерос қилиб қолди-

ришдир. Шунингдек, бизнинг назаримизда, Широқда шарқона муроса фалсафаси ҳамда муроса онги ниҳоятда мукаммал бўлганлигидир. Буни ўз ҳукмдорига айтган сўзидан ҳам билса бўлади: «Агар менинг бола-чақам ва невараларимни унутмасанг, ўз ширин жонимдан кечиб, юрт бошига келган балони даф этардим. Душманни даф қилмоқ учун бир ҳийла ўйлаб топдим. Умрим охирлаб қолди, ахир бу дунёдан кетмоқ керак. Мен эл-юрт учун ўлимнинг ширин шарбатини ичмоққа қарор қилдим...Гапимга қулоқ сол»<sup>48</sup>.

---

<sup>48</sup> Мирқарим Осим. Широқ/Ўзбек адабиёти. –Т.: «Ўқитувчи», 1997. –12-бет.

---

## V-БОБ. Ўзбекистон фалсафа тарихи шаклланишида полотензмнинг ўрни, роли ва аҳамияти

Ўзбекистон ҳудуди қитъалараро ўзаро алоқа ва муносабатда таянч нуқта бўлганки, унда бевосита ўзига хос маданий айирбошлаш ҳам муҳим роль ўйнаган. Бунда Ўзбекистон милoddан аввалги икки мингинчи йил иккинчи ярми ва биринчи минг йил бошларидаёқ ғояларни бир-бирига узатишни эмас, балки ўзида азалдан мавжуд бўлган бунёдкор ғоялар орқали четдан келган ғояларни қайта ишлайдиган кучли генераторга айланиб, ҳозирги даврда мустаҳкамланиб, давом этаётганлигини кўрсатиш муҳимдир.

Зеро, бу XX асрда ҳам, ҳозир ҳам илмий истеъмолда Шарқ фани Фарб фанининг синтезлашган кўриниши, деган фикрнинг асоссизлигини кўрсатувчи далилдир. Шунингдек, диний муносабатларнинг, айниқса яқка Худодликнинг илк ватанидир. Айни пайтда, Турон замини дин ва динлар ўртасида шаклланган толерантликнинг илк ватани ҳисобланади. Бунда энг аввало, Шарқда шаклланган ва қарор топган муросан мадоранинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам И.Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида (1996 йил 24 апрель, Париж) «Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди» мавзунда сўзлаган нутқида муросан мадоранинг тинчлик ва барқарорликдаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, шундай деган эди: «Муросан мадора асрлар давомида халқнинг асосий белгиси бўлиб келган Ўзбекистон БМТнинг навбатдаги сессиясида муроса тамойиллари баённомасини фаол қўллаб-қувватлаш ниятидadir. Бизда муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида исломнинг ўлмас ва мангу қадам-жолари билан япон олими Като Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар - мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант



мазҳабларининг турли шохобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин»<sup>1</sup>.

БМТ 2011 йилнинг 1–7 февраль кунларини бутун жаҳонда «Динлараро муносабатлар уйғунлиги халқаро ҳафталиги» деб эълон қилди. Бу ХХI асрда ҳам жаҳонда диний толерантлик, конфессиялараро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш устуворлик касб этишини билдиради. Мамлакатимиз аҳолиси 29 миллионга яқинлашиб қолди. Республикамизда 130 дан ортиқ миллат ва элат аҳил яшамоқда. Кўп миллатли давлатда кўп конфессиялилиқ шаклланиши муҳим омилдир. Ҳозирда мамлакатимизда 18 та конфессия фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги ривожланиш жараёнида диний толерантликни таъминлашда турли конфессияларнинг тарихи, таълимоти, уларнинг жамият равнақидаги ва баркамол авлод тарбиясидаги ролини ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки мураса тамойили бағрикенглик келиб чиқиши мумкин бўлган кўпгина ихтилофларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Турон замида фалсафанинг умумийлик, хусусийлик, яккалик категорияларининг диний муносабатлардаги ўзига хослиги**

«Авесто»даги қарама-қаршилиқ, зиддиятлар, улар ечими каби ҳолатлар ҳам кейинги динларни, диний қараш ва диний таълимотлар ҳамда улар орқали фалсафий қарашларга ҳам таъсир қилган. Чунки бу таъсирнинг энг асосий сабаби Марказий Осиё, Ўзбекистон ҳудудининг географик шароити ҳисобланади. Яъни иқлим шароитининг инсон яшашига қулай бўлганлиги сабабли ҳам бу ерда зарурий эҳтиёж сифатида фаннинг илк кўринишлари шаклланган. Илк ёзув пайдо бўлган. «Авесто» ёзилган. Бу бевосита узоқ ва яқин халқлар, давлатларни мазкур ҳудудга «тортган». Бу тортиш кучи икки хилда намоён бўлган. **Биринчиси**, тинч келиб савдо-сотиқ қилиш. Бунда ўзида бор нарсани олиб келган, ўзида йўқ нарсани олиб кетган. **Иккинчиси**, зўравонлик, босқинчилик, урушлар орқа-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи». 1994 йил 25 апрель.

ли моддий ва маънавий бойликларни ўзиники қилиб олиш. Айни пайтда мазкур ҳудуд соҳиблари ҳам ўзга юртларга борган, улардан ўрганган, уларга борлиқ тўғрисидаги мукамал билимларни ўргатган. Бу объектив жараён бўлгани бонс табиат, жамият, инсон тўғрисидаги тасаввурларининг бойишига маълум бир таъсир кўрсатган. Айниқса, борлиқнинг асосини ташкил қилувчи унсурлар (тупроқ, сув, ҳаво, олов) тўғрисидаги билимларнинг мукамал бўлишида омил бўлган. «Ер, ҳаво, сув, олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрланган...Марказий Осиё халқлари исломдан олдинги маданиятининг табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон – фалсафасини ядросининг ўзига хослиги, бағрикенглик ва кечиримлилиқ ташкил этади. Бу жаҳон цивилизациясида ноёб ҳодисадир. Ҳатто, турли макон ва замонда юртимизга босқинчилик қилганлар ҳам бу феномен олдида бош эгганлар ва аксарият ҳолларда мазкур муроса принципи талабларига бўйсунонлар. Бинобарин, «халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий Уйғонининг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари тугашган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий метёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар»<sup>3</sup>. Буларнинг барчаси инсоният цивилизациясининг илк босқичларидаёқ аждодларимиз ўзаро муносабатларида ўзига хос тарзда шарқона муроса тамойиллари шаклланганлигини кўрсатади. «Сўнгги икки аср давомида ҳам ўзларини «маданиятли» ва «маърифатли» ҳисоблаб келган давлатлар

---

<sup>2</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 131-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – 129-бет.

оммавий қирғинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига доғ туширган пайтда, Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган халқларга бошпана ҳам берди»<sup>4</sup>.

Швед олимлари: «Монастир маданияти лотин тилига асосланган эди. Грек тили тез орада унутилди. Бунинг натижасида грек фанлари асослари ва унинг методик руҳига олиб борувчи йўл йўқотилди», – деб ёзишган<sup>5</sup>. Фарбнинг эксперименти натижасида ўзбек ёзуви неча бор ўзгартирилганлиги оқибатда ўзбек фанлари асослари ва унинг методик руҳига олиб борувчи йўллар «йўқотилди». Лекин Ўзбекистон жаҳон цивилизациясига бешик бўлганлиги ҳамда илк қадимги инсоният аждоди учун ҳам ўзбек фани, хусусан, философия фани асослари ва унинг методик руҳига олиб борувчи йўллар – ўзбек халқининг ижодкорлиги, ташаббускорлиги эвазига янада мустақкам, янада мукамал, янада кенг қамровли мазмун-маъно кашф этиб янгитдан қарор топган, ривожланган, такомилга эришган ва истиқболда янада тараққий этиб ўзга халқлар ва давлатлар фан ва маданиятига ўзининг бунёдкорлик таъсирини кўрсатади.

Фарб олимлари «...стонклар барча одамлар учун амал қилувчи *табиий юридик қонунлар* ҳақида гапира бошладилар<sup>6</sup>, ...стонкларга яқин бўлган Рим ҳуқуқшунослари ҳуқуқ ва қонунларни тадқиқ қилувчи юридик фаннинг асосини яратдилар»<sup>7</sup>, деган фикрни асослашга ҳаракат қилишади. Маълумки, стоицизм мил. авв. III–II асрлар маҳсулидир. Лекин биз мамлакатимиз ҳудудида ёзилган муқаддас китоб «Авесто»да нафақат табиий ва юридик қонунлар, балки ҳуқуқ ва қонунларни татбиқ қилувчи фаннинг объекти, предмети, субъекти манбаларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳар томонлама асосланганлигини олдинги параграфларда кўрсатиб ўтдик. Чунки муаллифларнинг юқорида билдирган фикрларида илгари сурилган ғоялар «Авесто»дагига қараганда замон ва маконда «ёшроқдир». Шунинг учун ҳам «Авесто»даги ғояларни илгари сурган олим-

<sup>4</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 129-бет.

<sup>5</sup> Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. – 231-бет.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – 153-бет.

<sup>7</sup> Ўша жойда. – 159-бет.

уламолар ҳуқуқ ва қонунларни татбиқ қилувчи юридик фаннинг асосини яратганлар, деб айтишга далиллар етарлидир. «Фалсафа тарихи» ўқув қўлланмасида «... муайян маънода Упанишадларни Платоннинг диалогларига ўхшатиш мумкин»<sup>8</sup> дейилади. Аслида бу жумлалар «муайян маънода Платоннинг диалогларини Упанишадларга ўхшатиш мумкин», деб кўрсатилса тўғри бўлади. Чунки китобда Упанишадлар милоддан аввалги 800-йилларда шаклланганлиги кўрсатилади<sup>9</sup>. Ваҳоланки, Платон милоддан аввалги 427–347 йилларда яшаган. Упанишадлар Платондан олдин яшаган, фаолият кўрсатган ҳамда ўз қарашлари, фалсафий тафаккури билан атрофга, жумладан, Фарбга ҳам ўша давр макон ва замонда таъсир ўтказган ҳамда уларнинг билимлари, дунёқарашининг шаклланишига олиб келган.

«Фалсафа тарихи» ўқув қўлланмасида: «... одам (ёки унинг руҳи) Худо (*unio mystica*) билан айнан бир нарса бўла олади, деган қарашлар Фарб мистицизида ҳам мавжуд. Бундай бирлик ҳинд фалсафаси ва Фарб мистицизми тартиб билангина воҳидона турмуш тарзини назарда тутали. Ўрта асрларнинг кейинги даврида Майстер Экхарт (1260–1327) Фарб мистицизмининг энг йирик вакили эди»<sup>10</sup>, – деб кўрсатилади. Аслида «одам (ёки унинг руҳи) Худо билан айнан бир нарса» деган ғоя кейинчалик Фарбда (XIII–XIV асрларда) мистицизм оқимининг пайдо бўлишига замин яратди, дейилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу Фарб ўқувчиси ёки умуман ўқувчи Фарб фалсафасидаги мистицизм оқими вужудга келишида Ҳиндистон фалсафасининг таъсири ниҳоятда кучли бўлган, деган хулосага келишига имкон берарди. Шунингдек, муаллифлар Ҳиндистон фалсафасидаги Ведалар тўғрисида шундай изоҳни берадилар: «Дин арийларни жипслаштириб турувчи куч. У Ведалар (тахминан мил. авв. 1200–800-йиллар) деб аталадиган энг қадимги санскрит матнларида қайд қилинган. Ведалар энг қадимги арийлик дунёқарашини ифодаларди. Грек, скандинавия ва славян афсоналарида бўлгани сингари, унда (Ведаларда – *Ш.Х.*) ҳам Худолар кўпинча табиий кучларга

---

<sup>8</sup> Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. – 44-бет.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

<sup>10</sup> Ўша жойда. – 45-бет.

қиёс қилинади»<sup>11</sup>. Бу изоҳни ҳам Ведалар мил. авв. 1200–800-йилларда шаклланиб, ривожланган кўрсатилиши баробарида, «грек, скандинавия ва славян афсоналарида ҳам Ҳиндистон фалсафасидаги Ведалар сингари Худолар табиий кучларга қиёс қилинган», деб ўзгартирилса, ўқувчининг билими объектив, холислиги таъминланган ҳамда Ҳиндистон фалсафасидаги Худоларнинг табиий кучларга қиёсланиши ғояси кейинчалик Фарбдаги халқларнинг, хусусан, греклар, скандинавлар ва славянларнинг оғзаки ижодида, жумладан, афсоналарида ҳам ўз аксини топган, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

**Зеро, Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида «Насронийлик дини юзага чиқишидан олдин жоҳилия даврида юнонийлар эътиқоди ҳиндиларникидек бўлган, авом халқнинг санамларга чўқиниши эса ҳиндларнинг авом халқиники сингари эди»,** – деб ёзганлари ҳам грек фалсафаси Шарқ таъсирида шаклланган ҳамда грек фалсафасининг равнақида Шарқ фалсафаси асосий манба бўлиб хизмат қилади, деб мантиқий хулоса чиқаришга асос бўлади. Мазкур боб бевосита жаҳон дини ҳисобланган, «Авесто»да ўз ифодасини топган зардуштийлик негизда бошқа динлар (брахманизм (ҳиндуизм), яҳудийлик, буддавийлик, ислом) таълимотлари шаклланган, деган ғоя доирасида таҳлилга устуворлик берилган.

Фарб шарқшунос олими В.В.Бартольд Ўрта Осиёдаги динлар тўғрисида шундай ғояни илгари суради: «Археологик далиллар, Геродот асарлари ва бошқа манбаларга қараганда, Ўрта Осиё динлари сифатида водийларда ҳам, даштларда ҳам, асосан турли хил шаманликлар намоён бўлган. Диний эътиқодлар орасида политеизм (кўпхудолик) устувор бўлиб, ҳар бир территория ёки замин ўз худолари ва сон-саноқсиз маҳаллий руҳ ва ажиналарига эга бўлган»<sup>12</sup>. Бизнингча, археологик изланишлар ҳам, ҳатто Геродот асарларида ҳам «Авесто», унда илгари сурилган яқка худолик ҳам, илк жаҳон дини мақомига эга бўлган зардуштийлик, унинг таълимоти ҳам қадимдан Фарбга, хусусан, юнонларга маълум бўлган ҳамда уларнинг диний, фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий қарашларининг шакллани-

---

<sup>11</sup> Сқирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. – 44-бет.

<sup>12</sup> Бартольд В. В. В истории персидского эпоса//ЗВО XXII. 1914. – С.16.

шига таъсир қилган. Бу эса турли хил диний, мистик таълимотлар, афсона ва мифологик ҳамда фалсафий қарашлар илк бора Шарқда шаклланган, деган хулоса чиқаришга олиб келади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, «Авесто»нинг милоддан олдинги XIII – X асрларда ёзилганлигини инобатга олсак, фалсафий билимлар даставвал Шарқда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида шаклланиб, Ҳиндистон, Хитойга тарқалиб, уларнинг фалсафий қарашлари қарор топишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган, деган хулосага олиб келади. Учинчидан, «Авесто»да илгари сурилган ғоялар нафақат Ҳиндистон ва Хитой фалсафасига, айни пайтда, Фарб фалсафасининг шаклланишида ҳам асос бўлган.

### Ўзбекистон – буддизм фалсафасининг Хитой ва Японияга тарқалишида ягона замин

Шарқда милоддан олдинги биринчи – милодий VII асрларда Хитой, Япония, Қурян диниятлари ривожланишининг ўзига хошлиги шундаки кўпгина диний таълимотларнинг бир бирига таъсири (яъни бир-бирларидан ўзларига мос жиҳатларни ўзлаштириши) объектив жараён сифатида қаралган ҳамда улар ўртасида зиддиятлар келиб чиқишига йўл қўйилмаган. Муҳими бу объектив жараённи ҳукмдорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Буни «Уч давлатнинг тарихий хотиралар дафтари» («Когурё солномаси») даги қуйидаги қарашлар тасдиқлайди: «... Уч диний таълимот (конфуцийчилик, буддавийлик ва даосизм) қозоннинг учта оёғига ўхшайди. Улардан лоақал бири бўлмаса, ёмон бўлади»<sup>13</sup>. Шу «қозоннинг учта оёғи»дан бири буддавийликдир. Ҳиндистонлик Сидхарта Гаутама (мил. авв. 623–543) буддизмнинг асосчиси. Буддавийликнинг (мил. авв. V аср охири) тарихий илдизлари тўғрисида қуйидаги фарзани билдиришни лозим кўрдик. Маълумки, буддизм пайдо бўлган юрт Ҳиндистон ҳисобланади. Бу барча фалсафа тарихига онд адабиётларда ўз аксини топган. Чунки унинг асосчиси Сидхарта Гаутама мил. авв. 583–483) Ҳиндистонда туғилган, ўсган ва ўзининг ди-

<sup>13</sup> Чон Чин Сок, Чон Сон Чхаль, Ким Чхан Вон. Қурян фалсафаси тарихи. 1-том. –М.: 1966. – 38-бет.

ний таълимотини кашф қилган. Буларнинг барчасига ҳеч қандай эътироз йўқ. Лекин барча манбаларда Будда барча ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, тоққа чиқиб кетганлиги ҳамда у ердан қайтгач, ўз таълимотини асослаганлиги таъкидланади. Бизнингча, Будда тоққа чиқиб кетмаган. Балки ўша даврда илм-фан, маданияти ривожланган «Авесто» юртига келган ҳамда зардушт дини ва унда илгари сурилган ғояларни мукамал ўрганган, ўзлаштирган ҳамда ўз мамлакати хусусиятидан келиб чиқиб, янги динга асос солган. Чунки «нонон файласуфларининг фикрига кўра, қадимги ҳиндлар, мисрлик, яҳудий, финикиялик ва халдеяликларнинг ҳаммаси мажусийларнинг шогирд-издошлари бўлишган»<sup>14</sup>.

VII асрда Хитойда яшаган будда роҳибни Сюань Цзянь ўзининг «Ғарбий ўлкалар бўйлаб саёҳат» битикларини ўзи бевосита кўриб, гувоҳ бўлган маълумотлар асосида ёзиб қолдирган. Китобда буддизмнинг Хитойга ёйилиши жараёни кўрсатилади. Муаллиф 629 йилда Смань вилоятидан чиқиб, Буюк ипак йўли (Гоби саҳроси, Такла Макон, Тангри, тоғ, Хоми, Турфон, Қашқар, Хонтангри, Ис-сиққўл, Шош, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Ҳиндикуш, Болиён-Буюк Будда водийси ва шу йўналишда 16 йилда Хитойга қайтиши) орқали Ҳиндистон сафари таассуротларини кенг ҳикоя қилган. Китоб баёнидагилар асосида ҳам буддизм Ҳиндистон орқали Хитойга тарқалмаган, балки Ўрта Осиё орқали (ҳатто, Кушон давлатида буддизм давлат дини сифатида эътироф этилган) Хитойга ва ундан Японияга тарқалган, деган фикрларимизни асослай оламиз. Бу асосан қуйидагилар билан изоҳланади:

а) «Авесто»да илгари сурилган ғоялар буддизм пайдо бўлгунга қадар ҳам Ҳиндистонда маълум бўлган ҳамда унга кўпчилик эътиқод қўйган. Чунки тарихий маълумотларда мил. авв. икки мингинчи йилларда Турон замини ҳукмдорлари Миср билан денгиз дарвозаси бўлган Ғарбий Ҳиндистон бандаргоҳлари ўртасида Ҳинд океани бўйлаб мунтазам алоқа йўли очганлиги қайд этилган.

б) буддизмда илгари сурилган асосий ғоялар шаклан Сидхарта Гаутамаани, мазмунан Зардуштни ҳисобланади;

---

<sup>14</sup> Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т. 2004. 15-бет.

в) кейинчалик буддизмнинг «Авесто» юртида давлат дини даражасига кўтарилгани (Кушон давлати);

г) буддизмнинг айнан «Авесто» юртидан Хитой, Японияга тарқалганлиги. Чунки, А.М.Беленицкий алоҳида таъкидлаганидек, Ўрта Осиёлик роҳибларсиз II-IV асрларда Хитой буддавийлик ҳақида деярли ҳеч нарса билмаган бўлар эди<sup>15</sup>;

д) буддизм дини ва унинг ибодатхоналари VI асрга қадар (яъни араблар истилосигача) Бухоро, Самарқанд, Пойкент ва бошқа шаҳарларда фаолият кўрсатган;

е) буларнинг барчаси буддизм таълимотини Турон замин аҳолисининг бир қисми қабул қилганлиги ва уларнинг билимдон қисми хорижий тилларга (хитой, япон) таржима қилиб, бошқа давлатларга ҳам тарқатишда фаоллик кўрсатганлигини билдиради. Хитой манбаларида Бақтрия, Суғд ва Парфияликларнинг буддавийлик таълимотини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида хитой тилига таржима қилган роҳиблар тўғрисида маълумотлар мавжуд:

ё) буддизм Хитойда тарқалганлиги учун Турон заминни фарзандларини эътироф этиш сифатида хитойликлар Кушон империясининг ҳукмдорларини Рим ва Хань подшолигининг ҳукмдорлари билан бир қаторда бутун дунёни<sup>16</sup> ўзаро бўлиб олувчи «Осмон ўғиллари» дсб атаган бўлиши мумкин. Умуман олганда, буддизм Хитойга I-II асрларда кириб келган, шаклланган, IV-V асрларда ривожланган, VI асрда император У-ди буддизмни расмий дин сифатида эълон қилган. VII асрдан янги конфуцийчилик (Хань Юй (768–824), Линь Шэнь-ши (840–880) ва бошқалар) томонидан танқид қилиш бошланди.

Шунингдек, Турон замин буддизм таълимотининг янада такомиллашувига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Марвлик Парфия подшосининг ўғли Ань Ши Гао (120–189) Абҳидҳарма (соф донолик ёки ҳақ) ва Дхянасутра каби муқаддас буддавий китобларни ёд олган, улардаги барча талаб ва тавсияларга тўлиқ амал қилган ҳамда 147–167 йилларда Хитойнинг Лоянь вилоятида мазкур таълимот

---

<sup>15</sup> *Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда по материалам пяджикентских храмов*//В кн.: Живопись Древнего Пяджикента. –М.: 1954.

<sup>16</sup> *Гафуров Б.Т. Кушанская эпоха и мировая цивилизация* // В кн.: Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т.1. –М.: 1974. – С. 65.



мактабига асос солган. Хитой тарихчиси Хуэй-цзяо (VI аср) у ҳақда шундай ёзган: «Умуман Ань Ши Гаогача ҳам, ундан сўнг ҳам Будда матнларини хитой тилига таржима қилувчилар жуда кўп бўлар-бўлмас, ноўрин қўшимчалар, нотўғри маълумотлар қўшганлар. Мўътабар Дао-аннинг фикрича, Ши Гао бизга Будданинг ўз сўзларини етказа олган. У Комил (Будданинг шарафли исмларидан бири) тили билан сўзлайди. Авлодлардан-авлодларга, умуман доно ва фозил кишилар уни шарафлайдилар, эслаб қумсайдилар».

Кан Сэн-хуэй (II аср охирларида ваф.эт.) Самарқанднинг Суғдидан бўлиб, будда-маҳаяна таълимоти тарғиботчиси бўлиб танилган. У Хитойда Цюань подшолиги даврида будда таълимотини тарғиб-ташвиқ қилган.

## Турон заминдаги диний толерантлик ва яҳудийлик

*Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалар билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар.*

И.Каримов

«Авесто»да илгарн сурилган ғоялар нафақат Шарқ ва Ғарб фалсафасининг шаклланишига, айни пайтда турли халқларнинг дин ва анъаналарига ҳам ижобий таъсир этганини ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бу таъсир бевосита яҳудийлик динида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлган. «Охират» дунё, қиёмат куни Худо қози бўлиб, қайтиб тирилган бандаларини сўроқ қилиб, тегишли жазосини бериши, бокира қиздан келгуси холоскорнинг туғилиши каби эсхатологик идеялар зардуштийликка хосдир, бу идеялар яҳудийлик ва христианликка катта таъсир кўрсатган»<sup>17</sup>. «Зардуштийлик эсхатологиясида жаҳон тарихи 12 минг йил давом этади, шундан 3 минг йили Аҳурамазда «олтин асри» бўлган, ундан

<sup>17</sup> Философский словарь. –М.: «Политиздат». 1975. – С.164.

кейин Анхра-Майньюнинг 3 минг йиллик ҳукмдорлиги бошланади, бироқ ёмонлик абадий эмас, деб таъкидланади...Зардуштийликнинг ғоявий коцепциялари ўз вақтида монийлик, митраизм, иудаизм ва б.нинг шаклланишига таъсир қилган...Аршакийлар ва сосонийлар подшолиги даврида Зардуштийлик ҳукмдор динга айланган...Зардуштийлик ислом динининг шаклланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Масалан, олимларнинг аниқлашларича, жаннатдаги ҳурлар тўғрисидаги ривоятлар «Авесто» образлари асосида шаклланган. Зардуштийликнинг ҳозирги шакли парсизм»<sup>18</sup>. Бу бевосита ўзига хос тарзда анъанага айланган ҳамда авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Мана шу аждодлар мероси бошқа даврларда ҳам намоён бўлган. Масалан, манбалар гувоҳлик беришча Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг бобоси оташпарастлардан бўлган. Оташпарастликдаги диний толерантликни, диний муросани, диний тенгликни, диний низоларнинг асоссизлигини ўз вақтида набирасига тушунтирган, англатган. Бу ўғитлар, панд-насиҳатлар келгусида Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг фаолиятида асқотган. Ўз билимларини янада такомиллаштириш учун Бағдодга борганида қадимги грек тили ва ёзувини христиан Абу Башар Маттадан (айрим араб манбаларида Абу Шерматий Юнус) ва логикани христиан врач ИЮҳанна ибн Хайлон (араб манбаларида Жилон) Қуннандан ўрганган.

Бундай таъсирлар мамлакатимиз ҳудудидаги динларнинг барчасида намоён бўлган ҳамда бу таъсир бир томонлама бўлмасдан ўзига хос прогрессив диалектик жараёни ўз ичига оладики, бу ҳақда И.Каримов 2002 йил 13 мартда Нью-Йорк шаҳрида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Биз ота-боболаримиз дини бўлган ислом динини ҳеч қачон инкор этмаганмиз ва ундан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни вақтда биз ислом ғоялари билан ниқобланиб олган жангарни, ашаддий ақидапарастлик руҳидаги диний оқимларга мутлақо қаршимиз ва улар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз. Биз исломнинг дин сифатида сиёсийлаштирилишини ҳам қабул қила олмаймиз. Биз, одамларни осойишталик ва яратувчиликка, турли миллат ва дин вакилларини ўзаро мурося, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик асосида яшашга даъват этадиган анъанавий, тинчликпарвар муқаддас ислом

---

<sup>18</sup> Ислом : справочник/М.А.Усмонов таҳрири остида. –Т.:1987. 84-бет.

тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи давомида анти-семитизм, ирқий ва диний камситиш ҳоллари бизнинг заминимизда ҳеч қачон намоён бўлган эмас. Мен Ватанимиз тарихидан одамлар ўртасида миллий ва диний асосда низо чиққан бирон-бир воқеани мисол келтира олмайман. Биз Ўзбекистон тарихида, ушбу заминда юзлаб ва минглаб йиллар мобайнида ислом дини билан бошқа динлар, жумладан, яҳудо дини яшаб келгани билан фахрланамиз. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм даҳшатларидан қочган яҳудий миллатига мансуб 250 мингдан зиёд аҳоли Ўзбекистондан паноҳ топгани халқимизга хос ана шундай бағрикенгликдан далолат беради.

Ўша оғир синов йилларида Ўзбекистон ўлкамизга кўчириб келтирилган ўнлаб миллат вакиллари қатори яҳудийлар учун ҳам қадрдон Ватанга айланди. Бизнинг буюк шоиримиз Ғафур Ғулом фашизм томонидан қувғин ва қирғинга учраган халқ билан бирдамлик туйғусини ифода этиб, «Мен – яҳудийман» шеърини ёзган. Унда яҳудий халқининг ажойиб инсоний фазилатлари ва, айниқса, меҳнаткашлиги ва донишмандлиги тараннум этилган. Айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган яҳудий халқи ушбу заминда ўзининг 2500 йиллик тарихига эга. Ўзбек ва яҳудий халқлари ўзларининг кўп асрлик муносабатлари давомида ўзаро нифоқ ва айирмачилик нима эканини билмаган. Бухоро яҳудийлари каби ноёб этник-маданий жамоа минг йиллар давомида айнан бизнинг заминимизда шаклланган. Бу халқнинг маданияти, бир томондан, ниҳоятда бой бўлган яҳудий маънавий анъаналарига асосланган, бошқа томондан эса, Марказий Осиё халқлари қадимий меросидан ҳар томонлама ижобий озиқланган.

Бизнинг бой ва қадимий тарихимиз ана шундай ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ва биз бу тарих билан ҳақли равишда фахрланамиз... Бизнинг юртимизда ҳеч қачон антисемитизм кўринишлари ҳам учрамаган. Аксинча, Бухоро яҳудийлари ислом таълимотига салмоқли ҳисса қўшган, исломий маданиятнинг асосчиларидан бўлган ўзбеклар билан иноқликда яшаган<sup>19</sup> ва ҳозир ҳам яшаб келмоқда.

---

<sup>19</sup> Қаримов И. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуниловчи мажлисида сўзланган нутқ/Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. –204-бет.

## Моний Фатак фалсафаси

Монийлик дини уйғур-турк хоқонлигининг расмий дини ҳисобланган. Унинг асосчиси Моний Фатак ўғли (216–277). Монийлик дини бевосита камбағалларнинг ҳукмдор кучларга ҳамда ўша замон ва маконда кенг тарқалган зардуштийликка, буддизмга, христианликка қарши курашувчи омил сифатида тарих майдонига келган. Мазкур дин милодий II–III аср бошларида Турон заминда шаклланган. Моний тарафдорлари асосан камбағаллар бўлганлиги сабабли ҳам у тезда ўз ҳудудини «кенгайтирган». Турон заминдан Ҳиндистон, Миср, Рим империяси, Эронга тарқалган. Манбаларда монийликнинг ўзига хос алифбоси (оддий, содда, ўзлаштириш кулай) бўлганлиги сабабли ҳам у кенг тарқалганлиги ғояси илгари сурилади.

Монийнинг «Монихийлик хати» номи асарида мазкур таълимот ғоялари асослаб берилган. У дуалистик таълимот эди. Шунингдек, монийликда христианлик динининг таъсири ҳам сезилиб туради. Айни пайтда монийлик таълимоти христианликнинг айрим мазҳабларига, кейинчалик суфизмнинг айрим қондаларига ўз таъсирини кўрсатган. III асрларда Эрон, Марказий Осиё, Байналнаҳрин, Месопотамия, Сурия, Миср ва Рим империясининг деҳқонлар қаракатларида намоён бўлган.

Гарчи монийлик зардуштийликка қарши қаратилган бўлса-да монийлик динининг муқаддас китоби «Хуастуанифт»да «Авесто»да илгари сурилган асосий ғоялар ўзгартirilган шаклда акс этган. Масалан, «Хуастуанифт»да Нур дунёси кўрсатилиб, у яхшиликка, Зулмат дунёси кўрсатилиб, ёмонликка тенглаштирилади ҳамда улар ўртасида доимо кураш бориши таъкидланган. «Авесто»да бу Аҳура Мазда ва Аҳриман муносабатларида намоён бўлган. Шунингдек, «Хуастуанифт»да инсонларнинг ҳайвонларга озор етказмасликка, табиатга, хусусан, ўсимлик дунёсига зарар келтирмасликка, сувни ифлослантирмасликка даъват этиладики, бу жиҳатлар ҳам «Авесто»да ўз аксини топган.

Моний таълимоти фаолларига (мазкур динни тарғиб-ташвиқ қилувчиларга) ўзига хос талаблар қўйилган. Масалан, ҳар қандай ҳирс ва шаҳвоний нафсни тийиш, камбағалликни афзал билиши, дунёвий лаз-

затлардан воз кечиш, доимо рўздор бўлиш, бойликдан воз кечиш ва бошқалар. Бу сингари талабларни кейинчалик пайдо бўлган динлар ҳам ўзларига мослаштириб ўзлаштиришган. Айниқса, Маздак таълимотида бу кўпроқ кўзга ташланади.

## Маздак фалсафаси

Мазкур диннинг асосчиси Маздак (529 қатл қилинган) ҳисобланади. Милодий V аср бошларида диний-фалсафий оқим сифатида маздакийлик Эрон шоҳи Қубод I (488–528 йилларда шоҳ бўлган) даврида шаклланиган. маздак саройда зардуштийлик қоҳини вазифида фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам Маздакийликда зардуштийлик таълимотидан кўпгина жиҳатлар тўғридан-тўғри ўзлаштирилган. Бу – биринчидан. Иккинчидан, Эрон шоҳи мамлакатдаги ижтимоий (феодаллар билан деҳқонлар ўртасидаги) зиддиятларни янги идеологик қурол билан ҳал қилишни кўзлаб, унинг шаклланишига имконият берган. Учунчидан, айти шохнинг ўзи мазкур таълимотнинг омалашаётганлигидан (мамлакатда тубдан ислохотлар ўтказиш, феодаллар ҳуқуқларини чеклаш орқали халқни, деҳқонларнинг аҳолини яхшилашга йўналтирилганлиги сабабли) кўрқиб маздакизм таълимотига қаршилиқ кўрсатган ҳамда Маздакни бидъатсиз шахс, деб эълон қилган.

Маздакнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилишга устуворлик берилганлиги билан ажралиб туради. Бу ўз замон ва маконининг муҳим жиҳати эди. Шунинг учун ҳам унинг тарафдорлари кўпайиб, мазкур ҳаракат тезда Эрон, Марказий Осиё ва Озарбайжонга тарқалган. Маздакнинг фалсафий қарашлари шаклланишида Моний ғоялари муҳим роль ўйнаган. Маълумки, Моний ғоялари Зардушт таълимоти (гарчи зардуштийликка қарши бўлса-да) таъсирида бўлган. Маздак яхшилик ва ёвузлик масаласи ечимни муаммолари асосий ўринни эгаллайди. У дунёдаги асосий ёвузликни камбағаллик ва бойликка ҳирс қўйиш, деб ҳисоблаган.

Маздак таълимотида асосий ўринни мулкний тенгликни қарор топтириш ғояси эгаллаганки, у кейинчалик Шарқ ва Ғарб фалсафа-

сидаги тенглик ғоясининг шаклланишида муҳим омил бўлган. Маздак тенглик ғоясининг моҳияти қуйидагича: «Маздаклар таълимоти тарихий жараёнда содир бўлган ўзгаришларни акс эттиради. Моддий бойликлар ҳаммаси тенг ва бир хил даражада тегишли бўлган дастлабки умумий тенгликдан одамлар четга чиқдилар. Вужудга келган курашда кучлиларнинг қўли баланд келди, улар ҳамма нарсани босиб олдилар, лекин кучсизлар бундан бойликларга бўлган ўз ҳуқуқларини йўқотганлари йўқ. Бу бойликларни бойлардан қайтариб олиб ва уларни камбағаллар ўртасида тақсимлаб, кучсизлар фақат дастлабки адолатли тартибни тиклайдилар, чунки бойлар бу бойликларга эгаллик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар... Маздакизмда хусусий мулкка эгаллик қилишда ҳаммани ўзаро «тенглаштириш» мақсадида бойликларни тенг тақсимлашга асосий эътибор берилди. Бу тенглаштириш тенденцияси дастлаб дунёнинг барча бойликлари одамларга, ҳаммага бир хил даражада тақсим этилган деган қондага таянади»<sup>20</sup>.

Умуман олганда, исломгача Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида бир қанча динлар (зардуштийлик, христианлик, яҳудийлик, монийлик, буддавийлик) турли мавқеларда фаол яшай кўрсатган. Албатта, уларнинг шаклланишига, урф-одатларининг кўринишларига зардуштийликнинг ижобий таъсири бўлган ҳамда шу маънода «Авесто» таълимоти, фалсафаси ворислари ҳамдир. Шунинг учун ўрганилаётган даврда маҳаллий халқлар бошқа динларни ҳам қабул қилган, уларнинг ривожланишига маълум ҳиссасини қўшган. Тарихдан маълумки, Сурхон воҳасида шаклланган, равнақ топган Кушон давлати буддавийликни давлат дини даражасига кўтарган. Милодий VI-VII асрларда айрим турк хоқонлари буддизмни қабул қилган ҳамда унинг тарқалишига ва бутхоналар қуришга ҳомийлик кўрсатган.

Христианлик Самарқанд атрофида, айниқса, ҳозирги Ургут тумани ҳудудларида Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига нисбатан кенг ёйилган.

Фарб олими Ричард Фрай Ўрта Осиёдаги диний муҳитнинг ўзига

---

<sup>20</sup> *Пигулевская Н.В.* Идея равенства в учении маздакидов // Из истории социально-политических идей. – М.: «Из-во АН СССР». 1955. – С.98.

хослигини алоҳида таъкидлаб, у ҳақда шундай фикр билдиради: «Буддизм, зардуштийлик, монийлик ва насроний диний эътиқодларининг қурамаси исломдан олдинги Ўрта Осиёда маданий муҳит шаклланишига асос солади. Бу муҳит эса Бухоро каби марказларда ислом тафаккури ва илмининг гуллаб-яшнашига олиб келади»<sup>21</sup>.

Демак, диний толерантлик генезиси ҳам Турон замин – Туркистон – Мовароуннаҳр – Ўзбекистон ҳисобланади, дейишга тўла асос бор. Бу шарқона мураса тамойиллари асосига қурилгандир. Бу ижтимоий ҳодиса жаҳон миқёсида санокли давлат ва халқлардагина объектив жараёнга айланган. «Рус маданияти ўзбек халқининг маънавий турмушида ҳақли равишда муносиб ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистонда жаҳон цивилизацияси хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган рус фани ва маданияти буюк намояндаларининг номлари ва ижоди яхши маълум. Сўзимнинг далили сифатида бир нечта мисол келтирмоқчиман. Тошкентнинг марказий майдонларидан бирида улуғ рус шоири Александр Пушкин ҳайкали савлат тўкиб турибди; Ўзбекистонда Сергей Есенин, Анна Ахматова, Сергей Бородин давлат музейлари, бешта давлат рус театри ва республиканинг барча минтақаларида кўпгина маданий-маърифий муассасалар маданий-маърифий фаолият билан шуғулланмоқда. Аммо таассуф билан шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўзбек маданиятининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатига бундай муносабатни Москвада ҳам, Санкт-Петербургда ҳам, Россиянинг бошқа марказларида ҳам кўрмаймиз. Ўзбекистонда рус миллий маданият маркази, рус православ церковининг 28 муассасаси, рус тилида ўқитиладиган 776 ўрта ўқув юрти ишлаб турибди. Республикадаги 61 олий ўқув юртининг 59 тасида дарслар рус тилида олиб бориладиган бўлимлар бор. Саховатли Ўзбекистон диёрида юз минглаб этник руслар яшаб, меҳнат қилмоқда, улар мамлакатимизнинг тўла ҳуқуқли фуқаролари бўлиб, Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади»<sup>22</sup>.

Шунинг учун ҳам Турон заминда, хусусан, Ўзбекистонда турли динлар ва конфессиялар бир-бири билан доимо мураса тамойилла-

---

<sup>21</sup> Шевяков А.И. Образ лягушки в верованиях народов Евразии. –Т.: 1995.

<sup>22</sup> Қаримов И. Москва давлат университетида сўзланган нутқ//Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. –283-бет.

ри талаблари доирасида тинч-тотув яшаган. Юқорида баён қилинганлар ўзбек халқи қадимдан, барча макон ва замонда бошқа халқ, конфессия ва дин вакиллариغا нисбатан доимо хайрихоҳлик ва ҳурматни энг олий қадрият сифатида кўрган ва унга тўла амал қилганлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам академик И.Каримов алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек: «...турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин... Мен фахр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз»<sup>23</sup>.

---

<sup>23</sup> Каримов И. ЮНЕСКО Ижроня Кенгаши 155-ссессиясининг якуловчи мажлисида сўзланган нутқ/Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 204-бет.



---

## VI БОБ. Турон заминда ислом дини ва фалсафаси динамикаси

Турон заминнинг дунёнинг бошқа жойларидан алоҳида ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатларидан бири нафақат қадимги одамлар илдизининг мавжудлиги, айти пайтда, илк якка худодлик динининг (зардуштийлик) шаклланганлиги ҳамда кейинчалик бошқа динларнинг (буддавийлик, христианлик, яҳудий, ислом) пайдо бўлиши ва ривожланишига фаол таъсиридир. Бу фаол таъсир Ўрта Осиёга VI асрда кираб келган ислом динида ҳам яққол кўринади. Бу – масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони – ислом дини кираб келганда Турон заминда христианлик, буддизм, яҳудо динлари ҳам мавжуд бўлган. Учунчидан, тарих мутахассислари Ўрта Осиёга, хусусан, Мовароуннаҳрга ислом дининг кираб келишини Пойкентга биринчи маротаба қилган уруши билан боғлашади. Бизнингча, Ўрта Осиё халқлари мазкур урушдан олдин ҳам ислом динини билишган ва айрим вакиллари унга эътиқод қўйган, ислом рухларини бажарган кишилар бўлган. Чунки юқорида айтганимиздек, Мовароуннаҳрда диний толерантлик қадимдан шаклланган. Мана шу диний толерантлик зардуштийлик орқали барча динларга, жумладан ислом динига ҳам асосий тамойил қилиб олинган. Тўртинчидан, ислом дини пайдо бўлган араб давлатларидаги халқлар ҳам зардуштийликдан нафақат хабардор бўлишган, уларнинг айрим вакиллари зардуштийликни қабул ҳам қилишган. Юқоридагилар сабаб, бешинчидан, VI–VII асрлар Мовароуннаҳрда ислом дини тарқалишининг ўтиш даври бўлган. Мазкур бобда мана шу ўтиш даврининг илк йилларидан бошлаб ижтимоий тараққиёт динамикасини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

## Малика Қабаж хотун фалсафаси

*Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши анча секин ва кучли интилиши билан амалга ошди. Бу ерда улар ўзлари босиб олган мамлакатларнинг қарийб ҳаммасига қараганда маданиятлироқ ўлкага дуч келдилар. Уни бўйсундириш катта кун талаб қилди ва анча беқарорлик билан амалга ошди.*

И.Ю.Крачковский - рус файласуфи

И.Каримов Бишкекда «Манас» эпосининг 1000 юбилейи йиллик тантаналарида сўзлаган нутқида (1995 йил 28 август) шундай деган эди: «Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан чинакам ифтихор қилишга ҳаққимиз бор. Қани айтинглар! Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган?

Унинг маслакдоши, дostonда айтинганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган? Биз, ўзбеклар, катта ғурур билан, фахр билан айтамызки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи Хоникей бўлган... Ўша гўзал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тутинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир қизи эса Сарн Аркадаги қозоқ хони Кўкча ботирнинг аёли бўлган.

Бундай қариндошлик ўша замонларда Бухоро, Талас ва Сарн Арка хонликлари орасида тинчлик, осойишталикка хизмат қилган экан.

Мен нима демоқчиман?

Мен шуни айтмоқчиманки, Яратганининг ўзи Сиз билан бизга, юртимизга насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни - ажойиб мўъжизани ҳам ато этган!».

Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарих фалсафасида объектив зарурият тақозоси билан аёллар орасидан чиққан ҳукмдор-маликаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлганлигига тарих гувоҳдир. Олдинги параграфларда ҳукмдор-малика Тўмарис тўғрисида қисқача маълумот бериб, унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари кўрсатилган эди.

Турон заминидаги ҳукмдор-маликалардан яна бири малика Қабаж хотун ҳисобланади. Унинг давлатни бошқаришдаги фаолияти ва ҳаёти тўғрисида маълумотлар камлиги бонс манбаларда турли талқинлар мавжуддир. Бухоро ҳукмдори Бидун Бухорхудод вафотидан сўнг (670 йилдан кейин), ўғли (вориси) ёш бўлганлиги сабабли, ҳудудга ёвуз кучларнинг бостириб кириш хавфи ошганлиги ҳамда ички муҳолифатнинг ҳокимиятни эгаллашга уриниши кучайгани сабабли малика Қабаж хотун бошқарувни ўз қўлига олади.

Малика Қабаж хотуннинг ҳукмдорлик йиллари тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Унинг ҳукмдорлигини «Ўзбек аёллари тарих саҳнасида» асари муаллифи «680 йили ҳокимият бошқарувини ўз қўлига олган...Қабаж хотун ўн беш йил (680–695) давомида ҳукмронликни давом эттирган»<sup>1</sup>, деб кўрсатса, «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи»да: «Бу 53 (672) йилнинг охири эди. Хотун подшоҳ турк аскарларини ёрдамга чақирди. Араблар ўзларининг манжанақлари билан шаҳарни тамом қамал қилгандан кейин Бухоро подшоҳига ёрдамга келувчи турклар Убайдулло бин Зиёдга орқадан ҳужум қилдилар»<sup>2</sup>, – деб таъкидланади. Шунингдек, «91 (709) йилда Бухоро устига сафар қилди. Бу сафардан нияти – Бухоро учун юришларга хотима бериш эди. Наршахийнинг ривоятича, у вақтда Зарафшон пойтахтининг идораси ҳамиша мазкур Хотун подшоҳ қўлида бўлган»<sup>3</sup>, тарзидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Бизнингча юқоридагилар асосида Бухоронинг ҳукмдор-маликаси тахминан 673–709 йилларда бошқарувни ўз қўлида сақлаб қолган.

Бухоро ҳукмдор-маликасининг номи тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд: «Ўтган замон баъзи адабиётларида 673 йили Убайдулл бин Зиёдга қарши чиққан бухоролик маликанинг номи номаълумлиги таъкидланиб, уни шартли равишда «Тағшоданинг онаси» деб аташ қабул қилинган. Бирламчи манбаларни қиёсий ўрганиш шунга олиб келдики, Абу Жаъфар Муҳаммад б. Жарир Табарий (839–923) қаламига мансуб «Тарих ар-русул ва-л-мулук» («Пайғам-

---

<sup>1</sup> *Азमत Зиё*. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. –Т.: «Фан», 2002. –12–13-бетлар.

<sup>2</sup> *Ҳерман Вамбери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990. –9-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. –13-бет.

барлар ва подшоҳлар тарихи») асарида Убайдулло бин Зиёд билан жанг қилган маликанинг номи Қабаж хотун эканлиги аниқ ёзилган экан. Бундан ташқари бошқа бир мўътабар тарихчи – Аҳмад бин Абу Яъқуб (X аср) ҳам ушбу йилда Бухорони «Хотун» исмли малика бошқариб тургани ҳақида гувоҳликлар қолдирган. Бундан чиқди, Бухоро маликасининг номи энди аниқ. Яъни – Қабаж хотун»<sup>4</sup>

Малика Қабаж хотун тўғрисида кенгроқ маълумот Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида ёзиб қолдирилган: Зиёд бин Абу Суфён «...вафотидан тўрт йил ўтгандан кейин ҳам (у 50 (670) йилда вафот этди)» унинг ўғли Убайдулло Муовия Бухорога яна қўшни юборди. Бу иккинчи ҳужум жиддийроқ суратда ўтди. Убайдулло бин Зиёд энг қадимги савдо маркази ва жуда бой пойтахт бўлган Байканд (Наршахий Пойкент деб кўрсатган – Ш.Х.) шаҳрига тажовуз қилиб, уни узоқ қамал этгандан сўнг босиб олди. Бу 53 (672) йилнинг охири эди. Хотун подшоҳ турк аскарларини ёрдамга чақирди. Араблар ўзларининг манжанақлари билан инаҳарни тамом қамал қилганидан кейин Бухоро подшоҳига ёрдамга келувчи турклар Убайдулло бин Зиёдга орқадан ҳужум қилдилар. Убайдулло мудофаада туриб, бу юртларга кўп зиён етказгач, Бухорони қамал қилишдан воз кечиб, Марвга қайтишга мажбур бўлди...Мусулмонлар бу ердан жуда кўп хазина, қурооллар, кийимлар, олтин-кумуш нарсаларни ўлжа олдилар. Булар орасида Хотун подшоҳнинг ноёб жавоҳир билан безатилган этини саҳройи арабларни ниҳоятда ажаблантирди. Бу йиғирма минг дирҳамга баҳоланган эди. Улар орқага чекиниш пайтида, йўлда қасос учун жуда кўп қарияларни ўлдиришган, ҳаттоки дарахтларни кесиб ташлашган эди. Араб тарихчиси шундай ёзади: «Хотун подшоҳ Бухоро ўлкасини хароб бўлишдан ва хавфдан қутқариш учун Убайдулло билан сулҳ тузиб, унга ҳар йили бир миллион дирҳамдан тўлаб туришга ваъда берган» эди...Бу воқеадан уч йил ўтар ўтмас араблар Саъид бин Усмон қўмондонлигида Хотун подшоҳга қарши такроран ҳужум бошладилар...Саъид ўрнига Хуросонда амирликка тайинланган Муслим бин Зиёд кўп аскар билан Амударё ёқасига сафар қилишга мажбур бўлади, Хотун подшоҳ ёрдамга яна турк курашчиларини чорлай-

<sup>4</sup> *Азалият Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида.* –Т.: «Фан», 2002. – 12-бет.

ди...Турклар маълум этилгач, ҳар бир араб аскарига 10 минг дирҳамдан берилади. Бу аҳволда Хотун пошоҳга таслимдан бошқа ҳеч бир чора қолмайдди. У сулҳ тузади. Араблар Марвга қайтиб кетадилар.

Аммо бу қайтиб кетиш хароб бўлган Мовароуннаҳрни тинчлантириш эмас, балки бу тўрт маротоба ҳужумдан сўнгра такроран ҳужум қилиш учун эди...Ҳажжож 86 (705) йилда унга (Амир Қутайба ибн Муслим – *Ш.Х.*) Мовароуннаҳрни фатҳ қилишни топширди...Қутайба... Ироқдан ҳам Хуросондан зарур миқдорда ёрдамчи аскар олиб, ёз куни, 91 (709) йилда Бухоро устига сафар қилди. Бу сафардан нияти – Бухоро учун юришларга хотима бериш эди. Наршахийнинг ривоятчи, у вақтда Зарафшон пойтахтининг идораси ҳаминша мазкур Хотун подшоҳ қўлида бўлган. Аммо бу пайтда у жуда қари бўлгани учун бу гаплар у қадар тўғри эмас. Ҳар ҳолда буми ёки бошқа подшоҳми, қайсиниси бўлса-да, арабларга яна қаршилик кўрсатишни фойдасиз деб билишган. Уч мартаба фатҳ этилган ва уч мартаба қайтадан ислом дини қабул қилдирилган, ҳар дафъасида яширин равишда ўзининг эски динига қайтган Бухоро тўртинчи дафъа ҳужумда ўз дарвозаларини очди<sup>5</sup>.

Юқоридаги талқиндан кўришиб турибдики, малика Қабаж хотун ҳукмронлик йиллари мамлакат ичида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам вазият жиддий бўлган. Яъни мамлакат ичида асосий ҳукмдорнинг вафоти оқибатида ички ёвуз кучларнинг ҳокимиятни эгаллашга интилиши, ташқи томондан эса араб босқинчиларининг Бухоро бойликларига эгалик қилиш учун фаоллигининг ошганлиги мураккаб вазиятни юзага келтирган. Қарийб 40 йил давомида ҳукмдорликни ўз қўлида сақлаб қолган. Арабларнинг Мовароуннаҳрга ҳужумини уч маротоба қайтарган. Араб босқинчиларининг Марказий Осиёни эгаллашларига асосий тўсиқ бўлган. Бу – биринчидан. **Иккинчидан**, ҳар қандай ватанпарвар, халқпарвар ҳукмдор халқини ҳар қандай фалокатдан омон сақлаб қолиш учун мураса-мадора йўлини тутди-ки, бу фазилат ҳам бевосита малика Қабаж хотун учун муқаддас бўлган. Шу боис, мамлакатнинг хароб бўлмаслиги, халқининг қапшоқ бўлмаслиги, босқинчиларга қул бўлмаслиги учун ҳам, уларнинг ҳар қандай шартига рози бўлган.

---

<sup>5</sup> *Ҳерман Вамбери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –9-15-бетлар.

қадимги диний урф-одатларимиз ҳам сақланиб қолади ва узвий қисм сифатида янги дин таркибига киради»<sup>8</sup>.

Маълумки, пайдо бўлишида Ўзбекистон замини асос бўлган зардуштийлик динида инсон ва табиат орасидаги ўзаро муроа алоҳида таъкидланади. Бу ғоя кейинчалик барча жаҳон динларида ҳам ўз аксини топган: «Бошқа таълимотлар – буддизм ва манихейлик ҳам табиатни авайлаб-асраш идеал жамиятга олиб борадиган энг муҳим йўللardan бири эканлигини тарғиб қилган. Инсон билан Табиатнинг уйғун муносабатлари тўғрисидаги ана шу ғоялар Мовароуннаҳрда мусулмон Уйғониш даврига жуда катта ҳисса қўшган Марказий Осиёдаги суфийлик таълимотларида ҳам учраш тасодифий эмас»<sup>9</sup>.

Бизнингча, ислом фалсафаси, айниқса, унинг Мовароуннаҳр ҳудудидаги намояндalарини фаолиятидаги ўзига хосликнинг муҳим жиҳатидан бири – диний ва дунёвий билимларни ҳар томонлама мустаҳкам эгаллагanлигини ҳамда уларни инсоният цивилизациясига татбиқ қилиб, муносиб ҳисса қўшганлигидир.

Ўтган барча даврларда жаҳонда ҳам мамлакатимиз ҳудудида ҳам диний ва дунёвий билимлар бир биридан ажралган ҳолда ўрганилган ҳамда ўргатилган, деган ғоя устуворлик касб этган. Ҳаттоки, ўтмишда аждодларимиз фалсафий қарашларни таҳлилида ҳам кимнидир диндор, кимнидир илм соҳибини тарзида масала қўйилган ҳамда унинг таълимоти, назарияси, қарашлари, илгари сурган ғояларни тўғридан-тўғри ё материалистик ёки идеалистик ёхуд дуалистик таълимот сифатида «ажратилган» ҳамда «илмий хулоса» чиқарилган. Лекин жаҳондаги глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда тез суръатларда жамиятнинг барча соҳаларини кенг қамраб олиши, давлатларнинг икки қутблиликдан кўп қутблиликка ўтиши, идеалогик курашнинг миллий ва диний соҳаларга кўчирилиши, кўпгина мамлакат ва халқларнинг XX аср 90-йилларида мустақилликка эришувини ва бошқалар мазкур масалани фалсафанинг тарихийлик, мантиқийлик, холислик, плюрализм ва кўрсатиш методлари негизида қайта кўриб чиқишни кун тартибига қўймоқда.

---

<sup>8</sup> Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. –Т.: 2008. – 29-бет.

<sup>9</sup> Қаримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: «Ўзбекистон». 1998. – 131-бет.

Шу нарсани ҳисобга олиш зарурки, диний ва дунёвий билимлар ўртасида ўтиб бўлмас тўсиқ йўқ, улар доимо бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини бойитади. Зеро, фалсафанинг мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса категориялари негизда мазкур масалани таҳлил қилиш ҳамда мураса ва дин фалсафаси ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли уларнинг диалектикасини макон ва замон талаблари негизда кўрсатишнинг аҳамияти каттадир. Агар, масалага фалсафий нуқтаи назардан баҳо берсак, дунёвий билимлар бўлмаса, диний дунёқараш ва диний билимларнинг шаклланишига имкон бўлмайди. Чунки инсон билимлари ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириши ҳамда инъикоси тарзида (илмий ёки хаёлий, фантазия шаклида) ҳосил бўлади. Инсон амалий фаолиятида уларнинг бирортаси «етишмаса» инсон баркамоллиги тўлиқ бўлмайди. Масалан, виждон ва иймон билан иш туттишга интилиш, ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, савоб ва гуноҳни ажратишга диний билимларда кенг ўрин берилган. Шунинг учун ҳам фаннинг бирорта соҳасини мукамал эгаллаган инсон иймонли, виждонли, ҳалол бўлсагина жамият тўла манфаат кўради.

Маълумки, дин, жумладан, ислом дини ҳам илм олиш, дунёвий билимлар фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Қуръон матнининг 900 га яқин жойида илм тўғрисида маълумотлар берилган. Қуръони каримнинг Мужодала сураси 11-оятда: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража мартабалабга кўтарур»; Тоҳа сураси 114-оятда: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин, деб айтинг»; Анбиё сураси 7-оятда эса: «Бас, ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар, (биладиган) аҳли илмлардан сўранглар», – дейилади.

Мустақиллик шароитида динларнинг жамият равнақидаги ўрни, унинг ёшларни иймон-этиқодли қилиб тарбиялашдаги роли нафақат эътироф этилди, айни пайтда ўнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. 1980 йилда 270 миллионга яқин аҳолиси бўлган собиқ Иттифоқдан 17 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, ҳозир 28 миллионли Ўзбекистон аҳолисининг 5 мингдан кўпроғи ҳар йили ҳаж ибодатини адо этмоқда. Республикамизда мустақилликдан сўнг

таълим тизими, жумладан диний таълим ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Ҳозир мамлакатимизда 2234 та масжид расман рўйхатдан ўтган<sup>10</sup>.

Ислом фалсафасининг асосий муқаддас манбалари бўлган Қуръони карим ва ҳадисларда диний ва дунёвий билимлар муштараклиги унинг мураса фалсафаси тамойиллари асосига қурилганлигини кўрамиз. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Қуръони карим оятларида илгари сурилган ғояларни нотўғри талқин қилиб ўзгартирмаслик зарурлигини алоҳида таъкидлаганлар: «Қуръонни ўқиб унга амал қилинглар. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно бераман деб хато ва муболағага берилиб кетманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглар». «Тангридан фойдали илми сўранглар. Фойдасизидан эса четлашинглар». Ҳадисларда: «Олимлар пайғамбарнинг ворисларидир», – деб кўрсатилиб, илм аҳли мартабаси юқорига кўтарилади, илм билан шуғулланаётган инсонлар улуғланади. Илм аҳли меҳнати ва амаллари мол-дунёсини камбағалларга улашиб мурувват, саховат қилган кишиларнинг ишларидан ҳам зиёда кўрилади: «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ўргатишидир», «Илмга амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайру эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир!». Илмга ундаш, илм ўрганишга интилишга чақириниш Ҳадисларда алоҳида ўринни эгаллайди: «Кимгаки ақлу идрок насиб этилган бўлса, у омаддидир», «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто, денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор (кечирим сўраш) айтади», «Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир», «Илм ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи (устун)дир», «Менинг наздимда ибодатга қараганда илмнинг фазилати ортиқдир», «Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илми фақат ривоят қилувчи бўлманглар!»

Муҳими, диний манбаларда илм ва диний билимларнинг тарғиб-ташвиқ қилинишида уларнинг субъектлари масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунда асосан жамият аъзолари, айниқса, ёшларнинг билим-

---

<sup>10</sup> «Халқ сўзи». 2007 йил 17 август.



ли бўлишлари муҳимлиги таъкидланади ҳамда улар илм олишга чақирилади: «Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир», «Ҳикматли сўз мўмин кишининг йўқотган нарсасидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир». «Билим йўлини излаган кишига Аллоҳ таоло жаннат эшикларини очади». «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар». «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл ёки тингловчи бўл ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Илмнинг яхшиси – фойдалиси, ҳидоятнинг яхшиси эргашилганидир». «Ибодат фазилатидан кўра илм фазилати менга севимлироқдир». «Қайси бир кимсага Тангри яхшиликни раво кўрса, уни диний ва ҳуқуқшунослик илмларига моҳир қилиб қўяди ва унга тўғри йўлни илҳом қилиб туради». «Илм икки хилдир, бири қалбда бўлади – уни илми нофеъ (фойдали) дейилади, иккинчиси тилда бўлади – у одам боласига юборган Аллоҳ таолонинг ҳужжати дир».

Диний манбаларда илмни шунчаки ўрганиш, уни жўн тушуниш, у орқали турли бидъат-хурофотларга берилиш, масалани тушунмай турли илм йўналишида баҳс - мунозараларда қатнашишнинг зарарли эканлиги, ҳаттоқ илмни истамайдиганларга ўргатишга беҳуда уриниб, илмнинг аҳамиятини кеткизмаслик каби тарбиявий жиҳатлар ҳам ўз аксини топган: «*Бидъат-хурофотга берилган одам то уларни тарк этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди*». «*Кимки уламолар олдида фахрланиш, нодонлар билан баҳслашиш ёки одамларнинг диққатини ўзига тортми мақсадида илм ўрганса, унинг жойи жаҳаннамдир*». «*Қайси бир олим илмидан сўралганда қизганиб гапириб бермаса, қиёмат кунини озгига ўздан тизгин солиб қўйилади*». «*Ўзи билимсиз бўла туриб, турли низо ва муҳокама ишларида қатнашиб юрадиган одам то бу ишдан қайтмагунча Тангрининг газабида бўлур*». «*Илмнинг офати – эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир*». «*Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки, мол-дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир*».

Илм машаққатлари ниҳоятда мураккаблиги, зиддиятлилиги, илм олишда муайян бир тажрибанинг зарурлиги, илм ўргатувчи фидоний,

жасур ва мард бўлиши лозимлиги қуйидаги Ҳадисларда ўз ифодасини топган: *«Тажриба бўлмаса, кишида ҳалимлик ва ақллилик мутлақо бўлмайди». «Киши қоқилмай, тоймай туриб ақлли, хулқли бўлолмайди ва ҳар бир яхши-ёмонни бошидан кечирмай туриб ҳоким, олим бўла олмайдди». «Одамларга яхшиликни ўргатиб, ўзини эсидан чиқарган олим, кишиларга ёруғлик бериб, ўзини қўйдирадиган шамчироққа ўхшайди».*

Ҳадисларда дунёвий билимларга эга бўлиб, уни сохталаштирмаслик, ғаразли мақсадларда фойдаланмаслик алоҳида таъкидланади: *«Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч шарсадан қўрқаман: 1. Нафси ҳавога берилиб, йўлдан озийдан. 2. Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан. 3. Илму маърифатга эга бўла туриб гафилларнинг ишини тутушишдан».*

Дунё тўрт тонфа одамлар учун яратилган. Булар: а) *Ҳар кимга Тангри ҳам бойлик, ҳам илм ато қилган бўлса, у шу бойлигидан фақат ўзигина фойдаланмай, балки қавм-қариндошларига ҳам иноят қилиб турса ва илми сабаби Тангрининг ҳаққини ҳам адо этса, бу мартабаларнинг энг афзалидир.*

б) *Кимгаки фақат илм берилиб, бойлик ато қилинмаган бўлса: «Менда ҳам давлат бўлганда эди, фалончи каби ишлар қилур эдим», – деб соф ният билан айтса, у шу нияти билан саҳий бойнинг савобига эга бўлур.*

в) *Агарда кимгаки молу дунё берилиб, илм ато қилинмаган бўлса, қавм-қариндошларига мурувватда бўлмай, Тангрининг ҳаққини ҳам адо этмаган бўлса, бу мартабаларнинг энг ёмонидир.*

г) *Кимгаки илм ҳам, молу дунё ҳам насиб этмаган бўлса, у: молим ва иллим бўлганда эди, мен ҳам фалончилар каби яхши амалда бўлур эдим, деса, бу нияти ила улар билан савоблари баробар бўлади.*

Инглиз файласуфи Рожер Бэкон диннинг илм билан боғлиқлиги, яъни уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмаслиги, улар бир-бирини тўлдириши тўғрисида шундай деган: *«Илм-фан илоҳиёт учун ҳам фойдалидир. Нуҳ алайҳиссалом кема ясаб, тўфондан қутулиб қолган. Бу улкан кемага Нуҳ алайҳиссалом ва унинг оиласи, ер юзидаги жамки тирик мажудотларнинг ҳар биридан бир жуфт жо бўлган. Узунлиги 30 тирсакли кема қуйи, иккинчи ва учинчи ошённадан иборат эди. Турган гапки, бундай кемани қандаса фанини*

билмай туриб яшаш мумкин эмас». Париж университетининг илоҳиётчи олими Рожер Бэкон, италиялик файласуф, илоҳиётчи олим Фома Аквинский (1225–1274), инглиз файласуфи, илоҳиётчи олим Уильям Оккам (1281–1349) ва бошқалар Фарб файласуфлари, дин пешволари ҳамда динни ривожлантирган шахслар бўлишган.

1917 йилгача мамлакатимиз ҳудудидан етишиб чиққан олимларнинг аксарияти диний ва дунёвий илмларни диалектик уйғунликда қўллаганлар ва жаҳонга танилганлар. Диний ва дунёвий илмларни илмий тадқиқотда ҳам, умумий жараёнларда ҳам ажратиш ҳеч қандай асосга эга эмас!? Чунки билишда, онг масаласини ўрганишда, ижтимоий онг шакллари, хусусан, диний онг ва илмий онг (фан) алоҳида ўрганилмайди. Уларни алоҳида ўрганиш бошқа фанларнинг объекти сифатида нисбий олиниб амалга оширилади. Лекин бунда ҳам тадқиқотчи хоҳласа-хоҳламаса қиёсий метод орқали уларни ўрганишга мажбур. Акс ҳолда теран, объектив хулоса чиқариш имконияти сунъий равишда макон ва замонда чекланади, мазкур хулоса тадқиқотчи ҳамда у мансуб бўлган мафкура учун «тўғри» бўлади ва уни кенг жамоа ҳазм қилмайди. Шунинг учун ҳам Ўрта асрларда динда (христиан динида) черков томонидан секуляризация (лот. *Secularixis* – дунёвий) «ихтиро» қилинди. Секуляризация, яъни черков ўзининг бирор вакилини (диндорни) диний жараёнлар (дин)дан чиқиб, дунёвий жараёнлар (фан)га ўтишига расмий рухсат беришни билдиради. Янада содалаштириб тушунтирилса, бу индивид (шахс) онги ва ижтимоий онгдан диний онгни расмий тарзда чиқариб ташлашдир. Бундай ҳолатни пайдо қилиш диннинг ташаббускорлиги билан фаоллик кўрсатишнинг ўзи ҳам диний ва дунёвий илмларни бир-биридан ажратиб, алоҳида талқин қилиш, изоҳлаш хато эканлигини билдиради. Шунингдек, бу бевосита фалсафанинг бутун ва бўлак категориялари принципларини, улар орасидаги диалектикани инкор қилишга олиб келади.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний илмнинг ўзига хослиги, унинг моҳияти, дин мазмунини очишдаги ролини кўрсатиб бундай деб ёзган: «Илм ўз зоти билан матлубдир, ҳақиқатдан ҳам у барча нарсадан лаззатли. Илм-фан бошқа қандай нарсадан манфаат зоҳирроқ ва қандайдир фойда кўпроқ бўлади, фақат илм

билангина ҳам дин, ҳам дунё учун хайрли ишларни қилиш ва уларга зарар келтиришдан сақланиш мумкин, Агар (илм) бўлмаганида (биз) жалб қилаётган (нарс)а ёмонлик эмаслигига ва четланаётган (нарс)а яхшилик эмаслигига ишонч бўлмас эди»<sup>11</sup>.

Абулҳасан Али ибн Абу Бақр ибн Абдулжалил Бурҳонуддин ал-Маргиноний (1123 – 1197) «Ҳидоя» асарида ислом фалсафасида инсон ҳаёти диний ва дунёвийга ажратилмаслигини алоҳида таъкидлайди: «Инсон ҳалол-поқ юриб, Аллоҳнинг кўрсатмаси бўйича яшаш ниятида еб-ичса, бу ҳам ибодат ҳисобланади. Ислом инсон ҳаётини диний ва дунёвий ҳаётга ажратмайди, деганимизнинг маъноси шу. Аллоҳ таоло «Мен инсу жинларни фақат Менга ибодат қилишлари учун яратдим», деганининг маъноси шу. «Ислом дини – осонлик дини» дейишишнинг маъноси ҳам шу. Исломда бошқа дин ва тузумларда одат ва зарурат ҳисобланган нарсалар осонлик билан, биргина ниятни тузатиш билан ибодатга айланади»<sup>12</sup>.

Умуман олганда, билимни дунёвий ва динийга ажратиш (бу дин билан фанни қўйишни билдирмайди) мунозарали ҳисобланиб, у айниқса ҳозирги глобаллашув шароитида янада долзарблик касб этадики, буни ҳар доим (илмий тадқиқотда, тарғиб-ташвиқда, таълим-тарбияда) ҳисобга олиш зарурдир. Бунда академик И.Каримовнинг қуйидаги кўрсатмалари ҳар бир жараёнда методологик асос бўлиб хизмат қилишини назарда тутиш зарур: «...ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага онд дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак.

Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, дунёвийлик айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас. Биз бундай нотўғри ва ғарзли талқинларга мутлақо қаршимиз»<sup>13</sup>.

<sup>11</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.3. –Т.: «Фан», 1968. – 29-бет.

<sup>12</sup> Қаранг.: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Ният. Ихлос. Илм. –Т.: «Шарқ», 2003. – 15-бет.

<sup>13</sup> Каримов И. Миллий истиқлол мафкурəsi – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 504-бет.

---

## **VII БОБ. Инсоният цивилизацияси ва Ўзбекистон ҳудудидаги академиялар**

*Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб ятаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму-фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, магрибу машириққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча гурурлансак арзийди.*

**И.Каримов**

### **Зардушт халқаро фалсафа академияси**

Фарб тафаккур тарзи собиқ Иттифоқдаги Шарқ республикаларининг файласуфлари дунёқарашига кучли таъсир ўтказган. Мазкур таъсир асоратлари, ҳатто, мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳам сақланиб қолганлигини турли йўналишларда кўришимиз мумкин. Масалан, Шарқ файласуфлари илк академиялар Платон даври маҳсули бўлиб, қадимги грек заминидан пайдо бўлганлигини эътироф этишмоқда. Ёки ўрта асрларда фалсафа фанини ўқитиш, ўрганиш жараёни жўнгина қуйидагича изоҳланмоқда: «Агар VIII–IX асрларда араб-мусулмон фалсафаси халифалар, султонлар, амирлар саройидаги бевосита баҳс-мунозаралар, ҳинд ва юнон фалсафасини таржималар қилиш ва уларга шарҳлар ёзиш жараёнида ривожланган бўлса, X–XIII асрларда мадрасаларда, «Дор-ил-Ҳикма», «Дор-ил-Илм», «Дор-ит-Тибб» ларда, Бишр ибн Матта, Юханна ибн Хайлон, Иброҳим ал-Марвазий, Форобий, Ибн Сино кабиларнинг давраларида, фалсафий мактабларида мунтазам таҳсил, юксак савияли баҳс-мунозара санъати, академик тадқиқотлар жараёнида, файласуф олимлар ўртасидаги (бухороликлар билан ҳамадонлик, нишопурлик, ше-

розлик, хоразмликлар ўртасидаги), машшонийун ва табинийун вакиллари Ибн Сино ҳамда Беруний ўртасидаги ва, ҳатто, бир фалсафа мактаби вакиллари, масалан, Ибн Сино билан Бахманиёр, Ибн Зайло ва бошқалар ўртасидаги очиқ ва ёзма баҳс-мунозараларда ривожланди»<sup>1</sup>. Юқоридаги фикрлар, бир томондан, «араб-мусулмон фалсафаси»ни давр ҳамда салоҳият нуқтаи назаридан чеклаган, иккинчи томондан, «...саройидаги бевосита баҳс-мунозаралар, ҳинд ва юнон фалсафасини таржималар қилиш ва уларга шарҳлар ёзиш жараёнида ривожланган», деб умуман фалсафа Фарбда пайдо бўлганлигини ҳар донмигдай қўллаб-қувватлаганлар. Шулар билан, академиялар тўғрисида муроса ва миллий ғоя тамойиллари ҳамда талабларидан келиб чиқиб, айрим фикр-мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

Фарб томонидан илмий истеъмолга киритилган «Академия» заминимизда «Авесто» яратилган даврларда ҳам фаолият кўрсатган. Фақатгина «Академия» атамаси фарбнинг кашфиёти ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида Академия атамаси қуйидагича кўрсатилади: «Академия (*юн.* Academia – афсонавий қаҳрамон Академ номи ҳамда Платон ўз таълимотидан дарс берган, Афина яқинидаги кичик ўрмон номидан) 1 Илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган, юқори малакали олимларига эга бўлган олий илмий муассаса...2. Баъзи бир олий ўқув юртлирининг номи...»<sup>2</sup>.

И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш маросимида шундай деган эди: «Академия - бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки, раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак... Академия ташкил этиш, бу шунчаки орзу, мода ортидан қувиш, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурат, қонуний тақозоси ва ҳаётини эҳтиёждир». Дарҳақиқат, академияларнинг ташкил этилиши, энг аввало, «табиий зарурат, қонуний тақозоси

<sup>1</sup> Фалсафа. –Т.: «Университет», 1998. – 36-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Т.: «ЎМЭ», 2006. – 61-бет.

ва ҳаётӣ эҳтиёжир» ҳамда буни илмпарварлик муҳити ҳам талаб қилинади. Жаҳон цивилизациясининг илк босқичидаги академия, хусусан, Зардушт академияси ҳам шу зарурият ва талаблар негизидан пайдо бўлган.

Зардушт динининг генезиси инсоният цивилизациясининг янги босқичига ўтишда зарурий эҳтиёж сифатида изоҳланади. Чунки у даврларда табиатдаги турли нарса ва ҳодисаларга сиғиниш, уларнинг жони, руҳи борлигига ишониш анъанавий тус олган эди. Ҳатто, маълум бир ижтимоий қатламлар орасида ўз динларини ҳимоя қилиш мақсадида мунтазам курашлар авж олган эди. Шунинг учун ҳам Зардушт турли қабилаларни, турли динларни бирлаштириш ҳамда шу асосда бирлашган, марказлашган давлат ташкил этиш мақсадида тарих саҳнасига чиқади. Бу инсоният цивилизациясида ўзига хос ижобий ҳодиса бўлиб, энг аввало, турли халқларни, турли динларни бирлаштириш орқали минтақада барқарорлик, тинчлик ўрнатилган эди. Айни шу нуқтадан назардан ҳам Зардуштнинг тарафдорлари, қўллаб-қувватловчилари тезда кўпайди ҳамда бирлашиш оммавий тус олди. Бу оммавийлик дастлаб Турон заминга, кейинчалик эса бутун Шарққа кенг тарқалди. Натижада олий тоифали бирлашиш – академия юзага келди. Зардушт академияси вакиллари нафақат ўзларининг билимларини Турон заминга, айни пайтда Ғарбга ёйишда фаоллик кўрсатдилар ҳамда антик грек фалсафасининг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшдилар (масалан, антик грек фалсафасининг йиринк намоёндалари юксак қадрлаган ҳамда «Етти донишманднинг бири» сифатида эътироф этган Анахарсис). Улар Зардушт томонидан ёзилган «Авесто»даги бунёдкор ғояларнинг Ғарбга тарқалишида муҳим роль ўйнадилар. Мана шу самарали Шарқ мия оқими таъсири кейинчалик Гераклитнинг диалектик таълимотига, Демокрит атомистик назарияси пайдо бўлишига туртки берди. Чунки мазкур таълимот ва назариялар дастлаб «Авесто»да илгари сурилганлигини ҳозирги илмий назариялар исботлаб, асослаб берди. Зеро, И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида алоҳида таъкидлаганидек: «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, юқори-

да айтганимдек, бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман, Фарб адибларининг «Авесто»ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, фэйриилмийдир».

Дарҳақиқат, инсоният цивилизациясининг илм ўчоғи бўлган илк академия Шарққа, хусусан, Зардуштга тегишлидир. Зардушт халқаро академиясининг аҳамияти шундаки, унда етишиб чиққан олимлар илм-фанни Турон заминдан яқин ва узоқ ўлкаларга, бир сўз билан айтганда, Шарқ, Жануб, Фарб, Шимол мамлакатларига ёйдилар. Шунинг оқибатида бошқа ўлкаларда ҳам илм-фан, маданият ривожланишига турки берилди, уларнинг шаклланиши имкониятлари вужудга келди.

### Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий халқаро фалсафа академияси

Милодий йилнинг бошланишида ҳам, Ўрта асрларда ҳам Турон ҳудудида кўплаб халқаро академиялар фаолият кўрсатганлиги тўғрисидаги материаллар эндиликда маълум бўлмоқда. Лекин бу соҳада археологлар, этнографлар, тарихчи ва файласуфлар ҳамкорликда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришлари ҳамда қарийб 3000 йиллик оралиғида Турон ҳудудидаги халқаро академиялар тўғрисидаги «бўшлиқ»ни тўлдиришлари зарур!?

И.Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуновчи мажлисида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий тўғрисида шундай деган эди: «Ҳазрат Имом ал-Бухорий нафақат ўзбек халқи, балки бутун ислом оламининг фахридир. Бу буюк инсоннинг ҳаёти том маънода илмий ва инсоний жасорат, собит ирода намунаси, юксак эътиқод тимсолидир. Ислом оламида Қуръони каримдан кейин энг ишончли манба саналган «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами у зоти шариф башариятга қолдирган улкан мероснинг гултожидир. Бутун дунё мусулмонлари яқдиллик билан таъкидлашларича, инсоният яратган китоблар орасида энг



буюги мана шу «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»дир»<sup>3</sup>. Шунингдек, «Адаб дурдоналари» («Ал-Адаб ал-муфрад») асарида 1322 та ҳадис жамланган бўлиб, 644 бобдан иборатдир.

Манбалардан маълумки, ҳадисларни жамлаш уч йўналишда (муснад, сунна, саҳиҳ) олиб борилган. Муснад – ҳадис тўплами йўналишларидан бири. Бу йўналишдаги ҳадислар тўплами турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтириш, ҳадис ривоят қилган саҳобаларнинг исломни қабул қилган вақтини кўрсатиш ва алифбо тартибда бериш билан ажралиб турган. Бу йўналишдаги ҳадислар тўпламига Абдуллоҳ ибн Мусо имом Аҳмад ибн Ҳанбал китоби мисол бўлади. Сунна – ҳадислар тўплами йўналишидан бири. Барча ҳадислар, яъни тўғри, ишончлидан ташқари, заиф (ишончсиз)лари ҳам киритилган ҳадислар тўплами. Масалан, Ҳабиб Абу Ҳабиб ал-Харатий ал-Марвазий ҳадислар тўплами. Саҳиҳ – ҳадислар тўплами йўналишидан бири. Олим-уламолар томонидан фақат тўғри ва ишончли деб эътироф этилган ҳадислар тўплами. Бу йўналишга Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйра ал-Бухорий асос солган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳадислар султони даражасига эришади. У 1080 муҳаддисдан ҳадис тинглайди, 600 минг ҳадис тўплайди. Шулардан 100 000 ишончли ва 200 000 ишончсиз ҳадисни ёддан билган. Унинг тўрт томдан иборат «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китоби (7275 та ҳадис жамланган) ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳадис тўпламларида шарқона мураса, сабр, имон-этиқод, ахлоқ-одоб, меҳрибонлик, етимларга меҳр-мурувватли бўлиш, ўзаро ёрдам, яхшилик, садоқат, эҳсон, ёлғончилик, манманлик, зино, ҳасад кабилар алоҳида таъкидланган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг Нишопурдан ватани – Бухорога қайтиб келаётганини эшитган олимлар, уламолар, ватандошлар, қариндош-уруғлар ўз хурсандчилигини билдириш ҳамда ҳазратга ҳурмат-иззатларини кўрсатиш мақсадида унинг истиқболига бир неча кунлик йўлга чиқиб кутиб оладилар.

---

<sup>3</sup> Қаришова И. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзланган нутқ//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: 197-бет.

Аббосия халифалигининг Бухородаги амири Ҳомид ибн Аҳмад Ҳомид аз-Зуҳолий: «Бундан буён амирлик саройинга келиб турунг ва болаларимга (иккинчи ривоятда: сарой аҳлига) «ал-Жомъ ас-саҳиҳ» дан дарс беринг!», – деб нома юборади. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бу таклифни қабул қилмайди ва: «Мен илмни хорлаб, султону амирлар эшигига бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда: саройдагиларни) уйимга ёки масжидга юборсин!», – деб жавоб юборади. Бу жавобни олган Ҳомид ибн Аҳмад ибн Ҳомид аз-Зуҳайлий Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга Бухорони тарк этиш ҳақида фармон беради. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Бухорони тарк этиб, олдин Пойкентга, бир оз муддатдан сўнг эса Самарқандга бораётиб, Абу Мансур Ғолиб ибн Жаброил ал-Хартаңгий (ўз даврида фиқҳ илми билимдони ва ҳадисшунос) уйида меҳмон бўлади. У ерда хасталаниб, вафот этади. Дафн маросими билан боғлиқ харажатларни ҳам Абу Мансур Ғолиб ибн Жаброил ал-Хартаңгий ўз ҳисобидан қилган. Абу Мансур Ғолиб ибн Жаброил ал-Хартаңгий ўзининг «Машоқиб ал-Бухорий» асарида бу ҳақда атрофича маълумот ёзиб қолдирган. Орадан кўп ўтмай ўзи ҳам вафот этган ва унинг ёнига дафн қилишларини васият қилиб қолдирган<sup>4</sup>.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом, Мисрда ҳадисларни ёзиб олган. Ғарб ва Шарқда ҳадис илмининг султони деган эътирофга сазовор бўлган. Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Насафга сафар қилганларида «Саккайту Боён», яъни «Баён даҳаси»да (маҳалласи) яшаганлар. Чунки бу маҳалла ҳам ўз даврида олиму фузалолар яшаган маҳаллалар сирасига кирди. Масалан, мазкур маҳалладан араб тилини ва ҳадисларни мукаммал биладиган, фиқҳ илми олим, имом Абу Яъло Муҳаммад ибн Абу Толиб ибн Носир ал-Баёний (367 ҳ.й.ваф.эт.) туғилган ва фаолият юритган.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий дунёнинг турли мамлакатларида минглаб шогирдлар етиштирди. Унинг фаол ижоди халқаро миқёсда ҳадисшунослик академиясининг вужудга келишига асос бўлди. Мазкур Академия филиаллари барча мусулмон давлатлари-

---

<sup>4</sup> *Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад*. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – 141-бет.

да фаолният кўрсатмоқда. Ҳозир улар тўғрисида етарли маълумотларни олиш имконияти кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йилда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда нишонланди, у вафот қилган заминда ал-Бухорий халқаро маркази ташкил қилинди. Зеро, «ҳазрат Имом ал-Бухорий нафақат ўзбек халқи, балки бутун ислом оламининг фаришидир. Бу буюк инсоннинг ҳаёти том маънода илмий ва инсоний жасорат, собит ирода намунаси, юксак эътиқод тимсолидир»<sup>5</sup>.

## Сомонийлар халқаро академияси

*Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмишохлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, анушитегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, мангитлар сулолалари тарихимизда, хусусан Бухорои азияда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.*

**И.Каримов**

Манбалардан маълумки, араб халифалиги VIII асрдан майда-майда қисмларга парчалана бошланди ва 1258 йил мўғуллар истилосидан сўнг инқирозга учради. IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳр ҳудуди ҳам араб халифалигидан ажралиб, бу ерда мустақил давлатлар пайдо бўлади. Шу вақтдан ҳукмдорлик маҳаллий сулола Сомонийларга ўтиб (819–1005) Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳамда Рай ва Қазвингача бўлган ҳудудни ўз таркибига олади. Айрим манбаларда «Сомон подшоҳлиги», деб ҳам юритилади.

Мустақилликнинг илк йилларида нашр қилинган китобларда Сомонийлар давридаги илмий муҳит қуйидагича кўрсатилган: «Марва, Бухоро, Самарқанд, Урганч фан ва маданиятнинг жаҳон марказ-

---

<sup>5</sup> Каримов И. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзланган нутқ//Биз келаганимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: 197-бет.

лари деган шарафга сазовор бўлдилар. Араб тили грек фалсафаси ютуқлари, форс тили эса форс поэзияси ва ижтимоий-сиёсий адабиёти билан танишиш имконини берди. Сомонийлар пойтахти бўлган Бухоро фаннинг чинакам жаҳон марказига айланди. Бу ерда ажойиб китоб бозорлари ва дўконлари бўлиб, ёзувчилар ва олимлар учрашиб турардилар. Бу ерда Ибн Сино китоб дўконларидан биридан Форобийнинг Аристотель таълимоти баён қилинган асарини топиб олади. Амир саройида ўша даврдаги энг яхши кутубхоналардан бирни жойлашган эди. Бу ерда Ибн Сино ўз ёшлигини ўтказди, Рудакий ва Дақиқий ўз шеърларини яратдилар, тарихчи Наршахий ўзининг қимматли китобини ёзди.

Сомонийлар давридаги Мовароуннаҳрда грек илмий-фалсафий мактаби, араб географияси, форс тарихи ва Ўрта Осиё медицинаси ҳамда математикаси мактабининг синтези таркиб топди»<sup>6</sup>.

Сомонийлар даврининг таниқли шоири Рудакий (IX-X асрлар) мазкур давлатда илм-фан равнақиға берилган эътибордан руҳланиб кўйидаги мисраларни ёзган:

Ақлли кишилар ҳар қайси тилда  
Ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда,  
Билимларни тўплаб ҳурмат этдилар.  
Бошларга нақш этиб битиб кетдилар.  
Одамлар қалбининг чароғи – билим,  
Балодан сақланиш яроғи – билим.

Сомонийлар даврида Абу Али Хусайн ибн Аҳмад ас-Саломий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон ал-Бухорий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Наршахий, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саъд ибн ал-Кофий, Абулхарис Асад ибн Хамдуйн ал-Версий каби юзлаб олим-уламолар етишиб чиққанлар ҳамда фан ва адабиётнинг турли йўналишларига онд илмий асарлар ёзганлар. Уларнинг асарларида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Хуросон, Эрон, Қадимги Юнонистон тарихи ва маданиятига онд, уларнинг урф-одатлари кўрсатилган манбалар ва материалларга кенг ўрин берилган. Айниқса, Сомонийлар халқаро академияси олим-уламолари ўз билим-

---

<sup>6</sup> Хидояттов Г.А. Менинг жонажон тарихим. –Т.: «Ўқитувчи», 1992. – 105-бет.

ларини нафақат мамлакат ҳудудида, балки Миср, Италия, Испания ва бошқа мамлакатларда ҳам намоиш қилганлар, уларнинг фан ва маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланишига ўзларининг салмоқли улушларини қўшганлар. «Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, фалсафа, тарих ва шу сингари фанлар тараққий этди. IX–X асрларда ал-жабр асосчиси ҳамда «Китоб мухтасир фи-ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобила», «Ал-китоб фи-ҳисоб ал-ҳиндий», «Китоб сураат ал-арз» ва бошқа асарлар муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, «Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавомеъ илм ан-нужум» («Осмон жисмлари ҳаракати тўғрисида ва фалакиётга оид китоб»), «Мадҳал ан-нужум» («Фалакиётга кириш»), «Китоб ал-комил фи-л-устлоб» китобларининг муаллифи Аҳмад ал-Фарғоний (861 йилда вафот этган), Шарқнинг улуғ файласуфи Абу Наср Форобий (873–950), буюк қомусий олимлари Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқалар етишиб чиқдилар ҳамда баракали ижод қилдилар»<sup>7</sup>. Абу Наср Муҳаммад Форобий Сомоний давлати ҳукмдори илтимосига биноан «Ат-таълим ас-соний» («Иккинчи таълим») асарини ёзган. «Форобийнинг «муаллим ас-соний», яъни (Аристотелдан кейин) «иккинчи муаллим» лақаби ана шу воқеа билан боғлиқдир, деб айтилади»<sup>8</sup> Мирхонднинг «Равзаус-сафо» китобида Нух ибн Мансур Сомоний кутубхонасида Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг жуда кўп номаълум асарлари мавжуд бўлганлиги, ундан Абу Али ибн Сино ва бошқа олим-фузалолар фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Манбаларда Сомон асли Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бири бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Шу сабабдан ҳам мазкур ҳудуддан чиққан олим-уламо ва ҳукмдорлар ўз исми шарифига «Сомоний» нисбасини олишганлиги ҳам қайд қилинган.

1. Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ибн Жуббо ибн Ниёз ас-Сомоний (ҳижрий 295 йилда вафот этган). Одил Амир, олим, ҳадисшунос.

---

<sup>7</sup> Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т.: «Ўқитувчи», 1994. – 46-бет.

<sup>8</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон», 1971. – 132-бет.

2. Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний ибн Жуббо ибн Ниёз Жавбайн ас-Сомоний (ҳижрий 301 йилда вафот этган). Ҳадисшунос.
3. Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сомоний (ҳижрий 295 йилда вафот этган). Ҳадисшунос.
4. Абдулҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний (ҳижрий 279 йилда вафот этган).
5. Ғозий ибн Аҳмад ибн Абу Мансур ас-Сомоний (тахминан XI асрлар). Амр бўлган. Фақиҳ. «Нур», «Калитлар», «Баён» асарлар муаллифи.

Абу Али Шайху-р-раис ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино Бухоро, Хоразм, Гурганж (1009), Исфаҳон, Рай (1014–1015) ва Ҳамдонда (1015–1023) яшаб ижод қилган. Билимли ва ўз даврининг энциклопедист олими бўлишида отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасаннинг роли фоят катта бўлган. У Сомонийлар даврида ўқимлишли, жамиятда таълиқли бўлиб, молния-солиқ идорасида ишлаган. Абу Али ибн Синонинг устозлари фиқҳшунос Исмоил Зоҳидий, файласуф Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим Нотиллий, табиб Мансур Ҳасан ибн ал-Қамарий, Али ибн Аббос ва бошқалар бўлган ҳамда ўз даврининг машҳур олимлари Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абубакр ар-Розий, Абу Наср Форобий китобларини мустақил ўрганган. Булар Абу Али ибн Синонинг келгусида энциклопедист олим бўлиб етишишида муҳим манбалар бўлиб хизмат қилган. Унинг «Ал-Қонун фитотиб» («Тиб қонунлари») асарида 811 та дорини тайёрлаш йўлларини ва қандай касалларга даволигини изоҳлаган. 400 та доривор ўсимликдан ҳозирги шаронгда 165 тасидан фойдаланилмоқда. Асар XII асрда илк марта латин тилига таржима қилинган. Ҳозирги кунда дунёнинг деярли барча тилларига ўтирилган бўлиб, уларнинг тиражи бир неча ўн миллиондан иборат. Абу Али Шайху-р-раис ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино 450 дан ортиқ асарлар муаллифи. 242 та асари бизгача етиб келган, шуларнинг 80 таси фалсафа, дин ва тасаввуфга, 66 таси медицинага, 19 таси логикага, 26 таси психологияга, 7 таси коинот ва астрономияга, 1 таси математикага, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 4 таси адабиёт ва тилга, 8 таси олимлар билан ёзишмаларга бағишланган. Хенри Корбен-

нинг араб олимлари Хусайн Наср ва Усмон Яҳё билан ҳамкорликда яратган «Ислом фалсафаси тарихи», Абдурахмон Бадавийнинг ўрта асрлар фалсафасига доир ишларида, Иброҳим Мадкур асарларида, Курд Алининг «Умаро ал-баён» асарида, Абдуҳ аш-Шимолийнинг араб фалсафаси тарихига оид асарида, Камол ал-Язижи асарида, турк олими Усмон Эргин, араб олими Ж.Ш. Қановотий, эрон олимлари Яҳё Маҳдавий ва Саид Нафисий асарларида, йирик араб файласуфи Умар Фаррухнинг «Икки Форобий», «Арабларнинг илм ва фалсафада қобилияти»<sup>9</sup>, рус олимларидан И.Ю. Крачковский, А.Ю. Якубовский, Е.Э. Бертельс, А.Я. Борисов, А.А. Семенов, Т.И. Райнов, П.М.Факторович, П.Г.Булгаков, В.Н.Терновский, А.К. Арендс, М.А. Салье, Ю.Н. Завадовский, Б.Э. Биховский, А. Богоуддинов, С.Н. Григорян, араб файласуфи Аҳмад Фуод ал-Аҳвоний, Абдуҳ ал-Хулв, Муҳаммад Роғиб асарларида, Де Бурнинг «Ислом ўлкалари фалсафаси тарихи», Масъаднинг «Ибн Сино – файласуф», Лунс Фардия ва Қанавотий асарларида Абу Али ибн Сино фалсафасининг турли жиҳатлари ҳар томонлама тадқиқ қилинган.

Ўзбек олимлари ҳам Ибн Синонинг ишлари давомчилари ва медицина нуқтаи назаридан дунёга машҳурдирлар. Уларнинг кўпчилигини Германия, АҚШ, Япония, Корея, Миср, Россия, Хитой каби кўплаб мамлакатлар медицина бўйича турли симпозиум, конференцияларга ҳамда хориж университетларига маърузалар ўқиш учун таклиф қилишади. Шулардан бири марҳум олим Н.Мажидов эди. У АҚШнинг Канзассити шаҳридаги «Саломатлик маркази»да маъруза ўқиб бўлгач, марказ директори шундай дейди: «Сизни ҳозир улкан медицина китоблари кутубхонасига олиб бораман», – деб марказ кутубхонасига таклиф қилади. Директор ойна олдидаги улкан жилдли китобни кўрсатиб, «Сизнинг ватандошингиз, тиббиёт фанининг буюк намояндаси ва улуғ мутафаккир Абу Али ибн Синонинг беш томлиги. Биласизми, бу хонага ҳеч ким қўйилмайди. Ибн Сино ватанидан, юртидан ва унинг авлоди бўлганингиз учун Сиз бундан мустасносиз. *(Демак, «ҳеч ким қўйилмайди»ган жойларга ҳам «мустасно» тарзида ўзбекистонликлар қўйиладиган бўлмоқда*

---

<sup>9</sup> Умар Фаррух. Ал-Форобийни (Икки Форобий : Форобий ва Ибн Сино ҳақида). Баїрут, 1948.

– Ш.Х). ...Фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тошиб хонага кирдим. Хонада автоматик қурилмалар кўп, барча ишлар компьютерлаштирилган. Ойна тагида «Тиб қонунлари»нинг XV асрда француз тилида босилган нусхаси бор эди».

Умуман олганда, Сомонийлар халқаро академиясида Абу Али ибн Сино сингарни юзлаб «битирувчилари»нинг барчаси ўзларининг халқаро фалсафаларини ташкил қилдилар. Улар ўзларининг мукамал асарлари ва ҳарашлари, амалий фаолиятлари билан ўрта асрларда нафақат Шарқнинг, айна пайтда Фарбнинг ҳам маънавий уйғонишига салмоқли ҳисса қўшдилар ҳамда нодир ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган асарлари билан ўзларига ҳайкал ўрнатиб кетдилар. Бу ҳақда И.Каримов шундай деган эди: «Аввало мени ЮНЕСКОнинг юксак мукофоти – халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирлагани учун ЮНЕСКОга чексиз миннатдорчилик изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Ушбу медалнинг орадан минг йиллар ўтса ҳам Шарқу Фарбнинг барча маърифатли кишилари ҳамон ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган буюк ватандошим номи билан аталлишининг ўзи мен учун катта маъно касб этади. Фан ва тафаккурнинг кўп соҳаларида башариятга бебаҳо мерос қолдирган буюк қомусчи олим номи билан аталувчи медаль соҳиби бўлганим билан мен беҳад фахрланаман.

Абу Али ибн Сино орадан ўн аср ўтса ҳам ноёб қиммати ва илмий аҳамиятини йўқотмаган «Тиб қонунлари» асари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетди»<sup>10</sup>.

Мустақиллик шароитида Бухоро Сомонийлар академиясининг илмий-ижобий фаолиятини кенг тадқиқ қилиш, академиянинг 1100 йиллиги юбилейини ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда нишонлаш долзарб масалалардандир. Мазкур тадбирларни ўтказиш аждодларимизнинг интеллектуал капиталини, инсоният цивилизацияси юксалишига қўшган салмоқли ҳиссасини жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш ҳамда баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти муҳимдир.

---

<sup>10</sup> Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Президентига ЮНЕСКО медалини топшириш маросимида сўзланган нутқ/Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. –207-бет.



## Руҳайдан Даврон Термизий аёллар фалсафа академияси

Швед олимлари Г.Скирбекк ва Н. Гилье «Фалсафа тарихи» ўқув қўлланмалари 5-бобининг охириги параграфини «Антик даврдаги олим аёллар», деб номлашган. Мазкур параграфдан қуйидаги маълумотларни келтираемиз: «Антик даврда айрим истиснолардан ташқари (масалан, Эпикур мактаби) хотин-қизлар фалсафий ва илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш имкониятига эга бўлмаганлар.

Аммо тугаб бораётган антик даврдаги илм-фан маркази Александрияда буюк олим аёл Гипатия (Hypatia) фаолият кўрсатган. У платоник файласуф эди, шунингдек, математика ва физика фанларида чуқур билимларга эга бўлиб, ўзининг олимлиги ва интеллектуал иқтидори билан шуҳрат қозонди. У тахминан 370-415 йилларда яшади ва кутубхонага кетаётган пайтда ўлдирилган»<sup>11</sup>. Яна олти қатордан сўнг параграф якунланади. Бу маълумотларни келтиришдан мақсад шуки, энг аввало, Ғарб озгина бўлса-да манба бўлса, уни кўрсатишга ҳаракат қилади ҳамда «Антик даврдаги олим аёллар» каби сарлавҳалар қўйиб (гарчи бирта аёл олима тўғрисида маълумот берилган бўлса-да), ўзига хос «рекламани» жозибадор қилиб ўқувчига етказиб удалайди.

Бу йўналишда бизнинг файласуфларимиз ҳали етарли тажрибага эга эмас. Бу, **бир томондан**, Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларини ўрганиш «йўрғакда»лиги билан, **иккинчи томондан**, собиқ Иттифоқ даврида мазкур масалалар тадқиқига изн берилмаганлиги билан изоҳланади.

Турон заминда аёлларнинг жамият ишларида фаол иштироки, хусусан, давлатни бошқаришдаги матонати, Ватанни ҳимоя қилишдаги мардлиги ва жасоратлари ҳақида, уларнинг фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий қарашлари тўғрисида қисқача маълумотлар олдинги параграфларда берилди. Яна шундай маликалардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қизлари Руҳайдан Даврон Термизийдир.

---

<sup>11</sup> Скирбекк Г. ва Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т.: «Шарқ», 2002. – 168-бет.

Отаси Руҳайдан Давроннинг ёшлигидан билим олишига барча имкониятларни яратади. У нафақат диний, балки дунёвий билимларни тез ва мукамал эгаллаб олади. Шунингдек, унда бошқариш ва етакчилик қобилияти ҳам мужассам бўлган. Шу боис ўзининг фалсафа мактабини ташкил қилади. Бу мактаб тезда машҳур бўлади ҳамда мактаб жойлашган жой маҳаллий тилда «Қирққиз қалъаси» номи билан машҳур бўлади.

Мазкур қалъада ўзига хос аёллар фалсафа академияси ташкил этилади. Унга Руҳайдан Даврон Термизий раҳбарлик қилади. IX асрда ташкил қилинган мазкур академияда Руҳайдан Даврон Термизий билан Ҳурайда бинт ал-Ҳакима ҳам сабоқ берган.

### **Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун Хоразм халқаро фалсафа академияси**

*Биз тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз  
учун ва бутун дунё учун ҳам қайта тикляймиз.  
Бу яқини буюк ютуқ деб дадил айтиши мумкин.*

**И.Каримов**

Маълумки, «Маъмун академияси», «Байт ул-ҳикма», «Ҳикматлар уйи» сингари атамалар тарихий манбаларда, макон ва замонда турлича ишлатилганлиги, ҳудудлар ва минтақаларда ҳар хил изоҳланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қуръонда ҳам «Вал байтил маъмур – «Обод уй»га фаришталар, «Байт ул-ҳикма»да олиму уламолар фаолият кўрсатиши қайд қилинади. Маъмун академиясида замонасининг етук, зукко илм аҳли тўпланганлигида рамзий маъно яширинганки, бу маънонинг марказида X асрларда ҳам аждодларимиз ўз билимининг юксаклиги билан жаҳон халқлари цивилизациясига баҳамжизҳат муносиб ҳисса қўшганлиги туради. Бу ҳиссани рўёбга чиқаришда, энг аввало, мазкур даврда ҳукмдорлик қилган подшоҳларнинг, хонларнинг илм аҳлига кўрсатган ҳомийлигининг, саховатининг, эҳсонининг ўрни, роли ниҳоятда катта эканлигини Хоразм Маъмун академияси мисолида кўрамиз.

ЮНЕСКО ташкилоти Бош Конференцияси 32-сессиясининг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғриси-

даги қарори юқоридаги далилларни яна бир бор тасдиқлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Фармонда «Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданий оламнинг маркази ҳисобланган, одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш» мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган.

Булар тўғрисида ҳамда Хоразм Маъмун академияси ташкил этилганлигининг мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларда миллий ғоянинг шаклланиши ва қарор топишидаги аҳамиятини кўрсатиш учун Маъмун сулоласи, улар давридаги мамлакат ички ва ташқи аҳволи, давлатда маънавий-маърифий соҳага эътибор тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, айниқса, Абул-л Аббос Маъмун ибн Маъмуннинг шонли фаолияти ибратлидир. Назаримизда, айнан шулар учун ҳам Бағдод халифаси Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмуннинг хизматларини юқори баҳолайди. Буни Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний қуйидагича кўрсатиб беради: «Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ўсишларни ҳисобга олиб Бағдод халифаси Қодир махсус элчи орқали фахрий либос ва унга «давлат қароғи ва миллат безаги» («айн уддавла ва зайнул мима») увони берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни юборади». Бу фикрлар билан Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун фаолиятини янада кўкларга кўтариш орқали Хоразмшоҳга ўзига хос тилёғламлик қилиш эмас, балки Маъмун сулоласи даврида давлатчиликнинг такомиллини кўрсатиш баробарида давлат қанчалик мустаҳкам ва марказлашган бўлса жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишга замин яратилади, деб кўрсатган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ривожланишига, айниқса, унинг маънавий-маърифий жиҳатлари равнақи билан шуғул-

ланувчиларни муайян маблағ ва озиқ-овқат билан таъминлашга кенг имконият яратади<sup>12</sup>.

*Бу сунгари инсоний фазилатлар, яъни илм аҳлига ҳомийлик қилиши ва шу асосда мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириши, миллатининг маънавий-маърифий юксакликка эришиши, бевосита аждодлар ўғити мустақилликка эришган Ўзбекистон учун ҳам олий қадрият эканлигини ҳамда бу анъаналар кенг шарт-шароитлар яратилишига имкон беради, деган мантиқий хулосани келтириб чиқаради. Бу мантиқий хулоса МОҲИЯТда давлатчиликнинг мустақамлалиши, энг аввало, мустақилликка шарт-шароит яратади, бу орқали эса мамлакатдаги маънавий-маърифий даражасани юксалтириши негизидаги аҳлида гурур, ўзликни англаш фазилатлари қарор топади, деган ҳақиқат яширинган. Бу ҳақиқатнинг намоён бўлишида мамлакат ҳукмдори саховатли, мурувватли бўлиши, бир сўз билан айтганда, ҳукмдор эсалият аъзоларига, айниқса илм аҳлига ҳомийлик қилиши шарт. Худди шу шартни Маълум сулоласи англаб етди, мамлакатда ҳамма хориждаги йирик фан намоёндаларини бир жойга тўплади ҳамда эсаҳонда илк илм марказларидан бири бўлган Хоразм Маълум академиясига асос солди.*

Шу ҳаётний тажриба асосида Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний илм аҳлини ардоқлаш зарурлигини ҳукмдорларга таъкидлаш боисидан бундай деб ёзди: «Хукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади, чунки ҳукмдорнинг шундай қилиши кишиларнинг дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар (билан шуғулланиш) учун бўшатиб кўяди... Хукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади». Бизнингча, Абу Райҳон Беруний юқоридаги фикрлари билан ҳар бир жамият, давлат, ҳукмдор илм-фанга бўлган муносабатини саховат-ҳомийлик тарзида намоён этиши деб таъкидлайди ҳамда саховат-ҳомийликнинг беғараз бўлиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан машҳур ҳадислардан бирида шундай дейилганлигини кўрсатиш ўринлидир: «Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга шундай ваҳий этди: «Ё Иб-

<sup>12</sup> Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.: «Мерос», 1994, –31-бет.

роҳим! Шубҳа йўқки, мен ҳақиқатдан олимман, илм соҳибларини эса севаман»<sup>13</sup>.

Шунингдек, бу йўналишдаги мурувват, саховат, ҳомийлик хоразмшоҳларнинг аксариятига хос жиҳатлар эканлиги кўплаб хорижий, айниқса, араб олимлари (ал-Муқаддасий, Абу Ҳамид ал-Ғарнотий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн Батута, Ибн Фазлон, Ибн ал-Асир) томонидан ҳам эътироф этилганлигини уларнинг қолдирган асарларидан ҳам билса бўлади. Айниқса, фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳонинг «Ал-Адаб ал-арабий фи иқлим Хваразм» («Хоразм ўлкасида араб адабиёти») номли асарида ҳам алоҳида таъкидланади. Жумладан, олима ўз тадқиқотида хоразмшоҳлар даврида илм-фан ва адабиёт тараққий қилганлигини, илм толиблари, шу жумладан камбағал фуқароларни билимли ва маърифатли қилиш мақсадида улар ўз давлатларининг турли туманларида кўплаб мадрасалар, жомелар, кутубхона – «дор ул-кутуб» лар қурганлигини кўрсатиб ўтади.. Зеро, И.Каримов таъкидлаганидек: «... XXI асрда қайси миллат кучли интеллектуал салоҳият ва бойликка эга бўлса, ўша миллатгина фаровон ҳаётга эриша олади. Дунёдаги энг самарали ва ишончли сармоя – бу таълим-тарбия тизимига сарфланган маблағдир, дейилиши бежиз эмас. Бундай эзгу мақсад йўлида, келажакни кўзлаб қилинган иш сарф-ҳаражатларни қоплабгина қолмай, миллатнинг илм-зиё салоҳиятини юксалтиришда мисли кўрилмаган ижобий натижаларга, бир сўз билан айтганда, илм-фан соҳасида юксак кўтариш – «портлаш» эффе́к­тига олиб келади».

Маъмун академияси даври илмий татқиқотларда кам ўрганилган соҳа саналади. Шу сабабли ҳам айрим манбаларнинг ўзида шу давр намояндалари, ҳатто, ҳукмдорларнинг номларида ҳам ўзига хос ноаниқликлар мавжуд. Масалан, «Ўзбекистон халқлари тарихи»да, биз татқиқ қилаётган давр тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Ўша даврда Хоразмга билимдон, маданият соҳиби, шоир ва рассомлар ҳомийси Абул Аббос Маъмун (999–1016 йиллар) подшоҳлик қилар эди. Саройда файласуф Абусахл Масиҳий, атоқли табиб Абулхайр Хаммор, машҳур риёзиюн Абу Наср Аррон, XI асрнинг энг йирик олими, қомусий билимлар соҳиби Абу Райҳон Бери-

<sup>13</sup> Илоҳий ҳадислар. –Т. «Бехзод», 1994. – 51-бет.

нийлар бор эди... XI аср бошларида Хоразм шоҳи Маъмун II ўз атрофига турли соҳага мансуб буюк олимларни тўплади. 1004 йил Маъмун Берунийни қувғиндан Хоразмга чақириб олиб, уни ўз давлатида фан масалалари бўйича бош маслаҳатчилардан бири этиб тайинлайди. Бу даврда Маъмун академияси «Байтул ҳикма»да ўрта аср Шарқининг машҳур олимлари: файласуф, табиб, табиатшунос аллома Абу Али ибн Сино, тарихчи Минсковайх, риёзюн Абу Наср ибн Ироқ, файласуф Абусахл Масиҳ, табиб Абдулхайр Хаммар ва бошқа кўплаб олимлар иш олиб боришар эди. Беруний «Маъмун академияси»нинг етакчи аъзоси бўлди...<sup>14</sup>. «1004 йилда Маъмун II нинг таклифига биноан Беруний Ватанига, Хоразмнинг пойтахти Гурганжга қайтиб келади, бу ерда буюк олимлар йиғилган эди. Беруний илмий жамоа аъзоси сифатида 1017 йилга қадар илмий фаолият олиб борди»<sup>15</sup>. 996 йили шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад бу мамлакатни яхлит давлатга айлантириб, Хоразмшоҳ унвоини қабул этди ва Урганчини пойтахт қилиб белгилади. Маъмун ибн Муҳаммад (995–997) ва унинг ўғли Али ибн Маъмун (997–999) мустақилликни ва ҳарбий қудратни кучайтиришга уринишди...

Али ибн Маъмуннинг ўлиmidан сўнг тахтни укаси Маъмун (999–1016 йиллар) эгаллаб, отаси ва акасининг сиёсатини давом эттирди. Али ибн Маъмун даврида Урганжда иккита ажойиб сарой қурилди. X асрда Хоразмда гўзал мейморий иншоотлар мавжуд эди. Маъмун ибн Маъмун даврида саройда маданий марказ яратилиб, мажлисларга XI асрнинг энг яхши олимлари жалб этилди. Бу ерда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, машҳур табиб Абулхайр Хаммор, йирик риёзюн Абу Наср Ироқ ва бошқа атоқли олимлар шуғулланишарди»<sup>16</sup>. Юқорида келтирилган маълумотларда гарчи манба битта китоб бўлсада, бир саҳифада «XI асрнинг энг йирик олим, қомусий билимлар соҳиби Абу Райҳон Беруний», бошқа саҳифада «Маъмун Берунийни қувғиндан Хоразмга чақириб олиб, уни ўз давлатида фан масалалари бўйича бош маслаҳатчиси», яна бир саҳифада «Беруний «Маъмун академияси»

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. –Т.: «Фан», 1992. –104–106-бетлар.

<sup>15</sup> Ўша жойда. –107-бет.

<sup>16</sup> Ўша жойда. –119-бет.

нинг етакчи аъзоси», «Беруний илмий жамоа аъзоси», «Маъмун ибн Маъмун даврида саройда маданий марказ яратилди», деган фикрларни ўқиймиз.

Бу даврга Й.Жумабоев ва Ш.Мамедов тадқиқотларида ҳам кенг ўрин берилган: «Хоразмшоҳ Маъмун даврида (999–1017 й.й.) мамлакат иқтисодий, маданий, ҳарбий жиҳатдан кучайди. Маъмун мамлакатдаги олимларни йиғиб йирик маданий марказ ташкил қилди. Бунда Ибн Сино, Беруний ва бошқалар ўзларининг йирик асарларини яратганлар»<sup>17</sup>.

Шунингдек, бу ҳақда М.Хайруллаев «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» асарида шундай далилларни келтиради: «Бухоро 999 йилда қорахонийлар томонидан забт этилди ва сомонийлар ҳокимияти инқирозга учради. 1000 йилда Ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан ҳисобланган Хоразмга борди. У ерда замонасининг атоқли олимларини бирлаштирган Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун саройидаги замонасининг академиясига қабул қилинди. Бу ерда Ибн Сино, Беруний, Ибн Мискавейх, Абу Сахл Масиҳий, Абул Хайр Хаммор, Абу Наср Аррал каби замонасининг турли илмлар соҳасидаги олимлари билан яқиндан танишди»<sup>18</sup>.

Мазкур масала юзасидан Солий Ҳасаний ҳам ўзининг «Хоразм маърифати – олам кўзгуси» номли китобида қуйидагича фикр билдиради: «Илм аҳлининг қадрига етгувчи Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун Гурганчда «Маъмун академияси»ни ташкил этади. Беруний ана шу академиянинг раҳбари сифатида 8 йил (1009–1017) фаолият кўрсатган. Машҳур олимларни йиғиб, мадраса талабаларига дунёвий илмлардан сабоқ берганлар ва ёш олимларнинг илмий тадқиқотларига раҳбарлик қилиш билан бирга уларга фан асосларидан маъруза ўқиганлар.

«Маъмун академияси»даги тинимсиз меҳнат Берунийнинг шоҳ олдидаги ҳурмат-эътиборини оширди, халқига илм-маърифат тарқатишдек буюк мақсадни амалга оширишга ёрдам берди»<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> Джумабаев Ю.Д., Мамедов Ш.Ф. Этическая мысль в Средней Азии в IX-XV вв. –М.: МГУ, 1974. –С.23.

<sup>18</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон», 1971. – 272-бет.

<sup>19</sup> Солий Ҳасаний. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. –Т.: «Ўқитувчи», 1996. –105-бет.

Бу жиҳатдан Хоразмшоҳ Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун (937–1017) маърифатли ҳамда илмни қадрлайдиган, илм аҳлига мурувват кўрсатадиган шоҳ бўлганлиги ҳам муҳим омил саналади. Ҳ.Ҳасанов ўзининг «Сайёҳ олимлар» китобида бу ҳақда қуйидаги ибратли ҳодисани мисол келтиради. Абул-л Аббос Маъмун Берунийнинг уйи олдидан ўтаётганда уни чақиритишга буюради. Беруний кўриниши билан Маъмун одан тушмоқчи бўлади, лекин Беруний ер ўпиб, Хоразмшоҳни одан тушмаслигини ўтиниб сўрайди. Шунда Маъмун «Илм ҳар нарсадан улуғдир. Ҳамма илмга интилади, аммо илм (ҳеч кимга) ўзи келмайди»<sup>20</sup>, – деган байтга ўқиган.

Юқоридаги жиҳатларга кенгроқ тўхталишимиздан мақсад, энг аввало, Хоразм Маъмун академияси давридаги ижтимоий, сиёсий муҳит тўғрисида биров тасаввурга эга бўлиш, иккинчидан, бу давр илмий тадқиқотларда ўз аксини етарлича топмаганлигини кўрсатиш, учинчидан эса, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини шашоналаш ўша даврдаги тарихий, фалсафий, ҳуқуқий алоқалар тўғрисидаги билимларимизни янада охиришга йўналтирилганлигини англаб етиш ҳамда, тўртинчидан, буларнинг барчаси мамлакат аҳолисини, айти пайтда келажак устунлари бўлган ёшларни аждодларимиз яратган қадриятларни англаб олишлари баробарида, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва улар онгида миллий мафкура қарор топишига хизмат қилишини тушуниш ва тушунтиришдан иборатдир.

Шунингдек, келтирилган манбалар Хоразм Маъмун академиясининг замон ва макондаги ўрни ҳамда унда фаолият кўрсатган намоёндалар тўғрисидаги билимларимиз янада бойишига олиб келади. Чунки ҳозирда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда кўпинча Хоразм Маъмун академияси намоёндаларни сифатида Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ва Абу Али ибн Синоларни кўрсатиш билан чекланилади, холос. Юқоридагилардан маълумки, Хоразм Маъмун академиясида Беруний ва Ибн Синодан ташқари файласуф Абусахл Масиҳий, табиб Абдулхайр Хаммор, машҳур рнэзиюн Абу Наср Аррон, тарихчи Мисковайх, рнэзиюн Абу Наср ибн Ироқ каби ўнлаб қомусий олимлар фаолият кўрсатганлигини билиб олиш мумкин.

<sup>20</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. –Т. 1981. –51-бет.



## Мирзо Улуғбек халқаро академияси

*Шарқ мутафаккирлари юнон риёзиёти, фалакиёти ва тиббиётининг тор асосларини емириб ташлаб, алгебра ва тригонометрия, шуунингдек, оптика фанларининг асосларини қурдилар*

Ж.Бернал – шарқшунос олим

Француз файласуфи Вольтер Моварауннаҳр олим-уламолари дунёвий билимларининг салмоғи ва Ғарбда фан фалсафасининг шаклланишига таъсирини эътироф этиб, Мирзо Улуғбекнинг астрономия фанига қўшган халқаро миқёсдаги буюк ҳиссасига тан бериб, «Улуғбек академияси» атамасини фанга киритган. Бу академия Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси (1420) мажмуасидан иборатдир.

Мовароуннаҳрнинг ўзинга хос жиҳати шундаки, нафақат жамият аъзолари, айти пайтда ҳукмдор қатлам ҳам илмли, билимли, зукко ҳамда инсоният цивилизацияси учун салмоқли интеллектуал хазина қолдиришга қодир бўлган. Шулардан бири Муҳаммад Тарағай – Мирзо Улуғбек (1394–1449). Ўрта асрнинг тарих соҳасидаги билимдони Давлатшоҳ «Мирзо Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птолемейга ўхшарди», – ёзган. «Улуғбекнинг теран тафаккури, интеллектуал даҳоси асрлар мобайнида нафақат Шарқ, айти пайтда Ғарб оламини ҳам ҳайратда қолдириб келмоқда. Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Европалик машҳур астроном Ян Гавелийнинг «Юлдузлар атамаси» китобига илова қилинган расмда Мирзо Улуғбек Коперник ва Птолемей сингари буюк алломалар даврасида тасвирлангани бу улуғ инсонга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг нақадар юксак даражада бўлганини кўрсатади», – деган эди И.Каримов.

Мирзо Улуғбек ўз даврнинг машҳур математики ва астрономи бўлган. Унинг хотираси ниҳоятда кучли ҳамда айти шу қобилияти билан устоз ва шогирдларини лол қолдирган. Мирзо Улуғбекнинг шогирди Ғиёсиддин Жамшид ал-Кошӣ отаси Кошӣга ёзган мак-

тубидан қуйидагиларни келтирамиз: «Улуғбекнинг ажойиб хотираси дунё мўъжизаларидан бири саналади...Математика фанлари соҳасидаги қобилияти кишини ҳайратга солади. Бир вақт шикор пайти от устида эгарда ўтирган ҳолда у 819 йил ражаб ойининг 10 ва 15-кунлари ораллиғида душанба куни рўй берадиган ҳодиса ёзгани ёки қишгами тўғри келишини билимоқчи бўлди. У дилида олиб борган ҳисоблари орқали Қуёш бу пайтда қайси зодиақда, қанча даража ва дақиқаларда бўлишини аниқлади...Мен градус улушини дилимда сақлаб тура олмаганим учун бу миқдорни минутигача аниқликда ҳисоблаб чиқолмадим. Мен билган астрономлардан биронтаси зиж жадвалидан фойдаланиб туриб дилида бундай ҳисоблашларни амалга ошира олмаганлиги менга таскин берди».

1994 йил - Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланди. 1994 йил мамлакатимизда «Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Мирзо Улуғбек юбилейи даврида ЮНЕСКО қароргоҳида (Париж) халқаро форумда олимларимизнинг илмий маърузалари дунё ҳамжамияти эътиборини тортди. Мирзо Улуғбек фалсафа, тарих, сиёсат, санъат, мусиқа, адабиёт, математика, химия, физика, геометрия, архитектура ва бошқа фанлар ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Айниқса, унинг астрономияга оид «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Кўрагоний» (фалакиёт соҳасида ёзилган асарлар Шарқда «Зиж» деб аталган) номи билан машҳур асарида илгари сурилган ғоялар ва амалиёт масалалари ҳозирда ҳам жаҳон миқёсида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Асар ўрта асрларда (бу даврда бошқа бирорта асар бунчалик машҳур бўлмаган) инглиз, лотин, француз, кейинчалик рус тилларига таржима қилинган. Ҳозирда унинг 100 дан ортиқ форсий, 20 га яқин арабий нусхалари мавжуд. Мазкур асарда Мирзо Улуғбек 1018 юлдузнинг ҳолати ва ўрнини белгилаб берган. Шунингдек, Улуғбек ҳисоби бўйича юлдуз йили 365 йил 6 соат 10 минут 8 секунд қилиб белгиланган. Ҳозирги даврда турли аниқликни ҳисоблайдиган асбоблар ёрдамида юлдуз йили 365 кун 6 соат, 9 минут, 6 секундга тенглиги аниқланган. «Бу ҳақда сўз юритар эканмиз (Мирзо Улуғбекнинг «Зиж...» асари, ундаги юлдузлар сони кўрсатилган жадвал ва юлдуз йили ҳақида – Ш.Х.) беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСКО-

нинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади. Ўшанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига онд ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тариқасида айtilган бўлса-да, ўйлайманки, унинг замирида чуқур ҳақиқат мужассам»<sup>21</sup>, – деган эди И.Каримов. Юқориди Мирзо Улуғбекнинг юлдуз йили ҳисоби билан ҳозирги аниқлик ўртасидаги фарқ, Федерико Майор айтганидек, «атиги бир неча дақиқа» эмас, бор йўғи 1 дақиқа 2 сонияни кўрсатади. Бунда масаланинг иккинчи жиҳати ҳам борки, у ҳам бўлса «Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, компьютер хато қилган бўлиши мумкин» деган фикрнинг тўғрилигидир. Чунки И.Каримов бунда «унинг замирида чуқур ҳақиқат мужассам» деганда нима назарда тутилганлигидадир. Мирзо Улуғбек яшаган давр билан ҳозирги даврнинг қиёсласак ҳамда бу даврда ўзгаришлар нафақат жамиятда, айни пайтда табиатда ҳам, яъни юлдузларда ҳам содир бўлган. Шу сабабли Мирзо Улуғбек ҳисобини «хатосини» топган – фарб олимларининг хатолари яна бир бор исботланди. Чунки борлиқдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда бўлади. Агарда ўзгариш ва ривожланиш бўлмаса, ерда ҳаёт тўхтайдди ёки уни эътироф этмаслик фанга сохта хулоса бериш ҳисобланади. Бундай сохта хулосалар асоссизлигини ўтган асрнинг 50-йилларида В.А.Амбарцумян, Д.Я.Мартинов, В.А.Крат, В.Г.Фесенков каби олимларнинг алоҳида илмий тадқиқотлари натижалари билан изоҳласак мантиқий тўғри хулоса чиқарамиз. В.А.Амбарцумян: «Узоқ вақтлардан буён мавжуд бўлган ва мавжуд бўлиб қоладиган Коинотда юлдузлар вазнининг ўзгариши, энг аввало, улардан моддаларнинг отилиб чиқиб кетиши (ва айни пайтда газчанг булутларининг ёғилиши – Ш.Х.) сабабли рўй беради... юлдузларнинг ўзлари ҳам ва улар атрофидаги юлдузлараро муҳит ҳам

---

<sup>21</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –46–47-бетлар.

донмо ўзгариб туради»<sup>22</sup> деб ёзган эди. Демак, Мирзо Улуғбек ҳисоблаган юлдуз йили ўз давридаги макон ва замон учун аниқ ва мукаммал бўлган ҳамда Ғарб ва Шарқ олимлари кўрсатганидек, ҳеч қандай хато ва камчиликка йўл қўймаган. Бу Мирзо Улуғбекнинг мазкур кашфиёти МЎЪЖИЗА яратилгани билан баробарлигини кўрсатади.

2009 йил 14-16 июнь кунларида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Мазкур халқаро конференция иштирокчилари (Япония, АҚШ, Хитой, Эрон, Франция, Италия, Германия, Чехия, Австрия, Бельгия, Люксембург, Швеция, Испания, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбайжон, Тожикистон) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга «Мурожаат» билан чиқди. Жумладан, унда шундай дейилган: «...Биз, буюк олим ва давлат арбоби, теуурийлар сулоласининг инсоният тарихида улкан из қолдирган энг ёрқин намоёндаларидан бири Мирзо Улуғбек меросига бағишланган халқаро конференция иштирокчилари, Сизга муурожаат этиб, мазкур анжуманни ўтказиш ҳақидаги қарорингиз учун улкан миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этамиз... Конференция қадимий ва навқирон буюк Самарқанд шаронтида ўтган анжуманга ўзига хос шукуҳ бахш этди. «Самарқанд» деганда ҳар бир зиёли инсон тасавурида ўзбек халқининг аждодлари томонидан яратилган сеҳрли, одамни ром этувчи обидалар, улкан тарихий воқеалар, иқтидорли меъморлар, қўли гул усталар ва буюк шоирларнинг бебаҳо асарлари гавдаланади... Мирзо Улуғбекнинг ҳукмдорлиги даврида Самарқанд дунёнинг астрономия ва математика соҳаларидаги пойтахтига айланган. Самарқандда барпо этилган обсерватория ҳамда илмий кузатувлар асосида яратилган Зиж бугун ҳам ўз аниқлиги ва ноёблиги билан одамни лол қолдиради. Конференция иштирокчилари чиқишларида Мирзо Улуғбекнинг мероси нафақат ўзбек халқи ва ислом цивилизацияси, балки бутун инсониятнинг бойлиги экани алоҳида қайд этилиши бежиз эмас! ...Сизнинг оқилона сиёсатингиз туфайли таълимга улкан эътибор қарати-

<sup>22</sup> *Албарцунян В.А.* Проблемы происхождения звезд/Природа, 1952, 9-сон. 9–10-бетлар.

лишини яхши билар эдик. Ўзбекистон ўз ялпи маҳсулотининг 13 фонздан кўпроғини таълим соҳасига сарфлайди. Бу жаҳон рекорди бўлса, ажаб эмас! (таъкид бизники – Ш.Х.)... Конференция-миз жаҳон иқтисодиёти чуқур инқироз домида турган, кўплаб халқ-аро анжуманлар бекор қилинаётган иқтисодий жиҳатдан мушкул бир пайтда ўтмоқда. Аммо Ўзбекистонга келгач, биз Сизнинг иқтисодиёт соҳасидаги оқилона сиёсатингиз мазкур қийинчиликларни нисбатан осон енгиб ўтиш имконини бераётганига амин бўлдик. Айни пайтда конференцияни ўтказиш тўғрисидаги қарорингизни биз нафақат Сизнинг Улуғбекка бўлган чуқур ҳурматингиз, балки замонавий Ўзбекистондаги фан ва таълимнинг гуллаб-яшнаши бора-сидаги ғамхўрлигингиз далили, деб биламиз. Буни таъкидлаш биз, олимларга, айниқса қувончлидир!»<sup>23</sup>.

Мирзо Улуғбекнинг Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Низомиддин ал-Биржандий, Алоуддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи (1403-1474), Муҳаммад Хавофий ва бошқа юзлаб шогирдлари бўлган. Улар нафақат бошқа мамлакатлардан келишган, айни пайтда бошқа мамлакатларга бориб ҳам Мирзо Улуғбек академиясининг жаҳонга танилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Масалан, Алоуддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг Туркия подшоси Муҳаммад Фотиҳ таклифи билан Истамбулда ўзининг илмий фаолиятини умрининг охиригача давом эттирди.

Алишер Навоий Мирзо Улуғбекни фалакиёт илмининг буюк билимдони сифатида эътироф этиб, қуйидаги мисраларни ёзган:

Темурхон наслидан султон Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек.  
Анинг абнойи бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биринин айламас ёд.  
Ва лек ул илм сори топти чин даст,  
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.  
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

---

<sup>23</sup> Халқ сўзи, 2006 йил 16 июнь.

Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».  
Қиёматга дегунча аҳли айём,

Абдурахмон Сўфийнинг (Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний замондоши) «Турғун юлдузлар китоби»да юлдуз туркумлари суратлари билан маълумот берилган. Тасвирлар Шарқ услубида берилган. Ҳозир бу китобнинг ўнга яқин нусхаси турли давлат музейларида сақланмоқда. 1437 йилда тайёрланган нусхаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Мазкур нусха Ҳирот ва Самарқанднинг энг таниқли хаттотлари томонидан Улуғбек кутубхонаси учун махсус тайёрланган. Муҳими, бу китобдан Мирзо Улуғбек ўзининг 1018 та юлдузлар каталогини тузишда фойдаланган. Китобнинг биринчи саҳифасида Улуғбекнинг муҳри ва ўз қўли билан битилган «Оллоҳнинг бандаларидан унга энг муҳтожи Улуғбек», деган ёзув ўрни олган. Бу сўзлар Мирзо Улуғбек темурзодалардан, Ғарб ва Шарқда эътироф этилган буюк энциклопедист олим бўлсада, ниҳоятда камтарини, камсуқум, маънавий жасорат соҳиби ва мураса фалсафаси кучли шахс эканлигини кўрсатади.

### Ўзбекистон Республикаси академиялари

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1993 йилда Фанлар академиясининг 50 йиллиги юбилейида: «...Бугун Фанлар академиясининг 50 йиллигини нишонляяпмиз. Лекин жумҳуриятимиз илм-фанининг маркази бўлган бу даргоҳнинг ёши фақат ярим аср билан ўлчанмайди. Улуғ бобокалонларимиз ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби умумбашарий маданият ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар бу муборак сарчашма бошида турганлар. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, фанимизнинг бугунги ноёб ва кўркам биноси пойдевори неча-неча асрлар муқаддам барпо этилган»,— деган эди. Олдинги бобларда «...неча-неча асрлар муқаддам барпо этилган» академиялар, яъни Зардушт халқаро фалсафа академияси, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-

Муғййра ал-Бухорий халқаро фалсафа академияси, Руҳайдан Даврон Термизий аёллар фалсафа академияси, Сомонийлар академияси, Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун Хоразм халқаро фалсафа академияси, Мирзо Улуғбек халқаро академияси, Алишер Навоий халқаро фалсафа академияси ва бошқалар тўғрисида маълумотлар берилган эди.

Умуман олганда, Турон, Туркистон, Моварауннаҳр, Ўзбекистон замини азалдан алломалар юрти, илмпарварлар ўлкаси эканлигини жаҳон аҳли эътироф этмоқда ва унга ҳавас билан қарамоқда. Қадимдан илмпарвар халқнинг ҳозирги авлодлари ҳам ўзларининг билим соҳасида юксак интеллектуал мулк ворислари эканликларини ҳар томонлама исботламоқдалар. Ҳозир Ўзбекистон Фанлар академиясидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Банк-молния академияси, Солиқ академияси, Қуролли кучлар ҳарбий академияси, Медицина академияси фаолият кўрсатмоқда ҳамда мамлакатимиз фан фалсафасининг ҳар томонлама юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

## **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил топганига 2011 йилда 53 йил тўлди. Мазкур институтнинг ташкил топгани (яъни қайси инситут таркибидан ажралиб чиққанлиги) тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Бу ҳақда XX асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлган академик О.С.Содиқов шундай ёзган эди: «1957 йилда И.М.Мўминовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ҳузурида фалсафа ва ҳуқуқ секторлари асосида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилди... 1958 йилда ЎзССР Фанлар академияси янги илмий муассаса билан тўлдирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг 1958 йил 1 май қарори билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ҳузуридаги

фалсафа ва ҳуқуқ бўлими базасида ЎзССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилади. Бу институтнинг биринчи директори бўлган И.М.Мўминов уни ташкил этишга кўп меҳнат сарфлади»<sup>24</sup>.

Ҳозирги шароитда Фалсафа ва ҳуқуқ институти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида», «Давлат тили тўғрисида», «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида», «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Фанлар академияси Низоми ва институт Низоми асосида олиб боради. Институтнинг мақсади: замон талаблари асосида фалсафа ва ҳуқуқ фанлари соҳасида илмий изланишлар олиб бориши, ажлоллар ҳамда жаҳондаги мутафаккирлар фалсафий-ҳуқуқий қарашларини ўрганиш, уларнинг ҳозирги замон фанининг ривожланишига таъсирини таҳлил қилиш, жамиятда рўй бераётган барча жараёнларни тўғри, ҳолисона талқин қилиш, ҳуқуқшунослик фанининг назарий жиҳатларини ривожлантириш баробарида чиқарилган қонунлар амалиётини таҳлил қилиш, уларнинг жамият тараққиётига таъсирини ўрганиш, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ривожланишда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг роли, аҳамияти ва ўрнини кўрсатиш негизида иқтидорли файласуф ва ҳуқуқшунос ёш мутахассисларни тайёрлаш ишига ҳисса қўшишни таъминлаш, мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим тизимида фалсафа ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш учун дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишни мувофиқлаштириш асосида мамлакат аҳолисининг маънавий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фаол иштирок этишдан иборат.

*Институтининг ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиши,*

---

<sup>24</sup> Содиқов О. И. М. Мўминовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида // И.Мўминов. Танланган асарлар, 1-том. – 4-бет.



*умуминсоний, тарихий, миллий қадриятлар ва аждодлар барпо қилган меросимизни асраб-авайлашга, тараққиётимиз тамойиллари, миллий истиқлол гоёсининг моҳият-мазмунини чуқур англашга иштилувчи, баркамол авлодни тарбиялашга, уларнинг юксак тафаккурини шакллантирадиган фалсафий-ҳуқуқий йўналишларни такомиллаштиришга ҳамда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг замон талаби даражасидаги долзарб масалаларини илмий тадқиқ қилишга ҳамда тараққиётнинг ўзбек модели негизда ва миллий истиқлол гоёси тамойиллари асосида амалиётга жорий қилишда бевосита фаол иштирок қилишдан иборат. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар амалга оширилади:*

– Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳозирги давр талаби даражасида илмий тадқиқ этиш;

– Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ мамлакатимизда олий таълим тизимининг фалсафа ва ҳуқуққа тааллуқли йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар, айниқса, магистр, аспирант ва докторантлар тайёрлашда фаол иштирок этиш. Бу борада олий таълим муассасалари билан бевосита илмий ва ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, уларда педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларини уйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

– Ватанимиз ва жаҳон фалсафа фани ҳамда ҳуқуқшунослиги тарихини, уларнинг долзарб муаммоларини, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг фалсафий-ҳуқуқий масалаларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш;

– мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг социал-сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиш асосида янгича дунёқарашни шакллантиришнинг илмий, ижтимоий-фалсафий асосларини яратиш учун илмий изланишлар олиб бориш;

– бугунги дунёдаги глобаллашув, ахборотлаштириш ва мафкураравий ўзгаришларнинг минтақавий ва зонал муаммоларини, бу жараённинг инсон қалби ва онгига таъсирини илмий тадқиқ қилиш, шу асосда тегишли дастурлар, таклиф ва хулосалар тайёрлаш;

– ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш стратегияси ҳамда тараққиётнинг ўзбек моделини ҳаётга жорий этишнинг ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, социологик ва ахлоқий масалаларини тадқиқ қилиш;

– фалсафа ва ҳуқуқ бўйича назария ҳамда амалиёт учун зарур бўлган тадқиқотлар олиб боришни ташкил қилиш, уларни мувофиқлаштириш ҳамда бу соҳада салоҳиятли етук илмий кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшиш;

– мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва янгича фалсафий-ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришга хизмат қиладиган илмий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, дастурлар ва адабиётлар яратиш, бу соҳадаги билимларни жамоатчилик орасига кенг ёйиш;

– Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ, мамлакатимизда олний ва ўрта таълим тизимининг фалсафа ва ҳуқуққа тааллуқли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этиш, бу борада таълим муассасалари билан илмий ва ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, уларда педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларини уйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

– чет эл илмий марказлари, фалсафа ва ҳуқуқ масалалари билан шуғулланадиган илмий жамоалар билан назарий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро илмий анжуманлар ва бошқа шаклдаги татбирларни ташкил этиш;

*– долзарб ва устувор илмий йўналишлар бўйича мақсадли кадрлар тайёрлаш масаласини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотларро ва институтнинг ўзи учун аспирантура ва докторантурага қабул қилиш режасларини ишлаб чиқади.*

Ҳозирда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари йўналишида тўрттадан бўйича бўлимлар ташкил қилинган бўлиб улар асосан қуйидаги мавзулар доирасида иш олиб боради:

**Фалсафа фанлари йўналишидаги умумий мавзу:** «Жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг тарихий-фалсафий, ижтимоий-маънавий асослари».

**1. Ижтимоий фалсафа ва этика бўлими:** «Глобаллашув шаронти-

да жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг фалсафий-ахлоқий масалалари: муаммо, ечим ва истиқбол»;

**2. Фалсафа ва фан методологияси бўлими:** «Ўзбекистонда фанлар тараққиётининг фалсафий муаммолари тадқиқи: онтологик, гносеологик ва методологик таҳлили».

**3. Фалсафа ва ижтимоий фикр тарихи бўлими:** «Ижтимоий фалсафий тафаккур тарихида илм-маърифат, гносеология муаммолари ва уларнинг фуқаровий жамият ривожигаги ўрни».

**4. Социология ва сиёсатшунослик бўлими:** «Шахснинг демократик маданияти шаклланиши: сиёсий ва социологик жиҳатлари».

**Юридик фанлар йўналишидаги умумий мавзу:** «Жамиятни эркинлаштириш ва модернизация қилишда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг миллий ҳуқуқий-назарий асослари». Қуйидаги бўлимлар ушбу умумий мавзу устида инн олиб борадилар:

**1. Давлатшунослик ва халқаро ҳуқуқ муаммолари бўлими:** «Ўзбекистонда миллий ҳуқуқий тизимнинг назарий юридик асослари ривожига ва халқаро ҳуқуқ нормаларини қонунчиликка имплементация этиш муаммолари».

**2. Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси бўлими:** «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва муаммолари».

**3. Жиноят ҳуқуқи ва процесси бўлими:** «Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва жиноий жавобгарликни эркинлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари: терроризм, диний экстремизм, наркобизнес жиноятларига қарши курашнинг илмий-назарий асосларини таҳлил этиш».

**4. Аграр ва экология ҳуқуқи бўлими:** «Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишнинг экологик маданияти ва ҳуқуқий масалалари, фуқароларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш муаммолари».

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти юқоридагилар асосида Ватанимиз фани раўнақига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

---

## VIII БОБ. Халқаро фалсафий мактаблар

*...тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги – такроран айтишига тўғри келади – ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса иафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч бир нарса билан ўлчаб, қийёслаб бўлмай-диган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар.*

II.Каримов

### Халқаро фалсафий мактабларнинг пайдо бўлиши омили

*Ҳар бир миллат, халқ, давлат цивилизация фалсафаси динамикаси ҳозир ва истиқболни кўрсатишидагина намоён бўлмасдан, айни пайтда қадим томон югуриши финиши ҳамдир. Мана шу югуришда қайси миллат, халқ, давлат манзили узоқ бўлса, ўша миллат, халқ, давлат ҳудуди жаҳон цивилизациясига бешик бўлишига даъвогарлик қилувчилар рўйхатида бўлиши мумкин. Бу манзилдаги узоқ бскатлардан бири шаҳарлардир. Чунки айни шу шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёни мазкур ҳудудда цивилизация (маданият, дин, фан, ҳунармандчилик) бошқа халқларга нисбатан ниҳоятда юксаклигини ҳамда халқи узоқ ўтмишидаёқ бир жойда муқим яшаганлигини кўрсатади. Бу жараён дунёда саноқли миллат, халқ, давлатгагина nasib этган. Шулардан бири Ўзбекистондир. Буни исботлаш учун эса Ўзбекистондаги шаҳарлар, уларнинг пайдо бўлиши, бошқа халқлар турмуши, маданияти ва фанига таъсири, шаклланиши, ривожланиши, тараққиётини кўрсатиш, таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки мазкур масалалар бевосита шаҳарлар фалсафаси мазмун-моҳиятининг англашда, тушунишда, ўрганишда ҳамда ўргатишда муҳим долзарблик касб этади. Француз файласуфи Пьер Амиег Ўрта Осиё шаҳар маданияти Месопотамия ва Ҳинд на-*

*ҳарлари маданиятлари шаклланишида муҳим омил бўлганлигини алоҳида кўрсатиб, мазкур минтақани, хусусан, Ўзбекистон ҳудудини Транс-Элам деб номлайди.*

Илмий адабиётларда қадимий ва навқирон шаҳарлар тўғрисида кўплаб тадқиқотлар қилинган, илмий натижалар тақдим этилган. Шунингдек, жаҳон цивилизацияси тарихида ҳар бир мамлакат ҳудудида кўплаб шаҳарлар бунёд этилганлиги тарихдан маълум. Уларнинг айримлари сақланиб қолмаган ҳамда улар қадимий шаҳарлар рўйхатидадир. *(Масалан, Бухоро вилоятидаги Қорақўл шаҳри мил. авв. VIII асрларда ўзлаштирилганлиги тадқиқотлардан маълум. Археологлар мазкур ҳудудда 8-5 минг йилликларда аجدодларимиз яшаганлигини аниқлаган. Наршахий «Бухоро тарихи» асарида Пойканд шаҳри атрофида қалмишзор ва кўллар бўлиб, уни Қорақўл деб аташганлигини кўрсатади. Қорақўл шаҳрида Қариш, Чоржўй, Ургенч, Бухоро деб аталган дарвозалари бўлган. Айни пайтда Бухоро шаҳрида Қорақўл дарвозаси бўлганлигини Наршахий кўрсатган. Аштархонийлар даврида баланд гумбазли Тошмасжид қурилган. Лекин турли урушлар оқибатида қадимий ёдгорликлар харобага айланган, сақланиб қолмаган). Яқин ўтмишда янги шаҳарлар бунёд этилган. Улар навқирон шаҳарлардир (масалан Навоий шаҳри). Жаҳонда шундай шаҳарлар борки, улар қадимий ва навқирон шаҳарлардир. Мазкур шаҳарлар миллат, халқ, давлат маданияти, урф-одати, мамлакатлар билан ўзаро алоқаси, ўзга миллат, халқ, давлат шаклланишидаги роли ва бошқаларни теран англашда муҳим аҳамият касб этади. Лекин улар жаҳон миқёсида саноқли. Шу саноқли шаҳарларнинг 10 дан ортиғи Ўзбекистондадир !!!*

Бу шаҳарлар ёши 2000–3000 орасида, лекин бу охириги бекат эмас, чунки қадимга томон югуришга қанчалик кенг имкониятлар (археологик қазилма ишларини тезлаштириш, мустақилликнинг талаблари доирасида илмий тадқиқотларни ташкиллаштириш, топилган ашёларни, осори атиқаларни жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш, экспертизадан ўтказиш) ва шарт-шароитлар вужудга келтирилса, уларнинг ёши яна юзлаб, эҳтимол, минглаб йилларга узайиши мумкин?! *Бухоро, Хива, Термиз, Андижон, Кўқон, Шаҳрисабз шаҳарлари ёшида яқин йилларда шундай ўзгаришлар бўлиши табиийдир.*

Буларнинг барчаси Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси бешиги эканлигини янада ойдинлаштиришга хизмат қилади. Милоддан аввалги VI–V асрларда юнон олимлари (Геродот, Ксенофонт, Ктесий ва бошқалар) Ўзбекистон ҳудудини «минг шаҳар ўлкаси» деб аташган. Клавдий Птолемей: «Окс бўйлаб Окс, Харахарт, Зарнасп, Хосана, Сураган, Фрутур шаҳарлари, бошқа дарёлар бўйида Голикодр, Хомар, Криандр, Каварис, Астакон..., Эвкратидия, Подшо Бақтрияси, Эстобара, Мароқанд, Маракодр шаҳарлари жойлашган», деб ёзиб қолдирган. Довон давлатида (мил.авв. III аср Паркана ёки Фарғона) бўлган Хитой тарихчиси Чжан Цян: «Довон давлатида 70 дан ортиқ шаҳар бор, уларнинг аҳолиси сони бир неча мингдан ошади, ўқ-ёй ва найзалар билан қуролланишган. Халқи от чоптириб, ўқ отишга моҳир», деб кўрсатган. Шунингдек, Хитой солномасида, «Аньси (Эрон) шаҳарлари Довондагига ўхшашдир», деб таъкидланади.

Шунингдек, Турон заминида маълум бир асрларда қолоқлик ҳукм сурган. Шунинг учун ҳам Турон заминда, хусусан, Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг бешигидан бири сана келиб, нима сабабли кўп асрлар давомида қолоқлик ҳукм сурган, деган савол пайдо бўлиши табиийдир. И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», номли асарида мазкур масалага алоҳида тўхталиб, шундай деб ёзади: «Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидои қайда, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиши жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII–XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин?»<sup>1</sup>

Бизнингча, қолоқликнинг ўзига хос сабаблари қуйидагилардир:  
– жамиятдаги ҳеч бир ижтимоий ҳодиса мутлақ, абадий бўлмас-

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Шарқ», 1998. –80–9-бетлар.

лиги сабабли Ўзбекистон ҳудудидаги цивилизация динамикаси ҳам мазкур объектив қонуниятга бўйсунган;

– жамиятдаги илғор фан, маданият равнақи шароитида ижтимоий қатламларда ҳаддан ташқари табақаланиш оқибатида озчиликнинг бойиши, кўпчиликнинг қашшоқлашуви натижасида ички зиддиятнинг кескинлашиши;

– шунинг оқибатида ўзидан маданият, фан, бошқариш, тараққиёт жиҳатидан бир неча баробар паст давлат, халқлар томонидан босиб олиниши (Александр Македонский, Чингизхон, араб истилоси, Рус босқинчилиги);

– грек файласуфлари (Фалес, Анаксагор, Анаксимандр...) санақли бўлганлиги, улар ҳудудларига қилинган босқинчилик урушларида асарлари йўқ қилинмаганлиги, сақлаб қолинганлиги оқибатида ҳам фалсафий қарашларини «қайта тиклаш» имконияти мавжуд бўлган. Лекин жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда юқоридаги сингари имконият бўлмаган. Босқинчилар аждодларимиз бунёд этган моддий ва маънавий бойликларни аксариятини бутунлай йўқ қилганлар;

– XVII – XIX асрларда тарқоқликнинг ниҳоятда кучайганлиги ва бошқалар.

Шаҳар фалсафаси моҳиятини кўрсатиш методи орқали янада тўла ва мукамал тушуниш, англаш мумкин бўлади. Кўрсатиш методи орқали Ўзбекистондаги қадим ва навқирон шаҳарлар, уларнинг жаҳон шаҳарсозлигидаги ўрни, инсоният цивилизациясидаги аҳамиятини фалсафий таҳлил қилиш имконияти вужудга келади. Зеро, айти шу шаҳарсозлик фалсафасини кўрсатиш методи орқали мамлакат ва халқларнинг жаҳон цивилизациясидаги роли ҳамда инсоният тараққиёти босқичидаги ўрнини билишга кенг имконият очилади. Кези келганда, фалсафанинг кўрсатиш методи нуқтаи назаридан хорижликларнинг мазкур масалаларга муносабатини билдиришни лозим топдик:

Абдумалик Сайё Занн (Малайзиянинг Банги шаҳри): «...Тошкентнинг сўлим масканларини, Қашқадарё вилоятидаги тарихий жойларни томоша қилдик. Қайси миллат ўтмишига ҳурмат билан қараса, унинг келажаги мустаҳкам бўлади, дейишади. Юртингизда

Президентингиз бошчилигида қадимий шаҳарларни, зиёратгоҳларни обод қилишга кўрсатилаётган эътибор шоҳиди бўлиб, Ўзбекистоннинг келажаги, албатта, буюк эканлигига ишонч ҳосил қилдим»<sup>2</sup>. Испания ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель – Анхель Моратинос мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини юқори баҳолаб, эътироф этиб ёзган мақоласини «Бухоро – умумбашарий тарихнинг гувоҳи ва амалдаги иштирокчиси» деб номлаган. Бизнинг назаримизда, бу эътирофдан сўнг Ўзбекистон ҳудудидаги барча қадимий ва навқирон шаҳарлар умумбашарий тарихнинг гувоҳи ва амалдаги иштирокчиси, десак масала янада теран ва аниқ бўлади. Чунки қадимий ва навқирон шаҳарлар бор ҳудуд миллат шаклланган ҳамда улар ўтроқ яшаганлигини кўрсатувчи манбалардан биридир.

Муҳими, фан фалсафаси мактаблари пайдо бўлишида дастлаб айни шу шаҳар маданияти асосий ва зарурий омил бўлганлигидир. Зеро, шаҳарлар бунёд этилмаганда, эҳтимолки, фан фалсафаси мактаблари ҳам тула шаклланмаган бўларди. Мазкур масалада яна бир нарсага алоҳида эътибор бериш ўринлики, шаҳарлар фалсафа мактаблари пайдо бўлишининг энг зарурий омили бўлганлиги сабабли, қишлоқларда ҳам мактабларнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказганлигидир. Бу, айниқса, мамлакатимиз шароитида фалсафий мактабларнинг ўзига хослигидир. Ўзбекистонда ўтмишда, айниқса, ўрғасерларда қишлоқ жойларда ҳам юзлаб мактаблар шаклланган ҳамда ривожланган. Шунинг учун ҳам ҳозирги ривожланиш жараёнида мазкур фалсафа мактаби вакилларининг фалсафий қарашларини ўрганиш ва уларни ёш авлодга ўргатиш ҳамда халқаро ҳамжамиятга кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда И.Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги (1997 йил 19 октябрь) табрик сўзида шундай деган эди: «... миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор (таъкид бизники – Ш.Х.). Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий,

---

<sup>2</sup> «Халқ сўзи», 2009, 12 август



Алишер Навоий, Баҳоддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутялман»<sup>3</sup>.

## Ўзбекистон халқаро фалсафа мактаблари

*Ислом ва Шарқ цивилизацияси ҳамда фалсафасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган ўлкамиз жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган жусди кўн фан ва маданият арбобларини, файласуф ва математикларни етиштириб чиқарган.*

И.Каримов

«Фалсафа тарихи» ўқув қўлланмаси муаллифлари «Александр тахтага ўтиргандан кейин Аристотель Афинага кўчиб келди ва бу ерда ўз мактаби – Лицейга асос солди (мил. авв. 335 йил). Бу лицей 860 йилдан ортиқ, яъни барча ҳозирги замон университетларидан узоқ фаолият кўрсатди. Аристотель Лицей қошида кутубхона билан биринчи табиат ва тарих музейини ташкил қилди...Лицейда ўқувчи курслар турли фан соҳалари: фалсафа, тарих, фуқаролик ҳуқуқи, табиатшунослик (биология), риторика, адабиёт...»<sup>4</sup> ўқитилган, – деб кўрсатишган. Муаллифлар бу ерда ҳам мактабларни ташкил қилиш (лицей Францияда умумий таълим мактаби) Фарбда бошланган, деган даъво-ни илгари суришади.

Мантиқан ўйлаб кўрилса, «Авесто» милоддан олдинги X–IX асрларда (бизнингча, бу кўрсатилган сана ҳам охириги чегара эмас) ёзилган бўлиб, унн ёзиш учун муаллим ва ўқувчилар бўлгандир?! Бу милоддан олдинги X асрларда Ўзбекистон ҳудудида мактаблар мавжуд бўлганлигини, у мактабларда «Авесто» ўқитилганлигини кўрсатади. У даврда барча фанлар учун «Авесто» алифбо вазифасини ба-жарган. Яъни фалсафа, санъат, адабиёт, шеърят, математика, таби-атшунослик, ҳуқуқ (жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи,

<sup>3</sup> «Халқ сўзи». 1997 йил 20 октябрь.

<sup>4</sup> Скриббек Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т.: «Шарқ», 2002. –112–113-бетлар.

экология ҳуқуқи), тарих ва бошқа фанлар ўтилган. Бу фанлар тўғрисида олдиндан билимлар мавжуд бўлмаганда эди, «Авесто»да юқоридаги фанларнинг асосли, мукаммал (ҳатто, ҳозирги давр учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган) ғоялари ўз аксини топмаган бўларди. Бу фалсафанинг ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, ижтимоий онг ижтимоий борлиқни акс эттиради ҳамда шу зайдда шаклланиб қарор топади, деган тамойилга мосдир.

Ҳозирги ривожланиш жараёнида адабиётларда турли хил мактаблар тўғрисида маълумотлар келтирилаяпти ҳамда унинг мазмун-моҳиятига муносабат билдирилмоқда. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур атаманинг қуйидагича талқини берилган: «Мактаб (*араб.*-ўқитиш жойи; ёзув столи; бўлим, идора) 1–Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси. Бошланғич мактаб. Интернат мактаб. Ўрта мактаб...Олий мактаб. Олий ўқув юртларининг умумий номи....2–Касб, ҳунар, ихтисос ўрганилган ўқув юрти...3–Илим-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш. 4–Ўрганиш, тажриба орттириш, ўрнат олиш манбаи...»<sup>5</sup>.

Олимлар томонидан ҳам «мактаб» тушунчаси изоҳланган: «Илмий мактаб» тушунчаси жуда кенг мазмун ва маънога эга. Уни умуммиллий дунёқарашга эга бўлган, фанда бирор янги илмий назария, ғоя ва фаразларга таянган ҳолда аниқ илмий мақсадлар йўлида изланиш олиб борувчи олим ҳамда мутахассисларнинг ўзаро расмий ва норасмий равишда бирлаштириб, илмий фаолият юритувчи ижтимоий-ижодий уюшмаси, дейиш мумкин»<sup>6</sup>. Бундай талқин ва изоҳларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларда мактаб – таълим-тарбия муассасаси, умумий ном, илмий оқим, йўналиш, манба, уюшма тарзида кўрсатилган. Бизнинг назаримизда, юқоридаги ҳолатларда фалсафанинг умумийлик, хусусийлик, яқкалик категориялари диалектикаси ҳисобга олинмаган. Шу сабабли ҳам унинг мазмун-моҳияти тўла очилмаган. Мактаб тушунчаси умумий тушунчалар қаторига киради. Юқоридаги изоҳларда уни ё хусусийлик, ёки яқкалик

---

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Т.: «ЎМЭ», 532-бет.

<sup>6</sup> *Мухамедов Ф.* Умри боқий илмий мактаблар//Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. –Т.: «Ўқитувчи», 2008. –3-бет.

тарзида ифодалашган. Фикримизча, унинг умумийлик, яъни халқароликка оид сифати назардан четда қолган. Шунинг учун ҳам биз «Ўзбекистон халқаро фалсафа мактаблари» иборасини илмий истеъмолга киритишни лозим топдик. Чунки биз таҳлил қилмоқчи бўлган объект ўзининг мазмун-моҳияти нуқтаи назардан, биринчидан, фалсафий (фалсафа барча фанларнинг отаси), иккинчидан, халқаро мақомга эга.

Ҳиндистонда (Чорвака, Милет), Хитойда (Исмлар, Монстлар) мактаблари тўғрисида фалсафа дарслик ва ўқув қўлланмаларида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон фалсафа тарихи мукаммал ўрганилмаганлиги боис ундаги фалсафий мактаблар тўғрисида умуман маълумотлар йўқ. Лекин Ўзбекистон фалсафа тарихига оид маълумотларнинг кўпайганлиги ҳисобига, юртимизда 1000 дан ортиқ умумий халқаро фалсафа мактаблари ва хусусий халқаро мактаблар фаолият кўрсатганлигини таъкидлаш ўринлидир. Умумий халқаро фалсафий мактаблар ҳудудий маънода, хусусий халқаро фалсафий мактаблар эса алоҳида олим-уламонинг фаннинг бир ёки бир неча йўналиши бўйича ташкил қилган мактаби мақоми доирасида тушунилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистондаги халқаро фалсафа мактабларининг ўзига хослиги қуйидагиларда яққол кўзга ташланади:

а) энг қадимийлиги;

б) сифат ва миқдорий кўрсаткичнинг ниҳоятда кенг қамровлилиги;

в) жаҳон цивилизацияси такомиллидаги рейтингни ниҳоятда юқорилиги;

г) жаҳон фалсафаси шаклланишига самарали ҳисса қўшишда ниҳоятда юқори кўрсаткичга эгаллигини жаҳон ҳамжамияти тан олганлиги;

д) фалсафа мактабларининг нафақат шаҳарлар, айни пайтда, қишлоқларда ҳам ниҳоятда кўплиги;

е) цивилизация бешиги сифатида юртимиз ҳудуди фалсафасининг Шарққа, Ғарбга, Жанубга, Шимолга тарқалишида манба бўлганлиги;

ё) юқоридаги ўзига хосликлар боне халқаро мақом олганлиги;

ж) мураса тамойилларига тўла амал қилиши оқибатида халқлар ва давлатлар мунособатларида тинчлик омилли эканлиги;

з) манбаларнинг инҳоятда кўйлиги ҳамда кам тадқиқ этилганлиги.

Бу бевосита аждодларимиз бунёд этган фалсафа мактабларининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсоният илмий салоҳиятини кенг тарғиб этишни кун тартибига қўймоқда. Чунки мазкур йўналишдаги тарғибот бевосита аждодларимиздан мерос ҳамда бу анъанани янада такомиллаштириши миллий ғоя талабларига тўла мосдир. Бу ҳақда И.Каримов Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ул зот асос солган диний таълимот – **Мотуридиййа мактаби** (таъкид бизники – *Ш.Х.*) Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат топишига бўлган сабаб шунки, унда илгари сўрилган ғоялар ислом динимизининг моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийлик деб билладиган жамикки мўмин-мусулмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

Шу бонс **Мотуридиййа мактаби**да (таъкид бизники – *Ш.Х.*) таълим олган турли миллат вакиллари бўлмиш олимлар, Ҳазрат Мотуридийнинг минглаб издошлари, маънавий шогирдлари унинг таълимоти ва меросини дунёнинг кўп-кўп мамлакатларида тарғибу ташвиқ этиб, янада ривожлантирдилар».

Демак, фалсафий мактабларни макон ва замонга таъсир доираси кенг қамровлиги ҳамда мазмун-моҳияти нуқтан назардан қўйидагиларга ажратилса мақсадга мувофиқ бўлади:

*Умумий халқаро фалсафий мактаблар:*

1. Андижонийлар халқаро фалсафа мактаби.
2. Бухорийлар халқаро фалсафа мактаби.
3. Жиззахийлар халқаро фалсафа мактаби.
4. Иштихонийлар халқаро фалсафа мактаби.
5. Зоминийлар халқаро фалсафа мактаби.
6. Марғилонийлар халқаро фалсафа мактаби.
7. Косонийлар халқаро фалсафа мактаби.

8. Самарқандийлар халқаро фалсафа мактаби.
9. Нурийлар халқаро фалсафа мактаби.
10. Термизийлар халқаро фалсафа мактаби.
11. Насафийлар халқаро фалсафа мактаби.
13. Хоразмийлар халқаро фалсафа мактаби.
14. Шошийлар халқаро фалсафа мактаби ва бошқалар.

*Хусусий халқаро фалсафа мактаблари:*

1. Анахарсис халқаро фалсафа мактаби.
2. Абу Наср Форобий халқаро фалсафа мактаби.
3. Абу Райҳон Беруний халқаро фалсафа мактаби.
4. Имом Бухорий халқаро фалсафа мактаби.
5. Абу Али ибн Сино халқаро фалсафа мактаби.
6. Алишер Навоий халқаро фалсафа мактаби.
7. Замахшарий халқаро фалсафа мактаби.
8. Мусо Хоразмий халқаро фалсафа мактаби.
9. Аҳмад Фарғоний фалсафа мактаби.
10. Ҳаким Термизий халқаро фалсафа мактаби.
11. Баҳоуддин Нақшбанд халқаро фалсафа мактаби.
12. Мотуридий халқаро фалсафа мактаби.
13. Амир Темур халқаро фалсафа мактаби.
14. Бобур халқаро фалсафа мактаби ва бошқалар.

Фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва яқкалик категориялари доирасида Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ўзбекистон ҳудудидаги фалсафа мактабларининг айримлари тўғрисида қисқача маълумот беришга ҳаракат қиламиз. Бунда бир-бирига қарама-қарши учта жиҳат ҳисобга олинади. **Бу, бир томондан**, манбалар ниҳоят даражада кўп, **иккинчи томондан**, кўпгина манбалар эндиликда «кашф» қилинмоқда, **учинчи томондан**, битта китобда уларнинг барчаси тўғрисида маълумот бериш, уларнинг инсоният цивилизациясига қўшган самарали ҳиссасини кўрсатиш имконияти чекланганлигидир.

1998 йилда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга ЮНЕСКО Бош Конференцияси сессиясида ҳукуматлараро Дунё Муроסי Комитети Конвенциясининг аъзоси шундай савол билан мурожаат қилган: «Қудратли давлатларда ҳар уч-тўрт йилда халқаро

миқёсда юбилейлар ўтказилмоқда. Нима сабабдан ҳар йили Ўзбекистоннинг бирорта шаҳри ёки яшаб ўтган бирон аллома юбилейини ўтказишга ЮНЕСКО катта маблағ сарфламаяптими?» Бу саволга Федерико Майор шундай жавоб берган: «Тонг Шарқдан отади, Қуёш Шарқдан чиқади, маданият ва цивилизация ҳам. Жумладан, Шарқдан Ўзбекистондан таралган, Самарқанддан таралган, уларнинг юбилейлари эндигина бошланаяпти, қанчадан-қанча алломалари навбат кутиб турибди»<sup>7</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Федерико Майор жаноблари бу жиҳатдан ҳақли равишда нафақат ўзларининг субъектив фикрларини, айти пайтда, бутун жаҳондаги барча тараққийпарвар инсонларнинг ўзбек халқи ва унинг аجدодлари жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига ҳайратни ҳамда эътирофини изҳор этганлар.

## Самарқандийлар халқаро фалсафа мактаби

*Самарқанд халқи – меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган, умуман урушда сабот-матонатли халқ. У бориға қаноат қилиб, поносиз (биргина) сунт ва гўшт билан ҳам тирикчилик қилишга ўрганган халқ. Иссиқ ва совуққа, очлик ва ташналикка чидамликда жаҳондаги бошқа элдан саботлироқ ва чидамлироқ халқ*

Руи Гонсалес де Клавихо – Испания элчиси.

Жаҳонда энг қадимий шаҳарлардан бири Самарқанд ҳисобланади. Унинг 2750 йиллиги 2007 йил августда халқаро миқёсда нишонланди. Лекин Самарқанд учун 2750 йил ҳам охириги чегара эмас. Тарихий манбалар (археологик қазилмалар) тўлароқ ўрганилса, эҳтимолки, уни яна юзлаб йиллар узайтириш мумкин. Чунки 2002 йилда китобларда «Самарқанд жаҳоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири – 2500 йилдан зиёд тарихга эга», деб кўрсатилган эди. Янги археологик топилмаларни ўрганиш оқибатида унинг умри яна 250 йилга

---

<sup>7</sup> *Сатторов Т.* Самарқанднинг ёши нечада? // «Халқ сўзи». 2005 йил 29 декабрь.

узайтирилди. «Тарихий илдиэлрининг чуқурлиги ва қадимийлиги нуқтаи назаридан Самарқанднинг муборак номи Рим ва Афина, Бонн ва Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Лекин улар орасида фақат Самарқанд ва Римгина «абдий барҳаёт шаҳар» деган номга сазовор бўлганини, жаҳон аҳли ўртасида «**Фарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд**» деган иборанинг кенг тарқалганини инобатга оладиган бўлсак, бу юксак эътирофнинг маъноси янада ёрқин аён бўлади»<sup>\*</sup>. Самарқанд ўз тарихида давлатларнинг пойтахти вазифасини бир неча марта бажарган. Милоддан аввалги IV асрдан милодий VI асргача Сўғд давлати пойтахти (Мароканд) бўлган. Александр Македонский қўшинлари милоддан аввалги 329 йилда Самарқандни вайрон қилади. VI асрда Турк хоқонлиги таркибида бўлган, 712 йилда араблар босиб олган, 823–889 йилларда Сомонийлар пойтахти. XI асрдан Қорахонийлар, 1074 йилда Салжукийлар истило қилди. XII асрда Қорахитойлар, 1210 йилдан Хоразмшоҳ давлатлари таркибида бўлган. Мирзо Улугбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи», 1425 йилда ёзилган) асарида мўғулларнинг Самарқандга юришининг олдини олиш ва уни мустақамлаш учун Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг фармони билан 300 минг одам шаҳар мудофаасига жалб қилинганлиги тўғрисида ёзган. 1220 йил мўғул истилоси даврида шаҳар вайрон қилинган. XIV асрда сарбадорлар эгаллаган. XIV аср охири – XV асрда Амир Темур ва темурийлар давлати пойтахти бўлган, 1500 йилда Шайбонийхон эгаллаган ва 1576 йилдан шайбонийлар давлати пойтахти, 1758–1868 йилларда Бухоро амирлиги тасарруфида бўлган. 1868 йил 2 майда Чор Россияси босиб олган.

Самарқанд Амир Темур ва темурийлар даврида кенгайган, ривожланган ҳамда мамлакатнинг халқаро нуфузини юксалтиришда муҳим аҳамият касб қилган. Амир Темур даврида Англия, Франция, Испания, Генуя, Византия, Хитой, Ҳиндистон, Мўғулистон каби ўнлаб давлатлардан элчилар Самарқандга тоборилган. Бу элчилар ўз юртларига қайтиб Амир Темур давлати, ундаги халқлар, улар-

---

<sup>\*</sup> Каримов И. Шарқ гавҳари, замин сайқали//Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. –306-бет.

нинг маданияти, урф-одатлари, ҳунармандчилиги, аҳолисининг турмуш тарзи ва меҳмондўстлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ҳукмдорига, жамият аъзоларига етказган. Шунингдек, элчилар ўз таассуротларини китоб ҳолига келтириб нашр қилдиришган. Бу манбалар Амир Темур ва темурийлар, уларнинг пойтахти Самарқанд тўғрисида жуда ноёб (гарчи айрим субъектив маълумотлар бўлсада) ҳисобланади. Кастилия (Испания) қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» (айрим манбаларда «Кундалик» деб ҳам номланган) асари ҳам шундай манбалардан ҳисобланади. Асарда Самарқанд шаҳри ижтимоий аҳволи, равнақи, халқлари тўғрисида қуйидагилар баён қилинади: «Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, ... ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоя бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади... Хонбалиқ шаҳридан қарийб 800 туядан иборат савдо карвони Самарқандга келди... Элчиларни ... саропардада (чодирнинг катта, Амир Темур ўтирадиган қисми) қўйилган ёғоч уй олдига бошлаб кирдилар. Бу бананд иморатга зинапоя орқали чиқилади. Унинг теварак-атрофи ёғоч даҳлиз ва ойнабанд айвон билан ўралган эди. Бу бино шундай қурилган эдики, керак бўлганда бўлак-бўлак қилиб тахлаб қўйилса (ҳам) бўларди. Бу подшо ибодат қиладиган масжид бўлиб, уни (Амир Темур) сафарда ўзи билан бирга олиб юрарди... У (Самарқанд аҳолиси) – меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган, умуман урушда саботматонатли халқ. У борига қаноат қилиб, нонсиз (биргина) сут ва гўшт билан ҳам тирикчилик қилишга ўрганган халқ. Иссиқ ва совуққа, очлик ва ташналикка чидамликда жаҳондаги бошқа элдан саботлироқ ва чидамлироқ халқ»<sup>9</sup>. Кастилия (Испания) қироли Генрих III нинг учинчи элчиси (1402 йилда дон Пелагия де Сатоматир ва Фердинанд де Паласуэлос элчиларидан кейин. Бу элчилар келиб кетгач, Амир Темур Кастилия қироли Генрих III га 1402 йилда Хожа Муҳаммад ал-Қозийни элчиликка юборган) Руи Гонсалес де Клавихонинг «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» асарида баён қилинган маълумотлар Амир Темурнинг Самарқанд шаҳри тараққиётидаги роли, бунёдкорлиги, ташаббускорлиги (Амир Темур даврида янги

---

<sup>9</sup> Қаранг: *Б.Аҳмедов*. Тарихдан сабоқлар. –Т., «Ўқитувчи», 1994. – 251–253-бетлар.



қурилган бинолар, мадрасалар, кўчалар), Амир Темур давлатининг хориж билан сиёсий, маданий, савдо алоқаларини, Амир Темур замонасидаги урф-одатлар, кийиниш маданияти, муомала маданияти, ўзаро муносабатларни тушунишда асосий тарихий манба сифатида аҳамиятлидир. Энг муҳими, бу асар орқали Шарқ халқларининг, хусусан, Ўзбекистон халқининг муросаси содда ва ишонarli далиллар орқали кўрсатилганлигидир (яъни, бунда Клавихонинг «Умеҳнатсевар... сабр-матонатли халқ. У борига қаноат қилиб ... тирикчилик қилишга ўрганган халқ ... жаҳондаги бошқа элдан саботлироқ ва чидамлироқ халқ», деган сўзлари назарда тутилмоқда).

Самарқанд шаҳри аҳолиси сони ва ҳудуди жиҳатидан ҳам мамлакатимизда иккинчи (Тошкент шаҳридан кейин) ўринда туради. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Самарқанд тиббиёт институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Самарқанд архитектура-қурилиш институти, Самарқанд кооператив институти, Самарқанд чет тиллар институти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилишда фаоллик кўрсатяпти. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти, ЮНЕСКО-нинг халқаро таълим институти, Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий номидаги халқаро марказ, Ўзбекистон маданият ва санъат тарихи музейи, опера ва балет театри, драма театри фаолият кўрсатмоқда. 1000 дан ортиқ ўрта махсус (мактаб, лицей, коллеж) таълим муассасаларида ёшларга сабоқ берилмоқда. Улуғбек мадрасаси (1417–1420), Шердор мадрасаси (1619–1636), Тиллакори мадрасаси (1647–1660), Шоҳи Зинда мажмуаси, Бибиҳоним мадрасаси, Гўри Амир каби *минглаб* қадимий шарқ меъморчилиги намуналари мавжуд. Самарқанд Доро, Александр Македонский, Чингизхон, Чор Россияси, большевизм босқинчиларига қарши мардона курашди, ҳар қандай синовларга бардош берди ҳамда ўз қиёфасини сақлаб қолди. Буларнинг барчаси Самарқанд шаҳри фалсафасини кўрсатувчи оддий ҳақиқатлардир. Зеро: «Бутун дунёдан Самарқанди азимга ташриф буюрадиган минг-минглаб инсонларни ўзига чорлайдиган нарсa – бу фақат шаҳардаги ноёб меъморий обидалар, сўлим табиатгина эмас. Балки уларни бу ерда яшайдиган одамлар, уларнинг хушфезллиги, меҳмондўстлиги, бетакрор либоси, ширин забони, бошқа жойда учрамайдиган, кўп тилларнинг

гўзалигини ўзида мужассам этган Самарқанд шеvasи, мухтасар айтганда, Самарқанд аҳлининг миллий анъана ва қадриятларга содиқлиги ўзига тортади... тарихга ҳурмат туйғусини юрагида сақлаб, уни бугунги кун билан уйғунлаштириш, эртанги кунга интилиб яшаш – Самарқанд аҳлининг дунёқараши ва маънавий оламини белгилайдиган асосий мезондир...»<sup>10</sup>

Фанга «Самарқандий» нисбаси билан ҳозиргача (бу охириг чегара эмас) 80 га яқин олим-уламо маълум. *Шунингдек, ал-Абгорий, ал-Арабноший, ал-Архасий, ал-Асбаскасий, ал-Усрушаний, ал-Исфанжсий, ал-Искораний, ас-Асмандий, ал-Исмайсий, ал-Аштабдийзакий, ал-Иитихоний, ал-Усрушаний, ал-Ийзусий, ал-Бабукисий, ал-Баробий, ал-Бутаниний, ал-Буъсайрий, ал-Бардодий, ал-Бурсоний, ал-Богфзарқандий, ал-Бакрий, ал-Форобий ва бошқа шунга ўхшаб юзлаб нисбалар олган олим, уламолар Самарқанд замини фарзандларидир.* Масалан, Кабузанжакас Самарқанд яқинидаги IX – XII асрларда ривожланган шаҳар. «Ал-Кабузанжакасий» нисбаси билан танилган олим-уламолар бўлган: Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн ан-Нуъмон ибн Саҳл ибн Исроил ибн Жааф ибн Исҳоқ ал-Кабузанжакасий, Фотима бинт Али ибн ан-Нуъмон ал-Кабузанжакасий (990 йилдан кейин ваф.этган. У юқорида зикр этилган Абу Бакрнинг синглиси. Фикҳ ва ҳадис илмлари бўйича олима), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср ибн Анбар ибн Жарир ибн Муҳаммад ибн аш-Шоҳия ад-Даббий ал-Кабузанжакасий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жаъфар ибн ал-Ашъас ал-Кабузанжакасийларни айтиш мумкин.

Демак, Самарқанд аҳли ва, айниқса, самарқандийлар ўзига хос жиҳати билан илмли, билимли, зукко ҳамда инсоният цивилизацияси учун салмоқли интеллектуал хазина қолдиришга қодир бўлган.

---

<sup>10</sup> Каримова И. Шарқ гавҳари, замин сайқал//Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 312-313-бетлар..

## Бухорийлар халқаро фалсафа мактаби

*Бухоро шаҳри Сомонийлар давридан бошлаб шон-шуҳрат макони, елтанат катъаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адиблариининг юлдузлари норлаган ва ўз давриининг фозил кишилари йиғилган жой эди.*

Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038) –  
таниқли файласуф

*Бу юрт соҳибқирон Амир Темури ҳазратларини дунёга келтирган муҳтарам зот - Тезина Моҳибегимнинг ватани сифатида ҳам барчамиз учун азиз ва мўътабар.*

И.Каримов

Бобораҳим Машраб шундай ривоятни ёзиб қолдирган: «Ҳазрати Муҳаммад Пайғамбар (С.А.В) меърож кечаси кўкка кўтарила туриб, ер юзига қарасалар, бир ерга осмондан нур ёғар ва иккинчи бир жойдан осмонга қараб нур таралаётган эмиш. Ҳазрати Муҳаммад таажжубланиб, бу ҳақда ўз йўлдоши фаришта Жаброилдан сўрабдилар. Жаброил: Осмондан нур ёғилаётган жой Маккан Муаззамадир. Ўша ерда Каъбатуллоҳ (Байтуллоҳ - Худонинг уйи) борлиги ва ваҳий юбориладиган жой бўлгани учун бундай катта шарафга муяссар бўлган. Иккинчи жой эса Бухородир. Бу шаҳар келгусида Ислом динининг таянчига айланиб, ундан чиққан олиму фозиллар дунёга илму фан ёғдусини таратгайлар. Ўзининг илму дин арбоблари билан ажралиб турадиган бу шаҳардан тарқалган ёғдулар оламни ёрнтиб тургай», деган. Булар кейинчалик Бухоро аҳлининг илмпарварлиги билан исботланди. Ва айни шу илмпарварлиги боис Бухоро Шарқ фалсафасини жамлаган Шарқнинг илм маркази – «Қуёш шаҳри», «Қуббат ул-ислом», «Бухорон шариф» каби эътирофларга сазовор бўлди.

Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси бўлган шаҳарлар рўйхатига киритилган. 1997 йилда 2500 йиллик юбилейи халқаро миқёсда (Парижда, Бухорода 1997 йил 19 октябрь) нишонланди.

«Бухоро» атамаси санскритча «Вихара» сўзининг туркий-мўғулча шакли бўлиб, «ибодатхона» маъносини англатади. Шунингдек, мазкур атама сўғдийча «буғ» ёки «бағ» – «Тангри», «оро» – «жамол» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган бўлиб, «Тангри жамоли» деган маънони ҳам билдиради. Бизнингча, ҳар иккала изоҳда ҳам диний маъно-мазмунга ишора мавжуддир.

Шунингдек, кейинги изоҳда, яъни «Тангри жамоли» деб кўрсатишда ҳам ўзига хос маъно бор. Чунки «Авесто»да қуёшга сиғиниш тарғиб қилинади. Маълумки, «Авесто» Хоразм дёрида вужудга келган. Хоразм ҳудуди Бухоро билан чегарадош ҳисобланади ҳамда Бухорода ҳам оташпарастлар динига эътиқод қилишган. Бунини Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида шундай тасвирлайди: «Уч маротаба фатҳ этилган ва уч маротаба қайтадан ислом динига қайтган Бухоро ўз дарвозаларини энди тўртинчи дафъа очди»<sup>11</sup>. (Бу ерда тўртинчи маротаба арабларнинг Бухорога Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги 709 йилдаги ҳужуми назарда тутилмоқда). Булар Бухорода зардуштийлик кенг ёйилганлигини, арабларга қарши мардоновор курашилганлигини билдиради. Бухорода қадимдан савдо йўли – Булок ипак йўли ўтганлиги сабабли ҳам бошқа мамлакат ва халқлар билан алоқалар анча кенгайган. Кўхна Бухорода турли миллат вакиллари: форслар, хитойлар, яҳудийлар, араблар ва бошқалар яшаган. Шу билан ҳам Бухорода Зардушт динидан ташқари буддизм, христианлик, яҳудий динлари ҳам мавжуд бўлган ҳамда уларнинг ривожланишига монелик қилинмаган.

Аждодлар анъанаси ҳозир ҳам сақланиб қолган. Испаниянинг таниқли журналисти Лаура Пастор Арранс Бухорода ўрта асрларда 360 масжид ва 80 дан ортиқ мадраса бўлганлигини кўрсатиб ўтади<sup>12</sup>. Шунингдек, қадимдан карвонсаройлар фаолият кўрсатган. Бухорога келадиган савдогарларнинг ҳар бирига (ҳар бир давлат учун) алоҳида карвонсарой (юнон карвонсаройи, ҳинд карвонсаройи, хитой карвонсаройи) қурилган. Бухорога Кайхусрав (мил.авв. VI аср), Александр Македонский (мил.авв. IV аср), араблар (VII аср), Чин-

---

<sup>11</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –15-бет.

<sup>12</sup> Чарующая страна – Узбекистан// «Правда Востока». 20 января 2011 года.

гизхон (XIII аср), руслар (XIX аср), большевиклар (XX аср) босқинчилик қилиб шаҳарни талаган, ёндирган, вайрон қилган. Биргина мўғулларнинг босқинчилигини Ҳерман Вамберининг қуйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади: «Куч жиҳатидан бир неча баробар ортиқ бўлган мўғулларга қарши Бухоро лашкари қаршилиқ кўрсатиши сабаби ҳануз мавҳумдир. Шундай бўлса-да, улар мўғулларга ҳужум қилдилар ва деярли бутунлай қирилиб кетдилар... У (Чингизхон – Ш.Х.) ўғли Тули билан бирга отдан тушмай масжидга кирди. Минбар олдида бориб тўхтади... Чингиз сўради: «Бу султоннинг ўз саройими?» Унга: «Бу байтуллоҳ», – деб жавоб берилди. Шундан сўнг отдан тушди. Минбарнинг бир неча зинасига кўтарилди-да, орқасида турган мўғулларга қичқирди. «Ўтлоқ ўрилди, отларингизга ем берингиз!» Бу талон-торож қилишга рухсат ишораси эди.

Ваҳший мўғуллар бахтсиз Бухорога қандай ҳужум қилганлари, Ўрта Осиё пойтахтининг зеб-зийнатларига кўзлари кўр бўлган саҳройиларнинг қанчалик ҳирс билан ташланганликларини мулоҳаза этиш осон. Барча уйлар вайрон қилинди, ҳамма сандиқлар бузилди. Беҳисоб хазиналар таланди. Кўринишдан ҳеч бир қиймати бўлмаган муқаддас нарсаларни ҳам аямадилар. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилди. Муқаддас китоблар сақланган сандиқларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари бўлган муллалар, шайхлар қуллар каби, эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса мўғул бахшиларига масхара учун берилди. Кўпгина мўғулар қозилар эшак ва хачир боқишга мажбур қилинди. ...Лекин Султон Маҳмуднинг шаҳарда яширинган аскарлари Чингизхонни тунги ҳужумлари билан безор қилгани учун тутиб беришларини талаб қилди. Бухороликлар ғолибнинг буйруғини бажармай, уларни асраб турдилар ва тунги ҳужумларига ёрдам бердилар. Шундан кейин Чингиз ниҳоятда ғазабланиб, шаҳарни ёндиришга амр этди... Зарафшон устидаги маъмур шаҳар хас-хашакка айланди. Қалъа ичидаги аскарлар Кўкхон раҳбарлигида мудофаани давом эттирди. Унинг қаҳрамонлигига биз доим қойил қоламиз. Мўғуллар бу қалъани забт этиш учун барча татбирларни қўллаб кўрдилар. Ҳатто, ҳужум бошига бухороликларни ҳам қўйиб кўришди. Лекин ҳаммаси бекор кетди. Қалъа ичидаги барча чуқурлар одам ва ҳай-

вон майитлари билан тўлиб-тошгандан, қаҳрамон мудофаачилар жонларини фидо қилганларидан кейингина уларнинг қароргоқлари забт этилди. Бу жасоратли қаршилик учун шаҳар аҳолиси қурбон қилинди. 30 мингдан зиёд аҳоли жаллод қўлида ҳалок этилди. Қолганлар эса табақаларга қарамай, қул қилинди. Ўзларининг санъатлари, илм-маърифатлари, нозик таъблари ва ахлоқлари гўзал бўлган Бухоро аҳолиси бахтсиз ва масхара этилди. Буюк бир эл шамолдай тарқаб кетдилар»<sup>13</sup>.

Бухоро ҳар қандай босқинчиларга қарши мардона турган халқни ва фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Тўмарис, малика Қабаж хотун кабилар ватанпарварлик тимсолларидир. Наршахий Бухоро Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий туфайли «Қуббатул ислом» – «Ислом динининг гумбази» номини олганлигини ҳамда Бухоро Байтул ҳикмат пойдеворини Ҳожатбарор помни билан бутун дунёга танитган зот эканлигини кўрсатиб ўтган.

Кўҳна ва навқирон Бухорода Арк (милав. II-I аср), Сомониёлар мақбараси (IX аср), Миноран Калон (XII аср), Мағоки Аттори (XII аср), Чашмаи Айюб мақбараси (XII аср), Масжиди Калон (бир йўла 12 минг одам намоз ўқиши имконияти мавжуд), Модарихон мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Чор Минор, Ситораи Моҳи хоса саройи ва бошқа ёдгорликлар бор. XX аср бошларида Бухорода 12 маҳалла, 250 дан ортиқ мадраса, 390 масжид, 150 дан ортиқ карвонсарой, 350 дан ортиқ ҳовуз бўлган. Биргина Қизил армийанинг 1920 йил 3 сентябрдаги босқинида Бухоро шаҳридаги қадимий ёдгорликларнинг бешдан бири вайрон қилинган. Бухоро очиқ музей шаҳридир. Бухорода 1000 дан ортиқ тарихий-маъмурий ёдгорлик мавжуд.

Мустақиллик шарофати билан аждоқлар мероси, хусусан, Бухоро дарвозалари қайта тикланмоқда. Манбаларда Бухоро дарвозалари 12 та бўлганлиги (Аркни қўшиб ҳисоблаганда) кўрсатилади. Аслида дарвозалар сони ўн битта бўлган. Бухоро дарвозалари – Қоракўл, Қарши, Саллахона, Намозгоҳ, Мозори Шариф, Шергирон,

---

<sup>13</sup> *Ҳерман Вальбери*. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –22–24-бетлар.

Талипоч, Самарқанд, Шайх Жалол каби номлар билан аталган. Бухоро азалдан илм-маърифат равнақ топган юрт сифатида машҳур бўлган ҳамда бу даргоҳда илм аҳли ниҳоятда қадрланган. Шу бонс ҳам Бухоро дарвозаларининг бири XVI асрда дин пешвоси, фикҳ, шарият ахлоқ-одобига тегишли китоблар муаллифи Шайх Жалол номига қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Бухороликларнинг ўзига хос жиҳатларини қуйидагича ифодалаган эди: «Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчанлик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради... Бухоро, айниқса, Темурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонида энг мўътабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чиқарди. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди... Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар стишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан буён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюк аждодларимиз мўътабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аждодлар номини абадул-абад сақлайди»<sup>14</sup>.

Бухоро Испаниянинг Кордова шаҳри билан биродарлашган. Бу ҳам бевосита тарихий илдизларга эга. Бу ҳақда Испания ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазирни Мигель – Анхель Моратинос шундай деган эди: «Кордова билан Бухоро биродарлашган шаҳарлар. Расман

---

<sup>14</sup> Каримова И. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. –368–370-бетлар.

бу ҳолат Кордовада Хулио Ангита мэр бошлаган пайтларда (2009 йил май – *Ш.Х*) имзоланган. Лекин бу воқеадан анча илгари ҳам бу шаҳарлар ўртасида қадимий тарихий алоқалар мавжуд бўлган. Улар, аввало, буюк Ибн Сино (Ғарбда Авиценна номи билан машҳур) ҳамда Нилометр муаллифи Ал-Ғарғоний тимсолида кузатиш мумкин бўлиб, улар Кордовада Ал-Андалуснинг бошқа олимлари билан биргаликда ижод қилган». Бу тарихий ҳақиқат аждодларимиз, хусусан, Абу Али ибн Сино ва Аҳмад Ғарғонийлар ўз билимларини Европада (Испанияда) ҳам тўғридан-тўғри қўлланганлигини ҳамда Ғарбга Шарқ фалсафасидан сабоқ берганлигини кўрсатади.

Бухоронинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб И.Каримов шундай деган эди: «Ер юзида Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли одам йўқ десак, асло хато бўлмас.

Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухорон шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари – Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Салосий, Саййид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуғ зотлар ўтганки, уларнинг номларини ёдлаш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир»<sup>15</sup>.

Бухорийлар тўғрисида фикр юргизганда фақат «Бухорий» нисбаси олганларни назарда тутсак, масаланинг ечимини жуда жўн тушунганлигимиз (худди ғарбликлар сингари) маълум бўлади. Фақат Бухорий нисбасини олганларнинг 100 дан ортиғи фанга маълум. Ҳозирги маълумотлар негизида Бухорийларга Бухоро шаҳри атрофидаги қишлоқлар (*ўтмишида қишлоқларга тенглаштирилганлар ҳам, бизнинг назаримизда, йирик ҳунармандчилик, илм-фан, маданият ривожланган марказлар бўлган, чунки айни шу «қишлоқ»*

---

<sup>15</sup> Каримов И. Ислоҳотлар йўлида қатъиятли бўлиш – бугунги кун талаби. //Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 261-бет.



лардан ҳам минглаб олим-уламолар етишиб чиққан ҳамда инсоният цивилизациясининг маълум бир соҳасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар) номини олган, Бухоро шаҳри маҳаллалари номидан, Бухорода яшаган насл-насаби номидан, Бухородаги айрим касб-ҳунар номларидан нисбалар олган 1000 дан ортиқ олим уламоларни кўрсатиш мумкин. Масалан, *ал-Аскобоний, ал-Бонабий, ал-Бароний, ал-Хайзохузий, аз-Заронжаро, ас-Сурморо, аш-Ширвоний, ас-Сугдий, ас-Саффор, ал-Ажнасий, ал-Кухандий, ал-Карманий, ал-Колободий, ал-Варкой* каби нисбалар олган мингдан ортиқ «Бухорий»лар ҳозирда маълум ва машҳурдир.

## Пойкандийлар халқаро фалсафа мактаби

*Пойканд Бухоро шаҳридан ҳам қадимийдир.*

**Муҳаммад Наршахий**

Милодий V аср ўрталарида Эфталитлар кучли давлат барпо этганлар. Унинг подшоси Вахшунвар (айрим тарихий манбаларда Ахшунвар) бўлган. Эфталит давлати пойтахти масаласида икки хил қараш мавжуд. Айрим манбаларда Эфталит давлати пойтахти Бодиён шаҳри (Ғарбий Бадахшон), деб кўрсатилса, баъзиларида Пойканд шаҳри (Бухоро воҳаси), деб таъкидланади. Бизнингча, Эфталитлар давлати пойтахти Пойканд шаҳри бўлганлиги фарази ҳақиқатга яқин. Чунки Пойканд Ўрта Осиёда энг қадимий шаҳар бўлган, Буюк ипак йўлининг асосий ва муҳим бўғини ҳисобланган. Пойканд IV–V асрларда равнақ топган шаҳар бўлганлиги манбаларда кўрсатилган. «Бухоро тарихи» муаллифи Наршахий *Пойканд Бухоро шаҳридан ҳам қадимийдир*, деб кўрсатган.

Манбаларда Шарқий Турк хоқонлигининг Хитойга қилган урушлари ва унинг эвазига ҳар йили 1000 бўлак миқдорда ипак ўлпонини олганлиги кўрсатилади. Лекин VI асрнинг 80-йиллари бошида Шарқий Турк хоқонлиги хитойликлардан енгилади ҳамда улар оила, уруг-аймоғи билан ғарбга томон кўчади. Уларнинг бир қисми Бухоро воҳаси томонга кўчади. Улар аслзода ер эгалари зулмидан эзилган маҳаллий камбағал қатлам иштирокида турк шаҳзодаси Абрўй бош-

чилигида ер эгаларига қарши қўзғалон кўтардилар ҳамда Пойканд шаҳрини эгаллайдилар. Абрўй Пойкентда ҳокимлик мартабасига эришади. Пойкентлик ер эгалари Туркистон ва Тарозга (Жамбул) қочишади, бир қисми Ғарбий туркийлар султони Қорачуриндан ёрдам сўрайди. Қорачурин уларга ёрдам беради ҳамда 585 йилда Абрўй қўзғолонини бостиради. Абрўй ўлим жазосига ҳукм қилиниб, «қовоқарилар тўлдирилган қопга ташланиб» ҳукм ижро қилинади. Ерлар эгаларига қайтарилиб, қўзғолонда иштирок қилган маҳаллий камбағал қатлам хизматкорлар-кошоварзлар қилиб тақсимлаб берилади. Қорачурин ўз ўғли Бармудни Бухоро ноиб (ноиб ўрта асрларда ҳуқуқи чекланмаган вилоят ёки шаҳар ҳокими) этиб тайинлайди. *Шу ўринда, бизнингча, Бармуд Бухорога эмас, Пойкентга ноиб қилиб тайинланган бўлса керак. Чунки манбаларда 585 йилда Абрўй қўзғалон кўтариб, Пойкентни эгаллаб у ерга ҳоким бўлганлиги кўрсатилади. Қорачурин 588 йилда Эронга қарши уруш бошлайди, лекин у сосонийлар лашкарбониси «Баҳром Чубин томонидан ўлдирилади... Баҳром Чубин Қорачуриннинг ўғлини ҳам Пойкентда бўлган жангда ўлдиради»<sup>16</sup>. Бу тарихий воқеа ҳам Қорачурин ўғлини Бухорога эмас, балки Пойкентга ҳоким қилиб тайинлаганлигини тасдиқлайди.*

Пойкент араблар истилоси даврида ҳам Мовароуннаҳр учун қалқон бўлган, яъни араблар Ўзбекистон ҳудудига илк бор ҳужумни (кейингиларини ҳам) айнан шу шаҳардан бошлаган ҳамда 4000 кишини асир қилиб (шахсан Убайдулло Зиёд ўзи учун) олиб кетган. Арабларнинг Мовароуннаҳрга босқинчилиги бевосита Пойкент шаҳридан бошланганлигини, Пойкент аҳлининг арабларга қарши мардонавор курашганлигининг атрофича баёнини венгер олими Ҳерман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асирида (китобда Пойкент – Банканд деб аталган) беради: «Улуғ исломнинг таянчлари Ғарбий Осиёда барпо қилингандан кейин арабларнинг ғолиб қўшинлари буюк Искандар йўли билан Мовароуннаҳрга кириб келдилар... Убайдулло бин Зиёд энг қадимги савдо маркази ва жуда бой пойтахт бўлган Байканд шаҳрига тажовуз қилиб, уни узоқ қамал этгандан сўнг босиб олди. Бу 672 йилнинг охири

<sup>16</sup> Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. –Т.: «Ўқитувчи», 1997. – 224-бет.

эди....Бойиб қайтган араблар узоқ Суғднинг ажойиботи ҳақидаги сўзларини қавмдошларига айтиб тугатгунларича, Бухорода араб ҳокимига қарши исён кўтарилади...Турклар мағлуб этилгач, ҳар бир араб аскарига 10 минг дирҳамдан берилади. Бу аҳволда Хотун подшоҳга таслимдан бошқа ҳеч бир чора қолмайди. У сулҳ тузади. Араблар Марвга қайтиб кетадилар. Аммо бу қайтиб кетиш хароб бўлган Мовароуннаҳрни тинчлантириш учун эмас, балки тўрт маротаба ҳужумдан сўнгра такроран ҳужум қилиш учун эди... Бу амир – Қутайба ибн Муслим эди...705 йилда Мовароуннаҳрни истило қила бошлади. У энг аввал Байканд шаҳрига қарши юрди. У саҳрода...турк аскарлари билан тасодифан тўқнашди...бир кунлик урушдан сўнгуларни енгди. Буларнинг бир қисми қочдилар, бир қисми эса ментиндек қаттиқ бўлган Байкендда яшириндилар. Бу вақтда қалъа қамал қилинди. Бу қамал даврида араблар кўп талофат бердилар. Уларнинг ўн беш кунлик жанглари бекор кетди. Шундан кейин қалъанинг девори тешилди. Қутайба қалъага биринчилар сафида борган ва шаҳид бўлган кишиларнинг болаларига катта мукофот ваъда қилди. Бу ваъда таъсир этиб, араблар қалъани ишғол этдилар. Лекин Қутайба шаҳардан кетгач, Байкенд аҳолиси исён кўтаргани ҳақидаги хабарни эшитди. У ерда воли (ноиб) этиб қолдирилган Варқа бин Насрулбаҳоли ҳамда унинг ёнида бўлган мужоҳидлар қатл этилган. Тўғри, араблар бу балони ўз бошларига ўзлари солишган. Варқа байкандлик бир одамнинг икки гўзал қизини ҳақорат этган, бу одам ўз оиласини масхара қилгани учун қасос олиб, Варқага қилич уради. Шундай бўлса-да, Қутайбанинг ғзаб ва ғалаёнига ҳеч бир ҳад ва чегара бўлмади. У шаҳарга қайтиб келиб, ҳаммаёқни бузиш ва ғорат қилишга буюрди. Қилич ушлашга қодир эркакларнинг барчасини ўлдиришга, хотин-қизларнинг барчасини асир олишга буйруқ берди, ҳатто туркларнинг бир кўзи кўр сардорига ўз хунини тўлаб, омон қолишга ҳам рухсат бермади.

Ривоят қиладиларки, асл Байканд аҳолиси, кўпроқ бой савдогарлар. Чин ва бутун жаҳон ила савдо этувчилар бу уруш вақтида шаҳарда бўлмаганлар. Улар қайтиб келишганда, ўзларининг хотин-қизларини тавон тўлаб, араблардан қайтиб олганлар. Шаҳар сал тузалган. Яна тездан араб истилоси остида қолган харобалар ичида энг гўзал

бир шаҳар пайдо бўлган. Байканд бутун Мовароуннаҳрнинг жануби-ғарбий эшиги бўлганидан уни фатҳ этиш араблар учун муҳим аҳамиятга эга эди...Энг тараққий этган бу шаҳарда фотиҳлар беҳисоб ўлжабойликни қўлга киритган эдилар. Масалан, бир бутхонада 40 минг дирҳам оғирликда соф олтиндан ишланган санамлар бўлиб, биттасининг кўзлари ўрнида кабутар тухумидек иккита инжу бор эди. Қутайба буларни ўлжанинг бир қисми билан бирга Ҳажжожга юборди. Ҳажжож бунга ташаккурномасида ўзининг таажжубини билдирди. (VIII асрда Қутайба Пойкент бутхонасида 400 мисқол оғирлигидаги бут топгани ҳақида Наршахий кўрсатиб ўтган – *Ш.Х*). Арабистон бадавийларининг бу мағлублар тарафидан тўпланган хазиналарга нақадар очкўзликни, ҳирс билан тўхтовсиз ҳужум этганларини тушуниш мумкин. Бадавийларнинг энг орзу қилган нарсаси қурол эди. Осиёнинг бу ўлкаси қадимдан буён қуролни мустаҳкам ҳамда гўзал ишлаш билан машҳур эди. Гарчи аскарларга Байкандда ишланган қуролнинг асосий бир қисми тақсим ва сийлов қилинса-да, харидор кўпидиган аслаҳанинг нархи шу қадар кўтарилдики, бир сипар 70 дирҳам, темир совут 200 дирҳам, қалқон ундан ҳам қimmatроқ бўлди»<sup>17</sup>. Муҳаммад Наршахий ўз китобида: Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим: «...кимки урушга яроқли бўлса, ҳаммасини ўлдир, қолганларини асир қилиб ол, деб буйруқ берди. Шундай қилиб, Пойкандда ҳеч ким қолмади»<sup>18</sup>, – деб ёзган эди.

Манбаларда қайд этилишича, VIII асрлардаги шаҳарлар унчалик катта бўлмаган. Масалан, Пойкент деворининг узунлиги икки километр бўлган, деб кўрсатилади<sup>19</sup>. Лекин бу, бизнингча, ниҳоятда «қисқартирилган» кўрсаткичдир. **Чунки бу, бир томондан юқорид**а кўрсатилганидек, Пойкентни Бухородан ҳам қадимийлигига, Пойкентнинг VIII асрда «савдогарлар шаҳри» деб хорижда эътироф этилганига, аynи Буюк ипак йўли чорраҳасидаги шаҳарга тўғри келмайдиган хулосадир. Бағдод элчилари 921–922 йилларда Булғорга (Волга бўйи) Ҳамадон, Рай, Дамғон, Нишопур,

<sup>17</sup> *Ҳерман Валибери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – 8–13 бетлар.

<sup>18</sup> *Абу Муҳаммад Наршахий*. Бухоро тарихи. – Т. «Фан», 1966. – 44-бет.

<sup>19</sup> Қаранг.: Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. –Т.: «Фан», 1956. –141–143 бетлар.

Сарахс, Марв, Пойкент, Бухоро, Хоразм, Устюрт, Ёйиқ (Урал) орқали боришган. Бу ҳақда Бағдод элчиси котиби Аҳмад ибн Фазлан ўзининг «Рисола» китобида ёзиб қолдирган. Пойкент ўрта асрнинг минтақада энг ривожланган шаҳарларидан ҳисобланган ҳамда унинг ёнидан Самжон дарёси оқиб ўтган. Лекин Пойкент шаҳри Самжон дарёсига нисбатан тепаликда жойлашган. *Бу даврда диний ва дунёвий илм маркази бўлган Пойкент олимлари ўз билимларини амалиётга жорий қилиб, сувни юқорига – Пойкентга сопол қувурлар орқали олиб чиқиб, бутун шаҳарга тақсимлашган. Шаҳарни сопол қувурлар орқали сув билан таъминлаш амалиётини Александрия шаҳрини (Александр Македонскийнинг Мисрда қурдирган шаҳри) қуришида қўллашган бўлишлари мумкин.* Чунки милoddан олдинги V–IV асрларда Пойкент ўз даврининг энг катта шаҳарларида (ер майдони 100-130 гектар) бири ҳисобланган.

Шу билан бирга, қадимдан Буюк ипак йўлининг Пойкент-Нахшаб, Пойкент-Тохаристон йўналишлари бўлган. Бу йўллар орқали келган карвонлар учун Пойкент ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтаган. Археологлар Бухоро–Кеш карвон йўлларини бронза даврида ҳам мавжуд бўлганлигини исботлашгани боис, *Пойкент-Нахшаб, Пойкент-Тохаристон карвон йўллари ҳам бронза даврига хос деб хулоса қилиш мумкин.*

Дарҳақиқат, Кеш–Шаҳрисабз, Насаф–Қарши шаҳарларининг 2700 йиллиги нишонланганлигини назарда тутиб, Пойкент шаҳрининг ёши ҳам камида 2700 йилга тенг дейишга асос бор. Лекин Пойкент шаҳри тўғрисида ёзма манба маълумотлар сақланиб қолмаганлиги ҳамда Пойкент шаҳри археологик жиҳатдан тўла ўрганилмаганлиги бу масалани очиқ қолдирмоқда?! Буюк ипак йўлида жойлашган Пойкент шаҳрида буддизм динига оид, оташпарастлик ибодатхоналари ҳамда шаҳарни сопол қувурлар орқали сув билан таъминланганлигини исботловчи осори атиқалар топилганлигини ҳисобга олсак, Пойкент ҳам Ўзбекистон ҳудудида шаҳарсозлик маданияти қадимий ҳамда ўз даврида равнақ топган шаҳар бўлганлигини кўрсатади.

**Пойкандий** – Пойканд шаҳридан чиққан олимлар олган нисба. Пойканд шаҳри тўғрисида Муҳаммад Наршахий «Бухоро тарихи»

китобида маълумотлар беради. Пойканддаги олим-уламолар Бухоро олим-уламолари билан донмо мулоқотда бўлган. Мисрлик тадқиқотчи Абдуллоҳ Саад пойкандлик ҳадисшунос Абулфазл Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анир ас-Сулаймоний ал-Пойкандий тўғрисида шундай дейди: «Ўз даврида... ёдлаш ва нишончи ҳадисларни келтиришда унга тенг келадигани бўлмаган... Ҳар ҳафтада бирон нарса ёзар ва уни Пойканддан Бухоро жомеъ масжидига олиб борар ва у ерда ҳадис ўрганар эди». Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий (810–870) нинг устозлари ҳам пойкентлик бўлган. Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний (922–1005) «Асоми машойих ал-имом ал-Бухорий» (Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари) номли асарида Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Саҳийҳ ал-Бухорий»да келтирилган 306 та ҳадис ровийларининг исми шарифлари, асли қаерликлиги, уларнинг насаби, лақаби, куняси, нисбасини келтириб ўтади. Ал-Исфаҳоний Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг устозлари сифатида Муҳаммад ибн Юсуф Абу Аҳмад ал-Бухорий - Пойкент аҳлидан деб кўрсатади. Пойканд араблар истилосига ва ундан кейин ҳам (гарчи турли даврларда босқинчилар томонидан бузилган бўлса-да) ривожланган шаҳар эди. Буюк ипак йўлида жойлашгани ҳам унда илм-фан, маданиятнинг ривожланишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Пойканддан нафақат Ўрта Осиё, балки дунёга машҳур олимлар етишиб чиққан ҳамда ўз даврида жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшишган:

*1. Абу Саид Исмоил ибн Ҳамдавия ал-Пойкандий. Ҳадис илмини ўрганган. Дамашққа сафар қилган.*

*2. Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Пойкандий Ҳадис илмини уламо-лардан ўрганган ва ўргатган.*

*3. Абу Яҳё Аҳмад ибн Юнус ан-Назр ибн Абдулло ал-Пойкандий. Пойкандда хотибликни бошқарган.*

*4. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Халид ибн Мусо ибн Зиёд ибн Фарухон ал-Пойкандий. У ҳадисларни ўрганган. Бағдодда ҳам яшаган ва ҳадисларни тарғиб қилган, уламо бўлган.*

*5. Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий. Ҳадисларни ўрганган ва ўргатган.*

6. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салом ибн Фараж ал-Бухорий ал-Пойкандий. Ҳадисларни ўрганган, ўргатган. Уларни тўплаш учун бошқа юртларда изланишлар олиб борган. Муҳаддис ва фақиҳ бўлган. Ўз давридаги барча фанларни тасниф қилган.*

7. *Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Амру ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ас-Суллабий ал-Пойкандий. 400 дан ортиқ асар муаллифи. Илм излаб Ироқ ва Шомга борган. Ҳадис илмини чуқур ўзлаштирган, муҳаддис бўлган.*

8. *Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Хомид ибн Убайд ал-Пойкандий. «Пайғамбарлик ҳақидаги рисолаи изоҳлари энг кўп далиллар билан тадқиқ этиши», «Нафс ҳақидаги тадқиқотлар ҳақида Маъсудий битган рисола», «Ибодат ва ҳайрат аҳли учун тўғри йўл ва кўрсатма» ва бошқа асарларни ёзган. Илми каломни яхши билган, қози, муътазиллий олим.*

9. *Абулфазл Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анир ас-Сулаймоний ал-Пойкандий. Ўз даврида шиончли ҳадисларни келтиришида унга тенг келадигани кам бўлган.*

10. *Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Али ан-Насафий ал-Пойкандий. У «Шарҳул қисмис солис мин мифтаҳил улум» асари муаллифи. Ўз замонасининг билимдон уламиси бўлган.*

11. *Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъян ал-Аздий ал-Бакрий ал-Пойкандий. «Қуръон тафсири» («Тафсирул Қуръон») асари муаллифи. Ҳадис илмини ўрганган ва ўргатган.*

12. *Абу Амру Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ал-Пойкандий. У Бухорода тузилган. Лекин отаси пойкандлик бўлгани учун Пойкандий деб насба олган. Сарахс имомидан фикҳ илмини ўрганиб, фикҳишунос олим бўлган. Ҳадисларни ўрганган.*

13. *Абу Наср Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ибн Салом ибн Фараж ал-Пойкандий. Ҳадисларни ўрганган, замонасининг ҳадисишуноси бўлган.*

14. *Абу Абдуллоҳ Ал-Фазл ибн Абулфазл ибн Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анбар ас-Сулаймоний ал-Пойкандий (413 ҳижрий й. в.э.). Олим ҳақида «Китобу-л-ансоб» асарининг 3-томи 287-саҳифасида маълумотлар келтирилган. Унинг исмидаги «ас-Сулаймоний» деган тахаллуснинг келтирилишига сабаб бобоси Су-*

лаймон бўлганлиги у ҳам Пойкентдан бўлганлигини билдиради. У 405 ҳижрий йилда ўз даврининг фан ва маданияти ривожланган Насафга сафар қилади ҳамда у ерда ҳам олим уламолардан ҳадис билимини ўрганади ва ўргатади.

15. *Абу Раҷо Аҳмад ибн Яъқуб ал-Пойкандий ат-Торобий* - олим ва ҳадисишунос бўлган. У ҳақда «Китобу-л-ансоб» асарининг 4-томи 27-саҳифасида маълумотлар берилади.

16. *Абу Амир Ҳафс ибн Мансур ибн Фигиш ал-Пойкандий ал-Фигиштий*. У фикҳшунос, ҳадисишунослик фанлари билимдони бўлган. У ҳақда «Китобу-л-ансоб» асарининг 4-томи 393-саҳифасида ҳикоя қилинади. Унга замондош олимлардан бири «Абу Амир Ҳафс ибн Мансур ибн Фигиш ал-Пойкандий ал-Фигиштий, тақводорликда унга тенг келадиган бирор инсонни кўрмадим», деган.

17. *Абу Закарий Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъян ал-Аздий ал-Бакрий ал-Пойкандий ан-Накбуний*. Пойканд шаҳри яқинидаги Накабун қишлоғидан. Пойканд шаҳрида ҳадис илмини мукаммал ўрганган, қишлоғида ҳадислар ривоят қилган. Эрон, Ироқ, Ҳисорга сафар қилган. У ерларда ўша замоннинг машҳур уламози, ҳадис ва фикҳ илмлари соҳиби ибн Уайна ва бошқа уламолар билан учрашган ҳамда мулоқот қилган, баҳс-мунозараларда фаол иштирок этган. Ундан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий ҳадислар ривоят қилган. Шунингдек, у ҳақда «Китобу-л-ансоб» асарининг 5-томи 522-саҳифасида маълумотлар келтирилган.

Умуман олганда, ўз даврида пойкандликлар Ўрта Осиёда араб истилосига қадар ва ундан сўнг ҳам фан, маданият, дин (зардуштийлик, монийлик, буддавийлик, христианлик, яҳудийлик) ривожланишига ҳамда ислом таълимоти такомилга муносиб ҳисса қўшганлар. XI аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида Қорахонийлар ҳукмдорлиги бошланади. Файласуф Йўлдош Жумабоев «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан» номли асарида Қорахонийлар даврида «Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Пойкандни тиклашга ҳам уриниб кўрилди», деб ёзган. Манбаларга кўра, Буток ипак йўли орқали милоддан аввалги V–IV асрларда пойкентликлар Хитой орқали денгизга чиқ-



қанлар. Уларнинг авлодлари турли сабаблар билан Хитой, Малайзия, Индонезия ва бошқа давлатларда ҳам мавжудлиги тўғрисида фаразлар йўқ эмас?!

Ўзбекистон ўзининг қадимий шаҳарлари билан хорижлик олимларни, археологларни, тарихчиларни азалдан ўзига жалб қилиб келган. XIX асрнинг охирларида америкалик тарихчи Рафаэль Пампелли (йирик банкир ҳам бўлган, ўзининг маблағи ҳисобидан тўрт кишилиқ экспедиция ташкил қилиб, Ўрта Осиёда, хусусан, Мовароуннаҳр – Ўзбекистонда ҳам тадқиқот ишларини олиб борган) Пойкентда ҳам бўлади. «Сайёҳатчилар Самарқанд шаҳрида ҳам маълум муддат бўлгач, Бухоро хонлигида ҳам бўладилар. Толмас тарихшунос бўлган Пампелли қадимий Пойкент шаҳри вайроналарини ҳам кўздан кечиради. Мазкур шаҳар эрамизгача биринчи асрда Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган йирик марказлардан бири бўлган. Шарққа Хитой томонига ва Ғарбга Овропага элтадиган карвон йўлларини қум барханлари кўмиб юбориши, энг муҳими эса, Зарафшон дарёси сатҳининг пасайиши оқибатида мазкур қадимий шаҳардаги ҳаёт завол топади»<sup>20</sup>.

1947 йилда Бухоро вилояти ўлкашунослик музейида табиат бўлими очилган. 1951 йилда табиат фонди ташкил этилган. 1988 йилда Бухоро шаҳридаги Чашмаи Аюб ёдгорлигида Арк ўлкашунослик музейининг табиат бўлими таркибида «Бухоро сув таъминоти тарихи» музейи экспозицияси очилган. 2000 йилда Бухорода сув таъминоти музейи очилди.

Ҳозирги пайтда музейда 150 дан ортиқ экспонат мавжуд. Улар ўрта асрларнинг дастлабки йилларига оид экспонатлар ҳамда ҳозирги даврдаги турли хил сув таъминотига бағишланган. Музейда Пойкент, Варахша, Бухоро шаҳридан археологик қазилмаларда топилган сополдан тайёрланган сув қувурлари (VI-X асрларга оид), сув ташиш идишлари (мешлар), турли сифимдаги сув сақланадиган хумлар, кўзалар ва бошқа осори атиқалар мавжуд. 2009 йил 3 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб, унда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғри-

<sup>20</sup> Мирзаяв Р. Муқаддас қадамжолар бўйлаб// «Жаҳон адабиёти». 2010, ноябрь, 156-бет.

сида» ҳамда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб килиниши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Бухоро вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ингилишда аجدодларимиз бунёд этган моддий ва маънавий бойликларни қайта тиклаш, сақлаш, тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган (Бухоро шаҳрининг 2500, Абдулхалиқ Ғиждувоний таваллудининг 900, Баҳоддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллик юбилейлари ва ҳоказо) ишлар алоҳида эътироф этилди, Ўзбекистон тарихини, унинг шаҳарсозлик маданиятини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга объектлар, хусусан, «Пойкент шаҳристони» археологик қазиниш ишлари ва унда очилган тарихий обидаларни консервациялаш жараёни секинлик билан бораётгани ҳамда мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. ЮНЕСКОнинг Буюк ипак йўлини ривожлантириш йўналиши дастури асосида қадимги «Пойкент шаҳристони» яқинида музей ташкил этилган. «Пойкент шаҳристони» сайёҳлик дастурига киритилган.

## Хивақийлар халқаро фалсафа мактаби

*Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм-фан чўққиларини забот этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пейволари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртларида ҳам ўз муътабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди...*

И.Каримов

Хивалик мутафаккир олимлар кўпинча ўзларига «ал-Хоразмий» нисбасини олишган. Айрим ҳолларда эса олимлар исми-шарифига «ал-Хивақий» нисбасини қўшиб аташган. Масалан, Аҳмад ибн Умар Абдул Жаноб Нажмиддин Кубро ал-Хивақий ал-Хоразмий (1145–1221).

1997 йил 20 октябрда дунёнинг барча минтақаларидан келган буюк олимлар, файласуфлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, Бир-

лашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО вакиллари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари иштирокида Хива шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди. Хива шаҳри қадимий ёдгорликлар маркази сифатида ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган. Хива шаҳри Урганчнинг жануби-ғарбида Полвон канали соҳилида жойлашган. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Хива шаҳри нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки бутун Марказий Осиёда меъморий ёдгорликлар яхлит ва тўла сақланганлиги билан ажралиб туради. Бу ёдгорликлар, бир томондан, очиқ музей, иккинчи томондан, улкан қадимий ёдгорликлар мажмуаси – қўриқхона шаҳридир. Ундаги масжид, мақбара, мадрасалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Дишан қалъа, Кўҳна арк, Ичан қалъа ва бошқа тарихий-ёдгорлик обидалари маҳаллий шарт-шароитлар ҳамда туб жой аҳолиси хусусиятлари негизда бунёд этилган. Унда Ота дарвоза, Тош дарвоза, Боғча дарвозалар мавжуд бўлган. Манбаларда XVII асрда пойтахт бўлганлиги кўрсатилган. «Хива – гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Хива - бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб-кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир... Ҳар қандай миллат ҳам Хивадай масканни яратгани ва асрлар мобайнида эъзозлаб сақлагани учун ғурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади... Мустамлакачилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккирларни саводсиз, жоҳил, илму маърифат душмани деб таъқир этишга уриндилар...

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм-фан чўққиларини забт этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пешволари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртиларида ҳам ўз

мўътабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди...

Ватанимиз тарихида сиёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганига ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топганига бугун ҳеч ким шак келтиролмайди»<sup>21</sup>.

Чингизхон Хоразмга ҳужум қилганда, унинг турли хил хатти-ҳаракатлари, алдовлари, элчи сифатида юборган айғоқчилари хиваликлар иродасини бука олмади. Айниқса, Хоразмшоҳ Жалолидин Мангуберди жасоратига Чингизхон ҳам тан берган. Буни Мирзо Улуғбек шундай тасвирлайди: «Султон Жалолиддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзини сув, олов ўртасида кўрди, чунончи, бир тарафида эса қонхўр дарё турарди (1421 йил 9 декабрь – Ш.Х.). Ҳеч бир томондан чиқиб кетишнишг иложи йўқ эди. Нонлож жангга киришди. Баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, татар кофирларидан кўпини ҳалокат тупроғига қорди ва ҳеч бир кулфатсиз жанг қилдики. Агар Рустан дустон тирик бўлганда, унга бўлган муҳаббат сипини ўз елкасига солган бўларди. Агар Қумуш Тан Исфандиёр бу жангни мушоҳада қилганда, унинг хизматида куллик лавозимини жону дил билан қабул қилган бўларди... У қайси томонга от чоптирмасин, тупроқни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у Султон Жалолиддиннинг қўлини ўпган бўларди... Душман қўлига тириклайин тушмаслик учун Жалолиддин оти билан ўзини дарёга ташлади... Жалолиддиннинг бу жасорати Чингизхонни ҳайратга солди: у Султонни таъқиб этини ман этди ва у кетаётган тарафга қўли билан ишора қилиб ўғилларига қарата: «Отадан дунёга ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир – қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир можарода тенг кела олмаган. Лекин у мардликнинг додини берди»<sup>22</sup>.

Хоразмда илм-фан ва маданиятнинг равнақ топишида ҳукмдорларнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Масалан, Хива хони Абулғо-

---

<sup>21</sup> Каримов И. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган таънавали маросимдаги таъриқ сўзи// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон». 1998. – 374–377-бетлар.

<sup>22</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 182-бет.

зи Баҳодирхон ибн Араб Муҳаммадхон (1603–1664) замонасннинг етук шоири, тарихчиси ва файласуфи ҳам бўлган. Унинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари рус, немис, француз тилларига таржима қилинган. Ҳ.Вамбери: «Абдулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... Жаҳон анинг «Шажараи турк» номли тарихий асари учун ундан минатдордир» деб ёзган. Абдулғози Баҳодирхон ибн Араб Муҳаммадхон тиббиёт фанидан ҳам хабардор бўлган. Унинг «Кишиларнинг сиҳат-саломатлиги йўлида» рисоласида тиббиёт фани, тиббиётнинг Хоразмдаги аҳволи ҳамда маданий ва маънавий ҳаётдаги аҳамияти кўрсатилган. Хива хонлигида XVIII асрда Шоҳниёз, Шерозий, Элборс, Нодиршоҳ, Муҳаммад Амин Иноқ, Авазбий Иноқ, Элгузархон, Муҳаммад Раҳим, Оллоқули, Раҳимқули ҳукмдорликлари даврида мамлакат янада обод бўлган. Кўплаб мадрасалар (Раҳимхон мадрасаси, Оллоқулихон мадрасаси, Саидмуҳаммадхон мадрасаси, Муҳаммадамин II мадрасаси, Муҳаммадниёз мадрасаси) қурилган. Хоразм халқ усталари меъморчилик санъатининг мўъжизаларини яратдилар. Мирхонд ва Хондамирнинг «Равзат ус-сафо» асари Хива хонлигида форсчадан ўзбекчага таржима қилинди. Бу асар дунёнинг пайдо бўлишидан (Сосонийлар, Муҳаммаддан Алигача, Аббосийлар, Чингизхон ва унинг авлодлари) Темур ва тсмурийлар даври воқеа ва ҳодисалари жамланганлиги билан ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, бу даврда «Нодирнома», «Зафарнома», «Насиҳатномаи Кайковус», «Юсуф ва Зулайҳо», «Баҳористон» каби кўплаб асарлар таржима қилинди. XVI асрда Хива ва Москва билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилган. Улар бир-бирига элчилар юборишган. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва Хивадан 14 та элчи Москвага юборилган. Уларнинг тенг ярми Иван Грозний давлатига юборилган ҳамда улар Хива хони элчилари бўлган. Юқоридагилар Хива шаҳрида қадимдан илм-фан, маданият, савдо-сотик, ҳунармандчилик ривожланганлигини ҳамда унинг жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлигини, яъни хивақийлар халқаро фалсафа мактабининг юксаклигини бевосита кўрсатади.

Абдуллоҳ Абдуҳамид Сааднинг «Ўрта Осиё олимлари қомуси» китобида *Хива шаҳридан чиққан бирорта олим-уламо «Хивақий»*

*нисбаси билан келтирилмайди. Бу ёши 2500 йилга тенг Хива шаҳри учун тушунарсиз ҳолат. Чунки Хива шаҳри қадимда ҳам Хоразм давлатининг асосий марказий шаҳарларидан бири бўлган, айниқса, VIII–X асрларда ҳар томонлама равнақ топган. Унинг Буюк ипак йўлида жойлашганлиги мазкур шаҳар илм-маърифат шаҳри бўлганлигидан далолат беради. Лекин юқоридаги асарда «Ал-Хуваййу» нисбаси билан 8 та олим-уламо номлари келтирилади. Булар Абу Маъоз Абданг ат-Табиб ал-Хуваййу, Абу Яъқуб Юсуф ибн Тоҳир ибн ал-Ҳасан ал-Хуваййу, Муҳаммад ибн Қутбиддин ал-Хуваййу, Шамсуддин Абулаббос Аҳмад ибн Ҳалил ибн Саодат ибн Жаъфар ал-Хуваййу, Абулқосим Носир ибн Аҳмад ибн Бахр ал-Хуваййу, Абу Бақр Муҳаммад ибн Яҳё ибн Муслим ал-Хуваййу, Муҳаммад ибн Абдулҳай ибн Сувайд ал-Хуваййу. Муаллиф «Хуваййу»дан ясаган нисба. У – Озарбайжондаги бир шаҳар. Мазкур олим шу жойга мансуб деб кўрсатади<sup>23</sup>. Бизнингча, бунда муаллиф Озарбайжон билан Хоразмни аралаштириб юборган бўлиши мумкин. *Шу сабабли, бизнинг назаримизда, юқорида «Ал-Хуваййу» нисбаси билан келтирилган олимлар хисаликлардир.**

---

<sup>23</sup> Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. –Т.: 2007. –156–157-бетлар.

## Хоразмийлар халқаро фалсафа мактаби

*...Бутун жаҳонда ҳали менга хоразмликлар каби аъснабийларга нисбатан ҳушхулқ, олиҳсаноб, меҳмондӯст, доно кишиларни учратиши насиб этмаганди...*

**Ибн Батута (1304-1377) – араб сайёҳи ва тарихчиси**

*Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг ҳоҳ ўтмишидаги, ҳоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўрингчи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўзгарликнинг сабаби эса битта. Башарти тан олишса, тарихий хулосалари чинпакака чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фоти бўлади.*

**И.Каримов**

Мустақиллик даврида «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Хоразм аждодларимиз моддий ва маънавий қадриятларини, маънавий жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани ҳамда жамият аъзоларини, хусусан, ёшларни ватанпарварлик, элпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашдаги буюк хизматлари учун 2003 йилда Жалолиддин Мангуберди номидаги орден билан тақдирланди. «... Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор», – деган эди И.Каримов Хоразм вилоятига (2003 йил 2 декабрь) Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимида.

«Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси»да баён қилинишича, Хулогу қўшинлари Гурганчини босиб олмоқчи бўлганида, Нажмиддин

Кубро илму ҳол ва қол билан пойтахтни кўздан яшириб қўяди. Шунда Хулоғу Шайхнинг оиласи ва муридлари билан Хоразмдан чиқиб кетишини, эвазига ҳаёти кафолатланишини таклиф қилади. Унга жавобан Ватанга садоқатли Нажмиддин Кубро: «Мен бу ерда ўзимнинг энг яхши кунларимни ўтказдим, энди бундай ҳалокатли кунларда шаҳарни ташлаб кетиш пасткашлик бўлур эди»,—деб жавоб беради<sup>24</sup>. Нажмиддин Кубро бошқа бир асаридида шундай ёзди: «Она-Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш Аллоҳ висолига етишмоқ ила баробардир»<sup>25</sup>. Юқоридаги жиҳатларга кенгроқ тўхталишимиздан мақсад, энг аввало, Хоразм Маъмур академияси давридаги ижтимоий, сиёсий муҳит тўғрисида бироз тасаввурга эга бўлиш, иккинчидан, бу давр илмий тадқиқотларда етарли даражада ўз аксини топмаганлигини кўрсатиш, учинчидан эса, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш ўша даврдаги тарихий, фалсафий, ҳуқуқий алоқалар тўғрисидаги билимларимизни янада оширишга йўналтирилганлигини англаб етиш ҳамда, тўртинчидан, буларнинг барчаси мамлакат аҳолисини, айни пайтда келажак устунлари бўлган ёшларни аждодларимиз яратган қадриятларни англаб олишлари баробарида, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва улар онгида миллий мафқуранинг қарор топишига хизмат қилишини тушунтиришдан иборатдир.

Ҳозирда фанга Хоразмий нисбаси билан танилган 100 га яқин олим, мутафаккирлар маълум. *Шунингдек, ал-Батиковий, ал-Бофий, ал-Барконий, ал-Барқий, ат-Тумоуртошйй, ал-Ҳабобий, ал-Ҳижжйй, ал-Харурий, ад-Даргоний, ас-Сафардазий, ас-Саваканий, аш-Шумюний, ат-Табархазий, ат-Тохирий, ал-Атикий, ал-Фуравий, ал-Фарабрйй, ал-Фарнийфасоний, ал-Қассорйй, ал-Кабирей, ал-Кардарий, ан-Наққол, ан-Нузакосий, ал-Ҳазаракий, Рабғузйй, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Феруз, Баёний, Қолмил Хоразмий* каби алломалар ҳам мазкур замин фарзандларидир ва шунга ўхшаш юзлаб нисбалар олган олимлар, уламолар Хоразм заминидан чиққан. Шунингдек, Хоразмнинг илм-фан ва маданият, олимларга яратилган имконият, турли дин вакиллари ора-

<sup>24</sup> Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд қирқ ривоят. —Урганч: «Хоразм», 2006. —70-бет.

<sup>25</sup> *Ҳамидхон Ислохий*. Нажмиддин Кубро. —Урганч: «Хоразм», 1995. —86-бет.



сида шакллантирилган толерантлик омиллари хорижлик олим-уламоларни ўзига жалб қилган. Бу ҳақда Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий (Рашидуддин ал-Ватвот) шундай ёзган: «Хоразм шу даражага бориб етдики, у қўрққан ва хавф-хатарга тушганлар учун бехатар макон, элма-эл кезиб юрадиганлар учун маскан, мусофиру ғарибларга манзилгоҳ, дарвешлар учун бошпаноҳ бўлиб қолди». Рабғузий, Паҳлавон Махмуд, Нажмиддин Кубро, Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Феруз, Баёний, Комил Хоразмий каби алломалар ҳам мазкур замни фарзандларидир

Гурганжий нисбасини олганлар ҳам Хоразмийлар аҳлидан. Араблар уларни айрим ҳолда «ал-Журжония» ёки «ал-Гурганжония» сифатида адабиётларда кўрсатишган.

1. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али ал-Муқриъ ал-Гурганжий (1088 йилда вафот этган). Қуръон илмини эгаллаш мақсадида Шом, Ҳижоз, Аллоҳ каби юртларга сафар қилган. Ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Муҳими, ўз авлодларининг (ўғиллари ва невараларининг) ҳам олим-уламо бўлишига муносиб ҳиссасини қўшган.

2. Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Гурганжий. У Абу Ҳомиднинг ўғли. У қироат илмининг фозил имоми бўлган. Ҳадисшунос.

3. Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Гурганжий. У Абу Муҳаммаднинг ўғли. Солиҳ шайх бўлган. Ҳадисшунос.

4. Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Ҳомид ал-Гурганжий (1000-1092). Бағдод, Ҳаррон, Миср, Дамашқ, Мосул, Хуросонда қироат илмини мукаммал ўрганган. Қори бўлган.» Тазкира китоби» («Китоб ут-тазкира»), «Умид ҳақида китоб» («Китоб ул муаввал») асарлари муаллифи.

## **Марғилонийлар халқаро фалсафа мактаби**

Ёзма манбаларда Фарғона водийсида Қўқон (Хўқанд), Поп (Паб-баб), Фарғона, Қува (Қубо), Косон, Риштон, Эски Навкат, Марғилон (Марғилон) ва бошқа кўплаб шаҳарлар мавжуд бўлганлиги кўрсатилади. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти тўғрисидаги археологик маълумотлар (Ўзбекистон ҳудудининг бошқа жой-

ларига нисбатан) кам ўрганилган. Шунингдек, собиқ Иттифоқ даврида тадқиқ қилинган жойларда ҳам у ердаги шаҳарсозлик маданияти «ёшартириб» (ўтмишда) кўрсатилганлигини ҳозирги археологик ишлар натижалари тасдиқламақда.

Манбаларда Марғилон шаҳри Шоҳимардонсой ҳавзасида пайдо бўлганлиги таъкидланади. Марғилон шаҳри турли даврларда турлича: Марғинон, Маскат, Марғижон каби номлар билан аталган. «Фарғона тарихи» муаллифи (Исфаҳон Жунайдуллохожа ўғли Иброт) «Ажойиб ул-булдон» («Ажойиб шаҳарлар») асарида келтирилган ривоятга асосланиб, Марғилон атамасини Александ Македонский билан боғлиқ деб кўрсатади. «Бобурнома»да Марғинон Андижон шаҳрининг ғарбида, етти ёғоч узоқликда жойлашган», деб таъкидланади. Ёқут ал-Ҳамавий Марғилон – Фарғонанинг машҳур шаҳарларидан бири деб ёзади. Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мақдисий Марғилон Фарғона водийсининг муҳим таянч шаҳарларидан бири, деб таъкидлайди. Ал-Нотарҳий ўзининг «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» асарида Фарғонадаги шаҳарларни кўрсатиш баробарида, Марғилон шаҳри тўғрисидаги маълумотларни келтиради. XI–XII асрларда Буюк ипак йўлининг Шимолӣ Фарғона орқали ўтган тармоғи Ахсикентдан сўнг (Жўжанд – Поп – Ахсикент – Қубо) иккига бўлинган. Улардан битта йўналиш Миён Рудан орқали Ўзганга, иккинчи йўналиш эса Ахсикентдан Қубога эмас, Марғилонга борган<sup>26</sup>.

Умуман олганда, табиий шароитнинг қулайлиги, йўлларнинг раво ва текислиги, Фарғона орқали ўтган Буюк ипак йўлининг шимолӣ ва жанубӣ тармоқлари Марғилон орқали ўтиши XI–XIII аср бошларида уни ас-Самъоний сўзи билан айтганда, «энг буюк шаҳарлардан бири»га айланишига олиб келган<sup>27</sup>. Бу даврларда Марғилонда савдо-сотиқнинг ривожланиши, маданий алоқаларнинг кучайиши, илм-фан ва ҳунармандчиликнинг равнақи ҳамда бошқалар ўз тангаларини зарб этишда асосий омиллардан бири бўлган. 1051–1052 йилларда зарб этилган Марғилон дирҳамларида Қорахоний Али

---

<sup>26</sup> Муродова Д.Х. Марғилон – буюк ипак йўли тизимида/Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2007. – 51-бет.

<sup>27</sup> Анорбоев А.А., Исмоилов У.И., Маибобоев Б.Х. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. –Т., 2001. –22-бет.

Тегиннинг ўгли Хорун бин Али номи ёзилган<sup>28</sup>. XIII асрларда Марғилон энг машҳур шаҳарлардан ҳисобланган.

Ўрта асрларда Марғилоннинг 12 та дарвозаси мавжуд бўлган. Марғилондан машҳур олимлар етишиб чиққан. Масалан, Марғинон шаҳрининг Ғандоб маҳалласидан Абу Муҳаммад Умар ибн Аҳмад Абулҳасан ал-Ғандобий ал-Марғиноний (1092 й.тав.топган) Самарқандда фатво берувчи ҳуқуққа эга бўлган зукко фақиҳ бўлган. Шунингдек, Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний (1204 й.ваф.этган), Бурҳониддин Абулҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний (1197 й.ваф.этган) ва бошқа буюк алломалар нафақат мамлакатимиз илм-фани ва маданиятига, айни пайтда, инсоният цивилизациясига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган ҳамда илм аҳли томонидан эътироф қилинган. Марғилон шаҳрида XVIII–XX аср бошларида қурилган тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган (Пир Сиддиқ мажмуаси, Хўжа Мағиз мақбараси, Чокар, Торанбозор масжидлари, Саидахмад Хўжа Эшон мадрасаси ва бошқалар). 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлигини чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг Туркистон генерал-губернатори Фарғона вилоятининг Марғилон уезди таркибига киритган. Чор ҳукумати уезд марказини Марғилон шаҳридан 12-15 километр четда барпо этган ҳамда уни Янги Марғилон деб атаган. Мазкур шаҳар 1907 йилдан Скобелев шаҳри, 1924 йилдан Фарғона деб аталган. Бу даврда эски Марғилонда мискарлик, ипакчилик, кулолчилик, дўппидўзлик кенг ривожланган. Марғилоннинг ипакчилик маҳсулотлари Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Туркия, Франция ва бошқа хорижий давлатларга олиб кетилган.

Марғилон ҳукмдори Саид Мавлон Бахти Муҳаммадга шахсан хон томонидан кўрсатма берилиб, пилла қуртларини боқиш учун озуқа бўлган тутзорлар ташкил қилиш сўралади. Бек Ермозордаги катта ер майдонларида тутзорлар ташкил эттиради. Марғилон бегининг ғазначиси Мулла Муҳаммад Юсуф Мирзонинг ўн ойлик ҳисоботида келтирилишича, пилла етиштиришдан тушган 10 минг 500 танга

---

<sup>28</sup> Кочнев Б.Д. Мавераннахр накануне создания Западного Караханидского каганата//ИМКУ, Вып. –31. Самарканд, 2000. –С.200.

маблағни Марғилон шаҳри ободончилиги ва бошқа татбирларга ишлатилгани кўрсатилади<sup>29</sup>. Марғилон ва унинг атрофида тулар (оқ тут, қора тут, шоҳ тут) ўта қадрланган (хом ашё сифатида тут дарахти барги катта-кичиклиги ва навиға қараб 8 копейкадан 10 копейкагача бўлган). Ипакчилик собиқ Иттифоқ даврида янада раванқ топган (1965 йилда «Атлас» фабрикаси ипақдан 12 миллион метрли маҳсулот ишлаб чиқарган). Марғилон ипақ маҳсулотлари Ҳиндистон, АҚШ, Туркия, Бельгия, Япония, Канада, Венгрия, Германия шаҳарларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намоён қилиниб, муносиб тақдирланган. 1875 йилда Марғилонда 57 та мадраса, 1898 йилда 55 та мадраса, 1903 йилда 51 мадраса, 1875 йилда 433 та мактаб, 1898 йилда 324 та мактаб, 1908 йилда 56 та мактаб (шунинг 25 таси отинийлар мактаби), 25 та мадраса бўлган. 1875 йилда Фарғона вилоятида мавжуд бўлган 325 та корхонанинг 21 таси Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатган<sup>30</sup>. «Роберт-Кенц» (Москва) фирмаси экспедицияси ҳофиз Мадалибек Раҳматуллаев (Мадалибек Ҳофиз)нинг «Абдурахмонбегим» туркумидаги классик ашуларини грампластикага 1912 йилда ёзиб олган.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги бошқа қадимий ва навқирон шаҳарлар сингари, Марғилон ҳам мустақиллик шароитида янада кўркамлиши ҳамда мамлакат иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида ўзинга хос ўринини эгаллади.

### **Марғилоний ишбаспни олган олпм-уламолардан:**

1. Абу Яъқуб Юсуф ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Маъмун ибн Юнус ибн Нож ал-Марғилоний.

2. Абулмузаффар Баҳром ибн Ҳамза ибн ал-Муборак ал-Марғилоний.

3. Ал-Имом Абулазиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъд ибн Сулаймон ибн Миткон ал-Марғилоний

4. Ал-Амир ал-Имом Абулмаъолий Қайс ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Амирак ал-Марғилоний.

---

<sup>29</sup> *Набиев Р.Н.* Истории Кокандского ханства. –Т.: 1973. –С.209.

<sup>30</sup> *Тиллабоев С.* XIX аср охири – XX аср бошларида Марғилон/Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2007. –110-бет.

5. Ал-Имом Абулҳасан Наср ибн ал-Ҳасан ал-Марғинович.
6. Абулҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Бурҳонуддин ал-Марғинович.
7. Заҳируддин Али ибн Абулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғинович.
8. Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғинович.
9. Абулфатҳ Зайнуддин Абдураҳим ибн Абу Бакр ибн Имоуддин ибн Абу Бакр Али ибн Абдулжалил ал-Марғинович.
10. Абулмаҳосин Заҳируддин ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинович.
11. Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абулазиз ибн Умар ибн Мозаҳ ал-Бухорий ал-Марғинович ал-Ҳанафий ва бошқаларни келтириш мумкин.

### Фарғонийлар халқаро фалсафа мактаби

*Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ўзбек замишида етишиб чиққан буюк алломалар Мисрда ўчмас из қолдирган. Масалан, Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган инаоот яратган ва биз ундан ҳозир ҳам фойдаланиб келамиз. Илгари Мовароуннаҳр савдогарлари Қоҳирага тез-тез бориб туришган. Ҳозир мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекия» деб номланган мавзе бор.*

Нодия Иброҳим Каффофий –  
Миср Араб Республикасининг  
Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси

Қадимдан жаҳон аҳли Фарғонани Ўрта Осиё марвариди деб атаган. Чунки бу ҳудуд нафақат Ўзбекистон учун, айти пайтда инсоният цивилизацияси учун бешик бўлган манзиллардан биридир. Фарғонанинг «Селунғур» форидан топилган манбаларнинг мукамал даражада ўрганилиши натижасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё халқлари учун оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган илмий хулосалар олинди. Натижада бу ҳудудда инсоният

тарихи 100 минг йилдан бир ярим миллион йилга узайтирилди. Ҳозирда унча катта бўлмаган мазкур ҳудудда тош даврига онд 120 та, мезолит даврига онд 80 дан ортиқ манзилгоҳ» топилиб ўрганилган<sup>31</sup>. Фарғона ҳудуди тоғ қояларига ўйиб ишланган суратларнинг сони 1000 дан ошиқни ташкил этади. Уларнинг ёши 4 минг йилдан зиёд. Ҳижрий 433, милодий 1004 йили Фарғона водийсининг Исфара вилояти ҳукмдори Муъизуддавла Абул Фазл Аббос Арслон Тачни дунёда биринчи бўлиб расмий давлат қўриқхонасини ташкил этади, махсус фармон чиқариб уни тошга ўйиб ёддиради.

Фарғона бошқа давлат ва халқлар билан маданий ва савдо алоқаларини кенг ривожлантирган, шаҳарсозлик маданияти, илм-фан равнақ топган. Бундай узвийлик барча даврларда ҳам сақланиб қолган. Айниқса, VII–XII асрларда бу ҳудудда маданият, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, турли фанлар ривожини учун кенг имкониятлар мавжуд бўлган. Ҳозир «фарғоний» нисбасини олган 30 га яқин олим, мутафаккирлар фанга маълум. Шунингдек, ал-Ахсиқатий, ал-Астарсанний, ал-Бархуноний, ал-Жундий, ал-Ҳотамий, ал-Хамоний, ал-Хайломий, ар-Риштоний, ал-Ғазакий, ал-Ломинший, ал-Марғилоний, ан-Нуқодий, ал-Язохкас каби юзлаб нисбаларни олган олим, уламолар Фарғона замини фарзандларидир.

Мабаларда «Ломинш»га нисба берилади. Бу бевосита Фарғонанинг Ломинш қишлоғидан чиққан алломалардир. Абдуллоҳ Абдулҳамид Сааднинг «Ўрта Осиё олимлари қомусида «Ал-Ломинший» нисбаси билан фақат битта аллома тўғрисида маълумот берилади, яъни Абу Али ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абулқосим ал-Ломинший ал-Фарғоний (1049–1128) кўрсатилади. У қиёсий ҳуқуқшунослик бўйича машҳур олим бўлган. Лекин Ломинш қишлоғидан кўплаб олим ва уламолар етишиб чиққан. Масалан, калом ва фикҳ илми олими Абу ас-Сана Маҳмуд ибн ал-Ломинший ҳам XI–XII асрларда яшаган. Лекин у ҳақда маълумотлар мамлакатимизда ҳамда хорижда ҳам етарли ўрганилмаган. Профессор У.Уватов «Ал-Ломинший – калом ва фикҳ илмининг алломаси» мақоласида янги маълумот-

---

<sup>31</sup> Исмоилов Ў.И. Жанубий Фарғонанинг тош даврига онд янги маълумотлар. //Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2007. –13-бет.

лар беради<sup>32</sup>. Париж илмий тадқиқотлар миллий марказининг бўлим мудирни доктор Абдулмажид Туркий ўз тадқиқотлари давомида Истамбулдаги нодир ёзма ёдгорликлар сақланадиган Сулаймония кутубхонасидаги қўлёзма билан танишиш пайтида тасодифан имом Абу ас-Сана Маҳмуд ибн ал-Ломишийнинг илоҳиётга бағишланган «Китоб ат-Талхид ли-Қавоъид ат-тавҳид» (Аллоҳнинг ягоналиги қоидаларига доир қўлланма китоб) деб номланган ҳамда муқовасида «Ал-имом ал-аллома шайх ул-ислом ал-Ломиший» деб ёзилган китобини ҳамда ислом қонуншунослигига оид «Китоб фи усул ал-фиқҳ» деб номланган асарни топади. Бу манбаларнинг топилиши Фарғонийлар тўғрисидаги билим ва тасавурларимиз янада кенгайганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғоний (861 йилда вафот этган). Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини янада кенгроқ тадқиқ қилиш ҳозирги ривожланиш жараёнининг талабидир. Чунки улар тўғрисидаги, уларнинг илмий бойликлари ҳақидаги маълумотлар тўла ўрганилмаганлиги оқибатида тадқиқотларда айрим чалкашликлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Масалан, айрим манбаларда Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир 861 йилда вафот этган (туғилган йили номаълум) деб кўрсатилади. Аҳмад Фарғонийнинг туғилган йили номаълумлиги барча манбаларда алоҳида таъкидланади. Вафот этган йиллари эса республикамиздаги манбаларнинг барчасида 861 йил деб кўрсатилади. Лекин хориждаги манбаларда Аҳмад Фарғоний 833 йилдан олдин ҳаёт бўлган деб кўрсатилади<sup>33</sup>. Шунингдек, муаллиф Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Таъғж ибн Жафф ибн Ялтикин ибн Фаврон ибн Фаврий ибн Хоқон Аҳмад Фарғонийнинг вафот этган йилини 861 йил деб кўрсатган<sup>34</sup>.

Аҳмад Фарғоний асарларининг номланишида ҳам турлича қарашлар мавжудки, бу ҳам айрим ҳолларда илмий тадқиқотларда ноаниқликларни келтириб чиқаради. Масалан, «Китоб фи усул илм ан-ну-

---

<sup>32</sup> Уватов У. Ал-Ломиший – калом ва фиқҳ илмининг алломаси//Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2008. –155–157-бетлар.

<sup>33</sup> Абдуллоҳ Абулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. –Т.: 2007. –279-бет.

<sup>34</sup> Ўша жойда, –280-бет.

жум» китоби ўзбек тилида «Астрономия илмининг усуллари ҳақидаги китоб» тарзида<sup>35</sup> ҳамда «Астрономиянинг асослари ҳақида китоб» деб ҳам кўрсатилган<sup>36</sup>. Шунингдек, «Китоб фи усул илм ан-нужум» асари «Алмажистига бағишланган астрономик рисола», «Фалак сфералари сабабияти», «Алмажисти (Алмагест)», «Илм ал-ҳайа (Астрономия илми)» номлари билан (яъни, улар номланиши ҳар хил, лекин матн бир хил) кўрсатилган.

Шарқда «Миқёс ан-Нил», «Миқёси жадид», «Адолат тарозиси», Фарбда «Нилометр» деган номлар билан машҳур бўлган Нил (6671 км, сув тўплаш майдони 2870 минг кв.км.га тенг) дарёси ўзанидаги Родо (Равзо) оролида сув сатҳини ўлчаш мақсадида қурилган иншоот бевосита Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғонийнинг кашфиёти бўлган. Аксарият манбаларда Аҳмад Фарғоний халифа Маъмуннинг «Байт ул-ҳикма»сида сув илмини ўрганиб, кейин «Нилометр»ни (1150 йилдан буён фойдаланилиб келинмоқда) кашф қилган дейилади. Лекин Аҳмад Фарғоний ўзи тутилиб ўсган Ватанида олган bilimларини амалиётга жорий этиб, «Нилометр»ни кашф қилади. Чунки Аҳмад Фарғоний тутилиб ўсган юрtda барча фанлар қатори сув илми ҳам ривожланган. Фарғона қадимдан Буюк ипак йўлида жойлашган алоҳида давлат (Довон) бўлгани мазкур ҳудудда илм-фаннинг ривожланишига асос бўлган.

Зеро, Хитой манбаларида Фарғона (Довон) давлатининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар мил. авв. VI–V асрлар сифатида кўрсатилиши ёки Фарғонанинг марказий шаҳарларидан бири – Марғилон 2000 ёшдан ошганлиги ҳам юқоридаги фикрларни исботлаб турибди. Муҳими, мазкур қурилмадан ҳозирги энг замонавий «Валдай» (дарёлар, кўллар, сув омборлари сатҳини автоматик тарзда ўлчайди) ва «Рорданка» (океан ва денгизлар сув сатҳини ўлчайдиган асбоб) мосламаларнинг тайёрлашда тўла нусха олинганидир. Шунингдек, «Нилометр» жаҳон гидрология фанига ҳам тамал тошини қўйган. Чунки ундаги ўлчов мезони – «см» ҳозирда ҳам сув сатҳини белгилашда асосий ўлчов бирлиги ҳисобланади.

---

<sup>35</sup> Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Т.: «Ўзбекистон», 1995. –32-бет.

<sup>36</sup> Ўрта Осиё олимлари қомуси, – Т. 2007. – 279-бет.



«Нилометр»да ўзига хос ўлчов тирсаклари (шкалалари) бўлганки, бу жуда катта аниқлик билан белгиланган. У Нил дарёсидаги сув сатҳи 16-тирсакгача кўтарилса ҳосил мўл бўлишини, ортиқча сувга зарурият йўқлигини билдирган. Агар 15-тирсакка кўтарилса, яхши ҳосил олинган, 14-тирсакда эса ўртача ҳосил олинган. Бу шкала фалсафасининг мазмун-моҳияти қуйидагиларда кўринади:

а) агар сув сатҳи Нил дарёсида Нилометрнинг 16-тирсакига етса, демак Мисрда мўл-кўл ҳосилдорлик йшли бўлади;

б) агар сув сатҳи 14-тирсакка етмаса, демак, Мисрда қурғоқчилик бўлади;

в) сув сатҳи 17-тирсакка етса ёки ундан ошиб кетса Мисрда Нил дарёси тошиб кетади;

г) сув сатҳининг қайси тирсакка кўтарилишига қараб, яъни «наст тирсак» ёки «юқори тирсак»га қараб Миср ҳукумати деҳқонларга солиқ миқдорини белгилаган. Шу сабабли ҳам Нилометр Миср халқи орасида «Адолат тарозиси» номи билан машҳур бўлган;

д) Нилометрдаги сув сатҳини ўлчаши бирлиги (см) ҳозирда ҳам жаҳон гидрологиясида қўлланиб келинмоқда. Муҳими, Жаҳон Метеорология ташиқлотига (ЖМТ) аъзо мамлакатларнинг (океан, денгиз, кўл, сув олбори, дарё) сув сатҳини ўлчаши Нилометр аниқлигига асосланган.

Аҳмад Фарғоний илмий салоҳиятининг айрим жиҳатлари қуйидагилар:

– Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир 812 йилда Қуёш тутилишини олдиндан айтган.

– У Мисрда Нилометрни кашф қилган. Бу туташ идишлар қондасига асосланган Нил сувини ўлчайдиган асбоб ҳозирда ҳам ишлатилмоқда. Ҳозирда Нилометр қурилган жойни видеога олиш учун мижоз 5000 доллар тўлаши белгилаб қўйилган.

– Унинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб» асари, у «Астрономия негизлари» деб ҳам юритилди. Китобда коинот илмига оид асбоблар, Қуёш соатлари тўғрисида, ўша даврдаги олимларнинг мамлакатларни етти иқлимга бўлиб ўрганишлари, жойларнинг географияга оид координатларининг Шарқдан Фарбга томон йўналишдаги илмий хулосалар берилган.

Мазкур асар жаҳонда коинот, астрономия учун асосий қўлланма вазифасини ўтаган.

– Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касирнинг номи Европада «Ал-Фраганус» тарзида ифодаланган ва тушунилган. Унинг ишдаги муваффақиятларидан Данте ҳам ҳайратга тушган. Асарлари инглиз, немис, рус, лотин, француз, форс тилларига минглаб нусхада таржима қилинган.

– Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касирнинг стереографик проекциялар назариясини математик Эйлер (1000 йилдан сўнг) XVIII асрда географияга оид карталар тузиш назариясига татбиқ қилиб, «Катта географик карта»сида қўллаган.

– Лобачевский текислигининг Бельтрами-Клейн проекцияси космографияларининг асоси ҳамда ноевклид геометрияларига ҳам унинг фоя ва назариялари асос бўлган.

– Аҳмад ал-Фарғонийнинг номини, ҳатто, жаҳон адабиётининг машҳур намояндаси Данте «Илоҳий комедия» асарида ҳам бир неча маротаба тилга олган.

Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний Аббосий халифа Маъмуннинг мунажжимларидан бири бўлган. Шунингдек, у халифа Маъмун академиясида фалакшўт илмининг машҳур олимларидан бўлган. *Шу сабабли мавжуд адабиётларда ҳамда илмий тадқиқотлардаги «халифа Маъмун академиясида Аҳмад Фарғоний ҳам илмий излашишлар олиб борган» деган анъанани «халифа Маъмун академияси»да фарғонийлар илмий излашишлар олиб борган ҳамда академиянинг юксалишида, эсаҳон илм-фани равнақида уларнинг буюк хизматлари синган, деб таъкидлаш ўридлидир.*

Шунингдек, Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари», «Ал-Фарғоний жадваллари» (Осмон жисмлари ҳаракатини Аҳмад Фарғоний жадваллар шаклида, кейинчалик Исаак Ньютон масса ҳаракатининг динамикаси шаклида изоҳлашган) асарлари айниқса XI асрлардан XX асрга қадар жаҳоннинг турли тилларида (лотин, инглиз, француз, испан, рус, немис) қайта-қайта (юзга яқин) нашр қилинган. Европада XVII аср охирларига қадар астрономияга оид асосий дарсликлардан ҳисоб-

ланган. Беш юз йилдан кейин Америка қитъасини «очган» машҳур сайёҳ Христофор Колумб: «Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим», – деган дастхат ёзиб қолдирган.

Демак, юқоридагилар фарғонийлар халқаро фалсафа мактабидан нафақат буюк олим-мутафаккирлар етишиб чиққанлигини, аини найтда уларнинг интеллектуал капитали инсоният цивилизациясининг такомилда салмоқли бўлганлигини билдиради. Муҳими уларнинг интеллектуал капиталидан ҳозир ҳам жаҳон илми аҳли баҳраманд бўлаётганлиги, бизни қувонтиради.

## Нахшабийлар ва насафийлар халқаро фалсафа мактаби

*... кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму-шижоатиши, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган булёткорлик ишларимизни кўрсин.*

И.Каримов

Қашқадарё воҳасидан археологлар томонидан Сангиртена, Янгитепа, Ерқўрғон ёдгорликларининг топилиши мазкур ҳудудда мил. авв. II мингинчи йиллар охиридан деҳқончилик маданияти ривожланганлигини кўрсатади. Шунингдек, топилган ёдгорликлар манзилларида кўп хонали иншоотлар, бронза буюмлар бўлган. Маҳаллий аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қадимги Қарши шаҳри тўғрисида хитой, эрон, юнон ва араб ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолган. Бу манбаларда Қарши - Сўғд мулкининг марказий шаҳарларидан бири сифатида кўрсатилади. Шаҳар илк темир давридан, яъни мил. авв. биринчи минг йилликдан бошлаб шаклланган. Баъзи тадқиқотчилар Қарши шаҳрининг қадимийлиги ҳамда воҳадаги бошқа шаҳарларга қараганда кўҳналигини ҳисобга олиб, уни «Қашқадарё воҳаси шаҳарларининг онаси»<sup>37</sup>, деб кўрсатишган. Александр Македонский даврида юнонлар

---

<sup>37</sup> Сулейманова Р.Х. Древний Нахшаб. – Самарканд – Т.: «Фан», 2000. – С.24.

уни Бранхитлар шаҳри деб, VI асрлардан кейин юнон манбаларида Ксениппа, Хитой манбаларида Нашебон, Никшапа, Нахшаб тарзида кўрсатилган. Хитой йилномасида (Тан-Шу) Зарафшон, Қашқадарё, Амударё бўйида тўққизта ҳокимлик (Самарқанд, Маймурғ, Кеш, Нахшаб, Иштихон, Кушония, Бухоро, Аму, Андхой) бўлганлиги таъкидланади.

Демак, қадимда Нахшаб ҳокимлиги бўлиб, унинг марказий шаҳри Нахшаб бўлган. Шунингдек, бу даврда мазкур ҳокимликларда иқтисоднинг ўсганлиги, ҳунармандчилик равнақи кўрсатилади ҳамда тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик тараққий қилганлиги, оташпарастлик, буддизм, христиан дини ривожланганлиги таъкидланган. Қарши, айниқса, илк ўрта асрларда Сўғд ва Бақтрия билан иқтисодий, савдо, ҳарбий алоқаларда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, Булок ипак йўлида Шарқдан Жануб ва Ғарбга ҳамда Ғарб ва жанубдан шимол ва шарққа боришда муҳим йирик шаҳар сифатида танилган. Шунинг учун ҳам Сўғд мулкида Насаф шаҳри ҳукмдорлари ўз элчиларини расмий равишда Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга юбориш имкониятига эга бўлишган. Бу давлатларда Насаф ҳокимлари мис тангаларни забт эттирганлар.

Араб истилоси даврида босқинчиларга қарши ҳаракатларда Қарши шаҳри мунтазам иштирок қилган. Масалан, Ашқад бошчилигидаги Насаф қўшинлари сўғд подшоси Гурал билан ҳамкорликда 731 йилда Сурра ибн Хурра раҳбарлигидаги араб босқинчиларига қарши курашади. Динаварий маълумотларида Абу Муслим кўзғолони ҳам бевосита Балх, Чағонён, Кеш, Насаф ва бошқа ҳокимликлардан 100 минг кўшин тўплангач бошланганлиги кўрсатилган. Араб файласуфлари Абулқосим ибн Ҳавкал («Йўллар ва мамлакатлар» асари) ва Абу Саъл ас-Самъоний (1113–1167, «Нисбалар китоби») асарларида Нахшаб X–XII асрларда ривожланганлиги, илм-маърифат юксалганлигини кўрсатишлари билан бирга, шаҳар дарвозалари (Нажжорий, Самарқанд, Кеш, Ғубдин) ва ички ҳолати (3 та даҳа, 4 та кўча, 2 та масжид, 2 та хонақо, битта работ, битта минора) тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдиришган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Қарши шайбонийлар султониға

(Абдуллахон II) бўйсунган бўлиб, у даврда Қаршида «1001 та работ ва сардоба, кўплаб мадраса, масжид, хонақоҳ, кўприк, сув омборлари ва бошқа иншоотлар бўлган»<sup>38</sup>. Насаф шаҳри атрофида 70 дан ортиқ йирик қишлоқлар (Офирон, Астуғдодийза, Андадий, Аншамийсан, Баён, Бутхазон, Бадайна, Базфон, Бузмақон...) бўлиб, уларда ҳам ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ривожланган, илм-фан равнақ топган ҳамда машҳур олимлар етишиб чиққан.

Манбаларда Қарши шаҳрида 20 дан ортиқ маҳалла номлари санаб ўтилади: Мир Души, Мирзолат, Оғалиқ, Чубин, Хонақоҳ, Ҳаррот, Шаршара, Бекларбеги, Эрони гузар, Қонхона, Ҳарамсарой, Дарвозан Тутак, Бойгузари, Мирзо Латни,<sup>39</sup> Баздове, Жавбақ, Жувиқ, Ас-Соға ва бошқалар. Бу маҳаллалар номлари билан шу жойда яшаётган кишиларнинг қандай ҳунармандчилик билан шуғулланишларини билса бўлади. Масалан, Бойлар маҳалласи заргарлик билан, Кулолгузарда кулолчилик, Чармлар маҳалласида кавш-махси, терига ишлов бериш билан шуғулланишган. Ҳунармандчилик, айниқса, мато тўқиш Қаршида қадимдан равнақ топган, олача матолари билан машҳур бўлган. Қарши шаҳридан Буюк ипак йўлининг ўтгани унинг ҳар томонлама равнақига таъсир қилган. Бухоролик тарихчи Мирзо Муҳаммад Салимбек бинни Муҳаммад Раҳим «Тарихи Салимий» асарида бу ҳақда шундай деб ёзган: «Бу вилоятда намат бошиш, гилам тўқиш, турли нав ип ва ипак олачалари, «ним-шоҳи» матолар тўқиш яхши йўлга қўйилган. Аъло сифатли «боғдоди» этикларининг доврўғи нафақат атроф бекларига, балки қўшни мамлакатларга ҳам етиб борган. Бундаги ҳунар аҳли маҳсулотига хоринда ҳам талаб бисёр. Урганчдан ҳар йили тижоратчилар бу ерга келиб, кўплаб намат ва «боғдоди» этикларини харид қилиб, ўз ватанларига олиб кетадилар».

Аждодларимиз шаҳарсозлик анъаналари ҳам ўзига хос тарзда бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Ўтмишда барча шаҳарларда ўз Регистони бўлганлиги (форсча «рег» – қум, яъни қумли майдон) алоҳида кўрсатилади. Регистонда алоҳида майдон ва май-

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-том. –Т.: «Фан», 1993. –22-бет.

<sup>39</sup> *Сухарева О.* К истории городов Бухарского ханства//Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. XXI. –С.15.

дон атрофида меъморилик мажмуалари (масалан, Қаршидаги Регистон атрофида Одина жомеъ масжиди ва мадрасалар) бўлган. Регистонга отлич ёки аравада (ҳатто, хонлар, амирларга ҳам) кинин тақинқланган. Регистонда халқ сайиллари (масалан, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари) ташкил этилган. Қарши Регистонига тоғдан келтирилган қизил тувроқ тўшалган. Шу сабабли ҳам «Майдони сурх», яъни «Қизил майдон» деб аталган. Қарши Регистонига Амир Темур асос солган. Амир Темур Қарши Регистонида Одина жомеъ масжидини қурдирган. Регистон – Майдони сурх – Қизил Майдон атамаси Амир Темур даври маҳсули.

Мустақиллик даврида, хусусан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи арафасида у ўзбек халқининг бунёдкорлик ва ижодкорлик анъаналари негизида қайта тикланди, аждодлар руҳлари шод этилди. Мустақиллик йилларида, барча жойларда бўлгани сингари, Қарши шаҳри ободончилиги, қадимги ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ҳамда замонавий бинолар бунёд этишга 50 млрд сўм маблағ ажратилди. 2006 йилнинг 27 октябрида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги халқаро (ЮНЕСКО) миқёсда нишонланди. «Ўзнинг узоқ ва бой ўтмиши давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўхна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун, аввало бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўнлаб улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз-авлиёларнинг ватани сифатида қадри ва мукарамдир.

Бу юрт ўз тарихида кимларни, қандай оғир ва машаққатли синовлар, тўфон ва суронларни кўрмаган. Бу ерга кимлар келиб кетмаган. Александр Македонский босқини, Сосонийлар ҳужуми, араб истилоси, Чингизхоннинг қонли юришлари, табиий офатлар оқибатида Қарши шаҳри бир неча бор яқсон бўлиб, вайронага айланган... Яқин ўтмишда, мустақил тузум даврида ҳам шу бетакрор ерда яшаётган, ўз қадр-қимматини чуқур англайдиган элни қатагон қилиш, тазйиқ остига олиш, унинг устидан турли бўҳтон ва уйдирмаларни тўқиш, шаъни ва ғурурини топташ каби қандай азоб-уқубатларни Қашқадарё аҳли бошидан кечиргани, жабр тортгани ҳали-бери ёдимизда. Лекин, ҳар қандай қирғин ва фожияларга қарамасдан, бу воҳанинг, Қаршидек умри боқий шаҳарнинг ҳаёт ва давр синовларини

дан омон ўтиб, мана шу ёруғ кунларга етиб келгани шу заминда яшаб ўтган аждодларимиз, бугун ҳаёт кечираётган авлоднинг мустақкам продаси, эркинлик ва озодликка интилиш туйғуси наҳадар кучли эканининг тасдиғидир... Бугунги кунда Қарши шаҳри нафақат кўҳна тарихий маскан, балки ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортадиган навқирон, замонавий шаҳарга айланиб тургани истиқлолимизнинг беқийс қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий исботидир»<sup>40</sup>.

Маълумки, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро миқёсда нишонланди. Ўтган 2700 йилдан ортиқ вақт давомида «Насафий» нисбасини олган юзлаб машҳур олимлар етишиб чиққан. Бу ҳақда академик И.Каримов шундай деган эди: «Насафлик яна бир улуғ зот – юртимиздан чиққан мингдан ортиқ олиму уламолар ҳақида қимматли маълумотлар тўпланган «Китоб алқанд фи зикри уламои Самарқанд» асарининг муаллифи Нажмиддин Умар ан-Насафийдир. Бундай фикрларни Азизиддин Насафий, Абул Баракот Насафий, Сайидо Насафий каби ўнлаб азиз инсонлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

**Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди.** Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир». Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий (1069–1142) – тарихчи, адиб, фақиҳ олими бўлган. У «Ал-Мавақит», «Тухфат ул - мулук» (Подшоҳларга туҳфа). «Ал-акмал ул-атвол» (Энг узун ва мукамал тафсир), «Тилбат ул-талабат фи истилоҳат ал-фиқҳийят» (Фиқҳ атамаларига оид талабаларнинг зарур китоби), «Ан-Нажоҳ фи шарҳ ахбор китоб ас-сиҳаҳ» (Саҳиҳ китобидаги хабарларни шарҳлашда қозонилган ютуқ) каби юздан ортиқ асарлар муаллифидир. Айниқса, «Китоб ал-қанд фи зикри ула-

<sup>40</sup> Каримов И. Муаззам ва мукаррам шаҳар шодиёнаси// Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 70–71-бетлар.

мон Самарқанд» (Самарқанд уламолари тўғрисида қарашлар) китобини аждоқларимиз тўғрисидаги маълумотларнинг ўзига хос энциклопедияси, деб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Унда Мовароуннаҳрда, яъни Ўзбекистон ҳудудида туғилган, таълим олган, машҳур бўлган 1000 дан ортиқ олим-уламолар тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафийнинг «Тилбат ул-талабат фи истилоҳат ал-фиқҳийат» ва «Ал-Мавоқит» асарларида ўз замонасининг фиқҳ илми, ундаги ўзига хослик, тушунча, сўз ва атамаларнинг илмий-фалсафий луғати берилади. Бу луғат нафақат ислом ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини, айни пайтда унинг фалсафий мушоҳадасини кенг изоҳлаши билан аҳамиятлидир.

И.Каримов мазкур замин олим-мутафаккирлари тўғрисида шундай деган эди: «Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё замининда бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биринчи қадимий Насаф шаҳридан «Насафий» тахаллуси билан шухрат қозонган ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир». Фанга «Нахшабий» ва «Насафий» нисбалари билан машҳур бўлган қуйидаги олим - уламолар маълум:

1. Ал-Имом Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн ал-Аббос ибн ал-Фазл ибн ан-Назир ал-Ҳанафий ан-Назирий ал-Мудий ан-Насафий (1057 й.ваф.эт) – уламоларнинг пешвоси бўлган.

2. Абу Исҳоқ Иброҳим Иброҳим ибн Маъқал ибн ал-Ҳажжож ибн Худош ибн Язид ибн Дўст ан-Насафий (907 й.ваф.эт) – Насаф қозиси бўлган.

3. Аҳмад ибн Абу Бақр ан-Насафий ал-Ҳазражий ал-Мисрий ал-Моликий (1598 й.ваф.эт) – Олим ва адиб бўлган.

4. Абу Усмон Саид ибн Иброҳим ибн Маъқал ибн ал-Ҳажжож ибн Худош ан-Насафий (952 й.ваф.эт) – ҳадисшунос ва шеърят соҳибни бўлган.

5. Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (1265 й.ҳаёт бўлган) – фақих бўлган.

6. Абу Наср Аҳмад ибн Абулмуайяд ал-Маҳмудий ан-Насафий (1120 й.ҳаёт бўлган) – фақих, мутакаллим, адиб бўлган.



7. Абулмуъин Маймун ибн Муҳаммад ибн ибн Макхул ан-Насафий (1027-1115)- мутакаллим ва фақиҳ бўлган.

8. Абулфазл Бурҳонуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий (1204-1288) – муфассир, фнққ олимни, мутакаллим, ҳаким, мантиқшунос бўлган.

9. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (1023 й.ваф.эт) – фақиҳ ва шоир бўлган.

10. Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ибн ал-Ҳусайн ан-Насафий (955 й.ваф.эт) – муҳаддис ва ҳофиз бўлган.

11. Жалолуддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Қойний ал-Мавлуд ан-Насафий (1435 й.ваф.эт.) – муҳаддис ва фикқ олимни бўлган.

12. Абу Аҳмад Исо ибн ал-Ҳусайн ибн ар-Рабиъ ал-Касбуний ан-Насафий (995 й.ваф.эт.) – адиб бўлган.

13. Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий (1069-1142) – тарихчи, адиб, фикқ олимни бўлган.

14. Али ибн Муҳаммад Али ибн Абу Бакр ибн Али ан-Насафий ал-Пойкандий (1319 й.ҳаёт бўлган) – ҳадисшунос уламо бўлган.

15. Азиз ибн Муҳаммад ан-Насафий (1139 й.ваф.эт.) – суфий бўлган.

16. Азизуддин Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Насафий (1287 й.ваф.эт.) – суфий бўлган.

17. Ҳофизуддин Абулбарокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (1310 й.ваф.эт.) – фақиҳ ва мутакаллим бўлган.

18. Абу Али ал-Ҳусайн ибн Хизр ибн Юсуф ан-Насафий (1034 й.ваф.эт.) – фақиҳ бўлган.

19. Абу Али ал-Ҳусайн ибн ал-Хидр ан-Насафий ал-Фақиҳ (1037 й.ваф.эт.) – ҳадисшунос олим бўлган.

20. Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ибн Юсуф ан-Насафий (1056 й.ваф.эт.) – мутакаллим бўлган.

21. Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Муътаз ибн Муҳаммад ибн ал-Мустағфир ибн ал-Фатҳ ибн Идрис ал-Мустағфирний ан-Насафий (961-1041) – муҳаддис ва муаррих бўлган.

22. Абу Мутн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий (930 й.ваф.эт.) – фақиҳ, муҳаддис, ҳофиз бўлган.

23. Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ибн Ражо ибн Заръа ан-Насафий (1075 й.туғ.) – Хуросонда қози бўлган.

24. Ал-Ҳофиз Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Осим ибн Рамазон ибн Али ибн Афлаҳ ибн Абу Жаъфар ибн Убай ан-Насафий ан-Нахшабий (456 ҳ.й.ваф.эт.) – ҳадис илми пешволаридан бири бўлган.

25. Ҳибатуллоҳ ал-Акфоний ан-Нахшабий (456 ҳ.й.ваф.эт.) – ҳадисшунос олим эди.

26. Абу Туроб Аскар ибн Муҳаммад ибн Ҳасни ан-Нахшабий (245 ҳ.й. ваф.эт.) – шайх бўлган.

Шунингдек, «Ўрта Оснё олимлари қомуси»да Ал-Мадиний-ан-Насафий нисбасини олган куйидаги олим-уламолар келтирилган:

27. Абу Муҳаммад Ҳомид ибн Шокир ибн Сура ибн Нушон ал-Варроқ ал-Мадиний ан-Насафий (924 й.ваф.эт.) – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмонл ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуфийнинг «Ал-Ҳомий ас-саҳиҳ» («Шонччи тўплам») асарини ривоят қилган машҳур ҳадисшунос эди.

28. Абулфайз Жаъфар ибн ас-Содиқий ал-Мадиний ан-Насафий қадимий халқларнинг эртак, шеър, ҳикоялари билимдони бўлган, уларни тўплаган.

## Касбавийлар фалсафа мактаби

*IX–XIII аср Европа маданияти чуқур тапаззулга учраганда Европа халқини Шарқ файласуфлари асарлари қутқарди ва келгуси ривожланиши йўлини кўрсатиб берди*

Е.Э.Бертельс - шарқшунос

Ўрта асрларда Қашқадарё воҳасининг нафақат Шаҳрисабз, Қарши, балки бошқа шаҳарларидан ҳам олим-уламолар етишиб чиққан ҳамда улар жаҳонда илм-фан, савдо-сотиқ, маданият ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини ҳозирги фан фалсафаси ривожланиши исботламоқда. Масалан, ўрта асрларда «Касбавий» нисбаси билан танилган машҳур олимлар Арабистонда, Испанияда, Италияда илм-

фанини ёйишган ҳамда мазкур давлатлар халқларни маданияти ва фанининг шаклланишига амалий ёрдам беришган. Абулҳасан Али ибн Иброҳим ал-Касбавий «Дарб ул-жадид»да муфти бўлган. Абу Аҳмад Исо ибн ал-Ҳусайн ибн ар-Рабиъ ал-Касбавий Испанияда араб тилидан дарс берган, «ал-Бўстон» асари муаллифи. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абуназр ал-Касбавий (1019 й.в.э.т.) Венецияда савдо ишларини бошқарган. Қуйидаги олим-уламолар «Касбавий» нисбаси билан машҳур бўлган:

1. Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳамдон ибн Воқид ал-Касбавий.
2. Ал-Ҳасан ибн Муҳаммад Али ал-Касбавий.
3. Абулмауайяд Мунир ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Касбавий.
4. Масъуд ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Касбавий.
5. Абдулло Соъид ибн Мунир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Касбавий.
6. Абулфараж Муҳаммад ибн Масъуд ал-Касбавий.
7. Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ибн Исмоил ибн Билол ас-саннон ал-Касбавий.
8. Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад ал-Касбавий.

## Косонийлар фалсафа мактаби

Маълумки, исми шарифларига ўзлари туғилиб ўсган ҳудуд номи билан нисба олганлар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин илмий тадқиқотларда ҳудуд қаердалигини аниқ билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айрим ҳолларда ҳудудлар бўйича номлар такрорланиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш илмий тадқиқотнинг аниқлиги ва объективлигини оширади. Аниқлик киритилмаса, илмий тадқиқотларда турли чалкашликлар юзага келади. Бу чалкашлик аждодларимиз тўғрисида хориж адабиётларида қилинган тадқиқотларда кўпроқ учрайди. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида Косон номи билан шаҳар иккита вилоятда (Наманган, Қашқадарё) мавжуд. Қадимда бу икки шаҳардан машҳур олимлар етишиб чиққан.

Шулардан бири XV–XVI асрларда яшаган, Нақшбандия тариқатининг йирик назарийётчиси, ислом фалсафаси тарғиботчиси Маҳдуми Аъзамдир (хизмат кўрсатган Улуғ). Ҳазратнинг асл исмлари Саид Аҳмад ибн Мавлоно Саид Жалолиддин Хожагий ал-Косоний бўлиб, 1461 йилда Косон (Ахси-Наманган) шаҳрининг Хонақоҳ маҳалласида туғилган.

Маҳдуми Аъзам нақшбандия тариқатини мукаммал эгаллашни баробарида, бошқа сулуқлардаги расм-русумларнинг ижобий жиҳатларини ўз ғояларига сингдириб, мустаҳкамлаган. Дин ва унинг инсон камолотидаги ўрнининг фалсафий мушоҳадасини қуйидагича талқин қилган: «Дин ва муқаддас китоблар инсон учун, инсонни маънавий-ахлоқий камолотга етаклаш учун берилгандир. Инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир»<sup>41</sup>.

Шунингдек, Маҳдуми Аъзам «Инсон ҳукмига инъом этилган оламни яшнатиш», деган ғояни илгари суради. Бу ғоя нафақат у яшаган замон ва маконда, айни пайтда ҳозирги даврда ҳам ниҳоятда долзарбдир. Чунки бу ғоя инсониятнинг истиқбол дунёда яшаётган ҳар бир шахсга тааллуқли эканлигини таъкидлаш баробарида, инсонларни, давлатларни, халқларни мурасага чақириш ҳамдир.

Маҳдуми Аъзам ва унинг сулоласи Темурийлар, Шайбонийлар (Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Хожа Калонхўжа), Аштархонийлар (Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Хожа Ҳошим) ҳукмронлик қилган ҳудудларда, хусусан, Мовароуннаҳр, Эрон, Покистон, Хуросон ва бошқа жойларда асосий ғоявий куч сифатида нуфузга эга бўлган. Улар мазкур жойларда ҳукмдорлар фаолиятига ижобий таъсир қилишган, маслаҳатлар беришган. Мамлакатда ва давлатлараро низоларни бартараф қилишда, жамиятда барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнашган.

Маҳдуми Аъзам ўз замонасида нақшбандия тариқатини Дашти Қипчоқ, Сибирь, Шарқий Туркистонга кенг тарғиб-ташвиқ қилган.

«Ўрта Осиё олимлари қомуси»да Сайхун ва Шош ортидаги шаҳарча – «Косон»га нисбатан айтилган деб, «Ал-Косоний»лар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Булар асосан наманганлик Косонийлардир:

---

<sup>41</sup> *Хожагий Саид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин*. Рисолаи Бобурия. –Т.: «Наврўз», 1998. – 5-бет.

1. Абу Наср Аҳмад ибн Сулаймон ибн Наср ибн Ҳоям ибн Али ибн Ҳасан ал-Косоний (1095 йилда шаҳид бўлган) – қози. 1089 йилда вазир (Самарқанд) лавозимида ишлаган.

2. Бакр ибн Сулаймон ибн Имрон Илёс ал-Косоний (1119 ваф. эт.) – фикҳ олими. Самарқандда таълим олган. Косонда қози бўлган.

3. Абулжавд Ато ибн Аҳмад ибн ас-Содиқ ал-Хомидий ал-Косоний – Холид ибн Валид авлодидан чиққан пешво қози. Самарқандда таълим олади, Косонга қайтиб қозилик қилади.

4. Саадуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Косоний (1300 йилда ваф. эт.) – суфий ва ат-Тоҳун хонақоҳининг муриди бўлган. Машҳур мутасаввиф Муҳюддин ал-Арабийдан таълим-тарбия олган. «Ибн ал-Фориз қасидасига шарҳ» асари муаллифи.

5. Алоуддин Абу Бакр ибн Маъсуд ибн Муҳаммад ибн ал-Косоний (1300 йилда ваф. эт.) фикҳ ва услубиётчи бўлган. «Дин асослари ҳақида аниқ баён этилган раҳнамо китоб», «Шариат аҳкомларининг тартиби ҳақида яратилган бадиалар» каби асарларни ёзган. Сурияда вафот этган.

«Ўрта Оснё олимлари қомуси»дан ташқари маибаларда яна қуйидаги косонийларни кўрсатиш мумкин:

6. Шамсиддин Муҳаммад Байғумалик ал-Косоний. XII асрда яшаб ўтган олим ва шоир. Марғинон ҳокими бўлган.

7. Заҳриддин Ашраф ибн Нақиб ал-Косоний. XII аср охири ва XIII аср ўрталарида яшаган. Ўз даврининг таниқли шайхи бўлган.

8. Маҳмуд ибн Вали ал-Косоний. XVII асрда яшаган тарихчи. «Бахр-ул асрор» асари муаллифи.

9. Саид Жалолиддин ал-Косоний - Маҳдуми Аъзамнинг оталари.

Шунингдек, мазкур китобда Нахшаб-Қарши қишлоқларидан бири – «Косон»га нисбат олган олим-уламолар сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Абу Наср Аҳмад ибн аш-Шайх ибн Ҳалавайҳ ибн Зуҳайр ал-Косоний (954 йилда ваф. эт.) – фақиҳ бўлган. Шунингдек, адиб ва шоир ҳам бўлган. Косонда вафот этган. Фикҳ илмига оид «Далилларнинг устунлиги» асари муаллифи.

2. Абу Абдураҳмон Маоз ибн Яъқуб ан-Насафий ал-Косоний (тахминан 835 йилларда ваф. эт.) – ҳадис ва фикҳ илмларини билувчи олим бўлган. Ўз ҳисобидан масжид ва работ қурдирган.

3. Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳурмуз ибн Исо ибн Жабрил ибн Маҳмуд ал-Косоний – ҳадисларни яхши билган ва тарғиб қилган. «Шуъба» деган лақаби бўлган.

4. Абу Яъқуб Юсуф ибн Иброҳим ибн Ямин ибн Котиб ал-Косоний – қози бўлган.

### Нурийлар фалсафа мактаби

Манбаларда Жижор, Жидор, Сижор номларда аталган бўлиб, VII асрдан «Нур», «Нурато», «Нурота» деб юритилган. Айрим манбаларда Нурота этимологияси тарихий шахс номи билан изоҳланади. Бу тарихий шахс 907 йилда вафот этган ҳамда Чашма саҳнига дафн этилган Ҳазрати Абул Ҳасан Нурий эканлиги кўрсатилади. Лекин бу фикрлар мунозаралидир. Бизнингча, мазкур шаҳарча араблар босқинигача Жижор, Жидор, Сижор тарзида номланган шаҳар бўлган. Араблар босқинидан сўнг мазкур шаҳарни Нур шаҳри деб ўзгартиришган. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Нурота чашмалари маданий қатламларининг ёши археологлар ҳулосасига кўра 3500-4000 йиллар оралиғидадир. Шу чашмалардаги балиқларнинг ўзига хослиги уларнинг «нур» чиқаришидир. XX асрнинг 60-йилларида коннотга парвоз қилган Герман Титов Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудидан 8-10 километр баландликка қадар нур балқиб туришини фазода туриб кузатган. Мутахассислар ўрганиб чиқишса, нур Нуротанинг сир-саноатига тўла чашмасидан таралаётган экан. Мазкур чашмадан бир секундда 290-300 литр миқдориди сув чиқади. Унинг бир литрида 278 грамм минерал туз бор. Сувнинг кимёвий таркибини 1920 йилда рус олими А. Димо аниқлаган. Сувнинг ҳарорати қишин-ёзин бир хилда, яъни 19,5 даражани ташкил этади. Илмий тилда «маринка», маҳаллий аҳоли тилида «ширмоҳи» деб номланадиган балиқлар организмиде фосфор миқдори кўплиги боне тобланади ва «нур» таратади. «Нурато» ёки «Нурота» деб номлаш XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин маҳаллий аҳолининг Чашма саҳнига дафн этилган Ҳазрати Абул Ҳасан Нурийнинг (бизнингча, ҳазратнинг тўлиқ исм-шарифлари Ал-Қозий Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн Исмоил ибн Довуд ад-Додий ан-Нурий (451-518 ҳ.й.). диний ва дунёвий би-

лимдаги юқори салоҳиятига эътироф сифатида нурга Ота қўшимчасини қўшиб айтиши натижасидир. Чунки XX асрда ҳам мазкур ҳудуддан чиққан олимлар ўзларига «Нурий» нисбасини олганлар, чет элларда ҳам шу ном билан танилганлар. Тадқиқот давомида «Нуротанӣ» ёки «Нуратонӣ» нисбасини олган бирорта олим-уламанинг исми-шарифини учратмадик. Ёки манбаларда ҳам, масалан, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», «Мажолис ун-нафонис», Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Ал-Ажаб», Аҳмад ибн Маҳмуднинг «Тарихи Муллозода» асарларида Нур ва унда яшаган олим-уламолар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Аҳмад ибн Маҳмуднинг «Тарихи Муллозода» асарида: «Мовароуннаҳрда учта муборак шаҳар бор. Булар Бухоро, Самарқанд ва Нур», деб кўрсатилган. Ёхуд Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад томонидан тузилган «Ўрта Осиё олимлари қомуси»да ҳам «Нур – Бухоро қишлоқларидан бири», деб кўрсатилган ҳамда қуйида «Нурий» нисбаси билан машҳур бўлган олим-фузолаларнинг рўйхатини берган:

1. Абулҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нурий (908 й.). Суфий бўлган. «Қалбларнинг мақомлари» – «Мақомот ул-қулуб» асари муаллифи.

2. Абу Тоҳир Шамсуддин Исмоил ибн Судакин ибн Абдуллоҳ ан-Нурий ал-Ҳанафий (1248 йилда вафот этган). Суфий ва мутакаллим бўлган.

3. Ризоқулихон ибн Муҳаммад Ҳодий ан-Нурий (1800-1871). Тарихчи ва адиб бўлган. Адиблик ижоди юксак эътироф этилиб, «шоирлар амири» – «амир уш-шуаро» лақаби берилган. Шероз ва Теҳронга сафар қилган ва яшаган. «Ҳақиқатлар денгизи» («Баҳр ул-ҳақоқиқ») каби ўндан ортиқ асарлар муаллифи.

4. Муҳаммад Тақий ибн Муҳаммад Ҳодий ан-Нурий (1857 йилда ваф.эт.). Табиб бўлган. «Вабони даволашга оид ёрқин ва алангали рисола» китобини ёзган.

5. Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мубин ан-Нурий ал-Ҳанафий (1295 йилда ҳаёт бўлган). Фиқҳ илми бўйича таниқли олим бўлган. 1295 йилда «Усул ал-фиқҳга оид сайланманинг шарҳига ёзилган Аҳсикатийнинг сайланмаси» асарини ёзиб тугатган.

6. Маҳдий ан-Навоий ан-Нурий (1923 йилда вафот этган) – мантиқ илми бўйича таниқли олим бўлган. «Мантиқдаги тасаввур ва тасдиқ» асари муаллифи. Ар-Руштий ва Оятуллоҳ ал-Хуросонийдан таълим олган.

7. Али ибн Масъада ан-Нурий.

8. Абу Шуъайб Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Шуъайб ас-Санжорий ан-Нурий.

9. Ал-Ҳоким Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ан-Нурий.

10. Ал-Ҳоким Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ан-Нурий.

11. Ал-Қозий Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн Исмоил ибн Довуд ад-Додий ан-Нурий (451-518 ҳ.й.). Ҳадисшунос уломо бўлган.

12. Абу Муқотил Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Нурий (1026 йилда вафот этган). Ҳадисшунос бўлган.

13. Абу Мусо Имрон ибн Абдуллоҳ ан-Нурий ал-Ҳофиз ал-Буҳорий (451–518 ҳ.й.).

XIII–IX асрларда «Чил устун» исомеъ масжиди қурилган. XVI асрда Абдуллаҳон ва 1906–1912 йилларда нуротаник Эпони Судур Турсунхожа сақланиб қолган пойдеворларидан қайта қурдирган. Шунингдек, «Панжвақта» масжиди ҳам қурилган бўлиб, у Абдуллаҳон томонидан 1582 йилда қайта тикланган.

Ислом оламида тасаввуф таълимотининг 350 дан зиёд тариқатлари мавжудлиги маълум. Бизнингча, нурийлар Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотининг илк тариқатига асос солишган. Нурийлар тариқати асосчиси Абулхусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нурий ҳисобланади. Мазкур тариқат «фақр», «ийсор» (жўмардликнинг энг юқори кўриниши), фароғат, суҳбат йўлини таълаган.

Ҳозирги вақтда аждодлар моддий ва маънавий меросига берилмаётган бунёдкорлик ва ижодкорлик, бошқа жойларда бўлганидек, Нуротада ҳам амалда намоён бўлмоқда. Замонавий лойиҳа бўйича «Чил устун» (том қисмида айланаси 18-20 метрли ва баланлиги 1,5-2 метрли бешта гумбаз бор. Эътиборлиси шуки ўртадаги катта гумбаз қуёш ҳаракатига қараб, беш маҳал намоз вақтини аниқлаб, соат вазифасини бажарган) ва «Кўкгумбаз» масжидлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Мажмуанинг Фарб томонидан узунлиги 120, баландлиги 4,5, эни



1,2 метрдан иборат тош девор қурилди. Атрофи ободонлаштирилди ва кўкаламлаштирилди.

### **Карминийлар фалсафа мактаби**

Ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд ўртасида ривожланган ва «Буюк ипак йўли»даги шаҳардан (ҳозирги Навоий шаҳрининг эски шаҳар қисми –ўтмишда Кармана деб юритилган) чиққан олим-ула-молар олган нисба. Мазкур нисба билан қуйидаги олимлар ислом фалсафасига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишган:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн аз-Завъ ибн ал-Мунзир ибн Язид аш-Шайбоний ал-Карминий (896 йилда ваф. эт.). Ҳадисшунос олим бўлган.

2. Абу Бакр Аҳмад ибн аз-Завъ ибн ал-Мунзир ал-Бакрий ал-Карминий (879 йилда вафот этган). Абу Абдуллоҳнинг укаси. Ҳадисшунос олим бўлган.

3. Ал-Мутақир ал-Карминий. Муҳаддис бўлган.

4. Ал-Мусаййиб ибн Муҳаммад ал-Қазоъий ал-Карминий. Ҳадисшунос олим.

5. Абдулфараж Азиз ибн Абдуллоҳ ал-Карминий. Ҳадисшунос уломо. Исломи дини тарғиботчиси. Имом Шофиъийнинг Бухоро ва Карманадаги нозир сифатида фаолият кўрсатган.

6. Абу Туроб Али ибн Тоҳир ибн ал-Карминий. Араб тилини мукаммал билган. Ҳадисшунос.

7. Абу Сулаймон Муаммар ибн Жабронил ибн Айноб ал-Карминий. Самарқаддан ва шайх бўлган. Ҳадис илмининг уламиси.

8. Абу Муҳаммад Суҳайб ибн Осим ибн Иброҳим ибн Қайс ал-Карминий. Ҳадисшунослик илмини мукаммал эгаллаган, Ироққа сафар қилган.

9. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ибн Усмон ал-Яшқирий ал-Карминий. Ҳадисшунос олим.

### **Шошійлар халқаро фалсафа мактаби**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни

Ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг биринчи бандида: «ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва юбилей татбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарорни маълумот учун қабул қилинсин», деб кўрсатилган. Мазкур юбилей тайтаналари 2009 йил 2 сентябрда халқаро миқёсда ўтказилди. XXI асрда Тошкент жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тошкентни «Тинчлик элчиси» деган шарафли унвоига муносиб кўрди. Тошкент – ислом маданияти пойтахти. Тошкент – сулҳ шаҳри. Тошкент – Шарқ юлдузи. Тошкент – Шарқ дарвозаси. Тошкент – нон шаҳри. Тошкент – тинчлик шаҳри, Тошкент – жасорат шаҳри, Тошкент – дўстлик шаҳри. Тошкент – боғ-роғлар шаҳри, Тошкент – талабалар маркази. Тошкент руҳи. Тошкент Декларацияси. Чоч, Шош, Чочистон, Шошкент, Мадинат аш-Шош, Банокат, Таркан, Тарбона, Бинкент, Тошкент – гуллар шаҳри, Тошкент – Ўзбекистоннинг олтин остонаси. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Тошкент – муроса шаҳри, дейилса мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, халқаро ҳамжамиятнинг Тошкентда амалга оширган барча ишлари муроса заминига қурилган ва шу сабабли ҳам улар амалий, самарали, фойдали, боқий бўлган. Муроса мавжуд бўлган жойда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик, келишув, аҳдлашув, албатта қарор топади. Бу бевосита Тошкентнинг ўтмиши ва ҳозирда ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларда, уларнинг амалий бўлаётганлигида кўришмоқда ва айни шу сабабдан ҳам Тошкент – муроса шаҳри сифатида қадрланади. Китобда Тошкент муроса шаҳри эканлигининг назарий жиҳатига эмас, кўпроқ унинг амалий жиҳатларига эътибор қаратилди. Чунки бу объектив жараён турли кўринишларда, шакл-шамойилларда намоён бўладикки, буни И.Каримовнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб, мантиқан хулоса чиқаришимиз мумкин: «Бугунги кунда жамиятимизда меҳр-оқибат, етим-есирларга саховат кучайиб бормоқда. Шу масалада доимо адолат бўлишига эришиш керак. Адолат – кенг қамровли тушунча. Демокриманки, аввало энг муҳтожларга ёрдам бериш керак. Шунда одамлар бизни тушунади, ҳар бир ишда қўллаб-қувватлайди. Масалан, ҳашаматли тўйга кетадиган харажатларнинг, айтайлик, 5 фон-

зини етим-есирларга берган, ўз кўчасини обод қилган одам қанча савобга қолади. Биз қадимда Тошкентнинг 12 дарвозаси бўлгани ҳақида кўп гапиримиз. Халқ ана шу дарвозаларни ҳали-ҳануз фалончи бойлар қурган, деб эслайди. Яъни, яхшилик, саховат унутилмайди. Ҳар биримиз, албатта, муаззам пойтахтимизни севамиз. Лекин фақат унинг маҳобатли биноларинигина, кўчаларинигина эмас, аввало, одамларини севамиз. Мен мана шу одамларга муҳаббат, саховат ҳар қадамда амалий ишлар билан намоён бўлишини истардим. Биламан, бу гаплар ҳар бирингизнинг юрагингизда бор. Менинг бурчим – фақат уларни сизларга эслатиб туришдан иборат»<sup>42</sup>.

Тошкент – Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Хитой манбаларида Лоюени, Юни, Чжеше, Чжеш, Ши деб номланган. «Ши» хитойча «тош» маъносини беради. Араб манбаларида «Шош» деб юритилган. Шунингдек, илк ўрта асрларда «Таркан», «Бинкат» (узоқда яққол кўринувчи шаҳар), «Мадинат аш-Шош» номлари билан ҳам аталган. Маълумотларга қараганда, Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида «Тошкент» номи алоҳида кўрсатилган. Миллоддан аввалги III–II асрларда Шоштепада қадимги шаҳар шаклланди. VIII асрда араблар Шошни босиб олади. X–XII асрларда Бинкат Қоракхонийлар, 1214–1215 йилларда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати, XIII–XIV аср биринчи ярмида Чигатой улуси, XIV–XV асрларда Амир Темур ва теурийлар давлати таркибида бўлган. 1784–1804 йилларда Юнусхўжа Тошкент давлатини ташкил этади. XIX асрда Қўқон хони таркибига ўтади. Тошкентнинг қадимийлиги тўғрисида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам кўрсатилган:

Қалқону дубулға, садоқ, совутлар,  
Хазинадан чиқди қанча бойлик, зар  
Хаданг ўқларию, Чоч камонлари,  
Калта найзалару, Чин қалқонлари<sup>43</sup>.

Қадимги шаҳарларнинг муҳим хусусиятидан бири уларнинг ҳудудий, иқтисодий ва сиёсий аҳамияти нуқтан назаридан мудофаа

---

<sup>42</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. – 8-бет.

<sup>43</sup> Фирдавсий. Шоҳнома // Эпос. –Т.: «Ёш гвардия», 1967. – 75-бет.

деворларнинг қай даражада бўлганлигидадир. X асрда шаҳар Бинкент деб юритилиб, унинг еттига дарвозаси бўлганлигини араб географлари кўрсатиб ўтишган. XVIII асрда Тошкент мудофаа деворининг баландлиги 8 метр, кенглиги 2 метр бўлган, XIX асрда ҳимоя деворининг баландлиги 10 метрни ташкил қилган. Мавжуд дарвозаларнинг ҳар бирида иккита ҳалқа ва калит бўлган. Калитларнинг узунлиги 16 сантиметр бўлиб, 165–167 грамм олтидан тайёрланган. **Мустамлакичилар (Чор Россияси) мазкур калитларни олиб кетишади. Кейинчалик темирдан тайёрланган нухадаги калитлар «қайтариб берилади».** Ҳозирда бу калитлар Ўзбекистон Марказий банкида сақланмоқда. 1865 йилда рус қўшинлари Тошкент шаҳрини босиб олади. Бунда миссионер Н.П.Остроумовнинг кўрсатишича, Тошкент ҳимоячилари кўкрагига нишон тақиб уришганлар. Мазкур нишон тўғрисида Сирожиддин Аҳмад изланишлар олиб боради ҳамда 2009 йил 6 февралда «Халқ сўзи»да «Тархий нишон» мавзунда мақола эълон қилади. Мақолада, жумладан, шундай қизиқарли маълумотлар келтирилган: «...1864 йили куз фаслида генерал М.Г.Черняев раҳбарлигидаги чор қўшинлари Тошкентга илк бор ҳужум уюштирадидилар. Улар шаҳарни осон қўлга киритамиз, деб ўйлайдилар. Аммо улар «чучварани хом санашган» эди. Мударрис ва давлат арбоби Мулла Солиҳбек додхоҳ Туёқбойбий раҳбарлигидаги шаҳарликлар мустаҳкам ҳимоя қўрғонини ташкил қиладилар ва вақти-вақти билан шаҳардан ташқарига чиқиб, душман устига мардонавор ҳужум уюштирадидилар ва кўпинча ғалаба билан ортга қайтадилар. Охир – оқибатда ҳимоячиларнинг жасоратига чидаш бера олмаган босқинчилар чеклинишга мажбур бўладилар. Орадан салкам бир йил ўтгандан кейин, 1865 йил май охирида янги ҳужум бошлайдилар. Душман билан олишувда мудофаачилар бошлиғи Мулла Алмқул эшик оғаси ҳалок бўлгач, раҳбарлик яна Мулла Солиҳбек додхоҳ зиммасига тушади. Ана шу даврда шаҳар ҳимоячиларини бало-қазодан асраб, шижоат ва жасорат бахш этувчи тумор вазифасидаги кўкрак нишонни ишлашга ҳожат туғилади...Ана шунда ҳажми «17x8» см қалин, қаттиқ қоғоздан «Зулфиқор» нишонни ишланиб, халққа ва аскарларга тарқатилади. «Зулфиқор»нинг дастасига «Алидан ўзга қаҳрамон йўқ, зулфиқордан яхшироқ қилич йўқ. Ҳар балони даф айласун», даста ва тиф

орасидаги тутқичга «Ё Раҳмон, ё Раҳим», тиг юзига эса «Ҳазрат Али ажойиб ва ғаройиб жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатиб даъват этди, ёрдамчиларни асрашга ёрдам қил, ё Муҳаммад Сизнинг пайғамбарлигингиз ила ҳар қандай ғам ва алам йўқолади», – деб ёзилган». Булар бевосита Тошкент аҳлининг босқинчиларга қарши мардонавор, мурасасиз кураш тарихидан бир лавқа холос.

1917 йил 1 ноябрда Тошкент большевиклар томонидан босиб олинди. 1918 йил 30 апрелдан Туркистон АССР пойтахти, 1930 йилдан Ўзбекистон ССРнинг пойтахти, 1941–45 йиллар давомида 300 минг эвакуация қилинганлар ҳамда 200 минг болани ўз бағрига олади. 1983 йилда Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланган. Ҳозир Тошкентнинг умумий майдони 334,8 (18-асрда 26,4 квадрат километр бўлган) квадрат километрни ташкил этади. Унинг ярмига кўкаламзорлар ташкил қилинган бўлиб, бу ўзига хос катта замонавий истироҳат боғини эслатади. Шаҳарда яшаётган ҳар бир одамга уч квадрат метр яшил ҳудуд тўғри келади. Шаҳарда дарахтлар сони 5 миллиондан ошқидир. Тошкент телеминораси 375 метр бўлиб, у МДҲда иккинчи, минтақада биринчи ўринда туради. Шаҳарда 2530 спорт иншооти, 31 та олий ўқув юрти мавжуд. XX асрнинг 50–60-йилларида Ў.Исломов, М.Қосимов, Н.Х.Тошкенбоев, А.П.Окладников, Х.К.Насриддинов ва бошқа археологлар Тошкент ва унинг атрофидаги Қорақамиш, Бўзсув, Кўкбулоқ, Обираҳмат, Хўжакент, Полтау, Пском, Шўралисой, Қўшилиш каби қадимги тош асри ёдгорликларини кашф қилишди. Бу кашфиётлар мустақиллик шароитида маълумотлар билан тўлдирилди ҳамда янги материаллар билан бойитилди. Уларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлганлиги учун ҳам халқаро ҳамжамият бу ёдгорликларга алоҳида қизиқиш билдирди ҳамда кўпгина археологик тадқиқотлар хорижлик олимлар билан (Россия, Бельгия, Япония, Хитой) биргаликда ўтказилди. «Leakey Foundation» халқаро илмий фонднинг молиявий қўллаб-қувватлаши асосида Обираҳмат форининг ёши аниқланди. Обираҳмат маданиятининг ёши 70–80 минг йиллар атрофида эканлиги кўрсатилди<sup>44</sup>. 2003 йилда Обираҳмат ёдгор-

---

<sup>44</sup> Деревяко А.П., Исламов У.И., Кривошапкин А.И., Колибоева К.А., Фляс Д. Қадимги ва ўрта асрларда Чоч-Тошкент шаҳрининг археологияси ва тарихи // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция маърузалари. –Т.: «Фан», 2009. –8-бет.

лигидан бундан 60–70 минг йил олдин яшаган одам суяклари топилди. Обираҳмат ёдгорлигидан *топилган одам суяклари олимлар томонидан неандерталлар билан ҳозирги одамлар гибриди сифатида талқин қилинган*. Бу сингари одам суяклари дунёнинг бошқа бирор ҳудудидан топилмаган. Бундай хулосалар, яъни неандертал ва ҳозирги одамлар қиёфасининг қўшилишида одам тўғрисидаги хулосага Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Австрия олимлари томонидан келинди. Шу муносабат билан 2004 йил 9-15 августда Wenner-Gren халқаро илмий фонд ҳомийлигида халқаро конференция ўтказилди (Бурчмулла, Самарқанд). *Бизнингча, Обираҳматдан олимлар топган «неандерталлар билан ҳозирги одамлар гибриди» деган хулоса мунозарали. Буни ё фергаитроплар авлоди деб, ёки фергаитроплар билан ҳозирги одам гибриди деб талқин қилиши ўришли бўлади*. Бу кашфиёт мустақиллик даврида қилинганлиги, Тошкент яқинида топилганлиги, Ўзбекистон олимларининг саъй-ҳаракатлари, фаол иштирокида амалга ошган ҳамда у Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи арафасида кашф қилинганлигини ҳисобга олиб Обираҳматдан топилган одамни—Тошкентрон, деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобида шундай деб ёзди: «...бу замида истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган. Турмуш ва тафаккур тарзинининг ажралмас қисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган...

Бир сўз билан айтганда, тарихий воқеликка мана шундай қараш, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қондасига айланиб кетган. Замонавий тилда айтадиган бўлсак, бу миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этадиган, бизни бошқалардан ажралиб турадиган шундай бир хусусиятки, уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас»<sup>45</sup>.

Юқоридагиларни фалсафий мушоҳада қилсак, азалдан табиий муҳитнинг таъсирида ўтроқ бўлиб яшаган халқда жамоаликка, бир-

<sup>45</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –9–10-бетлар.

галикда ва ҳамкорликда қилинадиган фаолиятга мойиллик кучли бўлганки, бунинг натижасида жамоада аҳиллик, бир-бирини қўллаб - қувватлаш, меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, мурувват, саховатпешалик, ҳомийлик, адолат каби мураса фалсафасининг тамойиллари қарор топишига имкон туғилади, буларнинг барчаси жамоа бўлиб яшаётган инсонларда аҳиллик, туғилиб ўсган тупроғига садоқат, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ҳамда ҳар қандай шароитда ҳам ягона мушт бўлиб бирлашишга тўла шарт-шароит асосида бунёд этилади, жамиятда тинчлик ва барқарорлик таъминланади, деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Бундай мураса фалсафаси Шарқда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда мужассамдир. Бунинг сезган, англаган, кўрган давлатлар ва халқлар Ўзбекистонга ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам интиланган, истиқболда ҳам интилади. Бу объектив жараёнда жаҳонда: Тинчлик шаҳри, Сулҳ шаҳри, Дўстлик шаҳри, Нон шаҳри, Шарқ дарвозаси, Шарқ машъали, Тинчлик элчиси каби ўнлаб номлар ҳамда «Тошкент Руҳи», «Тошкент Декларацияси» каби янги атамаларни олиб эътироф этилган пойтахтимизнинг ўз ўрни бор. Зеро, юқоридаги номларнинг ўзи Тошкент – мураса шаҳри эканлигининг кўрсатувчи оддий ҳақиқатдир. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Тошкент ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам аждодлар бунёд этган моддий ва маънавий бойликлар қадрланган ҳамда ўзбек халқининг ижодкорлигини дунёга ёйишда муҳим шаҳарлардан бири эканлиги яққол кўзга ташланади.

И.Каримов мустамлакачиликнинг асл мақсади ҳақида шундай ёзади: «Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавҳаларни кўриб, буларнинг барчасини одатий бир ҳол сифатида қабул қилади. Ваҳоланки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганингизни билмай қолар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва ҳақозо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг доҳийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга қадам

қўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шаҳардаги аксарият тураржой мавзелари «Ц-1», «Ц-2» «Ц-15» деган, одамда ҳеч қандай ҳис-туйғу, хотира уйғотмайдиган мавҳум номлар билан атаб келинганлигини эслайлик.

Буларнинг барчаси замирида совет мафқурасига хос бўлган, одамзодни тарихий хотира, Ватан туйғусидан жудо қилишга қаратилган ғаразли интилиш мужассам эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Ҳолбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиёбонларга ном танлашга жуда эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик, Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваламбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради.

Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўпчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради.

Шу нуқтан назардан қараганда, кейинги йилларда пойтахтимизда миллий тарихимизга бегона бўлган, юқорида зикр этилган ясама, снёсий номлар ўрнига Миробод, Ракат, Мингўрик, Дархонариқ, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Зарқайнар, Учтепа каби асл номларнинг тикланганлигини, энг муҳими, бундай ишлар мамлакатимизнинг барча минтақа ва ҳудудлари миқёсида амалга ошириляётганлигини таъкидлаш жоиз»<sup>46</sup>.

Ўзбекистоннинг 4000 дан ортиқ тарихий ёдгорлиги ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шуларнинг 700 дан ортиғи Тошкент шаҳри ва вилоятига тўғри келади. Тошкент вилоятининг Паркент тумани Невич қишлоғидаги қоятошларга ўйиб битилган расмларда кийиклар, овчилар, тоғ эчкилари акс эттирилган. Бу расмларда ўша давр-

<sup>46</sup> Каримова И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –91–93-бетлар.



даги маҳаллий аҳоли (овчилар) қандай ҳайвонларни ўлжага олганлигини тасвирлашган. Умуман олганда, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида нафақат шаҳарсозлик, илм-фан ва маданият ривожланган, айни пайтда бу ҳудуддан юзлаб таниқли олим-уламолар етишиб чиққан.

**Ойхўжа ибн Тошхўжа Шоший** (1258 й.ваф.эт.) – Аҳмад Яссавий таълимоти давомчиси. Тошкент шаҳри яқинида Занги ота мақбараси мавжуд. Бу мақбара ва масжидни Амир Темур қурдирган. 1420 йилда Мирзо Улуғбек мақбара устига ҳозирги нештоқдаги бинони қурдирган. Занги отанинг исмлари Ойхўжа, оталариники эса Тошхўжа бўлган. Занги отанинг туғилган йиллари номаълум. Шу сабабли ҳам уларнинг туғилган йиллари XII аср охири XIII аср бошларида, деб тахмин қилинади.

Занги ота Хоразмда ислом оламида танилган, Аҳмад Яссавий ҳазратларининг шоғирдлари Сулаймон Боқирғонийдан таълим олади. Маълумки Сулаймон Боқирғоний «Ҳаким Сулаймон», «Ҳаким Хожа Сулаймон», «Ҳаким ота», «Қул Сулаймон» каби тахаллуслар билан китоблар («Марям китоби», «Боқирғон китоби», «Охирзамон китоби») ёзганлар. Занги отанинг қўли очқиқлиги, саховатпешалиги, меҳнатсеварлиги, ислом дини билимдони бўлганлиги сабабли ҳам халқ уни «Ҳимматий» деб эътироф этган. Занги ота Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний таълимотларини шимолда (Дашти Қипчоқ, Қозоғистон, Волга бўйи, Бошқирдистон, Татаристон, Сибирь) кенг тарғиб- ташвиқ қилишда муносиб ҳисса қўшган.

Собиқ Иттифоқ даврида, барча жойда бўлгани сингари, Занги ота зиёратгоҳ масжиди ҳам 1930 йилда ёпиб қўйилади, 1945 йилда очилади. Сўнг 1946 йилдан 1989 йилгача яна ёпилади. 1989 йил охиридан яна очилади ва зиёрат қилишга рухсат берилади. Мустақиллик шарофати билан Занги ота мажмуаси обод қилинди, таъмирланди ҳамда зиёратчилар учун барча шарт шароитлар вужудга келтирилди. Мисрлик тадқиқотчи Абдуллоҳ Саиднинг «Ўрта Осиё олимлари» қомусида Шош Сайхун дарёси ортидаги қишлоқнинг номи (ҳозирги Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудуди), деб кўрсатилган. Бизнингча, мисрлик тадқиқотчининг «Шош» Сайхун дарёсидаги қишлоқнинг номи деб кўрсатилиши мунозаралидир. Чунки

**Тошкент шаҳри 2200 йилдан ортиқ тарихга эга.** Шу ҳам бевосита хорижлик олимларда Тошкент, тошкентликлар тўғрисида тўла асосланган далиллар етарли эмаслигини кўрсатади. Лекин, аynи шу муаллиф ўзининг тадқиқотларида 15 та «Шоший» нисбасини олган олим-уламолар тўғрисида (лекин улар орасида Занги ота кўрсатилмаган) маълумот беради. Улар қуйидагилар:

Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Хуросоний аш-Шоший, ал-Ҳанафий (937 йилда ваф.эт.). Ислом ҳуқуқшунослиги (фиқҳ) илми бўйича ислом оламида таниқли олим бўлган. У Мисрда билимини оширган, қозилик қилган, фиқҳ бўйича «Китобу усули-л-фиқҳ» асарини ёзган. Бу китоб «Усули-ш-Шоший», яъни «Шоший усули» номи билан машҳур бўлган.

Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Умар аш-Шоший, ат-Туркий, аш-Шофий (1037–1114) ўз даврининг таниқли олими ва уламози ҳисобланган. Бағдодда ислом ҳуқуқидан таълим берган. Низомий мадрасасида ўқув. таълим билан боғлиқ ишларни бошқарган. Фиқҳшунослик бўйича «ал-Мустанзҳирий» номи билан шуҳрат қозонган. «Фақиҳларнинг мазҳаблари ҳақида уламоларнинг зийнати», «Музнининг мухтасарига шарҳ», «Тарғиб», «Таянч», «Ишончли манба» сингари кўплаб асарлар муаллифи. У Шайх Абу Асҳоқ аш-Шерозий қабри ёнига дафн этилган.

Абу Бақр Муҳаммад ибн Аш ибн Исмоил ал-Қафқол аш-Шоший (904–976) замонасининг кенг қамровли (муҳаддис, фақиҳ, муфассир, тилшунос, шоир) билимдон ва нуфузли олими бўлган. Хорижда (Дамашқ, Ироқ, Хуросон) ҳадисшуносликдан ва фиқҳ илмидан таълим берган ҳамда ўз билимини бойитган. «Фатволар», «Шаръий фазилатлар ҳақидаги китоб», «Ўзлаштириш», «Усул ал-фиқҳ китоби» каби асарлар муаллифидир. Муҳаммад аш-Шоший асарларида ҳадислар ва уларнинг изоҳи, таҳлили, ислом ҳуқуқшунослиги масалаларига кенг ўрин берилган.

Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хоразмий, ал-Форобий, аш-Шоший, ал-Ҳанафий, Муҳаммад аш-Шошийнинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Лекин у 1379 йилда «Фахриддин ар-Розийнинг дин асослари ҳақидаги эллигинчи рисоласига шарҳ» асарини ёзиб тугатган. Шунга кўра, Муҳаммад аш-Шоший 1300-

1400 йиллар оралиғида яшаб ўтган, дейиш мумкин. Шунингдек, Муҳаммад аш-Шоший ўзининг номида ал-Хоразмий ва ал-Форобий исм-шарифларни қўшиб ёзишнинг сабаби, бизнингча, бир томондан, ўз аجدодларн (Мовароуннаҳр ҳудудига Шош ҳам кирган) илмий салоҳиятига эҳтиром сифатида ҳамда ал-Хоразмий ва ал-Форобийларнинг изланишларининг маълум бир жиҳатларини ўрганганлиги, тадқиқ этганлигидир. Шунингдек, Муҳаммад аш-Шоший исм-шарифида ал-Ҳанафий сўзининг ишлатилиши исломда қайси мазҳабга тааллуқли эканлигини кўрсатади.

Камолиддин Муҳаммад аш-Шоший, ал-Фарқандий, ат-Тошкандий, ал-Ҳанафий, ан-Нақшбандий (1572 йилда вафот этган) ҳадис, фикр илмларини ўрганган ва ўргатган, муфассир бўлган. Унинг исмидаги ал-Фарқандий мазкур жой илмий-диний маркази бўлганига эҳтиром сифатида, ал-Ҳанафий ислом мазҳабларидан қайсинининг вакили эканлигини, ан-Нақшбандий ислом динидаги оқимга (тасаввуф) мансублигини кўрсатган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший, аш-Шофийий (1007–1092) – ислом ҳуқуқи бўйича йирик олим ва уламо бўлган. Ҳазнада, Ҳиротда яшаган ҳамда ислом ҳуқуқи бўйича асарлар ёзган.

Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Аҳмад аш-Шоший, ас-Самарқандий, ан-Нақшбандий (1490 йилда вафот этган). Ислом оламида «ал-Аҳрор» лақабли суфий сифатида машҳур бўлган. У тасаввуфнинг Нақшбандия йўналиши бўйича асарларни Самарқандда ёзган. Унинг «Тасаввуф ҳақида солиқларнинг суҳбатдош дўсти», «Ҳурлар ҳақидаги рисола», «Отага аталган рисола», «Дурдона сўзлар», «Тадрижий тараққиёт арбобларининг мустаҳкам ришталари» ва бошқа кўплаб асарларида одоб, ахлоқ, гўзаллик, саховат, мурувват каби шарқона фазилатларнинг мазмун-моҳиятини очиб берган. 1490 йилда Самарқандда вафот этган.

Абдулҳасан Али ибн ал-Ҳожий ибн Жунайд аш-Шоший (926 йилда вафот этган) – олим ва уламо. «Китобу вафаъти-л-вафаът» асарида Али аш-Шошийнинг «Раҳнамолик қилиш» деган асари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илм излаб Хуросон, Ироқ, Ҳижоз ва Шомга сафар қилган ҳамда ҳадисшунос ва

фақиҳ олимлардан таълим олган, мазкур йўналишлар бўйича сабоқ берган.

Абу Али ал-Фазл ибн ал-Аббос ибн Абу Авона аш-Шоший (899 йилда ваф. эт.) – ҳадисшунос. Ал-Фазл аш-Шоший ҳақида «Китобу вафаъти-л вафаът» асарида маълумотлар келтирилган.

Абу Мусо Ҳорун ибн Ҳамид аш-Шоший (883 йилда ваф. эт.) – ҳозирги илмий тилдаги халқаро ислом ҳуқуқи олими бўлган.

Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Нуъайб Абу Муҳаммад аш-Шоший (900 йилда ваф. эт.). Ҳадисшунос олим бўлган. Нишопур, Хуросон, Марв ва бошқа юртларда бўлиб, ҳадис бўйича уламоларга сабоқ берган.

Шунингдек, буларга қўшимча қилиб Хўжа Абдулла Азиз Аламбардор, Абу Бакр Муҳаммад Қафтол Шоший, Хўжа Аҳрор Валий, Абу Муҳаммад ал-Матроний, Абу-р-Раби ал-Балхий, Бадриддин Чоғий Жамшид Шоший каби яна юзлаб «Тошкандий»ларни келтиришимиз мумкин.

Юқорида VIII-XV асрларда яшаб ижод этган тошкандийлар, яъни шошийлар тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилди, холос. Булар асосан ас-Санъонийнинг «Насабнома китоби»дан, Ҳожи Халифнинг «Китоблар ва илмлар билан боғлиқ шубҳаларнинг ечими», Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Мамлакатлар қомуси», Абдуллоҳ Сааднинг «Ўрта Осиё олимлари қомуси»дан олинди. Тошкент шаҳри атрофидаги қишлоқларда ҳам илм-фан, маданият, ҳунармандчилик равнақ топган бўлиб, ал-Борискасний, ал-Будахкасний, ал-Баскатний, ат-Танкатний, ат-Тузияжий, ат-Тупкасний, аз-Захкастний, ар-Рувзаборний, аш-Шовакасний, аш-Шахохний, ан-Нажокасний, ан-Накоз каби нисбалар билан олим, уламолар етишиб чиққан. Булар ҳақида ас-Санъонийнинг «Насабнома китоби»да, Ибн Халликоннинг «Таниқли кишиларнинг вафотномалари»да, Ҳожи Халифнинг «Китоблар ва илмлар билан боғлиқ шубҳаларнинг ечими»да, Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Мамлакатлар қомуси»да, Ризо Қаҳҳоланинг «Муаллифлар қомуси»да ва бошқа кўплаб манбаларда кўрсатилган.

Шу манбаларнинг ўзи ҳам Шошийлар нисбаси билан фаолият юргизган олим-уламоларнинг турли даврларда фалсафа, фикр, ҳадисшунослик, астрономия, математика, мантиқ фанларининг барча со-

ҳалари бўйича тадқиқотлар қилиб, инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлигини тасдиқлайди.

## Термизийлар халқаро фалсафа мактаби

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантана халқаро миқёсда 2002 йилнинг 2 апрелида ўтказилди. Термиз шаҳри қадимий ёдгорликлар маркази сифатида ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган. Термиз шаҳрининг қадимийлиги, ҳатто, номланишидан ҳам кўринади. Масалан, ўзбек халқининг қадимий маънавий бойлиги «Авесто»да «Тармида», бақтрча «Тарамастҳа» (нариги соҳилдаги манзил), арабча «Тармиз» (дарё бўйидаги шаҳар), «Мадийнат уррижол» – «Мардлар шаҳри», Фирдавсий «Шоҳнома»сида «Тирмиз» деб аталган. Х аср охирларидан маҳаллий тилда Термиз деб юритилган. Термиз шаҳри Кушон давлати даврида ривожланган ҳамда Кушон давлатининг савдо-маданият марказига айланган. У даврларда Термиз шаҳри ҳудуди мустаҳкам қалин деворлар билан ўраб олинган. Бу даврда мавжуд бўлган карвон йўллари табиий-иқлим шароитлари ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ерда жойлашганлиги ҳам Термиз шаҳри учун катта аҳамият касб этган. Термизга турли мамлакатлардан келган савдогарлар нафақат мамлакатларида тайёрланган маҳсулотларни, аynи пайтда ўз турмуш тарзини, маданиятини, динини ҳам «олиб келган». Термиз шаҳрида турли динга сиғинувчи кишилар биргаликда, аҳил яшаган.

**Ҳозир илмий адабиётларда кенг қўлланилаётган диний бағрикенглик – толерантлик аynи шу Термиз шаҳридан бошқа давлат ва халқларга тарқалган. Чунки қадимдан шаҳарда оташнарастлик, буддизм, христианлик, яҳудий, ислом дини вакиллари яшаган. Айниқса, буддизмнинг кейинчалик Хитой ва Японияга тарқалишида асосий воситачи шаҳар вазифасини бажарган. Чунки Кушон давлатида буддизм давлат дини даражасида эътироф этилган.**

Термиз шаҳри Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар, Салжуқийлар, Хоразмийлар, Бухоро амирликлари таркибида бўлган. Термиз шаҳри Ўзбекистон ҳудудининг энг жанубий чегараси бўлиб

келган ҳамда ўзига хос ҳарбий мудофаа қалъаси вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам Доро, Александр Македонский, Чингизхон, араблар, рус мустамлакачилари ўз даврида бу шаҳарнинг мустаҳкамлигига, халқининг мардлиги ва жасоратига тан беришган. Мазкур босқинлар даврида Термиз шаҳри неча бор вайрон бўлган, ўт қўйилган, ёндирилган, таланган. 1221 йилда Чингизхон шаҳарни босиб олади, вайрон қилади, аҳолини асир олиб, ҳаддан ташқари ваҳшийликларни амалга оширади. Бунинг асослари шундай тасвирлаган: «У вақтларда Термиз Балх ва Ҳиндистон йўлларида Амударё орқали ўтадиган асосий кечув жойи эди. Термиз ўзининг Амударё ила чегараланган қалъаларига таяниб Чингизхонга қаршилик кўрсатди... Бутун шаҳар ҳужум билан забт этилди. Унинг аҳолиси барча текширувлардан кейин ўлдириш учун аскарларга тақсим этилди. Жувайний ҳикоя қиладикки, бир хотин ўлими олдидан ўзининг қотилидан шафқат сўраб, ялиниб-ёлворган. Ўзини фидо қилиб, ютган қимматли дурни беришга ваъда этган. Мўғул шу заҳот унинг қоринини ёрган ва ростдан ҳам қорин ичидан дур топишган. Шундан сўнг ҳамма майитларнинг қоринларини ёриб қарашга фармон берилган»<sup>47</sup>.

Тарихчи Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Термиз шаҳри аҳолиси мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги учун ҳам «Мадийнат ур-рижол» – «Мардлар шаҳри» деган номга сазовор бўлган, деб кўрсатади. Термиз шаҳри қадимийлигини, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини тан олмаслик яқин ўтмишда (Чор Россияси, собиқ Иттифоқ даврида) одатий ҳолга айланганди. Бу ўзбек халқининг бой, қадимий тарихи ўзларининг тарихи, маданияти, келпб чиқиши нуқтан назаридан илгари шаклланганлигини яширишда навбатдаги урниншлардан бири бўлган. Мустақилликдан кейин Япония, Германия, Франция, Хитой олимлари мамлакатимиз археологлари билан ҳамкорликда Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги қадимий маданият масканларидан (Қоратепа, Чингизтепа, Фаёзтепа, Зурмола, Далварзинтепа, Холчаён, Зартепа, Кампиртепа, Ерқўрғон, Айритом) сопол ҳайкалчалар намуналарини (Холчаён), тошҳайкалларни (Айритом), деворий безакларни (Фаёзтепа), заргарлик буюмларини (Далварзинтепа) топдилар.

<sup>47</sup> *Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –25–26-бетлар.*

Бу илмий тадқиқот натижа ва хулосалари юқоридаги асоссиз қарашлар, муносабатларнинг моҳияти-мазмуни ва мақсадини фош этди. «Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар...Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улў тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз...Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?»<sup>48</sup>.

XX асрнинг 80-йилларида Термиз шаҳри яқинидаги Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси «чегара ҳудудида жойлашган» деган баҳона билан ёпиб қўйилади. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани газетасида «Сўфи Оллоёр ким бўлган?» номда мақола эълон қилинганда, таҳририят аъзолари ва мақола муаллифи (Тоғай Мурод) таъқибга учраган. Бу даврда муҳаддис, ҳофиз, муаррих, фақиҳ, ҳадисшунос, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг шогирди Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Сулламий аз-Зарир ал-Буғий ат-Термизий мақбараси қаровсизлик оқибатида (у ерга бориб зиёрат қилувчилар таъқиб қилинганлиги бонс) харобага айланган. Фақат мустақиллик шарофати ила бу жойлар обод қилинди, қайта тикланди, бинолар таъмирланди. Сурхон воҳасидан чиққан олим, алломаларнинг кўпчилиги «Термизий» нисбаси билан танилган. Улар асосан қуйидагилар (лекин бу охириги чегара эмас, улар илмий изланишлар натижасида янада кўпайиши аниқ):

---

<sup>48</sup> Қаримов И. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар//Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: «Ўзбекистон», 2002. –307–309-бетлар.

1. Умар ат-Термизий.
  2. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср ат-Термизий.
  3. Абу Исмонил Муҳаммад ибн Исмонил ибн Юсуф ас-Сулаймоний ат-Термизий.
  4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳаким ат-Термизий
  5. Муҳаммад ибн Умар ат-Термизий.
  6. Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизий.
  7. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Мусо ибн ад-Даҳ-ҳок ас-Сулламий аз-Зарир ал-Буғий ат-Термизий.
  8. Абулҳасан Аҳмад ибн Жунайдуб Абдулҳасан ат-Термизий.
  9. Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Жабала ибн Божавия ат-Термизий.
  10. Абу Аҳмад ибн ал-Ҳасан ат-Термизий.
  11. Холид ибн Зиёд ибн Жарулаздий ат-Термизий.
  12. Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд ибн Жарулаздий ат-Термизий.
  13. Абу Усмон Саид ибн Холид ибн Муҳаммад ибн Махлад ибн Холид ат-Термизий.
  14. Абу Муҳаммад Соғиқ ибн Муҳаммад ибн Довуд ат-Термизий.
  15. Бурҳонуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад аз-Зайн ал-Ҳусайний Муҳаммад ат-Термизий.
  16. Жалолуддин Абу Жаъфар ал-Ҳусайний ибн ал-Мажид Али ибн Аҳмад ал-Ҳусайний ат-Термизий.
  17. Носируддин Аҳмад ат-Термизий.
- Шунингдек, Термиз шаҳри атрофидаги қишлоқлар номи билан нисба олган ал-Буғий, ар-Рухшайузий, аз-Заммаййа, ас-Сарминжайиний, аш-Шайшаҳний, ас-Сағоний каби ўнлаб олим, уламолар етишиб чиққан. Масеҳо Бойсуний, Маъюсий Хондизағий, Абдулҳаким Дарбандий, Мулла Сўфи, Жупуний, Биби Рухайда, Каломий, Собир Сайқалнийлар ҳам Термизийлардир.

### Зоминийлар фалсафа мактаби

Камёб ўсимлик ва ҳайвон турларини асраш ва уларни кўпайтиришга мўлжалланган кўриқхона Ўрта Осиёда биринчи бўлиб 1928 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган. Бу «Зомин» тоғ арчазорлари кўриқхонасидир. Унинг умумий майдони 26848 гектарни ташкил эта-



ди. Қўриқхонада ҳайвонларнинг 152, ўсимликларнинг 700 тури рўйхатга олинган. «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонларнинг 16, ўсимликларнинг 13 тури мавжуд. Ўрта Осиёдаги энг қалин арчазор ҳам мазкур қўриқхонада, унда 400 дан ортиқ фойдали гиёҳлар мавжуд. Юқоридагилар бевосита Зоминнинг табиати тўғрисидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Шунинг учун бу ерда қадимдан аҳоли ўтроқ ҳолда яшаган, ҳунармандчилик билан шуғулланган, деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган, илм-маърифат равнақ топган ҳамда таниқли олим-мутафаккирлар етишиб чиққан. Қадимдан Зомин ўзига хос олим-мутафаккирлар яшаган марказ саналган ҳамда улар «Зоминий» нисбаси билан машҳур бўлишган. Аз-Зоминийлар тўғрисида «Китобу муъ-жами-л-булдан» ва «Китобу-л-ансоб» каби асарларда маълумотлар келтирилган. Манбаларда Зомин ҳақида Бухоро қишлоқларидан бири ёки Самарқанд атрофидаги бир шаҳарча номи тарзда маълумотлар мавжуд. Бизнингча, Самарқанд атрофидаги шаҳарча деган маълумот ишончлироқдир. Чунки Зомин (ҳозирда Жиззах вилоятида) Самарқандга яқин ҳамда юқорида «Аз-Зоминий»лар рўйхатида зоминийларнинг фаолияти кўпроқ Самарқанд билан боғлиқлигига гувоҳ бўламиз.

«Ўрта Осиё олимлари қомуси» китобида аз-Зоминий нисбаси билан олти олим-уламо исми шарифи келтирилади. Булар қуйидагилар:

1. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Асад ибн Товус аз-Зоминий (415 ҳ.й.ваф.эт.) – уламо ва ҳадис илми олими бўлган.
2. Абдулфазл Илёс ибн Холид аз-Зоминий – исломшунос олим.
3. Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий – шайх бўлган.
4. Абу Бакр Жумаҳир ибн Али аз-Зоминий. Усрушон тасарруфидаги ўлкалардан бирида шайх бўлган. Самарқандда яшаган. Ундан ҳадис тинглаганлар.
5. Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яздод ар-Розий аз-Зоминий (302 ҳ.й.ваф.эт.) – уламо ва шайх бўлган.
6. Абулҳасан Али Абу Саҳл ибн Ҳамза ибн Мансур аз-Зоминий – зоҳид ва фозил имом бўлган. Самарқандда таълим тизимини бошқарган.

## Жиззахийлар фалсафа мактаби

«Дизак» атамаси «қалъача» деган маънони англатади. Қадимда «Буюк ипак йўли»нинг бир йўналиши (Самарқанд, Шош) Жиззах орқали ўтган. Жиззах Кушон ва Усрушон давлатлари таркибида бўлган.

Араб тарихшунослари Ибн Ҳавқал, Мақдисийлар Жиззах Факнон вилояти, у Усрушон давлатига қарашли ҳудуд, деб ёзиб қолдиришган. Шу нуқтан назаридан ҳам араблар босқинига қадар, Жиззах Усрушоннинг ҳунармандчилик, маданият, фан ривожланган шаҳарларидан бири бўлган. Шаҳар атрофида Кушон давлати давридаёқ кўплаб қалъалар қурилган. VIII асрда «Вилоят девори», яъни Кандипарак қурилган.

Фан тарихида Жиззахийлар нисбаси билан машҳур бўлган олим-мутафаккирлар ҳам маълумдир. Улар асосан қуйидагилар:

1. Абдулазиз ибн Муҳаммад ад-Жиззахий.
2. Абдулмаҳмад Муҳаммад ибн Али ибн Немоли ибн Мансур ибн Яҳё ал-Жиззахий.
3. Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шайб ад-Жиззахий.
4. Абу Толиб Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Исҳоқ ибн Дизка ат-Тоний ад-Жиззахий.
5. Умар ибн Шуъайб ибн Абулқосим ас-Сарром ал-Жиззахий.

Президент Ислоом Каримов Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида (1999 йил 9 декабрь) шундай деган эди: «Жиззах - табаррук аждодларимиз қадами етган муқаддас маскан. Вилоятда буюк боболаримиз номлари билан боғлиқ кўплаб қадамжолар бор. Буюк Амир Темур номи билан аталувчи дарвоза манзилидаги тошларда Мирзо Улуғбек томонидан битиб қолдирилган эсдалик лавҳаси шонли ўтмишимиздан дарак бериб туради.

Шу муносабат билан мен бир мулоҳазани сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман. Халқимиз азалдан бу жойни «Темур дарвозаси» деб келади. Агар сизлар рози бўлсангиз, менда бир таклиф бор. Яъни бу жойга расман «Соҳибқирон Амир Темур дарвозаси» деган ном бе-

риб, олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйсақ, бу ерда бир ёдгорлик ўрнатиб, уни қутлуғ зиёратгоҳ, қадамжога айлантирсақ, нима дейсизлар?

Ўйлайманки, бу ҳар томонлама - ҳам тарихий, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри бўлади. Соҳибқирон бобомизнинг арвоҳи ҳам биздан шод бўлади...Жиззахни харитадан ҳам, тарих саҳифасидан ҳам ҳеч ким ўчиролмайди.

Нега деганда, бу замин қадимий ва шонли ўтмишга эга. Биргина Жиззах шаҳрининг ўзи икки минг йиллик тарихдан гувоҳлик беради. Жиззах ҳақида X асрда араб сайёҳлари ёзиб қолдирган ноёб маълумотлар мавжуд. Бу маскан араблар истилосига қадар Усрушонанинг йирик шаҳарларидан бири бўлган.

Жиззах – табаррук аждодларимиз қадами етган муқаддас маскан. Вилоятда буюк боболаримиз номлари билан боғлиқ кўплаб қадамжолар бор. Буюк Амир Темур номи билан аталувчи дарвоза манзилидаги тошларда Мирзо Улуғбек томонидан битиб қолдирилган эсдалик лавҳаси шонли ўтмишимиздан дарак бериб туради»<sup>49</sup>.

## Андижонийлар фалсафа мактаби

Мустақиллик шароитида ўнга яқин шаҳарларнинг 2750, 2700, 2500, 2200, 2000 йиллик юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида халқаро миқёсда ўтказилди. Лекин ҳозирги даврдаги археологик, тарихий, фалсафий манбалар Ватанимизда ўзнинг юбилейлари ўтказилиши навбатини кутаётган бундай қадимий ва навқирон шаҳарлар бисёрлигини тасдиқламоқда. Президент И.Каримов 2009 йил 16 октябрда Фарғона вилоятига ташриф булорди. Қўқон шаҳрида бўлганида, мазкур шаҳарнинг қадимийлигини алоҳида таъкидлади ҳамда шаҳар юбилейини ўтказишни таъкидлади. Бизнингча, шундай юбилейни кутаётганлардан бири Андижон шаҳридир. Хитой манбаларида Довон (Фарғона) давлатида 70 дан ортиқ шаҳарлар бўлганлиги кўрсатилади. Шулардан бири Андукон – Андижон шаҳридир.

Манбалар Андижон Сарвитап қисмининг археологик топилмалари милoddан аввалги VI–III асрларга оидлигини, Қўштепа, Якка-

---

<sup>49</sup> Каримов И. Жиззах халқининг қалбида ва дилида//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. –114-бет.

тепа, Чордона комплекслари ҳам қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликларинда маданий қатламлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Буюк ипак йўлида жойлашган, Ўрта асрларда шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган, араблар истилосидан сўнг Андукон шаҳри, деб юритилган. Ёзма манбаларда IX–XVI асрларда Андижонда шаҳарсозликнинг ривож, тангалар забт этилиши, мусулмон динининг равнақи («Қуббат ул-исломн Андижон»), Амир Темур ҳукмдорлиги, айниқса, унинг набираси Абу Саъид Марзонинг ўғли Умаршайх Мирзонинг Андижондаги ҳоким қароргоҳи, мудофаа деворлари, Бобур (Умаршайх Мирзонинг ўғли) ва бобурийлар даври алоҳида кўрсатишган. Айниқса, «Бобурнома» Андижон шаҳри муҳити тўлиқ тасвирланган асосий манба эканлиги диққатга сазовордир. Мустақиллик даврида ташкил этилган Бобур ва бобурийлар даврини тадқиқ қилиш бўйича экспедиция тўплаган қимматли маълумотлар ҳам масала ечимини топишда муҳим манбадир. Шу билан бирга, Андижон ва унинг тарихи тўғрисидаги манбалар тўла ўрганилмаганлиги ҳамда мавжудлари тўғрисидаги маълумотлар етарли эмаслиги у ҳақдаги билимлар доирасини торайтирган. Масалан, «Ўрта Осиё олимлари қомуси» китобида Андижонни «Андукон»дан ясалган нисба, «Андукон Фарғона ва Сараҳсадаги қишлоқлардан бири» деб кўрсатилади. Бу манбанинг қимматли томони шундаки, унда келтирилган Андукондан нисба олган олим, уламолар номларининг кўрсатилишидир. Аммо унда ҳам бу олимларга фарғонийлар тарзида нисба берилади.

1. Калолуддин Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Ҳажжож ибн Юсуф ибн Аммод ибн ал-Ғозий ал-Андалоний (726–777). Фарғонанинг Андижон қишлоғида туғилган. Фарғона водийсини кезиб чиққан. Ироқ ва Озарбайжонга борган. «Сидқ ул-калом фи илм ил-калим» – «Калом илми ҳақидаги ишончли гаплар» асари муаллифи. У ҳақда «Китобу кашфи-з-зунун» асарида маълумотлар келтирилган (1 жилд, 170-бет).

2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Андижоний ал-Муқрий ал-Фарғоний ас-Суфий (1087-1150) – хушфёъл ва солиҳ инсон, олижаноб шайх ҳамда Қуръони каримни кўп тиловат қилувчи қори, Каломуллоҳ қироати ва ривояти бўйича етук олим бўлган.

Кўпчилик ундан сабоқ олган. Сўнгра Кошонга бориб, у ердаги хо-нақоқ фақиҳларига хизмат қилган. Бухоро ва Маврда ҳадис тинг-лаган. Тахминан 1087 йилда Андижонда туғилган. Кейинчалик 1109 йилда Марвга борган ва у ердаги қишлоқлардан бири Кошонда 1150 йилда вафот этган. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Андижоний ал-Муқрий ал-Фарғоний ас-Суфий тўғрисида «Китобу муъталли-л-булдан» (310-бет) ва «Китоб ул-ансоб» (1-жилд, 217-бетларда) китобларида маълумотлар келтирилган.

Андижон қадимий ва, айни пайтда навқирон шаҳарлар қаторига киради. Ҳозир Андижон шаҳри республикаимизда катталиги жиҳа-тидан 4-ўринда, аҳоли сони бўйича 2-ўринда туради. Андижон ви-лоятида 14 та туман, 95 та қишлоқ, 11 та шаҳар бор. «Барчамиз яхши тушунамизки, Парвардигоримизнинг ўзи ҳар қайси инсон, ҳар қайси элга ўзига хос ақл-идрок, куч ва қудрат, хусусият ва аломатларни адо этади. Шу нуқтан назардан қараганда, бошқа вилоятларимизни камситмаган ҳолда, Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янги-ликка интилиши, татбиркорлиги билан ҳамиша ажралиб туради, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қадимий заминда кўпни кўрган, ўзига, ўзининг кучи ва сало-ҳиятига ишонган, меҳнаткаш, ор-номусли одамлар яшайди. Анди-жон эли ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини, қандай бебаҳо мерос соҳиби эканини яхши англайди. Бу замин дунёга Бо-бур Мирзо, Чўлпон каби улур инсонларни бергани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

...Ҳеч қачон унутмайликки, биз – теурийлар, бобурийлар авло-димиз, бу авлод ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаган ва қарам бўлмайди, кимнингдир ишораси, кўрсатмасига қараб ўз ҳаётини кўрмайди»<sup>50</sup>.

Демак, «Андижоний» нисбасини олмаган бўлса-да, Заҳириддин Муҳаммад Бобурни (1483–1530) ҳам шу ўлканинг маърифатли, кенг илмий салоҳиятли олими, маънавий жасорат соҳиби, мардоновор

---

<sup>50</sup> Қаримов И. Тинч-осойишталик, ҳаётни қадрлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш – барчамизнинг асосий вазифамиз. //Жамиятимизни эркинлаш-тириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсади. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. –31–38 бет.

ва буюк шоирлари сафига қўшиш тарихий хотирани тиклашда алоҳида долзарблик касб этади. Шу ўринда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг насл-насаби масаласига қисқача тўхталиш ҳозирги макон ва замонда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда, энг аввало, қуйидаги мулоҳазаларнинг таҳлилидан бошлаймиз: «Муаллифнинг билим ўрганиш доираси бундан-да кенгроқ. Тадқиқотчи Марказий Осиё тарихи, урф-одатлари, этиқоди, менталитетининг чуқур билимдони эканлиги сезилиб туради. У томирида Темур ва Чингизхон қони оқаётган бобурийларга хос зеҳниятни англаб, ҳис этиб қалам тебратди. Кўпчилик хорижий тадқиқотчилар асарларида кузатиладиган дунёқараш бирёқламалиги, ғарбона тафаккур билан шарқона фикрлаш ўртасидаги тафовут сезилмайди»<sup>51</sup>. «Кўп ўринларда инглизча сўзларни тўғридан-тўғри таржима қилишдан қочилади, гап мазмунидан келиб чиқиб ўринли муқобили топилади. Бу китобнинг номланишидаёқ кўзга ташланади: «Акбаршоҳ – энг буюк мўғул» (Akbar the Greats Mogul) деб аталгани лозим бўлар эди. Таржимон сўз тартибини бир оз ўзгартириб ва «мўғул» атамасини «бобурий» насаби билан алмаштириб, аслиятдан узоқлашмайди, чунки мўғул истилоҳининг асл маъноси ҳақида Беркнинг ўзи ҳам изоҳ бериб ўтган эди: «Бобуршоҳ хотираномасида ўзини ва ўз ҳамроҳларини ҳақли равишда «турклар» деб атайди. Бироқ XIII–XIV асрлар давомида мўғулларнинг бир неча ҳужумларини бошидан кечирган ҳиндистонликлар шимолдан келадиган барча босқинчиларни «мўғуллар» деб атаганлар ва, ўз навбатида, бу сўзнинг нафақат талаффузи, балки маъноси ҳам бузилиб, Бобуршоҳ қўшинига нисбатан ҳам «мўғуллар» атамаси ишлатилган. Ғофуржон Сотимов фақат таржимон эмас, бобурийлар салтанатининг тадқиқотчиси, мазкур соҳанинг чуқур билимдони эканлиги ҳам таржима муваффақиятини таъминлаган омиллардир». Мазкур фикр-мулоҳазалар Ш.Норматованинг «С.М.Бурке. Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюғи» (Т.: «Мумтоз сўз», 2009. Таржимон Ғ.Сотимов) китобига ёзилган «Акбаршоҳ америкалик тадқиқотчи нигоҳида» тақриздан олинди. Тақризчи (Ш.Норматова) таржимоннинг (Ғ.Сотимов) маҳоратини юқори баҳолаган ҳолда,

---

<sup>51</sup> *Норматова Ш.* Акбаршоҳ америкалик тадқиқотчи нигоҳида//Жаҳон адабиёти.2010., 8-сон, 184-бет.

қўшимча қилиб шундай ёзади: «Кўн ўринларда инглизча сўзларни тўғридан-тўғри таржима қилишдан қочилади, гап мазмундан келиб чиқиб ўринли муқобили топилади. Бу китобнинг номланишидаёқ кўзга ташланади: «Акбаршоҳ — энг буюк мўғул» (Akbar the Greats Mogul) деб аталиши лозим бўлар эди. Таржимон сўз тартибини бир оз ўзгартириб ва «мўғул» атамасини «бобурий» насаби билан алмаштириб, аслиятдан узоқлашмайди...»<sup>52</sup>. Бу фикр-мулоҳаза, бизнингча фалсафий нуқтаи назардан таҳрирга муҳтождир. Биринчидан, фалсафанинг мазмун ва шакл категориялари ўринларини алмаштириш формализмнинг кучайишига, иккинчидан, ўқувчини алдашга мойилликни келтириб чиқаради. Бу сингари «кашфиётлар»ни қўллаб-қувватламаслик замонасозликнинг урчишидаги энг муҳим омилдир.

Тақризчи алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек, «Ғофуржон Сотимов фақат таржимон эмас, бобурийлар салтанатининг тадқиқотчиси, мазкур соҳанинг чуқур билимдони» бўлганлиги боис мазкур кашфиётни таржимон томонидан ёзилган «Аннотация»да ёки «Сўз бошида» таъкидлаб, янги тарихий фактлар билан асослаб ўтганида, таржиманинг илмийлик салоҳияти яна бир поғона кўтарилган ҳамда миллий ғоя тамойили талабларига мое бўлиб тушган бўлар эди. Масалани қуйидаги талқинда берган афзал эди. XX асрда ҳам, ҳозирги айрим Ғарб тадқиқотчилари ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурни мўғуллар авлодидан, деб «асослашган». Лекин улар юқоридаги *насл-насаб тўғрисидаги шарқона мураса тамойилишининг мазмуни-моҳиятини тушунишмайди, маълумот етарли эмаслиги ёки Ўзбекистон ҳақида билимлари саязлиги оқибатида ёхуд насл-насабидан ўтган ғарбча индивидуализм устуворлиги боис нотўғри хулоса чиқаришган. Ўзбекистонда эса азалдан ҳар бир онла серфарзанд бўлган ҳамда фарзандларнинг баркамоллигига асосий эътибор қаратилган.*

Тарихдан маълумки, Тошкент 1485 йилда Мўғул хони Юнусхон ихтиёрига ўтади. Юнусхон 1487 йилда вафот этади. Унинг қабри ҳозирги кунда Шайх Хованди Тоҳур ансамблининг ёнбошида (Тошкент Ислон университетининг ҳовлисида) жойлашган. *Мовароун-*

---

<sup>52</sup> *Норматова Ш.* Акбаршоҳ америкалик тадқиқотчи нигоҳида//Жаҳон адабиёти.2010., 8-сон, 185-бет.

наҳрга, шу жумладан Тошкентга босқинчилик қилган аксари мўъла-лар мусулмон динини, шу жумладан ҳоким Юнусхон ҳам қабул қилган. Ва шунинг бўлса керак, Хожа Аҳрор Валийнинг (чунки у даврда Хожа Аҳрор Валий ислом аҳли орасида машҳур олим-уламо бўлган) шарофати билан Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигор бегим Андижон ҳокими Умаршайх Мирзога (Абу Саъид Мирзонинг ўғли) никоҳлаб берилади. Бу никоҳдан Бобур Мирзо дунёга келади. Умаршайх фарзандига исм қўйишни Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳдан (нақшбандия тариқати намояндаси Хожа Аҳрор Валий) сўрайди. У Заҳриддин Муҳаммад (Заҳри дини Муҳаммад – Муҳаммад динининг таянчи, кўриқчиси), деб ном қўйган. Шарқ удумига биноан, насл-насаб ота авлоди бўйича аниқланади ва кўрсатилади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз даврида буюк саркарда, маърифатли ҳукмдор, машҳур шоир бўлиб танилган. Инглиз шарқшуноси Эдуард Холден: «Бобур феъли-атвориға кўра Цезарга қараганда севиниға арзиш унингдир. Унинг манлаийиға юксак фазилатини инсон деб бигиби қўйилган», – деб унинг салоҳиятига юқори баҳо берган.

Унинг ёзган шеър ва ғазаллари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, уларда илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ғояларни англаш, тушуниб етиш Заҳриддин Муҳаммад Бобурни мукаммал билиш учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг шеърини девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолайи волидиййа» каби асарлари бизгача етиб келган. Бобурнинг замондоши тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар: «Туркий шеърятда Мир Алишердан кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган. У туркийда ажойиб тотли девон тартиб берган. «Мубаййин» номли шеърини асари жуда фойдали китоб бўлиб, одамлар уни фикҳ дастуриламали сифатида қабул қилишган. У «Туркий аруз»ни ёзган, бундай етук асарни ун-гача ҳеч ким битмаган», – деб ёзиб қолдирган.

«Мубаййин» асарида унинг диний-фалсафий қарашлари ўз аксини топган. Мазкур асар тўғрисида унинг замондоши Ҳасанхўжа Нисорий «Музаққирин аҳбоб» тазкирасида (унда XVI асрда яшаб, ижод қилган 300 дан ортиқ шоир, адиблар тўғрисида маълумотлар мавжуд) шундай деб ёзган: «Бобурнинг фазилатлари бисёр ва камо-



лотлари бешумор. Арузга онд рисолаши бир денгиздурким, ичи тўла жавоҳиру дурдона, фиқҳ масалаларини дағи бир рисолада мубайян қилганким, ёзғувчиси донишмандлигидан бир нишона, туркий ва форсийда яхши шеърлари бор. Ўшал фиқҳ рисолашининг номи «Мубаййин»дур». Заҳириддин Муҳаммад Бобур фалсафий қарашларига «Авесто»да илгари сурилган ғояларнинг таъсири кучли бўлган. Бунга сабаб қилиб, бир томондан, у Турон замин фарзанди бўлганлиги, иккинчи томондан, «Авесто» ҳам аини шу заминда бунёд этилгани, учинчидан, Зардушт таълимотининг ҳиндуизм, буддизм, ислом динлари шаклланишига таъсири (мазкур дин урф-одатларида, бажарадиган рукнларида зардуштийлик элементлари ўзлаштирилганлиги), тўртинчидан, ислом динининг VI асрда Мовароуннаҳрга «кириб келиши» ва шу вақтдан бошлаб зардуштийликнинг ўз заминидан «қувғин» қилиниб, бошқа юртларга, хусусан, Ҳиндистонга тарқалиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Маълумки, «Авесто»да икки кучнинг (яхшилик ва ёмонлик) кураши кўрсатилади ҳамда маълум маънода диалектика ўзига хос тарзда асосланади. Шу ғоя Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида қуйидаги мисраларда намоён бўлган:

Ҳар ердаки гул бўлса, тикан бўлса, не тонг,  
Ҳар қайдаки май дардидин бўлса, не тонг,  
Шеъримда агар ҳазл, агар жид кечурунг,  
Яхши борида агар ёмон бўлса, не тонг<sup>54</sup>.

Шунингдек, дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам мутлоқ тантана қила олмайди, улар нисбий характер касб этишини қуйидаги мисраларда алоҳида таъкидлайди:

Дилраболардан ёмонлик келди маҳзун кўнглума,  
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгил, чун яхшидун кўрдунг ёмонлиғ асру кўп,  
Эмди кўз тутмоқ, не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ<sup>55</sup>.

---

<sup>54</sup> Бобур шеърятидан. –Т.: 1982. –105-бет.

<sup>55</sup> Бобур шеърятидан. –Т.: 1982. –71-бет.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурда шарқона мураса фалсафаси ниҳоятда кучли бўлганки, бировдан ёмонлик келса-да унга яхшилик қилиш керак, каби ғояни қуйидаги мисраларда алоҳида кўрсатади:

Юз ёмонлиғ кўриб андин телба бўлдунг, эй кўнгул,  
Яхшилиғни кўз тутарсан ул парийвашдан яна<sup>56</sup>.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур нафақат буюк саркарда, машҳур шоир ва ёзувчи, аини пайтда хатти Бобурийнинг ихтирочисидир. Бобурий Мусҳаф нусхаси «Хатти Бобурий»да кўчирилган. Мазкур нусха Машҳад музейида сақланаётган эди, ҳозирда у Ватанимпзга келтирилган.

Умуман олганда, жаҳон фалсафасида Андижонийлар фалсафа мактабининг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Эндиликда уларни замон талаби даражасида ўрганиш ва баркамол авлодга етказиш долзарб вазифа ҳисобланади.

2003 йил 3 декабрда Ватанимпз иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдаги ташаббускорлиги, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёшларни комил инсон руҳида тарбиялашдаги катта ютуқлари учун Андижон вилояти Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Бизнингча, Андижон шаҳри тўғрисидаги илмий тадқиқот ишлари натижаси асосида Андижон шаҳри юбилейини халқаро жамоатчилик (ЮНЕСКО) ҳамкорлигида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Зеро, бу тадбирлар андижонийлар фалсафа мактабининг генезиси, моҳияти, аҳамияти ва ўрнини нафақат мамлакатимизда, аини пайтда, жаҳон ҳамжамиятига ҳам кўрсатишда муҳим роль ўйнаган бўлади.

## Дабусийлар фалсафа мактаби

Сугдиёнанинг Дабусия шаҳри Бухоро ва Самарқанд ўртасида жойлашган, мил. авв. III аср бошларида илм-фан, маданият, ҳунармандчилик ривожланган ҳамда Буюк ипак йўли савдо карвонларини

---

<sup>56</sup> Бобур шеърятидан. –Т.: 1982. –91-бет.

боғловчи йирик шаҳар бўлган. Айрим манбаларда «Дабусия қалъаси» сифатида кўрсатилади. Дабусия Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани ҳудудида. Унда XVII асргача ҳаёт давом этган. Лекин турли объектив ва субъектив сабаблар (турли хил босқинчилик урушлари) оқибатида харобага айланган. Халқаро экспертларнинг хулосасига биноан Дабусия шаҳри ёдгорликларини ўрганиш учун кўп вақт керак бўлади.

Ҳозир Дабусия шаҳри ёдгорлиги Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг мутахассислари ҳамда Япония археологлари билан ҳамкорликда кенг тадқиқ ишларини йўлга қўйишган. Қазииш ишларида натижасида нафис газламалар, чарм маҳсулотлари, кулолчилик буюмлари топилган. Дабусия шаҳри ҳудуди Арк, Шаҳристон (мил. авв. III асрда барпо этилган), Роботдан (Робот мил. авв. II асрда барпо қилинган) иборат бўлган.

Қадимдан Дабусияда фан ва маданият равнақ топган. Мазкур шаҳарда айниқса, ўрта асрларда дунёга машҳур олимлар фаолият олиб борганликлари тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Дабусия шаҳрида туғилиб дунёнинг турли жойларида «Дабусий» нисбаси билан эътироф этилган қуйидаги олим-фозилларни кўрсатишимиз мумкинки, улар маълум макон ва замонда ўзларининг фалсафа мактабларини ташкил қилишган:

1. Абу Зайд Абдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий (978-1039) – ҳанафий мазҳабидаги йирик фақиҳлардан. Бухорода қозилик маҳкамасини бошқарган.

2. Абдулфатҳ Маймун ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Бакр Мажжа ад-Дабусий (535 ҳ.й.ваф.эт.) фикҳшунос. Марвда шайх бўлган.

3. Абулқосим Маҳмуд ибн Маймун ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Бакр Мажжа ад-Дабусий (530 ҳ.й.ваф.эт.) фикҳ илми билимдони ва шайх бўлган.

4. Абулқосим Али ибн Абу яъло Зайд ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳусайний ал-Алавий ад-Дабусий (482 ҳ.й.ваф.эт.) – олижаноб, ҳимматли, саховатпеша инсон, фикҳ, тафсир ва илми адаб бўйича имом бўлган ҳамда Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида таълим жараёнини бошқарган.

5. Аҳмад ибн Амру ибн Нусайр ибн Ҳомид ибн Уҳайд ибн Дабуса ад-Дабусий. У асли Дабусияда туғилмайдн. Лекин насл-насаби (бобоси) дабусиялик бўлганлиги учун ҳам Дабусий нисбасини олган. 92 ҳ. йилда Қутайба ибн Муслим ҳузурда ислом динини қабул қилган.

6. Абдулғушайм Зулайм ибн Ҳатит ал-Жаҳзамий ад-Дабусий (252 ҳ. й. ваф. эт.) – ҳадисшунос. Ироқда кўплаб ҳадисларни ёзиб олган.

7. Абу Усмон Саид ибн ал-Аҳвас ал-Аздий ад-Дабусий – ҳадисшунос уламо бўлган.

8. Абу Амру Усмон ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Рамих ибн Саҳл ибн Рижа Табаъ ад-Дабусий – ҳадисшунос.

9. Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Марвазий ал-Моҳибий ал-Дабусий. Фиқҳ илми билимдонн.

### Кошонийлар фалсафа мактаби

Ўзбекистон ҳудуди нафақат ўзининг боғи табиати, балки қадимги ҳар бир қишлоқ ва шаҳарларидаги юксак салоҳиятли интеллектуал мулк соҳиблари билан ҳам жаҳон ҳамжамиятига танилган. Масалан, ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги шаҳарлардан бирининг номини ва ўзларининг исм-шарифларига «Кошоний» нисбасини олган қуйидаги олим-фозилларни кўрсатиш мумкин:

1. Аҳмад ибн Муҳаммад Муҳсин ал-Кошоний ан-Нажафий ал-Файзий (1630 йилда ваф. эт.). Ироқнинг Нажаф шаҳрида яшаган. Фақиҳ бўлган. «Фойдалар китоби» асарини ёзган.

2. Муҳаммад ибн Али ал-Кошоний ал-Ҳалабий (1373 йилда ваф. эт.). Сурияда яшаган. Фиқҳ илми олими бўлган. «Ибн Синоннинг «Шарҳ ул-ишорат» асарига ҳошия» асари ўз даврида шуҳрат қозонган.

3. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Кошоний (1826 йилда ҳаёт бўлган). Услубиётчи фақиҳ, муаррих ва шоир бўлган. «Фиқҳ асослари ҳақидаги чиройли дурнинг манзумаси», «Тарих ҳақидаги ёрқин нурлар» асарлари муаллифи.

4. Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муртазо ибн Маҳмуд ал-Кошоний

(1599-1680). «Ал-Файз ал-Кошоний» номи билан машҳур бўлган муфассир. Қуръон таснифига оид «Аллоҳнинг каломи ҳақида соф, кофий, етук асар», «Энг беғубор китоб» асарлар муаллифи.

5. Маждуддин Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Кошоний (1160 йилда ваф. эт.). Ҳанафий мазҳаби вакили, фақиҳ бўлган. «Олимнинг мулки ва олам фозилларининг мақсади» асарида «Энг катта фатволар»нинг моҳиятлари берилган.

6. Муҳаммад ибн ал-Муртазо ал-Кошоний (1655 йилда вафот этган). Муҳаддис, мутакаллим, фақиҳ ва файласуф ҳамда «Мулло Муҳсин ал-Кошоний» номи билан машҳур бўлган. Қуръон тафсирига оид етмиш минг байтдан иборат «Соф китоб», етти минг байтдан иборат бўлган ҳадислар жамламаси – «Нодир битиклар», «Дин асослари ҳақида аниқ илмлар» ва бошқа асарлар муаллифи.

7. Масъуд ибн Аҳмад ал-Кошоний (1191 йилда ваф. эт.). Услуби-ётчи фақиҳ сифатида танилган. «Шариат аҳкомларининг тартиботи ҳақида яратилган бадиалар» асарини ёзган.

8. Аҳмад ибн Маҳдий ибн Абу Зурр ал-Кошоний аз-Зоқий (1771–1828). Кошоннинг Зоқ қишлоғида вафот этган, Ироқнинг Нажаф шаҳрига дафн қилинган. «Усул илмини эгаллаш йўл-йўриқлари», «Фақиҳларнинг қондалари бўйича давр тартиботлари», «Фиқҳ усуллари ҳақида ҳақида ҳукмлар калити», «Далилларга асосланган фиқҳ ҳақидаги ҳужжатли манба» каби асарлар муаллифи.

9. Ҳабибуллоҳ ибн Али Мадад ибн Рамазон ас-Соеусжий ал-Кошоний (1846-1340). Энциклопедист олим. Техрон ва Ироқда яшаган. «Фойдали мухтасарнинг шарҳи ҳақида манфаатларнинг ҳимоячиси», «Масаллар ва қиссалар ҳақидаги ҳикояларнинг бўстони» ва бошқа асарларни ёзган.

10. Ҳасан ибн Аҳмад ибн Рукнуддин ал-Хусайний ал-Кошоний (1924 йилда ваф. эт.). Ироқнинг Нажаф шаҳрида Али ал-Халилий, Муҳаммад Ҳусайн ал-Козимий, Ҳабибуллоҳ ар-Руштий каби таниқли олимлардан қироат илмини ўрганган. «Ақлий далиллар хусусидаги фикрларнинг натижалари», «Шаръий масалаларнинг шарҳида раҳмдил одамларга тўғри йўл» ва бошқа асарларни ёзган.

11. Хусайн ибн Муҳаммад Разиюддин ибн Хусайн ибн Ҳасан ибн

Музаффар ибн Муҳаммад ал-Хусайний ал-Ложурдий ал-Кошоний (1800–1868). Фақиҳ ва воиз бўлган. «Ҳақиқий фиқҳ», «Қуръон тафсири», «Тақлидий рисола» ва бошқа асарлар муаллифи.

12. Аббос Қули ибн Муҳаммад Тақий ал-Кошоний ат-Техроний (1922 йилда ваф. эт.). Адиб ва муаррих бўлган. «Яратувчининг йўлланмаси», «Пайғамбарлик исботи», «Жавоблар мажмуаси», «Адаб илмининг пойдевори» каби асарларни ёзган.

13. Абдулҳусайн ибн Ҳидоятulloҳ ибн Муҳаммад Тақиюддин ал-Кошоний ат-Техроний (1873-1933). Адиб бўлган. «Пайғамбарлар тарихи» асари муаллифи.

14. Камолуддин Абдураззоқ ибн Аҳмад ал-Кошоний (1329 йилдан кейин вафот этган). Суфий бўлган. «Ҳиравийнинг «Сайр қилувчиларнинг» манзиллари» асарига шарҳ», «Ибн ал-Форизнинг тасаввуфга оид «Тонийа» асарига шарҳ», «Ибн ал-Арабийнинг «Фусул ал-ҳикма» асарига шарҳ» каби ўнлаб асарлар муаллифи.

15. Абдурасул ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ал-Оғо Али ан-Шароий ал-Кошоний ал-Мадаиний (1863-1947). Кўп билимларни эгаллаган олим. Кошонда Ҳабибуллоҳ ибн Али Ал-Кошоний ва Фаҳруддин ан-Нароқийлардан, Ироқнинг Нажаф шаҳрида Муҳаммад Козим аз-Зарадийдан таълим олган. Кошоннинг Панжа Шох қабристонига дафн қилинган. «Мутакаллим олимларнинг бўстонлари», «Ҳақиқат аломатлари», «Толиби илмга тўғри йўлни кўрсатиш» каби ўнлаб китобларни ёзган.

16. Аълам ал-Ҳудо ибн ад-Доъий ибн Аълам ал-Ҳудо ибн ад-Доъий ал-Омили ал-Кошоний (1107 йилда ҳаёт бўлган). Математик, муафссир бўлган. «Фиқҳ илми ҳақида китоб» муаллифи.

17. Фатҳуллоҳ ибн Шукруллоҳ ал-Кошоний (1580 йилда ваф. эт.). Фақиҳ, муаррих, муфассир бўлган. Устози Ибн Ҳасан аз-Заворий бўлган. «Балоғат йўли», «Қуръон таснифи», «Тарих моддаси» ва бошқа китоблар муаллифи.

18. Фаражуллоҳ ибн Ҳошим ал-Хусайний ал-Кошоний (1890 йилда ҳаёт бўлган). Муаррих бўлган. 1890 йилда «Ислом вазирларининг тарихи» асарини ёзиб тугатган.

19. Зиёуддин Абуризо Фазлуллоҳ ибн Али ибн Убайдуллоҳ ал-Хусайний ал-Кошоний (1174 йилда ваф. эт.). Олим, адиб ва шоир

бўлган. Носируддин ат-Тусий ундан таълим олган. «Сирли дуолар», «Нодир китоблар ҳақида китоб», «Қуръон тафсири», «Девон» каби асарлар муаллифи.

20. Абулқосим ибн Аҳмад ибн Аҳмад ал-Хусайний ал-Кошоний (1900 йилда ваф. эт.). «Беш пок инсоннинг аҳволи ҳақида ялтироқ таҳмон» ва бошқа асарларни ёзган.

21. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Кошоний (893 йилда ваф. эт.). Фақиҳ бўлган. Зоҳирий мазҳабига эътиқод қилган. «Фатво асослари» асари муаллифи.

22. Муҳаммад ибн Тақий ибн Абдулхай ибн Иброҳим ибн Мажид ибн Иброҳим ал-Хусайний ал-Кошоний (1842 йилда ваф.эт.). Ҳадисшунос, фақиҳ, муҳаддис бўлган. Абдуллоҳ ибн Бишрдан таълим олган. «Тарқоқ асарлардан бир мажмуа», «Турли сўзларни илмий ўрганиш бўйича рисола», «Ўйлаб хотирага келган фикрлар ҳақида рисола» каби асарлар муаллифи.

23. Муҳаммад Тақий ал-Кошоний (1880 йилда ваф.эт.). «Салтанат тили» лақабини олган. «Сибҳар» тахаллуси билан асарлар ёзган. «Зайнаб онамизнинг ҳаёти ҳақида тилла безакли лавҳалар», «Покиза имомлар ҳақида маноқиблардаги нурларнинг сирини» асарлари муаллифи.

24. Муҳаммад тақий ибн Муҳаммад ибн Хусайн ал-Кошоний (1821–1903). Фақиҳ, мутакаллим бўлиб, илмнинг бир қанча соҳаларида ижод қилган. Ироқнинг Нажаф шаҳрида таҳсил олган. Теҳронда вафот этган. «Фойдали илмлар денгизи», «Ваъзлар тўплами», «Фиқҳ илмидаги нажот кемаси», «Фиқҳ ва кўп илмларда нажот топиш» ва яна ўнлаб асарлар муаллифи.

25. Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Ризо ал-Хусайний ал-Кошоний (1899 йилда ваф.эт.). «Кўришга асосланган рисола», «Шартли рисола» асарларини ёзган.

26. Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад Боқир ат-Тироқий ал-Кошоний (1857 йилдан сўнг ваф.эт.). «Мукамал хужжат» асарини ёзган.

27. Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад Муҳсин ибн Муҳаммад Самий ибн Хусайн ибн Аъллом ал-Ҳудо ибн Муҳсим ибн ал-Файз ал-Кошоний ал-Кирмоншоҳий (1844 йилда ҳаёт бўлган). Вонз

бўлган. «Ахлоқ масалаларида кўз билан билан кўрувчиларнинг хурсандчилиги» асарини ёзган.

28. Мустафо ибн Ҳусайн ал-Кошоний ан-Нажафий (1918 йилда ваф.эт.). Ироқнинг Нажаф шаҳрида туғилган. Фақиҳ ва шиа имомларидан бўлган. Ал-Фурийдан қироат илмини ўрганган. «Шналарнинг баъзи масалалари ҳақида зарур китоб» муаллифи.

29. Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Тақиюддин ал-Кошоний ат-Техроний (1918 йилда ваф.эт.). «Риза» зиёратининг фазли ва одоби ҳақида фойдали туҳфа» асарини ёзган.

30. Рукнуддин Масъуд ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Кошоний (1055-1126). «Масъудийнинг мухтасар китоби» муаллифи.

31. Муъмин ибн Муртазо ибн Маҳмуд ал-Кошоний (1055–1126). Ҳадисшунос, муҳаддис бўлган. «Ровийлар ҳақида китоб» муаллифи.

32. Муҳаммад ибн Али ибн Маҳдий ал-Аруний ал-Кошоний (1884–1907). «Беғуноҳликнинг асоси ҳақида рисола», «Ибтиҳод ва тақлид ҳақида рисола», «Рисолаларга изох» ва бошқа асарлар муаллифи.

Мазкур «Кошонийлар» рўйхати Абдуллоҳ Абдулҳамид Сааднинг «Ўрта Осиё олимлари қомуси»дан келтирилди. Бизнингча, XIX–XX асрларда яшаган ва «Кошоний» нисбасини олган юқоридаги олим-уламолар Мовароуннаҳр ҳудудида туғилмаган. Улар бевосита турли сабаблар билан Мовароуннаҳрдан хорижга (масалан, Ироқ ва Эрон) чиқиб кетган ва муқим яшаб қолган Кошонийлар авлоди вакиллари дир. Шундай «кошонийлар»дан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Муҳаммад ибн Али ибн Маҳдий ал-Аруний ал-Кошоний (1884-1907), Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Тақиюддин ал-Кошоний ат-Техроний (1918 йилда ваф.эт.). Мустафо ибн Ҳусайн ал-Кошоний ан-Нажафий (1918 йилда ваф.эт.), Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Ризо ал-Ҳусайний ал-Кошоний (1899 йилда ваф.эт.). Муҳаммад Тақий ал-Кошоний (1880 йилда ваф.эт.), Муҳаммад Тақий ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Кошоний (1821–1903), Абулқосим ибн Аҳмад ибн Аҳмад ал-Ҳусайний ал-Кошоний (1900 йилда ваф.эт.) ва бошқалар.



## Ховасийлар фалсафа мактаби

Ҳозирги Сирдарё вилоятининг Ховос шаҳри ҳам қадимдан ўзига хос фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимда бу жойлар Усрушон ўлкаси ҳисобланган. Бу ерлардан ҳам Буюк ипак йўли ўтган ҳамда кўплаб сардобалар қурилган. Бу ўлкадан ҳам кўплаб олим ва фузалолар чиққан ҳамда Мовароуннаҳрнинг шуҳратини дунёга ёйишга ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин улар тўғрисида маълумотлар кам сақланиб қолган. Фанга «Ховасий» нисбасини олган қуйидаги олим ва фузалолар маълум:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Ховасий. Имом хатиб бўлган. Самарқанд мадрасаларида ҳадис илмидан дарс берган.

2. Аз-Зоҳид ал-Ховасий. Зоҳид ва фақиҳ бўлган. Инсонларни амри маъруфга даъват қилган.

3. Абу Аҳмад Мусо аз-Зоҳид ас-Самарқандий ал-Ховасий. Ҳадисшунос олим бўлган.

## Иштихонийлар фалсафа мактаби

Фанга «Иштихоний» нисбаси билан қуйидаги олим-уламолар маълум:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матта ал-Иштихоний (ваф.381 ёки 388 ҳ.й.) – фиқҳ олим.

2. Абуллайс Наср ибн ал-Фатҳ ибн Аҳмад ал-Иштихоний – машҳур муаррих, ҳадисшунос бўлган.

3. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихоний ан-Навкадакий. Қуръонга шарҳлар ёзган. Хуросон ва Ироққа сафар қилган. Ҳадис ривоят қилган.

---

## IX БОБ. Ўзбекистон ҳудудидаги халқаро хусусий фалсафа мактаблар

Жаҳонда халқаро хусусий фалсафа мактаблари ташкил этилишида ҳам мамлакатимиз ҳудуди асосий замин бўлганлиги масаласига олдинги параграфларда (Анахарсис мисолида) қисқача тўхталган эдик. Мазкур бобда бевосита ўрта асрларда ташкил этилган айрим халқаро хусусий фалсафа мактаблари тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Бундан асосий мақсад, энг аввало, халқаро хусусий фалсафа мактаб ташкил қилиш анъанаси асосан Шарққа тегишли эканлигини асослаш ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги халқаро хусусий мактабларнинг хорижда шу сингари мактаблар шаклланишида асос бўлганлигини кўраганидан иборат. Мазкур мақсад қуйидаги устувор вазибалар ечимини орқали очиб берилди:

- ўрта асрларда ҳам «барча фанлар» фалсафанинг «ичида» лиги нуқтан назардан тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистон халқаро фалсафа мактабларининг жаҳон фани ва маданиятига қўшган салмоқли ҳиссасини асослаш;
- Ўзбекистон халқаро фалсафа мактабларининг дин фалсафасини ҳар томонлама тадқиқ этиши натижасида дин, хусусан, ислом дини назариясининг тамал тошини қўйганлигини кўрсатиш.

## Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий хусусий халқаро фалсафа мактаби

*Бу гениал инсон грек фалсафасининг энг қийин масалаларини сўнгги ўзгаришларигача қамраб олди ва кўра билди...Шунинг учун Шарқда фалсафани ҳақиқий, қатъий илмий асосда ишлаб чиққан киши деб фақат Форобийни ҳисобламоқ лозим.*

М.Мюллер – немис шарқшунос олими

*Форобий шундай фалсафий фикрларни айтар эдики, унга қадар ҳам, ундан кейин ҳам бундай нурмаъно фикрларни ҳеч ким айтмаган. Форобий асарларидан баҳраманд бўлмаган бирорта олим-уламони билмайман.*

Ибн ал-Қифтий

*Форобийнинг ўша машҳур «Фозил одамлар шаҳри» асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи учун ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқатадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.*

И.Каримов

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий (873–950) «...туркий қабилалардан, аниқроғи қарлиқ ёки ўғизлар қабилалардан, яъни туркистонлик қадимги ўзбеклар ичидан чиққан ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. Узлуғ ва Тархон исмлари қадимги ўзбекларда учрайди»<sup>1</sup>. Форобийнинг туркий-лигига ишора қилиниб, айрим манбаларда унинг исмига «ат-туркий» ҳам қўшиб айтилган.

---

<sup>1</sup> *Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон». 1971. – 126-бет.*

«Абу Наср Муҳаммад» унинг исми. Ҳозиргача унинг исми манбаларда аниқ берилмаган, яъни «Абу Наср Форобий» тарзида кўрсатилган. Бизнингча бу ҳам Фарбнинг таъсири ва ўтган асрдаги якка мафкурачиликнинг оқибатидир. Шунинг учун ҳам илмий истеъмолда «Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий» шаклида қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Фороб» унинг исм-шарифига қўшилган, туғилган жойи нуқтаи назаридан олган нисбаси. Унинг туғилган жойи ҳудудий жиҳатдан турли олимлар томонидан турли даврларда турлича талқин қилинган. Фороб «Арис суви Сирдарёга қуйиладиган» жой, «Шошнинг шимолидаги» ҳудуд, «Чоржўйнинг рўпарасида, Амударёнинг қарама-қарши қирғоғида»ги қишлоқ, «Самарқанд атрофидаги» қишлоқ.

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий ҳаким (донишманд), фалсафа фани бўйича атоқли мутафаккир, табиб, форс, турк ва юнон тиллари билимдони, мусиқашунос бўлган. Шунингдек, «...илм билан шуғуллашгунга қадар қози бўлган». Бу маълумот, яъни Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий илм билан шуғулланишдан олдин қози бўлган, деган қараш таҳлилга муҳтождир. Чунки бир томондан, «Авесто»да кўпгина ҳуқуқ кодексларининг мазмун-моҳияти берилганлигини олдинги нараграфларда кўрсатиб ўтган эдик; иккинчидан, ислом ҳуқуқининг тамал тошини ҳам Мовароуннаҳрдан чиққан буюк қомусий олимлар қўйганлиги маълум; учинчидан, исломда қозилик фикҳ илмини юксак даражада билганларгагина берилган.

Мата ибн Юнус, Юҳна ибн Жайлонлар билан учрашиб таълим олган. Хардон, Миср, Дамашққа сафар қилган. «Мусиқа санъатига кириш», «Илмлар таснифи ва уларнинг мақсадларини аниқлаш», «Мантинқ илмига кириш», «Саодатга эришиш» каби асарлар муаллифи.

«Ўрта Оснё олимлари» қомусида «Сайхун дарёси орқасидаги бир вилоят (Болосоғун шаҳарчаси)га мансуб олимларга» «ал-Форобий» нисбаси берилган деб кўрсатилади. Улар асосан қуйидагилар:

1. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Салма ибн Ҳабиб ибн Абд ал-Ворис ал-Муқаддасий ал-Форобий – ҳадис ва фикҳ илмлари билимдони.

<sup>2</sup> *Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон». 1971. – 130-бет.*

2. Заҳириддин Абдусамат ибн Маҳмуд ал-Форумий (1307 йилда ҳаёт бўлган) – фақиҳ ва услубиётчи. «Байзовийнинг қарашларига ойдинлик киритиш», «Байзовийнинг илми усул асарини ўзлаштириш услубига шарҳ» каби асарлар муаллифи.

3. Исмоил ал-Ҳусайний ал-Форобий (1499 йилда ваф.эт.) – асли ҳукмдорлардан, амир бўлган. «Абу Наср Муҳаммад ал-Форобийнинг ҳикмат ҳақидаги «ал-Фусул» китобига шарҳ» асари муаллифи.

4. Абулқосим Имоуддин Аҳмад ал-Форобий (1210 йилда ваф.эт.) – Ҳанафия мазҳаби бўйича фиқҳ олими. «Нозик услублардан ҳақиқатлар хулосаси», «Дурдоналар йўли ва равнақнинг юксалиши», «Жаннат боғларининг чироғи», «Жаннат боғларининг калити» каби асарлар муаллифи.

5. Аҳмад ибн Юсуф ал-Форобий (тахминан 1174 йилда ваф.эт.) – ҳанафия мазҳаби уламиси, олим. «Қорининг хатолари» китоби муаллифи.

6. Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Форобий (961 йилда ваф.эт.) – адиб, луғатшунос. Зубайдда яшаган. «Тил ҳақида адабий девон китоби» (бу китобни Атсиз ибн Хурдазот учун ёзган). «Ибн Қутайбанин «Котибнинг адаби» асарига шарҳ» «Қоидали ўқиш баёни» асарлари ҳамда луғатшунослик ишлари билан дунё илм аҳлига танилган.

7. Абу Наср Исмоил ибн Ҳанод ал-Жавҳарий ал-Форобий (1003 й.ваф.эт.) – луғатшунос, мударрис, шоир, ёзувчи. Ироқ, Ҳижоз, Миср, Хуросон, Нишопур каби жойларда ўз билимларини оширган. Абу Али ал-Форобий, Абу Саид ас-Сайрафий каби олимлардан араб тилини мукамал ўзлаштирган. Нишопурда мударрислик қилган, хуснихатдан таълим берган. «Тилнинг тожи», «Ишончли» китоб (луғатшуносликка оид), «Грамматикага кириш китоби» (аруз илмига оид), «Адабиётга оид девон» (адабиёт учун) асарлар ва бир қанча шеърлар муаллифи.

8. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Форобий (1111 й.ваф.эт.) – «Қирқ ҳадис», «Қуръон жавҳарлари» асарлар муаллифи.

9. Имоуддин Абулқасан Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Форобий (1220 й.ваф.эт.) – ҳадисшунос ва фиқҳ илми билимдони. «Мақомларнинг

хулосаси», «Аниқ саволлар ва тўлиқ жавоблар» каби асарлари муаллифи.

«Ўрта Осиё олимлари» қомусида «Ал-Фаробий» нисбаси иккинчи марта (275-бет) такрорланиб, бунда «Самарқанднинг бир қишлоғи – Фаробга нисбатан берилган, унга мансуб бўлган олимлардан, деб қуйидаги олимлар кўрсатилган:

10. Абулфатҳ Аҳмад ибн Ал-Ҳусайн ибн Абдураҳмон ал-Фаробий ал-Аббосий (1072–1111).

11. Абулфатҳ Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдураҳмон ибн Абдураззоқ ал-Аббосий аш-Шоший ал-Харақаний ал-Фаробий (496–505 ҳ.й.) – адиб, шоир, ҳадисшунос олим бўлган. 1106 йилда Самарқанднинг Фароб қишлоғида вафот этган.

12. Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хоразмий ал-Фаробий аш-Шоший.

XX асрнинг 70-йилларида нашр қилинган фалсафа фани ва тарихига оид ларелик ва ўқур қўлланмаларда Абу Наср Фаробийни Амударё қирғоғида жойлашган Фароб қишлоғида туғилган, деган қарашлар илгари сурилган. «Ўрта Осиё олимлари қомуси» китобида «Ал-Фарабрый» нисбаси Жайхун (Амударё) қирғоғидаги шаҳарча номи билан олинган нисба, деб олтига олим-уламо рўйхати келтирилади, лекин уларга «Хоразмий»лар нисбаси берилган:

13. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ибн Матар ибн Солиҳ ибн Бишр ал-Фарабрый (846-932) – ҳадисшунос олим бўлган.

14. Абулбишр Муҳаммад ибн Али ибн Абдулазиз ибн Иброҳим ал-Каробисий ал-Фарабрый (1077-1154) – солиҳ фикҳ ва ҳадисшунос бўлган. «Ас-Сағир»- «Кичкина» номи билан машҳур бўлган.

15. Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрый (981 й.ваф.эт.) – фикҳ ва ҳадис илмларининг билимдон, олим-уламо бўлган.

16. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Оиша ал-Муқриъ ал-Фарабрый – солиҳ шайх ва ишончли ровий бўлган.

17. Абу Мансур ал-Ҳусайн ибн Али ибн Юсуф ал-Фарабрый (1007 й.ваф.эт.) – ҳадисшунос олим бўлган.

18. Абу Али ал-Ҳусайн ибн Юсуф ибн Абдулмажид Бундор ал-Фарабрый – фикҳ ва ҳадис илмлари бўйича машҳур бўлган.

## Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний<sup>3</sup> халқаро хусусий фалсафа мактаби

*Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим билимларни тарғиб қилишига қаратилган, чунки мен билим орт-тирти лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.*

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Хоразмнинг Кот шаҳрида 973 йилда туғилган ва Ғазна шаҳрида (ҳозирги Афғонистон) 1048 йилда вафот этган.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний энциклопедист олим сифатида машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам унинг фақат жамият, инсон, мураса, қадрият ва ҳомийлик ғоялари фалсафий мушоҳадасининг айрим жиҳатларига тўхталамиз.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва унинг тўғрисидаги маълумотларни Абу Наср Муҳаммад ибн Абдужаббор Утбий (961-1022)нинг «Тарихи Яминий» («Яминий тарихи»), Ёқуб Ҳамавийнинг «Мўъжам ул-булдон» ва Абу Мансур Абдулмаил ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Салибий (961-1038)нинг «Йатима ад-даҳр» ва «Китоб ал-ғурур», Ибн Мисковайхнинг «Китоб тажориб ул-умам» («Халқларнинг тажрибалари ҳақида китоб») каби асарларидан ҳам олиш мумкин. Султон Муҳаммад Балхий (1074 й.ваф. эт.) «Ғаройнботлар мажмуаси» («Мажмуъ ал-ғаройиб») китобида Абу Райҳон Берунийни «Ҳожа Абу Райҳон», деб кўрсатган. Ҳозирга қадар Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ҳақидаги адабиётларда уни «Абу Райҳон Беруний», деб кўрсатилган. Агар «Райҳон» куняни билдирса, «Беруний» туғилган жойга нисбатан олган нисбаси ёки «лақаби» бўлса, «Абу Райҳон Беруний» мавҳум «исм-шариф»лиги аён бўлади. Чунки унинг исми Муҳаммад бўлган. Шунинг учун ҳам илмий истеъмолда «Абу

---

<sup>3</sup> Абу Райҳон Берунийнинг инсон, жамият, қадрият, ҳомийлик тўғрисидаги фикрлари баёнида А.Ирисов томонидан тўплашиб, 1973 йилда нашрдан чиққан «Абу Райҳон Беруний. Ҳаёт, ҳикматлар, нақллар, шэърлар» китобидан фойдаланилди.

Райҳон Муҳаммад ал-Беруний» тарзида қўлланилса, мақсадга мувофиқдир.

Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ўзининг ҳаёти, фаоллигини, у яшаган даврдаги тарихий шарт-шароитларни ҳамда Маъмун сулоласининг унга кўрсатган эътиборини, ўзининг илм соҳасида эришган муваффақиятларини қуйидаги шеърини мисраларда аниқ кўрсатади. Булар ҳам Маъмун академияси давридаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг айрим жиҳатларини тасаввур қилишимизга имкон беради:

Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам,  
Ўтди неъмат соясида кўп оним.  
Боқди Ироқ оиласи сут билан,  
Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним.  
Таклиф этди мени тошдил Вашмгир,  
Ёқтирмадим, бўлгил, деса, аёним.  
Маъмуларнинг авлодидан ул Али  
Бўлди табиб, дард кўрмади ҳеч жоним.  
Сўнгги Маъмун назар солди ҳолимга,  
Бошим кўкка етказди ул султоним.  
Неъматини Маҳмуд дариг тутмади,  
Кўрмасликка олди доим нуқсоним.  
Жаҳолатим афв айлади ҳурматлаб,  
Обрў юксак, тўнним янги, бут ноним.  
Хароб ўлди дунё ажраб улардан,  
Йўқдир энди ўзга яқин инсоним.  
Бари ўтиб, келди янги бир гуруҳ,  
Унутмоқни истар менинг замоним.  
Кундадаёқ қуш талаган эт каби,  
Кун кўраман, Ғазна эрур маконим.  
Ўхшаши йўқ бир гуруҳга йўлиқдим,  
Бу гуруҳдан сақла элни, раҳмоним.  
Пешволардан олға ўтдим жаҳд ила,  
Мен ғаввосу илм бўлди уммоним;  
Ҳинддан сўра Машриқ аро қадримни,



Мағриб мени ўқир, йўқдир армоним,  
Нафсоният олдида ҳатто ғайрлар  
Исташмади ҳам этишни гардоним.  
Миннатдор бўлишиб ижтиҳодимдан,  
Тан олиб эътироф айлади шоним.

Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ўзининг таржимаи ҳолини қисқа қилиб, шеърин мисраларда ифодалаган эди. Бу шеърдан Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний Маъмун академиясидаги фаолияти даврида ёш эканлигини, ўзининг илмга чанқоқлигини, айни пайтда шу чанқоқликни қондиришда Маъмун ибн Маъмуннинг хизмати беқиёслигини («Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним») кўрсатиши баробарида, ҳаётининг кейинги йилларида ниҳоятда қийналганлигини, бунинг асосий сабаби ҳукмдор ўзгариб, ниҳоятда зулмкор султон тахтга ўтирганлигини қуйидаги мисралардан билиб олса бўлади:

Хароб ўлди дунё ажраб улардан,  
Йўқдир энди ўзга яқин инсоним.  
Бари ўтиб, келди янги бир гуруҳ,  
Унутмоқни истар менинг замоним.  
Кундадаёқ қуш талаган эт каби,  
Кун кўраман, Фазна эрур маконим.  
Ўхшаши йўқ бир гуруҳга йўлиқдим,  
Бу гуруҳдан сақла элни, раҳмоним.

Бу мисралардан Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний нафақат ўзини, балки эл-улусни, халқни босқинчилардан ҳимоя қилишни Худодан сўраб («Бу гуруҳдан сақла элни, раҳмоним») илтижо қилганлигини кўришимиз мумкин.

Тарихдан маълумки, Маъмун сулоласи инқирозидан сўнг Фазнавийлар ҳукмдорлиги даврида Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ва «Маъмун академияси намояндаларининг аксари мажбуран Фазнага («Кун кўраман, Фазна эрур маконим») олиб кетилган (бу даврда Маъмун академиясида фаолият кўрсатганлардан Абу Али ибн Сино Фазнавий тазйиқидан қочиб кетган) эди. Беруний Фазнада ҳам илм аҳли учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат

қилади. Лекин бу имкониятлар Маъмур сулоласи давридаги имкониятлар, эҳсонлар, ҳомийликдан тубдан фарқ қилишини кўрсатади. Айни шу сабабдан ҳам Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний бу фарқни алоҳида таъкидлаб шундай фикрни баён қилган: «Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради». Бунда Беруний «эҳсон» деган тушунчани «ҳомий» тушунчаси ўрнида ишлатганлигини англаш ўринлидир. Бу фикрлар билан инсон фазилатлари улғулинигина қолмай, балки ҳар қандай эҳсон, ҳар қандай ҳомийликка ғараз, миннат аралашадиган бўлса, у инсоний қадриятлик кучидан маҳрум бўлиши ҳамда шу даврдан бошлаб эҳсон ва ҳомийлик шухратпарастликка, манфаатпарастликка, эгоизмга, манманликка ўз ўрнини бўшатиб бериши таъкидланади. Беруний эҳсон ва ҳомийлик тўғрисидаги ғояларини олий қадрият даражасига кўтаради. Шунинг учун бу ғоялар ҳозирги даврда ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш ҳамда уларда миллий ғоянинг шаклланиши ва қарор топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ўз асарларида инсон, унинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни, жамиятга таъсири, инсон яратган моддий ва маънавий қадриятлар, уларнинг мамлакат, давлат равнақидаги аҳамияти, шунингдек, инсоний фазилатлар бўлган эҳсон, мурувват, олижаноблик, жувонмардлик, мўлнсьматлик, ҳиммат, диёнат, мардлик, футувват-қабилар шунчаки баён қилинмай, балки уларнинг мазмуни фан ютуқларига суянган ҳолда таҳлил қилинади.

Аллома қарашлари таҳлилини ўрганганимизда, энг аввало табиат ва жамиятнинг ўзаро мутаносиблиги, улардаги ўсиш, улғайиш, инқирознинг объективлигини, бир залда содир бўлишини таъкидлаш билан бирга, табиий жараёнлардаги ўзгаришлар стихияли тарзда содир бўлишини, жонли табиатдаги зиддиятлар, инсоннинг онгли фаолияти бу жараённинг жонсиз ва жонли табиатдагидан тубдан фарқланишининг фалсафий мушоҳадасига эътибор берганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Алломанинг:

«Экин (уруғ) ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади. Гарчи дунё чекланган бўлса ҳам, кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш натижасида кўпайиш чекланмайди. Агарда ўсимликлардан ёки жо-

ниворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу аҳвол бўлавермайди. Улар ҳар бирининг вужудга келишида бирданига пайдо бўлиб, йўқолишида эса бирданига йўқолиб кетмайди. Балки унинг ўзи йўқолса ҳам, у ўз ўхшашини қолдириб кетади. Ҳатто, у (битта эмас, балки) бир нечасини қолдиради. Агар ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, (бу ҳолда) ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди. Шу сабабдан деҳқонлар экинларини ўтоқ қилиб, кераклигини қолдириб, кераксизини юлиб ташлайди, боғбонлар ҳам дарахтларнинг мева берадиган шохларини қолдириб, яроқсизларини кесиб ташлайдилар. Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай қувадаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар. Табиат ҳам худди мана шундай иш қилади. Лекин табиат яхшини ёмондан айирмасдан, ҳаммасига бир хилда таъсир қилгани ҳолда дарахт баргларини тўкиб, мевасини бузиб, мева қилишдан қолдириб қуритади», – деган ижтимоий-фалсафий хулосалари фан фалсафаси учун ҳаминча қимматлидир. Юқорида билдирилган қарашлари орқали Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний борлиқдаги ривожланишни кўрсатиш орқали табиат яхшини ёмондан ажратмасдан ҳаммага бир хил таъсир қилгани ҳолда, дарахт баргларини тўкади, мева қилишдан қолдиради, уларни шафқатсиз қуритиб ташлайди, лекин жамият ва унда яшаётган инсонларнинг аксарияти шундай фазилатларга эгаки (яхшилик, қиммат, олижаноблик, мурувват, эҳсон, ҳомийлик), бунга табиатдаги бошқа бирор жонзот мушарраф эмас, деган ғояни илгари суради.

Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний асарларида жамият ва унинг пайдо бўлишига кенг ўрин берилган. Булар бевосита унинг жамият инсонлар йиғиндисидан ташкил топишини, жамоага бўлган интилиш, эҳтиёж ва манфаат замирида пайдо бўлганлигининг фалсафий талқинини содда, тушунарли ифода қилади:

«Ҳожатларнинг тури ҳам бир хил эмас, инсон бир ўзи уни эплай олмайди, у ҳақда бирорта ёрдамчи ҳам кифоя қилмайди. Эҳтиёжларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп, уш фақат бирмунча кишигина бажо келтира олади. Бунинг учун у (инсон) йиғилиб яшашга муҳтож».

«Агар бу таниши ёмонлардан бўлмаса, у ҳол ёқимли бир ғанимат бўлиб, ошночилик икки бор ортади, орадан нафрат кетади. Агар танишувчилар бирига ёки иккаласига ҳам боғлиқ бўлган манфаат ҳосил бўлса, унда бу келишилган ирода жуда юқори даражали бўлади: кўпчиликда бўлган орзулар бирлашиб, бир-бирларига ёрдамга тақалади ва бу қишлоқ, шаҳар ва уйларда йиғилишиб, ҳаёт кечиршига олиб келади».

Жамиятнинг пайдо бўлиши тўғрисида Беруний илгари сурган ғоялар нафақат X асрларда, балки XXI асрда – барча соҳаларда глобаллашув жараёни кетаётган шароитда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса, фалсафий билимлар эришган ютуқлар ҳар томонлама исботламоқда.

Маъмур академияси намоёндалари ўз асарларида табиат, жамият тўғрисида фикр билдиришлари баробарида, мамлакат, давлат ривожиде инсон омили, инсоннинг моқияти каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, бу муаммоларга Абу Райҳон Беруний ҳам ўз қарашларини билдирган:

«Гарчи ҳайвонларда сезги бирор нарсани тутиш ва эҳтиёткорлик қилиш учун «айғоқчи» қилиб яратилган бўлса-да, албатта, инсон нави барча ҳайвонлардан устундир. Чунки у ўзининг ақл қуввати билан шарафлидир. Ҳатто инсон шу ақл қуввати борлиги туфайлигина иззат-иқром қилинди ва ерда ободончилик қилишга, сиёсат ўрнатишга ўринбосар қилинди. Шунинг учун ҳайвон истар-истамас инсонга итоат эттирилди. Натижада у инсон манфаатлари учун кечакундуз бўйсуниб, хизматини қиладиган бўлди.

Агар шундай бўлмаганда эди, инсон ҳайвонларнинг энг ожизига ҳам қарши келолмасди. Ҳайвонларда бор бўлган мудофаа қилиш ва урушиш қуролларидан инсон маҳрум. Бошқа махлуқлар орасидан фақат инсон ўша совға – ақл-идрок билан иззат-иқром этилди. У ўлганидан кейин эса ўз қилмишига яраша улуш ва мукофот билан тақдирланади (ёки жазоланади)».

«Барча инсонлар бир отанинг фарзанди бўлиб, шакл-суратда бир-бирларига ўхшайдилар. Лекин улар ўзларининг табиатларига бўлган ўзаро рақобат ва бир-бирига ҳасад қилишдан ҳоли эмаслар. Ўзи-

нинг табиат ва феъл-атворларида бўлган зидлик сабабли миждоз ва аралашмаларнинг бир-бирига қарама-қаршилигига қарамай, шундай бўлган. Бу ҳолат одамнинг ўша икки фарзанди давридан бошлаб, яъни уларнинг ҳар бири қурбонлик келтирганида, бириники мақбул бўлиб, бошқасиники рад қилинганидан бери шу одат тусига кириб давом этади. Бунда одамларни фақат таңгри-таолодан ўз келажagini ўйлаб ва султонлардан эса ҳозирги ҳаёти учун қўрқиб туриш даҳшатигина уларни бундай ишлардан тийиб туради».

Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний инсонни нафақат ташқи томондан, балки унинг ички кечинмалари, уларнинг мураккаблигининг ҳар томонлама таҳлилини беради:

«Инсон ўз табиатида мураккаб бадандан таркиб топган: бу бадан бир-бирига қарама-қарши ҳамда мажбур қилувчининг мажбурияти натижасидагина бир-бири билан бирлаша оладиган қоришмалардан таркиб топган.

Нафс кўп ҳолларда бадан миждозларига тобеъдир. Шунинг учун турли рангда бўлиб, табиатан ҳар ҳар хил бўлади.

Маълумки, йиғилишга бўйсундирилган нарса мажбуриятни ажралиш орқали ўзидан кетказишга доимо интилади. Гарчи ҳайвонга етадиган офат ва даволарнинг сабаби унинг ичкарисидан қўзғалувчи, сиртидан ўраб олувчи турли зид нарсалар бўлса ҳам, зиднинг мақсади ўз зидди устидан ғалаба қозониш ва уни ўзида бор нарсага айлантиришдир.

Сўнгра зотан инсон ўзининг яланғочлиги ва қуролсизлиги, ожизлиги сабабли ўзини сақлайдиган нарсага доимо муҳтож ва ўзига старли нарсани излашга мажбурдир».

Инсон нафақат ақли, тафаккури билан, балки ўзининг фаолияти, билими билан ажралиб, бир-биридан фарқ қилиши кўрсатилади. Ҳаттоки, инсон ўз аждодлари эришган ютуқларга маҳлиё бўлиб вақтини ўтказмаслиги шартлиги, айна пайтда илми эгаллаб, ўз фаолиятини ташкил қилиши баробарида мустақил ижтимоий-сиёсий фаолликни амалга ошириши зарурлиги ғояси ҳар томонлама асослаб берилади:

«Ростгўй билан рост қаршисида, албатта, ёлғончи билан ёлғон бор. Бу ёлғончи ўз ёлғонини ўша рост ўрнида ривожлантиришга

уринади. Бу ва бунга ўхшаш нарсалар мўътабар раёсат эгаларини сиёсат шартларига рноя қилишга ундайди. Уларни халқ ўртасида халифалик номига ва «ерда Аллоҳнинг сояси» бўлиш унвонига лаёқат ҳосил қилиш учун ундайди. Булар эса кучлилар ва кучсизлар орасида, улуғ ва кичиклар ўртасида адолат, тенглик ўрнатиш билан барпо бўлади.

Бир улуғ қабилага мансуб бир киши ота-буваларини пеш қилиб, Амир Исмоил ас-Сомонийга<sup>4</sup> мурожаат қилиб хат ёзибди. Шунда Исмоил унинг хатига бундай жавоб берибди:

«Аждоднинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ». У бунда бир шоирнинг бу шеърини назарда тутган:

У ўзини ботирлик ва илғорликка ўргатди.

Биров айтган экан: «Кимда-ким обрўли қариндошларига нисбат бериб, уларни восита қилса ва (ўзи ҳеч нарса қилмай, фақат) ўлган аждодлари билан фахрланибгина юрса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждодлари эса тирек саналади».

Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ҳомийликни инсоннинг энг олий фазилати сифатида кўрсатади ҳамда ҳомийликни «бировга озор беришдан ўзини сақлаган, ўзига нимани раво кўрса, ўзгаларга ҳам шунини раво кўриши» сифатидаги ғоя тарзида тушунади. Ҳомийлик ва эҳсон қилувчини Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний оддий, содда тарзда қуйидагича таърифлайди: «Кимки ўз хулқини таҳсинга сазовор бўлган феъл-атвор билан безаса, ўз овқатини ҳалол ва покиза бўлган нарсалардан тайёрласа, бу ҳолда таоминга бошқаларни ҳам баб-баравар шерик қилса, ўзи бажармоқчи бўлган ишда озодаликка рноя қилса, дунёвий ишлардан бири саналган, хушбўйлик билан мукам-маллаштирган бўлса, ундай қилган одам ўз ҳамтовоғини хурсанд қилган, дастурхонда бирга ўтирган кишини билан яқин улфат бўлган, ўша ошнаснинг ҳурматини ўрнига қўйган, унга озор беришдан ўзини сақлаган, ўзига нимани раво кўрган бўлса, унга ҳам ўшани раво кўрган бўлади».

**Х-ХІ аср Шарқ мутафаккирлари инсоний фазилатлар ичида мурувватга алоҳида эътибор билан қарашган ҳамда у ҳақда кўплаб асарлар ёзишган. Мурувват каби инсоний фазилатга Абу**

---

<sup>4</sup> Исмоил ибн Аҳмад Сомоний (ҳукмронлик йиллари 890-907).

Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ҳам алоҳида эътибор берган ҳамда мурувват тўғрисидаги ўз даврида яратилган ғояларни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Муҳими, Беруний мурувватлиликни ҳомийлик билан бир хил маъно-мазмунда тушунади: «Кимки тозаллик ва покизаликка ўз ихтиёри билан берилиб, уни тутишга қодир бўлолса, маъмурчиликка эришади. Кимдаким тозалликка эришолмаган бўлса — фақирликда умр кечиради. Сернеъматлик фақирлик билан бўлади. Улар иккалови орасида эса ўзига тўқ, майшатидан нолимайдиган, доимо кети узилмас тирикчилик моддалари билан таъминланганлик ётади. Унинг бахти ҳам холис дўст билан бўлади, дўсти эса олижаноб табиатли, мақтовга сазовор хулқ-атворли киши бўлади. Ундайлар худди фикри-зикри, руҳ тузилишлари бир хилу, фақат баданлари турличадир, холос. Чинакам дўст ҳақида айтилган «у сену, фақат туси сендан бошқача, холос», деган гап шунга тўғри келади. Уларнинг ҳар бири ўзига раво кўрмаган нарсасини дўстига ҳам раво кўрмайди, у ўзига нима лойиқ кўрса, дўстига ҳам ўша нарсани раво кўради. Ундай дўсту ёрларнинг саноғи фақат битта деб билинади, чунки бу саноқ энг аввало, бошдан чегаралаб қўйилган. Бошқа дўстлар саноғи учун эса асли чегара бўлмайди, унинг аҳволини ўлчаб кўрсатадиган бошқа таъриф ҳам бўлмаса керак».

Шунингдек, қомусий олим Беруний мурувват нималиги, унинг моҳияти, мазмуни қандайлиги, инсон камолотидаги аҳамияти каби масалаларга алоҳида эътибор бериш баробарида, ҳомийликнинг мазмун-моҳиятини, амал қилиш даражасини янада кенгроқ тушунади ва тушунтиради: «Инсоннинг ўзига келсак, унга энг яқини ўз нафси — кўнгли саналади, инсон ўзига яхшиликни исташда ҳаммадан ҳам ўзи пешқадамлик қилади. Кишининг ўз нафсидан кейингиси эса унга энг яқин ва теварагини ўраб олганлар бўлади. Инсонга шундай энг яқин нарса унинг баданларини ўраб олган, терисига тегиб турадиган либослар саналади. Шу билан бирга, уни ўраб олган энг яқин нарсалардан бири унинг уйи, ҳожатини чиқариб турадиган хизматкори, идиш ва асбобларда сақланиб турадиган, ейиладиган ва ичиладиган нарсалар саналади.

Аммо инсондаги хулқ-атвор ва ҳаёт тарзига келганда шунини айтиш керакки, инсон ўз продасига эга бўлади. Бунда ўша шахе ўз

нафсини (кўнглини) нима билан тозаласа, уни руҳоний табобат билан даволай олса ва ахлоқ китобида айтиб ўтилган йўл-йўриқлар билан аста-секин ундаги дардлардан форигъ этса, бундай инсон мазаммат қилинадиган томонларини мақталадиган томонларга алмаштиришга ҳам қодирдир.

Раҳматлик Умар ибн ал-Хаттобдан, «мурувват нима?» деб сўрашганда, у «эгн-бошдаги тозалик», деб жавоб берган экан. Худди шунга ўхшаш гапни яна бошқа кимдир айтган экан: «Мурувватнинг кўзга кўринадигани пок кийинишда». Бу шундайки, кимки ўз кийимини тоза тутмоқчи бўлса, у дастлаб бу ишни ўз баданидан бошлайди. Шу тариқа у кийимининг ички томонини ифлосликдан асрайди ва баданини нажаслардан сақлашга интилади, сиртдан шу билан одатланиб, уй-жойига эътибор бериб, у ерни ифлос қилмасликка интилади, сиртдан қараганда кўзга чалинадиган даражада чанг-чунг бўлишига йўл қўймайдиган бўлади. Бунда барча нарсаларда мурод-мақсад тоза кийим рояси билан амалга олади».

Абу Раийҳон Муҳаммад ал-Беруний мурувват, диёнат, тенглик, адолат тушунчаларининг ўзаро нисбати, уларнинг бир-бири билан мазмун жиҳатдан яқинлиги ҳамда уларнинг бирлиги ҳомийликнинг амалда намоён бўлишига хизмат қилади, деган ғояни илгарни суриб шундай дейди: «Мурувватнинг камолига етганига жудаям яққол далилат қиладиган томонлардан бири мсъёрига етказилган озодалик бўлади. Бу эса худди теварак-атрофга аниқиб турадиган, бошқаларга ҳам унинг иен келиб, уларга лаззат бағишлайдиган ҳамда унга яқинлашишга кишида рағбат уйғотадиган ва унинг оромбахш ҳидларини одамлар искаб турадиган хушбўй нарсалар билан бўлади. Хушбўйликлар эса инсопда бўлган ярамас ва сассиқ ҳидларни яширади. Мурувват ҳақидаги бу таъриф худди, ундай киши ўзига нимани муносиб кўрадиган бўлса, бошқаларга ҳам фақат шуни раво кўради, деган одам гапига бориб тақалади.

Мурувватни таъриф қилган киши гапида яна, тақиқланган нарсалардан ўзини тийиш ва бировга азият чектиришдан сақланиш ҳам киради. Шу билан бирга, агар мурувват диёнатни маҳкам туттиш деб таърифланса, одамларнинг айтган гапи шу таърифдан четга чиқиб кетмаган бўларди.



Диёнат адолат ва тенглик билан иш юритишни юклайди. Шу билан бирга у бошқа кишига исталадиган зулмнинг олдини олиш ва мазлумга ёрдам беришга чақиради. Ошкор қилишдан уялинадиган ишни яширинча қилмаслик керак, деб озодликни таърифлаган киши ҳам бу мулоҳазадан унча узоққа кетган эмас.

Шунингдек, Беруний инсоний фазилатларни кўрсатганида ҳиммат, яхшилик каби тушунчаларнинг мурувват билан алоҳасини яна бир бор кўрсатиб, ҳомийликнинг асосий йўналишлари сифатида ҳиммат, яхшиликни кўрсатади: «Шуниси борки, ҳиммат—яхшиликка интилиш мурувват даражаси каби орта боради. Яхшилик қилиш ҳисси барча одамларда бир хил пайдо бўлаверади, айниқса у ўз жинсидан бўлак одам бўлса бунда айни муддао. Ожиз қолган кезде орзу таманноси билан, имкон-қудрати бўлган кезде эса ўз феъли-ҳаракати билан яхшилик қилади».

Айни пайтда ҳомийликнинг илк босқичлари яхшилик, ҳимматлик, мурувватлик тарзида намоён бўлса, унинг юқори босқичи фугувватлик, яъни жавонмардликдир, деган ғояни илгари суради. Юқоридаги тушунчаларнинг моҳиятини Беруний шунчаки изоҳлаб қолмасдан, балки уларнинг турли жараёнлардаги, айниқса, давлатни бошқаришдаги роли, аҳамиятига алоҳида эътибор беради.

«Гарчанд, баъзилар мурувватни бошлиқ бўлишга интилиш, (элга) муҳаббат деб тавсифласа ҳам, лекин шуниси ҳам борки, бошлиқлик фақатгина ўзини тийиш, тиришиш ва зўр бериш билан рўёбга чиқади. Лекин булар ҳаммаси мурувват эмас, балки фугувватдир. — Жавонмардликнинг аломатидир».

Айниқса, Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний бошқарув жараёнида инсонларнинг қандай бўлиши, қандай фаолият кўрсатиши, унда инсоннинг масъулияти қандай, уларнинг мамлакат аҳолиси олдида мурувватли, ҳикматли, ҳимматли, олижаноб, доно, диёнатли, адолатли бўлиши шартлиги кўрсатиладигани, булар қомусий олим наздида фугувватлик ва жавонмардликнинг шаклланишида муҳимдир. Шунингдек, ҳукмдорлар доимо мамлакат ривожига ўзларининг сахийлиги ва ҳимматлиги билан ажралиб туриши шартки, чунки улар ҳомийлик каби фазилатни намоён бўлиши омилидир:

«Фозил шоҳлар ўз мол -мулкларини масжидга ўхшаб қурилган

уйларга элтиб сақлаганлар, чунки бундай жойлар муқаддас саналган. Сўнгра саройдаги ҳарамни қўриқлаш ишнни қўриқчилар қўлига топширишган, бу қўриқчилар бўлиб берилган қасрларга ҳамла қилган душманни ундан даф қилган. Улар топширилган ишни жон-дилли билан бажарганлар.

Булар ўзларига юклатилган вазифанинг оғирлигига қарамасдан бажо келтирар, бу ишни эса ўзлари учун қўйилган деб билишар эди. Чунки гуноҳга ботиб кетмаслик учун ўз бурчларини жон-диллари билан адо этишга тиришардилар.

Мағриб<sup>5</sup> ўлкасининг узоқ жойларидан бўлган бир киши ҳақида ҳикоя қилишадн: уларда юртни идора қилиш ишни ўша ердаги аёнлар ва мулкдорлар қўлига навбатма-навбат ўтиб турар экан. Ҳукмдорлик кимнинг қўлига тушса, ўша одамга уч ой давомида ўлкани идора қилиш вазифаси юклатилар экан. Кейин у кишининг идора қилиш муддати тугагач, унинг ўзи амалдан тушиб, бу ишдан қутулганига шукр қилиб, хайр-садақа тарқатар экан. Шу билан у ўзининг пойлоқчилиқдан қутулганидан ҳам мамлакатни идора қилиш ишларидан бўшаганидан хурсанд бўлиб, оиласи қошига қайтар экан, ниҳоят ўз иши билан шуғуллана бошлар экан.

Бу шунинг учунки, мамлакатни идора қилиш ва бошқариш ишида зolimлар мазлумларга азият етказмоқчи бўлган тақдирда адолат юзасидан иш юритишни жорий қилиб, шу аснода халқ роҳати учун ўз роҳатидан воз кечиш деган сўз. Бу эса қўл остидаги одамлар оиласи, мол-дунёси ва ҳаётини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш борасида баданининг толиқиши деган сўз. Шу билан бирга яна бу ўша идора қилинадиган халойиқ ҳимоясида кўриладиган чораларга ўзини чоғлаш ва улар учун ўзини жангларга дучор қилиш ва улар ҳаммасини мудофат қилиш деган сўз. Ҳукмдор одамлардан жамғармалар йиғиб бериб туриш ва уларга бундай вазифа юклатилиши худди маҳалла қўриқчиларига маош тўлашга ўхшаб кетади. Бу худди йўловчилар карвон билан кетаётганда карвонбошига унинг кўрсатган хизматига яраша, шуғулланаётган иши ва даражасига қараб ҳақ тўлаганига ўхшайди».

Бу пурмаъно фикрлар, назаримизда ҳозирги ривожланиш жараёнида ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунки мамлакатта ҳукм-

---

<sup>5</sup> Марокаш. Тунис. Жазир каби ўлкалар тушунилади.

дорлик қилиш шунчалик оддий иш бўлиб қолмасдан, айни пайтда ўта масъулиятли ва шарафли ҳамдир. Зеро, мазкур ҳолатда, энг аввало мамлакат ва халқ манфаати, Ватан ва миллат манфаати юқори кўйилиши ҳамда зарур бўлганда жонидан ҳам кечиш талаб қилинади. Бу масаланинг бир жиҳати бўлса, унинг иккинчи жиҳати ҳукмдор ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, адолатли, муруватли бўлиши зарурлиги кўрсатилади.

Дарҳақиқат, Берунийнинг илмга қанчалик қизиққанлигини, илм учун ҳатто ўзини ўзи қурбон қилганлигини машҳур сайёҳ Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229) ўзининг «Муъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси») китобида шундай баён қилади: «Беруний анча кексайганлиги ва мункайиб қолганлигига қарамай, турли-туман илмлар таҳсилга муккасидан кетган, китоблар таснифига шўнғинган экан. У доимо илмлар эшигини очар... кўли қаламдан, кўзи (китобга) қарашдан, кўнгли фикрлашдан сира бўшамаган. Фақат йилда икки бор – Наврўз (янги йил) ва Меҳржон (ҳосил йиғув байрами) кунларигина тирикчилиги учун старли овқат ва бир оз кийим-кечак тайёрлаб олишгагина бўшар экан. Йилнинг бошқа кунларида таҳсил билан банд бўлар экан».

Ёқут ал-Ҳамавий «Муъжам ул-удабо» асарида Абу Райҳон Берунийнинг замондоши қонуншунос ал-Валволижий ҳикоясини келтиради:

«Бир кун Абу Райҳон Муҳаммад ал-Берунийнинг олдига кирдим, - дейди ал-Валволижий, - қарасам, у жон бераётган, ғарғара билан нафас олиб, кўкраги сиқилаётган эди. Ўшандай ҳолда туриб, менга қараб:

– Сен бир кун менга «ал-жаддат ал-фосида» ҳисоби ҳақида нима деган эдинг? – деди.

Мен унинг қийналаётган ҳолига раҳмим келиб:

– Шундай ҳолатда-я? – деб сўрадим.

– Эй сен, – деди Абу Райҳон, – мен бу дунё билан хайрлашаётиман, ўша масалани билмай кетганимдан кўра, билиб кетганим яхшироқ эмасми? – деди.

Мен ўша масалани анга тушунтириб бердим, у бўлса уни ёдлаб олди ва ўзи ҳам ваъда берган нарсасини менга ўргатди. Шу билан

мен унинг олдидан чиқдим, ҳали уйга етмай йўлда кетаётганимда Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний уйдан йиғи овозини эшитдим...». Бу Берунийнинг вафотидан дарак эди.

Ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлал Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Беруний тўғрисида шундай ёзади: «Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўрганди. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бири-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тороғ, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва ҳудбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўлатуриб, бу ўлка кишилари аҳволинини тушунтиришга ҳаракат қилади».

Бу ерда изоҳга ҳолат бўлмаса керак. Чунки Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний ўзининг билимга қизиқганини, илм унинг учун ҳамма нарсадан устуворлигини, ҳаттоки илм олиш учун қурбон бўлишга ҳам тайёрлигини кўрсатиши билан бирга, айни пайтда юқорида келтирилган фикрлар асосида айтишимиз мумкинки, у бу йўлда заҳмат чеқди, ўзини қурбон қилди, муруватли, саховатли бўлди, илм соҳасида эришган буюк хизматлари билан ўзи тирикчилигида ўзига абадий ҳайкал ўрнатди, ўзи яшаган давлатни, ўзи мансуб бўлган миллатни жаҳонга танитишда тўла маънода мураса тамойиллари негизда маънавий жасорат соҳиб бўлди.

### **Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий халқаро фалсафа мактаби**

Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий (1075 йил 19 мартда туғилган, 1143 йилда ваф.эт.) ўз даврининг машҳур олими ва файласуфи, ғайри араблар ўртасида араб тилида ижод қилганларнинг энг пешвоси, бу тилда ёзилган барча асарлардан хабардор забардаст аллома даражасига кўтарилган эди. Академик И.Ю. Крачковский: «Ёғоч оёқда бўлишига қарамасдан аз-Замахшарий ғоятда ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради», – деб ёзган эди. «Абу-л-

Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий – шайх, буюк аллома, ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имомидир»-деб ёзган эди Миср файласуфи Ибн Тағриберди. Шунингдек, араблар Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийни ҳақида, «агар шу хоразмлик кўса, чўлоқ бўлмаганида, араблар ўз тилларини билмас эдилар», деб унинг илмий салоҳиятига, хусусан, араб тили грамматикаси соҳасидаги билимига юқори баҳо беришган.

Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийнинг «Ал-Муфассал фи санъат ал-иъраб» (Флексия санъати ҳақида муфассал китоб) асари араб тили грамматикасига бағишлаб (1119–1121 йиллар орасида) ёзилган бўлиб, у Фарб ва Шарқда мазкур йўналишдаги китоблар ичида энг машҳури ҳисобланади. Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким аз-Замахшарийнинг «Флексия санъати ҳақида муфассал китоб»ини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва сарпо совға қилганини эълон қилган.

Волга бўйида жойлашган Ҳазар подшолигининг пойтахти Итиль шаҳри савдо марказларидан бири бўлиб, унда «йигирма минг кишидан иборат хоразмликлар истиқомат қилишади. Хоразмликларнинг тасарруфида 30 та масжид бўлган. Шуниси характерлики, хоразмликлар Ҳазар подшолигига ўз таъсирини ўтказишга эришганлар. Ибн Ҳавқал таъкидлашича, Ҳазар подшолигининг 12 минг кишилик жанговар қўшинлари ҳам хоразмликлардан таркиб топган. Бундан ташқари, хоразмлик савдогарлар Итилнинг ижтимоий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаганлар. Айрим маълумотларга қараганда, хоразмликларнинг таъсири Волга бўйларида то Венгрияга қадар тарқалган. Чунончи, Венгрия қироли Самуил Аби (1041–1044)нинг насл-насаби хоразмшоҳларга бориб тақалади»<sup>6</sup>.

## Хожа Аҳмад Яссавий халқаро фалсафа мактаби

Хожа Аҳмад Яссавий (туғилган йили номаълум, вафоти санаси ҳам айрим маъбаларда 1166 йил, айримларида 1168 йил деб кўрсатилади) туркий тилда ёзилган «Девони ҳикмат»нинг муаллифи ҳамда

<sup>6</sup> Ҳ.Зияев. Волга ва Урал бўйи ўзбеклари. // Фан ва турмуш. 1972, 1-сон.

Хожа Юсуф Ҳамадоний фалсафа мактабининг йирик вакили, тасаввуфнинг яссавийлик йўналиши асосчиси. У Ясси шаҳрида таваллуд топади. Ёшлигида ўз замонининг машҳур шайхларидан бўлган Арслонбобдан, кейин Бухорода Хожа Юсуф Ҳамадонийдан таълим-тарбия олган. Халқ орасида «Султон ул-орифин», «Пири Туркистон», «Туркистон мулкининг Шайх ул-машойихи» номлари билан машҳур бўлган.

Хожа Аҳмад Яссавий яшаган даврда жамиятда ички ва ташқи зиддиятлар ниҳоятда кучайган. У турк ҳукмдорлари (қорахонийлар ва қорахитойлар) даврида яшаган. Шуҳбасиз, бу макон ва замон унинг дунёқарашининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган. Яссавий ҳазратлари ўз замонасидаги жамиятнинг маънавий ҳаётини шеърӣ мисраларда ҳар томонлама кўрсатиб берадики, бу унинг жамият қонунларини, ижтимоӣ борлиқ ва ижтимоӣ онг муносабатларини, жамият базис ва усқурмасини ниҳоятда кенг мушоҳада қилганлигини кўрсатади. Яссавий жамият социал структураси, айниқса, онавий муносабатлардаги зиддиятларни қуйидагича кўрсатиб ўтади:

На онода раҳм қолди, на отода,  
Оғо, ини бир-бирига можорода,  
Муслмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастлиғ билан қариндошдин топди, кўринг.

Бошқарувда ҳам ўзига хос инқироз ҳамда ҳокимларнинг жамиятда олим-уламоларнинг ҳимоясига эътибор бермаётганлиги оқибатида уларнинг жамиятда хор-зор бўлганлигини танқид остига олади:

Нокас, хасис, беднёнат қуллар ҳоким,  
Моуманлик ҳаддан ошиб бўлди золим,  
Халқ ичинда хор бўлдилар дарвеш, олим,  
Ҳимояти халқни кофир бўлди, кўрунг...

Яссавий жамиятнинг маънавий қашшоқлашувида бойликка ружу қўйган, саводсиз, фақат мол-дунёсини кўпайтиришни мақсад қил-

ган эшон, шайх, хўжа, муллаларнинг барча кирдикорларини очиб ташлайди, уларнинг жамият равнақидаги салбий хатти-ҳаракатларини қоралайди:

Эшон, шайх, хўжа, мулла дунё излар,  
Ул сабабдин, подшоҳларга ёлғон тузлар,  
Оят ҳадис сўзин қўйиб мулкни кўзлар,  
Ҳақ йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ.

Аҳмад Яссавий юқоридаги сингари, яъни онлада меҳр-оқибатнинг кетганлиги, жамият аъзоларининг шаробхўрликка ружу қўйиши, ҳукмдор қатламнинг ахлоқий саводсизлиги, олиму фузалога эътиборсизлик, мусулмонликнинг тарғиб-ташвиқида айрим эшон, имом, хўжа, шайхларнинг ўз манфаати йўлида ҳар қандай салбий хатти-ҳаракатларни сингари ҳолатлар жамиятда маънавий таназзулга олиб келишини кўрсатиб, шундай хулосага келади:

Ишқ сирини баён қилсам бу оламда,  
Беҳабарлар эшитиб қулоқ тутқони йўқ.  
Ҳақ ёдини кимга айтай ҳама ғофил,  
Мўъмин ман деб бу дунёдин ўтғони йўқ.

Аҳмад Яссавий тасаввуф фалсафасидаги ўзига хосликни қуйидагича ифодалайди:

Афсонадур шарият, фарзонадур ҳақиқат,  
Дурдонадур тариқат ошиқларга муносиб.

Шариятда тажрийдур дунёсини тарк этмак,  
Тарк этмайин дунёни Ҳақни суйдим демасин.

Тариқатда тан жонин тарк этмаги тажрийдур,  
Тарк этмайин тап жонин тажрид бўлдим демасин.

Ҳақиқатда ҳаромдир бир Худодан ўзгаси:  
Андоғ бўлмай ошиқлар дийдор орзу қилмасин.

Андоғ расул мустафо дунё молни суймади,  
Уммат бўлса расулга дунё молни суймасин.

Мискин Аҳмад Яссавий салом айтди дўстларга,  
Ушбу сўзнинг маъносин толиб бўлса англасин<sup>7</sup>.

Аҳмад Яссавий диний ғояларни ғаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассибликка берилиш нақадар хатарли эканлигидан огоҳлантиради. Анал-ҳақ – мен Худоман ғоясини илгари сурганлиги боис Мансур Ҳаллож 921 йилда дорга осилади. Бу ҳолатни «Ҳикматлар»да қуйидагича ифодалайди:

«Шариатдур» деб олимлар буюрдилар,  
«Кофир Мансур ўлмади», деб куйдурдилар.  
Ахтар қилиб, кулни кўкка совурдилар,  
Тоғ, тузлар «Анал Ҳақ!» деб турар эрмиш.

Зор йиғлатиб ошиқни ишқ илгида Худойим,  
Ишқ йўлида маломат анга кўрди муносиб.

Мансур бир кун йиғлади эранлар раҳм айлади,  
Чил тан шароб ичирди Мансурга меҳрин солиб.

Мансур айтур «Анал Ҳақ», эранлар иши барҳақ,  
Муллолар айтур ноҳақ, кўнглига ёмон олиб.

Айтгил «Анал Ҳақ» деб, кофир бўлдинг Мансур деб,  
Қуръон ичра будур деб ўлдирдилар тош отиб.

Билмадилар муллолар «Анал Ҳақ»ни маъносин,  
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.

Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,  
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.

---

<sup>7</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. –227-бет.



Бегона деб муллолар шайх Мансурни ўлдирди,  
Кофир деб ўлдирдилар уч юз мулло талашиб

Кулни кўкка совурди, этиб дарёга солди,  
Завқ дарёси мавж урди оқди дарё қайнашиб.

Ўшал куни ул дарё қилди афғон вовайло,  
Ошиқларга Худоё қилгил дийдоринг насиб.

Афсонадур шарнат, фарзонадур ҳақиқат,  
Дурдонадур тариқат ошиқларга муносиб.

Халқи олам йиғлади, Мансур деб фарёд қилди,  
Мансурни ёронлари қолди анди йиғлатиб.

Тавба қилгил, Хожа Аҳмад, бўлгай Ҳақдин иноят,  
Юз минг валилар ўтти сирин сирга улаб<sup>8</sup>.

Ўтмишда, айниқса, якка мафкура ҳукмдорлиги даврида Аҳмад Яссавий ижтимоий-фалсафий таълимоти етарли даражада ўрганилмади. Унинг фалсафий қарашлари «реакцион» (филология.ф.д. С.Эркинов), деб талқин қилинди. Аҳмад Яссавийни «Ғазолийга ўхшаб ўтакетган таркидунёчи» (академик В.Зоҳидов), деган «илмий тадқиқот натижалари» эълон қилинди.

Мустақиллик шарофати билан жамиятдаги барча ижтимоий ҳодисаларга, жумладан, аждоқларимиз маънавий меросига муносабат тубдан ўзгарди. Чунки И.Каримов Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқда алоҳида таъкидлаганидек, (2000 йил 17 ноябрь) «Исломи дунёсининг устунлари бўлган Имом Замахшарий, Имом Термизий, Имом Насафий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби кўплаб мумтоз зотларнинг ҳаёти ва фаолияти бизнинг

---

<sup>8</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. –228-бет.

юртимизни нафақат мусулмон оламида, балки Мағрибу Машриқ дунёсида машҳур этганидан ҳақли равишда ғурурланамиз».

## **Абдулҳолиқ ибн Абдулжамил ал-Мутлатий ал-Ғиждувоний ал-Бухорий фалсафа мактаби**

Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг ўз шогирдларига панд насиҳатларини Фахриддин Али ас-Сафий ўзининг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» китобида келтиради: «Эй шогирд, сенга насиҳат қилиб айтаманки, илм-маърифат, ахлоқ-одоб, тақво учун ҳамиша саъйи ҳаракат қил, вақтида номозингни ўқи, леккин имомлик ва муаззинлик қилма, ўзингдан кейин қимматбаҳо асар ва таълифот ёзиб қолдир, суннат ва жамоат аҳли мулозамати учун интил, фикр ва ҳадис илмларини тўхтовсиз ўрганиб бор, ҳаргиз шуҳратталаб бўлма, чунки шуҳратталабликдан доимо офат келади, мансабпараст бўлма, камтар бўл, подшоҳ ва ҳукмдорлардан, зўравонлардан, қози ва амалдорлардан ўзинини узоқда тут, данийлама саройлар қурма, уларда яшама, кўн вақтихушликка, маншатга берилма, кам гапир, кам е, оз ухла, ўз хилватингда бўлиб, жамият аъзолари билан кам суҳбат қил, бойлар билан суҳбатдош бўлма, ҳамиша пок ва ҳалол яша, ҳалол луқмани е, нашадан парҳез қил, имкон бўлса уйланма, чунки аёл туфайли моли дунёга ўч бўлиб қолишга, молпараст бўлиб қоласан, худа беҳудага хандон ташлаб кулаверма, қаҳ-қаҳ отиб кулиш дилни вайрон этади, ҳар бир кишига меҳр-шафқатли бўл, ҳеч кимга паст назар билан боқма, инсонни таҳқир этма, бировдан асло бирор нарсани тамъа қилма, бировни хизматга буюрма, ўзингни манфаатинг йўлида хизматкор тутма, машойихларга моли жонинг билан сидқи дилдан хизмат қил, мол-дунё туфайли доимо дилинг вайрон бўлади, ҳаловатинг йўқолади, хатти-ҳаракатинг доимо холис, сафарда йўлдошинг дарвиш бўлсин, хонанг масжид, сифинишинг доимо Ҳаққа бўлсин...»

Тарих фалсафасида «Ғиждувоний» инсбасини олган қуйидаги олим-фузалолар маълум:

1. Абдулҳолиқ ибн Абдулжамил ал-Мутлатий ал-Ғиждувоний ал-Бухорий.

2. Абу Бакр ал-Ғиждувоний.

3. Абу Наср Аҳмад ибн Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Юсуф ибн Ҳотам ибн Наср ибн Молик ибн Самъон ал-Ғиждувоний.

4. Абу Саид Ҳотам ибн Наср ибн Молик ибн Самъон ал-Марвазий ал-Ғиждувоний.

5. Абу Яъқуб Юсуф ибн Ҳотам ибн Наср ибн Молик ибн Самъон ал-Марвазий ал-Ғиждувоний.

Баҳоддин Нақшбанд зиёратгоҳида 2003 йил 27 ноябрда ўтказилган тантанали маросимда И.Каримов шундай деган эди («Буюк алломага эҳтиром»): «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

...Бугун эрталаб биз беназир авлиё Абдулҳолиқ Ғиждувоний қадамжосини зиёрат қилиб, ул зотга бўлган ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо келтирдик ва ҳозир ҳам ана шу ўчмас таассурот оғушида турибмиз.

Бу улуғ аждодимиз шарафига унинг она шаҳри бўлмиш Ғиждувонда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларини, айниқса,, бобомиз мангу ором топган жой том маънодаги зиёратгоҳга айланганини кўриб, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз қувонч, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлардан мамнунлик ҳисси уйғонади.

Мана, неча юз йилларки, Ғиждувоний ҳазратлари ўзининг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари билан дунёда Хожан Жаҳон - жаҳон аҳлининг пири деб улуғлаб келинади.

Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий халқ ичида, оддий касб-кор билан камтарона ҳаёт кечирган бу мўътабар сиймонинг Аллоҳ йўлидаги буюк хизматлари бугун - орадан тўққиз аср ўтганидан кейин ҳам бутун мусулмон оламида юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шу сабабли биз Абдулҳолиқ Ғиждувоний қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, халқимиз орасида кенг ёйиш, бу бебаҳо бойликни фарзандларимизга ҳам етказишни ўзимиз учун муқаддас бурч, деб биламиз».

## Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий Қасри халқаро фалсафа мактаби

Франция телевидениесининг Ўзбекистон тўғрисида: «Бухоронинг қадимий қисми ўзининг бутун жозибасини сақлаб қолган. Унутманглар, Бухоро – энг кўҳна муқаддас шаҳардир. Масалан, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилиш мусулмонларнинг энг катта орзуси саналади»<sup>9</sup>, – деб яқулаган. Бу, бир томондан, жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига қизиқиши кучайганлигини, иккинчи томондан эса, аждодлар моддий ва маънавий меросига ҳурмат ва эътиборни, учинчидан, XXI аср ўн йиллигида Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий Қасрини Европа ҳам билишини кўрсатади.

Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий Қасри Орифон қишлоғида (1318–1389) туғилиб, шу қишлоқда вафот этган. Исмлари Муҳаммад, ислом оламида беизбир устоз, буюк файласуф, шоир сифатида машҳурдир. Ҳазратнинг «Далслул ошиқин», «Ҳаётнома», «Танбеҳу-л-ғофилийн» («Ғофилларга танбеҳлар»), «ал-Аврод ал-баҳоия» («Баҳоуддин айтган дуолар») каби асарларида Нақшбандия тариқати мазмун-моҳияти очиб берилди. Асосий касблари мато тўқувчи ва матоларга нақш солувчилик бўлади. «Кўнгил ҳақ билан, қўл иш билан банд бўлсин», деган шior нақшбандийлар ҳаёт мазмунини ташкил қилган. Амир Темур «Тузуқлар»ида Пири комил шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг «Кам егин, кам ухла, кам гапир», деган панду насиҳатларига амал қилдим, деб кўрсатиб ўтган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари инсонни доимо меҳнат қилишга, бирор бир касб ҳунар ўрганишга даъват қилган.

«Ривоят қилинишича, Ҳирот шоҳларидан бири ҳазрат Баҳоуддин шарафларига зиёфат уюштирибди. Лекин шоҳ зиёфатида Баҳоуддин дастурхондан ҳатто нон ушоғини ҳам олиб оғизларига солмабди. Бунинг сабабини шоҳ сўраганда: «Жанобларининг касблари не?», дебди. Шоҳ ҳайрон бўлиб: «Ҳазрат, мен шаҳаншоҳмен! Касбим шу!» деб жавоб берганда, Хожа Баҳоуддин: «Шоҳлик касб эмас.

<sup>9</sup> «Халқ сўзи». 2011 йил 14 январь.

Довуд алайҳиссалом темирчилик қилиб кун кўрган. Сизнинг дастурхонингиздаги ноз-неъматлар пешона тери билан топилганда эди, ҳалол ҳисобланарди. Узр, бизга бу дастурхондан овқат тановвул қилмоқ жоиз эрмас», – деб шоҳ зиёфатидан чиқиб кетган экан<sup>10</sup>. Мазкур ривоят орқали Нақшбандий ҳазратлари ҳукмдорларни камситиш, уларни танқид остига олишдан йироқлиги, балки бунда жамиятнинг ҳар бир аъзоси маълум бир касб-ҳунарли бўлиши ҳамда шу орқали комил инсонликка даъво қилиши мумкинлиги гоёси илгари сурилади. Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий (1383 йилда ҳаёт бўлган) «Анису-т-толибийн ва уддати-с-соликийн фи маноқиби Баҳоуддин» асарида Ҳазрат Нақшбанд таълимотини ҳар томонлама асослаб беради.

Мустақиллик шарофати билан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари ва унинг атрофи обод қилинди ҳамда зиёратга келувчилар учун кенг имкониятлар очилди. Президент Ислоҳ Каримов: «Сизларга очиқ айтсам, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг мана шу муборак қадамжосини обод қилиш фикри кўп йиллардан буён ҳаёлимни банд этиб келарди.

Ҳар сафар шу муқаддас даргоҳни зиёрат қилганимда ўзимни шу буюк зотнинг руҳи олдида қандайдир қарздор деб ҳис этардим... Бу зиёратгоҳни Баҳоуддин Нақшбанднинг оламшумул шуҳратига муносиб бир масканга айлантириш режаси йиллар давомида кўнглимни тарк этмаганини ҳам сизларга айтишим керак.

Ва ўтган йилнинг октябрь ойида (2002 йил назарда тутилаяпти – Ш.Х.) ана шу ниятда атай вақт ажратиб, Тошкентдан бу ерга махсус келдим.

Бу ишга даҳлдор бўлган раҳбарлар, лойиҳачи ва қурувчилар билан ёдгорлик мажмуасини янгитдан бунёд этиш масаласини шу жойнинг ўзида муҳокама қилганимизда бошқа иншоотлар билан бирга, мана шу янги айвоннинг қаерда ва қандай шаклда бўлишини ўз кўлим билан чизиб берган эдим»<sup>11</sup>.

---

<sup>10</sup> Бухорий С.С. Дилда ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд): Бадиъа. -Т.: Гофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993. –14–15-бетлар.

<sup>11</sup> Каримов И. Буюк алломага эҳтиром. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган таъғалат маросимдаги сўз. 2003 йил 27 ноябрь. //Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжамиятимизга ва қатъий продаимизга боғлиқ. Т.12. –Т.: «Ўзбекистон», 2004. – 47–48-бетлар.

Ҳеч нарсамиз йўғ-у ҳеч нарсадан камимиз ҳам йўқ.

Ҳеч нарсанинг йўқлигидан ҳеч ғам ҳам йўқ.

Жандамиз елкада-ю, ортимизда гўристон,

Ногоҳон ўлсак, ҳеч мотам ҳам йўқ.

Мазкур байтлар Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга тегишлидир. Бу байт мазмуни бевосита Ҳазратнинг ички дунёсининг мазмун-моҳиятини кўрсатувчи мезондир. «Ботин юзасидан пиримиз Ҳазрат Абдулҳолиқ Гиждувоний бўладилар», – деган Баҳоуддин Нақшбанд. Зеро, Ҳазрат Абдулҳолиқ Гиждувоний (1103–1179) руҳлари Ҳазрат Баҳоуддинни тарбиялаган. **Шу сабабдан Баҳоуддин Увайсий ҳисобланади.** Бу Муҳаммад Боқирнинг «Мақомати Шоҳи Нақшбанд» китобида кўрсатилган.

**Хожагон-нақшбандийлар тариқатининг 11 қондаси – Ҳамдоний, Гиждувоний ва Нақшбандий томонидан тақомилга етказилган тасаввуфнинг олтин қондалари.** Уларнинг дастлабки тўрттаси Ҳамалонийнинг кўйинги тўрттаси (5–8) Гиждувонийнинг охириги учтаси (9–11) Нақшбандий томонидан киритилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Хуш дар дам, яъни тасаввуф таълимоти талабларининг бири бўлган зикр тушаётганда нафас олиш ва чиқаришда ўта сезгирлик, ҳушёрлик кучли бўлиши, рафлатга тулмасдан доимо Аллоҳни ўйлаш шартлиги.

2. Назар бар қадам, яъни дарвиш доимо (саҳрода, қишлоқда, шаҳарда ва бошқа жойларда) ҳушёр, огоҳ бўлиши ҳамда ҳар бир босган қадамини ўйлаб босиши, ҳар бир хатти-ҳаракатини ўйлаб қилиши зарурлиги.

3. Сафар дар ватан, яъни ҳар бир жамият аъзосининг ёмон хислатлардан яхши фазилатларга ҳамда илоҳий сифатларга юз тутishi.

4. Хилват дар анжуман, яъни ташқи хатти-ҳаракатда, фаолиятда жамият аъзолари билан бирга, шунда ҳам қалбан доимо Ҳақ билан бирга бўлиши.

5. Ёд кард, яъни ўнгда ҳам, тушда ҳам фақат Аллоҳни эслаши.

6. Бозгаш, яъни доимо Аллоҳни эслаш асосий мақсад ҳамда инсоннинг ҳар қандай истаги Ҳақнинг розилиги билан бўлиши.

7. Нигоҳдош. Тариқат аъзоси Аллоҳдан бошқани ўйламасликка ҳаракат қилиши.

8. Ёддош, яъни ҳар лаҳзада Аллоҳдан хабардор бўлишни билдиради.

9. Вуқуфи замоний, яъни дарвишнинг ўз-ўзини англаши, Ҳақ берган умрдан тариқат талаблари доирасида фойдаланиши, мунтазам тавба қилиши.

10. Вуқуфи ададий, яъни дарвишнинг тариқат талаблари доирасида зикр саноғини бажариши, ҳаётда ҳам у доимо ўз умрини назорат қилиши, вақтнинг беҳуда сарф қилишга йўл қўймаслиги ҳамда шулар асосида тартиб-интизом фазилати такомилнинг муҳимлиги.

11. Вуқуфи қалбий. Бу қоида зикрнинг энг юқори поғонаси ҳамда мазкур ҳолатда тариқат аъзоси Аллоҳдан бошқани ўйламаслигидир.

Ҳазрат Нақшбандийнинг ғоялари ўзлари ҳаётлик пайтида ҳам, кейин ҳам янада такомиллаштирилди. Айрим олим-уламолар мазкур таълимотни ҳар томонлама такомилга етказиш баробарида, исмларига «Нақшбандий» нисбасини олишган. Улардан ҳозиргача фанга маълумлари қуйидагилар:

1. Абдурахим ибн Абдуллоҳ ар-Ромитанний ал-Бухорий ан-Нақшбандий (1692 йилда ваф.эт.). У суфий, тариқат аҳлидан бўлган. У «Ас-Силсила аз-заҳабия ат-тайфурния ал-хафия ан-нақшбандия» – «Тайфурий хафий нақшбандийга хос олтин силсила» асари муаллифи.

2. Мурод ибн Али ибн Довуд ибн Камолуддин ибн Солиҳ ибн Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Ҳанафий ал-Бухорий ан-Нақшбандий (1620-1720) – суфий бўлган, тафсир, ҳадис, фикҳ илми соҳиби. Макка, Дамашқ, Бағдод, Самарқанд, Исфаҳон, Балх ва бошқа шаҳар, юртларда бўлган. Константинополда вафот этган ҳамда ўша ердаги «Дарсхона» мадрасаси ҳудудига қўйилган. «Ал-Муфрадот ал-Қуръония» – «Араб, форс ва туркий тиллардаги «Қуръоний муфрадотлар», «Силсилату-з-заҳаб» – «Олтин силсила» асарлари муаллифи.

3. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қошғарий ан-Нақшбандий (1760 й.ваф.эт.) – мударрис, суфий ва тариқат аҳлидан бўлган.

4. Али ибн Иброҳим ибн Муҳаммад аз-Зуҳрий аш-Шарвоний ал-Маданий ан-Нақшбандий (1706 й.ваф.эт.) – сўфий ва бир қанча илмлар соҳиби бўлган.

5. Жалолуддин Муҳаммад аз-Зоҳид ас-Самарқандий Муҳаммад ан-Нақшбандий (1520 й.ваф.эт.) – тариқат аҳлидан бўлган суфий. «Ал-Қозн ан-Нақшбандий» номи билан машхур бўлган.

6. Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Аҳмад аш-Шошнӣ ас-Самарқандий ан-Нақшбандий (1490 й.ваф.эт.) – тариқат аҳлидан.

7. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мавҳаб ал-Бухорий ал-Бурҳонтурнӣ ал-Ҳиндий ал-Ҳанафий ан-Нақшбандий (1631–1668) – муҳаддис, муаррих ва фақиҳ бўлган.

8. Муҳаммад Мурод ибн Али ал-Кашмирӣ ал-Бухорий ан-Нақшбандий (1057–1130) – муфасссир, суфий бўлган.

9. Камолиддин Муҳаммад аш-Шошнӣ ал-Фарқандий ат-Тошқандий ал-Ҳанафий ан-Нақшбандий (1572 й.ваф.эт.). Суфий олим бўлган.

XX асрда нақшбандия тариқати кенг ривожлантирилди ва тарғиб-ташвиқ қилинди. Бунда Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида таҳсил олган, Тошкентдаги «Мўйи Муборақ» жомеъ масжидида имом-хатиблик қилган ҳамда Ўрта Осиё ва Қозонистон мусулмонларига муфтий бўлган Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ва уларнинг ўғиллари Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Умуман олганда, Ҳазрат Баҳоуддин таълимоти жамиятда тинчлик, барқарорлик учун барчани меҳр-оқибатликка, инсонпарварликка, маърифатпарварликка чақириқдир. «Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва адоватлар ҳали-бери барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг – миллати, тили ва динидан қатъи назар – инсон зотини азиз ва мукаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу давватлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиатига беҳад яқин бўлган ана шундай ғоя ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч-қувват оламиз»<sup>12</sup>.

<sup>12</sup> Каримов И. Буюк алломага эҳтиром. Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимдаги сўз, 2003 йил 27 ноябрь // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. –Т.: «Ўзбекистон», 2004. – 48-бст.



## Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий халқаро фалсафа мактаби

«Нақл қилишларича, Қутайба ибн Муслим Самарқандни фатҳ этгач, Амири Муҳожирни Самарқандга ҳоким этиб тайинлайди. Ҳоким Кўҳак тоғининг жанубий этагидан Обираҳмат ариғини қаздираётган чоғида Хизр алайҳиссалом учрашиб: «Моътуриду?» («Нима истайсиз?») – деб сўраганда: «Моътуриду!» («Сув истаймиз»), – деб жавоб берган экан. Ана шундан бери қазиб келтирилган Обираҳмат ариғидан суғорилган ерлар «Мотурид» номи билан юритилган. Демак, ўша мавзе Абу Мансур ҳазратлари туғилишидан анча олдин Мотурид номини олган<sup>13</sup>. Шу нуқтаи назардан ҳам илмий тилда «Мотурид» атамаси қўлланилса мақсадга мувофиқдир. Чунки мазкур нисба айрим адабиётларда «Мотритий»<sup>14</sup>, «Мотуридий»<sup>15</sup> тарзида ифодаланган.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий нафақат ўзи яшаб ижод қилган макон ва замон учун, балки инсоният истиқболни учун ҳам зарур аҳамиятли таълимотни мерос қилиб қолдирди. Бу таълимот асоси ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат йўлидир. Бу йўлнинг нақадар муҳимлиги тўғрисида И.Каримов шундай деган эди: «Буюк бобомизнинг бутун ислом олами, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги яна бир улкан хизматлари шундан иборатки, улуғ ватандошимиз эътиқод илми – муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимотини янада ривожлантирди. Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий анъаналари билан уйғунлаштирди. Ҳазрат Мотуридийнинг ўнинчи асрдаёқ диний ғояларни ғаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани биз учун, айниқса, муҳимдир. Аллома бо-

---

<sup>13</sup> *Ҳамидхон Ислохий*. Абу Мансур Мотуридий. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – 14-бет.

<sup>14</sup> *Ўрта Осиё олимлари қомуси*. –Т.: 2007. – 322-бет.

<sup>15</sup> *Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати*. –Т.: 2009. – 415-бет. *Ўрта Осиё олимлари қомуси*. – Т.: 2007. – 314-бет.

бомиз: «Дин йўлидаги барча адашувларнинг бош сабаби – риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдир», – деган эди. Бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканини, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини бутун дунёда рўй бераётган юзлаб воқеалар миқсолида яққол кўриб турибмиз».

Анал-ҳақ – мен Худоман (Мансур Ҳаллож (858–921). Шундай фояни илгари сурганлиги боис Мансур Ҳаллож 921 йилда дорга осилди. Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асарида бу ҳолатни Мансур Ҳалложнинг устози Абу Амру Маккий сўзларини келтириб, қуйидагича кўрсатган: «Тавҳидда бу тоифанинг илмида сўз дақиқ эрди ва ёшурур эрди. Ул ёшурун олиб, ани ошкора қилди. Сўзнинг диққати жиҳатидин эл фаҳм қилмай анга мункир (инкор этувчи) бўлдилар ва маҳжур (маҳрум) қилдилар. Ул Ҳалложни қарғадиким, Илоҳи биравни анга гумарларким, илк аёғини кескай ва кўзини ўйғай ва дорға тортқай. Барча анга воқеъ бўлдилар. Устози дивси билди». Бу воқеани янги манбаларда Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийнинг «Тавҳид» асари ёзилиши билан изоҳланади: Ҳар қалай бу ерда бир номаълумлик борки, бу Мотуридий «Тавҳид» асарини қачон ёзилганлиги масаласидир. Агар «Тавҳид» Ҳаллож қатлигача ёзилган бўлса, у ҳолда Ҳаллож ҳақиқатан уни ошкор қилган бўлиб чиқади. Борди-ю, «Тавҳид» қатлидан кейин ёзилган бўлса, Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий уни Ҳаллож қатли воқеасининг гувоҳи бўлгач яратган бўлади. Бу жумбоқни фақат «Тавҳид» асари ёзилган сананинг аниқланиши ойдинлаштиради. Бу кейинги изланишларга боғлиқ, албатта. Аммо бизнинг фикримизча, Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий «Тавҳид» асари ёзилгандан сўнгра Ҳалложни ошкора қилгани биллиниб туради. Яна бир сабаб, Форис бинни исо Ҳалложнинг халифаси (ўринбосари) бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, ул зот Ҳаллож қатлидан кейин Бағдоддан Самарқандга келиб Мотуридий ёнида яшайди ва Самарқандда вафот этади<sup>16</sup>.

<sup>16</sup> Ҳалидхон Ислохий. Абу Мансур Мотуридий. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – 14-бет.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий халқаро фалсафа мактаби вакилларининг айримлари ўзларига «ал-Мотуридий» нисбасини олган. Масалан:

1. Абу Наср ал-Фатҳ ибн Ҳафс ал-Мотритий. Ҳадисшунос.

2. Абу Бақр Муҳаммад ибн Ҳассан ал-Мотритий.

3. Абулҳасан Али ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Зайд ибн Қулайб ал-Мотритий (511 ҳ.й.ваф.эт.).

Шунингдек, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийдан Абдуллоҳ ибн Саҳл аз-Зоҳид Амр ибн Осим ал-Марвазий, Абдул Карим ибн Мусоибн Ийсо Абу Муҳаммад ал-Фақиҳ ал-Паздавий, Абу Абудураҳмон ибн Абдуллайс ал-Бухорий, Исҳоқ ибн Муҳаммад Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ва бошқалар ҳам калом ва фикҳ илмини ўрганишган ҳамда ўзларини унинг шогирдлари ҳисоблашган. Улар ўз даврининг машҳур ҳадисшуноси, фикҳ илмини мукамал эгаллаган шайхлари, имомлари ва уламолари бўлиб танилганлар.

Умуман олганда, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий халқаро фалсафа мактаби олим-фозилларининг ўз даврида диний ва дунёвий билимларга қўшган муносиб ҳиссалари ҳозирги шароитда ҳам аҳамиятини йўқотмаган ҳамда фан фалсафасининг турли йўналишлари динамикасида муносиб ўринни эгаллаб келмоқда.

### **Аҳмад ибн Умар Абул-Жанноб Нажм ад-дин ал-Кубро ал-Хевақий фалсафа мактаби**

И.Каримов Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида (2003 йил 27 ноябрь) ўтказилган тантанали маросимда шундай деган эди: «...миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олим-фозилларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман». Шунинг

учун ҳам аждодларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш ҳозирги замонда алоҳида долзарблик касб этади. Чунки улар миллий ғоянинг фалсафий илдизларини ташкил этади. Шулардан бири кубровия таълимотидир.

Аҳмад ибн Умар Абул-Жанноб Нажм ад-дин ал-Кубро ал-Хевакӣй (1145–1221) кубровия таълимотига асос солди ва унга кўра, қуйидаги ўн ахлоқий талабларни бажариш зарурлиги белгиланди:

1. Тавба, яъни ўз хато ва камчиликларини тушуниб етиш ва Худодан қилган гуноҳлари учун кечирим сўраш.

2. Зуҳд, яъни Қуръони каримда ва ҳадисларда мўмин мусулмонларга ман қилинган хатти-ҳаракатларни қилмаслиги, тақиқланган нарсаларни истеъмоладан тасовийлик, нафсни тийиш (бунда нафсни тийиш нафақат моддий нарсалар истеъмоли, айни пайтда маънавий нафсни тийиш ҳам назарга олинган), улардан нарҳез қилиш.

3. Таваккул, яъни ўзи қилаётган барча хатти-ҳаракатни фақат Аллоҳга суяниб амалга ошириш.

4. Қаноат, яъни кундалик ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликларни тўғри тушуниш ва уларни енгиб ўтишга ўзини тайёрлаш, муро-са-мадора йўлини туттиш.

5. Узлат, яъни юқоридаги ҳолатларни ўзида мужассам этиш орқали бошқалардан ажралиб туриш, бошқаларга намуна бўлиш.

6. Таважжуҳ, яъни Аллоҳга қалбдан интилиш ва унга сийғиниш.

7. Сабр, яъни тақдирдаги ҳар қандай оғирликларга чидаш, улардан нолимаслик.

8. Муроқабат, яъни Аллоҳ борлигига шуҳба қилмасдан, унинг борлигига кириб боришга ҳаракат қилиш ва илоҳий оламга руҳан саёҳат қилиш.

9. Зикр, яъни тасаввуф таълимотидаги амални бажариш.

10. Ризо, яъни тақдирини Аллоҳ иродаси тарзида англаш ва унга бўйсунтириш.

Умуман олганда, аждодларимизнинг дин фалсафасига қўшган муносиб ҳиссасини ёш авлодга ҳар томонлама ўргатишга, улар диний билимларни ҳам мазмун-моҳиятини эгаллашига кенг имкониятлар яратилганлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтан назардан И.Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг

саволларига жавобларида («Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда») мазкур масала алоҳида кўрсатиб ўтилди: «Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?... Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз». Булар бевосита кубровия таълимотини янада кенгроқ ўрганишни тақоза қилади.

## Амир Темуր фалсафаси

*Бу кўҳна заминнинг буюк ўғлонлари ... орасида бир зот борки, у халқимиз даҳосининг тилмоли, маънавий қудратимиз рамзидир. Бу зот ... соҳибқирон Амир Темуր ҳазратларидир. Тарихда машҳур шахслар кўп ўтган, лекин ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темур бобомиздек буюк саркарда, буюк давлат арбоби, шм-фан ва маънавият ҳомийси бўлган?*

*Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўнган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.*

*Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машоҳадларга ҳомийлик қилиши билан шухрат қозонган.*

И.Каримов

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиб, унга бағишланган тантаналар 2002 йилнинг 1 ноябрида ўтказилди. Архсологлар Бухоро – Кеш қарвон йўллари изларини топширган ҳамда бу йўл бронза даврида ҳам мавжуд бўлганлигини исботлашди<sup>17</sup>. Хитой манбаларида Кеш ҳукмдор сулолалари Нахшаб (Қарши) ҳудудларини ҳам бошқарганлиги кўрсатилади. Шу сабабли ҳам Насаф – Нашебонни «кичик Ши» деб кўрсатиш билан Насаб Кешга бўйсунганлиги ифодаланган. Юнон манбаларида Шаҳрисабз – Кешни Наутака деб аташган ҳамда Сўғднинг йирик шаҳарларидан бири сифатида кўрсатишган. Кеш V–VIII асрларда Суғд мулкида Самарқанд ва Бухородан сўнг учинчи шаҳар сифатида эътироф

---

<sup>17</sup> Бердимуродов А.С., Раимкулов А.А., Холматов М., Франчесchini Ф., Маттеzzини О. Результаты исследований узбекско-итальянских экспедиций в Самаркандской области//Археологические исследования в Узбекистане в 2003 г. –Т. 2004. –С.55–56.

қилинган. Араблар истилоси даврида, яъни Суғд подшоси Гурак ва Қутайба ибн Муслим ўртасидаги шартномага биноан Кеш Суғд (Гурак) мулки сифатида эътироф этилган. «Бу шаҳар ўзининг узоқ ўтмиши давомида не-не кунларни кўрмади. Тарих тўфонлари, босқинлар оқибатида неча бор вайронага айланиб, култепалар устидан неча бор қайта тикланди...Шаҳрисабз деганда, даставвал, хаёлимизда ўзининг ақл-заковати, беқиёс салоҳияти билан жаҳонни ҳайратга солган Амир Темур бобомизнинг ўлмас сиймоси жонланади.

Шаҳрисабз бу улуг зотнинг бешигини тебратган, уни камолотга етказган мўътабар маскандир. Бобокалонимизнинг эл-улусни бирлаштириш, она дёнримизни босқинчилардан озод қилишда, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк ва қудратли давлат куришида айнан шу замин унга куч-қувват ва мадад берган...Шаҳрисабз деганда, биз «Илму адаб қуббаси» деб эътироф этилган илм-фан, маданият ва нафосат масканини англаймиз. Бу шаҳар қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, моҳир ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган.

Мана шу заминда қад кўтарган етти иқлимга маълум ва машҳур Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкғумбаз каби муҳташам обидалар ва бошқа бетакрор меъморий ёдгорликлар шу тупроқдан топилган осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Жаҳон маданияти хазинасига беқиёс ҳисса қўшган Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби мумтоз сиймоларнинг наслнасаби Шаҳрисабз заминидан чиққани ҳам бу тупроқнинг илоҳий хосиятидан далолат беради...»<sup>18</sup>. Шаҳрисабздаги Оқсарой, Темурийлар сулоласининг хилхонаси (Доруссаодат, Амир Темурнинг отаси, пири Шамсиддин Кулол ва Барлос қавмлари дафн этилган) каби кўплаб тарихий-маъмурий ёдгорликлар мавжуддир. 1996 йилда Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган. 2001 йилда ЮНЕСКО маданий обидалари рўйхатига киритилган.

Ғарбнинг илмий тадқиқотлар фалсафасининг ўзига хос жиҳати шуки, Шарқ олим-уламолари илгари сурган ғояларни янги макон ва

---

<sup>18</sup> Каримова И. Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари//Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 56–59-бетлар.

замонда қўллайдилар, фойдаланадилар, ўзлаштириб ўзлариники тарзида талқин қиладилар. Бунга ҳозирги ривожланиш жараёнида минглаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, бундай ҳолларни кўплаб келтириш Амир Темурнинг «Тузуқлар»да баён қилган фалсафий, маънавий, ҳуқуқий, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий соҳалар тақомилли тўғрисидаги бунёдкорлик, ижодкорлик ғояларидан Шарқ сингарини, Фарбда ҳам асрлар давомида фойдаланиб келиниди. Лекин аксарият ҳолларда Амир Темурнинг «Тузуқлар»ндан фойдаланилди ёки олинди деб кўрсатиш доимо «унутилди». Масалан, 2009 йилда ташкил тоғанининг 60 йиллигини нишонлаган Женева конвенциялари (1949 йил август) моддаларини Амир Темур «Тузуқлар»ида илгари сурилган ғоялар билан таққослаб, фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз. Амир Темур «Тузуқлар»ида<sup>19</sup> «Амир этдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан жон солиғи, уй солиғи олмасилар. Сипоҳлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-улаб-бини тортиб олмасин», – деб кўрсатилган. Худди шу ғоя «IV Женева конвенциясида (27-модда)» қуйидагича талқинда берилган: «Ҳомийлик остидаги шахслар ҳар қандай шароитда ўз шахсин, орномусин, онлавий ҳуқуқларини, диний эътиқодини ва маросимларини, таомил ва урф-одатларининг ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Уларга нисбатан доимо инсоний муносабатда бўлинади, хусусан, улар ҳар қандай зўравонлик ёки қўрқитиш ҳаракатларидан... муҳофаза этилади. Аёллар орномусларига ҳар қандай тажовуздан ...зўрлашдан, фоҳишабозликка мажбурлашдан ёки уларнинг руҳиятига бошқа ҳар қандай шаклдаги тажовузлардан алоҳида ҳимоя қилинади». Ёки «Тузуқлар»да шундай ёзилган: «Ғаним тарафдан қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир тушиб қолса, уни ўлдирмасилар. Унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қилса навкар бўлсин: йўқ деса уни озод этсинлар» (101-бет). «...Агар ғаним сипоҳидан бирор кимса ўз валинъематига сиздиқидилдан хизмат қилиб, уруш қулирида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим» (72-бет).

---

<sup>19</sup> Амир Темур. Тузуқлар. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 19-бет.



Мазкур ғоя «III – Женева Конвенцияси»да қуйидагича ўз аксини топган: «Ҳарбий асирларга нисбатан ҳар доим инсоний муносабатда бўлиш керак...ҳеч бир ҳарбий асир жисмоний майиб қилниши мумкин эмас...Уларга нисбатан жазо чораларини қўллаш тақиқланади» (13-модда), «Ҳарбий асирлар ҳарбий ҳаракатлар тугаши биланоқ озод қилинади ва кечиктирмасдан ватанига қайтарилади» (14-модда). Ёхуд «Тузуқлар»да шундай кўрсатилади: «Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим...Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шарнатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим (70-71-бетлар)...Қайси бир сипоҳий ҳаддан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб мазлум қўлига топширсинлар, токи унинг жазосини зулм кўрганлар берсин» (93-бет). Булар I Женева Конвенциясида қуйидагича ифодаланган: «Олий аҳдлашувчи томонлар ...қоидабузарликларнинг ҳар доим олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун зарур чораларни кўрадилар (54-модда)... Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири қоидаларнинг...жиддий бузилишини содир этганликда ёхуд содир этишга буйруқ берганликда айбланаётган шахсларни қидириб топиш ва қайси мамлакат фуқароси эканлигидан қатъи назар, уларни ўз судига топширишни зиммасига олади...(49-модда)».

Амир Темурнинг ёшлиги ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Лекин у ҳақда ёзилган айрим тарихий-библиографик асарларда Амир Темур ёшлигида билимли бўлганлиги, ўз давридаги меъморчилик, риёзиёт, тарих, фалсафа, тиббиёт билимларини мукамал эгалланганлиги кўрсатилган. Масалан, араб файласуфи Ибн Халдун ўзи бевосита Амир Темур билан учрашиб, суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганлигини кўрсатиши баробарида, у туркий тилдан ташқари араб, форс тиллари, диний ва дунёвий билимлар ҳамда фалсафани мукамал билганлиги ҳақида ёзган. «Тузуқлар»да: «Мен бутун умрим давомида бирор-бир қимматли дақиқаларимни беҳуда ҳою-ҳавасларга, фойдасиз кайфу сафоларга сарф қилмадим. Кундуз

кунлари шатранж тахтаси фараз этилмиш ер юзида жанг майдонида шахмат ўйнадим, кечалари эса юзимдан жанг руҳий чарчоқларини даф қилувчи жиддий куй-қўшиқлар тинглаб руҳиятимни навбатдаги улуғ ишларга чархлаб бордим...», – деб кўрсатилган.

Амир Темур Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда катта бунёдкорлик ишларини олиб борган. Сароймулк хоним шарафига Биби-хоним масжиди, Қўксарой кўшики, мадраса ва масжидлар, мақбаралар қурдирган. 1371–1372 йилларда унинг фармойиши бўйича мустақкам қалъа (Шаҳри дарун), «Шаҳри беруи» (ташқи шаҳар) қайта тикланади. Айниқса, ташқи шаҳар атрофида «Боғи шамол», «Боғи дилкушо», «Боғи чинор», «Боғи жаҳоннамо», «Нақши жаҳон», «Боғи Амирзода Шоҳрух», «Боғи беҳишт», «Боғи зогон», «Давлатобод», «Боғи майдон», «Боғи нав», «Боғи баланд» каби чорбоғлар барпо эттирган.

Маълумки, Амир Темур Шаҳрисабзда бир қанча меъморий ёдгорликларни бунёд этган. Жумладан, Шаҳрисабздаги «Оқсарой» маъмуаси ҳам шулар қаторига кирди. Бизнингча шу тарихий маъмуанинг ўзига хослиги ҳамда уни Амир Темур бунёд этганлиги сабабли ҳам Америка Қўшма Штатларидаги президент қароргоҳи «Оқ уй» деб номланган. Америкадаги «Оқ уй» архитектор Жеймс Ҳобан томонидан 1792–1800 йилларда қурилган (унинг 132 та хонаси бор бўлиб, 35 ванна ва қўл ювадиган хона, 8 та зинапоё, 3 та лифт бор). 1814 йилда инглизлар томонидан ёқиб юборилган. Дастлаб «Президент саройи» деб ном берилган ҳамда унда АҚШнинг иккинчи президенти Жон Адамс иш бошлаган. 1901 йилда Теодор Рузвельт қарори билан «Оқ уй» деб номланган.

Шунингдек, у Тошкент вилояти ҳудудида Занги ота мақбараси, Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳамда саноқсиз иморатлар қурдирган буюк шахе бўлган. Дарҳақиқат, Амир Темур ижтимоий фалсиятини доимо бунёдкорлик, ижодкорлик каби улуғ ишларга йўналтиришга қодир бўлган маънавий жасорат соҳибидир.

Юксак илмий салоҳиятли, зукко, доно ўқувчи қуйида билдирилган фикр-мулоҳазалар орқали Амир Темур фалсафасини янада мукамал тушуниб, холис хулоса чиқаришга ишонамиз:

*Темур Кўрагоний...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдулар, алмо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеида ўқувдирларкил, анишгдек бир байт айтқонча бор.*

*Алишер Навоий*

*Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция, Англия каби ўша даврдаги кўпроқ маълум ва машҳур давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатган Темур хони (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилолмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-торож қилиши деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ – биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди.*

**Француз олим – Лянглэ (1787 йилда «Темур тузуклари»ни нашр эттирган).**

*Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган бу галабаси (1395 йил 15 апрелда Қундузгача Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан галабаси ҳақида Олтин Ўрда тақдирини ҳал бўлганлиги назарда тутилган - Ш.Х.) нафақат Ўрта Осиё ва Шарқий Европа, балки Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлди.*

**А.Ю.Якубовский -рус олим.**

*Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узоқ Шарқда қонунишunos бўлиши билан бирга, ўзида Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади.*

**Ф.Шлоссер - немис олим.**

*Темур ўз душманларига нисбатан жуда бераҳм эди, лекин саркардалик, давлатни бошқариши ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди.*

**М.Вебер - немис олим.**

*Темур олимларга илтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга шиошч билдирарди. У тарихчи-*

лар, файласуфлар, шунингдек, шм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиши учун кўпинча тахтдан тушиб уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга галмхўрлик қилшига асосий эътиборини берарди.

**Француз олимми - Лянглэ.**

Темур одамларни ўзига бўйсундириши қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни бахтли қила билиши таланти билан уйғунлаштирди. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарофиддин) нинг айтишича, бир вақтнинг ўзида душманларга офат, аскарларга қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди: негаки у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди.

**Академик И.Мўминов.**

Бир томонда қанлиққўл Темур турса, иккинчи томонда шм аҳлини қутлаб, ўз ҳимоясига оладиган Темур туради; бир томонда бутун-бутун шаҳарларни заб этувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, сув иншоотларини қурдирувчи ва боғлар барпо эттирувчи Темур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳали ҳам жумбоқ бўлиб қолмақда.

**Профессор Л.Карен**

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир да- рахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: «Дунёнинг ярминини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла қўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-нигизом ўрнатдим».

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Фарб билан тинчлик, тижо-

*рат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришига ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.*

**И.Каримов**

Клавихо ўзининг «Кундалик»ларида қуйидаги ҳолатни кўрсатган: «Сеньор Темурбекнинг биринчи кўрган жазоси бош альколдга қарши бўлди. Уни дина (вазир) деб аташади, у бутун Самарқанд империясида энг мўътабар одам ҳисобланган. Темурбек олти йилу ўн бир ой олдин юришга кетаётганда, уни шу шаҳарда бош альколд қилиб қолдирган эди. Айтишларича, ана шу муддат чоғида бу альколд ўз мансабини сунистеъмол қилган». Бунда Амир Темурнинг 1404 йилда бош вазири Хожа Маҳмуд Довуд ва вазир Муҳаммад Жолдни ўз мансабини сунистеъмол қилганлиги учун қатл қилганлиги назарда тутилган. Шу ўрнида академик И.Мўминовнинг қуйидаги сўзлари юқоридагиларни тасдиқлайди: «Ўз амалини сунистеъмол қилиш Темур авлодларига тааллуқли бўлган вақтда ҳам, улар тегишли жазоларини олганлар. Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати соҳасида ғоят қаттиққўл эди: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва нсвараларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямас эди»<sup>20</sup>.

Фандаги коррупция бир, икки киши эмас, балки айрим ҳолларда жамиятдаги илмий салоҳият армияси (баъзида давлатнинг ўзи ҳам уларга қўшилади) каби катта кучдир. Аксарият ҳолларда уларни фош этишга асрлар талаб қилинади ҳамда бу бутун бир миллатни, халқ маънавиятини шикастлайди. Шу ўрнида 1404 йилли Самарқандда Амир Темур саройида яшаган Кастилия (Испания) қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо умрининг охириги йилида (1412) ёзиб тугатган ҳамда 1582 йилда Испаниянинг Севилья шаҳрида нашр этилган «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» номли китобидаги ноаниқ далилларга асосланмаган Амир Темур тўғрисида қуйидаги асоссиз фикрларни келтириб ўтишни лозим топдик: *«Айтишларича, Темурбек ўзининг тўрт-беш хизматкори билан қўшни хонадон-*

---

<sup>20</sup> Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т.: «Фан», 1993. – 33-бет.

ларни бир куни қўйини, иккинчи куни сигирини тортиб ола бошлайди. Баъзан базмга беришиб кетиб, ўғирланган қўйлар билан уларни меҳмон қиларди. Баъзан жасурлиги, олижаноблиги тутиб кетиб, бор нарсасини ўз одамларига сидқидилдан бўлиб берганлиги туфайли унинг атрофига кўп одамлар тўплана бошлади. Охири унинг отлиқлари 300 тага етади. Шундан кейин у ўз отлиқлари билан талаш ва ўғирлаш билан машғул бўлади, йўлларга чиқиб савдогарларни ҳам талай бошлайди»<sup>21</sup>.

Амир Темурнинг отаси Амир Тарағай бадавлат оиладан бўлиб, Қозонхон (1333–1346) ҳукмдорлиги даврида юқори лавозимда хизмат қилган. Кеш ва унинг атрофи Амир Темурнинг амакиси Хожа Барлоснинг қўл остида бўлган. Мана шу далилларнинг ўзи ҳам Испания элчисининг Шарққа, Шарқ фарзандига, Шарқ фалсафасига, Шарқ фанига қилган коррупция фаолиятининг нечоғлик асосsizлигини фош қилади. Чунки фалсафанинг кўрсатиш методи талабидан келиб чиқиб, Рун Гонсалес де Клавихонинг Амир Темурга нисбатан юқоридagi коррупциясининг таҳлилини берсак, қўйидаги объектив хулоса пайдо бўлади: Рун Гонсалес де Клавихо китобидан келтирилган жумлалар «Айтишларича...» деб бошланади. Демак, уни ўз кўзи билан кўрмаган?! Ўзбек халқида «мнинг маротоба эшитгандан, бир марта кўрган афзал» (Фалсафанинг кўрсатиш методи) деган мақолини (аслида Шарқ фалсафаси тадқиқотларидаги ҳақиқат мезонини аниқлашнинг устувор методини) билмаслигини, умуман элчилик фаолияти давомида мамлакат маънавияти, урф-одатини яхши, мукамал англаб етмаганлигини кўрсатган; демак, Амир Темур онласи ва аждодлари ўз замонасидаги ҳукмдор кучлар сароӣ лавозимларида ишлаган ҳолда бой-бадавлат бўлишган.

Ёшлиқда шундай билимларга эга бўлган ҳамда оила муҳитида шарқона тарбия олган ўспирин ўғрилиқ қилишга қодир бўлмайди! Рун Гонсалес де Клавихонинг «қўйини хонадонларнинг бир куни қўйини, иккинчи куни сигирини тортиб олиши»га ўхшаган «фазилат»ларини билган элчи яшаган нозиктаб қитъа халқи Амир Темурга олгиндан ҳайкал қўйиб, ҳайкал остига «Европа холоскорига», деб ёзиб қўймаган бўларди; Рун Гонсалес де Клавихонинг фикрлари асосли бўлган-

<sup>21</sup> Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – 254-бет.

да эди, 2007 йилда франциялик машҳур олим Люсьен Карен<sup>22</sup> «Самарқандга – Амир Темур даврига саёҳат» асарини ёзмаган ёки унда ҳам бу фикрлар доирасида ғоялар илгари сурилган бўларди; Амир Темурга бағишлаб ёзилган асарлар Осиеда 600 дан ортиқ, Европада эса 500 дан ортиқдир!

## **Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий - Хожа Аҳрор Валий халқаро фалсафа мактаби**

Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий йирик олим, ўз даврининг булок файласуфи, нақшбандия тариқатининг йирик вакили ҳамда «Хурсия», «Фикратул орифин», «Волидия», «Руқъаот» ва бошқа асарлар муаллифидир. Улар шеърят илмидан ҳам воқиф бўлганлар ҳамда шеърлар ёзганлар:

Нақшбандия ажаб қафиласолоронанд,  
Ки баранд аз роҳи ниҳон ба ҳарам қофиларо.  
Аз дили солики раҳ жазбан суҳбаташон  
Мебарад васвасаи хилвату зикри чиларо.  
Қосире гар занад ин тонфаро таъни қусур,  
Ҳошалоллоҳ, ки борорам ба забон ин киларо.  
Ҳама шерони жаҳон бастан ин силсиланд,  
Рубаҳ аз ҳийла чи сон бигсилад ин силсиларо.

Яъни, нақшбандия пирлари ажаб сарбонлардирки, яширин йўлдан карвонни Макка сари элтурлар. Суҳбатларининг жазбаси тариқат солики қалбидан хилват васвасаси ва чилла зикрини суриб ташлайди. Агар бирор калтафаҳм бу тонфани қусур-камчиликда таъна қилса, Худо сақласин, мен бундай сўзни тилга олмайман. Жаҳоннинг барча пирлари шу силсила занжирига боғланган. Тулки хийла ила занжирни уза олмас (Н.Комилов таржимаси). Бу силсила занжирининг қисмлари қуйидагича боғланган: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий Яъқуб ал-Чархийдан, Яъқуб ал-Чархий Алоуддин Ат-

---

<sup>22</sup> Профессор Люсьен Керн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даври маънавий қадриятларини илмий тадқиқ қилгани ҳамда Франция ва Ўзбекистон халқлари яқинлашishi ва ҳамжиҳатлигига қўшган шахсий ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

тордан, Алоуддин Аттор Ҳазрат Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий Қасридан таълим олганлар.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Ҳазрат Хожа Аҳро Валийни «тариқат қутби», деб кўрсатганлар, уларнинг пурмаъно ва бунёдкор ғоялари Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Эрон, Рум, Миср, Хитой, Ҳиндистон ўз таъсирини ўтказганлигини алоҳида таъкидлаганлар: «барча мулук ва салотин ўзларини Хожанинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди ва руқъалари бу салотинга онча муяссар эрди»<sup>23</sup>. Бу фикрлар Абу Тоҳирхўжанинг қуйидаги қарашларига ҳамоҳангдир: «Барча буюк хоқонлар Хожага қуллик, фармонбардорлик ва ихлос камарини белларига боғлагандилар. Хонлар бошларида подшоҳлик жиғаси ва белларида шоҳлик камари бўлгани ҳолда, ул зоти шариф (яъни Хожа Убайдуллоҳ) ўзангуларида яёв югурар эканлар. Хожанинг эшикларидаги хизматчиларига қарши озгина одобсизлик кўрсатган киши давлат ва мамлакатдан, балки соғлиқ ва ҳаётдан ажралиб, ўз замонининг ибрати бўлур экан. Ул зоти шариф равоятлари рост балани бўлиб, қалбини истаган томонга қараб бошқара оларди»<sup>24</sup>.

Бунда Ҳазрат Хожа Аҳро Валийнинг муроса фалсафаси ниҳоятда юқорилиги муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айни шу муроса принциплари орқали Ҳазрат Хожа Аҳро Валий ҳукмдорлар, давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни бартараф қилганлар. Хожа Аҳро Валийни пирим деб эътироф этган Заҳририддин Муҳаммад Бобур унинг муроса фалсафасининг юқорилигига тан бериб «Самарқанд аҳликим, йиғирма-йиғирма беш йил Султон Аҳмад Мирзонинг замонасида рафоҳият ва фароғат била ўтқариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа (Убайдуллоҳ) жиҳатидан адл ва шаръ тарийқи била эди»<sup>25</sup>, – деб ёзган эди.

Амир Темур «Пирн компл шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насихатларига амал қилдим» деган бўлса, Ҳазрат Хожа Аҳро Валий фақрлик фаҳримдир, деб нақшбандия тариқати тамойилини қалбларига жо қилганлар.

---

<sup>23</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. –Т.: «Фан». 17-том. 2001. –255-бет.

<sup>24</sup> Абу Тоҳирхўжа. Самария. –Т.: 1991. –27-бет.

<sup>25</sup> Заҳририддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: 1990. –24-бет.



Чунки Ҳазрат Хожа Аҳрор Валининг 50 минг гектар ери, миллионга яқин чорва, минглаб йилқилари<sup>26</sup> бўлган бўлса-да улар фақирона кун кечирганлар. Бор мол давлатини халқнинг оғирини енгил қилишга сарфлаган.

Умуман олганда, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий илгари сурган бунёдкорлик ғоялари, жамиятда, мамлакат ва халқлар ўртасидаги турли низоларни ва муаммоларни муроса тамойиллари доирасида ҳал қилишдаги юксак маҳорати, фаоллиги ва хатти-ҳаракати ҳозирги инсоният цивилизациясининг ривожланиш босқичида ҳам алоҳида долзарблик касб этади.

«Яқинда телевиденида Хожа Аҳрор Вали ҳақида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз»<sup>27</sup>.

## Алишер Навоий хусусий фалсафа мактаби

Алишер Навоий Низомий Ганжавий «панжасига панжа уриб», турк тилида «Хамса» ёзган. Алишер Навоий вазир ва йирик давлат арбоби сифатида илм-фан, санъат, адабиётга ҳомийлик қилган. Бу жиҳатдан шоир Ахлий Шерозий, тарихчи Хондамир, мусаввир Камолиддин Беҳзод ва бошқалар унинг бундай саховатларидан баҳраманд бўлишган.

Темур ва темирлар даври фалсафасида туркий, унинг сермазмун, кўп қиррали, бой мазмунига Фарбнинг (шунингдек, айрим ҳолларда араб, форсларнинг) шубҳа билан қараган мухолифлари бўлган. Мисрлик тадқиқотчи, «ал-Азҳар» университети профессори Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад ҳам ўзининг «Ўрта Осиё олимлари» қомуси-

<sup>26</sup> *Валихўжасев Б. Хожа Аҳрор тарихи.* –Т.: «Ёзувчи». 1994. –70-бет.

<sup>27</sup> *Каримов И. Тарихий хортирасиз келажак йўқ.* Т.7, Т.: «Ўзбекистон» 1999. 148-бет.

да туркий тилни ҳар томонлама асослаб берган, ўзбек давлатчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоби, мутафаккир, буюк гуманист Алишер Навоийни «унутиб» қолдиради. Олим «Наво-Самарқанд қишлоқларидан бири», шунинг учун ҳам мазкур қишлоқ аҳлидан чиққан олим-уламолар Ан-Навоий дейилган, деб кўрсатади ҳамда қуйидаги учта «ан-Навоий»ни келтиради.

1. Маҳдий ан-Навоий ан-Нурий (ваф. 1923 йил) – мантиқчи бўлган, ар-Руштий ва Оятуллоҳ ал-Хуросонийдан таълим олган. Нажафда вафот этган. «Мантиқдаги тасаввур ва тасдиқ» номли асар ёзган.

2. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Маккий ибн ан-Назир ан-Навоий.

3. Абулҳусайн Муҳаммад ибн Саид ибн Уббода ан-Навоий. Юртбошимиз И.Каримов Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқида (2001 йил 24 август): «...Инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч мужассам. Барчамизга ёд бўлиб кетган «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғам» деган ҳикматли сўзлар нафақат гўзал ташбеҳ, аксинча, улуғ шоирнинг ниймон-этиқоди, фаолият мезони, ҳаёт фалсафасидир».

Академик Н.И. Конрад «Лайли ва Мажнун»ни ўқир экан, ундан олган ҳайратини яширмай ёзади: Шоирлар ўлим билан тугаган муҳаббат талқинида турли сўзларни қўллаганлар. Алишер Навоий бўлса:

Чун руҳ ила руҳ топти пайванд,  
Бир шаҳд аро ётқур ики фарзанд...  
Жоноға ул фидо қилиб жон,  
Бу жон берибон нечукки жонон.  
Кирди ики жисм бир қафанға,  
Йўқ, йўқ ики руҳ бир баданға,

дея тасвирлайди. Навоийнинг ушбу мўжизакор сўзлари Тристан ва Изольданинг ўлими ва севгиси ҳақида ҳам айтилгандек гўё?! Лекин мўжизакорлиги шундаки, Алишер Навоий юқоридаги ифодани топиб айтган. Алишер Навоийдек шоир борлигидан беҳад қувонамиз. Шундай шоирни бизга инъом қилгани учун ўзбек халқига булок раҳматлар айтамыз. Ва уни нафақат ўрганамиз, балки ўқиймиз ҳам. Уни нафақат ўқиймиз, балки тафаккур ҳам қилиб, ўзимизники қиламиз»<sup>28</sup>.

Солиштириш учун қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир: Ҳозиргача маълум бўлган Алишер Навоий асарларида 30 минг, Вильям Шекспирда 17 минг, А.С.Пушкинда 18 минг сўз ишлатилган.

Алишер Навоий фалсафа мактабининг муҳим жиҳатларидан бири мукаммал агнографик асарни ёзганлигидир. Маълумки, юнонча «агнос» авлиё, «графос» ёзаман маъноларини беради ҳамда пайғамбар, авлиё, руҳонийларнинг ҳаёт ва фаолияти ҳақида яратилган асардир. Бундай асарлар Шарқ фалсафаси вакиллари томонидан ҳам ёзилган. Масалан, Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват»<sup>29</sup> (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шабодалари) асарлари шулар жумласидандир. «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» – Алишер Навоийнинг 1495-1496 йилларда ёзган асари (Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида 97 Д рақамли қўлёзма). Ўрта Шарқ, Ҳиндистон, Марказий Осиё ҳудудида яшаган 770 та авлиёлар тўғрисида маълумотлар жамланган. Шу рўйхатга Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870-944) ҳам киритилган бўлиб, ул Ҳазратни Алишер Навоий «Султон ул-муъиззуддин» (диннинг иззатли Султони), деб атаб, у тўғрида қуйидагиларни ёзган: «Шайх Абу Мансур Мотуридий қуддиси сирруҳу. Ўз замонининг аълами уламози эрмиш. Ул вақт уламози аларни Султон муъиззуддин дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин (илмлари) била ораста (безатилган) эрмишлар. Алардин ғариб ҳолат манқулдур... Шайхнинг муборак қабрлари Самарқанднинг Чокардиза гўристо-

---

<sup>28</sup> «Халқ сўзи». 2011 йил 9 февраль.

<sup>29</sup> *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Т.17. –Т.: «Фан», 2001.

нидадур. Замон подшоҳи ул мутабаррук мазори бошида мутакаллиф масжид йасаптур».

Шунингдек, асарда тасаввуф тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Биров Абу Ҳафз қуддиси сирруҳудин сўрдиким, тасаввуф недур? Деди: Суфий ҳаргиз сўрмағайки сўфи кимдир. Шайх ислем дедиким, бу илм Тенгрининг асроридур».

«Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асарида илгари сурилган ғоялар Алишер Навоийнинг ўткир фалсафий мушоҳадали, тарихий хотирани тиклашдаги кенг мулоҳазали ҳамда аждодлар маънавий мероси тўғрисида замонасининг қомусий олимлигини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида (1995 йил 23 февраль) аждодлар моддий ва маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор бериб шундай деган эди: «...Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўниб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислем дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

...Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим».

Мазкур муаммони ҳал қилиш жараёнида мустақиллик шарофати боис аждодлар моддий ва маънавий бойликлари эъзоланаётгани, айниқса, улар асарларининг нашр этиб жамият аъзоларини баҳраманд қилинаётганлиги ҳар ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Лекин айрим ҳолларда шошма-ишошарлик ёки мутахассис бўлмаганлар «ижодий фаоллиги» натижасида ёхуд асл манбадаги (қўлёзма, тошбосма) сўзларнинг арабчадан нотўғри таржимаси оқибатида (бу тенденция, айниқса, собиқ Иттифоқ даврида кучли эди) асарнинг асл мазмун-моҳияти ва асар муаллифининг мақсадини тушунишда қийинчиликлар туғилмоқда.

Шоирнинг «Бадойиъ ул-бидоя» девонига киритилган «Қаро кўзим» ғазали 1987 йилда нашр қилинган «Мукаммал асарлар тўплами»да қуйидагича берилган:

Қаро кўзим, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзинг гулига кўнгул яса гулшан,  
Қаднинг ниҳолига чаман қилғил.

Таковарингга боғир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.  
Фироқ тоғида топилса туфроғим, ай чарх.  
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳан қилғил.

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни баштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон эмас мониъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила гул баргидин кафан қилғил.

Навоний анджумани шавқ жон аро тузсанг.  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анджуман қилғил.

Мазкур ғазал таҳлилини Ҳамидхон Исломий «Алишер Навоний асарлари қўлёзмаларини талқин қилиш тўғрисида» мақоласида қуйидагича кўрсатган: «Бу ғазалнинг бир қанча шарҳлари ҳам эълон қилинган. Шу ўринда ғазални қўлёзма матнига қиёслаб ўтишни лозим топдик. 1465-1466 йилларда машҳур хаттот Султонали Машҳадий кўчирган «Илк девон»да, кейинроқ «Бадойиъ ул-бидоя»да ушбу ғазалнинг қилғил радифи – қилқил, ҳино боғла бирикмаси эса ҳино боғла ёзилган. – қил қўшимчаси бир жойда – гил га ўзгарган. Иккинчи байтдаги қадинг ташдид билан ўқилишга мувофиқ қаддинг

ўқилнши керак эди. Ачинарлиси шундаки, эт маъносини билдирувчи ибора ҳайвон маъносини билдирувчи *ит* деб табдил этилган. Масалан, ғазалнинг учинчи байтидаги – *Этинг ғамзада эсон рии-тасин расан қилгил* жумласининг талқинига келсак: «Этинг (танинг) қайғули бўлса, кўнгул ипини арқон қилгил» – деган буйруқ ишорасини англатар эди.

Нашрларда шунинг сингари хатоларга йўл қўйилаётгани учун ҳофизларимиз ҳам ашулада уни *итинг* деб айтади».

Демак, нашрлардаги хатоларни бартараф этишда, бизнингча, биринчидан, ўзбек тилида унутилган сўзларни кенг қўллаш анъанасидан бутунлай воз кечиш, иккинчидан, тил фалсафаси динамикасидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш, учинчидан, манба (масалан, ғазал) ёзилган давр имлосини мукаммал эгаллаш, тўртинчидан аждодларимиз маънавий мероси хазинасидаги асарларни нашр этишда файласуф, тилшунос, шарқшунос, тарихчи олимлар ижодий фаолигини ошириш ҳамда уларнинг саъи-ҳаракатларини бирлаштириши ҳозирги даврда атоқлида долзарблик касб этади.

---

## Х БОБ. XIX–XX асрда шаклланган ва равнақ топган фалсафа мактаблари

Президент Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим»<sup>1</sup>.

### Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ фалсафа мактаби

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827–1900) Қорақалпоғистон Республикасида (Орол денгизининг жанубий қирғоғида) камбағал оилада туғилган. У қорақалпоқ классик адабиёти ва прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрнинг энг фаол ва ижодкор вакили. Унинг «Бу замонда», «Кшринди», «Яхшироқ», «Халқ учун», «Солиқ» каби шеърлари 1956 йилда «Ўздавнашр» да («Танланган асарлар») чоп этилган.

Отим Бердимурод, мен халқнинг ўғли,  
Саҳрода сайровчи сайроқ булбули.  
Ўн гулидан очилмади бир гули,  
Муродига етолмади халқ учун.  
Ажал етиб ўлсин шу кунда ўлим,  
Кетимда қолади ўлмайин сўзим.  
Тирикликда кўрди кўпларни кўзим,  
Фарқни билган хизмат этар халқ учун.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин// Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 99-бет.

Бердимурод, ўйлаб сўзингни кўргин,  
Юрак сўқмоқлардан изингни кўргин.  
Қайғу чекмай ғарибларга қўл бергин,  
Шунда ишинг бўлур фақир халқ учун.  
Бердимурод ҳақиқатни изладинг,  
Мудом элга тўғри йўлни кўзладинг.  
Ёвузлардан қўрқмай, ҳақни сўзладинг,  
Жон-танингни бердинг доим халқ учун.

Бердақ ёшлигидан ислом динини мукаммал билган. Чунки отаси уни ўзи туғилиб ўсган овулдаги масжид қошидаги мактабга беради. Мактабни тугатгач, Қорақумэшон мадрасасида ўқишни давом эттиради. Моддий шароити оғирлиги сабабли мадрасанинг охириги «курс»ни тугатолмай кетишга мажбур бўлади. Лекин у ислом қонун-қондаларини мукаммал билган ва фалсафий қарашларида яссавия тариқати тарафдори сифатида ижод қилган. Бунини Бердақ ёзиб қолдирган қуйидаги минералардан ҳам билса бўлади:

Сездирмасдан бек ҳам хонга,  
Ҳам уларга яқин жонга,  
Ота юрти Туркистонга,  
Бориб, йўқни излар эдим.

Мазкур минераларда «бек» қорақалпоқ эли ҳукмдори, «хон» Бердақ даврида Хоразм хони, «уларга яқин жон» овулдаги оқсоқол, «Ота юрти Туркистон» Турон заминининг кейинчалик номланиши ҳамда Ҳазрат Аҳмад Яссавий муқим тоған жойга борганлиги, лекин уни топа олмаганлиги армони кўрсатилган.

## Аваз Ўтар фалсафа мактаби

Аваз Ўтар (1884–1919) – маърифатпарвар, илмпарвар, гуманист ва халқчил шоир, Хива шаҳрида сартарош оиласида туғилган. Унинг ёзган шеърлари 1920–1921 йилларда Хива шаҳрида чиққан «Хоразм хабарлари», «Инқилоб қуёши» газеталарида ҳамда 1956 йилда «Ўздавнашр»да танланган асарлари босилиб чиққан. Асарларида ўзи яшаётган замондаги ижтимоий ҳодисалар, ҳукмдорларнинг зулмкорлиги, фан, маданият, мактабларнинг аҳамияти каби муаммолар



асосий ўринни эгаллаган. Айниқса, унинг замонаси ёшлари баркамол бўлши учун хориж тилларини ўрганш муҳим эканлиги тўғрисидаги ғоялари диққатга сазовордир:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситан робитан оламиёндур.

Ғайри тилни саъй қилинг билгали, ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар ривожин андин аёндур

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондур.

Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Онда ўқуганлар бори яктойи жаҳондур.

Зор ўлмасун онлар тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидин анинг бағри тўла қондур.

### Анбар отин фалсафа мактаби

Анбар отин ўз шеърларида Ватанни мадҳини куйлади, мамлакатдаги ижтимоий адолатсизликни илдизларини анлаб етди ҳамда мана шу илдизларга қарши кураш энг аввало шоирнинг, ёзувчининг, зиёлиларнинг бурчи эканлигини таъкидлади:

Шеър ёзсангиз, халойиқ ҳолдан мавзу этинг,  
Кўп уруғларни мадҳ этмоқ эрур бу исров  
Авалло ўйланг эл ичра зиндаги қай хилдадир,  
Икки ёқлик зулмни сиз айланг ҳамниша эътироф.

Хотин-қизларни ўз озодлиги, мамлакат мустақиллиги учун курашга даъват этади:

Мендек ётма, ўйноғил замони Фарғона !  
Эрлардек бел боғла эмди бўлиб мардона!

Ўзи яшаган замон ва маконда аёллар тенгсизлигини куйидаги мисраларда кўрсата олган.

«Аёллар сочи узун, ақли қисқадур» деганларга,  
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларга ўт тушсун.  
«Хотунлар мол қатори сотилар» деб муштипарларни,

Зулайҳо, Лайли, Ширинни тан олмаганларга ўт тушсун

Анбар отин ўзининг ҳар томонлама мукамал билими, кенг дунёқараш билан яшаган муҳити қобилигига сиғмайди ҳамда умуминсоний қадрият ҳисобланган инсонни улуғлайди, унинг ҳар қандай макон ва замонда ҳам тенглиги ғоясини илгари суради, халқларнинг тенглигини тараннум қилади:

Ақсар жануб ва шарқ халқлари монанда  
Араб, Афғон, Солон, Ҳинд ва Кашмир халқлари  
Қора юз, оқ кўнгил халойиқ, эрурлар.  
Ул халойиқ ҳам аслзода оқ танлар каби андам  
Аъзойи бадан, қўл-оёқ, тил, кўз ва ақл-хуш,  
Ғайрат, қувват ва тафаккурга моликдурлар.

## Академик Иброҳим Мўминовнинг халқаро фалсафа мактаби

*Республикамизда эаҳон фанн ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эаглаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинлиқни сақлаб қолган кишилар эакуда кўндир. Бундай кишилар Ўзбекистоннинг ХХI аср сари ташлаган қадаминда бизларнинг кашшофларимиздир. Айни ўшалар эақалиятнинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг кучига ишонч баҳи этади.*

**И.Каримов**

Буюк энциклопедист, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 18 йилдан ортиқ Фанлар академияси вице-президенти, «Ўзбекистон энциклопедияси» нинг ташкилотчиси ва биринчи Бош муҳаррири, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Иброҳим Мўминов 1908 йилнинг 7 ноябрида (собиқ Иттифоқ давридаги ҳаида мустақилликнинг ilk йилларидаги манбаларда Иброҳим Мўминовнинг тугилган куни 1908 йил

7 сентябрь тарзида кўрсатилган. Яқинлари ва шоғирларининг гувоҳлик беришича, бу ҳолатда ҳам Устоз мураса қилган эканлар. Маълумки, ўзининг шоғирди ва қудаси Шароф Рашидовнинг ҳам тузилган кунлари 7 ноябрь бўлган. Устоз кўпгина шарқона мулоҳазалар билан ҳамда мураса қилиб ўзларини тузилган саналарити икки ой олдин ўтказганлар) ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Тезгузар қишлоғида туғилган. Шу даврга қадар Иброҳим Мўминов ҳақида ёзилган мақола, рисола, монография, ҳатто диссертацияларда 1922-1927 йилларда мактабда ўқиган, деб кўрсатилган. Бу аллома 14 ёшида мактабга борган деган хулосага олиб келади.

Бизнингча, Иброҳим Мўминов 6-7 ёшларида Тезгузардаги масжид қошидаги мактабда таҳсил олган. Чунки академик Иброҳим Мўминов ўз асарларида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон аҳолиси ялпи саводсиз эди, деб «асосланган хулосалар»нинг нечоғли нотўғрилигини мураса талаблари доирасида яширин тарзда илмий асослаб беради. Бу ўрнида Иброҳим Мўминов Абу Али ибн Сино юқори баҳолаган «фаросат илми» – логикани чуқур, мукамал билганлигини кўрсатади. И.Мўминов «Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан» номли асаринда шундай маълумотларни келтиради: «Сирдарё областида, Тошкентдаги мадрасалардан ташқари, яна 35 та мадраса, Фарғона областида 204 тача, Самарқанд областида 93 тача мадраса бўлган. Биргина Бухорода 365 масжид ва 103 мадраса бўлган. Бу масжид ва мадрасалар жуда кўп мол-мулкка, шу жумладан беҳисоб вақф ерларга эга бўлган<sup>2</sup> ...Хива ҳам, гарчи у ислом динининг Шарқдаги «муқаддас шаҳри» ҳисобланган Бухоро билан масжид ва мадрасалар сони жиҳатидан тенглаша олмаса-да, бу соҳада Бухородан қолшмасди...«Хива хонликларининг архиви»<sup>3</sup> да, тарихий маълумотлар асосида Хива шаҳри атрофидаги масжидларнинг рўйхати келтирилган. Бу рўйхатда Хиванинг яқин-атрофларида 137 та масжид бўлганлиги кўрсатилади. Ўша даврда Ўзбекистон ҳудудида, умуман ҳисоблаганда, 400 дан ортиқ мадраса ишлаган: Туркистон ўлкасида 313, Бухоро амирлигида 103 ва Хивада 8

<sup>2</sup> Климович Л. Ислам в царской России. – 1936 йил нашри. – 100-бет.

<sup>3</sup> XIX аср Хива хонлигининг архиви. 1940 йил нашри, Ленинград. – 33–49-бетлар.

та мадраса бўлган. Булардан ташқари, ҳар бир қишлоқда, албатта, масжид бўларди. Масжидлар жуда кўп вақфга, яъни моддий бойликларга эга бўлиб, Ўзбекистондаги туб жой аҳоли ўртасида ислом идеологиясини кенг тарғиб қилувчи асосий марказ бўлган. ...XIX аср охирида ва XX аср бошида ҳам масжидлар, мактаблар ва мадрасалар ислом динини тарқатувчи жой эди. Ҳар бир масжид қошида мактаб бўларди. Демак, Туркистон ўлкасида ҳам, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида, волостнинг ҳар бир қишлоғида мактаб бўлган. Одатда, масжидда хизмат қилувчи муллалар мактабда ўқитганлар. Ҳар бир мусулмон киши ўғли 7 ёшга тўлганда уни мактабга беришга мажбур эди (таъкид бизники – Ш.Х)... У ўғлини шанба куни дастурхон билан мактабга олиб келиб: «Домла, ўғлимни ўқитинг, агар зарур бўлган тақдирда калтакланг, суяги меники, гўшти сизники»,— дер эди. Домланинг қўлида калтак ва дарра бўларди. Ўқувчилардан бирортаси шўхлик қилиб қолса, домла уни жазоларди, чўккалатиб қўйиб, уч тугунли ерқон боғланган қамчи билан товоғига урарди. Шундай қилиб, домла шогирдларини кўрқитарди, калтак остида «ўқитгарди». Шогирд бола аввал ҳафтнякни ёдларди, сўнгра Қуръонни тўла равишда ўрганарди, кейин эса чоркитобга тушарди. Чоркитоб — ислом динининг асосий қондаларини ифодалайди, ҳар бир мусулмон уни билишга мажбур эди (таъкид бизники – Ш.Х). Чоркитоб тўрт бўлимдан иборат. Биринчиси — ҳақ — худонинг номларини тушунтиради, дин қондаларини, таҳоратни, намозни баён қилади; иккинчиси — бидон — эътиқодини англаш; учинчиси — каломи паби — ривоятлардан баҳс юритади ва ҳоказо. Чоркитоб наср ва назмда форс-тожик тилида ёзилган. Бу мактабларда Шарқнинг энг йирик шоирларининг шеърини тўпламлари, одатда, Ҳофиз, Алишер Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр ҳам ўрганганларди (таъкид бизники – Ш.Х). Мактабларда болаларни қаттиқ диний йўл билан калтак остида, ёд олиш усулида ўқитиларди. Болаларни ўзбекча эмас, балки араб тилида ёзилган ҳафтняк ва Қуръонни ёдлашга мажбур қилардилар. Мана шунинг учун мактабларни тугатган шогирдлар оз-моз бўлсада ўрганган нарсаларини кўп вақт ўтмасданоқ эсларидан чиқариб қўярдилар. Мактабни битирганларнинг оз қисмигина мадрасаларга

кира оларди<sup>4</sup>. Мадраса уч бўлимдан иборат эди. Биринчи бўлимда катехизис — мусулмон диний ақидаларни савол-жавоб тарзида қисқача баён қилинган китоб, араб тили ва қонунчилик ўрганиларди. Бу бўлимда ўқиш муддати 9—10 йил эди. Иккинчи бўлимда қонунчилик, илоҳиёт, мушқилот — логика, араб тили грамматикаси, нотқилик маҳорати ўқитиларди. Бунда ўқиш муддати 7—8 йилга чўзиларди. Учинчи бўлим ўқув режасига илоҳиёт, қонунчилик ва калом — ислом дини ва мушқилотнинг ўзига хос схоластикаси киритилган. Қонунчилик курсида география ва арифметикадан баъзи нарсалар ўқитиларди. Мадрасаларда схоластика ва илоҳиёт таълимнинг асосий негизи ҳисобланарди. Ўқитиш ёдлаш усулидан иборат эди. Деярли ҳамма мударрислар ҳаётдан, тажрибадан ажралган ҳолда, догматизм асосида ўқитардиларки, бу—уларнинг характерли хусусиятлари эди. Мадрасалардан мударрислар, мутаваллилар, қозилар, имомлар ...етишиб чиқарди. Шубҳасиз, мадрасаларда ўқинганлар орасидан айрим талантли шоирлар, илғор мутафаккирлар, ўз замонасининг маърифатпарвар олимлари етишиб чиқди. Масалан, Аҳмад Донниш, Муқпмий, Фурқат ва бошқа маърифатпарварлар шулар жумласидан бўлиб, булар машҳур тараққийпарвар арбоблар даражасига кўтарилдилар. Бу даражага улар асосан ўз устларида мустақил равишда астойдил ишлаш, қунт билан мутолаа қилиш ҳамда дунёвий билимларга ва шеърнятга беҳад қизиқиш, ихлос қўйиш патижасида эришдилар (таъкид бизники – Ш.Х).

Демак, XIX аср охири — XX аср бошида масжид ва мадрасалар юқори таъсир кучига эга бўлган. «Бухоро ва Хивадаги мадрасаларни ҳисобга олмаганда ҳам 1900 йилда Туркистон ўлкасидаги 313 та мадрасада 7052 киши ўқирди». Академик Иброҳим Мўминов юқоридаги асосли далиллари орқали Мовороуннаҳрда XIX аср охири – XX аср

---

<sup>4</sup> Мадраса — олий диний мактаб бўлиб, дастлаб Ўрта Осиёда милодий X асрда пайдо бўлди. Мадрасаларнинг ўқув режаси шароит, вақт ва жойига қараб ўзгариб турган. Масалан, XV асрнинг 30—40-йилларида Самарқанд ва Ҳиротдаги мадрасаларнинг ўқув режаларида дунёвий билимларга: математика, астрономия, музика ва ҳоказоларга катта ўрин берилган. Бироқ кейинги асрларда мадрасаларда бутунлай диний дарслар ҳукмронлик қилиб, дунёвий билимларни ўқитиш эса ўқув режасидан деярли чиқариб ташланганди. Мадраса математика, арифметика, геометрия ҳақида юзакни маълумотлар берарди.

бошларида ҳам ўзбек халқи саводхон бўлганлиги, бунда ислом динининг аҳамияти катта эканлиги ҳамда Ўрта Осиё олим-уламолари, мутафакир ва шоирлари (Ҳофиз, Алишер Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат ва бошқалар) айни ислом динининг масжид ва мадрасаларида билим олиб, ўзларининг билимларини ошириб, нафақат мамлакат, балки жаҳон ҳамжамияти эътироф этган буюк қомусий салоҳиятга эга бўлганлиги мантиқини кўрсата олган. Чунки ўзбек халқи мустақилликдан олдин ҳам, мустақилликдан кейин ҳам масжид ва мадрасаларни маънавий тарбия ўчоғига, тинчлик-осойишталикни, бир сўз билан айтганда, муроса ва мадорани таъминлашга ҳисса қўшадиган муқаддас маскан, деб эътироф этган. Шунинг учун ҳам академик И.Каримов: «Масжид—муқаддас маскан. Элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой»<sup>5</sup>, — деб алоҳида таъкидлаган эди. *Шулар асосида Иброҳим Мўминов ҳам Тезгузар қишлоғи (ҳар бир масжид қошида мактаб бўларди) ёки Бухородаги (Бухоро амирлиги ва Хиса хонлигида ҳам шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида, волостнинг ҳар бир қишлоғида мактаб бўлган) илк сабоқни олган, араб тили ва Қуръони каримни яхши билган, деган хулоса чиқариши мақсадга мувофиқдир. Бу мантиқий хулоса XX аср бошларида тузилганлар, хусусан, мамлакатимиз фани ва маданияти равнақига муносиб ҳисса қўшган барча олим ва маишхур инсоилар фаолияти учун табиий ҳолдир. Бизнингча, ижтимоий-гуманитар фанларнинг докторант, аспирант ва илмий тадқиқотчилари ўз танлаган мавзулари доирасида айнан XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидаги ижтимоий ҳодисаларга ҳамда тарихий шахсларнинг ҳаёт фаолиятига, айниқса, илмий ирсодига муносабат билдирганда, баҳо берганда айнан мана шу мезонни асос қилиб олишлари муҳим долзарблик касб этади. Зеро, ҳозирги илмий тадқиқотларда айни юқоридаги даврга баҳо берганда эскича (собиқ Интифоқ давридаги) ёндашув устуңлик қилмоқда ёки аксарият ҳолларда мазкур масалалар назардан четда қолмоқда.*

<sup>5</sup> Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. —Т.: «Ўзбекистон», 1997, — 224-бет.

1922—1927 йилларда бошланғич мактабда ва Бухоро оқартув институтида ўқийди, 1925 йил таътил вақтида ўқитувчилик қилади. Институтни тугатгач, И.Мўминов Бухородаги икки йиллик курсда жамиятшуносликдан дарс беради. 1928 йилда И.Мўминов Самарқанд олий педагогика институтига (кейинчалик Педагогика академиясига айлантирилган) ўқишга киради. 1931 йилда академияда ўқитувчилик ишига олиб қолишади. 1933 йилдан Ўзбек давлат университети (ҳозирги А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университети) филология, кейин тарих факультетининг декани бўлади. 1933 йилда И.Мўминовнинг фалсафа соҳасидаги биринчи тадқиқоти — «Революцион демократ Чернишевскийнинг материализми», «Алишер Навоий буюк маърифатчи» мақолалари нашр этилди. 1941 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Гегель диалектикасининг «рационал маъзи» мавзuida диссертация ёқлайди. 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланади. 1950 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1955 йилда «XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан» номли монографияси босилиб чиқди. 1955 йилда Тарих ва археология институтига директор бўлади. 1956 йилдан академик ва ижтимоий-гуманитар мажмуа вице-президенти. 1958 йилдан Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкилотчиси, асосчиси ва биринчи директори. 1958 йилдан «Билим» жамиятига бошлиқ бўлади. 1966 йилда «Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» («Выдающиеся мыслители Средней Азии») китоби нашр қилинди. 1967 йилда Беруний номидаги республика мукофоти ни олишга сазовор бўлди. 1967 йилдан Ўзбек Совет Энциклопедияси бош муҳаррири. 1968 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг кенгайтирилган мажлисида қилган «Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни ва роли ҳақида»ги маърузаси рус ва ўзбек тилларида чоп этилади. 1973 йилдан СССР файласуфлар жамиятининг Ўзбекистон бўлими раиси. Академик Иброҳим Мўминов хорижда, хусусан, Италия, Греция, Чехословакия, Покистон, Афғонистон, Венгрия мамлакатларида бўлган конференцияларда аждодларимизнинг жаҳон фалсафий фикри тараққиётидаги ўрни ва мавқеини кенг тарғиб ва ташвиқ қилган.

Академик Иброҳим Мўминов фалсафа, тарих, фалсафа тарихи, археология, социология, тил ва адабиёт, логика фанларининг қуйидаги масалаларини ўрганган, тадқиқ қилган ҳамда Ўзбекистонда фалсафий билимларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб, Марказий Оснёда фан йўналиши (фалсафа) бўйича биринчи бўлиб ўз мактабини яратди. У ўзи тадқиқотларида ал-Маъмун халифалик қилган давр; Амир Темур давридаги ободончилик; Амир Темурнинг Ўрта Оснё тарихида тутган ўрни ва роли; билим конкрет, билиш тарихи шартли; воқелик ва имконият; волюнтаризм; грек адабиёти; грек мифологияси; девону луғатит турк; детерминизм; диалектик метод; диалектика қонунлари; диалектика категориялари; диалектиканинг жуфт категориялари; диний ва дунёвий билимлар; зарурият ва тасодиф; идеологик кураш; идеология соҳасида курашаётган кучлар; ижтимоий борлиқ; ижтимоий онг; илмий тушунча; индивидуал онг; инкорни инкор; инъикос; маданият ривожланишининг янги босқичи; мазмун ва шакл; маънавий жиҳатдан қул қилиш; метафизик метод; меҳнат ва тил; меъёр; миқдор ва сифат; мивий озодлиқ ҳаракатлари; Мовароуннаҳр ва ҳиндистон алоқалари; моҳият ва ҳодиса; Муқимий; мулкдорлар синфи; муътазиллийлар таълимоти; оппозицион ғоявий оқимлар; пантеизм; практика; сабаб ва оқибат; Самарқанд Темур давлатининг пойтахти; сезиш ва тушунчадаги тафовут; сомонийлар; софистлар; социология; суфизм; табиат ва жамият қонунлари; таваккул назарияси; тасаввур; тасвирий санъат; таълим фалсафаси; темур ва дастлабки темурийлар ҳукмдорлик қилган давр; тил; тушунча; умумийлик, махсуслик, ўзига хослик; фазо ва вақт; фатализм; хоразмда ал-Маъмун илмий идораси; фалсафада Шарқ ва Ғарб муносабатлари; Шарқ Уйғониш—Ренессанс даври; Шарқ фалсафасида эркинлик ва зарурият масаласи; Ўрта Оснё Россия империясининг мустамлакаси; қиёслаш методи; қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши; қонун тушунчаси; ҳаёт диалектикаси; ҳаракат; ҳиссий билиш ва бошқа яна ўнлаб фалсафий муаммоларни илмий, назарий, амалий тадқиқ қилган ҳамда улар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган...Шунингдек, академик Иброҳим Мўминов фалсафа тарихи масалаларини, айниқса, Шарқ, хусусан, Ўзбекистон фалсафа тарихини ва маданиятини



мукаммал билган ҳамда уларга доимо мураса тамойиллари даража-сида фикр-мулоҳаза билдирган, ўзбек халқининг ўтмиши, тарихи, маданияти юксак бўлганлигини кенг тарғиб-ташвиқ қилишда барча имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Академик Иброҳим Мўминовнинг фалсафа фанидан ёзган ном-зодлик диссертацияси немис классик фалсафасининг забардаст ва-кили, ҳали Шарққа танилмаган Гегель фалсафасининг (лекин Ге-гель Шарқни аждодлари сингари мукаммал билган, айниқса, «Авес-то»ни билган, ўрганган ва маълум маънода унинг илмий дунёқара-ши шаклланишига ижобий таъсир қилган, методологик асос бўлиб хизмат қилган) рационал мағзини, яъни мазмун-моҳиятини ўз тал-қинида Ғарб ва Шарққа кўрсатиши баробарида, Гегель фалсафаси-ни Шарққа олиб кирди, тарғиб-ташвиқ қилди ҳамда Авестода илгари сурилган диалектика элементларининг ғарбона-Гегелча ўзгарти-рилган, ўзлаштирилган ғояларини Шарқ илмий истеъмолига қайта олиб кириб, уни аслиятга қайтарди, амалиётга жорий қилди, ҳаёт мазмунига айлантирди.

Академик И.Мўминов собиқ Иттифоқнинг ягона коммунистик мафкураси маънавий ҳаётда ҳукмдорлик қилган шароитда очиқ ва яширин тазйиқ ва таъқибларга эътибор бермай, Ўрта Осиё ижтимо-ий-фалсафий тараққиётида муҳим роль ўйнаган шоир Бедил фалса-фий таълимотини чуқур ва ҳар томонлама илмий таҳлил қилди. Тўғри, бу илмий изланишларда ҳам мавжуд мустабид тузумнинг таъсир сизилсада, фалсафанинг сиёсатлашуви ва яқка мафкурага бўйсундирилиши «назардан четга олиниб», аждодларимиз ижтимо-ий-фалсафий қарашларини ўрганишга объективлик, тарихийлик, изчиллик, ворисийлик, холислик методлари орқали аниқ кўрсата олди.

Юқоридагилар, **биринчидан**, И.Мўминовнинг фалсафа қонун ва категорияларини ниҳоятда мукаммал билганлигини, мураса тамой-иллари талабларига тўла рноя қилганлигининг ва, айни пайтда, ама-лиётда ўринли ҳамда ўз ўрнида қўллаганлигининг намунасиридир. Чунки И.Мўминов Муқимийнинг динга муносабатини фалсафанинг шакл ва мазмун категорияси, инкорни инкор, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунини, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзга-

ришларига ўтиш қонунларини ижтимоий ҳодисаларга татбиқ этиш орқали фаннинг (фалсафанинг) ҳаётнийлигини, мураккаблигини кўрсатишни асосий мақсад қилган ҳамда бунга тўла эриша олган. Иккинчидан, XX асрнинг 70-йилларидан халқаро терроризм, диний ақидапарастлик ва фундаментализмнинг тарихий илдизларининг *янги босқинчи бошланганлигига ишора бера олган*. Зеро, Муқимий ҳамда собиқ Иттифоқ даврида ҳам (гоҳо яширин, гоҳо очикдан очик), ҳозирда ҳам интеллектуал салоҳиятга эга халқнинг вакиллари, жумладан, ўзбек халқининг зиёлилари ҳеч қачон дин ва унинг қоидаларига қарши курашмаганлар, балки динни ниқоб қилиб олган *«фанатиклар, эсаҳолатпараст-фирибгар, баднафс муллалар, эшонлар, шайхлар»* хатти-ҳаракатлари ва амалий фаолиятларига қарши курашганлар. Бундай салбий ижтимоий ҳодисалар ўтмишда ҳам, якка мафкурага асосланган давлатда ҳам мавжуд бўлган. Айниқса, глобаллашув шароитида динни ниқоб қилиб олиб, ўзининг ғаразли мақсадлари учун, яъни миллатлар ўртасида нифоқ келтириб чиқариш, турли дин вакиллари орасида зиддиятларни келтириб чиқариш, дин ишларини сиёсатга аралаштириш, диний ақидапарастлик ва фундаментализм XXI аср вабосига – халқаро терроризмнинг ҳар томонлама шаклланишига замин яратди.

Президент Ислам Каримов ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар, хусусан, фалсафа фани мутахассислари олдида глобаллашув шароити талабидан келиб чиқиб қуйидаги вазифани қўйган эди: «Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. **Шу бонс ҳақиқатни топшиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик.** Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб оленни». Шу бонс ҳам биз қуйида академик Иброҳим Мўминовнинг миллий ўзликни англаш, Ғарб ва Шарққа бўлган муносабати, Ўзбекистон илмий салоҳиятининг қадимийлиги ҳамда ўзбек халқи аجدодларининг маънавий мероси инсоният цивилизациясининг ривожланиш динамикасига салмоқли таъсир этганлиги тўғрисидаги, миллий ғурур ва ватанпарварликка йўғрилган мукамал ғояларини, лўнда, кенг қамровли, сермазмун таклиф-мулоҳоза, тавсияларини келтириб, зукко китобхоннинг ҳукмига ҳавола қиламиз, керакли хулосани ўзлари чиқаришсин:

Фаннинг яна бир гўзал қондаси Али Қушчи рисоласида тўла аксини тонди. Нима учун Ой тутилади? Бунинг сабаби нимада? Бу саволга ҳам мавлоно Али Қушчи асосли ва ишончли илмий жавоб беради: «Замин миён моҳ ва офтоб ҳомил шавад ва монъи ояд аз всули зуви офтоб бамоҳ, бас, моҳ баранг асли намояд ва ин ҳолро хусуф ва моҳ гирфики гуянд ва хусуф низ гоҳ кули бошад ва гоҳо жузъи», яъни «Ер Ой билан Офтоб орасига тушиб қолса, Офтоб ёруғлигига тўсиқ бўлади, натижада Ой ўз рангига кўринмайди, мана шу ҳолни хусуф – Ой тутилиши дейдилар. Ойнинг тутилиши ҳам гоҳ туташ – тўла, гоҳо қисман, бир нарча доғ ҳолида учрайди, ҳар икки ҳолат ҳам Ойнинг шарқидан боиланади» дейилади. Бу ерда шуниси равшанки, Али Қушчи Ерни сукунатда эмас, ҳаракатда, айланишида кўрганлигини нардали тарзда баён қилади, десак балки мумкин бўлур. Геоцентрик эмас, балки гелиоцентрик нуқтаи назар шу ўринда қўлланилмаганмикин?

\*\*\*

Аҳмад Яссавий Мовароуннаҳрда ... «Ҳикмат» асарида суфизм асосларини тўла равишида баён қилиб беради. У шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг ўн ривояти ҳақида ёзади, суфизмнинг принципларини баён қилади, суфийларнинг ўн хил афзалликлари ҳақида, қашшоқлик ва камбағалликнинг йўллари ҳамда сифатлари тўғрисида гапирди, камбағалликни шамчирог, қуёни деб атайди...

\*\*\*

Нақиббандийлик «таркидунё» қилишига, дунё ишларидан воз кечишига қарши чиқди, реал ҳаётнинг поз-неъматларидан фойдаланиши тўғрисида маслаҳат берди ва меҳнат қилишига, билим олишига чақирди. Нақиббандийликнинг XIV аср шароитидаги маълум прогрессив аҳамияти ҳам шундан иборатдир, унинг бу ижобий томони Ўрта Осиё халқлари маданияти ҳамда адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатди...

*Абдухолиқ Ғиёсдувоий ва Нақибандийнинг дастлабки вакиллари ҳаёт, парсалар дунёсига инсоннинг муносабати масаласини суфизм фалсафаси доирасида изобий ҳал қилдилар. Нарсалар ва ҳодисалар — илоҳийликнинг гавдаланиши, демак, инсон ҳаётини, дунёвий парсалардан воз кечиши керак эмас, балки табиатини ўрганиши, меҳнат қилиши, шу билан бирга, қалбда худога муҳаббат сақлаши керак, деб баён қилдилар.*

\*\*\*

*XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империясининг мустанлакаси бўлиб қолди, унинг халқлари эса икки томондан — маҳаллий эксплуататорлар ва подшо мустанлакачилари томонидан эзилдилар.*

*Чоризм Ўрта Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатини шафқатсиз равишда бостирди (1892 йилдаги ҳаракат, 1916 йил кўзғолони са бошиқалар).*

\*\*\*

*Беруний шу асарларида («Ҳиндистон», «Минералогия») асарлари назарда тутилмоқда — Ш.Х.) ернинг айланмаслиги ҳақидаги диний тасавурларни шубҳа остига олади, ернинг қуёни атрофида айланиши мумкинлигини фаразия, ҳайл қилади. Берунийнинг бу фикрлари прогрессив аҳамиятга эга эди, чунки бу фикрлар илоҳиёт, диний ақида, схоластикага қарама-қарши эди.*

\*\*\*

*Ўзбекистонда эса 1932 йилда 0,09 миллиард квт/соат электроэнергия ишлаб чиқарилган бўлса, 1970 йилда 18,3 миллиард квт/соат электроэнергия ишлаб чиқарилди, яъни 1932 йилга, биринчи беш йилликка нисбатан 203 марта кўп. Мана суръат, мана юксалиш масабати! Янги сифат, янги миқдорга барака!*

\*\*\*

*1428—1440 йилларда Қуён ва Ой тутилишини Улугбек расадхонасида илмий кузатиб, аниқ ҳисоблаб, жадалга олиб табиат ҳодисасини олдиндан айтиши мумкинлигини тўла шарҳлаган олим Али Қушчининг асари, унинг фандаги жасурлиги ҳақида*

тўла овоз билан ганиришига, элимизнинг доно фарзандларини эслашига муяссар бўлиб турибмиз.

\*\*\*

*...XX аср астрофизика, радиофизика, зўр телескоплар, кибернетик усқуналар воситасида космос сирларини очиб, ўрганиб, табиат устидан ўз ҳукмдорлигини кун сайин ошириб бормоқда. Илгор кишиликнинг барча улугвор вакилларини, шулар қаторида Улугбек мактабининг ажойиб намояндаси — бузруквор олим Али Қушичини бугун яна эслаймиз, эъзозлаймиз, ҳурматлаймиз. Иисон илгор тафаккури қудратига ва техникаси мўъжизасига баракалло!*

\*\*\*

*Абу Райҳон Берунийнинг алмашув ўлчови эквиваленти тўғрисидаги айтганлари эсуда қизиқарлидир. Мана шу эҳтиёсларнинг ошиши ва уларнинг турли вақтда юзага чиқиши, шунингдек, вақт нуқтаи назаридан биров бошқа бировнинг қўлидаги нарсага муҳтож бўлмалиги — буларнинг ҳаммаси ҳар бир айрим ҳолда қўлланиладиган (турли хил) эквивалентлар ўрнига нарх-наво учун умумий бир ўлчов қидириб топилгани тақозо қилади. Шу мақсадда одамлар кўриниши ва эчилиши билан киши нигоҳини ҳайратга соладиган, кам топилиб, узоқ сақланадиган нарсани танладилар<sup>6</sup>. Ундан кейин Беруний олтин ва қумушнинг айирбошлаш ва савдо-сотиқдаги аҳамиятини, сўнгра айрим кишиларнинг олтин-қумуш йиғини касалига тобора кўпроқ чалина бошланганликларини ва оқибатда бу касаллик ёвузлик манбаига айланганлигини баён қилади. Бизнинг назаримизда, Беруний томонидан айтилган юқоридаги фикрларнинг энг қимматлиси зўрлик ва ёллаш билан амалга ошириладиган мажбурий меҳнатнинг номаъқул ҳамда беқарорлиги хусусидаги фикридир. XI асрнинг 30-йилларида, феодал тузум шароитида изҳор қилинган бу фикр ҳали ҳозиргача ҳам бениҳоя тўғри ва одилонадир.*

---

<sup>6</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, I-том. – 12-бет.

Академик Иброҳим Мўминов ўзбек халқининг умуминсоний қадриятларини ўрганиш фазилатларини намён қилгани боис, 50 йилга яқин илмий ижодаги ташаббускорлиги ҳамда фалсафанинг Республикамиздаги истиқболли нуқтаи назаридан мамлакатда Ғарб фалсафасини ўрганишни бошлаб берган, Ғарб фалсафасини Марказий Осиёга «ёппасига кўчириб» келган буюк файласуфдир. Бу объектив жараёни академик И.Мўминовнинг қуйидаги Ғарб фалсафаси вакиллари қарашлари, ғоялари, таълимотларини шарқона таҳлил қилганида кўришимиз мумкин: *Александр Иванович Герцен, Александр Николаевич Радищев, Анаксагор, Анаксимандр, Анаксимен, Аристотель, Бенедикт Спиноза, Виссарион Григорьевич Белинский, Гегель, Георгий Валентинович Плеханов, Гераклит, Геродот, Демокрит, Дени Дидро, Зенон, Иммануил Кант, Иоганн Готлиб Фихте, Ксенофак, Ламеттри Жюльен Офрэ, Левкинн, Лейбниц, Лукреций Кар, Людвик Фейербах, Марк Туллий Цицерон, Михаил Васильевич Ломоносов, Н.Г.Чернышевский, Николай Александрович Добролюбов, Николай Коперник, Парменид, Пифагор, Платон, Поль Анри Гольбах, Протагор, Сократ, Фалес, Эмпедокл, Эпикур*. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бизнинг назаримизда, ҳалигача Ғарб фалсафасига онд бу қадар кенг қамровли илмий тадқиқотни Марказий Осиёда бирорта файласуф амалга оширмаган. Ва айни шунинг учун бўлса керак Марказий Осиёдаги фалсафа фани дарслик ва ўқув қўлланмалардаги Ғарб фалсафасига тегишли ғоя ва қарашлардан Иброҳим Мўминовнинг «ҳиди» келиб туради. Бу масаланинг бир жиҳати. **Иккинчи жиҳати** шундаки, Иброҳим Мўминов Ғарб фалсафасини стихияли тарзда ўрганмади, балки тадқиқ қилиш жараёнида инкорни инкор қонунни талабларига тўла риоя қилди, мазкур қонуннинг ворислик тамойиллари негизда фалсафа фанининг барча томонларини, хусусан, унинг предмети, функциялари, объекти, субъекти, қонун ва категорияларини ижодий ривожлантирди ҳамда ўзининг мустақил фикр-мулоҳозалари билан фалсафанинг XX асрдаги такомиллига муносиб ҳисса қўшди. **Учинчи жиҳат:** академик Иброҳим Мўминов илмий фаолиятини дунёнинг икки қутбга ажратилиши (социализм ва капитализм), икки қарама- қарши синфга ажралиши (эзувчи ва эзилувчи), икки ҳукмдор идеологияга ажратилиши (идеализм ва ма-

териализм), давлатларнинг икки хил моҳияти (мустақил ва мустамлакачилик) шароитида олиб борган ва бу ҳол унинг ижодига ўз таъсирини ўтказган ҳамда унинг мураса онги шу омиллар доирасида шакллانган. Ва айни шунинг учун ҳам унинг асарларида илгари сурилган ғоя ва қарашларда мураса тамойилларининг баъзи бир талаблари тўла бажарилмайди, уларга амал қилинмайди. Шунинг учун ҳам унинг айрим қарашларида бир ёқламалик бирмунча устуворлик қилади. **Тўртинчи жиҳат:** Ғарб фалсафасини Шарқ фалсафаси билан қиёсий тадқиқини олиб борди ҳамда ўзининг яширин мантиқий хулосалари билан асрлар давомида ҳукм суриб келган Ғарбнинг устунлиги (европацентризм) ғоясининг асоссизлигини ҳар томонлама исботлади. Шу нуқтан назардан қуйида академик Иброҳим Мўминовнинг айрим фикр-мулоҳазалари, ғоялари келтирилган. Улардан тегишли хулоса чиқаришни зукко ўқувчи ҳукмига ҳавола қиламиз:

*Шарқ халқларидан олинган Пифагорнинг Гипотенуза квадрати катетлар квадратининг йиғиндисига тенг деган теоремаси математика фаии тараққиётида жуда муҳим роль ўйнади.*

\*\*\*

*Ф. Энгельс XIV—XV аср Европасини характерлаб саноат ишлаб чиқариши ва савдонинг тез ривожлана бориши, кемалар юриши — сузишининг тобора кенгая боришини қайд этиб, қўн ихтиролар вуҷудга келганини конкрет кўрсатиб, ушбу ихтироларнинг аичаси Шарқдан импорт қилиб олинганини алоҳида уқтиради. Араб халифалиги замони, кейин XIV—XV асрларда Ўрта Осиё Италия, Испания, Франция, Англия ўзаро савдо муносабатларини эсласак, Ф. Энгельс кўрсатмаларининг тарихий ҳақиқатлиги, тамоман тўғрилигини кўрамиз.*

\*\*\*

*Баъзи бир касалларнинг кўзга кўринмайдиган «майда-майда жониворли» сув ва заҳарланган ҳаво ёрдами билан тарқалиши тўғрисида баён қилган дадил фикрларида Ибн Сино микробларнинг ролини Пастердан саккиз юз йил илгари кўрсатиб берди, у*

*Ўзининг бу фикрлари билан микробларнинг юқумли касалликларни ёйишини исботлаб берди.*

\*\*\*

*...халқларимизнинг эсаҳон маданиятини юксалтиришидаги улуг ролларини Фарб буржсуа тарихчилари ва философлари ишкор этиб, ёлгон ва ёйдирма фикрлар ёйиб келмоқдалар... Империализмнинг ёлланган карчолоплари «олимлик» ниқоби остида «назария» ўйлаб чиқиб, ўзбек, тожик, қирғиз ва туркман халқларининг ҳатто мавжудлигини рад этган, уларни «қолоқ қабила-лар» деб эълон қилган эдилар. Шу билан империализмнинг разил малайлари бу халқларнинг тарихдаги катта родини рад қилишига уринган эдилар; ҳолбуки халқларимиз инсоният учун эсаҳонга номи кетган Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий, Махтумқули сингари буюк сиймоларни етиштириб берган, аёсойиб иншоотлар қурган, сунъий сўзориш асосидаги деҳқончиликни, кифис ҳунармандчилиги ҳар тарафлама ўстирган қобилиятли халқлардан эканлиги маълумдир.*

Булар бевосита И.Мўминовнинг Фарб фалсафасига муносабатининг айрим жиҳатларининггина кўрсатувчи аниқ далил ва объектив ҳамда ҳолис ҳулосалардир. Ўғувчига маълумки, академик И.Мўминов ўзининг илк фалсафий тадқиқотини ҳам айни Фарб фалсафасига, аниқроғи, немис классик фалсафасининг йирик вакили Гегель таълимотининг «рационал мағзини» очиб беришга қаратган эди. Бунда Фарб ва Шарқ фалсафасини бир-биридан ажратишни, улар орасида ўтиб бўлмас сунъий тўсиқ пайдо қилишни эмас, балки яхлит фалсафа фанини ҳар томонлама, ҳар қандай макон ва замонда ҳам тараққий эттириш зарурлиги гоёси мужассам бўлиб, бу гоёлар Фарб ва Шарқ фалсафасини тадқиқ қилувчи учун методология вази-фасини ўтайди.

Бу бевосита И.Мўминовнинг қуйидаги фикр-мулоҳазаларида ҳам яққол кўзга ташланади: *«Айрим халқлар эмас, бир халқни бошқа халқлардан имтиёзий устулиги, истиснолиги эмас, балки барча халқларнинг тенг ҳуқуқлили, баробарлиги, тарихий шарт-шароити кўзда тутилиши лозим. Фарб ва Шарқ халқларининг ҳамжиҳатлиги, ҳам-*



корлиги, ўзаро таъсири алоҳида кўрсатилиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўяётганлар қораланиши даркор. Ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти ва философиясини яратилишидаги ўзига хос хизмати-ни тақдирлаш, ҳар бир халқ бошқа халқлар билан ҳамжиҳат, ҳамкор, ҳамтаъсир, ҳамнафасликдагина ўз миллий маданияти, философик нуқтаи назарини вужудга келтириши ва тараққий эттиришига муяссар бўлиши зарур». Мазкур фикрлар фанда, илмий тадқиқотларда ажратилш, айирмачилик бўлмаслиги, бундай хатти ҳаракатлар, фаолиятлар содир қилинса, олинган натижадаги объективлик ва холислик йўқолиши ҳамда хулоса ғарбона индувидализм ва субъективизмдан бошқа нарса бўлмай қолиши ҳақидаги мантикий мушоҳадага келиш мумкин. Шунингдек, барча Ғарб олимлари ҳам Шарқ, хусусан, Ўзбекистон илмий салоҳиятига нисбатан агрессив муносабатда бўлмаган. Ирландиялик исломшунос олим М.Уотт «Ислоннинг Ўрта аср Европасига таъсири» асарида бу ҳақдаги ҳақиқатни тан олиб: «Европаликлар мусулмон маданиятидан, ...айниқса, фалсафа ва тиббиёт соҳасида, ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ. Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижобий таъсири ва кўламини пасайтириш, ҳатто тамоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тан олишга мажбур қилади. Бунни яшириш ёки тан олмаслик сохта фурурдан бошқа ҳеч нарса эмас»<sup>7</sup>, – деб ёзган эди.

Академик Иброҳим Мўминовда мураса онгининг шаклланиши ўта нозик, мураккаб ва қийин даврага тўғри келган. Бу, бир томондан, икки идеология кураши кескинлашган ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам мутлақ ҳукмдорликни сақлаб қолишга уринаётган, иккинчидан, дунё икки катта лагерга айланаётган, капитализмдан социализмга ўтиш даврига, учинчидан, динлар ўртасида зиддият кескинлашган, тўртинчидан, мустамлакачилик янги шаклга кираётган даврдир. Мазкур ижтимоий борлиқдаги барча ўзгариш ва зиддиятлар унинг мураса онгига ўз таъсирини кўрсатган. Булар бевосита унинг жадидларга бўлган ҳамда маҳаллий феодалларга бўлган муносабатларида, динга, хусусан, ис-

---

<sup>7</sup> Уотт У.М. Влияние Ислама на средневековую Европу. –М.: 1976. –С. 24.

лом динига ва уларнинг вакилларига бўлган муносабатларида, ажодларнинг моддий ва маънавий қадриятларига бўлган муносабат ва амалий ҳаракатларида яққол кўзга ташланади. Айниқса, академик Иброҳим Мўминов фалсафий тадқиқотларга илк бора Абдураҳмон Жомий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Аваз Ўтар, Али Қушчи, Алишер Навоий, ал-Маъмуи, Амир Темур, Амирий, Аҳмад Дониш, Аҳмад Яссавий, Бехбудий, Бобораҳим Машраб, Завқий, Ибн Арабий, Машраб, Мирза Абдулқодир Бедил, Мирзо Улуғбек, Муқимий, Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Садриддин Айний, Саъдий, Фурқат, Хонимжон она, Юсуф Ҳамадоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Ғаззолӣ Хожа Абдулхалӣқ Ғиядувоһий ва бошқаларни *олиб кирди* ҳамда уларни нафақат республика миқёсида, балки собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари ҳамда хорижга *олиб чиқиб*, тарғиб-ташвиқ қилишни бошлаб берди.

Академик И.Мўминов ўтмишда мадраса ва масжидларнинг халқ саводхонлигини кўтаришдаги ролини кўрсатишда ҳам ўзинга хос муроса тамойилларини қўлаган ҳамда шу залда ажодларимизнинг илм-маърифатли бўлганлигини алоҳида кўрсатишга эришган. Яъни, бир томондан, мадрасалардан «жоҳил ва фанатиклар етишиб» чиқishi кўрсатилса, айни пайтда, мазкур мадрасалардан «талантли шонрлар, илғор мутафаккирлар, ўз замонасининг маърифатпарвар олимлари, машҳур тараққийпарвар арбоблар етишиб» чиққанлиги таъкидланиб, ислом дини илм-фан ўчоқларининг аҳамияти алоҳида таъкидланади: «Мадрасалардан мударрислар, мутаваллилар, қозилар, имомлар - қисқаси жоҳил ва фанатиклардан иборат бир гуруҳ кишилар етишиб чиқарди. Шубҳасиз, мадрасаларда ўқиганлар орасидан айрим талантли шонрлар, илғор мутафаккирлар, ўз замонасининг маърифатпарвар олимлари етишиб чиқди. Масалан, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат ва бошқа маърифатпарварлар шулар жумласидан бўлиб, булар машҳур тараққийпарвар арбоблар даражасига кўтарилдилар. Бу даражага улар асосан ўз устларида мустақил равишда астойдил ишлаш, кунг билан мутолаа қилиш ҳамда дунёвий билимларга ва шеъриятга беҳад қизиқиш, ихлос қўйиш натижасида эришдилар». Муқимий, Ўзбекистон ҳудуди азалдан цивилизация бешинги бўлишга даъвогарлик қиладиган давлатлар сирасига киришни тўғрисидаги ғоялар

илгари сурилди ва улар амалий ҳаракатлар билан асосланди. Буларни қуйида келтирилган фикр-мулоҳазалардан зукко ўқувчининг ўзи тушуниб олади, деган умиддамиз. Чунки қуйидаги фикрларнинг ҳар бири маънавий жасорат талаб қилган:

*СССР Фанлар академиясининг Хоразм экспедициясида кашф этилган археологик ёднома-ёдгорликлар<sup>8</sup> халқ оmmasининг меҳнати туфайли бунёд этилган моддий-маданий ва маънавий даражаси нақадар юқори бўлганлигини ҳамда халқлар маданиятларининг ўзаро бир-бирларига кўрсатган таъсирларини ёрқин ифодалайди.*

\*\*\*

*Мусулмон руҳонийлари давлат аппаратини бошиқаришида ҳам, мамлакат экономикасида ҳам узоқ асрлар давомида эсуда муҳим роль ўйнадилар. Руҳонийлар мусулмон Шарқи халқларининг маънавий ҳаётига зўр таъсир кўрсатиб келдилар...*

\*\*\*

*Ер, ой, сайёралар барчаси ер атрофида эмас, балки Қуёш атрофида айланади. Ер ўз ўқи атрофида айланганидан кеча-қундуз ҳосил бўлади. Қуёш атрофидан Ер айланганидан йил, йилда тўрт фасл вужудга келади, дейди Коперник. Демак, Коперник мизг йиллар ичида кенг ёйилган, ўрта асрда дин, черков, руҳонийлар томонидан зўр бериб сақлашиб келган геоцентрик нуқтаи назар анъанасини кескин рад қилди, яъни геоцентрик системага бутунлай зид гелиоцентрик системани илмий асослаб, исботлаб берди. Тўғри, қадимий эсамиятда айрим ҳинд астрономлари, айниқса, Абу Райҳон Беруний мисол қилиб олган ҳинд астрономлари гелиоцентрик таълимотининг у-бу томонларини аллақачонлар айтиб, қувватлаб чиққан эдилар.*

\*\*\*

*Аҳмад Яссавий мактабининг дунёқарашини «Ҳикмат» номли маишур асарда шеърый шаклда баён этилган. Бу фалсафий асар равон, китобхон учун осон бўлган ўзбек тилида ёзилган. «Ҳикмат» ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлигидир ва унинг автори ислом динини, калом фалсафасини, суфизмини, деҳқонлар,*

---

<sup>8</sup> Толстой С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.–Л., Изд-во АН СССР, 1949.

чорвадорлар, ҳунармандларнинг турмуши ва ҳаётини ва умуман ўша даврнинг ижтимоий тартибларини яхши билган маишхур киши бўлганлигидан гувоҳлик беради. Яссавийнинг савияси кенг ва чуқур бўлгани учун у ўзбек тилида биринчи марта ана шу йирик асарни ёза олди.

\*\*\*

Ўрта Осиё халқлари маданиятининг маишхур арбоблари баён қилган фалсафий, ижтимоий-сиёсий қараешларни ўрганиш Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари тарихи ҳақида бой материаллар беради ва ўтмишида шу мамлакатлар халқларининг маданиятлари ўртасидаги ўзаро боғланишни ҳамда уларнинг бир-бирига таъсир этганлигини кўрсатади... Ўрта Осиё халқларининг маданияти подир ҳам ўзига хос мустақил маданият эканлиги исботланади.

\*\*\*

Тарих диалектикаси Шарқ, Осиё, Африка мамлакатлари Фарбий Европа мамлакатлари илм-фан, фалсафий тафаккур ривожланишига ҳамда Фарбий Европа мамлакатларининг Шарқ мамлакатлари маданий ўсишига таъсири қонуниятини намойиш этади. Яна Шарқ мамлакатлари ўрта аср, Уйғонини даври тароитида Фарбга, Европа мамлакатлари цивилизацияси ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шарқ ва Фарб маданиятларининг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги ижтимоий-тарихий жараённинг диалектикасидир... Мана шу олижаноб социал жараёнда араб, сурия, грек, ҳинд халқлари билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари ҳам муҳим роль ўйнаганликлари ҳақида сўзлашилик қанча мароқли бўлганидек, шунча ҳаққонийдир... Ўрта Осиёдаги табиий-илмий ва фалсафий фикрларнинг дастлабки куртакларини биз ўша давр фольклори намуналарида, адабиётининг қадимий ёдгорликлари, хусусан, «Авесто»да, милодий VIII асрда тузилган «Урхун ёзувлари»да учратамиз. Масалан, «Авесто»да Ўрта Осиё халқларининг араб халифалиги истилосига қадар бўлган урф-одатлари, эътиқодлари, шунингдек, уларнинг табиий-илмий тушунчалари тўғрисида ажиойиб маълумотлар бор.

\*\*\*

Француз материалистлари араб фалсафаси, демак, Ўрта Осиё

*фалсафасининг, жумладан, XIV—XV аср илмининг дунёвий, ҳаёт-севаар, оптимистик эркин фикрларини ўзларига сингдириб олиб иш кўрдилар.*

\*\*\*

*Дониш ҳамма кишиларнинг (мардумларнинг) маърифатли ва давлатли бўлишини истади, токи ҳар бир кишининг қорни тўқ бўлсин, билимли бўлсин, токи унинг ҳар бир ватандоши Бухорога келадиган ҳар қандай чет эл кишинининг саволларига қийналмасдан жавоб берадиган бўлсин<sup>9</sup>.*

*Аҳмад Дониш, илмий тафаккурнинг мамлакат манфаатлари учун, унинг ривожланиши учун, халқнинг фаровонлиги учун хизмат қилиши кераклигини чин қалбидан истар эди.*

Аҳмад Дониш бир европалик киши билан қилган суҳбати ҳақида ҳикоя қилиб, бундай деб ёзди: «Сиз Ўзбекистондансиз<sup>10</sup>, мамлакатингиз фойдали қазилмаларга бой мамлакат, деб айтди менга у». Ва Аҳмад Дониш шу муносабат билан жуда муҳим фикрни, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик фикрини ўртага ташлайди: «Биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, денгизлар кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, дунёнинг ажойиб сирли томонларини билиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз»<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида 18 йилдан ортиқ вице-президент бўлган Иброҳим Мўминов ўзи яшаган макон ва замон қобиғига сиғмай, ўтмишдаги аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини яқка идеология ҳукмрон бўлган, европацентризм бутун дунё халқларини қарамлик асоратида сақлаши ҳаддан ташқари кучайган бир пайтда шундай ғояларни барала айта олган эди. Бу шунчаки ички ҳиссиёт ва кечинмалардагина акс этиб қолмасдан, мураса принциплари асосида ҳаётининг мазмун-моҳиятига айланди ҳамда миллий ғурур ва Ватан истиқболи учун маънавий жасорат кўрсатишида муҳим ва зарурий омил бўлди.

<sup>9</sup> *Аҳмад Дониш*. Қўлёзма, инв. № 2776, 8-бет., ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланади.

<sup>10</sup> *Аҳмад Дониш*. Наводирул вақос, 60-бет.

<sup>11</sup> *Аҳмад Дониш*. Наводирул вақос, 60–61-бетлар.

---

## ХІ БОБ. XX аср охири ва ХХІ аср бошларида Ўзбекистон фалсафа тарихи динамикаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Амир Темур «Тузуқлар»ига ёзган «Сўз боши»сида: «Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсониятнинг яқин-олис тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди.

### Мустақиллик ва фалсафа мактаблари

Мустақилликнинг ҳар бир йилида, ҳар ойи ва кунинда қилинган бунёдкорлик ишларининг кўлами ниҳоят даражада кенг, салмоқли ҳамда залворлидир. Чунки бу объектив жараён жамият иқтисодий-тида ҳам, ижтимоий ҳаётида ҳам, маънавий соҳасида ҳам кенг кўламда олиб борилди ва олиб борилмоқда. Бу фикрнинг тасдиғи учун мустақиллик шарофати билан ҳадис илмининг султони – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбах ал-Жуафий ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий, «аш-Шайх-и валитарош» ва «томмат-ул-Кубро» (Авлиёлар тарошловчиси, яъни етиштирувчи Шайх ва «Энг буюк хотима») фахрли унвонлар соҳиби Аҳмад ибн Умар Абу-л-Жанноб Шайх Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивақи ал-Хоразмий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, илмдаги ва Қуръон тафсиричилигидаги билимлари учун «Устод-ул-араб ва аҷам», «Фахрул-Хоразм», «Жориллоҳ» номларини олган Абул Қосим ибн Умар аз-Замахшарий, Европада Алфрагунас номини олган – Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди ва

---

<sup>1</sup> Каримов И. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси// «Халқ сўзи». 2011 йил 9 апрель.

шунга ўхшаган ўнлаб аждодларимиз юбилейлари нафақат мамлакат, балки дунё миқёсида кенг нишонланганлигини ёхуд шеърят мулки султони Алишер Навоийнинг Япония, Россия, Болтиқ бўйи давлатларида, Аҳмад Фарғонийнинг Миср Араб Республикасида ҳайкаллариининг қўйилишини кўрсатишнинг ўзи кифоядир. Шу бонс ҳам мустақилликнинг илк йилларида ноқ фан фалсафаси намояндларини, мамлакат ва хорижда илмий натижалари эътироф этилган олимлар муносиб қадрланди. Чунки И.Каримов Республика Фанлар академияси 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида (1993 йил 5 ноябрь) кўрсатиб ўтганидек, «...эл-юртимизда фан жуда қадимдан тараққий топгани, унинг илдизлари жуда чуқур ва бақувват экани, юз йиллар мобайнида ўзбек миллатига, бутун жаҳон аҳлига табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиёт, тилшунослик соҳаларида унутилмас хизмат қилгани ҳақида фахр ва ғурур билан гапиришга ҳаққимиз бор».

Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклигига сайланди. Булар ичида ижтимоий-гуманитар, хусусан, фалсафа фанининг вакиллариининг хизматлари юқори баҳоланиб, академик илмий унвон берилди. Чунки улар, бир томондан, фундаментал илмий тадқиқот натижалари билан мамлакат ва хорижда эътироф этилган, иккинчи томондан, ўзларининг фалсафа мактабига асос солишган ҳамда Озод ва обод Ватан фаровонлиги учун фидойи, фаол, ижодкор шоғирларни етиштиришган. Шунингдек, мустақиллик шаронтида И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида 1994 йил 7 июлда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва снәсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир».

Мустақиллик шаронтида аждодлар анъаналари давом эттирилди ҳамда *академик Саид Шермуҳамедов, академик Музаффар Хай-*

*руллаев, академик Мубин Баратов, академик Ҳайдар Пўлатов, академик Жоңдор Туленов ва бошқалар ўзларининг фалсафа мактабларига асос солишди.*

Мазкур фалсафа мактабларини «битирганлар» ҳозирги ривожланиш жараёнида жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни миллий ғоя тамойиллари ва муроа принциплари талаблари даражасида тарбиялаш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар... Булар алоҳида мавзу ва тадқиқот мавзусидир. Истиқболда уларнинг фалсафа мактаблари тўғрисида алоҳида изланишлар олиб борилади.

## Янги Ўзбекистон (Хулоса ўрнида)

Собиқ Иттифоқ даврида республикалардаги интеллектуал капитал, шу жумладан Ўзбекистондаги илмий салоҳиятнинг энг қимматли, нодир ғоялари, назариялари, таълимот натижалари СССР хазинасига тўлиangan ва шу ерда Ғарб учун ва фақат Ғарб қизиқишининг илмий тадқиқотида Шарқнинг олимларидан «ниҳоятда устунлиги»ни кўрсатишга хизмат қилдирилган. Бу механизм (яъни, ўзга миллий интеллектуал капитални ўзиники қилиб кўрсатиш орқали мақтаниб «буюклигини исботлаш» тамойили инсоният цивилизациясининг илк босқичида Ғарб илмий доирасида пайдо бўлиб, глобаллашув шароитида ўзининг энг юқори поғонасига чиққан идеологик кураш қуроли эди) ҳозирда ўзининг энг юксак тақомилига етган. Масаланинг жиддийлиги шундаки, Ғарб табиатида асрлар давомида шаклланиб, муқим ҳолга келган Шарқни «қўролмаслиги» истиқболсиз эканлигини тушуниб етишмаяпти ҳамда бу масалада муроасасизликнинг янада урчиб кетишига кенг имконият беришмоқда?!

Шу сабабдан ҳам, ҳозирги ривожланиш жараёнида илмий тадқиқотларда аждодлар анъаналарини қайта тиклаш ҳамда уларнинг фани ривожлантиришдаги ўзига хос ташаббус ва ижодкорлиги орқали Ватан, халқ, миллат, давлат нуфузини юксалтириш фазилатларини ўзида намоён қилиш ҳар бир фан вакилининг асосий мақсади бўлиши шарт. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони – Шарқнинг ўзига хослигининг муқим жиҳати унда ўта тақомилига



етган муросанинг азалдан мавжудлиги. Яъни, муросасозликка интилин мустақил Ўзбекистонда ниҳоятда кучлидир. Чунки, бу принцип аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган ва ҳозирги макон ва замонда ҳам барча соҳаларда (халқаро, иқтисод, сиёсат, маънавият, ижтимоий...) ҳаракат дастурига айланган энг олий қадриятдир. Бу тараққиётдаги ўзбек моделининг ядросидир. Шунинг учун ҳам, 1996 йил 21 июнь куни Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганда И.Каримов шундай деган эди: «Назаримда, бу ҳужжат қачондир айтилган «Ғарб ғарблигича, Шарқ шарқлигича қолаверади, ҳеч қачон уларнинг қони қўшилмайди», деган гапни ҳам чиппакка чиқаради. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган йилларда амалга оширилган барча ишлар, Ғарб мамлакатлари билан кундан-кун мустақамланиб бораётган муносабатлар бунинг аксини кўрсатиб турибди»<sup>2</sup>.

Юқоридаги фикрлардан ҳозирги ривожланиш жараёнида глобаллашув ва идеология муаммоларини барча соҳаларда, барча фан йўналишларида донмо ҳисобга олиш зарурлиги давр талаби эканлиги келиб чиқади. Чунки ХХI асрдан глобаллашув идеология қиёфасига кириб улгурди.

Қадимда ҳам, яқин ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам фалсафа фанининг жамият, давлат, халқ, миллат равнақи ва тараққиётидаги ўзига хос энг умумийлигини олиму фузолалар эътироф қилган, унга «фанларнинг отаси» мақомини беришган. Лекин ХХI асрга қадар бирорта подшоҳ, қирол, президент ўз ҳаёти давомида бу эътирофга ўз муносабатини билдирмаган. Чунки улар айнан фалсафий билим, фалсафий мушоҳада, ҳар томонлама мукамал, объектив фалсафий хулосасиз жамиятнинг тараққиёти мукамаллигини тўла тасаввур қилишмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов истиқлолнинг илк йилидаёқ Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш, деб нафақат жамият аъзоларига, айни пайтда жаҳон ҳамжамиятга барала айтди. Мана шу чақин

---

<sup>2</sup> Каримов И. Тошкентдаги чет эл дипломатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган брифингда сўзланган нутқ//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби.Т.5. – «Ўзбекистон», 1997. – 54-бет.

риқни амалда рўёбга чиқаришда, энг аввало, фан фидойиларининг масъулияти нечоғли зарурлиги таъкидланган. Бунда фалсафа фанининг ўз ўрни борлиги кўрсатилди: «Дарҳақиқат, фалсафа барча фанларнинг отаси... Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқарashi, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларининг фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби.

Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу бонс ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик. Талабалар, зиёли ёшларининг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин».

1. Олий таълим тизимининг магистратураси 4-семестрида «Ўзбекистон фалсафа тарихи» предмети киритилиши ҳамда якуний давлат имтиҳонини олиниши мақсадга мувофиқдир.

2. Мавжуд дарслик, ўқув қўлланмаларда ёки баъдий асарларда Спитамен, Тўмарис, Широқ тўғрисида келтирилган маълумотларини афсона дейиш анъанасидан воз кечиш, уларни тарихий буюк шахслар – халқ қаҳрамонлари тарзида илмий истезъмолда эътироф этиш ва уларнинг Шарқ, жумладан Турон замини, хусусан, Ўзбекистоннинг мард, жасур, ватанарвар, халқпарвар фарзандлари, маънавий жасорат соҳиблари эканлигини нафақат жамият аъзоларига, айни пайтда, жаҳон ҳамжамиятига миллий ғоя тамойиллари ва мураса принциплари доирасида кўрсатиш ҳамда тадқиқ қилиш ижтимоий-гуманитар ва фалсафа фани вакиллари учун устувор вазифа бўлиши шарт.

3. Ғарб истаги бўйича жаҳон фалсафа тарихи ўқитилди, ўрганилди, тушунилди, тушунтирилди, англанди, англандилди. Мустақиллик бундай бир томонламаликни, яъни фалсафа тарихига бўлган мурасасизликни миллий ғоя тамойиллари ва мураса принциплари доирасида кўриб чиқишни кун тартибига қўймоқда ва айни шу доирадагина тадқиқотлар жаҳон цивилизацияси бешинини аниқлашда ва унинг истиқболини белгилашда асосий мезон бўлиб хизмат қилиши муҳим аҳамият касб этади.

4. Глобаллашув ва мустақиллик шаронтида Ғарбнинг аждодларининг тўғрисидаги, Ўзбекистон фалсафа тарихи ҳақидаги ҳар қан-

дай илмий тадқиқот натижаси хулосасига (қадимдан то ҳозирги давргача) миллий ғоя тамойиллари ва мураса принциплари талабларидан келиб чиқиб, танқидий кўз билан ёндашувимиз устуворлик касб этиши зарур.

5. Фарғона одамнинг (Фергантроп) бир ярим миллион йил олдин яшаганлиги, ўлкамизнинг қарийиб барча вилоятларидаги тоғ тизмаларида аждодларимиз чизган расмлар сақланиб қолганлиги, Дарбанд Тош китобидаги пиктографик ёзувлар (милоддан аввалги III мингйиллик), милоддан олдинги VII-VI асрларда Беҳистундаги ёзувларда, милоддан аввалги VI-V асрларда Геродот «Тарих» китобида, милоддан аввалги V-IV асрларда Ксенофонт асарларида, милоддан аввалги II асрда Полибий асарларида, милоддан аввалги I асрда Страбон, Сима Цзян асарларида, милоднинг биринчи асрида Квинт Курций Руф асарларида Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм тўғрисида маълумотлар мавжудлиги ва бошқа тарихий манбалар «Авесто»нинг ёши 3000 йилдан ошган дейишга асос бўлади. Чунки француз шарқшунос файласуфи Лоуренц Милз эътироф этганидек: «Зардушт бизга ҳар бир ҳижоси андишалар билан тўлиб тошган сўзларни ёзиб қолдирди. Бу сўзлар қисқа, лўнда айтилганлиги жиҳатидан тенги йўқдир. Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади. Агар бу дастурларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка солсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси бўлар эди. Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг қадр-қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда «Авесто»ни бу дostonнинг энг юқори поғонаси деб билмоғимиз лозим. У маънавиятнинг энг қадимий тарғиботчисидир».

6. Авестода «Етти фаришта» ибораси мавжуд. Гарчи шакл-шамойил нуқтаи назаридан «Авесто»да фаришталар илоҳий кучлар тарзида изоҳланса-да, мазмун-моҳият жиҳатидан улар инсоннинг юксак салоҳияти ва бунёдкорлигини ифодалашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Айни шу мазмун ва моҳиятни антик грек фалсафаси вакиллари теран англаб етишган ҳамда «Авесто»даги етти фариштани тўғридан-тўғри самодан ерга олиб тушиб инсонга татиқ қилишган ҳамда «Етти донишманд» иборасини илмий истеъмолга киритишган. Қадимги грек файласуфи Диоген (мил. авв.

400–325) «Донишманд ким?» деган саволга, «Ҳақиқий донишманд Худодир, биз донишмандликни севгувчилармиз», деб жавоб берган. Шунинг учун ҳам «Фалсафа» атамасини баёнини бергандек юқоридагилар ҳисобга олинishi мақсадга мувофиқдир.

7. Бизнинг назаримизда, китоб, дарслик ёки тадқиқотларда қайси фалсафанинг (Ғарб ёки Шарқ) олдин берилиши тартибini ҳам аниқ андозага солиш вақти келди. Бунда асосан қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинishi шарт:

А) Жаҳон фалсафасида доимо Шарқ фалсафа тарихи олдин қўйилиши ҳамда шу нуқтан назаридан ўзаро таъсир (Шарқ фалсафасининг Ғарб фалсафаси шаклланишига таъсири) кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Б) Биринчи ҳолат аъна сифатида мунтазам ҳисобга олинганда ҳам, унда биринчи Турон, Туркистон, хусусан, Ўзбекистон фалсафа тарихини беришга устуворлик бериш муҳимдир. Зеро, бундан икки минг йил олдин янган Рим тарихининг Помпей Троп айтганидек, *«бақтрияликлар, сугдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, эсангу жадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмонан ҳаддан ташқари кучлидир. Ўзларига тегишли бирор нарсени қўлдан чиқаришини истамайдилар. Фақат галабага интиладилар»*.

8. «Авесто», биринчидан, тарқоқликдан жамоа бўлиб яшашга, иккинчидан, кўп худоликдан якка худоликка, тарқоқ қабила ва элатларни бирлаштиришга, учинчидан, майда-майда бўлинган ҳудудларни марказлашган давлат бошқаруви усулида, жаҳон фалсафасининг, хусусан, юнон фалсафасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳозир ҳам ўзбек менталитетида, ўзбек феноменида сақланиб қолган фазилат бу: «Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. – 47-бет.

9. Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистон фалсафа тарихи маркази»ни ташкил этиш зарур. Бу марказда жаҳон фалсафа тарихида Ўзбекистон фалсафа тарихининг ўрни, роли, аҳамияти тўғрисидаги тадқиқотларни (илмий изланиш натижаларини, дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, мақола) экспертизадан ўтказиш, тақриз бериш ва нашр этишни мувофиқлаштиришни ташкил этиш бўйича махсус комиссия фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Ўзбекистон фалсафа тарихи» бўлимини очиш ҳамда унда ажодларимиз меросини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, Ўзбекистон фалсафасининг жаҳон фалсафасида ўзига хос ва мос ўрни борлигини ҳамда унинг инсоният цивилизациясининг илк босқичидан то ҳозирги кунгача бўлган такомилда муносиб аҳамият касб этганлигини кўрсатиш алоҳида долзарблик касб этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик (номзодлик) фалсафа йўналиши ҳимоясига «09.00.13 - Ўзбекистон фалсафа тарихи» ихтисослигини киритиши миллий ғоя тамойилларига ва муроса принципларига тўла мос бўлган бўлар эди

12. Материал ва манбаларнинг ниҳоятда кўплигини ҳисобга олиб «Ўзбекистон фалсафа тарихи» 13 томлик китобини (ҳозиргача мавжуд манбалар ва материаллар ҳолати нуқтан назаридан) тайёрлаш ва нашр этиш зарур. Бу, **бир томондан**, фалсафанинг кўрсатиш методининг амалий натижасини, **иккинчи томондан**, унинг объективлиги ва ҳаётийлигини, **учинчи томондан**, эса, ажодларимиз жаҳон фалсафаси тараққиётида ўзига хос салмоқли ўринга эга эканлигини намоён қилади.

Дарҳақиқат, глобаллашув шароитида мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни демократлаштириш жараёни кадрларнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, уларнинг фалсафий дунёқараши, фалсафий билими ҳамда фалсафа фанини қай даражада эгаллаганлиги ҳамда уларни амалиётда қай даражада қўллаш малакасига бевоси-

та боғлиқ бўлади. Бу, бир томондан, миллий фалсафий меросимизга янгича муносабатнинг шаклланганлиги, иккинчи томондан эса, жаҳон фалсафаси қадриятларига ҳам янгича ёндашув талаб қилинаётганлиги билан изоҳланади. Зеро, якка ҳукмдор мафкура таъсирида бир ёқлама, сунъийлашган, субъектнинг объектга нисбатида атайлаб субъектнинг ролини мутлақлаштириш оқибатида умумбашар фалсафасига ҳам, миллий фалсафани ҳам ҳолис, мураса фалсафаси тамойиллари негизидаги илмий баҳолаш зарурияти етилган эди!? Шундай «бўшлиқ»ни тўлдириш учун мамлакатимиз файласуфлари томонидан фалсафа фанига онд намунавий дастур, мазкур дастур асосида дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди. Лекин глобаллашув жараёни, барча соҳалар сингари, таълим-тарбия тизимида ҳам янги-янги воситалар, методлар, педагогик технологиялар зарурлигини кун тартибига қўймоқдаки, бу жиҳатдан файласуфлар самарали фаолият кўрсатишлари Ватан, миллат, халқ олдида ҳам фарз, ҳам қарзdir. Айтни жонинки, мустакиллик интиқолий-гуманитар, айниқса, фалсафа фанига юксак баҳо берди ҳамда жамиятнинг демократлаштириши, мамлакатнинг модернизация ва ислоҳ қилиши, Ватанини ҳар соҳада халқаро ҳамжамиятда буюк бўлишида, келажагимиз учун баркамол авлоднинг тарбиялашдаги ролида, ёшлар ўзлигини англашдаги ўрнида нечоғли масъуллигини алоҳида белгилаб берди: «Дарҳақиқат, фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вақили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушумайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу бонс тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор... Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқарашини, ғоясини, маслак-мудлоларини билиш учун фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва

ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман».

Инсоният цивилизациясининг бирор босқичида давлат фалсафа фанини бу қадар қадрламаган ҳамда халқ, миллат, Ватан тараққиётида унинг аҳамиятини эътироф этмаган. Бунга жавобан файласуфлар мустақиллик шаронтида «Фалсафа асослари», «Жаҳон фалсафаси», «Шарқ фалсафаси», «Ғарб фалсафаси», «Фалсафа изоҳли луғати», «Фалсафа қомусий луғати» каби китоб, монография, дарслик, ўқув қўлланма, луғатларни чоп этишди. Лекин улар юқорида қўйилган ўта жиддий вазифалар олдида ниҳоятда кам ҳисобланади. Файласуфларнинг Ватан, миллат, халқ олдидаги «ташқин» (ўзбек миллати инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири эканлигини ҳар томонлама асослаб, жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш, ўтмишдошлари сингарини жаҳон фалсафаси раванқини бойитиш) ва «ички» (жамият аъзоларини миллий ғурур руҳида тарбиялаш, ёшларни мустақил, эркин фикрлашга ўргатиш, миллий ғояга эътиқод кўникмасини қарор топтириш) қарзи ҳаддан ташқари кўплигини ҳам тан олиш шарт. Китоб мана шу ҚАРЗни тўла ҳис қилган ҳолда ёзилди. Академик И.Каримовнинг қуйидаги ғоя ва кўрсатмалари мазкур китобга методологик асос бўлди. Зеро, Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси бешиги ҳамда унинг олтин пойдеворидир: «Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади, аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам шу халқимизнинг даҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолизмнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар...

Халқимиз фақат жисмонан эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи дар-

кор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳномалари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди». Юртбошимиз ўз фикрларини янада чуқурлаштириб, пурмаъно ғояларни ўртага ташлайди: «Ҳаммамизни Парвардигорнинг ўзи паноҳида сақласин. Мана, сизлар Европада, бизлар олис Ўзбекистонда яшаймиз. Лекин нима учун мен Ватанимга қайтаётганимда, бу ёққа йўл анча узоқ бўлади-ю, қайтиш йўли эса тезроқ ўтадигандек туюлади. Бунинг сабаби, назаримда, замон энди биз томонга юз бурмоқда. Қани, мухбир қизим, айтнинг-чи, қуёш қайси томондан чиқади?

– Шарқдан.

– Шарқдан чиқади, Сизлар Ғарбда яшаяпсизлар. Шунинг учун замон бизга боқяпти, деганимда ҳар томонлама асос бор, деб ўйлайман. Бизнинг келажагимиз бор. Бир вақтлар мен, Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, деб айтганимда, баъзи бир одамлар мана шу «Озодлик» минбарига чиқиб, «Каримов нима деяпти, Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, дегани нима ўзи?», деб жар солган, бизга ақд ўргатганлар ҳам жуда кўп эди. Энди бу ғоя бизнинг амалий ишларимиз мезони бўлиб қолди. Биз «буюк» деганда «улуғдавлатчилик» деган маънони эмас, балки халқимизнинг ёруғ кунларини, фаровон ҳаётини, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб олишини назарда тутамиз»<sup>4</sup>.

**13. Мустақиллик шариоатидаги илмий тадқиқотларнинг барчасида (табиий, аниқ, фундаментал, ижтимоий-гуманитар) ажасодлар мероси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва, айниқса, академик И.Каримов асарларида илгари сурилган ғоялар нафақат ҳисобга олинсини, айни пайтда, уларнинг мазмун-моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига, жамият аъзоларига, хусусан ёшларга кенг тарғиб-таъвиқ қилиш талаби алоҳида устуворлик касб этиши шарт. Бунда муаммонинг ечими собиқ Иттифоқ давридаги сингари «марксизм-ленинизм асосчилари» ёки «Бош секретар»нинг «буюк ғоялари»нинг тарғиб-таъвиқи тарзида анга-**

---

<sup>4</sup> Каримов И. «Озодлик» радиосининг ўзбек шўъбаси ходимлари билан суҳбат // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 220–221-бетлар.



*маслиғи муҳимдир. Чунки «марксизм-ленинизм асосчилари» ёки «Бош секретар» гоялари Ватан тарихи, Ўзбекистон фалсафа тарихи, ўзбек менталитети, ўзбек феноменига бегона, яъни Ўзбекистон истиқболини қарамлик, боқимандаликка маҳкум этувчи сўқир кўзлар бўлган?!*

14. Аксарият ҳолларда Фарб Шарқ илм-фани тўғрисида фикр билдирганда, олим-фузалоларни «сарой олимлари» тарзида камситишга устуворлик беришади ва айблашади. Бу ҳам Шарқнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг илм-фанга бўлган ўзига хос муносабати дир. Бу, бир томондан, ҳукмдор қатлам жамият раванқи учун илм-фанни юқори баҳолаганлиги, **иккинчи томондан эса**, ҳукмдор қатламнинг аксарияти, яъни подшоҳ, шоҳ, хон, амирларнинг ўзлари ҳам фаннинг маълум бир соҳасининг мутахассиси (фан вакили) бўлиб «хизмат» қилганлиги тўғрисида тарихдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин

15. Ҳозир аждодларимиз томонидан яратилган, турли йўллар билан хорижга олиб кетилган моддий ва маданий осори ақидаларни олиб келишни тезлаштиришнинг самарали чораларини топиш керак. Бунда хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш зарур.

16. Президент «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусиқа фестивалининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Шарқ мусиқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисми дир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.

Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб – беш минг йиллик най авайлаб-асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди»<sup>5</sup>.

Ўзбекистон қадимги илк одамлар ҳудудидан бири, демак, мусиқанинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этган. Қадимги одамларнинг борлиқдаги гўзаллигини онгли равишда акс эттириб, ўзининг

---

<sup>5</sup> Каримов И. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши маросимидаги табрик сўзи//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 322-бет.

орзусини, мақсадини, ҳис-ҳаяжонини, ҳавасини, ғамини, ташвишини, ички кечинмаларини намоён қилиш эҳтиёжи туфайли мусиқа асбоблари кашф қилинган. Тарихчи ва файласуф Шарафуддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома»сида Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандда уюштирилган мусиқа анжуманларида турклар, мўғуллар, араблар, хитойлар, ҳиндлар, афғонлар ва бошқа кўплаб халқларнинг вакиллари иштирок этганлигини алоҳида кўрсатган. Ўзбек мусиқаси минглаб йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларнинг руҳий бардамлигини юксалтирган ҳамда жамият аъзоларини меҳр-шафқатли, оқибатли бўлишга даъват этган, дунёда тинчлик, барқарорлик, аҳиллик каби маънавий қадриятларни мустаҳкамлашда зарурий восита бўлган. Чунки мусиқа миллат ва халқлар маданиятларини ўзаро бойинтади, миллати ва динидап қатъи назар, халқларни бир-бирига яқинлаштиради.

**Мусиқа фалсафаси огоҳлиги:** Ҳар қандай мусиқа турларини кучайтириши, уларнинг ривожланишига кенг имконият, шарт-шароит яратиб бериш инсон қобилиятини ҳар томонлама шакллантириши омилдир, лекин бунда мусиқа учун назорат, мезон, мейёр бўлиши шарт, акс ҳолда минглаб йиллар олдинги инсоният тафаккури маҳсуллари фақат архив ва музейларда, киноларда «ноёб топилма» тарзидагина сақланади, натижада бутунлай йўқ бўлиш жараёни тезлашади?!

17. Ўзбекистон мустақилликка эришиши арафасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ва бу объектив жараёнда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Лекин бунда ҳам ўзига хос муаммо ва унинг ечимини кутаётган масалалар мавжудки, улар энди бевосита жамият аъзолари, хусусан, олимлар фаоллигида ҳал қилиниши зарур. Чунки мустақилликнинг илк йилларида ўзбек тилида маъруза ва семинар ўтадиган мутахассислар камлиги ҳамда аксар ҳолларда дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг рус тилида тайёрланганлиги ҳисобидан ҳам дарслар рус тилида ўтилар эди. *Лекин мустақилликка 20 йил бўлган бўлса-да, айрим таълим муассасаларида эски анъана сақланиб қолаётгани ёки «юқоридан» келаётган кўрсатма ва топшириқлар «яна» рус тилида юборилиб, рус тилида эжавоб талаб қилини «оммавий» тус олаётгани сезиларли даражада кучайгани мустақиллик ва муроса талабларида*

умуман тўғри келмайдиган ҳолатдир. Бу эски тузумдаги «касал»нинг янги тузумда яна илдиз отишига йўналтирилган боқимандалик асорати ҳамда тил тўғрисидаги чиқарилган қарор ва қонунларга ҳурматсизлик кўринишидир. Бу жараёнда ҳам академик И.Каримовнинг қуйидаги кўрсатмалари барча соҳаларда методик асос бўлиши шарт: «Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамитиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси эмасми?». Тўғри, XXI аср – интеллектуал салоҳият соҳиблари асри, бунда баркамол авлод барча соҳаларни мукаммал ўзлаштириши баробарида, хориж тилларини ҳам билиши талаб қилинади. Лекин Ислом Каримов айтганидек: «...шунга алоҳида урғу берганимиз зарурки, чет тилларини ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равои, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсида ўтирганларни бутун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин».

Юқоридагилар масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони эса ўзбек тилининг такомилида ҳар қандай манба, хусусан, қонун, қарор, фармонларнинг аслияти олдин ўзбек тилида тайёрланиб сўнгра хориж тилларига таржима қилинишига устуворлик берилиши мақсадга мувофиқдир. Учунчидан, Президент ташаббуси билан Халқаро кураш ассосацияси тузилгач «кураш», «ҳалол», «чала», «ғирром» сингари ўнлаб ўзбек тилидаги сўзлар «халқаро мақомга» эга бўлди. Ёки мазкур китобда «Ферганонд», «Тошкентроп», «пойкандийлар», «терминзийлар», «самарқандийлар», «хивавийлар», «марғишонийлар», «ғиждувонийлар», «насафийлар» «жиззахийлар», «зоминийлар», «форобийлар», «андижонийлар», «вобкандийлар», «наршахийлар», «карманлийлар», «касбавийлар» «ништонийлар», «нақшбандийлар», «навоийлар», «косонцийлар», «дабусийлар», «мотрудийлар», «кошонийлар», «нурийлар» сингари сўзлар илк бора илмий истеъмолга киритилди ҳамда хориж тилларида ҳам уларни аслиятда берилш зарурлиги асосланди. Чунки уларнинг муқобили йўқ.

Шунингдек, муаллиф томонидан «муроса» сўзи ҳам ўзининг сермазмунлиги ҳамда чет тиллардаги «конценсус», «компромис» сўзларида ифодаланиши «муроса»нинг тўла моҳиятини бермаслиги асосланган ҳамда аслиятда берилган<sup>6</sup>.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, хорижий тилларга таржима қилинмайдиган, мазмунан бой ўзбек тилидаги сўзларни жамлаш ҳамда уларнинг изоҳли луғатини давлат ва хориж тилларида кўп нусхада нашр қилиш зарурияти етилганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт ҳамда Фалсафа ва ҳуқуқ институтлари ҳузурида махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

18. Жаҳонда фан ва маданият генезисининг тамал тошини қўйган, улкан маънавий бойликка эга бўлган, юксак интеллектуал салоҳиятли, бағрикенг, илмпарвар халқ минтақадаги маданий интеграциялашувнинг ташаббускори бўлишга имконияти чексиздир: «Бундан ташқари, умумий маданий, тарихий ва антропологик илдизларимиз бизни тожик халқи билан ҳам туташтиради. Бу ҳол бизга ўз маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқ беради. Ана шундай бойликка эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим»<sup>7</sup>. Бунда Ўзбекистон фалсафа тарихи масалаларини ҳар томонлама асослаш ва фалсафанинг кўрсатиш методи талаблари даражасида тадқиқ қилиш файласуфлар олдидан турган энг долзарб вазифа бўлиши зарур.

19. Мамлакатимиз Шарқ ва Ғарбнинг барча мулоқотларида ўзига хос воситачиси бўлишга қодирдир: «Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-техникавий кадрлар билан таъминланганликни, турмуш тартиби ва тарзининг чуқур анъанавийлигини ўзида мужассамлаштирган. Шу билан у Шарқ билан Ғарб мулоқотида воситачи, кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши

<sup>6</sup> Хаитов Ш.И. Мурса и введение в историю философии Узбекистана. –Уфа.: «БГПУ», 2010. –С.320.

<sup>7</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 130-бет.

мумкин»<sup>8</sup>. Чунки «Шарқ билан Ғарб мулоқотида воситачи, кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи» анъанасининг диний, фалсафий ўқ илдизлари ўлкамиздадир. Мана шу умри боқий анъанани қайта тиклаш учун аждодлар яратган моддий ва маънавий меросни миллий ғоя ва мураса тамойиллари доирасида тадқиқ этиш ҳозирги даврда алоҳида долзарблик касб этади.

20. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Ўзбекистон фалсафа тарихи» фани бўйича Мувофиқлаштириш кенгашини ташкил қилиш зарур.

21. Интеллектуал салоҳиятнинг ниҳоятда кўплигини ҳисобга олган ҳолда, аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ўрганиш, инсониятга кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, уларнинг юбилейларини ўтказишни ташкил қилиш мақсадида «Жаҳон цивилизацияси ва олимлар» халқаро институтини ташкил қилиш ватандошларимиз маънавий меросини дунё жамоатчилига тақдим қилишда муҳим аҳамият касб этади.

22. Етарли маълумот билан таъминланмаганлик бонс, хориждаги Шарқ фалсафаси, ислом фалсафаси ва дини таълим-тарбиясига масъуллар ҳам аждодларимизнинг, хусусан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйира ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижод йўли тўғрисида саёз билимга эга. Масалан, 2009 йилда Россиянинг Қозон шаҳрида нашр қилинган «Сахих аль-Бухари (краткое изложение)» китобига Россиянинг Европа қисми мусулмон диний бошқармасининг Россия муфтилар кенгаши раиси муфти Р.Гайнутдин «Сўз боши»да шундай маълумот берган: «Имом ал-Бухорий умрининг асосий қисмини Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида ўтказган. Шу жойда ўзининг эсида сақлаган ҳадисларини тартибга келтириб тўплаган»<sup>9</sup>. Шу сабабли Ўзбекистонда мавжуд ижтимоий-гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтлари (масалан ЎзР ФАнинг Фалсафа ва ҳуқуқ институти) ва олий таълимдаги, хусусан, Тошкент Ислом университети профессор-ўқитувчилари ва етуқ мутахассисларини хориждаги ислом таълим муассас-

<sup>8</sup> Каримова И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 130-бет.

<sup>9</sup> Гайнутдин Р. Предисловие//Сахих аль-Бухари (краткое изложение). – Казань.: «Дом печати». 2009. – С. 9.

саларнида маърузалар ўқиши ва ислом оламида дунёга машҳур бўлган олим-уламолар ҳаёти, ижоди ва ислом цивилизациясидаги ўрнига бағишланган илмий тадқиқотларни ҳамкорликда ўтказиши ҳамда уларнинг натижаси сифатида китобларни (хусусан, дарслик, ўқув қўлланмаларни) биргаликда тайёрлаш, нашр эттириш амалиётини назарда тутган ҳамкорлик шартномаларни тузиш глобаллашув шароитида муҳим аҳамият касб этган бўлади. Чунки мамлакатимиз интелектуал капиталининг беҳисоблиги жиҳатидан жаҳоннинг ҳар қандай давлат билан рақобатлаша олади. Шу сабабли интелектуал капитал билан хорижий давлатларга инвестиция киритиш амалиётига устуворлик берган Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Эндиликда нафақат мустақиллик даврида, балки узоқ ва яқин ўтмишда ватандошларимиз қилган кашфиётларни ҳам рўйхатга олиб, уларни кенг жамоатчиликка ҳамда халқаро ҳам-жамиятга кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жараёни Пислом Каримов шундай изоҳлагандек: «Демакқиманин, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва таъжовулардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта хомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин. Дунёда дўст бор экан, фанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йилда соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шунинг ҳам турли талқин қилувчилар бўлди». Худудда доно халқ яшаган, унинг юқоридаги сингари баркамол авлодлари бўлган. Зеро, «...ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга бўсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бунинг исботи – биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданий, бутун жаҳон, бутун башарият тан олган улуғ олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улуғ соҳибқирон ва саркардалар. Бунинг замини – кўпни кўрган, танги, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг ҳам адабини берган, бутун ҳам ҳушёр ва сезгир бўлиб, тинч ҳаёт кечираётган буёндкор халқимиздир»<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Каримов И. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ// Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 8-бет.

2009 йил июнь ойида Буюк Британиянинг Янги иқтисод жамғармаси томонидан чоп этилган тадқиқот натижалари XXI аср ўн йиллигидаги энг шов-шувли ҳодиса бўлди. Бу тадқиқотда 143 давлат тадқиқот объекти сифатида олинган. Лойиҳа «Бахтиёр сайёра кўрсаткичи» деб номланган ҳамда жаҳондаги бахтли давлатлар тўғрисида хулоса чиқарилган. Бунда давлатлар аҳолисининг ўртача умр кўриш даври, жамият аъзолари ўзларини бахтли, деб ҳис этишлари ҳамда мамлакат табиати мусаффолиги, инсоннинг яшаши учун қулай табиий муҳитнинг мавжудлиги асосий мезон қилиб олинган. Дунёдаги энг бахтли, тинч ва мусаффо мамлакатларнинг биринчи ўнтаси Оснё ва Лотин Америка мамлакатларига тегишли бўлиб, Европа Иттифоқидаги давлатларнинг бирортаси (Нидерландиядан ташқари) дастлабки элликта давлатлар рўйхатида йўқ эди. Уларнинг айримлари эса (айниқса, Фарбдаги ривожланган давлатлар) бахтлилик даражасини белгиловчи поғонанинг қуйи ўринларига тушиб қолган. Ўзбекистон юқоридаги кўрсаткичлар бўйича 143 давлат орасида 45-ўриндадир. Бунда давлатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриши, жамият аъзоларининг Ватан истиқболига ишончи қатъийлиги муҳим аҳамият касб этган. Буни хорижлик экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар: «Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган ва жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг демократик қадриятларини ҳамда интеграциясини мустаҳкамлашда ўз истиқболини кўра оладиган авлод ҳаётга қадам қўймоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, мамлакатнинг буюк истиқболидан дарак беради,» – деган эди Ҳиндистон университети профессори Сакким Саттабрит Синна<sup>11</sup>. «Ўзбекистон жаҳон маънавий ҳаётининг хазинаси ҳисобланади. Табаррук Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан машҳур донишмандлар, табиблар ва астрономлар дунё илм-фани ва маданияти ривожига ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшганлар. Университетимизнинг Тошкентдаги филиали ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлашни истардимки, унда таҳсил олаётган *ўзбек талабалари юксак даражадаги билимга эга бўлиб, мақсадга иштилувчанлиги, янгиликка ташналиги, жамиятга наф келтириши борасидаги хайрихоҳлиги, давлатнинг келгуси тараққиётига муносиб ҳисса қўишига бўлган хоҳиши билан боиқа юртдаги тенгдоиларидан ажра-*

<sup>11</sup> «Халқ сўзи», 2009 йил. 27 август.

*либ туради* (таъкид бизники – *Ш.Х.*)), – деган эди И.М.Губкин номдаги Россия давлат нефть ва газ университети ректори<sup>12</sup>.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги ҳам нафақат хориж, айни пайтда мамлакатимиздаги адабиётларда ҳам: «...Европани Марказий Осиё билан дастлаб юнонлар – Искандар Зулқарнайн ҳарбий юриши қатнашчилари таништирган»<sup>13</sup>, деган қарашлар устунлик қишмоқда. Биз Александр Македонскийдан бир неча аср олдин Турон замин фарзандлари, хусусан Зардушт ва Анахарсис орқали Марказий Осиё Европага нафақат таништирилган, айни пайтда, жаҳоннинг, хусусан, европаликларининг (шу жумладан юнонларнинг ҳам) фан, маданият, фалсафаси шаклланишига биринчи туртки берган, деган ғояни илгарин сурдик ва асосладик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Термиз давлат университети ўқитувчилари ва талаба ёшлари билан суҳбатда шундай деган эди: «XXI аср – интеллектуал аср. Кимки юксак марраларга эришмоқчи бўлса, қайси бир давлат тараққий этиб, халқаро майдонда кенг эътироф қозонмоқчи бўлса, аввало, ўзининг интеллектуал салоҳиятини ишга солиши ва юксалтириши керак. Халқимизда азалдан илмий тафаккур, кенг дунёқараш, маънавий комплимент юксак даражада бўлган. Соҳибқирон бобомиз, кучли бирини, илмли мингини енгади, деб бежиз айтмаган»<sup>14</sup>. Zero, бу аксиомани жаҳон цивилизацияси бешиги бўлган юртнинг фалсафа тарихи кўрсатиб турибди. Чунки шоир айтганидек:

Ислом уламолари кўкда тўлин ой эрур,  
Тўлин ойлар Ватани – Туркистондир Туркистон.  
Хоҳласанг пок дунёни, улдур шон-шавкат кони,  
Қурилган пок заминга давлатию аркони.

Яккахудолик динин топарсан гар истасанг,  
Улдур эзгулик, худо, унвону Ватан, иймон.  
Дину дунёвийликни уйғун айлаганларнинг  
Фазлидан етарсан сен, мақсадингга бегумон<sup>15</sup>.

<sup>12</sup> «Халқ сўзи», 2009 йил. 19 август.

<sup>13</sup> *Мирзаев Р.* Муқаддас қаламжолар бўйлаб// Жаҳон адабиёти. 2010. 11-сон, – 148-бет.

<sup>14</sup> «Халқ сўзи», 2009 йил. 26 август.

<sup>15</sup> *Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад.* Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: 2007. – 387-бет.



## Таянч сўзлар

**Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий** (977 й.ваф.эт.) «Мифтоҳу-л-улум» («Илмлар қалити») асарини муаллифини бўлиб, унда ўз замонасидаги барча билимлар тўғрисида муфассал маълумотлар берган. Айниқса, китобдаги қадимги халқларнинг (ионон, суғд, ҳинд, хоразм) ижтимоий-гуманитар йўналишдаги, хусусан, фалсафа фани тўғрисидаги маълумотлари ғоят қимматлидир.

**«Авесто»** (парфияча: arastek–матн) – зардуштий динининг муқаддас китоби. Айрим ҳолда «Зенд-Авесто», яъни «тафсири қилинган матн» деб ҳам юриштирилган. Манбаларда «Авесто» Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидида (Хоразмда) мил. авв. минг йилликларда пайдо бўлган, дейилади.

**Араб астрономияси даври** – Ғарбнинг астрономияга онд Шарқ қарашлари шаклланишидаги асосий омилларни ҳисобга олмай чиқарган асоссиз хулосаси.

**Араб халифалиги** – Муҳаммад пайғамбарнинг сафдоши халифа Абу-бакр томонидан асос солинган (632 - 1258) бўлиб, VII – VIII асрларда ташкил топган ҳамда Арабистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Ўрта Осиё, Кавказ орти ва Испания мамлакатлар ҳудудларини босиб олиш ҳисобига қарор топган.

**Аҳура Мазда** – «Авесто»да ифодаланган эзгулик руҳи номи. У қадимги иононларда «Армузд», эрон-форсларда «Ормозд», қадимда хоразмликлар Хурмузд шаклида номланган.

**Беҳистун ёзуви** – милоддан олдинги V-IV асрларда Керменш яқинидаги Беҳистунда қояга миҳ ёзувда битилган манбалар. Бу миҳ ёзувлар форс шоҳи Доро I (521–485) фармони билан тайёрланган бўлиб, унинг урушларда қозонган ғалабаларни тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришга мўлжалланган. Асосан бу ёзувда милоддан олдинги 517–515 йиллардаги воқеалар акс этган.

**Бобурий мирзолар салтанати** – Ҳиндистонда 332 йил, яъни 1526-1858 йилларда теурийлар сулоласи ҳукмдорлиги. Унга Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган ва унинг авлодлари давлатни бошқарган. Улар қуйидагилар: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврағзеб Оламгир, Баҳодиршоҳ I, Жаҳондоршоҳ, Аҳмадшоҳ, Оламгир, Шоҳ Олам I, Бидар Бахт, Шоҳ Олам II, Акбаршоҳ II, Баҳодиршоҳ II.

**Востокоцентризм** – ғарбга нисбатан шарқ фалсафасининг устунилигини кўрсатувчи фалсафий оқим. Бу оқим «осиёцентризм»нинг XX асрдаги янги кўринишидир. Оқим фалсафанинг Шарқда марказлашув назарияси-

ни илгари суриб, XX асрда фалсафий қарашлар бевосита Шарқда пайдо бўлганлигини «исботлаш»ни мақсад қилган.

**Дангги Қипчоқ** – Носирн Хусрав (1003 – 1088) асарларида илк бор қўлланилган бўлиб, унинг ҳудуди Сирдарёнинг қуйи оқимидан Днепр дарёсининг қуйи оқими ва Балхаш қўлигача чегара ҳисобланган. Мазкур ҳудуддаги аҳоли араб ва форс ёзма манбаларида қипчоқлар, русларда половецлар, Византияда куманлар тарзида ифодаланган.

**Оташкада** – марказий оловхона.

**Оташгоҳ** – чекка жойларда, қишлоқларда доимо олов ёқиб туриладиган, диний маросимлар ўтказиладиган жой.

**Ислом фалсафаси** – ислом динининг келиб чиқиши, моҳияти, роли, ўрни, аҳамияти, тадқиқини мужассамлаштирган тушунча.

**Зардушт таълимотида шакллантирилган, кейинчалик бошқа динлар орқали жаҳон ҳамжамиятининг мулкига айланган қадриятлар** – Худо, фаришта, маъбуд, маъбудалар, савоб, эзгулик, гуноҳ, жаннат, дўзах, ибодат, рўза, маросимлар.

**Западноцентризм** – фалсафий-идеологик оқим. Бу оқим бевосита қадимдан мавжуд бўлган европацентризмнинг форси ҳамда фалсафанинг Гарбда марказлашуви назариясини илгари суради. Европацентризмда Европада фалсафани марказлаштириш гоёси устуворлик касб этса, западноцентризмда Оснё ва Африкада идеологик ҳукмдорлиқни гоёвий-сиёсий жиҳатдан оқлаш ҳамда АҚШ иштирокига ва унинг гегемонлигини алоҳида кўрсатиш мақсадини қўйган.

**Транс-Элам минтақаси** – мазкур атама француз олими Пьер Амнет томонидан киритилган бўлиб, унинг маъноси Месопотамия ва Ҳинд водийлари маданиятларининг ўртасида Ўрта Оснё шаҳар маданияти воситачи ролини ўйнаганлигини билдиради.

**Ёввойиллик, ваҳшийлик ва цивилизация босқинчлари** – 1768 йилда шотландиялик файласуф Адам Фергюссон томонидан инсоният тарихини мукамал билиш учун киритилган.

**Неолитик революция ва шаҳар революцияси** – мазкур атама XX асрнинг ўрталарида Гордон Чайлд томонидан илмий тадқиқотларга киритилган бўлиб, табиатда мавжуд тайёр маҳсулотларни истеъмол қилиш учун уни ишлаб чиқаришни билдиради.

**Сибёуш** – қадимги форс тилида «қорабош», қадимги туркий тилда «қорасоч» деган маънони англатади.

**Тош, Бронза ва Металл асри** – 1836 йилда Кристиан Томсон томонидан илмий истеъмолга киритилган.

**Турон** – форсча бўлиб, туркийлар деган маънони англатиб, туркий

халқлар яшайдиган ҳудудни билдирадиган тарихий-этник атама, бундан 3000 йил олдин ҳам истеъмолда бўлган. «Туронни географик-тарихий таърифлаганда, унинг ҳудудлари Тинч океандан Ўртаер денгизидаги Эгей-Адриатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Ҳимолай тоғларигача, Шимолий Ҳиндистондан Онадўлгача, яъни ҳозирги Туркиягача бўлган ҳудудларни, уларда яшовчи туркий халқлар Ватанини билдиради... Туронда Алп Эр Тўнга, Афросиёб, Кушоншоҳдо, Шарқий ва Фарбий турк хоқонликлари, Аварлар, Аттила, Парфия, Қорахонийлар, Ҳазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чингизхон-Чигатой, Темурийлар, Усмонлилар, Эдилбўйи-Сабар (Волга-Сибирь) хошлари, Шайбонийлар, Аштархонийлар, манғитлар давлатлари, салтанатлари, Хива, Қўқон хошликлари XX аср бошларигача узлуксиз давом этиб келган... «Турон» сўзини барча Турк шўъбаларини ўз ичига оладиган Улуғ Туркистон, деб аниқлаб олмоққа ҳам маълум асос бор. Турон бутун туркий халқларнинг мозийда ва истиқболда ҳам бошқа ерли халқлар билан бирга бирдан-бир буюк Ватандир»<sup>1</sup>.

**Турончилик мафкураси** – Алп Эр Тўнгадан бошлаб, Амир Темур ва Туркистон Мухториятигача туркий халқларнинг жаҳоний яратувчилик, ижодкорлик фаолияти ва руҳини ўзида мужассамлаштирган... Турон мафкураси иқтисод, сиёсат, турмуш тарзи, анъана, урф-одат, қонунчиликда очиқ тизимлиликни, дин ва иймонда эътиқодий бағри кенгликни, ижодий эркинликни устувор қадриятлар деб уқтиради; бу мафкура туркий халқларни бошқа халқлардан устун санамайди, уларга қарама-қарши чиқмайди, ниҳоясиз уруш, жанжал, низо ва қутқу ҳолатларини туғдирмайди<sup>2</sup>. «Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, нантуркизмни ва «Буюк Турон» шовинистик ғоясини қатъиян рад этди. Биз учун Турон – минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзидир»<sup>3</sup>.

**Туркистон** - она-Ватанимизнинг азалий мўътабар номи. Қадимги туркий, паҳлавий, хитой, ҳинд, араб, яҳудий, гуржи, арман, қаронм, юнон, лотин, славян ва бошқа ёзма манбаларда юртимиз шу ном билан аталган... Туркистон – «туркий халқлар бошқа халқлар билан бир жамият бўлиб яшайдиган ўлка, юрт, жой», муқаддас ўчоқ, қадимги туркий битиклардаги «Турк будун» мазмунини ифодалайди. Туркистон тарихий-ағъанавий жиҳатдан кенг маънода қуйидаги қисмлардан иборат: а) Марказий Туркис-

---

<sup>1</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: «Шарқ», 2006. – 353-бет.

<sup>2</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: «Шарқ», 2006. – 354-бет.

<sup>3</sup> *Каримов И.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 130-бет.

тон (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, қисман Тожикистон); б) Шарқий Туркистон (Ички Мўғиллистон, Хитойнинг Синцзян-Уйғур Мухтор вилояти, Қорақум); в) Жанубий Туркистон (Тоғли Бадахшон, Кўксув, Шимолий Ҳиндистон – Жамму-Кашмир вилоятлари, Шимолий-шарқий Афғонистон); г) Фарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, қисман Кавказ, Хазар-Каспий ҳавзаси); д) Шимолий Туркистон (Шимолий Қозоғистон, Эдил-Булғор (Волга) бўйи, Жанубий Ўрол тоғларигача чўзилиб кетган Турон пасттекислиги, Об, Энасой (Енисей), Элуна (Лена), ораллиги, Сабар (Сибирь)<sup>4</sup> «Хусусан Ўзбекистонда «Туркистон – умумий уйимиз» ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у миштақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўқис мос тушадди. Зотан, «Туркистон» деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади»<sup>5</sup>.

**Хилоф илми – қиёсий ҳуқуқшунослик.**

«Хоразмлик Мадонна» – насл давом этини гоёси муҳассам, бола туғиш ҳомийси Она-илоҳа. Азалдан Турон, Туркистон, хусусан, Ўзбекистон заминида аёл эъзозланган ва у доимо эзгулик тимсоли сифатида қадрланган. Кўҳна Хоразмдаги Кўйқирилганқалъадан археологик қазिशмалар пайтида топилган тахтада ўтириб бола эмизаётган аёл сиймосидаги ҳайкаллар. Бу ҳайкалларни С.Толстов «Хоразмлик Мадонна» деб атаган.

Хоразмнинг қадимий обсерваторияси – фанининг ривожини доимо ижтимоий эҳтиёжнинг шаклланишига бевосита боғлиқ диалектик жараён билан узвий бирликдадир. Инсоният цивилизациясининг турли босқичларида ижтимоий эҳтиёж турлича кўринишда, турлича мазмун-моҳиятга эга бўлган. Масалан, инсоният цивилизациясининг илк босқичларида қайси халқ ўтроқ ҳолда яшашга мослашган бўлса, мазкур халқда деҳқончилик маданиятини ривожлантиришга эҳтиёж кучли бўлган. Бу эса, энг аввало, фалсафа фанини (маълумки, қадимда фанлар ҳали тизимлашмаган, энди пайдо бўлаётган бир шаронгта барча билимлар йиғиндиси фалсафа фани деб эътироф қилинган) мазкур эҳтиёж доирасида ривожланишига сабабчи бўлган. Деҳқончилик маданияти, энг аввало, оддий кузатишларда йиғилган билимлар сифатида осмон, қуёш, юлдузлар, ой ва уларнинг йўналиши,

---

<sup>4</sup> Муस्ताқиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: «Шарқ», 2006. – 349–350 бетлар.

<sup>5</sup> *Каримова И.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 83-бет.

мавсумларнинг ўзгариши ва бошқалар доирасида ривожланиши мумкинлигини одамлар тушуна бошлаган. Миллоддан аввалги икки мингтинчи йиллардаёқ ўтроқ яшаган халқларда, хусусан, хоразмликларда астрономик билимларни мужассам қилган обсерватория қуришга бўлган эҳтиёж шакланган. Чунки хоразмликлар тропик йилнинг давомийлигига асосланган тақвимни (бу қуёш йилининг давомийлиги тўғрисидаги билимларга асосланиб, 365 кундан иборат бўлган) кашф қилишган. Тақвим ўзининг мукамаллиги ва аниқлиги билан катта аҳамиятга эга бўлган. Миллоддан аввалги IV асрга оид Қўйқирилганқалъа ибодат биносида обсерватория (етти метр қалинликдаги дераза-тешикли цилиндрсимон бино) ҳам мавжуд бўлган.

**Карвпи санъати** – фалсафанинг кўрсатиш методининг амалий жиҳатидан бири. Яъни, сабзавот ва меваларга турли хил шакллар чизиб, мазкур предметни реклама қилиб кўрсатиш.

**Кибертерроризм** – компьютер системасига ҳужум. К.нинг мақсади компьютердан фойдаланувчиларнинг фаолиятида зулишни келтириб чиқариш, компьютер системасидаги дастурларни издан чиқарадиган «вирус»ларни тарқатиш, муҳим, зарурий ахборотларни йўқотиш, инсониятнинг интеллектуал салоҳиятини ўзларининг идеологик таъсирга олиш ва уни назорат қилиш.

**Кунтуғар** – қадимги туркий тилда Шарқнинг номланиши.

**Кунботар** – қадимги туркий тилда Фарбнинг номланиши

**Кун** – қадимги туркий тилда Қуёшнинг номланиши.

**Кун чиқди** – қадимги туркий тилда Тонгни билдиради.

**Кун тикка келди** – қадимги туркий тилда тушни (яъни қуёш тикка келганлигини) билдирган.

**Кун ботди** – қадимги туркий тилда оқшомни билдиради.

**Легизм** – ўз эътиборини ижтимоий-сиёсий масалалар, ижтимоий назария ва давлат бошқаруви муаммоларига қаратган таълимот.

**Мажусийлар** – оташпарастлар.

**Маздопараст** – «Авесто»да диндор, яъни зардуштийлик динига сиғинувчи.

**Масиҳ** (юнон. – Христос, ибрийча – Машиаҳ, араб. – Масиҳ) – «мой билан суртилган» маънони беради. «Таврот»да муқаддаслаштирилган буюк шахс (пайғамбар, подшоҳ) бошга мой суртиш анъанаси. Масиҳ унвони «Худо тайинлаган шахс» маъносида, Исо (Иусус) пайғамбарга берилган.

**Монийлик.** – II–III асрларда инсоният цивилизациясининг маълум бир даврида ўзига хос замон ва маконнинг эзилган, таҳқирланган деҳқонларининг идеологик кўриниши тарзида Монийлик шаклланди. Унинг асосчи-

си Моний (тахминан 216–276 йиллар)нинг «Монихийлик хати» номи аса-рида мазкур таълимот ғоялари асослаб берилган. Монийлик ҳам бевосита «Авесто»да илгари сурилган ғояларни янги даврда, янги шаклда илгари суришга асосланган. У дуалистик таълимот эди. Шунингдек, монийликда христианлик динининг таъсири ҳам сезилиб туради. Айни пайтда моний-лик таълимоти христианликнинг айрим мазҳабларига, кейинчалик суфизм-нинг айрим қондаларига ўз таъсирини кўрсатган. III асрда Эрон, Марка-зий Осиё, Байналиҳрри, Месопотамия, Сурия, Миср ва Рим империяси-нинг деҳқонлар ҳаракатларида намойи бўлган.

**Мусулмон фалсафаси** – динга ишонувчи ва унга эътиқод қўйган шах-сининг борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга ислом дини нуқтан назаридан му-носабати ва дунёқарашни мажмуасини ифодалайдиган тушунча.

**Пацифизм** (лот. Pacificus) – тинчлик ўрнатилганга йўналтирилган, урушга қарши ҳаракат. Пацифизм вакиллари ҳар қандай урушга (жумладан, адо-латли, миллий озодлик урушига ҳам) қарши чиққан.

**Секуляризация** (лот. saecularis – дунёвий) – Европада реформация дав-рида вужудга келган. У дастлаб черков ерларини давлат тасарруфига ўтқа-зишни билдирган бўлса, кейинчалик черковнинг руҳани билан алоҳида олинган индивидни (шахсни) диний жараёнлардан дунёвий жараёнга, ҳолатга ўтиши ҳамда ижтимоий ва индивидуал онгининг диний онгдан хал-ос бўлиши маъносини касб этган.

**Тошкенттрон** – 2003 йилда Оби раҳмат ёдгорлигидан буцдан 60–70 минг йил олдин яшаган одам суяклари топилди. Оби раҳмат ёдгорлигидан *топилган одам суяклари олимлар томонидан неандерталлар билан ҳозирги одамлар гибриди сифатида талқин қилинган*. Бу сингари одам суяклари дунёнинг бошқа бирор ҳудудидан топилмаган. Неандертал ва ҳозирги одамлар қиёфасининг қўшилишидаги одам тўғрисидаги бундай хулоса Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Австрия олимлари томонидан чиқарил-ди. Шу муносабат билан 2004 йил 9-15 августда Wenner-Gren халқаро ил-мий фонди ҳомийлигида халқаро конференция ўтказилди (Бурчмулла, Са-марқанд). *Бизнингча, Оби раҳматдан олимлар топган «неандерталлар билан ҳозирги одамлар гибриди» деган хулоса мунозарали. Буни ё фер-гантроплар авлоди деб, ёки фергантроплар билан ҳозирги одам гибри-ди деб талқин қилиши ўринли бўлади. Бу кашфиёт мустақиллик даври-да қилинганлиги, Тошкент яқинидан топилганлиги, Ўзбекистон олимларининг саъй-ҳаракатлари, фаол иштирокида амалга ошгани ҳамда у Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи арафасида кашф қилинганлигини ҳисобга олиб Оби раҳматдан топилган одамни–Тош-кентроп, деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.*

**Ҳанафийлик** – исломнинг диний мазҳабларидан. Унинг вакиллари Қуръони каримни асосий манба сифатида эътироф этади, уни ҳар қандай ўзгартишларсиз қабул қилади. Сунна мустақил манба сифатида қабул қилинган ҳамда ҳадисларнинг саҳиҳларигина тан олинган. Мазкур мазҳаб Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё, Кичик Осиё ва бошқа ҳудудларда кенг тарқалган ҳамда мусулмон аҳлининг ярмидан кўпи шу оқим вакиллари-дир.

**Ҳидоя** (араб. – қўлланма, тўла номи «ал-Ҳидоя фи шарҳ ал-Бидоя» – «Бидоя» (китоби)нинг шарҳи бўйича қўлланма) – ислом динидаги шарият қўлланмаси.

**Фергантроп** – Фарғонанинг Селунғур ғоридан топилган илк одам вакили. Олимлар ва экспертлар унинг ёшини бир ярим миллион деб белгилашган.

**Мусулмон астрономияси даври** – фан фалсафасида IX – XVIII асрларни ўз ичига олган давр.

Элчилар тўғрисида жадвал<sup>1</sup>

Ҳуққдорлик йиллари	Элчиларни ким юборган	Элчиларнинг сони	Нималарни олиб келганлар
1	2	3	4
<b>САМАРҚАНДДАН (элчиларнинг Самарқанд ва Туркистоннинг бошқа давлатларидан келишлари қуйидаги жадвалда келтирилган)</b>			
<b>ХУН-У</b>			
1388	Тэмүэр (Темур) Кулайгань (Кўрагон)	мусулмон Манъла Хафэйсы (Мавлоно Хофизий) ва бошқалар	отлар – 15 туялар – 2
1389	Темур Кўрагон	мус. Мавлоно Хофизий ва 8 киши	отлар – 205
1392	Темур Кўрагон	мус. Шэхали (Шайх Али) ва яна бошқалар	отлар, туялар ва бошқа маҳаллий моллар
1393	Темур Кўрагон	Ваньхуншэобудин ва бошқалар	отлар – 84, туялар – 6, ворс, газлама – 6 бўлак ва бошқа моллар
1395	«	Кўрбонч Далимиши ва бошқалар, мус. Далимиши ва	отлар – 200
1396	«	бошқалар, мус. Алемадань ва	отлар – 212
1397	«	бошқалар, 20 киши, мус. Чжалула ва яна 191 киши	отлар – 1095
<b>ЮН-ЛЭ</b>			
1407	Хали (Халиль)	элчи Хуседа ва бошқалар	маҳаллий моллар
1408	Халиль	элчи Шахэй Нуэрдин (Шайх Нуриддин) ва бошқалар	ауденция
1409	Бошқа жойдан	мус. Махейма (Муҳаммад) Далимиши ва бошқалар	отлар
«	Бошқа жойдан	мус. Хэймань ва бошқа 8 киши	маҳаллий моллар
1410	Бошқа жойдан	мус. Хочжэмаэр (Хўжа Умар) ва бошқалар	нефрит, нашарит
1411	Бошқа жойдан	Мус. Инду ва бошқалар	маҳаллий моллар
1413	Бошқа жойдан	мус. Хочжэдин ва бошқа 150 киши	маҳаллий моллар
«	«	Элчи «	отлар
1415	«	мус. далахань (тархан) Чжэмалидин (Жамолиддин) ва бошқалар	отлар
«	Улубо (Улугбек)	элчи Бобохуа Махэйму (Бобохон Махмуд)	ғарб отлари, қопланлар, маҳаллий моллар
1416	«	мус. Фахуэрдин (Фахриддин) ва бошқалар	отлар – 170, маҳаллий моллар

<sup>1</sup> Шарқшунослик. –Т., «Михож», 7-сон, 1996.



1417	«	элчи «	отлар, маҳаллий моллар
1418	Улугбек	элчи Азрдуша (Ардашер) ва бошқалар	машхур отлар, қоплонлар
1419	«	Далимиши ва бошқалар	отлар ва маҳаллий моллар
1420	«	элчи «	отлар
1424	«	Мус. Далими	қўйлар, отлар
<b>СИОАНЬ-ДЭ</b>			
1426	«	байху (юзбоши) Махейма (Маҳмуд) ва бошқалар	отлар, маҳаллий моллар
1427	«	мус. Тархан Маҳмуд Далимиши ва бошқалар	отлар, қумуш идишлар (буюмлар), маҳаллий моллар
«	«	мус. Тархан Хочжэ Сала (Хожа Сала) ва бошқалар	отлар
«	«	Мус.Хасань (Хасан) ва бошқалар	отлар, маҳаллий моллар
1428	«	мус. Тархан Ису (Исо) ва бошқалар	отлар
1429	«	мус. Алиша (Алишер) ва бошқалар	отлар, олтин ва қумуш идишлар
«	«	мус. тархан Адула (Абдулла) ва бошқа 40 киши	отлар
1430	бошқа жойдан, Улубо Мирзица (Улугбек Мирзо) ва бошқалар	элчи Буяньхоли (Буёнқули) ва бошқалар	маҳаллий моллар
«	Улугбек Мирзо ва бошқалар	Элчи Буянь Чжсфэр (Баён Жаъфар) ва бошқалар	маҳаллий моллар
1433	бошқа жойдан	элчи тархан Исо ва бошқалар	зиёфат (банкет)
«	«	тархан Исо ва бошқалар	отлар
1435	«	«	отлар
<b>ЧЖЭН-ТУН</b>			
1437	Улугбек Мирзо ва бошқалар	Элчи Махейму Туминь (Маҳмуд Туман)	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
«	«	Кучу-далахань (Кучин тархан) ва бошқалар	отлар, туялар
1439	бошқа жойдан, Улугбек Қўрагон	Элчи Жаъфар	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
1440	«	мус. Маҳмуд ва бошқалар	отлар, туялар ва бошқа моллар
«	бошқа жойдан	элчи Туэрту Боянь башин	отлар, туялар ва бошқалар
1445	Бошқа жойдан	элчи Боянь Таба (Баён Тобон)	отлар, туялар, олтин, иплар, қоплонлар, нефрит ва бошқалар

1446	«	«	совғалар
1447	«	элчи Шахэй Махэйма (Шайх Махмуд), Тото Бухуа ва бошқалар	отлар – 63, туялар – 27, нефрит – 200 цзин (кулранг шишиллар <sup>2</sup> териси, 30 миңг цзин) ва бошқа моллар
1448	«	элчи Шайх Махмуд. Тумайту Начжимудия (Нажмиддин), Али, Ахейма Махайма (Ахмад Махмуд) ва бошқалар	совғалар
1449	«		совғалар
<b>ЦЗИН-ТАЙ</b>			
1457	бошқа жойдан	элчи Махмуд Шэлибан ва бошқалар	отлар, туялар, маҳаллий моллар
«	Бусань-ван	элчи «	совғалар, маҳаллий моллар
<b>ЧЭН-ХУА</b>			
1476	«	элчи Махмуд Шэлибань ва бошқалар	отлар, туялар
1478	Солутань Махэймадан (Султон Мухаммадхон)	элчи Сенмасуэр (Сайд Мансур) ва бошқалар	отлар
1480	«	элчи Мангла Махеймамудин (Мавлоно Махмуд) ва бошқалар	отлар
1481	«	элчи «	арслон (шер)лар
«	Султон Ахмад	«	отлар ва бошқа моллар
«	Султон Ахмад	элчи Палювань (Пахлавон), Махама Хачжи (Махмуд Хўжа), Эрсинь ва бошқалар	арслон (шер)лар
«	«	элчи «	арслон (шер)лар
<b>ХУН-ЧЖИ</b>			
1488	Султон Ахмад ва бошқалар	элчи Алоадалабо (Алоуддавла) ва бошқалар	нефрит, отлар ва бошқа моллар
1489	Ахейма-ван (Ахмад-хон)	элчи «	арслон (шер)лар ва бошқа моллар
1490	Махэйма-ван (Махмуд-хон)	элчи «	отлар, туялар, нефрит ва бошқа моллар
1490	Султон Ахмадхон	элчи «	арслонлар ва бошқа моллар
«	бошқа жойдан	элчи Баба (Бобо) ва бошқалар	совғалар

<sup>1</sup> Шишиллар – испанча – Жанубий Америкада яшайдиган думлари узун, момикдай юмшоқ кулранг жунли ҳайвон.

«	бошқа жойдан, Султон Аҳмадхон	элчи «	совғалар
1492	бошқа жойдан	кўрбоши «	совғалар
1500	бошқа жойдан, Кулигань (Кулихон) ва бошқалар	элчи Цзайнаабидин (Зайнабиддин)	совғалар
1504	бошқа жойдан	элчи Махэйму (Маҳмуд) ва бошқалар	Совғалар
1505	бошқа жойдан	элчи Хочжэ Хафэй (Хўжа Фахриддин)	Совғалар
<b>ЧЖЭН-ДЭ</b>			
1508	Шанбо-ван (Шайбонийхон)	Элчи Махейма Хочжа (Маҳмуд Хўжа)	отлар, туялар ва бошқа маҳаллий моллар
1509	«	Сутань Маньуэр (Султон Мансур) ва бошқалар	отлар, туялар
1510	бошқа жойдан, Шанбо-ван (Шайбонийхон)	элчи Мавлоно Веньдуси	Совғалар
«	бошқа жойдан, Палювань Сутань Маньсуэр (Паҳлавон Султон Мансур) ва бошқалар	«	отлар, туялар, маҳаллий моллар
«	Паҳлавон Султон Мансур	Халаяди ва бошқалар	отлар, туялар, маҳаллий моллар
1514	бошқа жойдан	Шайбонийхон ва бошқалар	отлар, туялар ва бошқа моллар
1515	бошқа жойдан	элчи Хочжэ Хасинь (Хўжа Хасан) ва бошқалар	Совғалар
«	Бошқа жойдан, Сутань Бабуэр (Султон Бобур) ва бошқалар	Хўжа Ҳасан	отлар ва маҳаллий моллар
1519	Кэчжун Сутань (Кўчкунчхон) ва бошқалар	элчи Бахаодин (Баҳоуддин) ва бошқалар	отлар, маҳаллий моллар
1521	«	элчи Баҳоуддин ва бошқалар	маҳаллий моллар
<b>ЦЗЯ-ЦИН</b>			
1523	«	элчи Тулусунь ва бошқалар	Совғалар
«	бошқа жойдан, Паҳлавон Цзайна (Зайнабиддинхон)	элчи Тулусунь, элчи Мавлоно Нешэнь ва бошқалар	совғалар, отлар, маҳаллий моллар
1529	бошқа жойдан, Сулайми-ван (сулаймонхон) ва бошқалар	элчи Хочжэ Хачжи (Хўжа Ҳожиги) ва бошқалар	отлар, маҳаллий моллар
1532	Султон Абусен	элчи «	Совғалар

	(Абусанд) ва бошқалар		
1537	«	«	Совғалар
1543	бошқа жойдан, Султон Мансур ва бошқалар	Қўрбоши Миле Адусеминь (Мели Абдусаммад) ва бошқалар	отлар ва маҳаллий моллар
1548	5 жойдан, Султон Мушафазр (Музаффар) ва бошқалар	элчи «	отлар ва маҳаллий моллар
1554	4 жойдан, Пахламон Султон Шамушафазр (Шайх Музаффар) ва бошқалар	элчи «	маҳаллий моллар
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
1559	бошқа жойдан, Султон Шайх Музаффар ва бошқалар	элчи «	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
<b>ВАНЬ-ЛИИ</b>			
1575	бошқа 5 жойдан, Пахламон Махейма Али Бубалур (Муҳаммад Али Баҳодир) ва бошқалар	элчи Хожа Ҳасан ва бошқалар	отлар ва маҳаллий моллар
«	бошқа 5 жойдан	элчи «	отлар ва маҳаллий моллар
1618	«	«	отлар ва маҳаллий моллар
<b>ХАЛЕ (ХУРОСОН) ДАН (1405 йилда тахтга Темурнинг 4- ўғли Шоҳрух ўтирди)</b>			
<b>ЮН-ЛЭ</b>			
1409	Бошқа жойдан	Элчи Малай ва бошқалар	Ғарб отлари – 550
1410	Шахалу Бадур (Шоҳ Малик Баҳодир)	Қўрбоши Мирцзила ва бошқалар	Маҳаллий моллар
1413	Шоҳ Малик Баҳодир	Элчи амалдор Маҳама (Маҳмуд) ва бошқалар	отлар, шерлар, қоплонлар ва маҳаллий моллар
1415	Шоҳ Малик Баҳодир	Элчи Чжабухуа ва бошқалар	Қоплонлар, ғарб отлар, маҳаллий моллар
1417	«	элчи «	Отлар, маҳаллий моллар
1418	Шоҳ Малик Баҳодир	Элчи Аэрдуша (Ардашер) ва бошқалар	Машҳур отлар, қоплонлар
1419	«	Мус. Алихоши Амань (Али Хўжа Омон) ва бошқалар	Отлар

1420	«	Элчи «	Отлар
1422	Ҳамма давлатлар	Элчилар «	Отлар
<b>СЮАНЬ-ДЭ</b>			
1427	«	Тархан Ибулацзинь (Иброҳим) ва бошқалар	Отлар
1432	«	Элчи Фахуэрддин (Фахриддин) ва бошқалар	ишлар хусусида
«	Бошқа жойдан, Шайх Малик Мирзо	Элчи Масу (Мансур) ва бошқалар	Туялар, отлар, нефрит
1433	Бошқа жойдан	Элчи «	Саройга келдилар
«	Шайх Малик Султон ва бошқалар	Элчи Али Шашаньси	Отлар
<b>ШИЛАСЫ (ШЕРОЗ)ДАН</b>			
<b>ЮН-ЛЭ</b>			
1413	Бошқа жойдан	Элчи «	Отлар, ғарб отлари, қоплонлар ва бошқа моллар
1415	Бошқа жойдан, Иброҳим	Элчи «	Отлар, ғарб отлари, маҳаллий моллар
1419	Бошқа жойдан		Ғарб отлари, қоплонлар, шерлар ва бошқа моллар
1423	«	Элчи Али ва бошқалар	Отлар
<b>СЮАНЬ-ДЭ</b>			
1427	«	Али	Туялар, отлар, маҳаллий моллар
1431	«	Мус. Тархан Маҳмуд ва бошқалар	Маҳаллий моллар
<b>ХЕНЛОУ (ХИРОТ)ДАН</b>			
<b>ЧЖЭН-ТУН</b>			
1437	Бошқа жойдан, Шайх Малик Султон ва бошқалар	Элчи Хачжи Махама (Хужа Муҳаммад)	Отлар, туялар, маҳаллий моллар
<b>ЦЗИНЬ-ТАЙ</b>			
«	Бошқа жойдан (31 жой)	Ҳаммаси 101 киши	Туялар – 7, отлар – 247, мул – 12, эшак – 10, нефрит – 341 бўлак, нашатир – 76 қоп (япник)
1455	32 жойдан, Бабурван (Абул Қосим Бобур) ва бошқалар	Элчи «	Маҳаллий моллар ва отлар
<b>ТЯНЬ-ШУНЬ</b>			
1459	Бошқа жойдан	«	Совғалар
1463	Бошқа жойдан	Элчи Машебань	«
«	Маҳаллий	Элчи Маҳмуд	Маҳаллий моллар

	Мусайиван		
<b>ЧЭН-ХУА</b>			
1481	«	Элчи «	Шерлар
<b>НСҚФОХАНЪ (НСФАҲОН)ДАН</b>			
<b>ЮН-ЛЭ</b>			
1419	Бошқа жойдан	Элчи Махаму (Муҳаммад)	Ғарб отлари
<b>СИОАНЪ-ДЭ</b>			
1431	Бошқа жойдан	Элчи Мир Али (Мир Али)	Отлар ва маҳаллий моллар
1434	«	Мус. Мир Али ва бошқалар	Отлар ва туялар
<b>ЧЭН-ХУА</b>			
1491	«	Элчи «	Шерлар
«	Маҳаллий Султон Аҳмад ва бошқалар	«	Ғарб отлари, бошқа юртдан келтирилган пичоқлар ва бошқалар
<b>ТАШИХАНЪ (ТОШКЕНТ)ДАН</b>			
<b>ХУН-ЧЖИ</b>			
1500	бошқа жойдан	Элчи Мавлоно Алиқ ва Насуэрдин (Насридин) ва бошқалар	Совғалар

**Аждодларимизнинг исмбалари ва номлари  
(Бунда Абдуллоҳ Сааднинг «Ўрта Осиё олимлари қомуси»  
китобидаги маълумотлар асос бўлди)**

Т/р	Исмни шарифи	Печ-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва хунарга	Насл-насаб	Асли Қаерлик
1.	Ал-Оғизуний	2		Оғизуний				Бухоро
2.	Ал-Офироний	11		Офироно				Насаф
3.	Ал-Абгарий	2		Абгар				Самарқанд
4.	Ал-Атпандий	2		Атпанл				Насаф
5.	Ал-Ахсикатий	4	Ахсикат					Фарғона
6.	Ал-Арабжазий	2						Самарқанд
7.	Ал-Архасий	1		Архас				Самарқанд
8.	Ал-Арзакисний	1			Арзакисн			Бухоро
9.	Ал-Арфулувий	1		Арфулувий				Бухоро
10.	Ал-Азкисний	1			Азкисний			Бухоро
11.	Ал-Асбокалий	5	Асбопкас					Бухоро
12.	Ал-Асбаскасий	1		Асбаскасий				Самарқанд
13.	Ал-Истоний	2		Истон				Самарқанд
14.	Ал-Астарсаний	1	Астарсан					Фарғона
15.	Ал-Астуғодозий	4		Астуғодий за				Насаф
16.	Ал-Усрушаний	5	Усрушана					Самарқанд
17.	Ал-Исфаранжий	1		Исфаранж				Самарқанд
18.	Ал-Искораний	3		Искоран				Самарқанд
19.	Ал-Асмандий	1		Асманд				Самарқанд
20.	Ал-Исмайсий	1		Исмайс				Самарқанд
21.	Ал-Аштабдиғзакий	3			Аштабдиғза			Самарқанд
22.	Ал-Иштихоний	2		Иштихон				Самарқанд
23.	Ал-Усрушаний	1		Усрушана				Самарқанд
24.	Ал-Ушмийуний	2		Ушмийун				Бухоро
25.	Ал-Афрахший	2		Афрахш				Бухоро
26.	Ал-Афшавоний	2		Афшавон				Бухоро
27.	Ал-Анбардувий	1		Анбардуво п				Бухоро
28.	Ал-Анжофириний	1		Анжофирий н				Бухоро
29.	Ал-Андакий	2		Андақ				Бухоро
30.	Ал-Андадий	1		Андадий				Насаф
31.	Ал-Андакий	2		Андақ				Бухоро
32.	Ал-Андухоний	2		Андухон				Фарғона
33.	Ал-Аншамийсаптий	1		Аншамийса п				Насаф
34.	Ал-Анисуний	1		Анисуни				Бухоро
35.	Ал-Авданий	3		Авдана				Бухоро
36.	Ал-Ўзгандий	1	Ўзган					Фарғона
37.	Ал-Ўшый	4		Ўш				Фарғона
38.	Ал-Ийбсаный	3		Ийбсан				Насаф
39.	Ал-Ийзужий	1		Ийзуж				Самарқанд
40.	Ал-Илоқий	5	Илоқ					Тошкент
41.	Ал-Бобидастоний	1		Боби Дастон				Бухоро
42.	Ал-Бобиший	1		Ал-Бобиши				Бухоро
43.	Ал-Бобухисий	1			Бобу Кис			Самарқанд

Т/р	Исмн шарифи	Печ-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва ҳунарга	Насл-насаб	Асли Қарлик
44.	Ал-Бобӣй	2		Бобаҳ				Бухоро
45.	Ал-Ботикрувий	1		Ботикру				Хоразм
46.	Ал-Бодшӣй	1		Бодан				Бухоро
47.	Ал-Боробӣй	3	Бороб					Самарқанд
48.	Ал-Бордизӣй	2		Бордизаҳ				Бухоро
49.	Ал-Борискасӣй	1		Борискас				Тошкент
50.	Ал-Боркасӣй	1		Боркас				Самарқанд
51.	Ал-Бофӣй	1		Боф				Хоразм
52.	Ал-Бонабӣй	10		Бонаб				Бухоро
53.	Ал-Боёнӣй	1		Баён				Насаф
54.	Ал-Бутхазонӣй	1		Бутхазон				Насаф
55.	Ал-Бутанинӣй	2		Бутанин				Самарқанд
56.	Ал-Бужайрӣй	4		Бужайр				Самарқанд
57.	Ал-Бухорӣй	98	Бухоро					Бухоро
58.	Ал-Бадяхорӣй	1		Бадяхор				Бухоро
59.	Ал-Будаҳкасӣй	1		Будаҳкас				Тошкент
60.	Ал-Бадёнавий	1		Бадёна				Насаф
61.	Ал-Будайлӣй	2			Будайл			Бухоро
62.	Ал-Базихунӣй	1		Базихун				Бухоро
63.	Ал-Бароқадӣй	1		Бароқад				Бухоро
64.	Ал-Баронӣй	8		Барон				Бухоро
65.	Ал-Барҳушонӣй	1		Барҳушон				Фарғона
66.	Ал-Барҳодӣй	1		Барҳод				Самарқанд
67.	Ал-Бурсонӣй	1		Бурсон				Самарқанд
68.	Ал-Бурҳонӣй	2		Бурҳон				Бухоро
69.	Ал-Барфаҳинӣй	1		Барфаҳин				Бухоро
70.	Ал-Барқонӣй	2		Барқон				Хоразм
71.	Ал-Барқӣй	8			Барқ			Хоразм
72.	Ал-Барқадӣй	2		Барқад				Бухоро
73.	Ал-Пандзӣй	9			Пандза			Насаф
74.	Ал-Базғомӣй	1		Базғом				Насаф
75.	Ал-Бузмоқонӣй	1		Бузмоқон				Насаф
76.	Ал-Бисқосӣй	1		Бисқос				Бухоро
77.	Ал-Басқофӣр	1		Басқофӣр				Бухоро
78.	Ал-Басқатӣй	1	Басқат					Тошкент
79.	Ал-Буштонӣй	3		Буштон				Насаф
80.	Ал-Бусайрӣй	1			Бусайр			Бухоро
81.	Ал-Бағдзазқандӣй	1	Самарқанд					Самарқанд
82.	Ал-Бақрӣй	1			Бақр			Самарқанд
83.	Ал-Бампожқасӣй	3		Бампожқас				Бухоро
84.	Ал-Банокитӣй	3	Банокит					Самарқанд
85.	Ал-Банҷӣй	1		Банҷи				Самарқанд
86.	Ал-Банҷаҳитӣй	1		Банҷаҳит				Самарқанд
87.	Ал-Бунҷӣйқасӣй	1		Бунҷӣйқас				Самарқанд
88.	Ал-Бандӣймашӣй	1		Бандӣймаш				Самарқанд
89.	Ал-Банқатӣй	1		Банқат				Самарқанд
90.	Ал-Банқасӣй	1			Банқас			Тошкент
91.	Ал-Бурнамазӣй	1	Самарқанд	Бурнамаз				Самарқанд
92.	Ал-Буғӣй	1		Буғ				Термиз
93.	Ал-Байларӣй	1		Байлара				Бухоро
94.	Ал-Байронӣй	1	Насаф	Байрон				Насаф
95.	Ал-Байрамқасӣй	1		Байрамқас				Бухоро
96.	Ал-Байфоринӣй	1			Байфорин			Бухоро
97.	Ал-Пойқандӣй	12	Пойқанд					Бухоро
98.	Ал-Тобинӣй	2			Тобинза			Бухоро



Т/р	Исми шарифи	Печ-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Қасб-қор-ва хунарга	Насл-насаб	Асли Қадрлик
99.	Ат-Тодийий	1		Тодий				Бухоро
100.	Ат-Тодийий	1		Тодийга				Бухоро
101.	Ат-Тубоний	2		Тубон				Насаф
102.	Ат-Тахсонжасий	1		Тахсонжас				Самарқанд
103.	Ат-Тахсийжий	3		Тахсийж				Самарқанд
104.	Ат-Тадёний	3		Тадёна				Насаф
105.	Ат-Тарохий	1		Тароха				Бухоро
106.	Ат-Турбоний	1		Турбону				Бухоро
107.	Ат-Термизий	17	Термиз					Термиз
108.	Ат-Тариовазий	1		Тариавоз				Бухоро
109.	Ат-Туткидазий	1		Туткидаза				Самарқанд
110.	Ат-Тумуртоший	5		Тумуртош				Хоразм
111.	Ат-Тумушқасий	1		Тумашқас				Бухоро
112.	Ат-Танкатий	1	Танкат					Тошкент
113.	Ат-Тубаний	2		Тубан				Насаф
114.	Ат-Тузий	2		Туз				Самарқанд
115.	Ат-Тузияжий	1		Тузияж				Тошкент
116.	Ат-Тўсақосий	1		Тўсақос				Самарқанд
117.	Ат-Тупқасий	1		Тупқас				Тошкент
118.	Ат-Тиймакий	1	Самарқанд				Тиймақ хоши насли	Самарқанд
119.	Ас-Собитий	1	Бухоро				Собит аждоди	Бухоро
120.	Ал-Жожоний	2	Бухоро	Жожон				Бухоро
121.	Ал-Чоқардизий	1	Самарқанд		Чоқардиз а			Самарқанд
122.	Ал-Жубуний	1					Жубун насли	Бухоро
123.	Ал-Жидҳорий	1		Нур қишлоғи				Бухоро
124.	Ал-Жуходий	1	Бухоро	Жухода				Бухоро
125.	Ал-Жаҳзабий	1	Самарқанд	Жаҳзабий				Самарқанд
126.	Ал-Жадидий	1	Бухоро		Жадид			Бухоро
127.	Ал-Жикиллий	1			Жикил			Сирдарё
128.	Ал-Жунбазий	2				жунбаз		Бухоро
129.	Ал-Жундий	2						Бухоро
130.	Ал-Жундий	1	Фарғона				Асқар авлоди	Фарғона
131.	Ал-Жунайдий	1					Жунайид бобо авлоди	Бухоро
132.	Ал-Жуволқий	1				Жуволқ (хуржуи) тайёрлаб сотган		Бухоро
133.	Ал-Жавбакий	4			Жавбак			Насаф
134.	Ал-Жувалқий	1	Насаф		Жувалқ			Насаф
135.	Ал-Жийронхштий	1		Жийронхш				Бухоро
136.	Ал-Ҳоталбий	1					Ҳотал бобо авлоди	Насаф
137.	Ал-Ҳожиббий	3					Ҳожиб бобо авлоди	Фарғона
138.	Ал-Ҳосебий	1				Ҳисоб-		Самарқанд

Т/р	Неми шарифи	Печ-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор-ва ҳунарга китобчи	Насл-насаб	Асти Қарелик
139.	Ал-Ҳомидий	1					Ҳомид бобо	Насаф
140.	Ал-Ҳабобий	1					Ҳабоб бобо	Хоразм
141.	Ал-Ҳижжий	1				Ҳожи		Хоразм
142.	Ал-Ҳассобу	1				Ҳисоб-китобчи	Ҳолватлар	Бухоро
143.	Ал-Ҳолвой	3						Бухоро
144.	Ал-Ҳохасрий	3		Хохаср				Самарқанд
145.	Ал-Ҳовасий	3	Ховос					Сирдарё
146.	Ал-Ҳужодий	1		Ҳужода				Бухоро
147.	Ал-Ҳудобозий	2		Ҳудобоз				Бухоро
148.	Ал-Ҳудфароний	1		Ҳудфарон				Самарқанд
149.	Ал-Ҳудисарий	1	Самарқанд	Ҳудисар				Самарқанд
150.	Ал-Ҳудималкашй	4	Самарқанд	Ҳудималкашй				Самарқанд
151.	Ал-Ҳузандий	1		Ҳудисар-Ҳузанд				Самарқанд
152.	Ал-Ҳародий	1		Ҳародий				Бухоро
153.	Ал-Ҳартағий	1		Ҳартағ				Самарқанд
154.	Ал-Ҳарашкиний	1		Ҳарашки				Тошкент
155.	Ал-Ҳазъувий	3		Ҳазъув				Самарқанд
156.	Ал-Ҳаргонкасий	1		Ҳаргонкас				Бухоро
157.	Ал-Ҳармаканий	1		Ҳармакан				Самарқанд
158.	Ал-Ҳармаканий	1		Ҳармакан				Бухоро
159.	Ал-Ҳарурий	1		Ҳарур				Хоразм
160.	Ал-Ҳузорий	2		Ҳузор				Ҳузор (Насаф)
161.	Ал-Ҳузондий	2		Ҳузонд				Самарқанд
162.	Ал-Ҳузловий	1		Ҳузловий				Бухоро
163.	Ал-Ҳуноғрий	1		Ҳуноғир				Бухоро
164.	Ал-Ҳушминжакасий	2		Ҳушминжакас				Кеш
165.	Ал-Ҳушувфағаний	2		Ҳушувфаған				Самарқанд
166.	Ал-Ҳашувнижакасий	1		Ҳашувнижакас				Кеш
167.	Ал-Ҳаняндизий	1		Ҳаняндиза				Насаф
168.	Ал-Ҳамоний	1		Ҳамона				Фарғона
169.	Ал-Ҳумхайсарий	1		Ҳумхайсара				Бухоро
170.	Ал-Ҳумуракий	1		Ҳумурак				Тошкент
171.	Ал-Ҳумисаний	2		Ҳумисан				Самарқанд
172.	Ал-Ҳунбожий	1		Ҳунбож				Бухоро
173.	Ал-Ҳанбуний	2		Ҳанбун				Бухоро
174.	Ал-Ҳуломатий	1		Ҳуломатий				Бухоро
175.	Ал-Хоразмий	47	Хоразм					Хоразм
176.	Ал-Ҳўқандий	1	Ҳўқанд					Кўқон
177.	Ал-Ҳуважжоний	2		Ҳуважжон				Бухоро
178.	Ал-Ҳузъиний	1		Ҳузъин				Насаф
179.	Ал-Ҳайлаштирий	1		Ҳайлаштир				Самарқанд
180.	Ал-Ҳайзоҳузй	4		Ҳайзоҳуз				Бухоро
181.	Ал-Ҳайшоний	1		Ҳайшон				Самарқанд
182.	Ал-Ҳайломий	1		Ҳайлом				Фарғона
183.	Ал-Ҳайвакий	1		Ҳайвақ				Хоразм

Т/р	Исми шарифи	Печ-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва хунарга	Насл-насаб	Асли Қарлик
184.	Ал-Даббусий	9	Даббуса					Самарқанд
185.	Ал-Дужоканий	1		Дужокан				Самарқанд
186.	Ал-Дахфандуний	4		Дахфандун				Бухоро
187.	Ал-Дириздахий	2		Дириздах				Насаф
188.	Ал-Дарзионий	1		Дарзион				Самарқанд
189.	Ал-Дарғоний	1	Дарғон					Хоразм
190.	Ал-Дарғамий	1	Дарғам					Самарқанд
191.	Ал-Дувайдий	1	Бухоро	Дувайдий				Бухоро
192.	Ал-Даймасий	1	Бухоро	Даймас				Бухоро
193.	Ал-Жиззахий	5		Жиззахий				Жиззах
194.	Аз-Захкастий	1		Захкас				Тошкент
195.	Аз-Захнийнавий	1		Захнийнавай				Самарқанд
196.	Аз-Заръайний	1	Бухоро	Заръайна				Бухоро
197.	Аз-Заммо	1		Замма				Самарқанд
198.	Аз-Зийбадвоний	1		Зийбадвои				Бухоро
199.	Аз-Займуний	2		Займун				Бухоро
200.	Ар-Роғасрасаний	1		Роғасрасан о				Насаф
201.	Ар-Роғаний	1		Роған				Самарқанд
202.	Ар-Ромароний	2		Ромарон				Насаф
203.	Ар-Ромуший	2		Ромуш				Бухоро
204.	Ар-Романий	1		Романа				Бухоро
205.	Ар-Ромитоний	2		Ромитан				Ромитан
206.	Ар-Роҳибий	3					Роҳиб бобо	Насаф
207.	Ар-Робанжаний	2		Рабанж				Самарқанд
208.	Ар-Раҳсол	1	Самарқанд			Саёҳатчи		Самарқанд
209.	Ар-Рухшайузий	1		Рухшайуз				Термиз
210.	Ар-Рухийнуший	1		Рахийнуш				Самарқанд
211.	Ар-Раззоний	1		Раззон				Насаф
212.	Ар-Размозий	4		Размоз				Самарқанд
213.	Ар-Размазохий	2		Размазох				Бухоро
214.	Ар-Растағфирий	1		Растағфир				Самарқанд
215.	Ар-Рустағфаний	1		Рустағфан				Самарқанд
216.	Ар-Рашидий	1		Рашид				Самарқанд
217.	Ар-Риштоний	1		Риштон				Риштон (Фарғона)
218.	Ар-Разрозий	1		Разроз				Самарқанд
219.	Ар-Руфуний	1		Руфун				Самарқанд
220.	Ар-Рақундий	1		Рақунд				Самарқанд
221.	Ар-Руваборий	2		Рувабор				Тошкент
222.	Ар- Рувафағкандий	1		Рувафағка нд				Самарқанд
223.	Ар-Рудакий	1		Рудак				Самарқанд
224.	Ар-Рахашпий	1	Самарқанд	Рахашп				Самарқанд
225.	Ар-Рийғазмувий	1	Бухоро	Рийғазмун				Бухоро
226.	Ар-Раийений	1		Раийен				Насаф
227.	Ар-Рийвадий	1	Самарқанд	Рийвадд				Самарқанд
228.	Ар-Рийвадийий	1		Рийвадд				Бухоро
229.	Ар-Рийварсуний	1		Рийварсуц				Бухоро
230.	Ар-Рийвний	1	Бухоро		Рийв			Бухоро
231.	Аз-Зағарсаваний	1		Зағарсаван				Насаф
232.	Аз-Зомин	6	Зомин					Зомин (Жиззах)
233.	Аз-Зоварий	1		Зовар				Самарқанд
234.	Аз-Зоҳирий	2					Зоҳир	Бухоро

Т/р	Неми шарифи	Неч-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва ҳунарга	Насл-насаб	Асли Қаерлик
235.	Аз-Забағдувоний	1		Забағдувон			бобо	Бухоро
236.	Аз-Забитий	1				Забит (майин) соғувчи		Самарқанд
237.	Аз-Зарахсий	2		Зарахс				Бухоро
238.	Аз-Заргароний	1		Заргарон				Самарқанд
239.	Аз-Зармоний	1		Зармон				Самарқанд
240.	Аз-Зарағжаро	5		Зарағжаро				Бухоро
241.	Аз-Зарувдизако	1		Зарувдизак о				Самарқанд
242.	Аз-Зиррий	1					Зирр бобо	Бухоро
243.	Аз-Зағриймоший	1		Зағриймош				Самарқанд
244.	Аз-Законий	1		Закоп				Самарқанд
245.	Аз-Замашарий		Хоразм	Замашар				Хоразм
246.	Аз-Заммайба	3	Замму					Термиз
247.	Аз-Зандя	2		Занду				Бухоро
248.	Аз-Зандармийсапий	1		Зандармийсап				Бухоро
249.	Аз-Занданпий	5		Зандана				Бухоро
250.	Аз-Зандиноий	1		Зандино				Насаф
251.	Аз-Зулпий	1		Зулп				Бухоро
252.	Аз-Зайкуний	1		Зайку				Бухоро
253.	Аз-Зайнобий	2					Зайн бобо	Бухоро
254.	Ас-Соботий	2	Собот					Самарқанд
255.	Ас-Сорақуший	1		Сорақул				Бухоро
256.	Ас-Соғаржий	1		Соғарж				Самарқанд
257.	Ас-Сафардазий	1		Сафардаз				Хоразм
258.	Ас-Соқабдуёзавий	1		Соқабдуёз				Насаф
259.	Ас-Сомоний	5			Сомон			Самарқанд
260.	Ас-Сатжадий	1		Сатжан				Насаф
261.	Ас-Савақоний	1		Савақон				Хоразм
262.	Ас-Сиборо	3		Сиборо				Бухоро
263.	Ас-Сабзбуний	3		Сабзбун				Бухоро
264.	Ас-Субизғукий	1		Субизғук				Бухоро
265.	Ас-Сибайро	2		Сабиро				Бухоро
266.	Ас-Сутийфағний	1		Сутийфағна				Бухоро
267.	Ас-Сутийқаний	1		Сутийқан				Бухоро
268.	Ас-Ситжаро	1		Ситжаро				Бухоро
269.	Ас-Сардарий	2		Сардарн				Бухоро
270.	Ас-Сурмора	7		Сурморо				Бухоро
271.	Ас-Сувдий	3		Сувд				Самарқанд
272.	Ас-Сақоний	1		Сақон				Самарқанд
273.	Ас-Сақбийний	1		Сақбийн				Бухоро
274.	Ас-Сақажжасий	2		Сақажжас				Бухоро
275.	Ас-Сақаний	2					Сақан бобо	Бухоро
276.	Ас-Сулаймоший	1					Сулаймон бобо	Пойкеитт (Бухоро)
277.	Ас-Самарқандий	65	Самарқанд					Самарқанд
278.	Ас-Самъоний	3	Самарқанд				Самъон бобо	Самарқанд

Т/р	Исмн шарифи	Неч-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-корва хунарга	Пасл-насаб	Асли Қарлик
279.	Ас-Самий жанний	1		Самий жағ				Самарқанд
280.	Ас-Санжадидзакӣй	2	Самарқанд		Санжадидза			Самарқанд
281.	Ас-Санжафиний	1		Санжафин				Самарқанд
282.	Ас-Санкабосий	4		Санкабос				Самарқанд
283.	Ас-Саифафийзакӣй	1		Саифафийза				Самарқанд
284.	Ас-Сунний	3				Сунна одати		Бухоро
285.	Ас-Суводий	1		Суводийга				Насаф
286.	Ас-Субахий	3		Субах				Насаф
287.	Ас-Сутаханий	1		Сутахат				Бухоро
288.	Ас-Сунажий	1		Сунаж				Насаф
289.	Ас-Сувайқий	1				Бозор олди-сотди		Самарқанд
290.	Ас-Сибро	2		Сибро				Бухоро
291.	Аш-Шобажний	1		Шобажп				Самарқанд
292.	Аш-Шошй	15	Тошкент					Тошкент
293.	Аш-Шомий	1				Бухоролик фақиҳ илми олимлари		Бухоро
294.	Аш-Шоважтй	1	Бухоро				Шавожа бобо	Бухоро
295.	Аш-Шовахроний	1	Насаф	Шовахрон				Насаф
296.	Аш-Шовазорий	1			Шовазор			Самарқанд
297.	Аш-Шовакасий	1	Шовакас					Тошкент
298.	Аш-Шоҳидий	1					Шоҳид бобо	Насаф
299.	Аш-Шохувий	1	Самарқанд				Шохувайғ бобо	Самарқанд
300.	Аш-Шиблий	3		Шиблия				Самарқанд
301.	Аш-Шаҳохий	1		Шаҳох				Тошкент
302.	Аш-Шарғий	8		Шарғ				Бухоро
303.	Аш-Шарғийнй	1		Шарғийн				Насаф
304.	Аш-Шаракданй	4					Шаракдан бобо	Самарқанд
305.	Аш-Шоқоний	3		Шоқон				Бухоро
306.	Аш-Шикистоний	1		Шикистон				Самарқанд
307.	Аш-Шамийдзакӣй	1	Самарқанд	Шамийдиза				Самарқанд
308.	Аш-Шанжий	1	Бухоро				Шанж бобо	Бухоро
309.	Аш-Шавоий	1		Шаво				Самарқанд
310.	Аш-Шуханокӣй	3	Самарқанд	Шуханок				Самарқанд
311.	Аш-Шурабоний	1	Насаф	Шурабон				Насаф
312.	Аш-Шумоний	2	Соғдиён					Хоразм
313.	Аш-Шнёнй	1		Шнён				Бухоро
314.	Аш-Шайрағовшунний	1		Шайрағовшун				Бухоро
315.	Аш-Шармағулий	3		Шармағул				Насаф
316.	Аш-Шармақоний	4		Шармақон				Насаф
317.	Аш-Ширкасий	3		Ширкас				Насаф
318.	Аш-Ширвоний	7		Ширвон				Бухоро
319.	Аш-Ширувий	1					Ширувий бобо	Насаф
320.	Аш-Шайшаҳий	1		Шайшаҳ				Термиз

Т/р	Исмн шарифи	Неч-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор-ва ҳунарга	Насл-насаб	Асли Қадрлик
321.	Ас-Соғаржий	2	Самарқанд	Соғарж				Самарқанд
322.	Ас-Сойиний	1			Ас-Соға			Насаф
323.	Ас-Сарром	1	Бухоро			Ковуш сотувчи		Бухоро
324.	Ас-Сарминжабий	2		Сарминжон				Термиз
325.	Ас-Сағоний	9	Соғон					Термиз
326.	Ас-Суддий	7	Суддон					Бухоро
327.	Ас-Саффор	5	Бухоро			Мисдан ясалган буюмларни сотувчи		Бухоро
328.	Ат-Торобий	2	Бухоро	Тароб				Бухоро
329.	Ат-Толибий	2					Толиб бобо	Насаф
330.	Ат-Тоҳирий	2					Тоҳир бобо	Хоразм
331.	Ат-Табархазий	1						Хоразм
332.	Ат-Тархуний	4		Тархуний			Тархун бобо	Бухоро
333.	Ат-Турвохий	1		Турвохо				Бухоро
334.	Ат-Тоғаний	1		Тоғома				Бухоро
335.	Ат-Тавовийсий	1			Тавовийсе			Бухоро
336.	Ат-Тусий	3		Тус				Бухоро
337.	Ат-Тухуний	2						Тухун бобо
338.	Ал-Обидий	1					Обид бобо	Самарқанд
339.	Ал-Одлий	1	Бухоро				Одил бобо	Бухоро
340.	Ал-Осимий	1	Бухоро				Осим бобо	Бухоро
341.	Ал-Арбобий	1	Самарқанд			Кийим сотувчи		Самарқанд
342.	Ал-Абқий	1	Бухоро				Абқ бобо	Бухоро
343.	Ал-Итобий	2	Бухоро					Бухоро
344.	Ал-Атқий	4	Хоразм				Атқ бобо	Хоразм
345.	Ал-Ажнасий	4	Бухоро				Ажнас бобо	Бухоро
346.	Ал-Алтубий	2	Самарқанд				Алтубий бобо	Самарқанд
347.	Ал-Имроний	2	Насаф	Имроний				Насаф
348.	Ал-Ипабий	1	Бухоро			Узуғ сотувчи		Бухоро
349.	Ал-Аллобий	3	Бухоро		Ал-Аллобий			Бухоро
350.	Ал-Иёдий	1	Самарқанд				Иёд бобо	Самарқанд
351.	Ал-Айшоний	1		Айшон				Бухоро
352.	Ал-Ғоффарий	3	Самарқанд		Ғоффар			Самарқанд
353.	Ал-Ғиждувий	3		Ғиждуви				Бухоро
354.	Ал-Ғадоний	1		Ғадон				Бухоро
355.	Ал-Ғузавий	1	Самарқанд		Ғузават			Самарқанд
356.	Ал-Ғузашиварданий	1		Ғузашивардар				Бухоро

Т/р	Исмн шарифи	Печ-та	Шаҳар	Қишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва хунарга	Насл-насаб	Асли Қабрилик
357.	Ал-Фардиёнӣ	1		Фардиён				Насаф
358.	Ал-Ғурмийнавий	1		Ғурмийна				Самарқанд
359.	Ал-Ғазакӣ	3		Ғазак				Фарғона
360.	Ал-Ғазнаёнӣ	2		Ғазнаён				Бухоро
361.	Ал-Ғазийназӣ	1		Ғазийназ				Хоразм
362.	Ал-Ғундонӣ	1		Ғундон				Самарқанд
363.	Ал-Ғашийдӣ	1		Ғашийд				Бухоро
364.	Ал-Ғулжор	1	Бухоро				Ғулжор бобо	Бухоро
365.	Ал-Ғулжийрий	2		Ғулжийр				Самарқанд
366.	Ал-Ғулдобӣ	1	Марғистон		Ғулдоб			Фарғона
367.	Ал-Ғубдинӣ	7		Ғубдин				Насаф
368.	Ал-Ғуражкӣ	1		Ғуражк				Самарқанд
369.	Ал-Ғурашкӣ	1		Ғурашк				Самарқанд
370.	Ал-Ғиштӣ	2		Ғиштӣ				Бухоро
371.	Ал-Ғоробӣ	10		Ғороб				Бухоро
372.	Ал-Ғоригжий	1	Бухоро		Ғоригжак			Бухоро
373.	Ал-Ғоригзӣ	3	Бухоро		Ғоригза			Бухоро
374.	Ал-Ғоншукӣ	1	Бухоро	Ғоншук				Бухоро
375.	Ал-Ғоғӣ	2	Самарқанд	Ғоғ				Самарқанд
376.	Ал-Ғолпий	1		Ғолпи				Бухоро
377.	Ал-Ғоробӣ	1	Самарқанд	Ғароб				Самарқанд
378.	Ал-Ғуровий	4	Фарова					Хоразм
379.	Ал-Ғирабрӣ	6	Ғирабр					Хоразм
380.	Ал-Ғаражонӣ	1		Ғаржаё				Самарқанд
381.	Ал-Ғарахшӣ	3		Ғарахшо				Бухоро
382.	Ал-Ғархуздийзажӣ	2		Ғархуздийза				Насаф
383.	Ал-Ғардалий	1		Ғардад				Самарқанд
384.	Ал-Ғарзомийсанӣ	1	Самарқанд		Ғарзомийсан			Самарқанд
385.	Ал-Ғарғонӣ	16	Фарғона					Фарғона
386.	Ал-Ғарманкӣ	2	Бухоро				Ғарманк бобо	Бухоро
387.	Ал-Ғаранқадӣ	4		Ғаранқад				Самарқанд
388.	Ал-Ғарнийфасонӣ	1	Хоразм	Ғарнийфасон				Хоразм
389.	Ал-Ғашний	2		Ғашна				Бухоро
390.	Ал-Ғашнийдизаӣ	1	Бухоро	Ғашнийдиза				Бухоро
391.	Ал-Ғазлий	4	Бухоро				Ғазд бобо	Бухоро
392.	Ал-Ғарғондизӣ	1	Бухоро	Ғарғондизӣ				Бухоро
393.	Ал-Ғағлийрий	1	Бухоро	Ғағлийр				Бухоро
394.	Ал-Ғағлийний	1	Бухоро	Ғағлийн				Бухоро
395.	Ал-Ғиғиштӣ	1					Ғиғишт бобо	Бухоро
396.	Ал-Ғағийдазӣ	2	Самарқанд		Ғағийдаза			Самарқанд
397.	Ал-Ғағийтусинӣ	2	Бухоро	Ғағийтусин				Бухоро
398.	Ал-Ғуқоъий	2	Самарқанд			Айрон сотувчи		Самарқанд
399.	Ал-Ғанқадӣ	1	Насаф	Ғанқад				Насаф
400.	Ал-Ғанкӣ	1	Самарқанд	Ғанк				Самарқанд
401.	Ал-Ғаннувайӣ	1	Насаф				Ғаннувай бобо	Насаф

Т/р	Исмн шарифи	Неч-та	Шаҳар	Ҷишлоқ	Маҳалла	Қасб-қор ва ҳунарга	Насл-насаб	Асли Қарлик
402.	Ал-Фурворий	2		Фурфора				Самарқанд
403.	Ал-Фаллос	1	Бухоро			Сотувчи		Бухоро
404.	Ал-Фаёзасуний	1		Фаёзасуи				Бухоро
405.	Ал-Фийжакасний	3	Насаф	Фийжакас				Насаф
406.	Ал-Файйий	1	Самарқанд	Файйий				Самарқанд
407.	Ал-Қубовий	8	Қубо					Фарғона
408.	Ал-Қабовий	1	Самарқанд		Қабоб			Самарқанд
409.	Ал-Қудайдий	1	Бухоро	Қудайд				Бухоро
410.	Ал-Қариний	1	Насаф				Қариний бобо	Насаф
411.	Ал-Қузғундий	1		Қузғунд				Самарқанд
412.	Ал-Қассоб	2	Бухоро			Қассоб		Бухоро
413.	Ал-Қассорий	1	Хоразм			Тикувчи		Хоразм
414.	Ал-Қисоъий	1		Қисоъ				Самарқанд
415.	Ал-Қасрий	1	Самарқанд		Қаср			Самарқанд
416.	Ал-Қатавоний	6	Самарқанд	Қатавон				Самарқанд
417.	Ал-Қаиффол	1	Тошкент			Қулфеоз		Тошкент
418.	Ал-Қазлос	5	Қазлос					Насаф
419.	Ал-Қангарий	3	Самарқанд	Қангара				Самарқанд
420.	Ал-Қухандий	5	Бухоро		Қухандиз			Бухоро
421.	Ал-Қайсарий	1	Самарқанд				Қайсар бобо	Самарқанд
422.	Ал-Қожарий	3		Қожар				Насаф
423.	Ал-Қахундувоний	1		Қахундувон				Бухоро
424.	Ал-Қорзаний	3	Самарқанд	Қорзан				Самарқанд
425.	Ал-Қосоний	5		Қосон				Наманган
426.	Ал-Қосоний	4		Қосон				Насаф
427.	Ал-Қошон	32	Қошон					Самарқанд
428.	Ал-Қошғарий	6		Қошғарий				
429.	Ал-Қоғазий	2				Қоғоз тайёрлаб сотувчилар		Самарқанд
430.	Ал-Қогоний	3		Қогон				Бухоро
431.	Ал-Қомидий	2		Қомид				Бухоро
432.	Ал-Қомиллий	1					Қомил бобо	Насаф
433.	Ал-Қояшқаший	1		Қояшқан				Бухоро
434.	Ал-Қубиндавий	5		Қубинда				Насаф
435.	Ал-Қабузанижакасний	4		Қабузанижакас				Самарқанд
436.	Ал-Қабузий	2	Самарқанд				Қабуз бобо	Самарқанд
437.	Ал-Қабирий	1	Хоразм	Қабира				Хоразм
438.	Ал-Қассаи	1	Бухоро	Қасса				Бухоро
439.	Ал-Қасавий	1	Бухоро	Қаса				Бухоро
440.	Ал-Қадкий	1	Самарқанд		Қадк			Самарқанд
441.	Ал-Қаданций	1	Самарқанд	Қадан				Самарқанд
442.	Ал-Қарларий	2		Қарлар				Хоразм
443.	Ал-Гурганжий	4	Гурганжония					Насаф
444.	Ал-Қармужийиний	2	Насаф	Қармужийиний				Насаф
445.	Ал-Қарманий	9	Қармана					Бухоро
446.	Ал-Қисоний	2	Бухоро			Қисоний		Бухоро



Т/р	Исми шарифи	Печ-та	Шаҳар	Ҷишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва хунгарга	Исла-насаб	Асли Қаррлик
447.	Ал-Касбавий	11		Касба				Насаф
448.	Ал-Киссий	6	Кисса					Самарқанд
449.	Ал-Кушоний	11	Самарқанд	Кушон				Самарқанд
450.	Ал-Кафисавоний	1		Кафисавон				Бухоро
451.	Ал-Куфиний	1		Куфин				Бухоро
452.	Ал-Калободий	5	Бухоро		Каллобод			Бухоро
453.	Ал-Каморий	2		Камаро				Бухоро
454.	Ал-Камаржий	4	Самарқанд	Камаржа				Самарқанд
455.	Ал-Камардий	1	Самарқанд	Камард				Самарқанд
456.	Ал-Камарий	1	Бухоро	Камара				Бухоро
457.	Ал-Каманжисий	1		Каманжа				Бухоро
458.	Ал-Камандий	1		Каманда				Самарқанд
459.	Ал-Китоний	1	Бухоро				Китон бобо	Бухоро
460.	Ал-Кундий	1		Кунда				Самарқанд
461.	Ал-Кандасарвоиний	1	Бухоро	Кандасарвоин				Бухоро
462.	Ал-Кандукиний	1		Кандукин				Самарқанд
463.	Ал-Кундикасий	1		Кундикас				Самарқанд
464.	Ал-Канваний	1	Самарқанд		Канван			Самарқанд
465.	Ал-Кузний	1					Куз бобо	Бухоро
466.	Ал-Касадоний	1		Касадон				Самарқанд
467.	Ал-Кушоний	3		Кушон				Самарқанд
468.	Ал-Лаббот	1	Бухоро			Кипиз согувчилар		Бухоро
469.	Ал-Лаксий	1	Лакз					Термиз
470.	Ал-Лол	1	Самарқанд			Дур согувчи		Самарқанд
471.	Ал-Ломиний	1		Ломин				Фарғона
472.	Ал-Лободий	2	Самарқанд		Лоббодин			Самарқанд
473.	Ал-Луғлуғий	1	Насаф			Маржон согувчи		Насаф
474.	Ал-Лайсий	1	Бухоро				Лайс бобо	Бухоро
475.	Ал-Мотритий	3	Самарқанд		Мотрит			Самарқанд
476.	Ал-Можрамий	3		Можрам				Самарқанд
477.	Ал-Можандий	1	Самарқанд	Можандон				Самарқанд
478.	Ал-Мохий	4	Бухоро		Мох			Бухоро
479.	Ал-Моҳаккий	1	Бухоро				Моҳак бобо	Бухоро
480.	Ал-Модарий	2	Самарқанд				Модаро бобо	Самарқанд
481.	Ал-Мостиний	3		Мостин				Бухоро
482.	Ал-Маймурғий	5		Маймурғ				Бухоро
483.	Ал-Маттай	4		Маттай				Насаф
484.	Ал-Мажубсиний	2		Мажубсин				Бухоро
485.	Ал-Мажубсий	1		Мажубс				Бухоро
486.	Ал-Маждувоний	3		Маждувон				Насаф
487.	Ал-Маждуний	1		Маждун				Бухоро
488.	Ал-Муҳасиб	3	Бухоро			Савдода тош-тарозуларни текширувчи		Бухоро
489.	Ал-Маҳмудий	3	Бухоро				Маҳмуд бобо	Бухоро
490.	Ал-Мадёнкасий	1	Бухоро	Мадёни				Бухоро

Т/р	Исмн шарифи	Печ-та	Шаҳар	Ҷишлоқ	Маҳалла	Касб-кор-ва ҳунарга	Насл-насаб	Асли Қадрлик
491.	Ал-Мадиний-Ал-Бухорий	3	Бухоро шаҳрига нисбат					Бухоро
492.	Ал-Мадиний ас-Самарқандий	10	Самарқанд шаҳрига нисбат					Самарқанд
493.	Ал-Мадиний аш-Насафий	2	Насаф шаҳрига нисбат					Насаф
494.	Ал-Мазъмажакасий	1	Самарқанд	Мазъмажак ас				Самарқанд
495.	Ал-Мазъиканий	1	Бухоро	Мазъикан				Бухоро
496.	Ал-Маробитий	1	Бухоро			Чегарачилар		Бухоро
497.	Ал-Марожимий	1	Бухоро			Қозон ясовчилар		Бухоро
498.	Ал-Мураббаъай	1	Самарқанд		Мураббаъа			Самарқанд
499.	Ал-Мирзиботий	1	Самарқанд				Мирзи-бон бобо	Самарқанд
500.	Ал-Мурзний	1		Мурзи				Бухоро
501.	Ал-Мирзиботий	1		Мирзибон				Насаф
502.	Ал-Марғубний	2		Марғуби				Бухоро
503.	Ал-Марғиботий	11	Марғибот					Фарғона
504.	Ал-Марағоний	2		Марағон				Бухоро
505.	Ал-Мушай	2		Мушай				Самарқанд
506.	Ал-Мазъувайй	1		Мазъуво				Самарқанд
507.	Ал-Мустанғирий	3	Насаф				Мустанғир бобо	Насаф
508.	Ал-Мустаммий	3	Бухоро	Мустаммий		Уламолардан ҳадис эшитиб, ёниб олувчи бухороликлар		Бухоро
509.	Ал-Мисноний	1	Насаф	Миснон				Насаф
510.	Ал-Муғлафий	1	Бухоро			Ғафат муснад ҳадисларни излаган бухороликлар		Бухоро
511.	Ал-Маъсудий	3					Маъсуд бобо	Самарқанд
512.	Ал-Маъруфий	1	Бухоро				Маъруф бобо	Бухоро
513.	Ал-Маъқоний	3		Маъқон				Бухоро
514.	Ал-Муқопний	1	Самарқанд					Самарқанд
515.	Ал-Малтайй	1	Бухоро					Бухоро
516.	Ал-Малоҳимий	3	Бухоро				Бухоролик дoston битувчи	Бухоро
517.	Ал-Муаббир	3				Тушлар таъбирини айтувчилар		Бухоро
518.	Ал-Мувафий	1	Насаф	Мувои				Насаф
519.	Ал-Мулавий	1	Насаф	Мулаво				Насаф

Т/р	Исем шарифи	Печ-та	Шаһар	Ҷишлоқ	Маҳалла	Қасб-қор-ва хунарга	Пасл-насаб	Асли Қадрлик
520.	Ал-Майдоний	2	Бухоро		Дар-Майдон			Бухоро
521.	Ал-Мийғий	2		Мийғ				Бухоро
522.	Ал-Мийғаний	1		Мийған				Самарқанд
523.	Ал-Миний	1		Минг				Насаф
524.	Ал-Нофасий	1		Нофас				Самарқанд
525.	Ал-Нажокасий	1		Нажокас				Тошкент
526.	Ал-Нужонайкасий	2		Нужонайкас				Самарқанд
527.	Ал-Наҳлий	2		Наҳл				Бухоро
528.	Ал-Нахшабий	2	Нахшаб					Насаф
529.	Ал-Назирий	1	Насаф				Назир бобо	Насаф
530.	Ал-Наршахий	3		Наршах				Бухоро
531.	Ал-Насафий	22	Насаф					Насаф
532.	Ал-Нуҳодий	1	Фарғона				Нуҳод бобо	Фарғона
533.	Ал-Нақоз	1	Тошкент			Тугма, илгак ясовчилар		Тошкент
534.	Ал-Наққол	1	Хоразм			Китоб элтиб берувчилар		Хоразм
535.	Ал-Нақабуний	2		Нақабун				Бухоро
536.	Ал-Навойий	3		Наво				Самарқанд
537.	Ал-Нубағий	1		Нубағ				Хоразм
538.	Ал-Нужобозий	3	Бухоро	Нужобоз				Бухоро
539.	Ал-Нуҳий	6	Насаф				Нуҳ бобо	Насаф
540.	Ал-Навахасий	2		Навахас				Бухоро
541.	Ал-Нурий	13		Нур				Бухоро
542.	Ал-Нузободий	1		Нузобоз				Бухоро
543.	Ал-Нузакосий	1	Нузакос					Хоразм
544.	Ал-Навфарий	1		Навфар				Бухоро
545.	Ал-Навқандий	6		Навқанд				Насаф
546.	Ал-Навқадкий	1		Навқадқак				Самарқанд
547.	Ал-Нухандий	1	Самарқанд	Нуханд				Самарқанд
548.	Ал-Навандий	1	Самарқанд		Наванд			Самарқанд
549.	Ал-Нисезакий	1	Карманта (Нисеза)					Бухоро
550.	Ал-Нисезавий	2	Насаф	Нисезо				Насаф
551.	Ал-Вобакний	3	Бухоро	Вобакна				Бухоро
552.	Ал-Восиллий	1	Бухоро				Восил бобо	Бухоро
553.	Ал-Воззий	1		Возз				Самарқанд
554.	Ал-Вонзий	1	Бухоро				Вонз бобо	Бухоро
555.	Ал-Вазорий	6		Вазор				Самарқанд
556.	Ал-Варозий	1		Варозон				Насаф
557.	Ал-Варсиний	1		Варсин				Насаф
558.	Ал-Варудоний	1		Варудона				Бухоро
559.	Ал-Варзоний	3	Бухоро	Варзон				Бухоро
560.	Ал-Варсаноний	1	Самарқанд	Варсантон				Самарқанд
561.	Ал-Варсаниний	2	Самарқанд	Варсанни				Самарқанд
562.	Ал-Варғажаний	3		Варғажан				Насаф
563.	Ал-Варғасарий	3		Варғасар				Самарқанд

Т/р	Неми шарифи	Неч-та	Шаҳар	Ҷишлоқ	Маҳалла	Касб-кор ва ҳунарга	Насл-насаб	Асли Қадрлик
564.	Ал-Варақулӣ	1		Варақул				Самарқанд
565.	Ал-Варқай	6	Бухоро	Варқа				Бухоро
566.	Ал-Возоғрӣ	1	Самарқанд	Возоғр				Самарқанд
567.	Ал-Вазғажӣ	1		Вазғаж				Насаф
568.	Ал-Вазвӣнӣ	1	Бухоро	Вазвӣнӣ				Бухоро
569.	Ал-Васӣжӣ	1		Васӣж				Насаф
570.	Ал-Валидӣ	1					Валида й бобо	Бухоро
571.	Ал-Ванажӣ	1		Вана				Насаф
572.	Ал-Ванандунӣ	1		Ванандун				Бухоро
573.	Ал-Ванусонӣ	1					Ванусон бобо	Насаф
574.	Ал-Вануғонӣ	1		Вануғон				Бухоро
575.	Ал-Вануғажӣ	1		Вануғаж				Бухоро
576.	Ал-Вайбавдӣ	1		Вайбавло				Бухоро
577.	Ал-Хазораспӣ	2	Хазорасп					Хоразм
578.	Ал-Еғвӣ	2					Ена бобо	Насаф
579.	Ал-Ялоҳқасӣ	1		Ялоҳқас				Фарғона
580.	Ал-Яздозӣ	2	Насаф					Насаф
581.	Ал-Ясирқасӣ	2		Ясирқас				Самарқанд
582.	Ал-Яшқурӣ	3	Хоразм		Вато			Хоразм
583.	Ал-Юҳашунӣ	2		Юҳашун				Бухоро
584.	Ал-Яғтавӣ	4	Насаф	Яғто				Насаф
585.	Ал-Юғтавӣ	3		Юғто				Насаф
586.	Ал-Юғтақӣ	1	Самарқанд	Юғтақ				Самарқанд

## Эътироф фалсафаси

*Бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тап олиниши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг гурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.*

**И.Каримов**

1. Муқаддас китоб «Авесто»- Ўзбекистон ҳудудига ёзилган.
2. Биринчи файласуф – Анахарсис - Ўзбекистон фарзанди.
3. Юнонлар «Етти донишманд»нинг бири бири сифатида Ўзбекистон фарзанди Анахарсисни кўрсатишган.
4. Биринчи файласуф – Анахарсис – Ўзбекистон фарзандига Юнонистонда ҳайкал қўйилган.
5. Инсоният цивилизациясининг XI асри «Берунний асри» ҳисобланади. (Америкалик фан тарихчиси Съртон)
6. Алфраганус – Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний
7. Муслмонларнинг эътиқодини тузатувчи – Абу Масур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий
8. «Бурҳониддин ва мила» – Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозаҳ ал-Бухорий ал-Марғинович ал-Ҳанафий
9. «Дин ва миллатнинг ҳужжати» - Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозаҳ ал-Бухорий ал-Марғинович ал-Ҳанафий
10. «Баҳоуддин Балогардон» – Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий.
11. XVI асрда Шарқ астрономия фани асосини яратганлиги эътирофи нуқтан назаридан Ойда кашф этилган кратерлардан бири Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний номига қўйилган. Бу астроном Ян Гевелийнинг 1647 йилда нашр қилинган «Селенография» китобида кўрсатилган.
12. XVI асрда Шарқнинг астрономия фани асосини яратганлиги эътирофи нуқтан назаридан Ойда кашф этилган кратерлардан бири Мирзо Улуғбек номига қўйилган. Бу астроном Ян Гевелийнинг 1647 йилда нашр қилинган «Селенография» китобида кўрсатилган.
13. Авцинна – Ал-Ҳусайн ал- Ҳаким ал-Бухорий – Абу Али Шайху-р-раис ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино – Абу Али ибн Сино.
14. Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕКСО томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди.
15. Бельгияда Абу Али ибн Синога ҳайкал қўйилган.

16. Латвияда Мирзо Улугбекка ҳайкал қўйилган.
17. Россияда (Москва) Алишер Навоийга ҳайкал қўйилган.
18. Японияда (Токио) Алишер Навоийга ҳайкал қўйилган.
19. Озарбайжонда (Боку) Алишер Навоийга ҳайкал қўйилган.
20. Мисрда (Қоҳира) Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийга ҳайкал қўйилган.
21. Алгоритм – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий.
22. Устод ул-араб ва аҷам – араблар ва ғайри араблар устози - Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий (1075-1144).
23. Фахр ул-Хоразм – Хоразм фахри - Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий. Замахшарий «Ва инни фи Хваразм каабат ул-адаб» , яъни «Чиндан ҳам мен Хоразмда алиблар учун бир каъбаман», деб ёзган.
24. Жоруллоҳ – Аллоҳнинг қўшиниси - Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий.
25. Ал-муаллим ус-соний – «Иккинчи муаллим» – Абу Наср Узлуқ ибн Тархон ал-Форобий.
26. «Аш-шайх ал-Бухорий» - «Бухорий шайх» - Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бухорий, ал-Ҳанафий (1146 й. ваф.эт.).
27. Учинчи муаллим – Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино.
28. «Шайх ур-ранс» - Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино.
29. Боласағуний - Буток хонининг маҳсуе маълаҳатчиси - Юсуф Боласағуний Хос Ҳожиб.
30. Ал-Мавлавий - Муҳаммад Шариф ал-Бухорий (1697 й. ваф.эт.).
31. Дониш – Донишманд - Аҳмад Дониш (1827-1897).
32. Нажмиддин – Диннинг юлдузи – Нажмиддин Кубро – Аҳмад ибн Умар Абул Жанноб Нажмиддин Кубро ал-Хивакӣ ал-Хоразмий.
33. Кубро – Улуг – Нажмиддин Кубро.
34. Ал-Жаллоб – Абу Мусо Исо Абдақ ибн Ҳаммад, яна манбаларда ибн Абдо Ибн Абдуллоҳ ал-Абдий ал-Фарзомийсанӣ (Самарқанд).
35. Шайх ул-ислом - Атоуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий (1798 й.ваф.эт.), ҳуқуқшунос олим.
36. Алийу-т-тож Хожан Азизон - Али Ромитаний Бухорий(322ҳ.в.э).
37. «Ал-Аҳмад» – «Олтин тахт» соҳиб – Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Таъғж ибн Жафф ибн Хоқон ал-Фарғоний (Миср, Шом ва Ҳижоз ҳукмдори бўлган).
38. Европада Амир Темурга олтиндан ҳайкал ўрнатилиб унга «Европа холоскоп-рига» деб ёзилган.
39. ЮНЕСКО ташкилоти Абу Али ибн Сино номидаги медал таъсис қилган.
40. «Қуёш шаҳри» – Бухоро.
41. «Абадий барҳаёт шаҳар» – Самарқанд.
42. «Мадийнат ур-рижол» – «Мардлар шаҳри» – Термиз.
43. «Илму адаб куббаси» – Шаҳрисабз.

44. «Шарқ дарвозаси» – Тошкент.
45. «Қуббат ул-ислом» – Андижон.
46. Ислол маданиятининг пойтахти – Тошкент.
47. «Қуббатул ислом» – «Ислол дининг гумбазин» – Бухоро.
48. «Дониш – Ўрта Осиё жадидларининг отаси» (Е.Бертельс).
49. Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги (1996 йил 24 октябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
50. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги (1997 йил 19 октябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
51. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги (1997 йил 20 октябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
52. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий (810-870) мажмуасининг очилиши (1998 йил 3 сентябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
53. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиши (1998 йил 24 октябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
54. Султон Жалолиддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги (1999 йил 5 ноябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
55. «Алпоминш» достонининг 1000 йиллиги (1999 йил 6 ноябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
56. Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозаҳ ал-Бухорий ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги (2000 йил 16 ноябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
57. Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий таваллудининг 1130 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.
58. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги (2002 йил 2 апрель) халқаро миқёсда нишонланди.
59. Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги (2002 йил 1 ноябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
60. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги (2006 йил 27 октябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
61. Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги (2006 йил 2 ноябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
62. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги (2007 йил 25 август) халқаро миқёсда нишонланди.
63. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги (2009 йил 2 сентябрь) халқаро миқёсда нишонланди.
64. Марғилон шаҳрининг 2200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.
65. Бухоро – и Шариф – Бухоро.
66. Ҳожатбардор – Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий.
67. Чирбурдон ота – «Сут чиқарувчи» (чорвачилик билан кун кечирганлиги сабабли) – Шоҳ Абдураҳмон Вали.
68. Ҳаким- Сулаймон Боқирғоний.

69. Ҳимматий - Занги ота - Ойхўжа ибн Тошхўжа ал-Шоший.
70. Шоҳи Нақшбанд- Матога нақш солувчи – Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий.
71. Хожан Бузург – Улуғ Хожа – Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий.
72. Хожа Алоуддин Аттор – Муҳаммад ибн Муҳаммад ал - Бухорий.
73. Хожа Муҳаммад Нурсо – Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз ал-Бухорий.
74. Баҳоуддин Увайсий - Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий.
75. «Қабан мақсули» - Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий.
76. Хожа Аҳрор Валий - Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий.
77. Хожа Носириддин Убайдуллоҳ - Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий.
78. Бобойн Лақлақаги – Ниёз Хоразмий.
79. Хожан Жаҳон - Жаҳон Хожаси – Абдуллоҳ ибн Абдулмажид ал-Мулатий ал-Ғиждувоний ал-Бухорий.
80. Ҳазрат Имом – Абу Бакр Қафқол аш-Шоший.
81. Садру-ш-шарияти-л-асгару – Кежа Садру-ш-шария- Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ал-Бухорий (1346 йилда ҳ.б.).
82. Садиқ Ҳасан – Али ибн Ҳасан ибн Али ибн Лутфуллоҳ ал-Ҳусайний ал-Қонуний ал-Бухорий.
83. Ҳалил-и-нашр-и-аш-шариф - Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмон ибн Нороҳим ибн ал-Мунира ал-Бухорий ал-Жуъфий.
84. Мадина аш-Шош – Тошкент.
85. Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850)нинг 1200 йиллиги 1983 йилда халқаро миқёсда нишонланган.
86. 2008 йил 12 сентябрда Боку шаҳри марказий кўчаларидан бирига энциклопедия олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек номи берилди.
87. Жалолиддин Мангуберди – Султон Жалолиддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ.
88. Соҳибқирон – Амир Темур бин Тарағай Баҳодир.
89. Европа халоскори - Амир Темур бин Тарағай Баҳодир.
90. Ал-Мавлавий – Муҳаммад Шариф ал-Бухорий.
91. Ибн ал-Бухорий – ал-Бухорийнинг ўғли – Фахруддин Абулҳасан Али Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал-Мақдисий ал-Ҳалабий ал-Бухорий (1200-1291).
92. Али ал-Бухорий – Али Шоҳ Муҳаммад ибн Қосим ал-Хоразмий.
93. Нақши жаҳон – Мирзо Улугбек обсерваторияси.
94. Адолат тарозиси – Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний кашф қилган Нилометр.
95. Ал-Котиб ал-Хоразмий – Нишопурда Сомонийлар давлати вазир Абул Ҳасан ал-Утбийнинг котиби – Мусҳаф ал-Имом – Усмон Мусҳафи.
96. Зайн ал-машойих – Муҳаммад ибн Абулқосим ибн Бойчук ал-Баққолий ал-Хоразмий ал-Одавий ан-Наҳвий.
97. Ахтабу Хваразм – Хоразмнинг энг чечан хатиби, сўз устаси – Ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу савийд Исҳоқ Абу-л-Муайяд ал-Хоразмий.



98. Хужжат ул-афодил - Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳорун ал-Умроний ал-Хаваризмий.
99. Фахр ул-машойих - Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳорун ал-Умроний ал-Хаваризмий
100. Устоз уд-дунйа – Бутун дунё устози - Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий

Юқоридаги эътирофлар инсоният цивилизацияси интеллектуал мулк хазинасида яна юзлаб топилади. Уларнинг айримларини куйидаги жадвалда ақс эттиришга ҳаракат қилдик:

Т/р	Кўшимча ном	Асл исми-шарифи	Қаерлик
1.	«Моҳи андаржиба» – «Халат ичидаги ой»	Ал-Қозин Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳарқоний (1106 й. ваф.эт.)	Самарқанд Қозин бўлган
2.	Ат-Табарий	Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий (935-993)	Хоразм Таниқтин шоир ва адиб. Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий опасининг ўғли
3.	Алоунужум	Алишоҳ ибн Муҳаммад ал-Хоразмий	Хоразм «Зижу Шохий» («Шохона зиг») асарини муаллифи
4.	Одамий	Зайнул-машойих Абулфазл Муҳаммад ибн Абулқосим ал-Хоразмий (1129 й. ваф.эт.)	Хоразм Араб тили сабоғини аз-Замахшарийдан олган.
5.	«Шарафуддин»	Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий (320 х. й. ваф.эт.)	Хоразм
6.	«Устоз»	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (850 й. ваф.эт.)	Хоразм
7.	«Баҳо ул-ислом»	Муҳаммад ибн Абдулқарим ал-Хоразмий	Хоразм
8.	«Хатиб»	Абдулмуайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хоразмий (1197-1257)	Хоразм Фақиҳ бўлган. Мнср, Дамашқ, Бағдодга сафар қилган ва дарс берган.
9.	Қиторий	Маҳмуд ал-Хоразмий (1322 й. ваф.эт.)	Хоразм Фақиҳ олим бўлган
10.	«Ҳамул»-»Матонатли»	Абу Иброҳим Абдуллоҳ ибн Жаҳшад ал-Даҳфандуний (273 х. й. ваф.эт.)	Бухоро Ҳадисшунос олим
11.	Каробинсий жарчи	Абдулмаҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ибн Мансур ибн Яҳё ал-Жиззахий (489 х. й. туғилган)	Уламо, ҳадис илминини эгаллаган, хайр-саховат қилишга иштиёқли кучли, қалби пок, олийжаноб, солиҳ ва фозил фақиҳ бўлган.
12.	«ар-Раҳҳол ал-аъян»-»Таниқтин сайёҳ»	Абулфазл Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мужоҳид ибн Юнус ал-Қондлий ас-Самарқандий ар-Раҳҳол	Самарқанд Олим, ҳадисшунос.
13.	Шайху-д-ислом	Шайхулислом ар-Риштоний	Риштон –Фарғона Ҳадисшунос, фақиҳ, олим
14.	Ал-Қозиний ал-жамоа	Ал-Қозин Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон бин Насоқ ибн	Уз даврида Бухоро уламолари орасида энг пайкадам олим

		Аҳмад ибн Абдуллоҳ ар-Рийғазмунӣ ал-Бухорӣй (1024-1100)	машҳур қозин бўлган
15.	Ипак юзли	Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Исо ибн Ханож ибн мансур ар-Рийварсуний ал-Бухорӣй	Бухоро Уламо, қозин бўлган
16.	Абу Ҳомидот	Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Жавбақий ан-Насафӣй (951 й. ваф.эт.)	Насаф Адиб, шоир, фақиҳ
17.	Шамсулаҳимма	Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср Солиҳ ал-Ҳалвонӣ ал-Бухорӣй (449 ҳ. й. ваф.эт.)	Бухоро Имом, ҳадисшунос, фақиҳ
18.	Арелон	Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусан аз-Заргаронӣй (519 ҳ. й. ваф.эт.)	Ҳофиз Самарқанд имомин бўлган
19.	Устоз	Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ибн ал-Қалободӣй ал-Ғафӣҳ ал-Ҳорисӣй ас-Сабазмунӣй (258-340 ҳ. й.)	Бухоро Ҳадис ривоят қилишда шайх бўлган
20.	Муллазода	Шихобуддин Аҳмад ибн Усмон ибн Низом ас-Самарқандӣй (1460 й. ваф.эт.)	Самарқанд Қироят, машғуқ, фиқҳ, тафсир, ҳадис, балғоғ илмларини мукаммал билган олим. Дамашқ ҳаляб шаҳарларида сафар қилган
21.	Ал-Замир	Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Али ибн Абдулазиз-Ваҳиди ас-Самарқандӣй (1158 й. ваф.эт.)	Фақиҳ, маҳдум, шоир бўлган Дамашқ, Ҳаляб шаҳарларида фатво ва даре берган
22.	Ас-Самарқандӣй	Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ҳусайний ал-Яманӣй ал-Маккӣй ал-маданӣй (1546 й. ҳаёт бўлган)	Қозин
23.	Ал-Ахрор	Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Шошӣй ас-Самарқандӣй ан-Нақшбандӣй (1490 й. ваф.эт.)	Суфий бўлган
24.	Ало ул-олим	Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ибн Ҳамза ал-Асмадӣй ас-Самарқандӣй (1095-1168)	Самарқанд Фақиҳ, мутакаллим, усулшунос
25.	Ал-Қозин ан-Нақшбандӣй	Жалолуддин Муҳаммад аз-Зохид ас-Самарқандӣй (1520 й. ваф.эт.)	Самарқанд Тарикат аҳлидан бўлган суфий
26.	Самъонӣй	Абу Али Наср ибн Усмон ибн Саид ибн самъон ибн Масъуд ибн саъд ибн Умар ибн Ҳажжож ибн Қутайба ибн Муслим ал-Бохдӣсий ас-Самарқандӣй (381 ҳ. й. ваф.эт.)	Самарқанд Уламо, қозин, фақиҳ бўлган
27.	Ал-Луълузий	Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Субаҳӣй ан-Насафӣй (554 ҳ. й. ваф.эт.)	Насаф Ҳадисшунос, имом бўлган
28.	Ал-Фақиҳ ас-Сунажӣй	Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулқосим ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сунажӣй (1092-1158)	Насаф Ҳадисшунос
29.	Чўпон	Абу Али ал-Ҳасан ибн Мансур аш-Шобанжӣй	Самарқанд Уламо
30.	Ал-Мустаҳжирӣй	Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад	Шон

		ибн ал-Хусайн ибн Умар аш-Шошӣй (1037-1114)	Фақиҳ, Нисомия мадрасасида (Бағдод) ўқув ишларини бажарган
31.	Али-Шомӣй		Бухоролик фақиҳлар ушбу ном билан аталган
32.	Ҳижжий	Абу Саид аш-Шомӣй	Фақиҳ
33.	Ал-Ҳаким аш-Шовакасӣй	Ал-Ҳотиб Абул Қосим Абдулвоҳид ибн Абдурахмон ибн Язид ибн Иброҳим ибн Ҳамид ибн Ҳарб аш-Шовакасӣй (407-497 х.й.)	Табиб, уламо
34.	Ибн аш-Шибл	Абу али Муҳаммад ибн Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Шиблӣй (470 х.й.)	Самарқанд Шоир
35.	Имомзода	Абулмаҳсин Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн ал-Муфтий ибн Иброҳим аш-Шарғӣй (1098 й.т.)	Бухоро Имом, вонз, олим
36.	Аш-Шужоъӣй-шжоатли, кўрқмас	Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Шужоъ ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Шайх аш-Шайхӣй (415 х.й. ваф.эт.)	Бухоро Фақиҳ
37.	Зайн ас-солиҳийй-Солиҳлар кўрки	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн абдуллоҳ ибн Муҳаммад аш-Шумонӣй	Хоразм Уламо, вонз
38.	Ал-Дарбандӣй	Оға ибн Обиддин Рамазон ибн Зоҳид аш-Ширвонӣй (1868 й. ваф.эт.)	Бухоро Фақиҳ, услубнётчи, муҳаддис, муаррих. Техрон, Нажаф, карбато шаҳарларида билим олган.
39.	Жаъдат ул-Атгорийй-Атгорий Ураин	Муҳаммад ибн асъад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайнӣй ибн ал-Қосим ат-Тусӣй	Бухоро (Тус) Олим
40.	Ас-Сағир-Кичкина	Абулбирр Муҳаммад ибн Али ибн Абдулазиз ибн Иброҳим ал-Каробинӣй ал-Фарабрӣй (1077-1154)	Хоразм Солиҳ фақиҳ бўлган
41.	Ал-Жаллоб	Абу Мусо Исо Абдак ибн Ҳаммод ибн Абдо ибн Абдуллоҳ ал-Абдий ал-Фарзомӣйсаний (тахм. 923 й.ваф.эт.)	Самарқанд
42.	Ал-Қазонӣй	Абулаббос ал-Фазл ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Фаранқадӣй	Самарқанд Ҳадис ва фиқҳ илми олим
43.	Қози	Абу Муҳаммад Абдулазиз Усмо ибн Иброҳим ал-Фазлӣй (1138 й. ваф.эт.)	Бухоро Қози, фозил, сахий ва карим, улугвор. Ҳадис ва фиқҳ илмининг машҳур олим
44.	Муаззин ал-абъз – Оқ муаззин	Абу Амр Муҳаммад ибн Ҳамид ибн Наср ибн ал-Фатҳ ал-Қухандлӣй (979 й.ваф.эт.)	Бухоро
45.	Тариқ ғариб – Бегона йул	Аби Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Яқуб ил-Марвазий ал-Кӣ.....й	Бухоро
46.	Ҳасан ад-Дарбандӣй	Абу Абдуллоҳ Мусо ибн Юсуф ибн ал-Хусайн ал-Лакзӣй (1144 й. ваф.эт.)	Ҳадис ва фиқҳ илми билимдон
47.	Барворид ал-Луълузийй	Абу Бакр муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулқосим ан-Насафӣй	Бухоро Уламо
48.	Ал-Фомийй ал-Мураббаъайй	Абу Мансур Наср ибн ал-Фатҳ	Самарқанд

		ибн Язид ал-Атқий ас-Самарқандий	
49.	Ҳаббоб	Абу Ҳафс Аҳмад ибн ал-Фазл ал-Мурзиний ал-Бухорий	Бухоро
50.	Ал-Мастудий	Рухнуддин Мастуд ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Иброҳим ал-Кошоний ас-Сувдий ас-Самарқандий (520 ҳ.й. ваф.эт.)	Самарқанд Фақиҳ
51.	Деҳқон	Абу Али ал-Ҳасан ибн Носир ал-Қозоний	Самарқанд Илм жамлаш билан машғул бўлган, ҳадис ва фикҳ илми билгидони
52.	Проқ фақиҳи	Абулмузаффар Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ан-Нажоасий аш-Шошӣй (551 ҳ.й. ваф.эт.)	
53.	Куъуд	Аҳмад Куъуд ан-Насафий (1007 й. ваф.эт.)	Насаф Олим ва адиб
54.	Амир ул-шуаро-Шоирлар амира	Ризоқулхон ибн Муҳаммад Ҳодий ан-нурӣй ал-Бухорӣй (1800-1871)	Бухоро Тарихчи ва адиб
55.	Саъд ал-малик	Абу Муҳаммад Абдусайид ибн Муҳаммад ибн Ато ибн Иброҳим ибн Мусо ибн Имом ибн Исоқ ибн Ҳамдувайҳ Абумуъиз ал-Афғонӣй ал-Насафӣй ал-Ҳисинӣй (1120 й. ваф.эт.)	
56.	Яздот - Аллоҳнинг инъоми	Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарӣё ибн ал-Ҳусайн ибн Иброҳим ибн Яздот ал-Ҳофиз ас-Салзукий ал-Яздодӣй ан-Насафӣй (344 ҳ.й. ваф.эт.)	Насаф Ҳадис ва фикҳ илмлари соҳиб
57.	Ибн ар-Розӣй ал-Илоқӣй	Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Аҳмад ибн Али ал-Қумӣй ал-Илоқӣй аш-Шошӣй	Шош Муҳаддис ва фақиҳ
58.	Рӯш	Юсуф ибн Али Абу Селӣҳ ал-Бобӣй	Бухоро
59.	«Аш-шайх ал-Бухорӣй» («Бухорӣй шайх»)	Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бухорӣй, ал-Ҳанафӣй (1146 й. ваф.эт.)	Бухоро Фақиҳ, фаронз илми олим, мутакаллим
60.	Ал-Қаббонӣй	Али ибн Аҳмад ибн Тақноддин ал-Бухорӣй (1722-1806)	Бухоро Фақиҳ ва хадисшунос
61.	Содиқ Ҳасан	Али ибн Ҳасан ибн Али ибн Лутфуллоҳ ал-Ҳасанӣй ал-Қулужӣй ал-Бухорӣй (1832-1890)	Бухоро
62.	Ал-Зоҳид ас-саффор	Абу Исоқ Иброҳим ибн Исмонл ас-Саффор ал-Бухорӣй (1139 ваф.эт.)	Бухоро
63.	Якто - Яғона	Муҳаммад Ашраф Мир Абу ал-Барақа ал-Бухорӣй (1173 ҳ. й. ваф.эт.)	Бухоро
64.	«Ал-Ҳисом»	Ал-Ҳусайн ибн Ҳажжож ас-Сиплоқӣй ал-Бухорӣй ал-Ҳанафӣй (1373 й. ваф.эт.)	Бухоро
65.	«Алий ут-тож» - «Хўжа-и-азино»	Али Ромитанӣй Иброҳим ал-Бухорӣй (322 ҳ.й. ваф.эт.)	Бухоро

66.	Шайхулислом	Атоуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий (1798 ваф.эт.)	Бухоро
67.	Охунд	Иноятуллоҳ ибн Абдуллоҳ ал-Вобқандий ал-Бухорий (1762 ваф.эт.)	Бухоро
68.	Ғунжор	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий	Бухоро
69.	«Ҳадис аҳлининг пшвоси»	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмонил ибн Иброҳим ибн ал-Мугийра ал-Бухорий ал-Жуъфий (810-870)	Бухоро
70.	Бухорийзода	Муҳаммад ибн Абдулатиф ал-Бухорий (1578 ваф.эт.)	Бухоро Триполида қозиллик қилган
71.	Имомзода	Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Кумий, ал-Жувий ал-Бухорий (1098-1177)	Бухоро
72.	Алоу ал-Бухорий ал-мунажжим	Али Шоҳ Муҳаммад ибн Қосим ал-Бухорий	Бухоро
73.	Садри жаҳон	Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Умар Моза ал-Бухорий (1207 й. ҳ.б.)	Бухоро Хатафийи фақиҳ
74.	Шараф ур-руъсас-Раисларнинг шарафлисси	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Исмонил ибн Шоҳ ал-Хоразмий ал-Барқилӣ	Хоразм Бухорода таҳсил олган, қози бўлган, Тамғочхон вазирлигини бошқарган, Бухоро раёсатига раҳбарлик қилган, ишончли, ростгўй, имонли нисон ва фозил адиб бўлган.
75.	«Муаддиб ул-авлиё», «Валийтарош»	Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термисий (854 йилда ҳаёт бўлган)	Термизда туғилган, Балҳда яшаган. Суфий.
76.	Жаъфар ал-кабийр – Катта Жаъфар	Абдулфазл Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ат-Тубайний (278 х.й ваф.эт.)	Насаф шаҳри атрофидаги Тус деган қишлоқда туғилган.
77.	Ҳожат Жаҳон – Жаҳон аҳлининг пири	Абдулҳолиқ ибн Абдулжамил ал-Мутлатий ал-Ғиждувоний ал-Бухорий (1179 й. ваф.эт.)	Бухоро «Ал-Васос»-«Васиятлар» асарини муаллифи
78.	«Ҳаббоб»	Абу Саид Усмон ибн Али Ибн Шариф ибн Аҳмад ал-Миристий (435 х.й. тав. топган)	Самарқанднинг Мараст қишлоғида туғилган, уламо
79.	Олим амир	Абу Солиҳ Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Турқаш Тақи ал-Миқрибоний	Самарқандлик
80.	Айн уд давла ва зайн ул-мисла – Давлат қароғи ва мислат беағи	Абу л-Аббос Маъмун ибн Маъмун	Хоразмшоҳ

## Ҳеч қаердан кам бўлмаган замин ва ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод фалсафаси

*Ўзбеклардек ватанини севадиган, юртига боғланган халқ жаҳонда йўқ. Бундай таини халқни тўғри йўлга бошлаш, унга етакчи бўлишини ўзи қанча бахт! Азисойиб тунроғи, жаннат макон иқлими, сахий қуёши бўлган юртда сени ҳеч қачон доғда қолдирмайдиган фидойи халқ билан тоғни талқон қилиш муқимлигини асло эсдан чиқармайлик!*

**Н.Каримов**

Ҳижрий 433, милодий 1004 йили Фарғона водийсининг Исфара вилояти ҳукмдори, қорахонийлардан бўлмиш Муъизуддавла Абул Фазл Аббос Арслон Тачин дунёда биринчи бўлиб расмий давлат қўриқхонасини ташкил этган, махсус фармон чиқариб, уни тошга ўйиб ёздирган.

• Ҳозирги энг замонавий «Ватдай» (дарёлару тўғрироқ сув сатҳлари сув сатҳини автоматик тарзда ўлчайди) ва «Рордашка» (океан ва денгизлар сув сатҳини ўлчайдиган асбоб) моламаларини тайёрлашда «Нилометр»дан тўла нусха олинган. Шунингдек, «Нилометр» жаҳон гидрология фанининг ҳам тамал тошини қўйган. Чунки ундаги ўлчов мезони – «см» ҳозир ҳам сув сатҳини ўлчашда асосий ўлчов бирлигидир.

Кигоб шаҳри ўзининг астрономик кенглик станцияси билан машҳур. Бир географик кенликда жойлашган бундай географик ноёб шаҳарлар жаҳонда саноқли: Карлсбург (Италия), Юкая ва Гейтерсбург (АҚШ), Минцузана (Япония).

Гўри Амир мақбараси Шарқ даҳмасозлиги услубида (икки қаватли) қурилган. Германиянинг Ваймар шаҳрида Гўри Амир даҳмаси шаклида иншоот қурилган ва унга герцог Август, Гёте ва Шиллер дафн қилинган.

Поляк астрономи Ян Гвеллий (1611–1687) «Астрономия даракчиси» («Юлдузлар атласи») номли асарида Мирзо Улуғбекнинг мунажжимлар худоси Ураниянинг ёнида европалик тўрт йирик астроном – грек Птолемей (милоддан аввалги 170 йилда ваф.эт.), немис шахзодаси Гасс (1532 – 1592), даниялик Тихо Браге (1546 – 1601), италиялик Жан Батист Риччиоли (1598 – 1671) билан ҳамда мунажжимлар худоси Урания билан турли макон ва замонда дунёга машҳур бўлган 9 та астроном биргаликдаги суратларини берган.

Абулҳасан Али ибн Мавжуд ибн ал-Ҳасан ал-Кушоний (1087–1162, Самар-

қанд) Марвдаги «ал-Мадраса ал-хоқония» мадрасасида ўқув ишларини бошқарган ва дарс ўтган.

ЮНЕСКОнинг «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури 2002 йилдан Халқ таълим вазирлиги, Республика таълим маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сирдарё, Андижон, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри мактабларига (жами 737 та мактаб) татбиқ қилинган. 2009 йил июнь ойида мазкур дастур ижроси бўйича эксперт, германиялик Йоахим Фридрих Пфаффе 73 та мактабни (Тошкент шаҳридан, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилоятларидан) таниб олиб, таҳлил қилган ҳамда қуйидаги хулосага келган: «Ўзбекистонда 2006 йилдан буён таълим соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй бергани сезилиб турибди. «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури амалга оширилаётган 4 та ҳудуддаги 73 та мактабнинг ишлари ўрганилганда маълум бўлдики, дастур асосида иш олиб борилаётган мактаблар билан бир қаторда ҳали бу дастур кириб бормаган мактабларда ҳам бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, аллақачон, дўстона муҳит яратилгани сезилиб турибди. Ўзбекистон «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури» татбиқ этилаётган 130 давлат ичида энг юқори кўрсаткични қўлга киритгани қувонарли ҳолдир».

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) алгебра фани асосчиси. Ҳозир илмий истеъмолда бўлган «алгоритм» атамаси «Ал-Хоразмий» номининг лотин тилидаги «Algorizmi»нинг шаклидир.

Самарқанд шаҳри яқинидаги Мўминобод қишлоғидан бундан 3300 йил муқаддам суякдан ясалган най топилган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий – «Ҳинд ҳисоби» китобида ҳозир илмий истеъмолда бўлган бирдан тўққизгача (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9) бўлган рақамлар ва ноль ёрдамида инсталган сонни ёзиш, улар ёрдамида арифметик тўрт амални (қўшиш +, айириш –, бўлиш :, кўпайтириш •) ҳамда ўша рақамлар билан ифодаланган сонлардан квадрат илдизлар чиқаришни асослаб, инсониятга аниқ фанлар шаклланиши учун фундамент бўладиган бебаҳо кашфиётни қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари 1857, 1905 йилларда рус тилида, 1960, 1982 йилларда ўзбекча киррилл имлосида, форсча 1589 йилда, инглизча 1826, 1921 йилларда, француз тилида 1958 йилларда нашр қилинган.

Абдулғозихон (1603–1664) – Хива хони (1644–1663). Унинг «Шажара-и турк ва мўғул» асари 1726, 1935 йилларда немис тилига, 1810 йилда француз тилига, 1727, 1860 йилларда рус, 1770, 1825 йилларда инглиз, 1780, 1871, 1906, 1913 йилларда турк тилига таржима қилинган.

Ўзбекистон Республикасида MPEG-4 стандартидаги сиқич видеотасвирлар Марказий Оснёда биринчи бўлиб қўлланила бошлади. 2008 йил август ойида Тошкент

ва Бухорода, кейин эса Самарқандда тажриба тариқасида 100 000 абонентга мўлжалланган рақамли телеузатгич фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда 1200 дан ортиқ музей бўлиб, уларда 4 000 000 га яқин экспонат мавжуд.

«Усмон Муսҳафи» нафақат тарихий қиммати билан, айни пайтда унга «Муսҳаф ал-Имом», яъни барча Қуръон матилари учун андоза нусха деб ном берилганлиги билан ҳам қимматлидир. «Усмон Муսҳафи» 706 саҳифадан иборат бўлиб, бизгача унинг 353 varaғи етиб келган. У Амир Темур томонидан юртимизга олиб келинган. «Усмон Муսҳафи» илк китоб шаклидаги ёзма асар ҳисобланади. Чунки Авесто, Таврот, Инжил каби муқаддас китоблар мол терисининг бир томонига (терининг тукли томонига) ёзилган. Усмон Қуръони эса кийик терисининг икки томонига (гарчи терининг ички томони силлиқ бўлиб, бу томон сиёҳни «ютиб», қайта-қайта ёзишни талаб қилган бўлса-да) ҳам бирдек ёзилган. Ҳозир «Усмон Муսҳафи» Ҳазрати Имом мажмуасидаги Мўйи муборак мадрасасида махсус ойнаванд сандиқда сақланмоқда.

Мустақилликнинг илк йилидан 2008 йилининг биринчи ярмигача Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги муסיқа ва санъат мактабларининг 175 нафар маҳоратли ижрочилари хорижда энг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда ғолибликни кулга кiritган.

«Орол баҳриси» деб номланган балиқ тури фақат Орол денгизида бўлиб, экологик зарарланиш донрасида ниҳоятда камайиб кетган, «Қизил китоб»га киритилган, овлаш тақиқланган. 1970–2000 йиллар орасида 267 дониси тутилган. Ҳозир «Бадаи тўқай» ва «Қизилқум» давлат қўриқхоналарида кўпайтирилмоқда.

Бош астрономик обсерватория (ГАО, Пулкова) профессори Г.Н.Неуймин 1934 йилда кашф қилган 1351-сонли сайёрани «Ўзбекистон» деб номлаган.

2007 йил апрель ойида Франция пойтахти Париж шаҳрида Александр Глазунов номи V-Халқаро торли-камонли муסיқа асбоблари танлов бўлиб, унда 13 давлатдан ёш муסיқачилар иштирок қилади. Танловда Глиэр номи Республика махсус академик лицейи ўқувчиси 13 ёшли Малика Анорматова машҳур бастакорлар Г.Форенинг «Жалоба», Генделининг «Ларгетто», Вивальдининг виолончель ва оркестр учун ёзган «Концерт», С.Юдаковнинг «Алла» асарларини катта маҳорат билан ижро этгани учун Александр Глазунов номи V-Халқаро танлов 1-даражали дипломи лауриати бўлган.

2008 йил июнда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида Ҳамдўстлик мамлакатлари медицина институтлари талабаларининг «Болалар ёшидаги хирургия, анестезиология ва реаниматологиянинг долзарб масалари» мавзуидаги анъанавий халқаро конференцияси бўлиб, унда Ўзбекистон, Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон



тон ва бошқа мамлакатларнинг 53 институтидан келган талабаларнинг 165 та маърузаси тингланди. Самарқанд давлат медицина институти талабалари Умид Оқилов, Баҳриддин Сатторов, Маъсуд Бегбудневларнинг илмий маърузалари жаҳонда танилган медицина олимлари (улар ҳакамлар ҳайъати аъзолари) В.Розинов, А.Гераськин, В.Немсадзе, Н.Стрелков, Т.Немиловларнинг юқори баҳоларига сазовор бўлдилар ва келажакда улар жаҳон медицинаси ривожига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишишлари ҳақида ишонч билдирдилар. Якуний хулосага кўра, Самарқанд медицина институти умумжамоа ҳисобида мутлақ қолиб, деб эълон қилинди.

1998 йил 22 майда ўзбек альпинистлари (11 киши) дунёдаги энг баланд чўққи – Эверестни забт этишди. Ўзбек альпинистлари ичида Эверестга биринчи бўлиб Рустам Ражабов (160 маротаба турли чўққиларни забт этган) қадам қўйди. Непал қироли дунёнинг энг машҳур альпинистлари қаторида ватандошларимиздан Р.Ражабов, С.Баскакова, И.Тухватуллин ва А.Шабановга олтин медаль топширди.

2008 йил июль ойида Будапештда ёш пианиночилар халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Италия, Украина, Греция, Франция, Эстония, Португалия каби ўнлаб мамлакат ёшлари иштирок қилди. Танловда турли йўналишлар бўйича Успенский номидаги Республика махсус академик лицейи ўқувчилари Нодира Дадмуҳамедова, Зарина Агаева ва Тамара Акбаровалар биринчи ўринни эгалладилар.

Японияда футбол бўйича клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати 2008 йил декабрь ойида якунланди. Нуфузли мусобоқа финалида Англиянинг «Манчестер Юнайтед» ва Эквадорнинг «Лига Депортива Универсидад» жамоалари майдонга тушди. 73-дақиқада Уэйн Руни томонидан киритилган ягона тўп Англиянинг «Манчестер Юнайтед»ни клублар жаҳон чемпиони бўлишига олиб келди. Муҳими, финал учрашувини ўзбекистонлик ФИФА рефереси, Оснённинг 2008 йилдаги энг яхши ҳаками, деб эътироф этилган Равшан Эрматов бошқарди. Яна бир ҳамюртиниз Абдуҳамид Расулов ёрдамчи ҳакам вазифасини бажарди. Ўйиндан сўнг Равшан Эрматов клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг муваффақиятли бошқарган ҳакам сифатида махсус соврин билан тақдирланди. Маълумот: Равшан Эрматов (2009 йилда ҳам Оснённинг энг яхши ҳаками) ва Абдуҳамид Расулов 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатидаги ўйинларга жалб этилиши мумкин бўлган ҳакамлар рўйхатидаги асосий давогарлардан ҳисобланади.

Самарқандда барпо этилган обсерватория ҳамда илмий кузатувлар асосида яратилган Зиж бугун ҳам ўз аниқлиги ва ноёблиги билан одамни лол қолдиради. Конференция иштирокчилари чиқишларида Мирзо Улуғбекнинг мероси нафақат ўзбек халқи ва ислом цивилизацияси, балки бутун инсониятнинг бойлиги экани алоҳида қайд этилиши бежиз эмас! ...Сизнинг оқилона сиёсатингиз туфайли таълимга ул-

кан эътибор қаратилишини яхши билар эдик. Ўзбекистон ўз ялли маҳсулотининг 13 фонздан кўпрогини таълим соҳасига сарфлайди. Бу жаҳон рекорди бўлса, ажаб эмас!

(2009 йил 14-16 июль кунлари Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг 615 йиллиги ҳамда Халқаро астрономия йиллига бағишланган «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илмифани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзудаги халқаро конференция иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга «Мурожаат»идан.)

Ҳазрат Алишер Навоий беш аср илгари «Хамса» дostonини ёзишга киришган пайтида «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ», дея хамсачилик анъанасини бошлаб берган Озорбайжон шоири Низомий Ганжавийга ўз ҳурмат-эҳтиромини билдирган. Адабиётда беш бебаҳо ҳайкал кўйиб, туркий тилда биринчи бўлиб умрбоқий «Хамса» яратган Навоий ҳазратларига беш асрдан сўнг 2008 йил 12 сентябрда Озорбайжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида ҳайкал кўйилди.

2008 йилнинг 6 сентябрда Тошкентда «Последние достижения в нелинейной динамике и физика сложных систем: от естественных к социальным наукам и безопасности» (Мураккаб тизимлардаги полинияли динамика ва физикада энг сўнгги ютуқлар: табиий фанлар ва хафсизликдан – ижтимоий фанлар ва хафсизликка) мавзудаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Махсус конференция Ўзбекистон Фанлар академиясининг Исидинк физикаси бўлими томонидан НАТОнинг Илмий қўмағаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда 20 дан ортиқ мамлакатдан олимлар, шунингдек, халқаро илмий марказлардан мутахассенлар иштирок этди. Жумладан, Европа полинияли ва мураккаб тизимлар маркази директори Жулио Касатин, Вена технологиялар университетининг Назарий физика институту профессори Йоахим Бургдёрфер, Германиядаги Макс Планк номидаги институт профессори Тео Гайзел, Буюк Британия Қироллик жамиятининг физика бўлими раҳбари илмий маърузалар билан фаол иштирок қилдилар.

Жаҳонда глобал инқироз барча давлатларга ўзининг салбий таъсирини ўтказатган пайтда Халқаро валюта жамғармаси бошқаруви директори Доминик Стросс-Кан Ўзбекистонда илоҳотларининг бориши билан яқиндан танишиб, 2009 йилда Ўзбекистонда ялли ички маҳсулот ҳажмининг ўешиш дунёдаги энг юқори кўрсаткич эканлигини расман маълум қилди.

Пьер Амьет (француз файласуфи) Ўрта Осиё шаҳар маданияти Месопотамия ва Ҳинд шаҳарлари маданиятлари шаклланишида муҳим омил бўлганлигини алоҳида кўрсатиб, махсус мунтаҳани, хуусан, Ўзбекистон ҳудудини Транс-Элам деб номлаган.

Италиянинг Лапчиано шаҳрида 2008 йилнинг октябрь ойида мусиқа ижрочиларининг Астора Пьяццолли номидаги 10-Халқаро танлови бўлди. Танловда Европанинг 20 та давлатидан ва МДҲ давлатларидан яккахон ижрочи ва ансамбллар қат-

нашди. Танлов натижаларига кўра, пуфлаб чалинадиган асбоблар ижрочилари орасида биринчи ўринни (олий мукофот) Тошкент давлат консерваториси 3-босқич талабаси Виктория Саларова олди. Шунингдек, у энг яхши ижрочи сифатида жамғарма президенти Астора Пяццолли мукофоти соҳиббас бўлди. Танлов ҳайъати раиси, бастакор В.Зубицкий Викториянинг талабаси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати-нинг ёшлар ижодий фаоллигини оширишга, уларнинг халқаро фестивал ва танловлардаги иштирокини таъминлашга йўналтирилган сисъати натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаган.

2008 йил октябрь ойи бошларида Индонезиянинг Бали оролида Оснё Олимпия Кенгашининг кенгайтирилган Конгресси йиғилишида Оснё Олимпия Кенгаши президенти Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад ас-Сабах кураш 2009 йили Таиландда яккакураш спорт тури бўйича ўтадиган Оснё ўйинларидан расмий спорт тури сифатида жой олганлигини эълон қилди.

Ўзбекистонда 1991 йили Давлат ўрмон фонди 5 миллион 467 минг гектарни, шу жумладан ўрмон билан қопланган майдон 1 миллион 819 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда ўрмон фонди 8 миллион 775 минг гектарни, шу жумладан ўрмон билан қопланган ҳудуд 2,3 миллион гектарни ташкил этмоқда.

Йириқч қушларни кўпайтириш бўйича Ўзбекистоннинг 1924 йилда ташкил этилган ҳайвонот боғи («Тошкент» – ҳайвонот боғи, 23 гектар майдонни эгаллаган, 5 мингдан ортиқ ҳайвон ва қушлар бор) ҳам дунё бўйича эътироф этилган. Дунё бўйича учта давлат – Ўзбекистон, АҚШ ва Германияда «Анд кондори» (йириқч қуш тури)дан ҳақиқий зурриёд олинмиши тан олинган.

Камёб ўсимлик ва ҳайвон турларини асраш ва уларни кўпайтиришга мўлжалланган кўриқхона Ўрта Оснёда биринчи бўлиб 1928 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган. Бу «Зомин» тоғ арчазорлари кўриқхонасидир. Унинг умумий майдони 26848 гектарни ташкил этади. Кўриқхонада ҳайвонларнинг 152, ўсимликларни 700 тури рўйхатга олинган. «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонларнинг 16, ўсимликларнинг 13 тури мавжуд. Ўрта Оснёдаги энг қалин арчазор ҳам мазкур кўриқхонада. 400 дан ортиқ фойдали гиёҳлар мавжуд.

2008 йил ноябрь ойида Саудия Арабистонида 19 ёшгача бўлган терма жамоалар ўртасида футбол бўйича Оснё чемпионати якуланди. Оснё чемпионатининг қумуш медалига эришган терма жамоамизга мусобақанинг «Ҳалол ўйин» соврини ҳам топширилди. Финалга чиқишда футболчиларимиз Хитгой терма жамоаси билан учрашди. Асосий вақт дуранг бўлгач, қўшимча вақтда ҳам финалга чиқиш ҳеч кимга насиб қилмади. Қизик томони, қўшимча вақтнинг иккинчи бўлимида судья командамиз дарвозабошини «қизил карточка» билан майдондан четлаштирди. Тренеримиз белгиланган тартибдаги ўйинчиларни алмаштириб бўлган эди. Ярим ҳимоячимиз «дарвозабон» вазифасини бажарди. Ҳатто қўшимча вақтдан сўнг пеналтни-

лар сериясида иккита 11 метрли тўиларни қайтарди ҳамда терма жамоамиз финал-га йўллангани қўлга киритди.

Мурунтов олтин кони, халқаро геология жамоатчилиги эътирофига қўра, XX аср иккинчи ярмининг энг буюк кашфиётидир. 5,5 минг тоннадан қўп олтин захи-расига эга.

Ўзбекистон 1998 йилда товарларни рақамлаштириш бўйича дунёда тан олин-ган GS1 халқаро уюшмага аъзо бўлган. Мазкур тизимга жаҳоннинг 160 дан зиёд давлатларининг 1 миллиондан қўп корхонаси кирган. Халқаро уюшма Ўзбекистон Республикасига «478» рақам халқаро префикси берилган, яъни маҳсулот штрих коди-нинг дастлабки рақамларида мазкур сонлар бўлса, демак у Ўзбекистонда иш-лаб чиқарилгандир.

2008 йилнинг 21–22 октябрь кунлари Фуқаролик жамиятини ўрганиш инсти-туту АҚШнинг Миллий демократия институту, Япониянинг Цукуба университети ва Германиянинг Эберт номидаги жамғармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши: бугунги ҳолат, ютуқлар ва истиқболлар» мавзуда халқаро конференцияни уюштирди. Конференция иштирокчиси, Шарқ-ий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни ривожлантириш жамияти раҳба-ри Летлеб Краа (ГФР) ишончли деган эди: «Ўзиниб ривожланган давлатларда бўлади-индек, Ўзбекистонда ҳам давлат кучли фуқаролик жамияти институтларини шакл-лантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий ҳамда ҳуқуқий шарт-шароит-ларни таъминлайди. Бунда улар кузатувчи вазифасини бажармайди, балки демок-ратик жараёнларда фаол иштирок этади. Демократик тенглик тамойили ҳар бир кишига мамлакат келажагини барпо этишда қатнашиш имконини беради ва ушбу йўналишда Ўзбекистон тажрибасидан ибрат олса арзийди».

XX аср бошларида Германиянинг Лейпциг шаҳрида дунёда етиштирилган поз-неъматларнинг халқаро кўргазмасида Насаф шаҳри яқинидаги Лағмон мавзеси-нинг узуми ва Кўкчанинг анжирин олтин медалга лойиқ топилган.

Тошкент астрономия обсерваторияси XIX асрнинг 70-йилларида, аниқроғи, 1873 йил 11 сентябрда ташкил этилган. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда собиқ ит-тифоқнинг Европа қисмида жойлашган астрономик обсерваториялар уруш ортига кўчирилганда тўрт ой мобайнида фақатгина Тошкент обсерваторияси фронт ва уруш ортини аниқ вақт билан таъминлаб турган. Бу даврда бир суткада Тошкент эфирга 7 серияда аниқ вақт сигналларини берган. Урушдан олдин бунча сигналларни тўртта обсерватория биргаликда бажарган.

1968 йилда Югославиядаги Жаҳон ёшлар оромгоҳида дам олишга ўзбек қизи-ни ҳам юборишади. Дам олишнинг ярми ўтгач, турли мамлакат ёшларини бир-бири билан расмий учрашиш ва мулоқот қилишга имконият яратилади. Шундай уч-рашувлардан бири СССР ёшларини билан Италия ёшларини ўртасида бўлиб ўтади. Зи-

ёфатда турли ичимликлар ҳам тортилади. Қадаҳ сўзлари айтилади бир-бирига ҳамда турли хил совға-саломлар улашिलाди. Айрим «ичимликхўр» ёшлар мириқиб дам олишади. Шулардан бири италиялик «ичимликхўр ёш» қадаҳ сўзларини шундай бошлайди: «Мен Россия (ўтган асрда хориж мамлакатлари аҳолиси, хусусан, ёшлари СССРни «Россия» деб биллишган) ёшларига мана шу совғани тақдим этмоқчиман», деб қўлидаги пластмассадан ясалган қоп-қора эшакчани кўрсатиб кулади. Яхши «қизиган»даврага совуқ сукунат тушади. Чунки ҳамма СССРдан келган ёшларни узунқулоқ ва ақли паст ҳайвонга ўхшатишганини англаб етади. Шунда ўзбек қизи шартта ўрнидан туриб, «совға»ни мамнуният билан қўлига олиб шундай дейди: «Ҳақиқатдан ҳам бугунги учрашувни сира ёдимиздан чиқармаймиз. Айниқса, қимматбаҳо совғаларингиз доимо кўз ўнгимизда туради. Биз эшакча тимсолида меҳнаткаш, мутойибага мойил ва ҳар қандай оғир юкни кўтаришга қодир итальян халқини кўргандай бўламиз.» Сўзлар итальян тилига таржима қилинганча, даврада гулдурас, давомли қарсақлар янграйди. «Совға» эгаси мот бўлганини тан олади ва ҳамюртнингизни келиб қўлидан ўпади. Ҳамюртнингиз унга эътибор ҳам бермайди. «Ҳақиқат битта саволим бор», дейди «совға» эгаси. –Кўзу сочингиз қоп-қора, рус эмассиз шекилли. Қайси миллатга мансубсиз?» Эндигина жойига ўтирган ўзбек қизи яна шартта ўридан туради-да: – Мен Ўзбекистонликман! – дейди баланд овоз билан. – «Эшитмаган эканмиз. Бу қанақа жой ўзи? – деб сўрайди «совға» эгаси». – Мен Христофор Колумбдан деярли беш аср илгари уммон ортида Америка қитъаси борлигини башорат қилган ва илк бор Ой билан Ер ўртасидаги масофани ўлчачан Беруний, тиббиёт оламининг отаси Ибн Сино, биринчи бўлиб юлдузлар жадвалини тузган Улуғбек ва яна шу сингари жаҳон фанининг юксалишига улкан ҳисса қўшган ўнлаб буюк олимлар юрти ҳисобланган Ўзбекистон қизиман! – Яна даврада гулдурас ва давомли қарсақлар янграйди. Шундай қилиб 24 ёшли ўзбек қизи хорижлик қитмирини мот қилади!

1935 йил Лондонда бўлиб ўтган жаҳон фестивалида атоқли санъаткорларимиз Муҳиддинқорн Ёқубов, Тамарахоним ва Уста Олим Комиловлар қатнашган. Уста Олим донрада чалган «Катта ўйин» рақсини Тамарахоним қойилмақом қилиб ижро этган. Рақс тугагач, Англия қиролчаси ложадан саҳнага тушиб, устанинг чилдирмасини кўздан кечирган, кейин унинг қўл панжаларини ушлаб кўриб: «Инсон панжалари шунчалик мўъжизакор бўлиши мени лол қолдирди, бу панжалардан нусха олиб, Лондон музейига қўйинглар»,–деган. Уста Олимнинг ноёб панжаларни гипс нусхаси ҳозир ҳам Лондон музейида нодир экспонат сифатида сақланади.

«Fitch Ratings» нуфузли халқаро рейтинг компанияси акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг барқарор фаолият кўрсатаётганини тасдиқлаб, 2008 йилда «Барқарор» тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб топган.

2008 йил 12 сентябрда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳри марказий кўчаларининг бирига аллома ва давлат арбоби Мирза Улуғбек номи берилди.

«Чирчиққиншмаш» ОАЖ мамлакатимизни шлаб чиқаришнинг юксалиши ва дунё

иктисодиётига монанд ривожланишига қўшган ҳиссаси учун 1994 йилда халқаро тадбиркорлар ассоциацияси эътирофига сазовор бўлиб, махсус «Олтин глобус» соvrинини қўлга киритган. Корхонанинг асосий ҳамкорлари сафида Германия, Исроил, Ҳиндистон, Сингапур, АҚШ ва бошқа давлатларнинг корхоналари бор. Корхонада 130дан ортиқ товар маҳсулотлари ҳамда 50 турга яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Корхона 2007 йилда 35,8 миллиард сўмлик товар маҳсулотлари тайёрлаган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби бўйича китоб» асари 1120 йилларда лотин тилига таржима қилинган. Кейинчалик инглиз, немис, араб, француз, рус тилларга таржима қилиниб (1135, 1143, 1153, 1163, 1168, 1265, 1300, 1859, 1898, 1954, 1964, 1975, 1964, 1983) Вена, Мюнхен, Мадрид, Рим, Париж, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент шаҳарларида нашр қилинган.

«Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти 2007 йилда 18,3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлади, соф фойда 1,7 миллиард сўмни ташкил қилди, корхонанинг хорижий ҳамкорлари сонин 24 тага етди. Буларнинг ичида Марказий Осиё давлатлари, Хитой, Туркия, Эрон, Буюк Британия, Голландия, Болгария, Бразилия, Миср мамлакатлари ҳам бор. Юқоридаги кўрсаткичлар унинг Москвада бўлган халқаро саммитда «Миллий иктисодиёт асосининг шунинг билан тадбирдорлиги»га оиди.

Шотландиялик тадбиркор ва санъатшунос Уильям Баррел ўтган асрнинг 30-йилларида Хитой, Миср, Греция, Шарқ мамлакатларида бўлиб, ранг-баранг гиламлар, миллий ҳунаромандчиликнинг бошқа турдаги буюмларидан иборат бой коллекция тўплаган. 1944 йилда мазкур осорин атиқалар негизида «Burel Collection» музейини ташкил этиб, 6000 та экспонатин санъат ихлосмандларига тақдим этган. Мазкур музейда XIX асрда Бухорода тикилган 11 донга тўй сўзанаси бу коллекциянинг энг ноёб санъат асарларида ҳам ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзбек чеварлари қўли билан тикилган, миллий безак ва нақшлар акс этган бу сўзаналар музейининг алоҳида залида қимматбаҳо экспонатлар қаторида сақланади.

Бухоро вилояти Қорақўл тумани 1-иктисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатига (директор - Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев, 308 иқтидорли ёшлар математика, физика, тарих фанлари бўйича таҳсил олмақда) республикамизнинг барча вилоятларидан ҳар йили бир ўрнига 25-30 нафар ўқувчи ҳужжат топширади. 2008 йил 14-20 июль кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида жаҳоннинг 97 та давлатидан келган 535 нафар иштирокчи қатори мамлакатимиздан 6 нафар ўқувчидан 4 нафари бронза медалига, икки нафари фахрий дипломга сазовор бўлди. Бронза медалининг икки соҳиби ва икки нафар фахрий диплом соҳиблари Қорақўл туманидаги 1-иктисослашган мактабнинг ўқувчиларидир. Шу даврга қадар республикамиз ўқувчилари томонидан халқаро фан олимпиадаларида эришилган 26 медалнинг 21 таси мазкур мактаб иқтидорли ёшларига тегишлидир.

Тошкентлик саккиз ёшли Диёра Ҳасанованинг Америка Қўшма Штатларида ўтказилган «Болалар санъати – 2000 йилга» халқаро фестивалида у чизган расм фестиваль эмблемаси этиб тасдиқланган ва бош совринни қўлга киритган.

XX асрнинг 30-йилларида «Ўзбекфильм» томонидан суратга олинган «Тоҳир ва Зуҳра» бадиий фильм халқаро «Оскар» мукофоти билан тақдирланган.

2008 йил июль ойида Будапештда ёш пианиночилар халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Италия, Украина, Греция, Франция, Эстония, Португалия каби ўнлаб мамлакатлар ёшлари иштирок қилди. Танловда турли йўналишлар бўйича Успенский номидаги Республика махсус академик лицейи ўқувчилари Нодира Дадамўхамедова, Зарина Агаева ва Тамара Акбаровалар биринчи ўрнини эгалладилар.

Қадимдан жаҳон аҳли Фарғонани Ўрта Осиё марвариди деб атаган. Чунки бу ҳудуд нафақат Ўзбекистон учун, айни пайтда инсоният цивилизацияси учун бешик бўлган манзиллардан биридир. Фарғонанинг Селунғур ғоридан топилган манбаларнинг мукамал даражада ўрганилиши натижасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё халқлари учун оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган илмий ҳулосалар олинди. Натижада бу ҳудудда инсоният тарихи 100 минг йилдан бир ярим миллион йилга узайтирилди. Ҳозирда унча катта бўлмаган мазкур ҳудудда тош даврига оид 120 та, мезолит даврига оид 80 дан ортиқ манзилгоҳ топиб ўрганилган.

2008 йил 14–20 июль кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида жаҳоннинг 97 та давлатидан келган 535 нафар, жумладан, Ўзбекистондан 6 ўқувчи иштирок қилди. Шу 6 ўқувчидан 4 таси бронза медалига, 2 нафари фахрий дипломга сазовор бўлди. Булар Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Шерзод Сафоев, Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Фаҳод Ҳайдаров, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Алишер Эшонкулов, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейининг 2-курс ўқувчиси Диёра Салимовалар бронза медалига ва Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ўқувчилари Аброр Пирнафасов (10-синф) ҳамда Элбек Қурбоновлар халқаро ташкилий қўмитанинг фахрий дипломи билан тақдирландилар.

Милoddan аввалги икки мингинчи йилларда ҳам Ўзбекистон ҳудудида халқлар ўтроқ яшаган, деҳқончилик билан шуғулланган, ёввойи ҳайвонларни хонакешлаштирган. Фалсафа фани шакланган (маълумки, қадимда барча билимлар йиғиндисини сифатида фалсафа фани эътироф этилган). Ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларни, куёшни, юлдузларни, ой ҳаракатини, мавсумларни ўзгаришини, баҳорда кундуз ва туннинг тенг келишини, куёш йилининг давомийлигини, 365 кундан иборат

тақвимни кашф қилинишидаги билимлар бевосита жаҳонда биринчи обсерваторияни милoddан аввалги IV асда Хоразмнинг Кўйқирилганқалъа ибодат иншоотида қурилишига олиб келган.

2008 йилнинг 28 апрель - 4 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида Республикамизнинг 13 нафар ўқувчиси совриндор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашган.

Республика тасвирий ва амалий санъат лицейининг rassомлик йўналиши бўйича 7-синф ўқувчиси (12 ёш) Моҳинур Муҳримова 2008 йилнинг 15–21 июнь кунлари Норвегияда бўлиб ўтган «Тунза – 2008» халқаро экологик танлови ғолиби бўлган. Танловда 105 мамлакатдан 700 нафар ўқувчи иштирок этган. Моҳинур танловда «Менинг Оролим» мавзусидаги суратлар кўргазмаси ва Ўзбекистон ҳақидаги маъруза билан иштирок қилди. Тақдирот охирида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган болалар: «Орол! Биз – олам болалари сени билдик, биз сени асраймиз», – дея жўр бўлиб олқишлашди, – деган эди Моҳинур Муҳримова. У анжуман сўнгида Ставангер шаҳридаги табиатни асраш боғига рамзий дарахт ўтқазиб, уни «Орол дарахти» деб номлаган.

XX асрнинг 60-йилларида виллоя вилоятининг Перман Титлов Марказий Осненинг тоғли ҳудудидан 8–10 километр баландликка қадар нур бағиқ туришини фазода туриб кузатган. Мутахассислар ўрганиб чиқишса, нур Нуротанинг сир-саиоатга тўла чашмасидан таралаётган экан. Мазкур чашмадан бир секундда 290–300 литр миқдорида сув чиқади. Унинг бир литрида 278 грамм минерал туз бор. Сувнинг кимёвий таркибини 1920 йилда рус олими А.Димо аниқлаган. Сувнинг ҳарорати қишин-ёзин бир хилда, яъни 19,5 даражани ташкил этади. Илмий тилда «маринка», маҳаллий аҳоли тилида «ширмоҳи» деб номланган балиқлар организида фосфор миқдори кўплиги боне товланади.

Бухоро вилояти мактаб ўқувчиси Назира Аманова 1997 йили француз тили олимпиадасида биринчи мартоба 100 имкониятдан 100 балл тўплаб, барчани лол қолдирди ва кейинчалик Франциядаги Стенда университети магистратурасида таҳсил олди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими қошидаги «Структуравий тасвирлар илмий-технологик маркази» мамлакатимиздаги тадқиқотларнинг (нанотехнология учун) ноёб объекти ҳисобланади. Унда ажрата олиш қобилияти 0,2 нм ва катталаштириш 50 0000 бўлган LEO 912 АВ электрон микроскопи жойлаштирилган бўлиб, Марказий Оснеда ягонадир.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори 2002 йилда Франциянинг «Академия пальмаси» ордени билан мукофотланган.



«Кувабойцемент» акциядорлик жамияти 1929 йилда қурилиши бошланган ва 1932 йил февралдан маҳсулот чиқара бошлаган. Ҳа вақтда йилига 720 бочка цемент ишлаб чиқарган. 1996–2001 йиллар мобайнида, атмосферага чанг чиқарилишининг олдини олиш мақсадида барча технологик линияларга махсус қурилмалар татбиқ этилди. Натижада жаҳон стандартларни талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар «Жаҳон сифати учун» олий мукофотига сазовор бўлиб, дунё бизнеси ривожланишига қўшган ҳиссаси ва профессионализи эътиборга олиниб, «Сифат учун Олтин Юлдуз» мукофоти билан тақдирланган. 2002 йил 25 март куни «Кувабойцемент» ҳиссадорлик жамияти илғор ҳамда инновацион технологияларни эгаллаб, сифат ва самарадорликка интилаётгани учун «Арка Европы» халқаро мукофотига сазовор бўлди. 2004 йил «Ишчан Амалиётдаги Энг Юқори Сифат учун» Халқаро Фонди корхонани иқтисодий кўрсаткичлари, корпоратив ҳаракатларда юқори даражага эришган учун «Олтин медаль» билан тақдирлади.

Атлантадаги XXVI ёзги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиздан 76 спортчи 13 хил спорт мусобақаларида иштирок қилдилар. Дзюдо бўйича Армен Багдасаров кумуш медални, бокс бўйича Карим Тўлаганов бронза медалга сазовор бўлиб, команда ҳисобида 200 яқин мамлакат ичида 58-ўринини эгаллади. Сидней олимпиадасида бокс бўйича олтин (Муҳаммадқодир Абдуллаев), эркин кураш бўйича кумуш (Артур Таймазов), бокс бўйича иккинчи бронза (Рустам Саидов, Сергей Михайлов), медалга сазовор бўлиб, команда ҳисобида 41-ўрини эгалланди.

Афина Олимпиадасида Артур Таймазов ва Александр Доктурашвили олтин медалга, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодир Султонов ва Ўткир Ҳайдаров бронза медалга сазовор бўлди, команда ҳисобида 31-ўринини эгаллади.

Тошкент метрополитенида (1977 йил 7 ноябрда биринчи навбати ишга тушган) 30 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари самарали меҳнат қилмоқдалар. Метрополитен ўзининг мўътадил ҳавоси, тозалиги, муҳташам меъморий санъати намунаси эканлиги билан дунёдаги етакчи метрополитенлардан бири ҳисобланади ва Марказий Осиёда ягонадир.

2008 йилнинг 21–27 июль кунлари Италиянинг Сан Бартоломео аль Маре шаҳрида ёш мусиқачиларнинг «Giovani Talenti» XXIII халқаро танлови бўлиб ўтди. Танловда Р.Глизер номидаги махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси–ёш пианиночи Дилшодбек Сатторов, ёш скрипкачи Бобур Муҳаммаджонов биринчи ўринни эгаллашди.

2009 йилда Катта ашула ЮНЕСКОнинг инсоният меросининг маънавий маданиятлари рўйхатига кирилди. Шу йили Катта ашула ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч океан минтақаси (АССУ) маданият марказининг олтин медалга сазовор бўлди.

1903 йил бошларида америкалик йирик банкир, тарихшунос Рафаэль Пампелли Ўрта Осиёга экспедиция (профессор М.Дейвис, ассисент Э.Хантингтон) таш-

кил этади. Унга ўғли Велес Пампеллини ҳам киритади. У Озарбайжондан Каспий денгизи орқали Ашхабодга ўтади. Рафаэль Пампелли шундай ёзиб қолдирган: «Тонг ёришаётганда кема палубасида эдим. Нурафшон Шарқ осмони кўзимга қадимий сирли олам дарвозасидай кўринади. Жамки миллатлар ва элатлар, Тангрилар ва афсоналарнинг ватани оғушига чорлаётгандай энтикдим». Улар орий ирқиға мансуб миллат ва элатларнинг ватани Марказий Осиё деб ҳисоблашган. Кейинчалик Рафаэль Пампеллининг ўғли Ўзбекистоннинг ипсоният цивилизациясидаги ўрнини, қадимий шаҳарлари, илму маданиятига таъбириб, Нью-Йорк штатининг Овего шаҳридаги боғига «Самарқанд», деб ном қўйган.

2009 йил 11 ноябрь кунини Кандас шаҳрида Беҳзод Абдураимов концерти бўлиб ўтади. Унда иштирок этган шаҳар мэрини, концерт юқорини савияда ўтгани ҳамда юксак ижрочилик маҳоратига таъбириб, «кеяниглар, бундан кейини ҳар йили 11 ноябрини шаҳримизда Беҳзод Абдураимов кунини дейлик», деб эълон қилган.

1998 йилда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ва машҳур косметика компанияси лОреаль аёлларнинг (35 ёшгача) табиий фанлардаги илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «ЮНЕСКО-лОреаль» стипендиясини таъсис этишган. Мазкур стипендия билан ҳар йили дунё бўйича 15 та хотин-қиз тақдирланади. Бу стипендия соҳибалари 2006 йилда қишлоқ хўжалиғи ўсимликларининг биологик ҳимояси бўйича Нидерландиянинг Делфт университетинида илмий тадқиқот олиб борган Дилфуза Эгамбердиева, 2007 йилда ФАнинг биоорганика институтини кичик илмий ходими Германиянинг Фридрих Шиллер номидаги Йен университетинида илмий тадқиқот олиб борган Барно Султонова, 2010 йилда ФАнинг химия институтини катта илмий ходими, химия фанлари номзоди Нилуфар Мамадалиева сазовор бўлишган.

5-илова

## Ўзбекистоннинг ташаббус фалсафаси

*Биз тарихан қисқа даврда халқимизнинг фидокорона меҳнати, мардлиғи ва матонати билан том маънода асрий ўзгаришларга эришганимизни бузун ҳеч ким – бизга хайрихоҳ бўлган инсонлар ҳам, бизга қандайдир бенисанд қарайдиганлар ҳам инкор этолмайди. Энди биз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмасмиз. Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эғалик ҳиссиёти, ён атрофида ва дунёда юз бераётган ўзгаришларга дахлдор ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда.*

**Н.Каримов**

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб аждодлар удумини давом эттириб, ўзбек халқининг ижодкорлик, бунёдкорлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик ағналарини янада юксакликка кўтариб, дунёда тинч-

лик ва барқарорлик ҳамда давлат, халқ, миллатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун ўтган 19 йил мобайнида бир неча ташаббуслар билан чиқди, уларнинг амалий натижаси учун тинимсиз, самарали ишларни қилмоқда. Чунки Ўзбекистон мустақил бўлгандан буён инсоният учун тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ўнлаб ташаббусларни илгарни сурган. Зеро, бундай ташаббуслар фақат ўқилдиз мустаҳкам замин, инсониятнинг илк цивилизацияси бешинги, интеллектуал капитали, беҳисоб интеллектуал салоҳияти билан давлатлар, халқлар, миллатлар учун намуна бўладиган юртгагина хосдир.

**Биринчи ташаббус:** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси илгарни сурилди. Шу даврга қадар ядро қуролидан холи ҳудудлар Жануби-Шарқий Осиёда, Лотин Америкасида, Африкада, Тинч океан минтақасидаги давлатларда мавжуд бўлган. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги ташаббусни амалга ошириш динамикаси қуйидагича:

1. Ўзбекистон ташаббуси билан 1997 йил февралда Олма-Ота декларацияси (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон) имзоланди ҳамда минтақада снэсний ишонч муҳити шакллантирилди.
2. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан Тошкентда 1997 йил 15 сентябрда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзуида халқаро конференция чақирилди ҳамда шартномани тайёрлаш учун Минтақавий экспертлар гуруҳи (МЭГ) тузилди.
3. 1997–2004 йиллар давомида БМТнинг Қуролланиш масалалари бўйича департаменти ҳамда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик экспертлари иштирокида Женева, Ашхобот, Тошкент, Саппорода шаҳарларида МЭГнинг ишчи гуруҳи учрашувлари бўлди.
4. 2002 йил 27 сентябрдаги МЭГнинг учрашувида Шартномани имзолаш маросимини Семипалатинск шаҳрида ўтказиш белгиланди.
5. 2002 йил охириларида Нью-Йорк шаҳрида АҚШ, Буюк Британия, Россия, Хитой, Франция экспертлари билан бўлган учрашувларда шартнома лойиҳасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.
6. 2005 йилнинг 7–9 февралларида МЭГ учрашувида шартнома матни юзасидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон давлатларининг умумий ёндашуви борасида келишиб олинди.
7. 2006 йил 8 сентябрда БМТ мазкур шартнома юзасидан алоҳида ҳужжат имзолади.
8. Шартнома 2007 йилнинг 10 майида Ўзбекистон, 2007 йилнинг 27 июлида Қирғизистон, 2009 йилнинг 13 январида Тожикистон, 2009 йилнинг 17 январида Туркменистон, 2009 йилнинг 19 февралда Қозоғистон ҳукуматлари томонидан ратификация қилинди.
9. 2009 йил 21 мартда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома кучга кирди (имзолаш маросими Семипалатинск шаҳрида ўтказилди). Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга («ядро-

вий бешлик»даги икки давлат: Хитой ва Россия билан чегарадош) айлантириш тўғрисидаги шартнома 2009 йилнинг 21 мартидан кучга кирди.

Буни БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун олқашлади ҳамда БМТнинг баёнотида: «Бу – илгарин ядровий қурол мавжуд бўлган минтақада яратилган илк ядро қуролдан холи ҳудуддир», деб алоҳида таъкидлади. Мазкур ташаббуснинг жаҳондаги ва минтақадаги аҳамиятини Мигель д'Эското Брокман – БМТ Бош Ассамблеяси Раиси шундай юқори баҳолаган эди: «Ўзбекистон Республикаси ҳар доим минтақада халқаро ҳамкорлики, тинчлик ва барқарорликини мустаҳкамлаш борасида изчил ва фаол сиёсат юритиб келган. Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлатнинг ёрқин намунасидир. Бу мамлакатнингизнинг барқарор ривожланиш, глобал ва минтақавий хавфсизликини мустаҳкамлаш соҳасида БМТ билан фаол ҳамкорлигида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Айниқса, Сиз Жаноби Олийларининг илк бор Бош Ассамблеянинг 1993 йилдаги сессиясида эълон қилинган Марказий Осиёда ядродан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлашдан мамнуиман. Сиз ва Ўзбекистон халқи ушбу ташаббуснинг рўёбга чиқишида эришган муваффақиятларингиз билан ҳар қанча мақтовга сазоворсиз. Мазкур ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш борасида барча қўшни мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик натижаси жорий йилнинг 21 мартидан кучга кирган Шартномада ўз ифодасини топган»<sup>1</sup>.

**Иккинчи ташаббус:** 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг «халқаро террорчи» атамаси кенг ингитилган бўлиб, Деҳли унга қарор қилинган. Европа мамлакатларида, хусусан, Италияда («Қизил бригада»), Германияда (Баадер-Майнхоф гуруҳи), Буюк Британияда ҳам ўзига хос халқаро террорчи гуруҳлар мавжуд эди. Аммо гарбликлар улар тўғрисида гапирмас эди. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон халқаро террорчи гуруҳларни МДХ ҳудудида, МОҲТ (Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти) ҳудудида қонунадан ташқарида деб эътироф этиш мақсадидан уларнинг рўйхатини тузиш ҳақидаги таклифни МДХ ва МОҲТга тақдим этди ҳамда шу асосда мазкур халқаро ташкилотлар қарор қабул қилди. «Бу жиддий тадбир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда: Германия, Покистон, 16 та араб мамлакати «Ҳизб ут-таҳрир»ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОҲТнинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга қўшилди»<sup>2</sup>. Минтақада вужудга келаётган таҳдидлар ва уларнинг трансформацияси нафақат Шарқ, балки Европа мамлакатларини ҳам қатта ташвишга солмоқда. Маълумки, барча таҳдидларни бартараф қилишнинг ягона йўли ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда иш кўришдир. И.Каримов Афғонистон масаласининг жиддийлиги ва долзарблигини инобатга олиб қўйидаги фикрларни билдирган эди: «Нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан ташқаридаги ҳар бир соғлом фикрли инсон минтақавий можароларининг янада авж олиши бу ҳудуддаги мамлакатлар танилайдиган йўлига таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини яхши англайдим»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2009 йил 18 июль.

<sup>2</sup> Каримов И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди// Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 152-бет.

<sup>3</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. –32-бет.

**Учинчи ташаббус:** Ўзбекистон ташаббуси билан 1997 йилги Афғонистонда ички низоларни бартараф қилиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳи ташкил этилган эди. Гуруҳ Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Покистон, Хитой ва АҚШ ҳамда Россия давлат раҳбарларидан таркиб топиб, 1997 – 2001 йиллар мобайнида самарали иш олиб борди. Қисқа давр мобайнида гуруҳ томонидан кўп қиррали дипломатик муносабатларни ўрнатилганда салмоқли тажрибалар тўпланди. БМТ шафелигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш юзасидан «6+2» мулоқот гуруҳига аъзо давлатларнинг 1999 йил июлда «Афғонистондаги зиддиятнинг бартараф этишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларациясини қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Тошкент учрашуви яқунларини афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли қарор қабул қилинди.

**Тўртинчи ташаббус:** Ўзбекистон НАТО билан 1994 йилдан буён «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича ҳам биргаликда фаолият юргизиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда тажриба алмашиш, хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик каби муҳим масалалар доирасида самарали фаолият кўрсатмоқда. И.Каримов Ўзбекистон ва НАТО ҳамкорлигини хусусида сўз юритар экан, шундай дейди: «Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг иссиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа қурилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тadbирлар билан бир қаторда демократик янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли бошқа йўналишларда ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши мумкин»<sup>4</sup>.

Ўзбекистон НАТО билан тинчлик йўлида ҳамкорлик қилар экан, биринчи навбатда давлатимиз учун миллий манфаатлар етакчи ролни ўйнайди. НАТО ҳарбий ташкилот бўлса-да, у билан ноҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг ўзинга хос стратегиясини ҳисобланади. Шундай шароитда халқаро миқёсда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган янгича ёндашувлар, концепцияларини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда. 2008 йилнинг 3–4 апрель кунлари Бухарест шаҳрида НАТО Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгашининг навбатдаги саммитида мамлакатимиз раҳбари иштирок этди. Бу саммит НАТОнинг Афғонистондаги кейинги стратегиясини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этди. Саммитда кўзланган мақсадга эришиш йўлида халқаро ташкилотлар нуфузини ошириш ва фаолият доирасини кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон томонидан «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ташаббуси илгари сурилди. Музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонасининг иштирок этиши гуруҳнинг имкониятларини янада кенгайтириб, салоҳиятини орттиради. Ўзбекистон томонидан НАТОнинг Афғони-

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг НАТО/СЕАП саммитидаги нутқи. Бухарест шаҳри. 4 апрель 2008 йил. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

стондаги тактикасининг истиқболини белгилаб берувчи бешта муҳим йўналиш таклиф қилинди. АҚШнинг Патгерс университети профессори, «Global Scholarly Publications» халқаро ташкилоти директори П.Морвиджнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг НАТО ташкилоти билан ҳамкорлиги асосида Афғонистонда демократик янгилаш ва модернизация қилиш, шунингдек, халқаро миқёсдаги наркотрафикка қарши курашиш масалалари ётибди. Бу жараёнда Ўзбекистон ўзига хос муҳим стратегик шерик ролини ўйнайди. И.Каримовнинг НАТО саммитида таъкидланган бешта муҳим таклифи Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга<sup>5</sup>.

**Бешинчи ташаббус:** Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрўйи ошиб бормоқда. Бу бир томондан, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси бешикларидан эканлиги билан, иккинчи томондан эса, аجدодлар анъаналарига содиқлик, яъни халқлар, давлатлар, миллатлар, динлар ўртасидаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фаоллиги билан белгиланади. Маълумки, Яқин Шарқда, Болқон, Шимолий Ирландия, Афғонистон, Ироқ, Шимолий Кавказ ва бошқа минтақаларда мунтазам равишда турли миллат, турли дин вакиллари орасида мурасасиз низолар кучаймоқда. Лекин Ўзбекистонда минг йиллар давомида турли миллат, турли дин вакиллари яшаётган бўлса-да бундай низоларга ҳеч қандай асос бўлмаганлиги сабабли тинчлик ва барқарорлик ҳукмдор, ягона оила бўлиб аҳил яшамоқда. Шунинг учун ҳам халқаро жамоатчилик: Ўзбекистонни тинчликни таъминлашнинг бешик сифатида ҳамда турли дин, миллат, маданият, турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаш ва ҳамкорлиги маркази сифатида эътироф этмоқда. Қадимдан зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, яҳудийлик каби кўҳна дин ва уларнинг вакиллари айнан Ўзбекистон ҳудудида яшаган, шакланган, ривожланган, бир-бирини бойитган. Шулар нуқтаи назардан ҳам халқлар ва давлатлар ўртасидаги барқарорликни таъминлашда турли динга мансуб халқларнинг кўп миллатли давлатда тинч ва тотув яшаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини оммалаштиришга БМТнинг ЮНЕСКО ташкилотига алоҳида таклифлар 1998 йил 6 ноябрда тақдим қилинган: «...мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш этса арзийди. Бу – турли динга мансуб бўлган халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшай олиши тажрибасидир». *Ўзбекистон минтақада тинчлик, ҳақсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда етакчи ўринга эга мамлакатдир. Юртингиз глобал терроризм таҳдидларига қарши курашиш борасида ҳам халқаро ҳамжамиятда муҳим ўрин тутади.*

**Олтинчи ташаббус.** Ўзбекистон Республикаси минтақада ва дунёда тинчлик ва барқарорлик учун мунтазам саъй-ҳаракат қилмоқда. Шу ташаббуслардан яна бири 1995 йилда Ўзбекистон низо зонасига қурол-яроғлар етказиб беришга қаттиқ халқаро тақиқни эълон қилиш таклифи билан чиққан: «Бундан бир йил аввал (яъни 1995 йил – Ш.Х) Ўзбекистон низо зонасига қурол-яроғлар етказиб беришга қаттиқ

---

<sup>5</sup> [www.pv.uz](http://www.pv.uz)

ҳалқаро тақиқни эълон қилишни таклиф этди. Шундан кейин Европа парламенти ва БМТ нинг Афғонистон бўйича қабул қилинган резолюцияси, АҚШ Конгрессида ушбу масала бўйича ўтказилган мунозаралар халқаро ҳамжамият бундай чоранинг муқобили йўқлигини англаб етганлигидан далолат беради.

Умид қиламанки, БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак 51- сессиясида Афғонистонга курол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги таклиф ўз тасдиғини топади. Бу эса янги асрга олиб ўтилиши мумкин бўлмаган кўп йиллик урушга чек қўйишнинг бошланиши бўлишига ишонаман»<sup>6</sup>.

6-илова

## Аждодларимиз интеллектуал капиталнинг хорижий давлатларда сақланиши

Ўзбекистон халқининг бағрикенглиги барча соҳаларда, жумладан, фан, илм-маърифатда ҳам қадимдан маълум ва машҳурдир. Бу замин фарзандларининг интеллектуал капитални эвазига инсоният цивилизациясида фан ва техника тараққий қилган ҳамда мамлакат ва халқларнинг ички интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши ва ривожланишига беминнат замин бўлган. Бу шарқона муросанинг ўзига хос ва муҳим жиҳатидир. Айни шунинг учун ҳам академик И.Каримов «...улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданий тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболага бўлмайди.

Агар ўша – энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган ноёб олтин ва қумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни – барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди»<sup>7</sup>, –деб кўрсатган эди.

Чингизхон ва унинг авлодлари даврида Ўрта Осиёдан олиб кетилган нодир қўлёмаларнинг 4 миллиондан ортиғи Монғолия пойтахти Улан Баторда сақланмоқда.

Ўзбекистонда 80 мингдан ортиқ нодир қўлёмалар ўрганилган эмас, «...фақат Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондларидаги

---

<sup>6</sup> Каримов И. Миллий матбуот клубида ўтказилган матбуот коференциясида сўзланган кичи нутқи//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 25-бет.

<sup>7</sup> Каримов И. Жайхун соҳилидаги беқиёс шаҳар. //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: «Ўзбекистон», 2002. – 308-бет.

кўлёмаларни ўрганish ва нашр этишнинг ўзига камиди 4000 йил керак бўлади. Бу гапда ҳеч қандай муболага йўқ»<sup>8</sup>.

1. Абулфазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холид (1230 йилда туғилган). У Жамол Қарший номи билан машҳур бўлган. Унинг «Мулҳақот ас-суроҳ» («Ас-суроҳ»га илова) асари Санкт-Петербургда, Англия, Франция, Германия кутубхоналарида сақланмоқда.

2. Нажиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Луқмон ан-Насафийнинг (1068–1142) «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоб») ёки «Китоб ал-қанд фи маърифати уламоин Самарқанд» («Самарқанд олимларини таниш борасида қанд китоб») номли асари Германия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони кутубхоналарида сақланмоқда.

3. Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг (1394–1449) «Улус-и арбаъ-йи Чингизий» («Чингизийларнинг тўрт улуси тарихи») ёки «Тарих-и арбаъ улу» («Тўрт улус тарихи») асари Англия, Ҳиндистон, АҚШ кутубхоналарида.

4. Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Нехоқ Самарқандийнинг (1413–1482) «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг кўшилиши ўрни») асари Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон, Россия кутубхоналарида.

5. Муҳаммад Солиҳнинг (1455–1535) «Шайбонийнома» (1505 йилда ёзилган) асари Австрия, Россия кутубхоналарида.

6. Тарихчи-файласуф Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг (бухоролик, 1720–1800) «Силсилат ас-салотин» («Подшолар силсиласи», 1731 ёзилган) асари ягона нусхаси Англиянинг Бодлеян кутубхонасида.

7. Файласуф Д.Сартон (1881–1956) ўзининг «Фан тарихига кириш» номли асарида Чалғанийнинг «Тўққизлар арифметикаси», «Мерос тақсим қилишдаги арифметик методларга шарҳ» номли асарлари борлиги ва улар Принстон университети (АҚШ) Шарқ кўлёмалар хазинасида сақланаётганлигини ёзган.

8. Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг «Силсилат ас-салотин» (1781 йилда ёзилган, «Подшолар силсиласи») асари Англиянинг Бодлеян кутубхонасида. Китобдан Ўрта Осиёнинг араб истилосидан олдинги даврлари, исломлаштириш, пайғамбарлар, Амир Темур шажараси, Темурийлар фаолияти, XVI–XVIII асрларда Бухоронинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ёритилган.

9. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Устурлоб билан амал қилиш ҳақидаги китоб»н Ҳиндистонда.

10. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи» Қоҳирада.

11. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Етти иқлим ҳиби» китоби Германияда.

12. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Устурлоб ясаш ҳақидаги китоб»н Берлинда.

<sup>8</sup> Юсуфов Э., Туленов Ж., Гафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар. –Т.: «Фан», 1990. – 78–79-бетлар.



13. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Устур-лоб яшаш ҳақидаги китоб»и Парижда.

14. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Фалакнёт рисоласи» Англия, Мисрда.

15. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Илм ал-ҳайъа» («Фалакнёт илми») китоби Марокаш ва Ҳиндистонда.

16. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Аҳмад Фарғонийнинг «Фалак сфералари сабабияти» асари Санкт-Петербург, Франция кутубхоналарида сақланмоқда.

17. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий «ал-Жабр ва-л-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб». Асл нусхаси Оксфорд кутубхонасида. Асар лотин (1145), инглиз (1831, Лондон), француз (1838, Париж), Нью-Йорк (1915), Жейдельберг (1917), Берлин (1932), Қоҳира (1939), Тошкент (1964, 1983 рус, ўзбекча)да нашр қилинган.

18. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби бўйича китоб» асари 1120 йилларда лотин тилига таржима қилинган. Кейинчалик инглиз, немис, араб, француз, рус тилларга таржима қилиниб (1135, 1143, 1153, 1163, 1168, 1265, 1300, 1859, 1898, 1954, 1964, 1975, 1964, 1983) Вена, Мюнхен, Мадрид, Рим, Париж, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент шаҳарларида нашр қилинган.

19. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, «Астрономик зиж» (XI асрда лотин тилига таржима қилинган). Асар Англия, Франция, Испания кутубхоналарида.

20. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг, «Ер сурати ҳақида китоб»и Франция кутубхонасида сақланмоқда. Асар турли йилларда (1879, 1882, 1895, 1915, 1916, 1919, 1926, 1968) Бонн, Будапешт, Вена, Рим, Париж, Лондон, Лейпциг ва бошқа шаҳарларда лотин, инглиз, немис, испан, поляк, грек тилларида нашр қилинган.

21. Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний «Китоб фи усул илм ан-нужум» асари Буюк Британия, Россия (Санкт-Петербург), Миср, Марокаш, АҚШ, Франция, Германия кутубхоналарида сақланмоқда. Асар Ионна Севил (1145), Голл (1193), Региомонтан (1533), Шёнер (1537), Христоман (1590), Компани (1910), Розенфельд (1960) томонларидан лотин, инглиз, немис, рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этилган.

22. Абу Али Шайху-р-раис ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980–1037) 450 дан ошдиқ асарлар муаллифи. Шулардан 242 таси бизгача етиб келган, шуларнинг 80 таси фалсафа, дин ва тасаввуфга, 66 таси медицинага, 19 таси логикага, 26 таси психологияга, 7 таси коннот ва астрономияга, 1 таси математикага, 1 таси мусиқага, 2 таси химияга, 4 таси адабиёт ва тилга, 8 таси олимлар билан ёзишмаларга бағишланган.

23. Абу Али Шайху-р-раис ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да 811 та дорини тайёрлаш ва улар қандай касалларга даволигини кўрсатган. 400 та доривор усимликдан 165 таси ҳозирги шаронгда ҳам фойдаланилмоқда, асар XII асрда лотин тилига таржима қилинган ҳамда ҳозирги кунда дунёнинг деярли

барча тилларига ўғирилган бўлиб, уларнинг тиражи бир неча ўн миллиондан иборат.

24. Файласуф, математик ва шифокор, италиялик олим Джироламо Кардино (1501–1576) Абу Али Шайху-р-раис ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ҳақида шундай деган: «Менинг ҳамма ғояларим ўзимга эмас, балки Ибн Синога тааллуқлидир, чунки унинг назариялари фалсафий қарашлар орасида ҳақиқатга яқин ягона ғоялардир. Мен буни бажонидил тан оламан».

25. Ўзбек олимлари ҳам Ибн Сино ишларининг давомчилари ва медицина нуқтаназаридан дунёга машҳурдирлар. Уларнинг кўпчилигини Германия, АҚШ, Япония, Корея, Миср, Россия, Хитой каби кўплаб мамлакатлар медицина бўйича турли симпозиум, конференцияларга ҳамда хориж университетларига лекциялар ўқишга таклиф қилишади. Шулардан бири медицина бўйича машҳур олим марҳум Н.Мажидов ҳисобланади. У АҚШнинг Канзас-сити шаҳридаги «Саломатлик маркази»да лекция ўқиб бўлгач, марказ директори шундай дейди: «Сизни ҳозир улкан медицина китоблари кутубхонасига олиб бораман», – деб марказ кутубхонасига таклиф қилади. Директор ойна олдидаги улкан жилдли китобни кўрсатиб; «Сизнинг ватандошингиз, тиббиёт фанининг буюк намояндаси ва улуғ мутафаккир Абу Али ибн Синонинг беш томлиги. Биласизми, бу хонага ҳеч ким қўйилмайдди. Ибн Сино Ватанидан, туғилган юртидан ва унинг авлоди бўлганингиз учун Сиз буидан мустасносан...» Фахр-и тинчор туғилганларига бўлиб-тоғлиб хонага кирдинг. Хонда автоматик қурilmалар кўп, барча ишлар компютерлаштирилган. Ойна тагида «Тиб қонунилари»нинг XV асрда француз тилида босилган нусхаси бор эди».

26. Абу Райҳон Берунийнинг «Фармакогнозия», «Минералогия» асарлари фан тарихида муҳим роль ўйнаган. Хусусан, улар ҳозир ҳам кўпгина дори-дармонларни тайёрлашда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Ҳамдард Фаундейшн – Ҳиндистон ва Покистонда дори дармонлар тайёрловчи дунёдаги энг йирик компания – Берунийнинг юқоридаги асарларида баён қилинган рецепт бўйича маҳсулотлар тайёрламоқда.

Берунийнинг «Минералогия» асарида коҳробо ва магний тошлари ҳақидаги ғояларида ҳозирги даврдаги электр ва магний ҳодисалари ҳақидаги ғоялар баён берилганлигини кўришимиз мумкин.

27. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг (997 й.ваф.эт.) «Мифтоҳ ул-улум» («Илмлар калити») асарининг ўнта қўлёзмаси сақланиб қолган бўлиб, учтаси Англия, олтитаси Туркия, биттаси Германия кутубхонасида.

## Хоринжий мамлакатларда сақланаётган темурийлар даврига онд экспонатлар рўйхати

### *АҚШ, Нью-Йорк, «Метрополитен» музейи*

Медальон, муҳр. Пичоқ, ханжар, олтин ва кумушдан ясалган. Қимматбаҳо тошлар билан безатилган қилч дастаси. Бронзадан ишланган кўзачалар. Олтиндан ясалган узуклар.

Биллак узуклар.

Улугбек Кўрагоний деб ёзилган. Нефритдан ишланган кўзалар ва бошқа буюмлар. Лавҳ.

Ўймакор эшик.

### *Бостон музейи*

Патнис. Қадаҳлар. Вазалар, кўзалар. Снёхдонлар ва калит.

### *Буюк Британия (Англия), Британия музейи*

Инглиз қироли Генрих IV нинг Амир Темурга ва Мироншоҳга юборган мактублари нусхалари.

Улугбек ва Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги (1497 й.) даврида металл ва нефритдан ишланган кўза, қадаҳ, ваза ва бошқа буюмлар.

Кумуш қадаб ишланган бронза кўза.

### *Қирол музейи, Эдинбург шаҳри*

Сопол туфдон. 1444 й.

### *Франция, Лувр*

Амир Темурнинг Карл IV га йўллаган иккита мактуби. Бронза шамдонлар. Уста — исфаҳонлик Иззаддин ибн Тожддин (1397 й.).

### *Австрия*

Амир Темурнинг Эрондаги Рум қишлоғида тошга ёзув ўйинб ишлаш ҳақидаги топшириғи.

### *Италия, Рим Миллий санъат музейи*

Сопол кўзалар.

*Португалия, Лиссабон, Лиссабон марказий музейи*

Нефритдан ишланган нақшли кўзалар. Улуғбек Кўрагоний деган ёзувлари бор.

*Эрон, Теҳрон, Теҳрон музейи*

Олтин сопли қилнч, қалқон.

Қадаҳлар, қимматбаҳо кўзалар ва ҳ.к. Хусайн Бойқаро ҳукмдорлик қилган давр ёдгорликлари.

*Туркия, Истанбул, Ислам нафис санъат музейи*

Олтин қадаб ишланган чарм муқовали кўлёзма. 1483 й.

Хусайн Бойқаро буюртмаси бўйича.

*Ҳиндистон, Дехли*

Амир Темур шахматлари.

*Россия, Санкт-Петербург Давлат Эрмитажи*

Темурнинг ўгли Мироншоҳ номи ёзилган узуқ. СА-8481.

Шоҳрухнинг хотини, Улуғбекийнинг онаси Гавҳаршодбегимнинг муҳри. СА-13650.

Асад ибн Муҳаммаднинг номи ва шеърлари ёзилган муҳр. УР-896.

Шеърлар битилган муҳр. XV аср. Нефрит. УР-884.

Муҳаммад ибн Муса ҳожи номи битилган муҳр. XV аср. Нефрит. УР-882.

Аҳмад Али ибн Алишоҳ номи битилган муҳр. XV аср. Нефрит. УР-885.

Фуладбек ибн Рустам номи битилган муҳр. XV аср. Нефрит. УР-992.

Муҳаммад Шамсиддин номи битилган муҳр. XV аср. Нефрит, зарҳал. УР-888.

Саид номи ва шеърлар битилган муҳр. XV аср. Сердолик. ИР-1874.

Маҳмуд ибн Масъуд номи ва шеърлар битилган муҳр. XV аср — XVI аср бошлари. Сердолик. ИР-1873.

Араб ёзувли муҳр. XVI аср. Халседон. СА-3463.

Имом Али номи улуғланган арабча шеърли муҳр. XVI аср. Сердолик. ИР-1879, СА-13655.

Амир Темур унвони бор ва арабча яхшилик тиловчи ёзувли шамчироқ. 1397 й. Бронза. СА-9987.

Медальон ва арабча ёзувли лаган. XIV аср охири. Бронза. ИР-1557.

Унвон. Шеърлар, арабча ёзув битилган лаган. XIV аср охири — XV аср бошлари. Бронза. ИР-1540.

Ёзув битилган қозон. XIV аср охири — XV аср бошлари. Мис. УС-1019.

Ҳофиз шеърлари битилган қадаҳ. 1908—1909 йй. Мис. УС-420. Форсий шеърлар битилган патнис. XV аср ўрталари. Мис. СА-14925.

Форсий ва араб шеърлари ёзилган сув қуйиладиган идиш. XV асрнинг II ярми. Мис. УС-436.

Жомий шеърлари ўйиб ёзилган тувакча. XV аср. Унвон ва арабча ёзувли кўзача. XV аср. Бронза. Мис. СА-12762. УС-866.

Шеърлар ўйиб ёзилган кўзача. XV аср. Олтин ва кумуш қадалган бронза. УС-975.

Арабча ёзувли сопли кўза. XIV—XV аср. Кумуш.

Арабча ёзувли катта шиша. XIV—XV аср. Кумуш, зарҳал. СК-586.

Шеърний ёзувли қинли ханжар. Қадимий асл пўлат, олтин, тош қадалган. XV аср. 3388.

Кимжоб бўлаги. XV аср. УТ-1175.

Арабча ёзувли лаган. XIV аср. УСР-1017.

Арабча ёзувли сопли дегча. XIV аср. Мис. УС-22, УС-9.

Арабча ва форсча ёзувли патнис. XIV аср. УС-696.

Икки қуш тасвирланган лаганча. XV аср. Сопол. УГ-732.

Анор тасвири туширилган лаганча. XV аср. Сопол. УГ-750.

Гуллар тасвири туширилган лаганча. XV аср. Сопол. УГ-741.

Гулдор коса. XV аср. Сопол. УГ-319.

Гулдор лаганча. XV аср. Сопол. УГ-220.

Чинни лаганча. XV аср. 2 та.

### *Этнография институти*

Сопол кўза. Хоразм – Уйгарак, XIV аср. № 59. Имп. 52/133.

Сопол коса. Хоразм – Ербекир қалъа. XIV аср. № 58 Яр.6./512.

Зирак, бронза, дур. Хоразм – Қумқалъа. XIV-XV аср. № 68 КМ-к2/1.

Иккита зирак, олтин, дур. Хоразм – Шеҳрлик. XIV—XV аср. № 65 ЛБт. 933/1,2.

### *Озарбайжон, Мустафосев номидаги санъат музейи*

Феникс (қақнус) тасвирланган сопол лаганча. XV аср. № 1958.

Гул тасвирланган сопол лаганча. XV аср. № 692.

Иккита қуш тасвирланган сопол лаганча. XV аср. № 835.

### *Грузия, Санъат музейи*

Арабча ёзувли патнис. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган.

Арабча унвоили шамдон таглиги. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1–42.

Арабча ёзувли лаган. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. № 49. Форсча шеърлар ўйиб ёзилган қадаҳ. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1 – 106.

Арабча ёзувли патнис. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1–47.

Арабча ёзувли кўза. XIV—XV аср. Бронза, кумуш қадалган. № 137 (эски фонд).

## Ўзбекистон ҳудудидан топилган ва Россия ҳамда бошқа МДХ мамлакатлари муассасаларида сақланаётган археологик топилмалар рўйхати

Республикамиз халқларининг маданий-тарихий мероси бўлган ҳамда турли йилларда илмий экспедициялар ва айрим шахслар томонидан Ўзбекистондан олиб келинган қимматбаҳо буюмлар ва топилмаларнинг ушбу рўйхати Ўзбекистон Республикаси Археология институти ходимлари томонидан асосан илмий мақолалар ва архив материаллари бўйича тузиб чиқилди. Бу топилмаларнинг кўплари хусусий шахслардан сотиб олинган, айримлари нинъом қилинган.

Афсуски, таниб келинган ҳамда Россия ва бошқа МДХ давлатларининг кенг тармоқ ёйган маърифий муассасаларида сақланаётган барча парса-буюмларнинг тўлиқ рўйхатини тузиб чиқишнинг имкони йўқ. Бунинг учун топилмаларнинг тўлиқ каталоглари билан жойларининг ўзида маҳаллий ходимлар ёрдамида танишиб чиқиш учун ана шу муассасаларга мутахасссларни хизмат сафарларига юбориш зарур. Бу вариант, назаримизда, анча мақсади мувофиқдир. Каталогда асосан археологик топилмалар баён этилган.

Қуйида тарихий бойликлар сақланаётган ёки сақланиши мумкин бўлган муассасаларнинг рўйхати, шунингдек, илмий адабиётлар бўйича қабул қилинган қисқартмалар рўйхати илова қилинган.

№	Номлари	Топилган жойи ва йили	Миқдори	Топилма муаллифи	Топилма сақланаётган жой	Топилмалар ҳақидаги адабиётлар
1.	Амир Темур даври бронза шарлари	Самарқанд		Юсупов тоширган	Давлат Эрмитажи (ДЭ)	
2.	Тунроққатъа материаллари			Хоразм экспедицияси	ДЭ	С. П. Толстов. По древним дельтам Окса и Яксарта
3.	Весселовский коллекцияси. Керамика	Тошкент вилояти, Фарғона, Самарқанд, 1874.		Н. И. Весселовский	Император Архив комиссияси фонди	
4.	Шохрухияда А. Навоий асарларига ишланган миниатюра		1		С. П. Даги Саттиков-Щедрин номли кутубхона	
	Нумизматика (қадимги чақа-тангалар)					

1.	I—XIX асрларга оид олтин, кумуш ва мис тангалар.	Урта Осиё, асосан Ўзбекистон худуди, XIX аср 2-ярми	504	Акрам Асқаров (харид қилувчи)	Давлат Эрмитажи, С. Пб.	ИМКУ. Ўш. 5. Т., 1964, с. 233-246.
2.	Миллодат ав. V—миллий XIX асрларга оид олтин, кумуш ва мис тангалар.	Бухоро, Кармана, Каттақўрғон, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Аҳлисит, 1880 й.	871	Н. И. Веселовский		Б. В. Лутин. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Ташкент. 1979. с. 172-174.
3.	V—XIX асрларга оид кумуш ва мис тангалар	Пойкент шаҳарчаси, 1935-1940 йй.	200 дан ор-тиқ	Л.Ю.Якубовский ва унинг ходимлари	*	
4.	Мил. ав. II аср—мил. XIX асрга оид кумуш ва мис тангалар	Пойкент, Варахша, Қум-Совтаг, 1987-1990 йй.	500 дан ор-тиқ	Г. В. Шишкин ва унинг экспедиция ходимлари	Шарқ халқлари санъ-ати давлат музейи, Москва ш.,	
	Сурхондарё					
1.	Гераксининг идиш сиртидаги ёпиштирма боши	Зартепа	1	В. А. Завьялов	ЛОИА	КНДУ, 1993. С. 1%.
2.	Бодхисатва ҳайкалчаси	Зартепа	1	—«—	—«—	—« С. 197.
3.	Аёл ҳайкалчаси (донатриса)	—«—	1	—«—	—«—	—« С. 190.
4.	Ҳайкалча бўлаги	—«—	1	—«—	—«—	—« С. 202.
5.	Кўза	—«—	1	—«—	—«—	— С. 394.
6.	Идиш дастаси	—«—	1	—«—	—«—	—« С. 377.
7.	Ритон	—«—	1	—«—	—«—	—« С. 378.
8.	Идиш сиртидаги ёпиштирма	—«—				—« С. 380.
9.	Кенг бўйинли идиш. Ёзувли парча			—«—	—«—	— С. 381.
10.	Ҳайкалчалар тайёрлаш учун материал	—«—		—«—	—«—	С.382
11.	Матринали нуسخа	—«—	1	—«—	—«—	С. 383.
12.	Саҳнали плакетка	—«— ■	1	—«—	—*—	С. 385.
13.	Медальон. Бронза	—«—	1	—«—	—«—	С. 386.
14.	Шпилька, суяк, ўйма нақш	—«—	5	—*—	—«—	С. 387-391.
15.	Ҳайкал. Будданинг боши	—«—	1	—#—	—«—	С. 392.
16.	Ганч. Ўйма нақш. Панино	Термиз бекати	1		ГМИИВ	С. 545.
17.	Графитли расмлар	Қоратена	1	Б. Я Станский экспедицияси	—«—	

18.	Ёзувли сопол парчалар а) кушон ёзувида б) брахма ва кушон ёзувида в) номъалум ёзувда	—«—	1		—«—	
19.	Батрия графитли ёзувлари	Қоратена				С. 11.
20.	—«—	-Ш-	1	—«—	—«—	С-8
21.	—«—	-«-	1	—«—	—«—	С-7
22.	—«—	-«-	1	—«—	—«—	С-7
23.	—«—	-*-	1	—«—	—«—	С-5, 6-9
24.	—«—	-«-	1	—«—	—«—	С-4
25.	Терракоталар	-*-	6	—«—	—«—	
26.	Тошдан ясалган барельефлар бўлаклари	-«-	16	—«—	—«—	
27.	Тошдан ясалган аёл ҳайкалчалари бўлаклари	-«-	4	—«—	—«—	
28.	Нўлбарслар тасвирланган бўлаклар	-*-	2	—«—	—«—	
29.	Харум тасвирланган бўлаклари	-«-	3	—«—	—«—	
30.	Одам қиёфаси тасвирланган арка қисми	—«—	1	—«—	—«—	
31.	Одам қиёфаси тасвирланган арка қисми	—«—		—«—	—«—	
32.	Декоратив тош пилластра (устун) ва база қисми	—«—		—«—	—«—	
33.	Декоратив пилластра (устун) қоши	Қоратена	1	—«—	-«-	
34.	Будданинг боши. Нақш детал		1	—«—	-«-	
35.	Донатр-чолнинг боши. Нақш детал	—«—	1	—«—	-«-	
36.	Мриггитиот Охжлян шилланган буюм	-«-	^	—«—	-«-	
37.	Зебу-ҳўкинз бошлари тасвирланган тош бўлаклари	—	3	—«—	-«-	
38.	Зебу-ҳўкинз бошлари тасвирланган тош бўлаклари	—«—	6	-«-	-«-	
39.	Одам бошлари тасвирланган тош бўлаклари	—	6	—«—	—«—	
40.	Капители (устун қоши) қисми	—«—	1	—«—	—«—	
41.	Тошдан ясалган барг шакллари бўлаклари	—«—	9	—«—	—«—	
42.	Ганч нақшлари бўлаклари	—«—	4	—«—	—«—	



43.	Тошдан ясалган ховонча макетлари бўлаклари	—«—	7	—«—	—«—	
44.	Нилуфар гули тасвирланган копоп бўлаклари		3		«	
45.	Ҳайвон шакллари тасвирланган банди идиш бўлаклари	_ж_	2	—«—		
46.	Сопол буюмлар: бош шаклида ишланган нақшли идиш, ҳўкинз ва маймун шакллари бор	—«—	1	—«—	—«—	
47.	Свастикали, нилуфар гулли, ёзувли сопол парчалари	—«—	11	Б. Я. Ставский экспедицияси	ГМИНВ	
48.	Тохаристоннинг хионит ва эфталит тангалари	—«—	5	—«—	—«—	
49.	Брахма ёзувли сопол идиш	—«—	1	—«—	—«—	
50.	Бақтрия ёзуви	—«—	1	—«—	—«—	
51.	Графитли ёзув	—«—	3	—«—	—«—	
52.	Сопол идишлар	—«—	7	—«—	—«—	
53.	Хат ёзувли идиш бўлаклари	Қоратепа	29	—«—	—«—	
54.	Мис тангалар	—«—	5	—«—	—«—	
55.	Икки дастали кўза	—«—	1	—«—	—«—	
56.	Бир дастали тор бўйинли кўза	—«—	1	—«—	—«—	
57.	Сопол идиш	—«—	2	—«—	—«—	
58.	Барельеф (лойли ганч)	—«—	1	—«—	—«—	
59.	Будда персонажи ҳайкали бошининг бўлаклари	—«—		—«—	—«—	
60.	Деват ҳайкали бошининг бўлаги	—«—	1	—«—	—«—	
61.	Ҳайкалча. Утирган Будда қиёфаси	—«—	1	—«—	—«—	
62.	Реликварий. Тош	—«—	1	—«—	—«—	
63.	Девор рангтавири бўлаги. Будда ва роҳиблар.	—«—	1	—«—	—«—	
64.	Девор рангтавири бўлаги. Утирган Будда қиёфаси	—«—	1		—«—	
	Тош асри					
1.	Неандартал бола қўлоқлари ва бош суяги	Тешиктош, Сурхондаре, 1938 й.	1	Окладников	Антропология институти, Москва	Тешик-Таш. МГУ, 1949.
2.	Тош қуроллар				МДУ қошидаги антропология музейи С-Пб. этнография музейи.	—«—

3.	Селунгур горидан топишган одам (архантроп)нинг суяк қолдиқлари	1984-1988 йй. Селунгур гори. Фарғона вилояти	10 та тиш, 2 та бош чанови	У. Исмолов	Антропология институти, Москва	
	Хоразм ва Қорақалпоғистон					
1.	Милодий II—III асрлардаги деворга ишланган рангтаасвир	Тупроққалъа	8	Е. Е. Неразик. Хоразм экспедицияси	ВНИИР, Москва ш.	Ю. А. Рапопорт, Е. Е. Неразик. Тупроққалъа. М., 1984.
2.	Ҳайкаллар. Милодий II—IV асрлар.	—«—	5	—«—	СССР ФА этнография институти	Култура ва искуство древнего Узбекистана
3.	Барельеф куйиш учун қолип	—«—	2	—«—	—«—	—«—
4.	Меъморчилик безаги деталли куйиш учун қолип	—«—	1	—«—	—«—	
5.	Милодий I—II асрлардаги сават типдаги оғасдон	Жонбошқалъа 1963-1964 йй.		—«—	ГМИИВ Москва ш.	—«—
6.	Милодий I—II асрларга оид Утирган аёли (қўйқирилган қалъа)	—«—	1	—«—	—«—	Ю. А. Рапопорт. Из истории религии Древнего Хорезма
7.	Сопол шақоб. Милотдан аввалги IV—III асрларга оид оғасдон	Қўйқирилган қалъа, 1953 й.	1	Хоразм экспедицияси	—«—	—«—
8.	Утирган эркак шаклидаги дафн этиш идиши	—«—	1	—«—	—«—	—«—
9.	Қизил бош	Тупроққалъа	Шу	Е. Е. Неразик	—«—	—«—
10.	Хоразмлик ёйандоз	Қўйқирилган қалъа	1	С. П. Толстов	—«—	—«—
11.	Оғасдон Ҳайкалчаси	—«—	1	Е. Е. Неразик	—«—	—«—
12.	Сопол сувдон сиртидаги ёзув парчалари	—«—	1	С. П. Толстов	—«—	—«—
13.	Хоразмшоҳлар тангалари	Қаватқалъа, 1956 й.	3	Н.Н. Вактурская, О.А. Вишнева	Давлат тарих музейи жамоаси	Материалы Хорезмск экспед. М., 1959.
14.	VIII—IX асрлар ёзуви бор 12 та кумуш қадаҳ	Бургутқалъа, Тўққалъа	12	С. П. Толстов	Давлат Эрмигажи	В. П. Даркевич. Художественный металл Востока. М., 1976.
15.	Ҳайкал. Лой, алебастр. Нақш.	Гаврқалъа, 1951-1952 йй.	1	С. П. Толстов, Хоразм экспедицияси	ГМИИВ, Москва ш.	—«—
16.	Терракотадан ишланган кампир боши	Қўйқирилган қалъа	1	С. П. Толстов, Хоразм экспедицияси	ГМИИВ Москва ш.	
17.	Милотдан авв. IV—III асрларга оид Ҳайкалча	—«—	1	—«—	—«—	—«—

18.	Ҳайкалчалар	«—		«—	«—	«—
19.	Милоддан ав. I аср — милодий I асрига оид девор рангтавири	«—		«—	«—	«—
20.	Милоддан ав. IV—III асрларга оид кўмиш маскаси	«		«—	Этнография I Л I I > * Г I Л IX '11 Ш институти	Ю. А. Рапопорт. Из истории религии Древнего Хорезма. М., 1971.
21.	Милоддан ав. IV—III асрларга оид кўмиш маскаси	Канғирқалъа, 1952		Е. Е. Неразик	«—	«—
22.	Милодий I асрдаги ҳайкал шаклидаги лойдаг ишланган суяк сақлагич	Айритом, 1932	1	М. Е. Массон	Давлат Эрмитажи	Б. Я. Ставский. Двадцать пять веков Среднеазиатской культуры Л., 1963.
23.	III—IV асрлардаги аёл кифаси	Тупроққалъа	1	«—		
24.	Успирининг боши	«—	1	«—	«—	«—
	Бухоро					
1.	VII—VIII асрлардаги девор рангтавири парчаси	Варахша		В. А. Шишкин	«—	Эрмитаж. Шарқ бўлими асарлари, IV т. В. А. Шишкин мақоласи.
2.	Ганчдан ипланган девор беаги парчаси, VII—VIII асрлар	«—		«—		
3.	Арабча ёзувли хум парчаси, VIII аср	Пойкент, 1984.		Г. А. Семенов	«—	УзР ФА АН архиви ҳисоботлари
4.	Ганчдан ишланган девор беаги бўлаги. VII—VIII асрлар	Варахша		Г. В. Шишкина	гминв	Культура и искусство древ. Узбекистана. Каталог, т. 2. № 460, 461.
5.	Ганчдан ишланган девор беаги бўлаклари. IX—X асрлар.	Тали Пула		«—		УзР ФА АН архиви ҳисоботлари
6.	Жездан ипланган биллазуқлар	Пойкент	2	А. П. Наймарк,	«—	«—
7.	Сопол буюмларга нақш ишлаш учун сопол штамплар. IX—X асрлар	Пойкент	2	А. П. Наймарк	гминв	Культура и искусство древ. Узбекистана. Каталог, т. 2. № 697, 698.
8.	Муслмонлардан олдинги даврда Фарбий Сугдан топилаган нузиматик топилавлар коллекцияси	Бухоро воҳаси, Варахша, Пойкент, Қум Совтан ва бошқ. 1982-1990		А. П. Наймарк, Г. В. Шишкина		Каталог, т. 1, № 233, 241.
	Фарғона					
1.	Темир пичоқлар	Чунтспа 1966-1967	3		Давлат Эрмитажи	Арх. сб. ГЭ. вып. 28. Л., 1987.

2.	Камон ўқининг темир учлиги	—«—	2		—«—	—«—
3.	Алебастрли доира	—«—	•		—«—	—«—
4.	Бронза илмоқ	«	1		—«—	—«—
5.	Бронза танга					—«—
6.	Камон ўқининг учлиги	Миқти қўрғон 1962-1967	1		—«—	Арх сб. ГЭ. Выш. 27. Л. 1987.
7.	Темир пичоқ	—«—	1		—«—	—«—
8.	Камон ўқининг темир учлиги	Поселение 5а 1962—1967	3		—«—	—«—
9.	Безаклар	Хангиз қабри 1977—1978			—«—	СА. 1990, № 1
10.	Қурол анжомлари	—«—			—«—	
11.	Ғахпама парчаси	—«—			—«—	—«—
12.	Кўзгу	—	1		—«—	—«—
13.	У-шу тангалари	—«—			—«—	—«—
14.	Камон ўқининг учлиги	Наманган вилояти, 1987			—«—	The silkings of the Site of the VI century B. C. VI century A. B. 1986.
15.	Пластинка зирҳи	—«—			—«—	—«—
16.	Камон ўқининг учлиги	Виловур, Андижон вилояти, 1972, 1973. 1976. 1977.			—«—	КСИА, вып. 184, М., 1985.
17.	Гулдор коса	Эйлаган. 1921. 1926.		И. А. Анбосв	Давлат Эрмитажи	—« С. 186.
18.	Бронза буюмлар	Далварзинтепа Андижон вилояти		Ю. А. Заднеп- ровский	ИИМК РАН С-Пб.	Ю. А. Заднеп- ровский. Древне- земледельческая культура Ферган- ы I. М. -Л., 1962.
19.	Ахсикендаги бронза буюмлар хазинаси	Ахси, Наманган вилояти Туракўрғон тумани		С. Смирнов	Давлат Эрмитажи	КСИД, вст. 122, с. 101
20.	Бронза буюмлар	Фарғона вилояти		Б. А. Латинин Н. Г. Горбунтова	—«—	
21.	Сигир тасвирли тўғноғич	Хон хазинаси	1	Ю. А. Заднеп- ровский	—«—	Ю. А. Заднеп- ровский. Древне- земледельческая культура Ферган- ни. МИА, 118. М. -Л., 1962.
22.	Кумуш тўғноғичлар	—«—	1	—«—	—«—	—«—
23.	Тўғноғичлар (бронза)	—«—	1	—«—	—«—	—«—

	Ахсиқентнинг бронза буюмлари (А. И. Смирнова коллекциялари)					
1.	Бронза кўза	Эски Ахси (Ахси-кент) XI-XII асрлар			ГМПИВ. Пив. № 52-71/Ш	
2.	Бронза кўза	—«—			№ 5269/111	
3.	Кўзанинг бронза дастаси	—«—			№ 5280/111	
4.	Шамчиқоқнинг бронза таглиги				№ 5279/Ш	
5.	Бронза ликобча	.*-			№ 5284/Ш	
6.	Бронза ликобча	—			№ 5283/Ш	
7.	Бронза ликобча	—«—			№ 5282/Ш	
8.	Бронза ликобча	—«—			№ 5285/Ш	
	Самарқанд					
1.	V—VI асрларга оид танга	Кулдортсена, 1957	1	Б. Я. Ставский	ДЭ. СА б/н	О. И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет. М., 1981.
2.	Илк ўрта аср тангаси	Афросиёб	1	А. И. Тереножкин	дэ Нумизматика бўлими	—«—
3.	Зарб этилган икки тилла тангалар	—«—	1	—«—	ДЭ НБ 583/1596	—«—
4.	Вузург тангаси	Кулдортсена, 1957	1	Б. Я. Ставский	ДЭ СА б/н	—«—
5.	Вархуман тангалари	Кофирқалъа, 1939	1	Г. В. Григорьев	ДЭ СА 7560	—«—
6.	Мастоп тангаси	Афросиёб, 1949	1	А. И. Тереножкин	ДЭ НБ 583/1596	—«—
7.	Тангалар	Афросиёб, 1947	д 1	—«—	ДЭ НБ КП 583/1596	—«—
8.	Тукаспадах тангаси	Афросиёб		—«—	581 595	—«—
9.	Тукаспадах тангаси	—«—		—«—	583/1596	—«—
10.	Танга	Афросиёб, 1947	1	—«—	ДЭ НБ КП 583/1596	—«—
11.	Турек тангалари		1		583/1595	—«—
12.	Тургар тангаси	Кулдортсена	1	Б. Я. Ставский	ДЭ СА б/н	—«—
13.	Тургар тангаси II тип	—«—	1	—«—	—«—	—«—
14.	Номаълум ихшид тангаси	Кофирқалъа, 1939	1	Г. В. Григорьев	—«— 7559	—«—
15.	Танга	Кофирқалъа, 1938	1	—«—	—«—	—«—
16.	Танга	Пойкент, 1940	1	А. Ю. Якубовский	11857	—«—
17.	Танга	—*—	1	—«—	11336	—«—

18.	Танга	—«—	1	—«—	ДЭСА	—«—
19.	Суғд-хитой тангалари	Варахша	1	—«—	ДЭ НБ 34831	—«—
20.	Кушон тангаси		1	Е. В. Зеймаль	ДЭА, т. IX, Л., 1972	Кушалские монеты собрания ГЭ
21.	Танга			—«—	—«—	Начальный этап денежного обращения Трансоксиан. культуры Востока. Л., 1978 СГЭ, в. I. XXXVII. л. 1973, с. 68-73.
22.	Танга		1			Древнесогдийские монеты с изобр. Геракла и Зевса.
23.	Кумуш танга	Дўрмон (Р-5)	1	ГМИИВ Москва		
24.	Антиох тангаси	Кулнофтаг	1	—«—		1
25.	Антиох драхмаси	—«—	1	—«—		
26.	Геракл тангаси	—«—	1	—«—		
27.	Гиркод тангаси	—«—	1	—«—		
28.	Гиркодининг мис тангаси					
29.	Гиркодининг мис тангаси	—«—	1	* —«—		
30.	Ёвтидем дафтари намунаси бўйича зарб этилган суғд тангаси. II аср	—«—	1			
31.	Тигаре кумуш тангаси	—«—	1	—«—		
32.	Кумуш танга	—«—	1	—«—		
33.	Шиширининг мис тангаси	Дўрмонтепа	1	—«—		
34.	Виртармухнинг ўроқ тангаси	—«—	1	—«—		
35.	Тукаспадах мис тангаси	Мулла Эшкул	1	—«—		
36.	Бухоро тангаси. VII аср	Варахша	1	—«—		
37.	Узун боши. Ганч билан ишланган девор безаги парчаси	—«—	пар-ча	—«—		
38.	Девор безаги. Ганч. 63x50 см.	Варахша VII—VIII асрлар	—«—	—«—		
39.	Қоқоқди оstdон	Дўрмон. VII аср	—«—	—«—		
40.	Ўсимликлар фонда кстаётган шерлар тасвирланган пластина					
41.	Пластина. Парча. 85x36.					

42.	Пластина. Парча. 13,2x3.5—3,7. Араб ёзуви	—«—	—«—	—«—		
43.	Пластина. Қанотли сфинкс ўсимлик орасида тасвир- ланган нақш	Дўрмон. VII аср	парча	—«—		
44.	Орқа томонида тик турган илоҳ тасвирланган Гиркод серияли тангалар. Милодий I—IV асрлар				ГМИИ Москва ш.	
45.	Хўкмдорнинг боши. Кумуш.				гМИИ 1319/319	
46.	Тангалар				гМИИ 1317/317	
47.	Суғд афсонаси тасвирлан- ган танга. Кумуш.	—«—		—«—	гМИИ 16312/3854	
48.	Гиркод туркуми тангалари. Милодий I—IV аср	—«—	—«—	—«—		
49.	Хўкмдорнинг боши			Зеймаль, 1978	гМИИ 1322/322	
50.	Танга. Кумуш	—«—	—«—	—«—	1321/321	
51.	Пластина. Қанотли сфинкс ўсимлик орасида тасвирланган нақш	—«—	—«—	—«—	—«—	
52.	Пластина. Ҳимлик— стилизиция қилинган нилуфар	—«—	—«—	—«—	—«—	
53.	Пластина. Ҳимлик— стилизиция қилинган нилуфар				—«—	
54.	Кўзу. Қўйма бронза	Дўрмон қабристон	—«—	—«—		
55.	Бош кийимдаги ёништирма безак					
56.	Белбоғ тўплами. Кумуш. Богланган, парчинланган.	—«—	7	—«—		
57.	Тўқати қисқич	—«—	1	—«—		
58.	Кўкрак нишони	—«—	1	—«—		
59.	Портупея илгаги					
60.	Пластина. Осма қайиш					Е. В. Зеймаль. Раннесоғдийские монеты с изобр. Геракла и Зевса — СГЭ, вып. XXXVII. — Л., 1973, с. 68-73.
61.	Тўқати осма қайиш пластинаси	Дўрмон қабристон				Е. В. Зеймаль. Ку- шалские монеты из собр. ГЭ — ТГЭ, т. IX. — Л., 1972.

62.	Сопол буюм учун штамп. Негатив штампдан олинган позитив нуска	Пойкент. IX-X асрлар				Е.В. Зеймаль Начальный этап денежного обращения Трансоксаны. — Сб. Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток. —М., 1983, с. 61-80.
63.	Сопол буюм учун штамп	—«—				Е. В. Зеймаль. Политическая история древней Трансоксаны по нумизматическим данным. Культура Востока. Древность и раннее средневековье. —Л., 1978.
64.	Хивадagi безаклар хазинаси. 1873 й. Олтин, кумуш			1873 йилги Хива юришидан кейин	ДЭ	А. Ю. Якубовский. Тр. ОВ.
65.	Веселовский коллекцияси			Веселовскийнинг хушасий коллекцияси 1885-1895 йй.	—«—	—«—
66.	Мирзо Бухорий коллекцияси			Самарқандда 1888-1889 йй да сотиб олинган.	—«—	—«—
67.	В. В. Бартольднинг Афросиёда утказган қазилмаларидаги буюмлар	Самарқанд		В. В. Бартольд, 1904	—«—	—«—
68.	Бухоро амрининг совгалари			Бухоро амрининг мулки. 1910-1911 йиллар	—«—	—«—
69.	Штиглицининг собиқ музейидаги кошнлар, сопол идишлар, ғиламлар, газлама ва бошқа буюмлар			Собиқ музейдан	—«—	—«—
70.	Рус музейидаги кошнлар, сопол ва бошқа буюмлар			Рус музейи, 1930 йилда топширган	—«—	—«—
71.	С. М. Дудин ғиламлари коллекцияси			Дудин коллекцияси томондан 1936 й. сотиб олинган	—«—	—«—
72.	Б. Н. Кастальский коллекцияси (стелок ва б.)			1937 й. сотиб олинган	—«—	—«—
73.	Айригандан топилган машшоқлар ўйма фризги			Ўз ССР ҳукумати 1938 й. ҳада этган	—«—	—«—



74.	Урганч материаллари			1928-1929 йй. арх. экс.	-«-	— « —
75.	Зарафшон экспедицияси 1934 йй. материаллари			Зарафшон арх. экс. 1934 йй.	-«-	-«-
76.	Варахшадаги археологик материаллар	Бухоро яқинида		В. А. Шижкин- нинг 1937-1938 йй. арх. экс.	—«—	«
77.	Тали-Барзу материаллари			Г. В. Григорьев (1935-1936 йй.)	-«-	-«-
78.	Сўтадан топилган терракота			1939 йй.		А. В. Якубовский. Тр. ОВ. Т.2 Краткий полсвой отчет о работах Зарафшан. Арх. экс НИМК. 1939 г.
79.	Остадон, шу жумладан остадини Биянайман бўлаклари	Афросиёб	700 бў- лак	Кастальский коллекцияси		А. Я. Борисов. К истолкованию изображений Биянайманских оссуариев. Тр. Ов. Т. 2.
80.	Варахшадан топилган жо- нворлар. Кушлар, одам юзлари тасвирли ўйма буюм			М. Е. Массон. 1932-1933 йй.	—«—	Тр. ОВ. Т. 2.
81.	Самарқанд (Афросиёб)даги топилган ўчоқлар, ўйма тошлар. Ойна, майда муночоқлар. Бронза буюмлар, суюк, тошлар			—«—	—«—	—«—
82.	Лойдан ишланган буюм, фриза, ҳайкалчалар, ўнг қирроқ Хоразм рангтаصري				-«-	—«—
83.	Шоҳ тасвири туширилган хум бўлаги	Тали-Барзу терракота			—«—	—«—
84.	Афросиёб ойнаси. Сопол					В. Л. Вяткин. Афрасиёб— городище бывшего Самарканда
85.	Восифий мемуарлари матнлари қўлёзмалари		4		СССР ФА Шарқшуносл- лик институ- ти, С-Пб	А. Н. Болдырев Мемуары Зайнид- дина Восифи, Тр. ОВ. Т.2.
86.	Восифий мемуарлари қўлёзмалари		1	В. А. Вяткиндаги 1901 йй. сотиб олинган	С-Пбдаги Давлат Халқ кутубхонаси	Тр. ОВ. Т.2.
87.	Остадонлар бўлаклари				ДЭ, № СА-В 710	Л. В. Павчинская Канд. дисс.
88.	Бодхисатва бошининг барельефи. № 104		1		ВНИИПР	Культура и ис- кусство древнего Узбекистана. Каталог выстав- ки. М., 1991.

89.	Будда персонажи ҳайкалининг боши бўлаклари		2		-«-	-«-
90.	Будда қиёфаси ҳайкали		1		-«-	-«-
91.	Будда персонажи боши		1		ГМНИВ	-«-
92.	Реликварий № 110		1		-«-	-«-
93.	Будданинг деворий рангтаصري ва роҳиблар № 111				ВШНИР	-«-
94.	Идиш деворидаги нақш № 196. Гераклининг боши		1		ЛОИА	-«-
95.	Бодхисатва ҳайкали № 197		1		-«-	-«-
96.	Аёл ҳайкали. № 199		1		-«-	-«-
97.	Флейтаси бор машшоқ ҳайкали, № 202				-«-	-«-
98.	Антиоқ тангаи, Кумуш. № 205.		1		ГМНИВ	-«-
99.	Танга. Кумуш. № 212.	Бухоро вилояти	1		-«-	-«-
100.	Гиржор серияси тангалари № 227, 228, 229, 234, 235, 236, 237.		7		-«-	-«-
101.	№ 238, 239, 239, 239				-«-	-«-
102.	Шиллар № 409	Дурмонтепа	1		-«-«-	-«-
103.	Ўроқ. № 409.		1		-«-	-«-
104.	Қопқоқли оstdонлар № 470		1		-«-	-«-
105.	Сўғд тангалари. Кумуш.	Тали-Барзу		Григорьев маҳаллий аҳолидан сотиб олган, 1939 й.	ГЭ	Г. В. Зеймаль. Тали-Барзуйский клад монет с изобр. лучников.
106.	Нурота мрамаридан ишланган ўйма нақшли идиш			Самарқанд музейи совғаси. 1964 й.	ГЭ	Сообш ГЭ. Т. XXXIV. Рактина К. Сообш. ГЭ, XXXII. 1971.
107.	Сўғд терракотлари				ГЭ, ПИМ МВК	В. А. Мешкерис. Согдийская терракота. Изд-во «Дониш», Душанбе, 1989.
108.	Варақша	Варақшадаги сарой монументал нақши ларчаси			ГЭ	

## Қисқартмалар рўйхати

ВНИИР	— Бутуниттифоқ таъмирлаш илмий-тадқиқот институти (Москва)
ГМИНВ	— Шарқ халқлари тарихи Давлат музейи(Москва)
ГЭ	— Давлат Эрмигажи
ИА	— Археология институти (Москва)
ИИМКРАН	— Россия ФА моддий маданият тарихи институти (С-Пб.)
ИЭ	— Этнография институти
ЛОИА	— Археология институтининг Ленинград бўлими
МГУ	— Москва Давлат университети
КИДУ	— Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки. Т. 1—2.
КСИИМК	— Краткие сообщения института истории материальной культурм.
СГЭ	— Сообщения Государственного Эрмигажа.
ТТЭ	— Труды Государственного Эрмигажа.
Тр. ОВГЭ	— Труды отдела Востока Государственного Эрмигажа.
ИМКУ	— История материальной культуры Узбекистана.
СА	— «Советская археология».
КСИА	— Краткие сообщения института археологии.

---

---

**Фойдаланилган ва тавсия этилаётган  
Адабиётлар рўйхати**

1. «Авесто». –Т.: «Шарқ», 2001.
2. Қуръони Карим. – Т.: «Шарқ», 2007.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.
4. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997., 9-сон.
6. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997., 9-сон.
7. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
8. Каримов И. Ўзбекистоннинг келажакги буюклигига ишончим комил // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
9. Каримов И. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
10. Каримов И. Йўлимиз – мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
11. Каримов И. Ислоҳотлар мезони – одамлар ҳаётидаги ўзгаришлардир// Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
12. Каримов И. Улугбек руҳи барҳаёт //Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
13. Каримов И. АҚШда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносининг очилиши ва элчихона номидан ўтказилган қабул маросимида сўзланган нутқ.// Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон». 1997.
14. Каримов И. Ўзбекистонда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция имкониятлари бўйича ўтказилган конференцияда сўзланган нутқ. //Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
15. Каримов И. Ислоҳотлар йўлида қатъиятли бўлиш – бугунги кун тала-

- би. //Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
16. Каримов И. Тошкентдаги чет эл дипломатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган брифингда сўзланган нутқ. / / Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
17. Каримов И. Қонунларимиз халқ манфаатларига хизмат қилсин. // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
18. Каримов И. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
19. Каримов И. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
20. Каримов И. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши маросимидаги табрик сўзи//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
21. Каримов И. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанаси маросимидаги табрик сўзи//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
22. Каримов И. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзи// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
23. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
24. Каримов И. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999.
25. Каримов И. Шаҳидлар хотираси – мангу барҳаёт//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
26. Каримов И. Халққа хизмат қилиш – олий бахт//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон». 2000.
27. Каримов И. Олий Мажлис V сессияси фойесида журналистлар билан бўлган суҳбатдан//Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.
28. Каримов И. Халқ-қаҳрамон, халқ хотираси олдида доимо бонш эгамиз... // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.

29. Каримов И. Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ//Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.
30. Каримов И. Жайхун соҳилидаги беқиёс шаҳар. //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: «Ўзбекистон», 2002.
31. Каримов И. Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари//Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
32. Каримов И. Буёқ алломага эҳтиром. Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимдаги сўз. 2003 йил 27 ноябрь. //Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжамиятимизга ва қатъий продамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: «Ўзбекистон», 2004.
33. Каримов И. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифаси// Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.
34. Каримов И. Империя дарида бундай инсонни дарамади одамлар, деб ҳисоблашар эди// Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
35. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: «Ўзбекистон». 2005.
36. Каримов И. Кўҳна Самарқанднинг боқий овози//Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: «Ўзбекистон».
37. Каримов И. Шарқ гавҳари, замин сайқали//Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.
38. Каримов И. Муаззам ва мукаррам шаҳар шодийнаси. //Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсади. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.
39. Каримов И. Тинч-осойишталик ҳаётни қадрлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш – барчамизнинг асосий вазифамиз. //Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсади. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.

40. Каримов И. Ўзбек халқининг ислом маданиятининг ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. //Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.
41. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ// Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.
42. Каримов И. Бунёдкор халқимиз азму шижоатининг амалдаги ифодаси //Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.
43. Каримов И. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси жамоасига //Жамиятимизни эркинлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча кишиларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.
44. Каримов И. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. «Халқ сўзи», 2007. 8 декабрь.
45. Ўзбекистон Республикаси Президентни Ислом Каримовнинг НАТО/СЕАП саммитидаги нутқи. Бухарест шаҳри. 4 апрель 2008 йил. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
46. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.
47. Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқоролук жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир// «Халқ сўзи». 2009 йил 6 декабрь.
48. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий ниқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнишг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.
49. Каримов И. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз // Халқ сўзи. 2011 йил 9 апрель.
50. Абдулғафур Бухорий. Бухоронинг бетакрор бойлиги//Тафаккур. 2009, 1-сон.

51. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2003.
52. Абу Али ибн Сино. Саломон ва Ибсол. –Т.: 1980.
53. Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар. –Т.: «Фан», 1963.
54. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Т.2. –Т.: «Фан», 1965.
55. Абу Райҳон Беруний. Геодезия. Т.3. –Т.: «Фан»1965.
56. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: «Ёш гвардия». 1973
57. Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат. –Т.: «Фан», 1993.
58. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). – Т.: «Янги аср авлоди», 2004.
59. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. –Т.: «Адолат», 2005.
60. Абдуллоҳ Абулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. –Т.: 2007.
61. Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. –Т.: «Фан», 2002.
62. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). –Т.: «Камалак», 1995.
63. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. –Т.: «Академия», 2003.
64. Алимасов В. Гендер фалсафаси. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ». 2009.
65. Алишер Навоий. Насоийим ул-муҳаббат мин шаймоийим ул-футувват. Т.17. –Т.: «Фан», 2001.
66. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. –Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1991.
67. Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.У., Мэрфи Д.М. Могильник Шагым – новый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы // АИ в 2005 г. Ташкент, 2006.
68. Амбарцумян В.А. Проблемы происхождения звезд//Природа, 1952, 9-сон.
69. Амир Темур – фахримиз, ғурурмиз. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
70. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўл. –Т.: «Фан», 1992.
71. Амир Темур. Тузуқлар. –Т.: «Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1996.
72. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б., Хушваков И.О. Новые исследования палеолита в Ахангаране (Узбекистан). –СПб.: 1995.
73. Аночкин А.А., Гладышев С.А., Борисов М.А., Семин А.А. Археологическая разведка в районе хребта Байсун-Тау (Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск: Изд. Ин-та археологии и этнографии СО РАН. 2003. –Т.: IX.



74. Анорбоев А.А., Исмоилов У.И., Матбобоев Б.Х. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. –Т.: 2001.
75. Аскарлов Л.А., Буряков Ю.Ф. Некоторые итоги и перспективы развития археологии в Узбекистане // СА. М., 1978. №2.
76. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т.: «Ўқитувчи», 1994.
77. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. –Т.: «Ўқитувчи», 1991.
78. Бегматов А., Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият. –Т.: 2002.
79. Бердимуродов А.С., Раимкулов А.А., Холматов М., Франческини Ф., Мангеллини О. Результаты исследований узбекско-итальянских экспедиций в Самаркандской области//Археологические исследования в Узбекистане в 2003 г. –Т.: 2004.
80. Бернштам А.Н. Древняя Фергана. –Т.: 1951.
81. Беруний А.Р. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т.1. –Т.: «Фан», 1968.
82. Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-том. –Т.: «Фан», 1968.
83. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-Касъма ибн Хаукала // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV. Ташкент, 1957.
84. Бируни Абу Райхан. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). –М-Л.: 1963.
85. Беленицкий А.М.. Вопросы идеологии и культов Согда по матерналам пянджикентских храмов//В кн.: Живопись Древнего Пянджикента. –М.: 1954
86. Богданова-Березовская И.В. Химический состав металлических изделий Ферганы эпохи бронзы и железа//МИА. –М.: Л., 1962. №118.
87. Бозорбоев Ж. Етти донишманднинг бири. //Тафаккур, 2009, 1-сон.
88. Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака (V - начало XIII вв.). –М.: 1974.
89. Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. –Т.: «Фан», 1973.
90. Бухорий С.С. Дилда ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд): Бадиа. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
91. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. –Т.: «Ёзувчи», 1994.
92. Валихўжаев Б, Зоҳидий А. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний – Маҳдуми Аъзам. –Т.: 1993.
93. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

94. Ватан юракдаги жавоҳир. – Т.: «Ўқитувчи», 2001.
95. Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. –СПб.: 1996.
96. Вундт В. Введение в философию. –М.: 1998.
97. Гафуров Б.Т. Кушанская эпоха и мировая цивилизация//Центральная Азия и Кушанскую эпоху.Т.1. –М.: 1974.
98. Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2006.
99. Гришина О.Ю. К выделению локальных фаций эпох среднего палеолита Ташкентского оазиса//Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. –Новосибирск, 2002.
100. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. –Т.: «Фан», 2007. –500 бет.
101. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. –Т.: «Ёзувчи», 1996.
102. Дадаева Ф. Хужжатлар мозийдан сўзлайди//«Моҳият» газетаси. 2009 йил 4 сентябрь.
103. Деревянко А.П. и др. Ранний верхний палеолит Узбекистана: индустрия грота Оби-Рахмат (по материалам слоев 2-14) // Археология, этнография и антропология Евразии 4 (8). –Новосибирск, 2001.
104. Деревянко А.П. и др. Новые данные о палеолитических индустриях пещеры Пальтау (Республика Узбекистан)// Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. –Новосибирск, 2002.
105. Деревянко А.П., Исламов У.И., Кривошапкин А.И., Колибоева К.А., Фляс Д. Қадимги ва ўрта асрларда Чоч-Тошкент шаҳрининг археологияси ва тарихи//Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция маърузалари. –Т.: «Фан», 2009.
106. Деревянко А.П., Колобова К.А., Исламов У.И., Фляс Д., Павленок К.К. Новый верхнепалеолитический памятник в долине реки Ахангаран (Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии и антропологии Сибири и сопредельных территорий: Материалы годовой сессии ИАЭТ СО РАН. 2007. Т. 13. Ч.1.
107. Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Новосибирск: Изд. Ин-та археологии и этнографии СО РАН. 2003. Т. IX.
108. Джаббаров И. Узбеки. –Т.: 2007.
109. Джумабаев Ю.Д., Мамедов Ш.Ф. Этическая мысль в Средней Азии в IX-XV вв. –М.: МГУ, 1974.

110. Дуке Х.И. К вопросу о бургулюкской культуре // ОНУ. Ташкент, 1976 № 8.
111. Дуке Х.И. Туябугузские поселения бургулюкской культуры. Ташкент, 1982.
112. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. – Т.: «Чўлпон», 2008.
113. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: «Меҳнат», 2001.
114. Жалолов А. Гегель. –Т.: «Фан», 1976. 48 бет
115. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: 2008.
116. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. М. – Л., 1962. № 118.
117. Заднепровский Ю.А. К истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии // КСИА. Вып. 167. М., 1981.
118. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. –Бишкек, 1997.
119. Заднепровский Ю.А. Чустская культура в Ферганской долине // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. –М.: 1966.
120. Заҳрирiddин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: «Юлдузча», 1989.
121. Зияев Ҳ. Волга ва Урал бўйи ўзбеклари. //Фан ва турмуш. 1972, 1-сон.
122. Ибн Сина. О душе//Человек. Мыслители прошлого и настоящего. – М.: 1991.
123. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. –Т.: «Шарқ», 2007.
124. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (Периодизация и синхронизация): Автореф. дис... канд. ист. наук. Самарканд, 1999.
125. Ивин А. Философия истории. –М.: «Гардарики», 2000.
126. Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати. –Т.: «Фан», 1976.
127. Илоҳий ҳадислар. –Т.: «Бехзод», 1994.
128. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ: фалсафий ва ҳуқуқий масалалари. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2009.
129. Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры самаркандского Согда (Проблема взаимодействия культурных традиций в периоды раннежелезного века и античности): Автореф. дис... докт. ист. наук. Самарканд, 2000.
130. Исламов У. Пещера Мачай. –Т.: «Фан», 1975.
131. Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита в Узбекистане//Каменный век Средней Азии и Казахстана. Ташкент, 1972.
132. Исламов У.И. Мезолитическая стоянка Кушилиш под Ташкентом // ОНУ. 1970. № 7.

133. Қабохат салтанати. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
134. Карабаев У.Х. Этнокультура. – Т.: 2005.
135. Каримов И.К. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. –Т.: 2001.
136. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. –Т.: «Ўқитувчи», 1997.
137. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. –Самарқанд: «Сувғиёна», 1994.
138. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: «ТИУ», 2001.
139. Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2006.
140. Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана (по материалам многослойной палеолитической стоянки Кульбулак): Автореф. дис... докт. ист. наук. Новосибирск. 1990.
141. Клавдий Элиан. Древние авторы о Средней Азии. –Т.: «Госиздат», 1940.
142. Конрад Н. О смысле истории: Запад и Восток. –М.: 1972.
143. Кочнев Б.Д. Мавераннахр накануне создания Западного Караханидского каганата//ИМКУ, Вып. 31. Самарқанд, 2000.
144. Крахмаль К.А. Условия залегания памятников палеолита в верховьях Чирчика // ИМКУ. Вып 31. Ташкент, 2000.
145. Кривошапкин А.Н., Милютин К. и др. Новые верхнепалеолитические стоянки в бассейне реки Пальтау (Республика Узбекистан) // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2006.
146. Кузьмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века в Средней Азии -7 САП. Вып. 4-9. М., 1966.
147. Латвийский Б.А., Окладников А.П., Ранов В.А. Древности Каирак-Кумов. (Древнейшая история Северного Таджикистана). –Душанбе: 1962.
148. Левин Л., Карлайд Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
149. Мавлоно Муҳаммад қози. Хукмдорга ўғитлар. – Т.: «Шарқ», 1999.
150. Маматмуродова Ҳ. Ёш олимлар интирокида// «Моҳият» газетаси. 2009 йил 16 октябрь.
151. Мансуров Р. Мозий билан сирлашаётган обидалар// «Халқ сўзи». 2009 йил 21 февраль.
152. Массон В.М. Изучение энеолита и бронзового века Средней Азии // СА. –М.: 1957. № 4.
153. Матбабаев Б.Х. Некоторые итоги сравнительного изучения росписной керамики чувшской культуры // ИМКУ. Вып. 30. Самарқанд, 1999.
154. Материалы докладов посвященных 1000-летию Хорезмской академии Маъмуна и 2700-летию г.Карши. – Т.: «Фан», 2006.

155. Маҳкамов У. Ахлоқ, одоб сабоқлари. – Т.: 1994.
156. Минг бир рубойи. – Т.: «Фан», 2009.
157. Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг маърузаси. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.
158. Мир философии. Ч.1. –М.: 1991.
159. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. –Т.: 1996.
160. Муродова Д.Х. Марғилон – буюк ипак йўли тизимида//Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2007.
161. Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. –Т.: «Ёзувчи», 1993.
162. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004.
163. Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. –Т.: «Мовароуннаҳр», 1993.
164. Муҳамедов Ф. Умри боқий илмий мактаблар//Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. –Т.: «Ўқитувчи», 2008.
165. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т.: «Фан», 1993.
166. Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства. –Т.: 1973.
167. Насавий А. Зиёдагул-ҳақойиқ. –Т.: «Маънавият», 1998.
168. Насретдинов Х.К. Пещера Ак-Таш-палеолитическая стоянка под Ташкентом // ОНУ. 1963. № 6.
169. Насретдинов Х.К. Ходжакентская пещера № 1- мустьерский памятник близ Ташкента // ОНУ. 1962. № 4.
170. Окладников А.П. Амир Темир, новый памятник каменного века в горах Байсунтау (Узбекистан) // КСИ-ИМК. 1940. №VI.
171. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) // Тешик-Таш. Палеолитический человек. –М.: МГУ, 1949.
172. Окладников А.П. Ходжакентская пещера – новый мустьерский памятник Узбекистана // КСИА. Вып. 82. –М.: 1961.
173. Олимат ул – Банот. Муошарат одоби. –Т.: «Меҳнат», 1991.
174. Оманжулов Т. Новая пещерная стоянка мустьерского времени в Узбекистане // ИМКУ. Вып. 17. –Ташкент, 1982.
175. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. –Т.: 1997.
176. Отамуротов С., Отамуротов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: 2003.

177. Парфенов Г.В. Каменный период Сурхандарьшской области УзССР (по материалам к археологической карте УзССР). Термез, 1941, 23 п.л. (рукопись, архив Археологического музея, г. Термез (Узбекистан), дело № 167).
178. Рахимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив материалларидан фойдаланиш. –Т.: «Ўқитувчи», 1995.
179. Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача. Вторая половина III - середина VIII вв. Ташкент. 2006.
180. Рузанов В.Д. История древней металлургии и горного дела Узбекистана в эпоху бронзы и раннего железа: Автореф. дис... канд. ист. наук. –М.: 1982.
181. Рузанов В.Д. К вопросу о металлообработке у племен чувствской культуры//СА. М.,1980. № 4.
182. Сагдуллаев А.С., Костецкий В.А., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Шарқ», 1999.
183. Садриддин Салим Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар. – Т.: 1993.
184. Сайфуллаев Б.К., Жушваков И.О., Курбонбоев И.М. О позднем палеолите Узбекистана (по результатам новых технико-технологических исследований верхних (I-III) слоев Кульбулака) // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2006.
185. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: 2002.
186. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т.: «Шарқ», 2002.
187. Современная философия науки. –М.: 1996.
188. Солий Ҳасаний. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. –Т.: 1996.
189. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Самарканд – Ташкент. –Т.: «Фан», 2000.
190. Сухарева О. К истории городов Бухарского Ханства//Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. XXI.
191. Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зерафшана. –Т.: 1980.
192. Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зеравшана. – Т.: «Фан», 1980.
193. Теория литературы. Т.4. – М.: 2001, 4-том.
194. Тереножкин А.И. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса // Древняя и средневековая культура Чача. –Т.: 1979.
195. Тиллабоев С. XIX аср охири – XX аср бошларида Марғилон//Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. –Т.: «Фан», 2007.
196. Токарев А. Религии в истории народов мира. –М.: 1964.

197. Трофилова Е.О. ЮНЕСКОнинг «Фалсафа. Эркинлик мактаби» тадқиқоти таҳлили. Вопросы философии. 2008 йил 10-сон.
198. Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.: «Мерос», 1994.
199. Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: «Шарқ», 2005.
200. Усмонов М. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1968.
201. Уотт У.М. Влияние Ислама на средневековую Европу. –М.: 1976.
202. Йўлдошев С. Антик фалсафа. – Т.: 1999.
203. Йўлдошев С, Усмонов М., Каримов Р ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарб Европа фалсафаси. –Т.: «Шарқ», 2002.
204. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. –Т.: 1996.
205. Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. –Т.: «Фан», 1956.
206. Ўзбекистон халқлари тарихи. Т. 1, 2. –Т.: «Фан», 1992.
207. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2007.
208. Ўрта Осиё олимлари қомуси. –Т.: «Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти», 2007.
209. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. –Т.: «Фан», 1990.
210. Файзиев Т. Мирзо Улугбек авлодлари. –Т.: «Ёзувчи», 1994.
211. Файзуллаев О. XX аср зиёлилари. – Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2008.
212. Фалсафа энциклопедик луғат. – Т.: «ЎМЭ», 2010.
213. Фараби. Существо вопросов// Антология мировой философии. – М.: 1969. Т.1. Ч.2.
214. Федеренко Е.Г. Марксча-ленинча этика асослари. –Т.: «Ўқитувчи», 1976.
215. Филанович М.И.Ташкент: зарождение города и городской культуры. –Т.: 1983.
216. Филанович М.И., Дуке Х. О древнейшем поселении на Шаштепа в Ташкенте V ИМКУ. Вып. 24. Ташкент. 1990.
217. Фирдавсий. «Шоҳнома»// Эпос. «Ёш гвардия», 1967.
218. Фрагменты ранних греческих философов. Ч.1. –М.: «Наука», 1989.
219. Хантов Ш.И. Муроса фалсафаси ва Ўзбекистонда сайлов тизими динамикаси // Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожининг истиқбол. – Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2007. 144-148 бетлар.
220. Хантов Ш.И. Муроса ва халқаро нодавлат ташкилотлар/Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ: фалсафий ва ҳуқуқий масалалари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. 54-58 бетлар.
221. Хантов Ш., Хантова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари (альбом схема). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009.

222. Хаитов Ш.И. Мурота ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2010.
223. Хаитов Ш.И. Шахс мурота фалсафаси. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2010.
224. Хаитов Ш.И. Мурота и введение в историю философии Узбекистан. Уфа: «БГПУ», 2010.
225. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарҳ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон», 1971.
226. Хайруллаев М. Форобий. –Т.: «Ўзбекистон», 1991.
227. Хидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. –Т.: «Ўқитувчи», 1992.
228. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. –Т.: «Адолат». 2004.
229. Холматов Н.У. Коратепа тош даври жомолари моддий маданияти (Ўрта Зарафшон) // ИМКУ. 35-сон, – Т.: 2006.
230. Холматов И.У. Очилғор макони талқиқотлари // Ўзбекистонда археологик талқиқотлар – 2004-2005. – Т.: 2006.
231. Ҳазрати Занги ота ҳаётларида лавҳалар. –Т.: ТИУ, 2008.
232. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавоимартилик тарихати. –Т.: 1994.
233. Ҳамидхон Исломиий. Ифор ҳид ила туғилган ориф (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: 1995.)
234. Ҳамидхон Исломиий. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Т.: «Фан», 2005.
235. Ҳамидхон Исломиий. Нажмиддин Кубро. –Урганч: «Хоразм», 1995.
236. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. –Т.: 1981.
237. Ҳидоятлов А. Моя родная история. –Т.: «Ўқитувчи», 1990.
238. Ҳомер. Илиада. –Т.: «Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1988.
239. Чач в системе ценностей согдийской культуры // Материалы научной конференции «Чач-Бинкат-Ташкент. Историческое прошлое и современность». – Т.: 2007.
240. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2004.
241. Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд қирқ ривоят. –Урганч: «Хоразм», 2006.
242. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. –Т.: 1993.
243. Шамсуддинхон Бобохонов. Сўймас зиё. –Т.: «Маънавият», 1998.



244. Шарқ миннатураси ва адабиёти. –Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1987.
245. Шарқшунослик. –Т.: «Минҳож», 7-сон, 1996.
246. Шермухамедов С.Ш. Қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни. –Т.: 1995.
247. Шпенглер О. Закат Европы. –М.: 1993.
248. Энг катта бойлигимиз – тинчлик ва барқарорликни асрайлик. –Т.: 2006.
249. Энциклопедик луғат. Икки томлик, 2-том, –Т.: «Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси», 1990.
250. Эркаев А. Маънавият-миллат нишонни. –Т.: 1999.
251. Юридик қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2007.

**ЖУРНАЛЛАР:** «Фалсафа ва ҳуқуқ», «Тафаккур», «Фан ва турмуш».

**ГАЗЕТАЛАР:** «Халқ сўзи», 2007 йил 5 апрель; 2007 йил 17 август; 2009 йил 18 июль; 2009 йил 19 август; 2009 йил 26 август; 2009 йил 27 август; 2009, 12 август; 2008 йил 11 ноябрь; 2009, 18 август; 2009 йил 3 июль; 2009. 24 март;  
 «Ишонч». 2009 йил 12 сентябрь; 2008 27 сентябрь; 2008 йил май;  
 «Моҳият», 2009 4 сентябрь;  
 «Аргументы и факты». № 28., 2009. С.14, № 26., 2011.

**ИНТЕРНЕТ САҲИФАЛАР:** [http://en.wikipedia.org/wiki/Central\\_Asia](http://en.wikipedia.org/wiki/Central_Asia).  
<http://www.calend.ru/holidays/8-12/>  
[www.pv.uz](http://www.pv.uz)

*Шўро даврида унутилган  
қадриятларимиз, номи қораланган  
бобокалонларимизнинг дурдона  
сўзларини биз оби кавсардек  
кўзимизга сўршмоқдамиз.  
Ўйлайманки, биз нимага эришган  
бўлсак, ана шу савобли ишларимиз  
учун Аллоҳнинг бизга инъом этган  
марҳаматидандир*

**Ислом Каримов**

## МУНДАРИЖА

Муросанинг макон ва замондаги логикаси .....	3
Сўз боши .....	11
Муаммонинг қўйилиши (Кириш ўрнида) .....	18

### **I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОНТИДА ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ**

Авесто – жаҳон ва Ўзбекистон фалсафа тарихи шаклланишининг илк ёзма манбаи .....	51
Қуръон – жаҳон фалсафасини, хусусан, Ўзбекистон фалсафа тарихини асослашда зарурий манба .....	63
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ғоя ва Ўзбекистон фалсафа тарихи масалалари .....	75
Ўзбекистон фалсафа тарихида олим-уламолар инсбасини илмий тилда изоҳлашнинг ўзига хос муаммолари .....	87
Ислом Каримов фалсафа фанининг жамият равнақидаги ўрни тўғрисида .....	97

### **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК, ТАРИХИЙ-ҲУДУДИЙ, ҒОЯВИЙ-ДИНИЙ МАНБАЛАРИ**

Инсоният цивилизациясининг шаклланишида Ўзбекистондаги табиий-географик шарт-шароитнинг ўзига хослиги .....	111
Ферғанонининг Монголоид, Европондлар ва Америка қитъаси халқлари шаклланишидаги ўрни .....	113
Тадқиқот объектининг моҳиятини очишда тарихий-ҳудудий бирлик муаммолари .....	127
Ўзбекистон ҳудудида ёзув фалсафаси генезиси ва унинг жаҳон цивилизациясидаги аҳамияти .....	139

### **III БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОНТИДА ЖАҲОН ФАЛСАФА ТАРИХИ ТАДҚИҚИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Фалсафанинг инсоният цивилизациясидаги ўрни, роли ва аҳамияти .....	149
--	-----

Ҳозирги макон ва замонда фалсафа фани структурасидаги баъзи бир масалалар .....	155
Фалсафанинг кўрсатиш методи ва Ўзбекистон фалсафа тарихини тадқиқ қилишнинг айрим масалалари .....	157
Фалсафа тарихи масалалари талқинига янгича қарашлар .....	163

***IV* БОБ. МИЛОДДАН ОЛДИНГИ X АСРДАН МИЛОДИЙ  
VII АСРГАЧА ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ**

Зардуштнинг фалсафий қарашлари .....	180
Турон замин фарзанди Анахарсис – биринчи файласуф .....	188
Алп Эртўнга (Афросиёб) фалсафаси .....	199
Спитамент фалсафаси .....	203
Малика Тўмарис биринчи файласуф аёл .....	205
Широқнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари .....	210

***V* БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ ШАКЛЛАНИШИДА  
ПОЛОТЕНЗМНИНГ ЎРНИ, РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

Турон замида фалсафанинг умумийлик, хусусийлик, яккалик категорияларининг диний мунособатлардаги ўзига хослиги .....	213
Ўзбекистон – буддизм фалсафасининг Хитой ва Японияга тарқалишида ягона замин .....	218
Турон замидаги диний толерантлик ва яҳудийлик .....	221
Моний Фатак фалсафаси .....	224
Маздак фалсафаси .....	225

***VI* БОБ. ТУРОН ЗАМИНДА ИСЛОМ ДИНИ ВА  
ФАЛСАФАСИ ДИНАМИКАСИ**

Малика Қабаж хотун фалсафаси .....	230
Ўзбекистон фалсафа тарихи ва Мовароуннаҳрда ислом фалсафасининг ўзига хослиги .....	235

***VII* БОБ. ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ АКАДЕМИЯЛАР**

Зардушт халқаро фалсафа академияси .....	243
--	-----

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғнийра ал-Бухорий халқаро фалсафа академияси .....	246
Сомонийлар халқаро академияси .....	249
Руҳайдан Даврон Термизий аёллар фалсафа академияси .....	255
Абу-л Аббос Маъмун ибн Маъмун Хоразм халқаро фалсафа академияси .....	256
Мирзо Улуғбек халқаро академияси .....	263
Ўзбекистон Республикаси академиялари .....	268
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти .....	269

### *VIII* БОБ. ХАЛҚАРО ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАР

Халқаро фалсафий мактабларнинг пайдо бўлиш омили .....	274
Ўзбекистон халқаро фалсафа мактаблари .....	279
Самарқандийлар халқаро фалсафа мактаби .....	284
Бухорийлар халқаро фалсафа мактаби .....	289
Пойкандийлар халқаро фалсафа мактаби .....	295
Хивакнийлар халқаро фалсафа мактаби .....	304
Хоразмийлар халқаро фалсафа мактаби .....	309
Марғилонийлар халқаро фалсафа мактаби .....	311
Фарғонийлар халқаро фалсафа мактаби .....	315
Нахшабийлар ва насафийлар халқаро фалсафа мактаби .....	321
Касбавийлар фалсафа мактаби .....	328
Косонийлар фалсафа мактаби .....	329
Нурийлар фалсафа мактаби .....	332
Карминийлар фалсафа мактаби .....	335
Шошнйлар халқаро фалсафа мактаби .....	335
Термизийлар халқаро фалсафа мактаби .....	347
Зоминийлар фалсафа мактаби .....	350
Жиззахийлар фалсафа мактаби .....	352
Анджонийлар фалсафа мактаби .....	353
Дабусийлар фалсафа мактаби .....	360
Кошонийлар фалсафа мактаби .....	362

Ховасийлар фалсафа мактаби .....	367
Иштихонийлар фалсафа мактаби .....	367

**IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ХАЛҚАРО  
ХУСУСИЙ ФАЛСАФА МАКТАБЛАР**

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуф ибн Тархон ал-Форобий хусусий халқаро фалсафа мактаби .....	369
Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний халқаро хусусий фалсафа мактаби .....	373
Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий халқаро фалсафа мактаби .....	386
Хожа Аҳмад Яссавий халқаро фалсафа мактаби .....	387
Абдулхолиқ ибн Абдулжамил ал-Мутлатий ал- Ғиждувоний ал-Бухорий фалсафа мактаби .....	392
Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Нақшбандий ал-Бухорий Қасри халқаро фалсафа мактаби .....	394
Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий халқаро фалсафа мактаби .....	399
Аҳмад ибн Умар Абул-Жанноб Нажм ад-дин ал-Кубро ал-Хевақний фалсафа мактаби .....	401
Амир Темур фалсафаси .....	404
Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ас-Самарқандий - Хожа Аҳрор Валий халқаро фалсафа мактаби .....	413
Алишер Навоий хусусий фалсафа мактаби .....	415

**X БОБ. XIX–XX АСРДА ШАКЛЛАНГАН ВА  
РАВНАҚ ТОПГАН ФАЛСАФА МАКТАБЛАРИ**

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ фалсафа мактаби .....	421
Аваз Ўтар фалсафа мактаби .....	422
Анбар отин фалсафа мактаби .....	423
Академик Иброҳим Мўминовнинг халқаро фалсафа мактаби .....	424

**XI БОБ. XX АСР ОХИРИ ВА XXI АСР БОШЛАРИДА  
ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ ДИНАМИКАСИ**

Мустақиллик ва фалсафа мактаблари .....	444
Янги Ўзбекистон (Хулоса ўрнида) .....	446
Таянч сўзлар .....	463
1-илова: Элчилар тўғрисида жадвал .....	470
2-илова: Аждодларимизнинг нисбалари ва номлари .....	477
3-илова: Эътироф фалсафаси .....	491
4-илова: Ҳеч қаердан кам бўлмаган замин ва ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод фалсафаси .....	500
5-илова: Ўзбекистоннинг ташаббус фалсафаси .....	512
6-илова: Аждодларимиз интеллеktуал капиталининг хорижий давлатларда сақланиши .....	517
7-илова: Хорижий мамлакатларда сақланаётган темурийлар даврига оид экспонатлар рўйхати .....	521
8-илова: Ўзбекистон ҳудудидан топилган ва Россия ҳамда бошқа МДҲ мамлакатлари муассасаларида сақланаётган археологик топилмалар рўйхати .....	524
<b>Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>538</b>

---

# ҚАЙДЛАР УЧУН



ШАВКАТ ИШАНКУЛОВИЧ ХАЙТОВ

# Ўзбекистон фалсафа тарихи

*. Тошкент— «Noshir» — 2011*

*Муҳаррир Ш. Мансуров  
Бадиий муҳаррир Ш. Одилов  
Техник муҳаррир Д. Охунжонов*

Лицензия АІ №096 23.11.2007 й.  
Босишга рухсат этилди 13. 07. 2011. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times»  
гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табоқ 35,0. Нашр б.т. 37,2.  
Адади 1000 нусха. 39-сонли буюртма.

«NOSHIR» нашриёти.  
Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78-уй.

**УДК: 1(575.1)(09)**

**ББК 87.3(5Ў)**

**X-18**

**«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма  
корхонасининг босмаҳопасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78-уй.**